

Э. ҚОДИРОВ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУФБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ


Э. Қодиров

ОДАМ АНАТОМИЯСИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юргларнинг
биология факультетлари учун дарслик сифатида
тавсия этилгай*

262342

Тошкент 2003



i qachon qaram bo'lmaydi. 13-jild.- in. «Tafakkur» jurnali,
aqurlashtirish, ma`naviyatimizni yuks.
idir, 15-jild. - T.: O'zbekiston, 2007.

jilish va iqtisodiyotimizni barqaror r
yil.

ch va barqaror rivojlanishini ta'minlash – bizning o
ich. - Toshkent: Ma`naviyat, 2008.

ozi, O'zbekiston sharotida uni bartaraf etishning yo'hzetasi,
ini aks ettirish. - T.: O'zbekiston, 2009.

byillar.-T.: O'zbekiston», 2000 yil.

umoyillar va atamalar. (Qisqacha izoxli tajribaviy lug'at. T. «Yangi

i. O'Zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim bakalavriat bosqichi uchun dar.....

lar, quvonchlar. - T., Akademiya, 2001.

yo'llilar. (Oliy ta'lim muassasalari uchun qo'llanma).- T., Yangi asr avlodi.

illar. (Izohli ko'rgazmali vositalar to`plami).- T., Yangi asr avlodi, 2001.

Ma`naviyat, 2001:

nicha va tamoyillar. Uslubiy ko'rgazmali qo'llanma.-T., TDIU, 2001.

jarasi.- T., "Ijod dunyosi", 2002.

Ch'o'lnoq, 2003

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУФБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ


Э. Қодиров

ОДАМ АНАТОМИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус
таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юргарининг
биология факультетлари учун дарслик сифатида
тавсия этилгаи

262342

Тошкент 2003



НАФАС ОЛИШ АЪЗОЛАРИ ТИЗИМИ.....	172
Бурун бўшлиғи.....	173
Ҳиқилдок.....	174
Кекирдақ (трахея).....	177
Бронхлар.....	179
Ўпкалар.....	179
СИЙДИК ВА ТАНОСИЛ АЪЗОЛАРИ ТИЗИМИ.....	184
Сийдик ажратув тизими.....	184
ЖИНСИЙ (ТАНОСИЛ) АЪЗОЛАРИ.....	191
Эркаклар жинсий аъзолари.....	191
Аёллар жинсий аъзолари.....	197
ЭНДОКРИН БЕЗЛАР.....	204
ТОМИРЛАР ТИЗИМИ (АНГИОЛОГИЯ).....	219
ЮРАК.....	222
Юракнинг ўтказувчи тизими.....	227
Кичик қон айланиш доираси.....	228
Катта қон айланиш доираси.....	228
ВЕНА ТИЗИМИ.....	239
ЛИМФА ТИЗИМИ.....	245
ҚОН ЯРАТУВЧИ ВА ИММУН ТИЗИМ АЪЗОЛАРИ.....	247
НЕРВ ТИЗИМИ (НЕВРОЛОГИЯ).....	249
Нерв ҳужайраси (нейрон).....	250
Орқа мия.....	264
Бош мия.....	265
Бош ва орқа мия ўтказувчи йўллари.....	272
ПЕРИФЕРИК НЕРВ ТИЗИМИ.....	274
Бош мия нервлари.....	274
Орқа мия нервлари.....	278
Нерв тизимининг вегетатив қисми.....	282
ЭШИТИШ ВА МУВОЗАНАТ АЪЗОСИ.....	285
КЎРИШ АЪЗОСИ.....	287
Сезги аъзолари.....	290
Тери анализаторлари.....	290

СУЗ БОШИ

Ўзбекистон тараққиётнинг ўзи танлаб олган йўлидан субит-қадамлик билан илдам бормоқда. Мустақилликнинг ўтган йиллари воқеаларга бой бўлиб, миллий маънавиятимизни яратиш билан боғлик бир қатор ишлар амалга оширилди. Бу жараёнда давлатимиз олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари зимасига юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, олий таълим муассасалари талабалари учун ўзбек тилида дарслик ва ўқув қўлланмаларининг "янги авлоди"ни яратишдек муҳим ва улуғвор вазифалар юклатилган.

Маълумки, илгари яратилган "Одам анатомияси" дарслиги бу-гунга келиб давр талабига жавоб бермай қолди. Ҳолбуки кейинги 40-50 йил ичида "Одам анатомияси" фани бўйича катта илмий-назарий ва амалий ютуқлар қўлга киритилди. Ҳозирги вақтда одам организми аъзолари ва тизимларини морфофункция та-мойиллари асосида тадқиқ қилишга ва ўрганишга катта аҳамият берилмоқда.

Мазкур "Одам анатомияси" дарслиги олий ўқув юртларининг биология ва биология-тупроқшунослик факультетлари талабалари учун мўлжаллаб ёзилган бўлиб, кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва миллий таълим модели талаблари асосида яратилган давлат тилидаги биринчи дарслик ҳисобланали. Бу дарслик биринчи марта нашр этилаёттанилиги сабабли унда айрим камчилик ва нуқсонлар бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бинобарин, мазкур китоб хақидаги ўз фикр-мулоҳазалари ва истакларини билдирган ҳурматли мутахассисларга муаллиф ўз миннатдорчи-лигини билдиради.

"Одам анатомияси" таълимида расмлардан фойдаланиш энг самарали усуллардан ҳисобланади. Расмлар талабаларга мате-риални чуқурроқ ўзлаштиришларига ва билимларини мустаҳкамлашга кўмаклашади. Шунинг учун талабалар қўшимча дарслик, қўлланма ва атласларда келтирилган расмлардан ҳам фойдаланишлари зарур. Шу туфайли амалиёт дарсларида профес-сор Н.А. Аҳмедовнинг 1998 йилда нашр этилган "Одам анатомияси" дарслигидан кенгроқ фойдаланиш ҳам мақсадга муво-фиқдир.

Муаллиф.

ОДАМ АНАТОМИЯСИ ФАНИ ВА УНИ ҮРГАНИШ УСУЛЛАРИ

Одам анатомияси фани – одам танасининг тузилиши, ривожланиши, аъзолари ва тизимларининг функцияларини бир-бирига боғлаб үрганадиган фандир. Анатомия фанининг номи юонча (юонча) “anatomy” сўзидан олинган бўлиб, кесаман деган маънони билдиради. Анатомияда мурдани пичоқ билан кесиб үрганиш асосий усуллардан бири ҳисобланади.

Одам анатомияси фани биология фанининг бир қисми бўлиб, бошқа баъзи биологик фанлар учун асос бўлиб ҳисобланади. Анатомия фанини ўзлаштирмай туриб бу фанларни ўзлаштириш анча қийин бўлади. Буларга: антропология, умуртқалилар зоологияси, одам ва ҳайвон физиологияси, гистология, ривожланиш биологияси ва қиёсий анатомия фанлари киради. Булардан одам ва ҳайвон физиологияси, цитология, гистология ва индивидуал ривожланиш биологияси фанлари бир вақтлар одам анатомияси фанининг бир қисми деб ҳисоблаб келингган. Сўнгти вақтларда бу фанларнинг ривож топиши ва янги-янги маълумотларнинг кашф этилиши натижасида буларнинг ҳар бири ўзига хос мустақил фан бўлиб ажralиб чиққан.

Нормал анатомия фани бир нечта боблардан иборат бўлиб, ҳар бир боби одам танаси аъзоларининг маълум бир тизимини изоҳлаб беради. Тизимда аъзо ва тўқималар шакли, тузилиши, танада жойлашган ўринлари баён этилади. Сўнг аъзолар ва бошқа тизимларнинг ўзаро муносабатларини, уларнинг бир-бири билан боғланиш асосларини, тизимларнинг бир-бири билан функционал боғланишини, одам танасининг бир бутунлигини таърифлаб беради.

Одам анатомияси фани, айниқса, биология йуналишида умуртқали ҳайвонлар анатомияси билан боғлиқ ҳолда үрганиб келингган. Тарихий тараққиёт даврларида ҳам дастлаб мукаммал равишда ҳайвонлар танасининг анатомияси үрганилиб, сўнг одам анатомияси уларга таққослаб үрганилган. Умуртқалилар анатомияси билан одам анатомияси уртасида бир-бирига ўхшашликлар жуда кўп. Бу ўхшашликларни “Солиштирма анатомия” фани асослаб беради.

Одам анатомияси фани шартли равишда бир нечта тизимларга ажратиб үрганилади. Буларга қуйидагилар киради: сүяклар хақидаги таълимот – остеология, бўғимлар таълимоти – артробиология, мускуллар таълимоти – миология, ички аъзолар хақидаги таълимот – спланхнология, юрак-қон айланиши ва лимфа тизими таълимоти – ангидиология, нерв тизими таълимоти – неврология, сезги аъзолари хақидаги таълимот – эстезиология, ички секреция безлари хақидаги таълимот – эндокринология номлари билан юритилади.

Маълумки, ҳар бир фан ўзининг тараққиёт даврида қўлга кири-

тилган усуллари ёрдамида үрганилади ва ривожлантирилади. Дастрлабки усуллар ниҳоятда содда бўлган бўлса, кейинчалик янги-янги мураккаб усуллар пайдо бўла бошлайди. Одам анатомиясини үрганишда ҳам худди шундай жараёнлар кузатилган. Дастрлабки, қадимий усуллардан бири – бу мурдани кесиб ёриб үрганиш усули бўлиб, бу усул ҳозирги вақтда ҳам ўз моҳиятини йўқотмай, одам анатомиясини үрганишда асосий усуллардан бири ҳисобланиб келмоқда.

Микроскоп пайдо бўлиши билан одам аъзолари ва тизимларини микроскопик ва ультрамикроскопик текшириш усули ривожланиб кетди. Охиригина вақтда бундай усулларнинг сони ошиб бормоқда.

Пирогов томонидан яратилган мурдани музлатиб, сунг арралаб үрганиш усули. Бунда тана қисмлари қаватма қават арраланиб топографияси үрганилди. Инъекция усулида танадаги бўшлиқларга қон томирлари, без каналчаларига рангли кимёвий моддалар ёки эритилган парафин юбориб, уни қотириб үрганилди. Сунгти вақтларда рентген усули кенг кўлланилмоқда, эндоскопия усуллари, цитохимия-гистохимия усуллари шулар жумласидандир.

Анатомия фани фундаментал фанлар қаторига киради, уни ҳар томонлама мукаммал үрганиш ва билиш ҳар бир биолог ва, айниқса, тиббиёт соҳасидаги мутахассисларнинг бурчиdir.

АНАТОМИЯ ФАНИНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ

Анатомия тарихига доир маълумотларнинг дастрлабки изларини қадимда яшаган ҳалқларнинг тарихидан топиш мумкин. Ер ости қазилмаларига оид маълумотларни ва тарихий қўлларнинг чукурроқ үрганиш натижасида ҳайвон ва одам анатомиясига қизиқиши қадим замонлардан бошланганлигининг гувоҳи бўламиз

Синчков овчилар ҳайвон танасидаги энг муҳим аъзоларнинг жойлашишини яхши билганлар. Ибтидоий одамлар анатомияси гўрисидаги тасаввурларни форларнинг деворларига чизилган расмлардан билса бўлади. Буларда ҳайвон юраги унинг танасининг қаерида жойлашганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Қадимги Мисрда одам анатомияси соҳасидаги билимларнинг ривожланишида мисрликларнинг одам танасини мўмиёлаб узоқ вақт сақдаб қолишига интилиш ҳам сабаб бўлган. Шу даврларда мўмиёлаш билан шугулланадиган мутахассисларга мурдаларни ёриб үрганишга рухсат берилган. Уларнинг ёзиб қолдирган маълумотларидан тиббиёт мутахассислари фойдаланганлар. Мисрли тиббиётшунос А. Смит маълумотига кўра одам анатомиясига мансуб дастрлабки маълумотлар эрамиздан оддинги ХХХ асрларда пайдо бўла бошланган. Ўша даврда бош мия ва унинг вазифаси, юрак, қон томирларидағи ҳаракатлар хақидағи маълумотларга эга бўлганлар. Смит ўзининг "Тиббиётшуносининг сирли китоби"да (ХIV аср) юрак ва юрак томирлари ҳақида кеп тұхталиб утган.

Қадимги Хитойда эрамиздан олдинги XI–VII асрларда ёзиб қолдирилган "Тиббиёт қонуни" китобида ёзилишича, ички аъзоларнинг жойлашишини, қон томирлари, нервлари ва уларнинг тана бўйлаб тарқалишини билганилар. Касалларни даволаща нина санчиш усулларидан фойдаланганилар. Китоблардаги расмлардан маълум булишича, одам танасида юзлаб нуқталар келтирилган бўлиб, уларга ташқаридан нина санчиш усуллари билан касалларни даволаща фойдаланганилар. Ҳозирги вақтда бу усуллар кенг ривожланган бўлиб, нуқталарнинг сони мингдан ошиб кеттан. Биргина қулоқ супрасининг юзасида юздан ортиқ нуқталар мавжуд.

Одам анатомиясига доир маълумотларни маълум тизимга келтириб асослаш эрамиздан олдинги IV–V асрларда қадимги Грецияда бошланади.

Гиппократ (э.о. 460–377 йиллар). Қадими Грецияда анатомия фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшган олим, у тиббиёт шунослар отаси номини олган. Одам танаси тузилишини ҳар томонлама чукур ўрганган. У ўзигача бўлган маълумотларни, ҳамда ўз изланишларини ёзиб қолдирган. Китобларида скелет сүякларидан калла сүяклари, умуртқалар, қовурғалар ва қўл-оёқ сүяклари билан бирга кўз, бўғимлар, мускуллар ва йирик томирлар тузилиши ҳақида маълумотлар мавжуд. Ўз изланишлари ва қўлга киритилган маълумотларга асосланган ҳолда "табиатни билишга тажриба ва тадкиқотлар орқали эришилади" деб таъкидлайди. Шу билан бирга "одам танасининг тузилишини ўрганиш – тиббиётнинг бош негизи" эканлигини асослаб берган. Албатта унинг хатолари ҳам бўлган. У артерия томирларида ҳаво оқади деб ҳисоблаб, бу томирларга ҳозир ҳам сақланиб қолган артерия (*aer* – юонча – ҳаво, *tereo* – олиб бораман) номини берган. Нервларни эса пайлар деб ҳисоблаб, ногури тасаввурга эга бўлган.

Аристотель (э.о. 384–322 йиллар) Грецияда яшаб, ўз даврининг атоқли энциклопедист олими, бошқа фанлар қаторида тиббиёт фанини ҳам мукаммал билган. Ҳайвонлар анатомиясини яхши ўрганиб, анатомиянинг ривожланишига катта ҳисса қўшган. Аристотель нервларни ажратса билган, юракка қонни ҳаракатга келтирувчи асосий аъзо деб қараб, унинг тузилишини ва аҳамиятини анча тўғри изоҳлаб берган. Аристотель аорта номини биринчи бўлиб киритган. Ҳайвонлар организмини ўрганиб, турли тўқималар, жумладан тоғай, сүяқ, ёф тўқимаси ва қонни бир-бираидан ажратиб изоҳлаб берган. Аристотель "Ҳайвонот оламининг табиий тарихи" шомли асарида ҳамма мавжудотлар ривожланишининг изчиллиги туғрисидаги маълумотни олдинга суради.

Герафил (э.о. 300 йилда Грецияда туғилган). Одам анатомиясини ўрганишда мурдаларни бевосита ёриб, бу ҳақда ёзма маълумотлар қолдирган олимлардан. Анатомияга кўп янгиликлар кирилган. Бош мияни тузилишига аҳамият бераб, уни тафаккур аъзоси деб ёзиб қолдиради. У биринчи бўлиб сезувчи ва ҳаракат нервларни фарқлаб берган. Шу билан бирга, кўз соққаси ва унинг пар-

HIPPOCRATIS COI



далари, 12 бармоқли ичак устида изланишлар олиб борган, юрак - нинг тузилиши ва пульсациясини ўрганган.

Эразистрат (э.о. 300-350 йиллар, Греция). Анатомия ва физиология билан шуғулланган олим. Унинг фикрича артерияларда ҳаво эмас, қон оқади. Ўқоннинг ўпкалардан юрак чап бўлмасига, сўнгра қоринчага қуишиши, кейин эса аорта ва артериялар орқали организмга тарқалишини кўрсатиб берган. Юрак ва томирлар хақида ги тасаввурларга янгиликлар киритган.

Руф (эрамизнинг I асри). Рум олими, кўз нервларининг кесишган жойини ўрганган. Руф ва Клавдий Гален анатомия тарихида биринчилардан бўлиб анатомиянинг лотинча атамаларини тузиб, уни фанга киритганлар.

Клавдий Гален (131-201 йил). Бергамолик олим, тиббиётшунослиқда ўз даврининг йирик намоёндларидан ҳисобланган. Тиббиёт соҳасидаги олдинги маълумотларни умумлаштириб унинг ривожланишига катта ҳисса қўшган. Орқа ва бош мия нервларининг бириктирувчи тўқималари, айрим қон томирлари ва бойламчаларни ўрганган. Анатомияга оид ҳамма маълумотларни ҳайвонлар танасида текширган. Шунинг учун ҳам унинг хатолари кўп бўлган. Чунки у диннинг фан ривожланишига тўқсиналиқ қилиши натижасида одам мурдасини ёриб ўргана олмаган. Одам анатомиясини ҳайвонлардан олган далиллар асосида таърифлаган. Гален тананинг айрим суюкларининг шакли ва жойлашиши, ҳамда организм ихтиёри билан қисқарадиган мускуллар фаолиятини ўрганди. Мускулларнинг ҳамма ҳаракати нервлар орқали содир бўлади деб таърифлари. Гален қон айланишини нотўри таърифлайди, унинг айтишича қон жигардан тана бўйлаб тарқалади. Қон томирларида ҳаво эмас, балки қон оқади, деб ўзидан олдин ўтган олимларнинг нотўри фикрларини тўғрилайди. Гален ўз билими билан катта обруға эга бўлганлиги туфайли, унга ҳеч ким қарши чиқа олмаган ва уни танқид қила олмаган. У антик давр тиббиётини охирiga етказган олим деб ҳисобланади. Галендан сўнг ўтган XIII аср давомида Гален ва Гиппократ ўз ишларида ҳеч қандай хатога йўл қўймаганлар деган фикр сақланиб, уларнинг асарларидан фойдаланиб келинган.

Ўрта асрларда (V-XI) бошқа фанлар қатори анатомиянинг ривожланиши ҳам кескин пасайиб кетади. Бу давр – дин зулми кучайган давр эди. Одам мурдасини ёриб ўрганиш дин томонидан буткул таъқиқданганлиги туфайли асосан олдин яшаб ўтган олимларнинг ёзиг қолдирган маълумотлари асосида иш юритилга.

Абу Али Ибн Сино (980-1037 йиллар). Ўрта асрнинг улуғ олими (Европада Авиценна номи билан машҳур), қомусий билим эгаси, анатомия, математика, фалсафа фанларини чукур эгаллаган, жаҳон маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган ва жуда катта илмий мерос қолдирган олимлардан ҳисобланади. Ўша даврларда ўрга Осиёда фан ва маданият юксак даражада ривожланган эди. Ўрта Осиёнинг Хурросон ва Мовароуннаҳор вилоятлари араб исти-

лочилари зулмидан озод бўлиши туфайли бу ерда фан ва маданият соҳалари тез тараққиёт эта бошлади. Айнан ўша даврда Урга Осиёда бутун дунёга машҳур бўлган кўплаб олимлар етишиб чиқди. Шулардан бири – Абу Али Ибн Сино эди. У 980 йили август ойида Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида ўрга даражали давлат хизматчиси оиласида туғилди.

Буюк олимнинг юздан ортиқ асарлари бўлиб, улардан 58 таси фалсафага, 20 таси тиббиётга, 11 таси астрономия, химия, физика, ботаника ва бошқа фанларга багишланган. Булардан ташқари унинг мантиқ, ҳукуқ, санъат назарияларига оид асарлари ҳам бўлган. Бу асарларнинг ҳар бири – бир нечта жилдан иборат бўлган. "Тиб қонунлари" номли қомусий асари 5 жилдан ташкил топган бўлиб, улар орқали Ибн Сино айниқса тиббиёт соҳасида бутун дунёга машҳур ҳаким ва олим сифагида танилди.

Ибн Сино ўзининг "Тиб қонунлари" китобида тиббиёт соҳасидағи барча маълумотларни умумлаштириди, уларни ўз тажрибалари ва кузатишилари билан бойитди ҳамда мукаммал тизимга асос солиб, тиббиёт фани соҳасида янги давр очди. Бу асар ўз даврининг машҳур олимлари ҳисобланган Гиппократ ва Галенлардан сўнг тиббиёт фани дурдоналари қаторига қўшилган энг йирик кашфиёт бўлди. "Тиб қонунлари" китоби ўтган 600 йил давомида тиббиёт соҳасида асосий қўлланма бўлиб келган. Ибн Синонинг "Тиб қонунлари" ўрга асрларда факат шарқдагина эмас, балки гарб мамлакатлари университетларида ҳам талабалар учун тиббиёт фанлари бўйича бирдан бир қўлланма бўлиб келди. Олимнинг тиббиётга оид асарлари, айниқса "Тиб қонунлари", илмий тиббиёт фанининг сўнити ривожланишига ҳам жуда катта таъсир кўрсатди. Ўзоқ келажақдаги тиббий кашфиётларни башорат қилган ҳолда юкумли касалликлар кўзга кўринмайдиган касал қўзғатувчи микроорганизмлар томонидан сув ва ҳаво орқали тарқатилади деган фикрларни ёзиб қолдирган.

Ибн Сино "Тиб қонунлари" китобида одам анатомияси ва физиологиясига катта эътибор беради. Жарроҳлик ва диагностикага оид китобида ҳам бу масалаларга кўп ўрин ажраттан. Унинг фикрича пульс (томир уриши) касалликнинг тури эмас, балки кишининг ёши, жинси, истеъмол қиласидиган овқатининг тури, йил фасли, ҳавонинг ўзгаришларига қараб ўзгариб туради. Асарда одам гавдасининг тузилици, анатомияси муфассал баён этилади. Бунда суяклар, бўтимлар, пайлар, мушаклар, нервлар яхши таърифланган. Қон томирлари урувчи томирлар (артериялар) ва тинч томирларга (веналар) бўлиниади дейди. Мушаклар хақидаги бобида биринчи бўлиб мураккаб кўз мушакларини жуда аниқ ва муфассал таърифлаб беради. Китобнинг алоҳида боби нервларни изоҳдашга багишланган бўлиб, "мия сезги ва ҳаракатни нервлар орқали бошқа аъзоларга ўтказади" деб кўрсатади. Мураккаб тузилицига эга бўлган бош ва орқа мия нервларини тури шарҳлаб беради. Бирор анатомик фактни изоҳлаганда унинг физиологиясига катта аҳамият беради.

Ибн Синонинг "Тиб қонуни" бир неча асрлар давомида (XVII

асрға қадар) дүнёнінг барча мамлакатларыда тиббиёт ходимлари учун құлланма бўлиб келган. Унинг бу қадар катта мұваффақият қозонилшігә сабаб, касалликни аниқлаш (диагностика) ва даволапи усулларининг жуда аник, мукаммал ва шу билан биргә тушунарли баён этилишидир.

Ибн Синонинг асарлари үзининг оригиналлыги, фикр ва хуло-саларининг фактларга (далилларга) асосланғанлыги, равшанлығы билан ҳам машҳур. Бу жиҳатдан "Тиб қонуни" алоҳида үрин тутади ва Гален қўлләзмаларига нисбатан олдинга қўйилган қадамдир.

Ибн Синонинг "Тиб қонуни" асари биринчи марта XII асрда яшаган Герард томонидан лотин тилига таржима қилинган. Китоб босиб чиқариш йўлга қўйилгандан сўнг у 30 марта қайта нашр қилинган. Бу асар ўзбек тилида биринчи марта 1955-1956 йилда Тошкентда чоп этилди.

Дин томонидан жиҳдий тусқинликка учрашига қарамай, анатомия XII-XIV асрларда Европада очила бошлаган университетларда ривожланиб боради, чунки бу университетлардаги медицина факультетларига 1-2 мурдани ёриб ўрганишга рухсат берилган эди.

Мондино да Люции (1275-1327) венециялик олим бўлиб, у иккита аёл мурдасини ёриб ўрганиб, ўзи йифган маълумотлар асосида "Анатомия дарслиги"ни ёзиб қолдиради. Бу дарслик XIV-XVI асрларда 25 марта қайтадан нашр этилган.

Леонардо да Винчи (1452-1519) буюк рассом, математик ва муҳандис – 30 та мурдани ёриб ўрганди. Ўрганиш жараёнида одам анатомиясига оид 800 тага яқин ниҳоятда аник расмлар чизиб қолдиради. Унинг чизган анатомияга оид расмлари бизнинг замонамиизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. У Галенning анатомияга оид назариялари ва кўрсатмалари асоссизлигини исботлаб, ўз замонаси анатомияси ривожига асос солди.

Андрей Везалий (1514-1564). Белгиялик олим, тасвирий анатомиянинг асосчиларидан. Мурдани бевосита ёриб ўрганди. Одам танаси қандай тузилган бўлса, шундай изоҳдаб берди. Ўз фикр ва далилларини одам танасига қараб чизилган расмлар билан кўргазмали баён қилди. Везалий (1543 йил) анатомия бўйича тўплаган барча маълумотларини оламга машҳур еттига китобдан иборат "Одам анатомиясининг тузилиши" асарида ёзиб қолдиради. Галенning қон ҳаракатига доир асарларини кескин қоралади. Ҳайвонлар анатомияси далилларини одам анатомиясига кўчириш натижасида йўл қўйилган хато ва камчиликларни катта меҳнат эвазига тўла очиб ташлади. Андрей Везалий фаолият кўрсаттан Падуан университети ўша замонда етишиб чиқсан талантли олимлари билан оламга машҳур эди.

Вильям Гарвей (1578-1657). Англия олими, буюк анатом ва физиолог. Падуан университетидан етишиб чиқсан. Қон айланиш тизимини ўрганишга улкан ҳисса қўшган. Анатомия, айниқса қон айланиш тизимиға доир ишларини умумлаштириб, 1628 йилда "Ҳайвонларда юрак ва қон ҳаракати тўғрисида анатомик текиришлар"

номли илмий асарипи ёзди. Унда биринчи булиб кичик ва катта қон айланиш доирасининг анатомияси ва физиологиясини тавсифлаб берди. Қонни артерия томирларидан вена томирларига ўтказиб берувти капилляр томирлар түгрисида асосли маълумотлар бўлмаслигига қарамай, қон артериядан венага кўзга кўринмайдиган томирчалар орқали ўтади, деган тахминий фикрни олға сурди. Гарвейнинг бу тахмини Марчелло Мальпигий (1628-1690 йй.) уша замонда ихтиро қилинган микроскоп (биринчи микроскоп 1665 йилда Р. Гук томонидан яратилган) ёрдамида капилляр томирлар тузилишини мукаммал ўрганиб, уларнинг артерия билан вена томирлари ўргасидаги анастомозлар сифатидаги ролини илмий асослаб берди. Мальпигий факат томирлар микроскоопияси билан чегараланиб қолмай, бошқа аъзоларнинг микроскопик анатомиясини ҳам ўрганди. Биринчи булиб ҳайвонлар териси, талоги, буйраги ва бошқа аъзоларнинг микроскопик тузилишини ўрганди.

Мигель Сервет (1509-1553). Испаниялик олим. У биринчилардан булиб юракининг уиг қоринчасидан бошланиб, чаш булмачасигача бўлган кичик қон айланиш доирасини, яъни қон ўпкадан жуда майда тармоқланган ўпка артерияси ва вена томирлари орқали ўтади, деган тахминни ёзиб қолдирган. У "Христианликнинг тикланиши" номли китоби учун идеализм душмани сифатида 1553 йили уша китоби билан оловда куйдирилган. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Серветдан анча один кичик қон айланиш тизимининг ўпка орқали ўтиши тўгрисидаги фикрни XIII асрда биринчи булиб Дамашқлик араб олимни Ибн ан Нафис айтиб ўтган эди.

Кейинчалик олмлар одам анатомияси билан бир қаторда унинг аъзолари тузилиши ва уларнинг вазифаларини ўрганишга ҳам катта аҳамият бера бошладилар.

Габриэль Фаллопий (1523-1562). Испаниялик олим, жинсий аъзолар билан мукаммал шуғулланиб, "Анатомик тузилишлар" номли китобида бачадон найини ўз номи билан (фаллопий найи деб) ёзиб қолдирди.

Б. Евстахий (1510-1574) тишилар, айирув ва эшитув аъзоларини ўрганиб, биринчи булиб ҳалқум билан эшитув йўлини ўрганди ва ҳалқум билан ўрта қулоқ ўртасидаги бу йўлни ўз номи билан (евстахий найи деб) атаган.

М.И. Шеин (1712-1762) биринчи булиб, анатомида қўлланила-диган рус тилидаги атамаларни ишлаб чиқди. 1744 йили рус тилидаги атамаларни босмадан чиқарди. 1757 йили эса биринчи булиб рус тилида анатомия дарслигини яратди.

А.М. Шумлянский (1748-1796) "Буйракнинг тузилиши" номли илмий ишида буйрак ички тузилишини мукаммал баён этиб берди.

К.Ф. Вольф (1733-1793) М.В. Ломоносов томонидан ташкил этилган Россия академиясининг аъзоси, "Яратилиш назарияси" номли илмий асарида эпигенез назариясини илмий асослаб беради. 1759 йил унга "турлар доимийлиги" назариясига биринчи ҳужум қиласиган олим деб юксак баҳо берганлар.

П. Пуркинье (1787-1869) юрак мускуллари анатомияси ва юракнинг микроскопик тузилишини ўрганди. У юракнинг таъсирларни ўтказиши хусусиятига эга толаларини аниқлади ва бу толаларни ўзноми билан ("Пуркинье толалари") атади.

К.М. Бэр (1792-1876) биринчи бўлиб тухум ҳужайраларининг мураккаб тузилишини тасвиirlab берди ва уругланган тухум ҳужайрасининг ривожланишини ўрганди. Бэр организмнинг кўпайиши устида олиб борган ишлари билан ҳозирги замон эмбриологиясига асос солди.

Т. Шванн (1810-1882) "Ҳайвон ва ўсимлик танасининг тузилиши ва ўсишидаги узаро ўхшашликларни микроскоңда текшириш" номли асар билан дунёга машҳур бўлди. У шу соҳадаги ўзигача бўлган маълумотларни умумлаштириб "Ҳужайра назариясини" яратди.

Н.И. Пирогов (1810-1882) ўз даврининг буюк олимни ва жарроҳи. Анатомияга мурдаларни ўрганишда янги усулини, яъни музлатиб уни ҳар томонлама арралап усулини қўллаб, ички аъзоларнинг бир-бирига нисбатан жойлапишини ўрганди ва Топографик анатомияга асос солди. Пирогов организмдаги мускуллар, йирик қон томирлар, айниқса фасцияларни мукаммал ўрганди.

В.А. Бец (1834-1894) бош мия пустлогининг макро- ва микроскопик тузилишини ўрганиб, "тигант ҳужайра"ларни кашф этди. Кейинчалик бу ҳужайралар Бец ҳужайралар номини олди. У буйрак усти бези мағиз қисмининг морбофункциясини ҳам ўрганганди.

В.Н. Шевкуненко (1872-1952) топографик анатомия мактабини яраттан. Одам танаси аъзоларининг ўзгарувчанлигига оид масалалар билан шуғулланган.

В.Н. Тонков (1872-1954) "Топографик анатомия ва жарроҳлик хирургияси" асари билан машҳур, экспериментал анатомия ривожига катта ҳисса қўшиган олим. Ҳайвонлар қон томирларини мукаммал ўрганди. Тонков мактаби қон айланишнинг айланма (кол-латерал) йўлига доир масалаларни тўла-тўқис ўрганди. Унинг одам анатомияси бўйича яраттан дарслиги энг яхши ёзилган дарслик ҳисобланиб, беш марта напр қилинган.

В.П. Воробьёв (1876-1937) анатомияда макро- ва микроскопик изланишларни йўлга қўйган, одам жасадини бальзамлашни амалга оширган, беш томлик одам анатомияси атласини яраттан.

Х.З. Зоҳидов (1912-1978) – анатом олим, тиббиёт фанлари доктори, профессор. Тошкент тиббиёт олий уқув юртида фаолият курсаттан, анатомия кафедрасининг мудири. Илмий изланишларининг асосий йўналиши – марказий нерв тизими (МНТ) тузилишини ўрганганди. 1964-1968 йилларда тиббиёт олий уқув юрглари учун ўзбек тилида илк бор яратилган икки жилдлик анатомия дарслиги муаллифларидан бири. 1964 йилда унинг А.А. Асқаров билан биргаликда ёзган лотинча-ўзбекча-русча атамалар лугати нашрдан чиқди. 1970 йили эса унинг бошқа олимлар билан ҳамкорлиқда ёзган "Одам анатомияси" дарслиги напр этилди.

С.А. Долимов (1915-1992) – топограф-анатом, жарроҳ, тиббиёт

фаглари доктори, профессор. Меъда хроник ярасининг модели ва морфологияси устида тадқиқот ишлари олиб борган. Меъда морфофункцияси ва унинг патологияси йўналишларида кўрсатмалар ёзиб колдиран.

К.А. Зуфаров (1925-2002) – Узбекистонда Хизмат кўрсатган фан арбоби, академик. Унинг раҳбарлигида Тошкент давлат тиббиёт институтида биринчи бўлиб электрон микроскопик афтора-диография ҳамда замонавий цитохимия усуслари йўлга қўйилган. К.А.Зуфаров томонидан яратилган илмий мактабда буйрак, меъдичак тизимининг цитологияси, цитохимияси ва электрон микроскопияси асосий уринни эталлайди. Унинг кўплаб изланишлари "Буйрак усти бези" (1966), "Ҳазм аъзолари тизимининг электрон микроскопияси атласи" (1969), "Буйрак электрон микроскоцияси атласи" (1969), "Мувофиқланиш (мослашиш) жараёнининг ҳозирги замон муаммолари" (1970), "Аъзолар ва тўқималар электрон микроскопияси" (П.И. Тошхўжаев, Е.К. Шишова ва Ж.К. Ҳамидовлар билан биргаликда, 1971), "Нейро-эндокрин тизими" (Ж.К. Ҳамидов билан биргаликда, 1971) каби илмий асарларда ўз аксини топган. Бу асарлардан кўплаб соҳа мутахассислари, талабалар муҳим қўлланма сифатида фойдаланиб келмоқдалар.

Ж.К. Ҳамидов – академик, нейронларнинг ўсиши, ривожланниши ва табакаланиши соҳасида ўз илмий мактабини яратган олим. Сунити йилларда у раҳбарлик қилаётган жамоа соғлом ҳайвон генини уруғланган тухум ҳужайрасига микроингъекция йўли билан ўтказиш бўйича олиб бораётган изланишлари келажакда ирсий касалликларни бартараф қилиш, ҳамда зотли молларни яратиш каби ирсий омиллар ҳамда ҳужайра инженериясига оид биотехнология муаммоларини ечиб беради.

Н.К. Аҳмедов – анатом, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Узбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби. Тошкентдаги 2-тиббиёт институтида фаолият кўрсатади. Илмий изланишлари оёқ-кулларни кесиб ташлашда йирик нерв стволларининг учини маҳсус ишловланиши, периферик нерв тизимига рентген нурлари таъсир этирилганда ёшга қараб рўй берадиган дегенерация ва регенерация жараёнларига бағишланган. Узбек тилидаги икки томлик "Одам анатомияси" дарслиги муаллифларидан бири. Узбекистонда биринчи бўлиб ўзбек тилида "Одам анатомияси" атласини яратди (1998).

Н.Х. Шомирзаев – тиббиёт фанлари доктори, профессор, то-пографик анатомия ва оператив хирургия соҳасида ишлаган. Илмий ишлари нафас ва юрак томир тизимларида компенсатор мосланиш жараёнларининг ҳужайравий механизмларини ўрганишга бағишланган.

Такрорлаш учун саволлар

1. *Одам анатомияси тарихига асос бўлган бошланғич маълумотлар.*
2. *Миср анатомларининг анатомияга қўшган хиссалари.*
3. *Гиппократ таълимотлари.*
4. *Аристотелнинг анатомияга қўшган хиссаси.*
5. *Абу Али Ибн Сино анатомияси.*
6. *А. Везалий, В. Гарвей ва М. Мальпигийларниң анатомияга оид асосий ишлари.*
7. *Анатомия ривожига хисса қўшган Россия олимлари.*
8. *Анатомияни Ўзбекистонда ривожлантирган олимлар.*
9. *Анатомияда қўлланиладиган усуслар.*

ОДАМ ТАНАСИННИГ ТУЗИЛИШИ

Хужайра ва түқима

Хужайра – тирик организм тузилиши асосларини, яшаш жараёнларини ҳамда ирсий белгиларини ўзида мужассамлаштирган тузилмадир. Бинобарин, одам ёки ҳайвонлар бир бутун организм ҳолида ҳужайралар ва ҳужайралараро тузилмалар йифиндисидан таркиб топган. Физиологик ҳолатига кўра ҳужайралар шакли ва таркиби ҳар хиллиги билан бир-бираидан фарқ қиласди, ҳужайраларнинг вазифаси уларнинг шаклинни белгилайди. Тарихий биологик ривожланиш нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ҳаёт ер юзидағи жонсиз материянинг жонли материяга айланшидан, аниқроқ қилиб айтганда, ҳужайралар пайдо бўлишидан келиб чиққан. Масалан, дастлаб юмaloқ шаклдаги энг содда танаачалар пайдо бўлган. Сунг улар танасида моддалар алмашинуви жараёни пайдо бўлган. Шу билан улар яшаши учун зарур моддаларни ташки муҳитдан ўзлаштириб, ўз ҳаёт фаолиятида ҳосил бўлган чиқинди моддаларни ажратиб турган. Бундай содда организмларнинг яшаш муҳити аста-секин ўзгариши ва мураккаблашиши натижасида улар организмида моддалар алмашинуви жараёnlари ҳам ўзгариб, та-бақалашиб борган, бу эса ўз навбатида организмлар тузилишининг ҳам қисман ўзгаришига олиб келган, яъни организмда шакли ва моҳияти жиҳатидан дастлабки танаачалардан фарқ қилувчи янги тузилмалар пайдо бўла бошлаган. Йиллар ўтиши билан тарихий биологик ривожланиш давом этиб, атроф-муҳит ўзгариши ва яшаш шароитининг яна ҳам мураккаблашиши оқибатида мураккаб организмлар пайдо бўла бошлаган. Бу эса, албаттга, улар танасидаги оқсиллар тузилишига ҳам таркибий ўзгаришлар кирилтган, натижада улар турли вазифаларни бажаришга ҳам мослашиб борган.

Маълумки, ҳозирги фан нуқтаи назаридан қараганда, тирик организмларнинг ривожланишида ва шаклланишида дезоксирибонуклеин (ДНК) ва рибонуклеин (РНК) кислоталари асосий вазифани бажаради. Улар организм учун зарур бўлган оқсил моддаларни синтезлайди ва ўзида генетик маълумотларни сақлаб келади. Бундай хусусият кўп ҳужайрали организмларда ҳам учрайди. Бир ҳужайрали организмлар тузилиши ва яшаш хусусиятларига кўра кўп ҳужайрали организмларга ўхшаса-да, лекин ўзига хос яшаш шароити (сув, қуруқлик) уларнинг тузилиши ва вазифаларини тубдан ўзгаририб юборган. Чунончи, бактериялар, кўкяшил сув ўглари, актиномицетлар шаклланган ядро ва хромосомалари бўлмаслиги билан фарқ қиласди. Уларнинг генетик ахборот аппаратлари қобиқ билан уралмаган ишчалардан ташкил топган. Вигуларда эса ҳатто моддалар алмашинуви учун зарур бўлган ;

ферментлар ҳам бўлмайди. Шу сабабли улар фақат бирор ҳужайра ичига кириб олганидан кейингина кўпаяди ва ўсади. Одам ва ҳайвонлар аъзоси ҳамда тўқималарини ташкил қилувчи ҳужайра ва ҳужайраларо моддалар ҳамда тузилмалар ўз вазифасига кура ҳар хил шакла ва мураккаб таркибий тузилишига эга. Кейинчалик, узоқ эволюцион ривожланиш жараёнида муҳит шароитининг ўзгариши натижасида кўп ҳужайрали организмлар ҳужайрасида вазифа тақсимоти белгилари шайдо була бошлиди. Ҳар хил вазифаларни бажарувчи ҳужайраларнинг ички тузилишида ҳам мураккаб кимёвий ва структура ўзгаришлари содир бўлади. Ҳужайралардаги хилма-хил вазифаларни улар ичидан жойлашган турли хил органоидлар (ядродаги хромосомалар, цитоплазмадаги рибосомалар, митохондрий, эндоплазматик тўр, Гольжи мажмуи, лизосомалар, ҳужайра маркази) бажаради. Бундан ташқари, ҳужайраларда уларнинг шаклини таъминлаб турувчи ҳужайра тузилмали учрайди. Улар микронайчалар, микрофибрillалар ва ҳар хил киритмалардан иборат. Ҳужайранинг асосий кимёвий таркибий қисмларига эса оқсиллар билан ферментлар киради, улар фақат ҳужайра таркибида бўлмай, балки унинг атрофидаги суюқ модда таркибида ҳам учрайди. Лекин аслида суюқликдаги моддани ҳам асосан ҳужайралар синтезлайди.

Ўсимликлар ҳужайрасининг ҳайвонлар ҳужайрасидан фарқи шундаки, ўсимликлар ҳужайраси плазматик мембррананинг усти қаттиқ қобик, билан қопланган бўлади. Қобиқ асосан полисахаридлар, яъни цељлюзоза, пектин моддалар ва гемицеллюзозадан, замбурууглар ва айрим сувутлари хитиндан ташкил топган. Қобиқда жуда күп тешикчалар бўлиб, улар орқали моддалар алмашинуви содир бўлади. Табақалангандан ўсимликлар ҳужайрасида, одатда, бир нечта ёки битта марказий вакуола, маҳсус организмлардан пластидалар, лейкопластлар (крахмал) тўпланади, хлоропластлар (хлорофилга бой, фотосинтезни амалга оширувчи каротиноидлар гурухига оид пигментлар), тарқоқ ҳолда Гольжи мажмуи учрайди.

Ҳужайраларнинг ўзига хос энг асосий хусусиятларидан бири – ўзидан тикланиши, яъни купайишидир. Буни митоз йўли билан купайиши жараёнида яққол куриш мумкин. Купайиши хусусияти фақат тўла табақалангандан нерв ҳужайрасида бўлмайди. Шунга кўра, табақалангандан нерв ҳужайраси организм умрининг охиригача кўдаймай ўз вазифасини бажариб боради. Лекин унинг ядролари бўлиниш хусусиятини йўқотмайди. Айрим шароитда ядро бўлиниши мумкин. Айрим ҳужайраларда тўла митоз бўлиниш бўлмайди, натижада ядро бўлиниб, цитоплазма бўлинмайди. Бунда бир ёки кўп ядроли ҳужайра ҳосил бўлади. Ҳужайралардаги доимий жараёнинг бошқарилишида ҳар хил метаболитлар, ферментлар ва ионлар иштирок этади. Улар иштироқида ҳужайралар хилма хил вазифаларни бажаради. Ҳужайраларнинг физиологик ҳолатига бошқа аъзо ҳужайраларининг маҳсулоти ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, ички секреция безларининг гормонлари бошқа аъзолари физиологиясини бошқариб туради.

Хулоса қилиб айтганда, организмнинг бир бутун ҳолда яшаши ҳужайра фаолиятининг бир-бирига муносабатига ва турғунылигига боғлиқдир.

Ҳужайранинг тузилиши

Биргина ҳужайранинг тузилиши ва вазифасида организмдаги барча ҳужайралар учун ҳос бўлган умумий ўхшашликлар мавжуд бўлса-да, амалда улар фақат муайян вазифани бажаришга ихтинослашган. Шунга кура, ҳужайраларнинг шакли ва таркиби ўзгариб туради. Масалан, қопловчи эпителий ҳужайралари ясси, кубсимон, цилиндрсимон шаклда бўлса, қисқариш вазифасини бажаридиган мушак ҳужайралари дуксимон ҳужайралардан ёки цилиндрсимон толачалардан ташкил топган. Мезенхима ва ретикула ҳужайралари эса ўсимтали бўлиб, шу ўсимгалари орқали бир-бири билан туташиб туради. Нерв ҳужайралари таъсирни узатишга мослашган бўлиб, кўп ўсимтали тузилишга эга. Эритроцитлар овалсимон, тухум ҳужайралар эса юмалоқ, бўлади.

Ҳужайра ташқи томондан уни үраб турган қобиқ, яъни мембронадан ва унинг ичида жойлашган протоплазмадан ташкил топган. Протоплазма деганда, унинг ичидаги ҳамма қисмлари, яъни цитоплазма, ядро ва қобиқ тушунилади. Цитоплазма қисмида гиалоплазма, органеллалар ва ҳужайра киритмалари бўлади. Ядро асосан хроматин, ядроча ва кариолимфадан ташкил топган. Цитоплазмадаги органоидларга муайян вазифани бажаришга ихтинослашган ҳужайра маркази, митохондриялар (хромосомалар), тўрсимон аппарат – эндоплазматик тур (Гольжи мажмуи) киради. Ҳужайра киритмаларига оқсиллар, ёғ томчилари, пигмент ҳужайралари, секретлар ва бошқалар киради. Ҳужайра цитоплазмаси ташқи томондан уч қаватдан ташкил топган қобиқ, яъни плазмолемма билан ўралган. Ташқи ва ички қобиқлари оқсил молекулаларидан ташкил топган бўлса, урта қобиги эса икки қаватни ташкил этувчи липид молекуласини ташкил этади. Айрим ҳужайраларда плазмолеммадан ташкил топган айрим тузилмалар (микроворсинклар), десмасомалар ва х.к. ҳосил бўлиши мумкин (1-расм).


Цитоплазма асосан ярим суюқ консистенциядаги майдадона-чалардан ташкил топган бўлиб, унинг ичида ядро ва органеллалардан ташқари ҳужайра модда алмашинувида (метаболизмида) иштирок этувчи моддалар учрайди. Буларга оқсиллар, ёғлар, углеводлар, анорганик моддалар, сув, липидлар, нуклеин кислоталар киради. Ҳар бир қуритилган ҳужайра таркибида ўрта ҳисобда 50-80 % оқсил, 1-5 % углеводлар, 5-9 % ёғ, 2-3 % липидлар, қуритилмаган ҳужайрада 75-85 % сув бўлади.

Оқсиллар – аминокислоталардан ташкил топган молекулали органик моддалардир. Таркибида ўзгармас нисбатда азот, углерод, водород, кислород, деярли ўзгармас нисбатда олтингугурт ва баъзан фосфор учрайди. Оқсиллар ҳужайра таркибида протеин ёки сут-

таркибидаги оддий альбумин ҳамда қон зардобидаги глобулин тақлида учраши мүмкін. Оддий оқсилларга айрим таяңға және механик вазифаларни бажарувчи тұқымаларда учрайдиган, уларнинг тузилишида асосий материал бұлып хизмат қылувчы коллаген, хондрин, кератин оқсиллари киради. Оқсиллар ҳужайраларда мураккаб, яғни оқсил бұлмаган моддалар билан бириккан ҳолда ҳам учрайди. Бундай мураккаб оқсилларға ядро таркибида учрайдиган протеиннинг нуклеин кислотаси билан бириккан нуклеопротеин оқсили, Гольжи мажмуининг митохондрийсіда учрайдиган протеинларнинг липидлар билан бирикмаси бұлмаш липопротеидлар, айрим безларнинг секрет маҳсулотида учрайдиган протеиннинг углеводлар билан бирикмасини ҳосил қылувчы глюкопротеидлар киради. Таркибида темир бұлган гемоглобин ва мушакларда учрайдиган миоглобинлар ҳам шулар қаторига киради. Цитоплазма таркибида оқсиллар парчаланишидан ҳосил бұладиган ва янги оқсиллар синтез бұлишида иштирок этадиган аминокислоталар ҳам учрайди.

Углеводлар

органик бирикмалар бұлып, водород және кислород боғланишидан ҳосил бўлади. Улар, одатта, организмде оддий ва мураккаб шаклда учрайди. Оддий углеводларга (моносахаридларга) глюкоза киради. Бир нечта оддий углеводларнинг бирикшидан мураккаб углеводлар (полисахаридлар) ҳосил бўлади. Буларга ҳужайралардаги гликоген ва үсимлик ҳужайраларида крахмални мисол қилиб келтириш мүмкін. Углеводлар ферментлар таъсирида парчаланиб, организм учун зарур бўлган энергия ҳосил қиласи. Мураккаб углеводларга яна бириктирувчи тұқима ва безларнинг секрети, яғни маҳсулоти таркибида учрайдиган мукополисахаридлар ҳайвон ва одам тұқымаларида күплөб учрайди. Асосан иккى хил — кислотали және нейтрал бўлади. Ҳайвон тұқымаларида күпроқ кислотали мукополисахарид-



1-расм. Ҳужайранинг электрон микроскоопда күришиши (схема)

- 1 - ҳужайра мемранасы; 2 - цитоплазма; 3 - эндоплазматик тұр; 4 - Гольжи комплекси; 5 - центриола; 6 - митохондрий; 7 - ядро; 8 - ядроча; 9 - ядро шираси; 10 - ядро қобити;
- 11 - лизосома; 12 - пиноцитоз пұфакча

лар мавжуд. Уларга гиалурон кислота, хондроитин, сульфат кислота ва гепарин киради.

Ёёлар ва липоидлар. Ёғ кислоталар билан глицериннинг бириншидан нейтрал ёёлар, мураккаброқ тузилганиннидан эса эриш хусусиятига кўра ёёларга яқин турадиган липоидлар ҳосил бўлади. Липоидлар ёёларни эритувчи моддаларда, яъни спирт, эфир, азетон ва бензолда яхши эрийди.

Ёёлар тузилиши ва учрайдиган жойига кўра турлича бўлади. Ҳужайра протоплазмасида улар йирик-майдаги томчилар шаклида учрайди ва энергетик озиқ заҳираси вазифасини бажаради. Липоидлар протоплазма ва унда жойлашган органеллаларнинг қобиғини ташкил қилувчи мембраналар тузилишининг асосини ташкил этади. Кўпинча улар оқсиллар билан бириккан ҳолда учрайди. Уларга ҳужайра асосини ташкил қилувчи липопротеидлар киради. Организм касалланганда ана шу ҳужайра липоидлари парчаланиб, улардан ёғ томчилари ажralиб чиқади.

Анорганик моддалар. Маълумки, тўқима ҳужайралари таркибида ҳар хил микдорда сув ва минерал тузлар бўлади. Ҳужайраларда учрайдиган сув эркин ва боғланган ҳолатда бўлади. Моддалар алмашинуви жараёнида, яъни моддаларнинг эришида, асосан эркин ҳолдаги сув иштирок этади. Боғланган ҳолда учрайдиган сув оқсил молекулалари билан биришиб, ҳужайралар тузилишини сақлаб туради ва бундан ташқари, сув ҳужайрада содир бўладиган кимёвий ва биокимёвий реакцияларда иштирок этади. Ҳужайраларда, сувдан ташқари, анорганик моддалар минерал тузлар ҳолида ёки оқсиллар, углеводлар ва липоидлар билан бириккан ҳолда учрайди. Улар ҳужайралардаги кислота-ишқорий мувозанатни сақлаб туради, осмотик босимни, мицеллаларда адсорбция қилинувчи тузлар ионларини тартибга солиб туради. Анорганик моддалар, одатда, чин ёки коллоид эритмалар ҳолида бўлади. Коллоид ҳолда улар органик бирикмалар билан боғланган бўлади.

Органик моддалар билан бирга учрайдиган элементларга қуйидагиларни киритиш мумкин: АТФ нуклеин кислоталар таркибидаги фосфор, гемоглобин таркибидаги темир, хлорофилл таркибидаги магний ва х.к.

Нуклеопротеидлар нуклеин кислоталарнинг оқсиллар билан бирикшидан ҳосил бўлган мураккаб комплекс булиб, протоплазмада ҳосил бўладиган мураккаб кимёвий реакциялардан бири – оқсиллар метаболизмини бошқаради. Нуклеопротеидлар таркибига киравчи нуклеин кислоталарнинг табиатига қараб икки хил бўлади. Биринчиси – дезоксинуклеопротеидлар (ДНП), иккинчиси – рибонуклеопротеидлар (РНП). ДНП барча ҳужайралар ядросида, яъни уларнинг асосий массаси бўлган хроматинда, митохондрияда ва сперматозоиднинг бош қисмида учрайди. ДНП таркибини ташкил этувчи оқсилларга гистонлар ва протаминалар киради. РНП дан эса рибосомалар, вируслар, информосомалар ташкил топган бўлади.

Йод – қалқонсимон без гормони тироксин ва трийодтиронин

таркибида учрайди. Кобалт – В витаминда учрайди. Ҳужайрада минерал тузлар етишмаслиги ундаги барча физик ва кимёвий жараёнлар бузилишига сабаб бўлади. Натижада турли касалликлар келиб чиқади.

Нуклеин кислоталар мураккаб органик бирикмалар бўлиб, таркибида фосфат кислота бўлиши туфайли улар кислотали характеристига эга. Нуклеопротеидларнинг табиатига кура, барча табиий нуклеин кислоталар бир-биридан тубдан фарқ қилувчи икки хилга: дезоксирибонуклеин кислота (ДНК) ва рибонуклеин кислота (РНК) га бўлинади. ДНК таркибида пиримидин асослари – тимин цитозин, ҳамда пурин асослари – аденин ва гуанин учрайди. ДНК молекуласида дезоксирибоза углеводи молекуласидаги кислород РНК дагига нисбатан бир атом камдир. РНК га фосфат кислотадан ташқари, пентоза гурухига мансуб рибоза углеводи, циозин ва урацил деб аталувчи пиримидин асослари, ҳамда аденин ва гуанин номи билан юритиладиган пурин асослари каби азотли бирикмалар киради. ДНК фақат ядрода топилган бўлса, РНК ядроча ва айниқса эргастоплазмада кўп учрайди.

Нуклеин кислоталарнинг асосий биологик вазифаси – биологик йўл билан оқсил синтезлаш ва синтезланган оқсилларнинг ўзига хос тузилишини белгилашдан иборат. Жамики тирик мавжудотнинг тузилишидаги хилма-хиллик айнан шунга боғлиқdir.

Ҳужайра морфологияси

Одам билан ҳайвоналарнинг орган ва тўқималарини ташкил қилувчи ҳужайраларда умумий ўҳшашлик бўлишига қарамай, улар шакли, тузилиши, кимёвий таркиби ва моддалар алмашинуви жараёни билан бир-биридан фарқ қиласди. Юқорида қайд қилиб ўтилгандек, ҳар бир ҳужайранинг физиологик ҳолати уларнинг морфологиясини белгилайди. Масалан, нерв, мускул ҳужайраларини кўрайлик. Уларнинг йирик-майдалиги ва шакли ҳар хил бўлишига қарамай, барча гирик организмлар ҳужайрасининг ички тузилишида бир-бирига ўҳшашлик бор. Ҳар бир ҳужайра бир бутун мураккаб физиологик хусусиятга эга тузилма бўлиб, уларда организм учун зарур бўлган барча ҳаётгий жараёнлар кечади. Масалан, деярли ҳамма ҳужайраларга хос бўлган моддалар алмашинуви, энергия ажратиш, таъсиричанлик, ўсиш, тикланиш ва х.к. Ҳужайраларнинг морфологик тузилишига кура ташкил томондан ўраб турувчи мембрана, цитоплазма ва ядро каби таркибий қисмлардан ташкил топганлигини кўрамиз. Ҳар бир ҳужайрада ана шу таркибий қисмлар мавжуда бўлгандагина унинг ҳаёт кечириши таъминланиши мумкин.

Ташки мембранинг тузилиши. Барча орган ва тўқималар ҳужайрасининг цитоплазмасини ташки мухитдан уч қаватли ташки қобиқ ажратиб туради. Бунга цитолемма ёки плазмолемма ҳам дейилади. Унинг ўргача қалинлиги 7,5 нм. га тенг бўлиб, ёруғлик микроскопида кўринмайди. Унинг тузилишини ўрганиш учун электрон микроскопдан фойдаланилади. Қобиқнинг икки чет қават

лари оқсилдан ташкил топған бұлиб, ўрта қавати ёғсімөн модда-дан иборат. Мембранның майда тешікчалар бұлиб, улар орқали керакли моддалар хужайра ичиға ўтиб, моддалар алмашинуви нағыжасида ҳосил бұлған чиқиңди моддалар тапқарига чиқады. Мембранның фотоцитоз ва шиноцитоз қилиш хусусияттың эга зарражаларни ҳамда таркибида ҳар хил суюқлик томчиларини үраб олиб емириб юборади. Бинобарин, хужайра ташқи мембранның физиологик вазифаси шу хужайрага керакли озиқ моддаларни үтка-зид, кераксизларни ташқарига чиқарып, емириб, хужайра бутун-лигини ва ҳаёт фаолияттін таъминлаб туришдан иборат.

Мембранның ташқи ва ичкарига ўсиб чиққан ўсимталары ҳам бұлади. Улар ана шу ўсимталарды ҳосил қылған қатламлары билан құшни ҳужайраларға бевосита бирикіб, ўзаро боғлиқдиги, мустахамлары ва алоқасини таъминлаб тұрады. Ичкари томондан бир қавати бўргиб чиқиб, ядро қисмнанча боради ва факат цитоплазма билан эмас, балки ядро билан ҳам муносабатда бўлади.

Хужайра органеллалари хужайраның доимий таркибий қисми бўлиб, муайян тузилишта эга ва муайян физиологик вазифани бажа-рувчи қисми органелла дейилади. Органеллалар умумий ва маҳсус органеллаларга бўлинади. Умумий органеллаларга: митохондрий, цитоплазматик (эндолазматик) түр, рибосома, гольжи мажмуи, лизосома, микронайча, центросома, пероксисома ва пластидалар кирса, маҳсус органеллаларга тонофибриолалар, миофибриолалар, нейро-фибриолалар, киприкчалар, микроворсинкалар киради.

Цитоплазматик (эндолазматик) түр хужайра цитоплазмаси-да жойлашган каналчалар тизими, вакуолалар ва цистерналардан иборат мураккаб тузилма бўлиб, цитоплазматик мембрана билан қопланган. Цитоплазматик түр ҳайвои ва ўсимликлар ҳужайраси, шунингдек бир ҳужайралы содда организмларда бўлиб, тухум ҳужайраси билан ядрои бўлмаган эритроцитларда учрамайди. Цитоплазматик түр донадор (грануляр) ва донасиз (агрануляр) бўлади. Донадорларининг мембранның майда таркибий түр шаклда рибосомалар бўлади. Донасизларида эса рибосомалар бўлмайди. Донадор цитоплазматик түр ҳужайрада оқсил ва ферментларни синтез қилишда иштирок этса, донасизлари липидлар ва полисахаридалар синтезини таъминлайди. Цитоплазматик түрнинг мураккаб тузилишини факат электрон микроскопда ўрганиш мумкин. Ҳужайраның физиологик ҳолатына боғлиқ равишда цитоплазматик түр элементлари түқ ва оч рангда бўлиши мумкин.

Үрни келганды шуни ҳам айтиш керакки, цитоплазматик түр жуда гаъсирчан ва үзгарувчан органелла бўлиб, ҳар хил таъсир натижасида вакулалари ышынан, наїчалари парчаланиб кетиши мумкин. Үларнинг бундай структура үзгаришлари айрим касалликларда аниқ-равшаш күзатылади ва уларга ташхис күйипда жуда күл қелади.

Рибосомалар энтоплазмик түр тизимига киругучи, шакли юма-лок, диаметри 150-350 \AA га тенг тузилма бўлиб, уларни факат электрон микроскоғда куриш мумкин. Ҳужайраларда, одатда, икки

хил рибосомалар бўлиб, уларнинг кўп қисми донадор эндоплазматик тўр мембраналарида, қолгани эса эркин ҳолда цитоплазмада ёки митохондрий, ёхуд хлоропласт матриксидаги жойлашган булади. Рибосомалар ядро қобигининг ташки мембранасида ҳам учрайди. Рибосомаларнинг 40 % и РНК дан, 60 % и оқсиллардан ташкил топган. Рибосомаларнинг асосий вазифаси оқсиллар синтезида иштирок этишдан иборат. Донадор эндоплазматик тўрда жойлашган рибосомалардаги синтез жараёни одатда жадалроқ кечади.

Лизосомалар органеллалар қаторига киради. Уларнинг вазифаси – ҳужайраларда овқат ҳазм қилиш ҳамда фагоцитоз жараёнларида иштирок этишдан иборат. Цитоплазмадаги лизосомаларнинг атрофи бир контурли мембрана билан уралган, диаметри 0,2-0,8 мкм келадиган юмолок шаклда бўлади. Матрикс билан мембрана таркибида 20 дан ортиқ гидролитик ферментлар (кислотали фосфатаза, нуклеазалар, катепсин, коллогенез, глюкозидаза ва бошиқалар) борлиги аниқланган. Уларнинг қобиги бузилганида ферментлари цитоплазмага чиқиб кетади. Лизосомалар амфибиялар, қушлар, сут эмизувчилар ва бошقا ҳайвонлар, ҳамда одамда тоғилган. Айниқса улар фагоцитоз қилиш хусусиятига эга бўлган ҳужайраларда яхши кўринади. Ҳужайралардаги икки хил – бирламчи ва иккиламчи лизосомалар Гольжи мажмую атрофида жойлашган бўлиб, таркибидаги ферментлар суст фаолият кечиради. Плазматик мембранадан ҳосил бўлган эндоцитоз пуфакчалар (фагосомалар)нинг бирламчи лизосомалар билан бирикиши натижасида уларнинг ферментлик фаолияти кучаяди ва иккиламчи лизосомалар (гетрофагосомалар), яъни ҳазм вакуолалари ҳосил булади. Озиқ моддаларнинг ҳазм булиши жадаллашади.

Микронайчалар узунлиги 2,5 мкм, диаметри 20-30 нм. га тенг шоҳланмаган, ичи бўш найчалар бўлиб, асосан оқсиллардан таркиб топсан хивчинлар ҳамда кипричалардан иборат. Цитоплазмада жойлашган центрола ҳамда базал найчалар ҳам шу микронайчалардан ташкил топган. Улар, одатда, таянч ҳамда шаклини белгилан вазифасини бажаради. Аксарият ҳайвонлар ҳужайрасидан олинган микронайчаларнинг кимёвий тузилиши деярли бир хил бўлиб, асосан ўзига ҳос тубулин оқсилидан таркиб топган.

Гольжи мажмӯя (Гольжи аппарати, пластинкасимов мажмӯя) ни бирилгич бўлиб 1898 йилда италиялик олим Камилло топган. Уни фанда Гольжи аппарати, пластинкасимов мажмӯя, тўрсимон аппарат. тўрсимон мажмӯя деб атаги расм бўлган. Улар ҳайвон ҳужайраларида асосан ядро атрофида жойлашган. Уларнинг ҳужайраларида урсқ ва таёқча шаклида учрайди. Қандай түқнма ҳужайраларида учрамасин, уларнинг электрон микроскопик тузилишин деярли бир хил яъни асосан ясси шаклдаги цистерналар тизими. Найчалар ҳамда диаметри 20 нм. дан 60 нм. гача бўладиган майдава йирик пуфакчалардан ташкил топган. Уларнинг устки қалпалиги 7-10 нм. келадиган цитоплазматик мембрана билан уралган. Ҳужайрасине вазифаси ўмарининг қараб, у кагчаланиб ёки ки-

чиклашиб тураты. Гольжи мажмуди без ҳужайраларида яхши ўрганилган. Масалан, без ҳужайраларининг секрети катталағи ҳар хил пулфакча шаклида Гольжи мажмуди атрофида топилган. Оксиллар даставвал эндоплазматик түрдан Гольжи мажмудига үтади. Уларда мураккаб оқсиллар (липопротеидлар, мукопротеидлар, мукополисахаридлар) ҳосил бўлади. Тайёр бўлган мураккаб оқсиллар пулфакчаларга йигилиб, сўнг цистерналардан секрет ҳолда ажралиб чиқади. Пулфакчалар асосан микронайчалар орқали ҳаракат қилали. Усимликлар ҳужайрасида Гольжи мажмудаси таркибида гемицеллюз ҳужайра қобигида пектин моддасини синтезлайди. Шилимшиқ моддалардаги полисахаридларни синтезлашда ва чиқариб беришда ҳам иштирок этади. Гольжи мажмуди гранулоцитлар билан семиз ҳужайралардаги маҳсус гранулаларнинг ҳосил бўлишида ҳам иштирок этади.

Митохондрия ҳайвонлар ва айрим усимликлар ҳужайрасида учрайдиган органелла бўлиб, диаметри 0,2-1 мкм. га тенг. Шакли ҳар хил: юмалоқ, овалсимон, таёқчасимон ва ипсимон бўлади. Митохондрияларнинг сони ҳар хил ҳужайраларда турлича: 1 донадан 100 минг донағача бўлиши мумкин. Масалан сутэмизувчилар жигарининг битта ҳужайрасида 2500 та митохондрия бўлади. Уларнинг вазифаси узгариши билан сони ҳам узгаради, яъни ҳужайраларнинг вазифаси ошганда митохондрияларнинг сони ҳам ортади. Бунда фақат сони узгармай, балки шакли ҳам узгаради.

Митохондрия нозик тузилишини электрон микроскопда яхши куриш мумкин. Объектив катталаштириб курилганда эса унинг девори икки қаватдан иборат эканлиги яқдол куринади. Унинг ташки қавати текис, ички қаватидан бўшилик томон усимталар ўсиб чиқсан бўлади. Бу усимталарга крипталар дейилади. Уларнинг сони ҳар хил бўлади. Бўшилик, қисмида ярим суюқ ҳолдаги модда бўлиб, унга матрикс дейилади. Матрикс таркибида ДНК, маҳсус РНК ва рибосомалар бўлади. Ички мембранаси асосан оқсиллардан (70 %), фосфолипидлардан (20 %) ва бошқа моддалардан ташкил топган. Ташки мембранаси 15 % оқсил ва 85 % фосфолипидлардан иборат. Митохондрияларнинг асосий вазифаси энергия ҳосил қилишдан иборат. Масалан, ҳужайралардаги энергиянинг 95 % ини митохондриялар ҳосил қиласи. Бу уларда углеводлар, аминокислоталар, ёёларнинг оксидланishi ҳисобига рўй беради. Оксидланиш билан кечадиган фосфорланиш жараёнида макроэнергиянинг асосий манбаи – АТФ синтезланади. АТФ синтези митохондрияларнинг асосий вазифасига киради. Митохондриялардан оқсиллар ҳам синтезланади.

Ҳужайра маркази (центросома, центриоль) ҳамма ҳайвон ва тубан усимликлар ҳужайрасида топилган органелладир. У биринчи марта Ф. Флеминг (1985) томонидан аниқланган. У вактда центросома дастглаб булинаётган ҳужайраларда топилган. Кейинчалик матлум булишича центросома, бошқа ҳужайраларга нисбатан, булинаётган ҳужайраларда яхши куринар экан. Бу органелла оддий ёруғлик микроскопида иккита геңтроверла шаклида куринади. Электрон микроскопда эса

центриола узунлиги 0,3-0,5 мкм, диаметри 0,1-0,15 мкм. ни ташкил қылған цилиндрсімөн танаңа бұлып күрінади. Ҳар бир түпламда уттадан найча жойлашған бұлып, уларга триплет дейилади. Ҳар бир триплеттің узунлиги центриоланинг узунлигига тең.

Центриолалар жуфт-жуфт бұлып бир-бираға перпендикуляр жойлашади. Центриола үкі бұлиніш үқини белгілайди. Центриолалар алохіда масса марказыда жойлашиб, бу масса центроплазма ёки центросфера дейилади. Центросферада мембрана бұлмай, зичлигига күра цитоплазмадан фарқ қылады, протеинларға бой. Айрим манбаларда центриоланинг тузилиши киприкчалар ёки хивчинларнинг ички тузилишига үхшатылади. Ҳақиқатдан ҳам электрон микроскоопда олиб бориленген текширишларда улар үртасыда үхшашлық борлиги тасдиқланади.

Базал танаңалар цилиндрсімөн шаклда бұлып, центриола сингари 9 жуфт микронайчалардан ташкил топған. Шу вақттача ҳужайраннинг бұлиніши центриоланинг вазифасыға боялаб келинган. Эндидиқда эса айрим олимлар ҳужайраларда киприкчалар билан хивчинлар ҳосил бўлишида ҳам центриолаларнинг ўз вазифаси бордеган назарияни илгари сурмоқдалар.

Махсус органеллалар. Буларга миофibrillалар, хивчинлар, киприкчалар, нейрофибрillалар, микротуклар ва бошқалар киради. Юқорида махсус органоидлар ҳақида гапирилганда буларнинг тузилиши, таркиби ва вазифалари баён қилиб үтилди.

Ҳужайра киритмалари цитоплазманинг доимий бўлмаган таркибий қисмидир. Уларга оқсиллар, ёғ томчилари, гликоген түпламлари, секретлар, пигмент киритмалари ва бошқалар киради.

Оқсил киритмалари ҳужайра цитоплазмасыда пластинкасімөн, таёқчасымон түплам ва кристал шаклида учрайди. Ёғ киритмалари ва липидлар ҳар бир тирик организмда учрайди. Улар ёғ томчилари шаклида күрінади. Ёғ томчилари, одатда, бир-бiri билан қўшилиб йириклишади. Улар күпчилик ўсимликлар ҳужайрасида ҳам учрайди. Гликоген киритмалар доначалар ёки уларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган йирик түплам шаклида учрайди. Пигмент киритмалари турлича ранг ийғувчи ҳар хил моддалардан ҳосил бўлган. Ҳайвонлар ҳужайрасида кенг тарқалган пигмент киритмаларга мелонин, липофусцин, каротиноидлар кирса, ўсимликлар ҳужайрасидаги пигментларга ксантофил ва каротин, ликопин, криптоксантин киради.

Секретор киритмалар одам ва ҳайвонлар организмидә кенг тарқалган без маҳсулотлари, яъни секретдир. Улар цитоплазмада, одатда, майда томчи ёки түплам шаклида учрайди. Киритмалар махсус бўёқларда бўалиб, кейин кўрилади.

Ҳужайра ядросининг тузилиши

Ядро ҳамма тирик ўсимлик ва ҳайвонлар ҳужайрасида бўлиб, унинг ҳаёт фаолиятида иштирок этадиган доимий тузилмадир. Ядронинг фаолияти цитоплазма ва унинг таркибидаги органеллалар билан узлуксиз боелиқ бўлиб, ядро бутунлигининг бузилиши,

уларнинг ўзаро фаолиятининг бузилишига ва ҳужайранинг нобуд бўлишига олиб келади. Масалан, ядронинг қобиги микромонипулятор ёрдамида бузилса, ядро моддалари цитоплазмага қўшилиб кетиб, ҳужайра нобуд бўлади. Ядро аксарият ҳужайраларда битта, айрим ҳужайраларда остеокласт, кўндаланг йўлли мускуллар ҳужайраларида кўп бўлади. Уларнинг шакли, улчами ҳужайранинг шакли ва катта-кичиклигига боғлиқ. Аммо кўпчилик ҳужайраларда улар юмaloқ ва овалсимон бўлади. Лейкоцитларда таёқасимон, ловиясимон, мезотелийда яssi бўлади. Ядро қобигининг икки қаватдан иборат бўлиши, ҳар бирининг қалинлиги 10 нм. га тенглиги электрон микроскопда аниқланган. Ядронинг ички ва ташки қобиги оралиғида 10-30, баъзан 100 нм. га тенг перинуклеар бўшилик бўлади. Деворида диаметри 80-90 нм. га тенг кўплаб тешикчалар бўлади. Шу тешикчалар орқали цитоплазма кариоплазма (ядро плазмаси) билан боғланади. Ядро таркибида мураккаб оқсилилар, липоидлар, ферментлар бўлади. Нуклеин кислоталар орасида ДНК ва РНК мухим вазифа бажаради. РНК оқсилининг мураккаб синтезида иштирок этади.

Ядрочалар деярли ҳамма ўсимлик ва ҳайвон ҳужайраларида топилган. Одатда улар ҳужайраларда битта ёки иккита бўлади. Ядро кариоплазманинг энг зичлашган қисми бўлиб ажралиб туради. Таркиби ипсимон кўринишдаги гомоген тузилмалардан ташкил топган. Ядроча рибосома синтезида иштирок этади.

Ҳужайранинг бўлиниши ўсимлик ва ҳайвонлар ҳужайрасига хос хусусиятдир. Бошқача айтганда, ҳужайранинг бўлиниши тирик организмларнинг тобора ривожланишини, узоқ муддат яшашини таъминлаши демакдир. Ҳужайранинг бўлиниш жараёни, одатда, организмнинг эмбрионал давридан бошланиб, то умрининг охиригача давом этади. Эмбрионал даврда ҳужайраларнинг бўлинишидан янги муайян ҳужайралар ҳосил бўлса, айрим ҳужайралар кўпайиши (гистогенези) натижасида ҳар хил туқималар тикланади.

Маълумки ҳужайраларнинг ўзига хос яшаш муддати бор. Онтогенез даврида ҳужайралар нобуд бўлиб, уларнинг ўрнини янгитган кўпайиш жараёнида ҳосил бўлган ёш ҳужайралар эгаллайди. Ҳозирги вақтда ҳужайралар кўпайшининг уч тури аниқланган: 1) митоз (*mitos* – иш) ёки нотўри бўлиниш, ёхуд кариопкинез, 2) амитоз (*a* – инкор этиш) ёки тўғри бўлиниш, ва 3) мейоз (*meiosis* – камайиши).

Митоз ёки нотўри бўлинишда нотўри ҳужайрада хромосома ишчалар пайдо бўла бошлайди. Бундай усуда бўлиниш организмда кўпчилик ҳужайраларга хос булиб, бунда ҳужайра иккига булиниб, ирсий ахборотни белгиловчи тузilmалар ва бошқалар ҳам қиз ҳужайралар орасида иккига бўлинади. Ҳужайраларнинг бўлиниши жараёнида цитоплазма ва ядро таркибида мураккаб ўзгаришлар содир бўлади. Бу жараён тўрт босқич: профаза, метафаза, анафаза, телафазага бўлинади. Икки фаза ўргасидаги даврға интерметоз фаза ёки интерфаза дейилади (2-расм).



2-расм. Ҳайвон ҳужайрасининг митоз йўли билан бўлинishi (схема)

1 - интерфаза; 2 - профаза; 3 - метафаза; 4 - анафаза;
5 - телофаза; 6 - эртаги интерфаза

Профаза ҳужайрадаги ядро маҳсулотларининг ўзгаришидан бошланади: тайёқчасимон ёки юмалоқ шаклдаги хромосомалар пайдо бўлади, ҳужайрада қутбланиш жараёни бошланади. Хромосома таркибида бўлган хроматиндаги ДНК яхши кўриниб туради.

Шунга ўхиаш жа-

раён ҳужайра марказида содир бўлиб, улардаги центроллалар бир-биридан узоқлашади ва қарама-қарши томонга ўтади ва дук итчалари ёрдамида бирикиб туради. Профазанинг охири хромосомаларнинг тикланиши, ядро қобиги ва ядрочанинг йўқолилиши билан якунланади.

Метафаза ёки она юлдуз босқичи, бунда хромосомалар ҳужайра марказига силжиб, дук ўргасида метафазали ёки экваторияли бир текис пластинка ҳосил қиласди. Метафаза охирида ҳар бир хромосома иккита хроматидга, яъни қиз хромосомаларга бўлинади.

Анафаза. Бу даврда гомологик хроматидлар қарама-қарши қутбларга ажралади. Она ҳужайрада нечта хромосома бўлса, ҳар бир қутбда шунча хромосома пайдо бўлади. Ҳужайра танасида белбоғ ҳосил бўлиб, ҳужайрани аста-секин иккига бўлади.


Телофаза. Бунда янги ҳосил бўлган ҳужайрада бир бугун ҳужайра шаклана бошлайди. Ахроматин дук йўқолиб, центриоладан ҳужайралар маркази пайдо бўлади. Хромосомаларда йигилган ядро моддаси бир текис кўринишни эгаллайди, ядроча билан ядро қобиги юзага келади. Цитоплазмадаги органеллалар билан ҳужайра киритмалари ўз жойини эгаллайди. Ҳужайранинг танаси иккига ажралиб, иккита ёш мустақил ҳужайра ҳосил бўлади.

Амитоз – тўғри ёки оддий бўлиниш – ўсимлик ва ҳайвонлар ҳужайрасининг бўлинishiда учрайди. Одамда кўпинча эмбрион ҳужайралари кўпайишида учрайди, яъни бўлиниш натижасида мустақил ҳолда яшаш ва кўпайиш хусусиятига эга ҳужайралар ҳосил бўлади. Бундай бўлинishда дастлаб ҳужайраларнинг ядро ва ядрочаларида бўлинishi бошланади. Бунда дастлаб ядро чўзилиб белбоғ ҳосил бўлади. Шу сабаб бир вақтда ядрочада ҳам бўлиниш жараёни бошланади. Ядро ва ядроча белбоғлари аста-секин чўзилиб ингичкалашади ва охири узилади. Бу вақтда ядро билан бирга ҳужайранинг ўзи ҳам иккига бўлинади. Баъзан ядронинг ўзигина бўлишиб, ҳужайра танасида бўлинishi бўлмайди. Бунда кўп ядроли ҳужайралар ҳосил бўлади.

Мейоз - ҳужайраларнинг бўлиниш усулларидан бири бўлиб, ядро бўлинишининг мураккаб жараёни ҳисобланади. Чунки бунда хромосомалар диплоид ҳолатдан гаплоид ҳолатга ўтади. Хромосомалар сони икки марта камаяди (редукцияланади). Бу эса жинсий ҳужайралар (гометалар) шакланишининг муҳим омили ҳисобланади.

Мейознинг муҳим биологик аҳамияти шундан иборатки, у бирор турга мансуб организмнинг қатор бўғинларида кариотип турғулини сақлаб, жинсни таъминлар экан, хромосома ва генлар рекомбинацияси учун шароит туғдиради.

Тўқима (3-расм) кўп ҳужайрални организмнинг тарихий филогенетик ривожланиши жараёнида вужудга келган, муайян бир физиологик вазифани бажаришга ихтисослашган ҳужайра ва ҳужайраларо тузилмалар мажмуасидан таркиб топади. У ҳам ўзига хос бир тизим, чунки бир эмас, балки бир нечта элементдан: ҳужайра ва ҳужайраларо моддалардан ташкил топган бўлади. Тўқимани ҳужайрага нисбатан тизим эмас, органларга нисбатан тузилма дейилади. Чунки тўқималар бирлашиб муайян органин ҳосил қиласади. Аммо барча органларнинг тўқималари ҳамиша бир хил тузилган бўлмайди. Ҳар қайси тўқима у қайси орган тўқимаси бўлишига қараб, муайян морфологик вазифага эга бўлади: 1) тузилишига кўра: эпителий (чегараловчи) тўқимаси, ички муҳит тўқималари (қон, интерстициал, скелет тўқималари), нерв тизими тўқималари ва мускул тўқимаси бўлади. Булар кўп ҳужайрални ҳайвонларнинг барчасида учрайди ва қайси органда бўлишига қараб, маълум аҳамиятта эга; 2) бажарган вазифасига кўра, гарчи умумий бўлса ҳам: чегаралаб турувчи, ички муҳитни доимий равишда бир хил сақлаб турувчи, қисқартирувчи, таъсирланишини идрок этувчи, узатувчи ва таҳлил қилувчи тўқималар ўзаро фарқ қиласади. Яна ҳам аникроқ қилиб айтадиган бўлсақ, уларнинг ҳар қайсиси умумий вазифалари доирасида алоҳида ихтисослашган маҳсус функцияни бажаради. Масалан, ички муҳит тўқималари-қон билан лимфа томирларда ҳаракатланиб, моддалар алмашинуви маҳсулотларини ва озиқ моддаларни ташийди; шу ички муҳит тўқималарининг бошқа бир хили, масалан, сийрак биректирувчи



3-расм. Турли тўқималар ҳужайраларининг тузилиши (Алимовдан)

1 - яғси эпителий; 2 - цилиндрический эпителий; 3 - кубический эпителий; 4 - слизистый мускул ҳужайраси; 5 - голдусимон ҳужайра; 6 - жигар ҳужайраси; 7 - нерв ҳужайраси; 8 - қизил қон таничаси (эрепроцесси); 9 - сүзук ҳужайраси; 10 - эрекаклик жинсин ҳужайраси; 11 - эпителий ҳужайраси

тўқима эса бошқа механизмлар ёрдамида бу моддаларни томирлар деворидан ишлаб турган тўқималарга ўтказади. Нерв тизими тўқималари хусусида ҳам шундай фикрни билдириш мумкин. Масалан, нерв тўқимаси мазкур тизимда асосий вазифани бажарса ҳам, аммо нерв тизими тўқимасининг бир хил типда ҳисобланган нейронларсиз у ҳам ўз вазифасини тўла бажара олмайди ва ҳ.к.

Тўқималар, одатда, эмбрион варақаларининг у ёки бу қисмларидан ривожланади, бунёдга келади ва ҳаёт фаолияти даврида, юқорида айтилганидек, жойлашган ўрнига, бинобарин, турига кўра турли вазифаларни бажаради. Демак, тўқималарни ўрганишда дастлаб уларнинг эволюциясига мурожаат қилиш керак. Бу жараённи ўрганувчи предмет эволюцион гистология деб аталади. Гистологиянинг бу соҳасини асосан И.И. Мечников, А.А. Заварзин, Н.Г. Хлопин ривожлантиридилар ва янги foялар билан бойитдилар.

Онтогенезда тўқималарнинг шаклланиши

Одам ва ҳайвонларнинг эмбрионал ривожланиши билан танишар эканмиз, жинсий йўл билан кўпаядиган барча кўп ҳужайралари организмлар икки жинснинг гаплоид ҳужайралари қўшилишидан вужудга келади. Аниқроқ қилиб айтганда, иккита жинсий (урғочи ва эркак) ҳужайра қўшилганда зигота ҳосил бўлади. Цитологиядан маълумки, зигота организмда мавжуд барча ҳужайраларга бошланғич моддийлик беради.

Организм эмбрионал ривожланишининг дастлабки босқичларида ирсий омиллари билан бирга муҳит таъсирида эмбрион ҳужайралари табақаланади ва ўзига хос мураккаб тузилишга эга бўлади. Сўнг бу ҳужайралар ривожланиб, улардан ҳар хил тўқима элементлари шаклланади. Эмбрион муртагидан ҳосил бўлган ва кам табақалангандан ҳужайраларнинг ривожланиши натижасида (онтогенезида) тўқима пайдо бўлиш жараёни гистогенез деб аталади.

Маълумки, ҳужайралар табақаланиб бориши билан бир вақтда уларнинг сони ҳам ортиб боради, ҳажми ҳам катталашади, бунга ўсиш жараёни деб аталади. Ҳужайралар фаолиятида бундай жараён кечиши индувидаул ривожланиш биологиясига хос хусусият деб қаралади. Демак, организмнинг эмбрионал ривожланиши натижасида ҳужайралар мутгасил кўпаяди, ўсади ва такомиллашиб боради. Бу эса ҳар хил ҳужайраларнинг таркиб топишига ва организмнинг шаклланишига сабабчи бўлади, яъни такомиллашиш жараёнлари натижасида эмбрион ҳужайрасида тўқимага хос тузилма ва хусусиятлар шаклана боради.

Одатда тўқималарнинг шаклланишига бўлган давр, яъни жинсий ҳужайралар қушилиб, зигота ҳосил қилганидан бошлаб, то тўқима шаклланганга қадар бўлган давр 4 га бўлиниади: 1) оотишик давр; 2) бластомер даври; 3) муртак даври; 4) тўқима (гистогенез) даври.

Оотишик даврда келгуси тўқима ҳосил бўладиган материаллар

тухум ҳужайра зигота цитоплазимасининг тегишили қисмида жойлашган булади. Масалан, амфибияларда хорда - мезодерма қисмида жойлашган. Ҳозирги вақтда тухум ҳужайра ёки зиготанинг ривожланиш даврида келгуси ҳосил бўладиган тўқима қисмларини тахминан аниқлаш мумкин. Ҳужайранинг ана шу қисми такомиллашиб бориб, келажакда у ёки бу тўқима шакланади. Бунга презумптив (бошлангич) урчуқлар дейилади. Ҳозирги вақтда гистогенез жараёни замонавий авторадиография усулида, яъни радиоактив моддалар юбориб яхши ўрганилган.

Бластомер даври отилик даврнинг давоми бўлиб, бунда зигота бўлинishi натижасида кўплаб бластомерлар, яъни ўзига хос янги мустақил ҳужайралар ҳосил бўла бошлайди. Булар эса ўз навбатида бўлинib майдаланар экан, ўзи билан келажакда ҳосил бўладиган тўқима ёки аъзоларнинг бошлангич элементларини олиб ўтади. Бинобарин, етилган бластуланинг турли қисмларини ташкил қилувчи бластомерлар ҳам ўзаро бир-биридан фарқ қиласди.

Эмбрион ривожланишининг навбатдаги даврларида бластомерлар шаклланиши, ички тузилиши ҳамда вазифалари бир-биридан фарқ қиласди турлича йуналиш олади. Эмбрион ривожланишининг бластомер даври ҳам яхши ўрганилган бўлиб, ҳар бир бластомернинг келажакдаги тақдири, яъни у келажакда организмнинг қайси тизимлари ривожланишида иштирок этиши маълум.

Муртак даврида эмбрионал ривожланишининг бластула даври тугаб, муртакнинг бошлангич урчуқлари ҳосил бўла бошлайди. Бунда келажакда турли тўқима ва аъзоларни ҳосил қиласди ҳужайралар, яъни урчуқлар (чегараланган қисмлар) пайдо бўлади. Муртак даврида ўзига хос ҳужайралардан ташкил топган эмбрион ва рақалари ҳосил бўлади ва улар табақаланиши натижасида ҳар хил тўқималар вужудга келади. Масалан, эктодермадан шакли найсимон нерв тўқимаси урчуғи ажралиб чиқади, мезодермадан эса ҳар хил сомит бўғимлар ҳосил бўлиб, сунгра улар склеротом, митом, дерматом ва спланхиотомларга ажралади.

Умуртқали ҳайвонларда, кўпинча, юқорида айтилган бошлангич урчуқлар билан биргаликда мезенхима ҳам шаклана бошлайди. Мезенхима асосан эмбрионнинг ўрта варагидан ҳосил бўлган мезодерманинг турли қисмларидан ажралиб чиқсан ҳужайрадан таркиб топган бўлади ва бошлангич урчуқларнинг оралиқ бўшиликларини тўлдириб туради. Мезенхима табақаланиши натижасида эса шакли ва вазифаси ҳар хил тўқималар ҳосил бўла бошлайди. Масалан, қон ҳужайраларига, суяқ бирютирувчи ва силлиқ мускул тўқималарига бошлангич моддийлик ана шу мезенхимадан ўтади.

Тўқима (гистогенез) даврида тўқима урчуғидан ўзига хос тузилган ва муайян вазифаларни бажаришга мослашган етик тўқималар етишиб чиқади. Ҳар бир тўқиманинг шаклланиш жараёни ўзига хос йуналишда содир бўлиб, бир-биридан тубдан фарқ қиласди. Тўқималарнинг мана шундай бошлангич урчуқдан ҳосил бўлиш жараёни гистогенез деб аталади. Бинобарин, тўқима даври гисто-

генез даври ҳамдир. Тұқымалар ҳосил бұладиган бошланғыч уртакуда үзига хос үзгаришлар содир бұладики, натижада урчукқұжайралари ва ұжайрасиз тузилмаси ихтисослашиб, ҳар хил тұқымага хос морфологик тузилиш ва үзига хос физиологик ва шу билан бирга кимёвий хусусиятлар касб этади. Бу жараён давом этиши натижасыда бора-бора организмда тұқима, аъзо ва тизимлар бунёдга келади.

Демак, эмбрионал ривожланиш даврининг дастлабки босқичида аввал оддий тузилган муртак ҳосил бұлсагына ривожланишнинг охирги даврларида мураккаб тузилган ва эндилиқда муайян вазифаны бажара оладиган тұқима ва аъзолар пайдо бұлади.

Эмбрионал ривожланишнинг мана шу гистогенез даврида ұжайраларнинг морфологик тузилиши ва физиологик ҳолатини уларнинг таркибий қисми, яъни кимёвий структураси тәъминлайди. Чunksи ұжайраларнинг кимиёвий структураси уларда борадиган моддалар алмашинуви жараёнинга боғлиқ. Бинобарин, ҳар бир эмбрион ұжайрасыда моддаларни алмашинув жараёни үзига хос физиологик фаолиятига қараб турлича, озиқ моддаларға бұлган әхтиёжи ҳам турлича бұлади. Масалан, жұжа эмбриони юрагининг ривожланиши учун организміда глюкоза концентрацияси жуда паст бўлиши керак, нерв тұқимаси эса бундай шароитда ривожлана олмайди, чunksи унинг ривожланиши учун глюкоза камиди икки баравар кўп бўлиши шарт.


Ҳозирги вақтда экспериментал тажрибалар үтказиб, обьектта гистогенез жараёнинг таъсир қилувчи ҳар хил моддалар юбориб, уларнинг тұқымалар ривожланишига таъсири үрганиб чиқылған. Маълум бўлишича, гликолиз (йодацетат) ва цианидлар жўжа миясининг үсишини сусайтиради, юракнинг ривожланишига эса айтарли таъсир қилмайди; флюоридлар эса аксинча, юрак тұқимасининг ривожланишини сусайтиради, мия ривожланишига эса унча таъсир қилмайди. Эмбрионал ривожланиш даврида моддалар алмашинуви жараёни тури тұқымаларда турлича бориши улар таркибидаги ферментлар миқдори ва активиги ҳар хил бўлишини тақазо қиласы. Демак, табақаланиш (дифференциялаш) жараёни деганда, ўз регионида үзига хос моддалар алмашинувига зота бўлған, натижада үзига хос моддалар алмашинувига ва физиологик вазифаны бажаришига олиб келадиган жараён тушунилса, ұжайра ва тұқымалар табақаланиши деганда, бир хил ұжайра ва тұқымаларда фарқланиш юзага келиши, уларнинг онтогенез жараёнида ихтисосланишига сабаб бұладиган үзгаришларга учрапши тушунилади.

Тұқымалар ҳозирги замон микроскоплари ва янги тәдқиқот усуллари ёрдамида ҳар томонлама үрганилишига қарамай, шу вақттача уларни уйғун ҳолга келтирілған ягона таснифи тузилған эмас. Бинобарин, тұқымалар тузилиши, вазифасыга ва ривожланиш хусусиятларынша қараб бир оз шартты равищада бир неча гурӯхға бўлинади. Ҳар қайси тұқима ұжайралари үзига хос морфологик тузилишга зота бўлиб, организмнинг тури қисмида жойлашған ва

турлича вазифаларни бажаришга мослашган. Ана шундай түқималар борки, ўзи бир хил бўлишига қарамай, организмнинг ҳамма қисмидаги учрайди ва ҳар хил морфологик тузилишга эга бўлади ва турлича физиологик вазифани бажаради.


Хозирги вақтда асосан морфофункционал таснифдан фойдаланилади. Бу таснифга мувофиқ организм түқималари беш групга бўлиб ўрганилади.

1. Эпителий түқимаси (4-расм) ўзига хос морфологик тузилишга эга бўлиб, хужайралари зич, яъни қатлам-қатлам бўлиб жойлашган (5-6-расм). Бу түқима орқали организм билан ташқи муҳит ўртасида моддалар алмасинуви содир бўлади. Бундан ташқари, ҳимоя қилиш, сўриш, секреция ва экскреция қилиш хусусиятларига эга бўлган эпителийлар ҳам бор. Эпителий түқимаси эмбрион ривожланиш даврида организмнинг учала варагидан (эктодерма, энтодерма ва мезодермадан) ҳосил бўлади ва ўзи қоплаб турган аъзо ва тизимларни, кўп хужайрали ҳайвонларининг ташқи ва ички эпидермис қаватини, овқат ҳазм қилиш тизими, ҳаво йўллари, сийдик ва таносил йўллари шиллик пардасини, сероз пардаларини ва шунингдек, организмдаги бир қатор безларнинг (7-расм) ўз вазифасини бажаришида иштирок этади. Бордию, шу аъзо ёки тизимлар, ҳайвонларнинг тери ёки шиллик пардалари



4-расм. Эпителий түқимаси турларининг схемаси

1 - бир қаватли ясси эпителий; 2 - бир қаватли кубсимон эпителий; 3 - бир қаватли цилиндрический эпителий; 4 - кўп қаторли цилиндрический киприкли эпителий; 5 - кўп қаватли мутузланмаган эпителий; 6 - кўп қаватли мутузлананаған эпителий; 7 - кўп қаватли ўзгарувчан эпителий (чапга - тўқима чўзилган холатида, ўнга - тўқима чўзилмаган холатида)



5-расм. Бир қаватли кубсимон эпителий (буйрак препарати, гемотоксилин-эозин билан бўялган)


1 - сийдик найчасининг ички бўшили; 2 - кубсимон эпителий хужайралари; 3 - базал мембрана; 4 - биринчи руви тўқима ва плюмир



6-расм. Одам бармоқ, төрсі (ок. 7, об. 8)


1 - эпидермис; 2 - дерма; 3 - тери ости тұқымасы

сүяқ тұқымалари киради. Бириктирувчи тұқымаларнинг асосий морфологик үшшашлиги улар тұқима ҳужайраларидан ва толали ҳужайралараро моддадаң ташкил топғанлығы билан белгиләнади. Бу тұқымалар организмде трофик, пластик, химия, механик ва таянч вазифаларини бажаради (9-расм).



7-расм. Эктокран бәзілердің түзилиші жаңа халлары (В.Г. Глускоевдән)

I - ортаңғы тұқымдастырылған база; II - әзірілген алвеодесимплект база; III - мөрзецит; IV - ортаңғы шармекшілдік алвеолар база; V - мұраккеге тәсілдемен шаалынан алвеолада база (И.В. Амматов жаңа А.С. Сутоловадан)



8-расм. Одам қонининг бўялган суртмаси (схема)

1 - эритроцитлар; 2 - лимфацитлар (майдаси ва ийриги); 3 - моноцит; 4 - нейтрофил лейкоцит; 5 - эозинофил; 6 - базофил; 7 - тромбоцит.

Йўлли мускул тўқимаси цилиндрсиз мускул толачаларидан таркиб топган. Мускулларнинг асосий вазифаси организмнинг ташқи ва ички аъзолар ҳаракатини таъминлашдан иборат.

Силлиқ мускул асосан ички аъзоларнинг мускул қаватини ташкил қилади ва ритмик ҳолда қисқариб туаркан, ҳеч қачон чарчамайди, одам ёки ҳайвон ихтиёрисиз ҳаракатланиб туради.

Кўндаланг йўлли мускул асосан скелет мускулатурасини ташкил этиб, тез қисқариб, тез чарчайди. Қисқариш ёки ёзиши ҳам ихтиёрий юзага келади. Аммо юрак мускули ҳам кўндаланг йўлли мускул толасидан ташкил топганига қарамай, силлиқ мускулларга ўхнаб ихтиёрсиз қисқариш хусусияттига эга.

Силлиқ мускуллар мезенхимадан, кўндаланг йўлли мускуллар эса мезодермадан ривожланади.

5. Нерв тўқимаси. Нерв ҳужайралари асосан нейронлар билан нейроглиядан ташкил топган. Нейронларнинг вазифаси ташқи ва ички таъсирни қабул қилиб, уни бир нейрондан иккинчи нейронга утказишдан иборат. Нейроглия ҳужайраларининг вазифаси ҳам нерв ҳужайраларининг вазифаси билан узвий бояланган булиб, трофиқ, механик, таянч ва фагацитоз вазифаларини бажаради. Нерв тўқимаси организмнинг эмбрионал ривожланиши даврида эмбрионнинг эктодерма ҳужайраларидан ажralиб чиқади ва ривожланади. Нейроглия ҳужайралари мезенхимадан тарқалади.

Базал мембрана организмда учрайдиган тўқима ҳужайралари -

Бу үринда шуниң қайд қилиш керакки, қон, лимфа ва биринчи тўқималар эмбрионал ривожланиш даврида унинг мезенхима ҳужайраларидан ҳосил бўлади. Шунинг учун айрим қўлланмаларда бу тўқималар мезенхима тўқима сифатида бир гуруҳга кўшиб ҳам ўрганилади.

4. Мускул тўқима.

Организмда морфологик тузилиши ва жойлашган ўрнига кўра икки хил, яъни силлиқ ва кўндаланг йўлли мускул тўқималари учрайди. Силлиқ мускул тўқимаси дуксимон мускул ҳужайраларидан, кўндаланг

дан эпителіоцит ва эндотелиоцитларнинг базал қисмлари, уларнинг остида жойлашган бириктирувчи түқимадан базал мембрана (базал пласинка) орқали ажралиб туради. Худди шунга үхшаш, кундаланг йўлли мускул толалари ҳам базал мембрана ёрдамида атрофдаги түқималардан ажралиб туради. Базал мембрана аниқ морфологик тузилишга эга бўлмаган парда бўлиб, углерод, оксили ва ли-попротеид моддалардан таркиб топган мураккаб тузилмадир. Ўз фолиятида трофик тўсиқ ва чегаралаб турувчи каби муҳим вазифаларни бажаради. Базал мембрана (пластинкада) қон томирлар бўлмайди, унинг атрофидағи түқима ҳужайраларига озиқ моддалар шу парда орқали фильтрланиб ўтади, шу билан улар түқималараро моддалар алмашинувида иштирок этади.

Түқима

регенерацияси

Регенерация организмнинг ташқи муҳит омиллари таъсирига мослашуви натижасида такомиллашиб борадиган ёки ҳар хил сабабларга кўра нобуд бўладиган ҳужайралар, түқималар ва аъзолар ўрни қопланиб турадиган ва тикланадиган жараёндир. Регенерация уч ҳил: физиологик регенерация, репаратив регенерация, патологик регенерация бўлади.

Физиологик регенерация кундалик нормал ҳаёт давомида яшаб, эскириб, нобуд бўладиган түқима ҳужайралари ўрнига янги ҳужайралар бунёдга келишидир. Физиологик регенерациятага тери эпидермис қаватининг ҳужайралари яққол мисол бўлади. Бунда эпидермиснинг юқори қаватини ташкил этувчи мугузланган ҳужайралар муттасил тўкилиб туради, ўрнини эса базал ҳужай-



9-расм. Сийрак бириктирувчи түқима (схема)

1 - каллоген толача; 2 - эластик толача; 3 - лимфацит; 4 - плазматик ҳужайра; 5 - фибробласт; 6 -нейтрофил; 7 - гистиоцит; 8 - моноцит; 9 - макрофаг; 10 - ёғ ҳужайраси цитоплазма шақорага бўялган ёғ помчиси; 11 - семиз ҳужайра; 12 - ҳужайраларга аморф модда; 13 - перекит; 14 - эндотелий ҳужайра; 15 - эритроцит (Е.А.Шубниковага).

ралар күшайиши натижасида ҳосил бұладиган янги ҳужайралар тұлдидириб туради. Худди шунингдек, физиологик регенерация жараёнини қон шаклли элементлари мисолида ҳам күриш мумкин, яның қон танаачалари үз вазифасини бажарып бұлғанидан сұнг, улар үрнини құмиқда ҳосил бұладиган янги ёш эритроцитлар тұлдидириб боради. Бундай ҳолни бошқа ҳужайралар фаолиятида ҳам күриш мумкин.

Репаратив регенерация. Бұ регенерациянинг физиологик регенерациядан фарқы шундаки, бунда тұқима ҳужайралари физиологик эскириши (нобуд булиши) натижасида янгидан ҳосил бұлмай, балки патология натижасида нобуд булиб, емирилиб, янгилари вужудға келади. Репаратив регенерация патология шароитта юзата келиши сабабли миқдор ва сифат жиҳатидан меъёрдан фарқ қиласы. Бунга операциялардан сұнг тиғ теккизилген жойнинг битиши, тикланиши мисол бұла олади.

Патологик регенерация ҳар хил сабабларға күра патология жараёнлардан кейин тұқима ҳужайраларининг нобуд булиши ва үрни тұлдидирилишига патология регенерация дейилади. Бунда регенерация жараёни кечикиши, бузилиши ёки бутунлай бұлмаслиги мумкин. Регенерация жараёни қандай кечмасын үннинг тезлиги ва сифаты организмнинг үша вактдаги хилма хил реактив ҳолатига боялық булади. Бу ҳолатни, одатда, нерв тизимининг ҳолати, озиқданыш, ялғылғанышнинг бор йүқлиги, тұқимадаги маҳаллий шартшароит – иннервация, лимфа айланиши, қон айланишининг қониқарлы ёки қониқарсиз булиши, организмнинг ёши, яшаш шароити ва бошқалар белгилайди. Шуларға асосланиб, регенерация жараёни тұқималарда матълум суръят билан бориши ёки бутунлай юзага чиқмаслиги мумкин деймиз. Шикастланған тұқима нерв тизимидан маҳрум бўлган (тажриба вақтида нервсизлантирилган ёки нерв травматик шикастланган) ҳолларда регенерация бутунлай бұлмаслиги ёки ниҳоятда суст, сифатсиз булиши мумкин. Ҳа деганда битавермайдиган хроник жароҳатлар, яралар пайдо булишига асосий сабаб шу ердаги нерв ҳужайраларининг нобуд бўлғанлигидир.

Бу үринде шуни айтиб үтиш керакки, шикастланган ёки бир қисми патология жараён туфайли шикастланган ички аъзоларда (жигар, меъда ости бези, буйраклар, жинсий безлар, талоқ, ва б.) регенерация фақат шуларнинг үзидагина бормасдан, балки аъзонинг соғ қолган қисміда ҳам боради, бунга компенсатор гипертрофия дейилади. Бундай регенерация одатда аъзонинг дастлабки ҳажми ва функциясини тиклашига олиб келади.

Айрим ҳолларда регенерация жараёни кучайиб кетади, ортиқча тұқималар ҳосил булишига сабаб бўлади, бунга суперрегенерация дейилади.

Регенерация жараёнида тұқиманинг бир тури үрнида иккінчи тури ҳосил булиш ҳолатлари ҳам учрайди. Масалан, бронхлар ялғылғанши натижасида улар деворини қоплаган кипприкли цилиндрсизмөн эпителий үрнида күп қаватли ясси эпителий ҳосил булиши мумкин.

Тұқымаларнинг регенерация йүли билан үсили (гистогенез) кам табақаланған бирламчи хужайраларнинг янгидан ҳосил бўлиши натижасида содир бўлиши ҳам мумкин. Бинобарин, уларнинг кўпайиши жароҳатланган жойни тўлдириб тўқима битишини таъминлайди.

Регенерация тўлиқ ва чала бўлиши мумкин. Тўлиқ регенерация реститутция деб юритилади. Бунда нобуд бўлган тўқима ўрнида тузилиши ҳамда функцияси жиҳатидан йўқотилган тўқимага батамом мос келадиган янги тўқима ҳосил бўлади, тери жароҳатининг битишида эпителий қатламининг тўлиқ тикланиши, мускул бутунлиги бузилганида эса мускул тўқиманинг тўлиқ тикланиши бунга мисол бўлади. Чала регенерация, яъни субституцияда жароҳатланган жой асли тўқимага ўхшап тўқима билан тўлдирилмасдан, балки биринчирилган тўқима билан тўлдирилади ва астасекин зичлашиб буришиб чандиққа айланади. Бундай чала регенерацияга жароҳатнинг чандиқланиб битиши ҳам дейилади.

Айрим ҳолларда тўқымалар уларда ўзига ҳос регенератор элементларининг пайдо бўлиши йўли билан ҳам тикланиши мумкин. Масалан, шикастланган мускул тўқимасида “мускул муртаклар” ҳосил бўлиб, уларнинг кўпайиши натижасида тикланиш жараёни кечади. Албатта у охиригача етмайди, натижада нуқсон асосан биринчириувчи тўқима ҳисобига тўлади.

Юқорида айтилган ҳолатлар қўпинча регенерация бўладиган метаплазия (тубдан ўзгариш) асосида юзага келади. Мазкур ҳолда метаплазия тўқима функцияси ўзгариши туфайли содир бўлади. Шундай қилиб, тўқымаларда регенерация, яъни тикланиш жараёни бир неча хил бўлиб, уларнинг нормал кечишига кўп омиллар таъсир этади.

АНАТОМИЯ ФАНИНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА АТАМАЛАРИ

Одам ёки умуртқалилар анатомиясини мукаммал ўрганишда анатомияда құлланиладиган атамалардан фойдаланилади. Атамалар асосан лотин ёки юнон (грек) сүзларидан ташкил тоғган бўлиб, бутун дунёда тарқалган. Атамалардан фойдаланишда маълум муаммолар бўлгани учун, 1955 йили Парижда бўлиб ўтган VI халқаро Конгрессда анатомияда құлланиладиган атамалар қайта кўриб чиқилиб тасдиқланди ва ҳозирда бутун дунёда мазкур атамалардан фойдаланилади.

Одам танаси таърифланганда, гавда тик ҳолда бўлиб, құллар пастта туширилган, кафтлар олдинга қараган, скелети тик ҳолда деб назарда тутилади. Тана ва аъзоларни ўрганишда бадандан ўтказиладиган ҳар хил чизиқлардан фойдаланамиз.

Горизонтал юза — ер юзига параллел бўлиб, тана кесилган юзалари бири иккинчисига, яъни устига тўри кесиб жойлашадиган қисмлар юзаларига айтилади.

Медиана юза — ўрта юза ҳисобланиб, танани симметрик ҳолда иккига, яъни ўнг ва чап юзаларга бўлади.

Сагитал юза — танани олдиндан орқа тарафга қаратиб, бошидан охиригача вертикал (тикка) кесилиши натижасига ҳосил бўлади. Музлатилган танани симметрик ҳолда ўртасидан иккига бўлинса, медиана юзаси ҳосил бўлади.

Фронтал юза — одам танасига параллел вертикал ҳолатда ўтказилганида ҳосил бўлади. Сагитал ва фронтал юзаларга тик бўлади.

Тана аъзолари ва тизимларини ўрганишда юқорида айтиб ўтилган юзалардан фойдаланиб, аниқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Масалан:

медиал (*medialis*) — ўрта юзага яқин жойлашган ёки ўрта юзага қараган томони;

латерал (*lateralis*) — ўрта юзадан четта қараган;

крониал (*cranialis*) — калла суюгига ёки бошга яқин жойлашган;

каудал (*caudalis*) — гавданинг дум қисмига яқин жойлашган;

вентрал (*ventralis*) — қорин юзасига қараган;

дорзал (*dorsalis*) — орқа томонга қараган;

проксималь (*proximalis*) — гавдага яқин жойлашган;

дистал (*distalis*) — гавдадан узоқда жойлашган;

оддинги - *anterior*, орқа - *posterior*, юқориги - *superior*, пастки - *inferior*, ташқи - *externus*, ички - *internus*, ўнг - *dextra*, чап - *sinistra*, чуқур - *profundus*, юзаки - *superficiab*.

ҲАРАКАТ АЪЗОЛАРИ ТИЗИМИ

СКЕЛЕТ СУЯКЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР (ОСТЕОЛОГИЯ)

Организмнинг ҳаракат аъзоларига мансуб қисмлари эмбрионал ривожланишнинг бошлиғич босқичларидаёқ кириша бошлайди. Бунда скелет мускуллари қисқариб, скелет суюклари ва уларнинг бўғимларини ҳаракаттага келтиради.

Тана скелети (*sclētos* - қуритилган) организмнинг чекланмаган турли хил ҳаракатларини бажаришга морфологик ва функционал жиҳатдан мослашган 200 дан ортиқ ҳар хил суюклар йиғиндисидан ташкил топган (10-расм). Бу суюклар ҳаракат усулига қараб бир-бири билан турлича: бўғимлар, бойламчалар ва мускуллар ёрдамида бирикади. Скелет суюкларига мускуллар туташган бўлиб, уларнинг қисқа-риши суюклар ҳаракатида асосий воситачи ҳисобланади.

Скелет суюклари уч хил вазифани бажаради:

1. **Таянч вазифаси.** У ҳар хил түқима ва аъзоларнинг скелет суюклари айрим қисмларига бирекиши натижасида вужудга келади.

2. **Ҳаракат жараёни.** Скелетни ташкил килувчи суюкларнинг ҳар хил бўғимлар (ричаглар) ҳосил қилиб, бўғим орқали бирлашибшиши ва мускуллар қисқариши натижасида юзага келади.

3. **Ҳимоя вазифаси.** Айрим скелет суюкларининг бир-бири билан бирекишидан ҳосил бўлган бушлиқлар ичидаги аъзоларни ҳимоя қилишдан иборат (мас., кўкрак қафаси, бош мия бушлиги ва ҳ.к.).

Булардан ташқари скелет суюклари организмда минерал моддалардан калъций, фосфор учун депо вазифасини бажаради. Тирек суюк таркибида А, Д, С, ва бошқа витаминалар ҳам мавжуд. Скелет суюкларининг икки томонлама бирекиши дастак вазифасини ҳам бажаради. Натижада суюкларнинг бир-бирига ёки бутун танага нисбатан ҳаракати таъминланади.

Суюклар таснифи


Скелет суюклари шакли, вазифаси ва ривожланишига қараб фарқланади ва уч гурухга бўлинади:

1. **Найсимон суюклар.** Узун ва қалта найсимон шаклга эга.

2. **Фовак суюклар.** Узун, қалта, ясси ва сесамасимон суюклар

3. **Аралаш суюклар.** Бу аниқ бир шаклга эга бўлмаган суюклар, масалан калланинг асосини ташкил қилувчи суюк.

Узун найсимон суюклар. Бундай суюклар икки хил субстанциядан иборат булади. Уларнинг устки қисми қаттиқ субстанциядан (*substancialia compacta*), ва ғовак (кумик) субстанциядан (*substancialia spangiosa*) ташкил топган бўлиб, уни қаттиқ тузилган остеонлардан иборат пластинкасимон суюк тўқимаси ташкил этади. Ғовак суб-



10-расм. Скелет (олди томонидан күриши)

1 - калла; 2- умуртқа пөюнасининг бүйин бўлими; 3 - кўкрак қафаси; 4 - умуртқа пөюнасининг бел бўлими; 5 - думказа; 6 - ўмров; 7 - курак; 8 - елка сүяги; 9 - тирсак сүяги; 10 - билак сүяги; 11 - кўл панжаси; 12 - чаноқ сүяги; 13 - сон; 14 - тиззак кропкови; 15 - калита болдири сүяги; 16 - кичик болдири сүяги; 17 - ёёқ панжаси.

станция эса суюкнинг ички қисмида жойлашиб, юнқа, майда, бир-бири билан бирриккан суюк пластинкаларидан иборат. Суюк пластинкалари ораларида ҳосил бўлган бўшлиқларда илик жойлашади.

Фовак модда пластинкалари мускуларнинг тортилишига мослашган ҳолла ниҳоятда тартибли қонуний равишда жойлашган бўлади. Узун найсимон суюкларга эркин ҳаракат қилувчи қўл ва ёёқ суюклари киради.

Найсимон суюклар, ўз навбатида, узун ва калта суюкларга бўлинади.

Узун суюкларга билак суюклари, сон ва болдири суюклари мисол бўла олади. Калталарига кафт ва фаланга суюклари киради. Узун суюклар морфологик тузилиши уларнинг вазифасига мослашган. Ўрта қисмлари ҳар хил йўғонлиқда ва узун бўлиб, уларга тана ёки диафез қисми (*diaphysis*) дейилади. Икки учи (*epiphysis*) эса қандай бўғим ҳосил қилиши ва вазифасига қараб шарсимон ёки ҳар хил дўнглар ҳосил қилгани ҳолда ўсимтали ёки ўсиқди шаклда бўлади. Узун суюкларнинг диафез қисми ичидаги узунасига жойлашган найсимон бўшлиқ бўлиб, у илик билан тўла бўлади.

Диафез ва эпифиз қисмларининг ўртасида метафиз (*metaphysis*) қисми бўлиб, бу қисмда ўсаётган организмда найсимон суюкнинг хусусиятига эга

төгай ҳужайралари жойлашган. Уларнинг кўпайиши натижасида ҳосил бўлган янги ҳужайралар аста-секин остеоцитларга айланади, натижада суякларнинг бўйига ўсиши содир бўлади.

Узун ғовак суяклар. Асосан ғовак субстанциядан ташкил топган бўлиб, устки қисмини юпқа қаттиқ парда қоплаб туради. Узун ғовак суякларга қовурға, тўш суюги кирса, калталарига умуртқа пофоналар, кафтнинг устки ва кафт суяклари киради. Ғовак суяклар скелетнинг ҳаракат доираси камроқ, лекин етарли даражада кучли ҳаракат ва таянч талаб қиласидаган жойларида учрайди. Сесамасимон ғовак суякларига тизза қопқофи, нўжатсимон, ҳамда қўла ва оёқ панжа суяклари киради.

Аралаш суяклар. Бунга калла асосини ташкил этувчи суяклар киради. Улар турли шаклдаги ва ҳар хил ривожланган бир нечта суяклар йигиндисидан ташкил топган. Аралаш суякларга умуртқалар ҳам киради. Айрим скелет суякларининг ичида бўшлиқлар бўлиб, уларнинг ички юзаси шилимшиқ парда билан қопланган, бўшлиқлар эса илиқ ҳаво билан тўлган бўлади. Бундай суякларга пешона, понасимон, ғалвирсимон ва юқори жағ суяклари киради.

Суякларнинг кимёвий таркиби

Суяклар кимёвий таркиби жиҳатидан органик ва анорганик моддалардан ташкил топган. Унда органик модда 1/3 (оссеомукоид, оссеин), анорганик модда эса 2/3 қисми ташкил этади. Анорганик моддалар – кальций фосфат, кальций карбонат, кальций фторид, магний фосфат, натрий борат ва натрий хлориддан иборат. Суякларнинг эгилувчанлиги уларнинг таркибидаги оссеин моддасига, қаттиқдиги эса минерал тузларга боғлиқ.

Суякларда органик ва анорганик моддаларнинг етарли даражада бўлиши суякларнинг мустаҳкамлиги, пишиқдиги ва чўзилувчанлик хусусиятларини таъминлайди. Вақт ўтиши билан суякларда рўй берадиган ўзгаришлар ҳам асосан шуларга боғлиқ. Ёш болалар суякларида органик моддалар, айниқса оссеин, кўп бўлгани учун уларнинг суяклари катта ёшдагиларникига нисбатан эгилувчан бўлади. Ёш улғайган сари суяқда органик моддалар ва сув миқдори камайиб суяклар мўрт бўлади ва уларнинг эгилувчанлик хусусиятлари пасаяди. Шунинг учун ҳам қариларда суяқ синиши кўпроқ учрайди. Жисмоний меҳнат суяклардаги кимёвий моддалар нисбатига таъсир кўрсатади. Оғир меҳнат билан шуғулланадиган одамларнинг бел умуртқалари ҳамда сон суякларида минерал тузлар бўйин умуртқаларига нигматан кўп бўлади.

Скелет суякларидан бир бўлагини азот кислотаси эритмасига солиб қўйилса, бир кун ичида суяқдаги минерал тузлар эриб, суяқ шакли сақланиб юмшоқ ҳолатта тушиб қолади. Аксинча, агар суякни юқори ҳороратда қиздирилса, унинг органик моддалари куйиб, анорганик моддалари қолади. Бунда ҳам суяқ шакли бузилмайди. Лекин суяқ мўрт ҳолга келади. Демак, организмда органик ва апорганик моддалар миқдори ҳамма вақт организм талабига

мос даражада бўлиши керак. Уларнинг етишмаслиги организмда, айниқса, скелет суюкларида ҳар хил касалликларга (масалан, рахит касаллигига) олиб келиши мумкин.


Илик. Фоваксимон суюклар пластинкалари оралиқлари, ҳамда найсимон суюклар бўшлиқлари илик билан тўлган бўлади (11-расм). Таркиби ва ранги билан фарқ, қиласидан иккى хил илик учрайди: бу қизил ва сариқ иликлардир.

Ёш ва жадал ривожланаётган организм қон ва суюк ҳосил қилувчи моддаларга муҳтоҷ. Шунинг учун уларнинг асоси қизил иликдан иборат. Масалан, ҳомила ёки янги туғилган чақалоқларнинг суюкларида асосан қизил илик учрайди. Ёш улғайган сари, 12-18 ёшлардан бошлаб, суюкларнинг диафез қисимларида илик сариқ рангга киради. Қизил илик тўрсимон ретикула тўқима толачалари орасида жойлашган қуюқ консистенцияли қизил массадан ташкил топган. Унинг таркибида қон шакли элементлар, суюклар ривожланишини таъминловчи гемоцитобласт ва остеобласт ҳужайралари мавжуд. Қизил иликда қон томирлари, ҳамда қон ҳосил қилувчи ҳужайралар кўп бўлгани учун улар иликка қизил ранг беради.

Сариқ илик. Асосан найсимон суюкларнинг диафез (тана) қисмлари бўшлиқларида жойлашади. Таркибидаги каротиноид моддаси унга сариқ ранг бериб туради. Сариқ илик асосан ёф тўқимасига ўхшаган моддалардан ташкил топган бўлиб, юқори сифатли озука моддалар манбаи ҳисобланади.

Суюклар микроскопик тузилишининг қисқача тавсифи

Суюк тўқимаси бошқа скелетоген тўқималарга ўхшаб асосан суюк ҳужайралари – остеоцит, остеокласт, остеобласт, ҳамда ҳужайраларро оралиқ модда – оссиомукоиддан ташкил топган (12-расм). Оралиқ модда оссиоген толачалари (коллаген толачаларига ўхшаш) ва асосий моддадан иборат. Найсимон суюк кўндаланг кесмасини микроскоцда кузатсан, унинг ҳар хил шакл ва катталикка эга остеонлар йигиндисидан ташкил топганини кўрамиз. Остеонлар суюкларнинг вазифасига қараб турлича жойлашади. Найсимон узун суюклarda суюк бўйи йўналишида жойлашган бўлса, фоваксимон суюклarda юқоридан пастта, тик, ясси суюкларда эса суюк юзасига нисбатан параллел ҳолда жойлашади.




11-расм. Соң суяги (фронтал кесма)

1 - компакт модда; 2 - ковак модда.

Остеон ва Гаверс тизими деб биттга қон томири атрофида жойлашган сүяк пластинкалари мажмуга айтилади. Ҳар бир қон томири атрофида 5-15 сүяк пластинкалари жойлашиши мумкин. Сүякларниң қаттиқдиги сүяк пластинкаларининг тузилиши ва оралық моддасининг таркибига боялған.

Сүяк пластинкалари – оссеин (коллаген) толаачалари ва улар оралығидаги минерал тузларга бой аморф модда, ҳамда сүяк ұхжай-раларидан ташкил топған. Пластинкалардаги толаачалар одатта бир-бирига нисбатан параллел жойлашиб, бир томонға йұналған бўлади. Құшни пластинкаларда эса, аксинча, толалар тескари йұналған бўлиб, сүяк қаттиқдигини таъминлайди.

Найсимон сүяклар кўндаланг кесимида ҳар хил катталиқдаги бир нечта остеонлар кўзга ташланади, ҳар бир қон томири атрофида биттадан остеон кўринади. Остеонлар бир-бирига яқин жойлашган бўлиб, ораларида оралық ёки қўшимча сүяк пластинкалари учрайди. Марказ қисмида жойлашган остеонларни ташқи томонидан үраб олган бир неча қават сүяк пластинкасидан ташкил топған ташқи улкан пластинкаларни кўрамиз. Уларниң бир нечтаси доира шаклида жойлашган бўлиб, деярли зич бўлмаган сүяк пластинкалар қаватидан иборат. Уларни устки томондан сүяк усти пардаси үраб туради. Булардан ташқи марказий қисмида остеонлар ораларидан ҳам сүяк пластинкалари ўтиб, уларга оралық пластинка-



12-расм. Сүяк тўқимасининг кўндаланг кесими

1 - сүяк усти пардаси (периост); 2 - ташқи умумий пластинкалар қавати; 3 - остеон (Гаверс) канали; 4 - остеон каналчаларининг ашасынномози; 5 - тешиб ўтувчи (Фолкман) канали; 6 - остеоцитт үсімталари (каналчалар билан тушашган); 7 - асосий модда; 8 - сүяк пластинкалари тизими (остеон); 9 - оралық пластинкалар; 10 - ички умумий пластинкалар; 11 -эндости; 12 - сүяк ички бўйлиги (И.В.Алмазов ва б.)

Мар дейилади. Найсимон сүяклар канали атрофида ҳам ташқи мумий улкан сүяк пластинкаларига ўхшаб ўраб туралдиган ички улкан пластинкаларни кўрамиз.

Сүяк устки пардаси. Сүякларда модда алмашиниш жараёни ва иннервация сүякнинг устки пардаси (*periostium*) орқали содир бўлали. Унинг микроскопик тузилиши икки қаватдан иборат. Ташқи қаватнич бириттирувчи (фіброз) тўқимадан ташкил топган бўлиб, химоя вазифасини бажаради. Йиккинчи қавати эса бевосита сүяк тўқимаси устидаги жойлашган бўлиб, унинг майдага толачалари сүяк тўқимаси ичига ўсиб кирган. Шунинг учун уни сүяқдан ажратиб олиш қийин. Ички қават таркибида кўплаб томирлар ва нерв учлари учрайди. Озиқ моддалари айрим парда ва сүяк таркибидаги майдага каналчалар орқали сүяк тўқимасига ўтади. Агар сүяк усти пардаси шилиб олиб ташланса, у сезиши қобилиятини йўқотади. Сүяк усти пардасининг ички қаватида кўплаб остеоген, яъни комбиал ҳужайралар учраб, улар кўпайиши хусусиятига эга. Остеоген ҳужайраларнинг кўпайиши ҳисобига сүякларда энгина ўсиш содир бўлади. Шу билан бирга улар сүяклар жароҳатининг тез битишида ҳам иштирок этади.

Сүякларнинг ривожланиши

Сүякларнинг ривожланиши жараёни (остеогенез) бир нечтага бўлинади: 1) эндесмал, 2) перехондирал, 3) периостал, 4) эндохондрал

Сүяк ривожланишининг бошланғич даврида эмбрионнинг мезенхима ҳужайралари бирламчи материал бўлиб хизмат қиласиди. Мезенхиманинг сүяк тўқимаси ҳосил бўладиган қисмидаги ҳужайралар шиддат билан бўлинади. Бўлинган ҳужайралар бир-бирадан узоқлашиб кетмай қаттиқ биримга ҳосил қиласиди ва бир вақтнинг ўзида улар оралигида бошланғич ҳужайралараро модда ҳам йигила бошлайди. Кейинчалик шу моддадан табақаланиши натижасида коллаген толачалар ҳосил бўлиб, уларнинг зичлашиб қаттиқлашиши оқибатида сүяк пластинкалари вужудга келади. Оралик модданинг кўпайиши натижасида сүяк ҳужайралари бир-бира билан ўсимталари орқали туташган ҳолда бир оз узоқлашади. Сўнг асосий модда (остеомукоид) аста-секин пайдо бўлиб, тўқима толачаларини бир-бираiga зич ёпиширади ва, ниҳоят, қаттиқ модда шаклланади. Шаклланган сүяк тўқимасининг периферик қисмидаги мезенхима ҳужайраларидан остеобласт ҳужайралари пайдо бўлиб, улар ҳам шиддат билан бўлина бошлайди. Бўлиниш натижасида ҳосил бўлган ҳужайралар сүяк пластинкасининг ташқи томонига жойлаша бошлайди. Сўнгра улар бўлинишдан тўхтаб, аста-секин остеоцитларга айланади ва мезенхиманинг ҳужайраларидан ҳосил бўлган остеобластлар кўлайиб, бошқа сүяк ҳужайралар қатламини вужудга келтиради. Шундай қилиб, сүяк пластинкаларида ўсиш жараёнини узун найсимон сүяклар мисолида жуда яхши ўрганиш мумкин.

Маълумки, эмбрионал ривожланишининг бошланғич даврларидан, яъни иккинчи ойдан бошлаб, бўлажак узун найсимон сүяк-

лар ўрнида гиалин төгай түкимасидан сүякнинг дастлабки элементлари пайдо бўла бошлайди. Төгай устки пардасида жойлашган хондробласт ва ичидаги хондроцит ҳужайралари ҳисобига төфайда шиддатли ривожланиш жараёни кечади. Бу даврда төгай таркибида гликоген кўп бўлиб, сүяк түкимаси шаклланиши билан унинг микдори аста-секин камайиб боради ва охирида тугайди. Ривожланишнинг бошлангич даврида төгай устки пардасида интенсив рашидда қон томирлари ривожланиб, сүякнинг кам табақаланган остеобласт ҳужайралари пайдо бўла бошлайди. Остеобласт ҳужайралари аста-секин сүяк атрофини ўраб олади. Дастлабки дағалланишнинг бу даврига төгай түкимасидан сүяк түкимаси ҳосил бўлишининг дастлабки даври дейилади.

Кейинчалик остеобласт ҳужайралардан остеоцит ҳужайралар ва ҳужайралардо мода ҳосил бўла бошлайди. Шу тарзда төгайнинг сүякка айланиш жараёни сүякнинг диафез қисмидан бошланиб аста-секин эпифиз қисмига ўтади. Төгай устки пардаси ҳам аста-секин сүякнинг устки пардасига айланади. Сүяк түкимаси ҳам ривожланиб, мураккаблашиб боради. Унинг орасига остеоцитлар билан бирга остеобласт ҳужайралари ҳам кириб боради. Остеобласт ҳужайралар төгай ҳужайраларининг сүяк ҳужайраларига айланиши жараёнини тезлаштиради. Шундай қилиб, диафездан бошланиб эпифиз томон кечадиган сүяк түкимасининг ҳосил бўлиш жараёни натижасида сүякнинг түкима қавати қалинлашиб боради Сүяк пластинкалари ва остеонлари, яъни Гаверс тизими юзага келади.

Посттэмбрионал даврда ҳам (23-25 ёшгача) диафез чегараларидан төгайнинг сүяк түкимасига ўтиш жараёни давом этаверади. Тахминан 25 ёшдан кейин төгай түкимаси сүякка айланиб бўлади ва ҳосил бўлган барча дағал сүяклар ҳам пластинкасимон сүякларга айланади ва организм ўсищдан тўхтайди. Улар дағал ва скелет сүякларининг айрим қисмларида гина сақланиб қолади.

Сүяк түкимасига таъсир этувчи омиллар ва регенерация

Сүяк түкимаси ривожланишига салбий таъсир этувчи асосий омиллардан бири – истеъмол қилинаётган овқат таркибида кальций ва фосфор элементларининг етишмаслигиdir. Масалан, овқатда "D" витамини етишмаса, кальций тузларининг сўрилиши издан чиқади ва сүяк ҳосил қилувчи ҳужайралар етарли даражада бўлинмайди. Натижада коллаген толачалар яхши шаклланмайди, остеобласт ҳужайраларининг вазифаси шу билан тугайди.

Сүяк түкимасининг ривожланишига эндокрин безлар маҳсулоти, яъни гормонлар ҳам катта таъсир кўрсатади. Масалан, организмда қалқонсимон без олди безининг гормони (параттормон) сүяк түкимасининг ривожланишини бошқаради, яъни қонда кальций ва фосфор алмашинувини бошқаради. Агар қонда бу безининг гормони купайиб кеттудай бўлса, остеокласт ҳужайралар қупайиб кетиб түкимада ресорбция (қайтадан сўрилиш) жараёни тезлаша-

ди. Қалқонсимон олди без гормони етишмаганда сүяк тұқимасынинг ривожланиши сусайиб қолади. Сүяк тұқимасининг ривожланишида гипофиз безининг самотроп гормони ҳам катта таъсир күрсатади. У сүякларда оқсил моддалар синтезланиши ва шу орқали сүякнинг ривожланишини ҳам тезлатади. Бу эса акромегалия касаллигига олиб келади.

Агар ёш организмда жинсий фаолият барвакт бошланиб қолса найсимон узун сүяклардаги тұқиманинг ривожланиши ҳам тезлашади. Сүяк тұқимаси узоқ вакт фаолият күрсатмай қолған ҳолларда эса унинг таркибида остеокласт ҳужайралар күпайиб кетиб, тұқимани емириб юборади.

ТАНА СКЕЛЕТИ

Одам скелет сүяклари умуртқалилар скелет сүякларига нисбатан олий дараражада ривожланган бўлиб, морфологик тузилиши ва функцияси жиҳатидан хилма-хил ҳаракатларни амалга оширишга мослашган.


Кўкрак қафасининг шаклланишида бир қатор тана скелет сүяклари иштирок этади. Буларга умуртқа поғоналар, қовурғалар ҳамда тўш сүяклари кирадиди.

Одам ва бошқа синфларга кирувчи умуртқалилар сүяклари ўз физиологик вазифаларига кўра морфологик тузилишлари билан фарқланади. Умуртқа поғонаси умуртқа сүякларининг бир-бирига мустаҳкам бирикиши натижасида ҳосил бўлади. Умуртқа поғонаси организм тана қисмларини боғлаб туриши билан бир вактда таянч, ҳамда орқа мия ва орқа миядан чиқувчи нервларни ҳимоя қилиш вазифасини ҳам бажаради. Елка ва оёқ камарларини ҳосил қилувчи сүяклар умуртқа поғонасига тушади. Елка ва калла ҳаракатида фаол қатнашади. Булардан ташқари умуртқа поғонаси одамнинг умр бўйи тик юришини таъминлайди.

Одам умуртқа поғонаси (*collumna vertebrali*) 33-34 умуртқа йиғиндиқидан ташкил топган бўлиб, уларнинг 24 таси ҳақиқий ва 9-10 таси соҳта умуртқалардир (13-расм). Ҳақиқий ва соҳта умуртқалар ўзига ҳос тузилишга эга Умуртқалар бир-бирига тогайлар, бойламлар, бўғимлар ёрдамида бирикади. Соҳта умуртқалар ёшларда нисбатан мустаҳкил бўлса, катталарда ўзаро бирикиб бир бутун сүяклар ҳосил қиласи.

Умуртқа поғонаси тепадан пастта қараб 7 та бўйин, 12 та кўкрак, 5 та бел, 5 та думғаза, 4-5 та дум умуртқаларидан ташкил топган. Умуман олганда вояга етган эркакларда умуртқа поғонасининг ўртча узунлиги 73-75 см. ни, аёлларда эса 69-71 см. ни ташкил қиласи. Шулардан бўйин қисмининг узунлиги 13-14 см., кўкрак бўлими – 27-30 см., бел қисми – 17-18 см. ва думғаза – 12-15 см. ни ташкил этади.

Умуртқа поғонани ташкил этувчи қисмларининг умуртқалари катта-кичичклиги ва шакли жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласи.



13-расм. Умуртқа поронаси

А - олдиндан күриниши; Б - орқадан күриниши; 1 - бүйин умуртқалари; 2 - курак умуртқалари; 3 - бел умуртқалари; 4 - думғаза; 5 - дум умуртқалари.


Умуртқа танаси бўғим ўсимталарининг ўрта қисмида устки ва пастки ўйиклар (*incisurae vertebrae superiores et inferiores*) мавжуд. Умуртқа поронасида юқори умуртқанинг пастки ўйифи ва пастки умуртқанинг юқори ўйифидан икки томонга биттадан умуртқа оралиқ тешиги (*foramen intervertebrale*) очилади. Бу тешиклар орқали орқа мия нервлари ва қон томирлари ўтади. Одам ва айрим ҳайвонларда бел ва думғаза умуртқалари катта ва бақувват бўлади. Сабаби, бу қисмлар организмнинг бош, тана ва қўлларидан тушган оғирликни ўзига олиб, чаноқ суяклари орқали оёқларга ўтказиб беради. Дум умуртқалари эса, аксинча, ўсишдан тўхтаб, кичиклашиб, умуртқа шакли ҳамда равоқларини йўқотиб рудимент ҳолга тушган.

Лекин эмбрионал ривожланиш даврида келиб чиқиши ва асосий вазифалари бўйича бир-бира гаштадир.

Ҳар бир умуртқа одд томонда жойлашган тана (*corpus vertebrae*) ва орқа равоғидан (*arcus vertebrae*) иборат. Умуртқа поғонаси билан равоғи бирлашиб ўртада умуртқа тешигини (*foramen vertebrae*) ҳосил қиласди. Ҳамма умуртқалар тешиклари бирлашиб умуртқа поғона каналини (*canalis vertebraise*) шаклантиради. Канал бўшлиғида орқа мия жойлашиб, умуртқалар равоғи ёрдамида чегараланади ва яхши ҳимояланади. Умуртқалар тана қисмлари оралиқларида толадор тоғай тўқимасидан ташкил топган умуртқалараро дисклар жойлашади. Умуртқаларнинг равоқ қисмларида ўсимталар бўлиб унинг орқа томонида учи қўлга сезиладиган даражада ўткир ўсимта (*processus spinosus*), икки ён томонида эса биттадан қўндаланг ўсимталар (*processus transversus*) жойлашган. Умуртқа равоғида яна юқориги ва пастки бўғим ўсимталари (*processus articulares superiores et inferiores*) жойлашган бўлиб, улар орқали умуртқалар ўзаро бирикади.

Умуртқалар. Бүйин умуртқалари (*vertebrae cervicalis*) одамларда 7 дона. Айрим умуртқаларда, масалан ломантик ва ялқовларда (ленивец) улар 6 та бұлса, ленивецнинг бошқа турларида (*brangurus*) – 8-10 та. Күпчилик умуртқаларда бүйин умуртқалари одамларниң үхшаб 7 та бұлиб, уларнинг сони бүйиннинг узун-калталигига боғлиқ әмас. Масалан: бүйниң эңг узун жирафада, ҳамда бүйниң эңг калта китсимонларда ҳам у 7 та. Бүйниң узунларда умуртқалар узун, калталарда еса у калта. Одам бүйин умуртқаларининг үзига хос тузилиши шундан иборатки, уларнинг күндаланг үсімталарида (*processus transversus*) думалоқ тешіклари (*foramen transversus*) бўлиб, улардан умуртқа артерияси ўтади. Олди томонида эмбрионал ривожланиш даврида қовурға қолдиклари ёпишиб, күндаланг үсік тешіги ҳосил қиласы. Үсік учлари иккига ажраган. Умуртқаның тана қисми (*corpus vertebrae*) бошқа умуртқаларга нисбатан кичик. Бүйин умуртқалари бир-бирининг устига жойлашиб, сүяқдан ташкил топған үзига хос канал ҳосил қиласы. Тана қисми тахминан учбурчак шаклида ва унча баланд бўлмайди. Уларнинг ўтқир үсімталари (*processus spinosus*) II дан VI умуртқагача чўзилиб, учлари айрисимон шаклда ажралган бўлади (VII умуртқада ажралмайди). Юқоридаги 2 та бүйин умуртқалари калла сүяклари билан бирлашиб, уни кўтариб турари ва бүйиннинг барча ҳаракатларида иштирок этади. Шунинг учун ҳам уларнинг морфологик тузилиши бошқа умуртқалардан кескин фарқ қиласы.

Биринчи бүйин умуртқа ёки атлант (*atlas*) (14-расм) бошқа умуртқаларга хос айрим қисмларини йўқоттан. Тана ва ўтқир үсімталари йўқолиб асосан олдинги ва орқа ёйлари (*arcus anterior et posterior*)



14-расм. Бүйин умуртқалари


A - биринчи бүйин умуртқасиниши (*atlas*) пастдан кўрининиши; Б - иккитчи бўйин умуртқасиниши (*epistropheus*) орқадан кўрининиши. 1 - олдинги ёй; 2 - ён масаси; 3 - олдинги бўртлик; 4 - тишсимон үсімтаси; 5 - юқориги бўғим чукурча; 6 - орқа ёй; 7 - орқа бўртлик; 8, 11 - кўндаланг үсімтаси тешіиги; 9 - кўндаланг үсімтаси; 10 - тишсимон үсімтаси; 12 - юқориги бўғим тоғи; 13 - кўндаланг үсімтаси ўсиги; 14 - ўтқир үсімтаси.

сақданған. Тана қисми иккінчи умуртқаға үсіб кириб, тиіссимон үсімтің (dens) га айланған. Олдинги равоқ тана қисми үрнида олдинги бұртиқ (tuberculum anterior) ривожланған. Равоқпінг ички юзасыда, иккінчи бүйін умуртқа тиіссимон үсімтасининг тушиб турадиган юзачаси (fovea dentis) жойлашады. Орқа равоғыда эса ривожланмаган, үткір үсімтің үрнида умуртқаның орқа бұртиғи (tuberculum posterior) жойлашған. Атлантда юқориги ва пастки бүтім үсімталары үрнида бүтім чуқурчалары (facies articularis) ҳосил бўлган. Юқориги-си калла сүяги, пасткиси эса иккінчи бүйін умуртқаси билан бирлашишада иштирок этади.

Иккінчи бүйін умуртқа (axis – ўқли). Андрей Везалий үнга эпистрофей (epistropheus), айлантирадиган умуртқа номини берган. Бошқа умуртқалардан фарқи – бөш мия сүяги билан бирлашиб, тик жойлашған тиіссимон үсіғи (dens) ёрдамида айланып, бүйіннинг ҳар хил ҳаракатларини таъминлашда иштирок этади (15-расм).


Тиіссимон үсіқнинг латерал (ён) томонларыда юқорига ва, қисман, пастға қараган атлант билан бирлаштириб турувчи бүтім юза (facies articularis superior) жойлашады. Умуртқаның пастки томонида эса олдинга, қисман пастта қараган пастки бүтім үсімталары (facies articularis superior) бўлиб, унинг учи айрисимон шаклда, қолган умуртқалар эса бир хил тузилишга эга. Еттинчи бүйін умуртқаси узун үткір үсімтаси билан бошқалардан фарқланиб туради.

Күкрап қисми умуртқалари (vertebrae thoracalis) қовурғалар билан бирлашиады, шунинг учун уларнинг тузилиши қовурғалар тузилишига мослашған бўлади (16-расм). Ҳар бир умуртқа танасининг иккі томонидан қовурға бошчаси билан боғланадиган қовурға чуқурчаларига (fovea costalis) эга. Қовурға бошчаси ҳар бир юқорида ва пастда турған иккита умуртқа таналарининг ёнбош оралығыда үрнашады. Шунинг учун умуртқа танасининг иккала томонида (юқорида ва пастда) яримтадан чуқурчалар (fovea costalis)



15-расм. Бүйін умуртқасининг (vertebra cervicalis) юқоридан күриши.

1 - пана қисми; 2 - үткір үсімтаси; 3 - күндаланған үсімтаса тешігі; 4 - күндаланған үсімтаса үсіғи; 5 - юқориги бүтім үсімтаса.




16-расм. Күкрап умуртқасининг (vertebra thoracalis) ён томондан күриши.

1 - юқориги бүтім юза; 2 - пастки бүтім юза; 3 - пастки үйік; 4 - пастки бүтім үсімтаси; 5 - үткір үсімтаси; 6 - күндаланған үсімтаса бүтім юзаси; 7 - юқориги бүтім үсімтаси.

superior et inferior) бўлади. Демак ҳар бир қовурға иккита кўкрак умуртқаси билан боғланади. Биринчи кўкрак умуртқасида юқорида биринчи қовурғага мўлжалланган чукурча бўлса, пастки ярмида иккичи қовурғага мўлжалланган чукурча бўлади. Шундай қилиб X умуртқагача бўлган қовурғалар иккита яримтадан бирлашиш чукурчаларига эга бўлса, XI-XII умуртқаларнинг икки томонларида тегишли қовурғалар учун биттадан тўла чукурчалар жойлашган бўлади. Кўкрак умуртқаларига хос тузилишлардан яна бири – умуртқаларнинг юқоридан пастга қараб йириклиниб боришиди. Кўндаланг ўсимталари эса нисбатан узун ва йўғон бўлиб, улар ён томонга йўналган ва қисман орқага эгилган бўлади. Умуртқа тешиги деярли доира шаклида. Юқори ва пастки бўғим ўсимталари деярли тик ҳолатда. Уларнинг бирикиш юзаси фронгал ўрнашган, юқоридаги ўсимталарда орқага, пасткиларда эса олдинга қараган. Ўткир ўсимталари анчагина пастга томон йўналган, учлари қирра кўринишида.

Бел умуртқалари (*vertebrae lumbalis*) танасининг йириклиги билан бошқа умуртқалардан фарқ қиласи. Кўндаланг ўсимталари нисбатан ингичка. Бўғим ўсимталари деярли сагитал ўрнашган бўлиб, бўғим юзасига эга. Умуртқа тешиклари учбурчак шаклида. Ўткир ўсимтаси катта, лекин баланд ва салмоқли бўлиб, деярли горизонтал ҳолатда. Бел умуртқалари ўз анатомик тузилиши билан умуртқа поғонасининг шу қисмiga оид барча ҳаракатни таъминлайди.

Думғаза (*os. sacrum*) – бешта думғаза умуртқаларининг бири-
кишидан ташкил топган
умуртқа поғонасининг энг
кенгайган пастки қисми
ҳисобланади (17-расм).
Катта ёшдагиларда думғаза
умуртқалари синостоз
йўли билан бутунлай бир-
лашиб кетган. Ҳажми ҳам
юқоридан пастга қараб ҳар
томонлама кичрайиб бора-
ди. Натижада думғаза по-
ғонасимон учбурчак шакли-
ни эгаллаб унинг асоси,
яъни кенгайган юқори қис-
ми, бирмунча олдинга эгил-
ган, уч қисми эса пастга
йўналган бўлади. Бундай
тузилиш гавда оғирлигини
думғаза умуртқаларига ту-
шиши натижасида содир
бўлади. Думғаза кенгайган
асосий қисмининг (*basis
ossis sacri*) икки ёнбошида
устки ўсиғи (*processus*



17-расм. Думғаза суягининг (*os. sacrum*) орқа томондан кўриниши.

1 - орқа тешиклари; 2 - қулоқсимон юза; 3 - латерал қирралари; 4 - думғазанинг ўрта қирраси; 5 - шохча.

articulares superior), пастки қисмида эса уч қисми (*apex ossis sacri*) жойлашган. Думғазанинг олдинги чаноқ юзаси қисман букилган бўлиб, кичик чаноқ бўшлиғи деворини ташкил қилишда иштирок этади. Шу қисмида тўртта олди тешиклари (*foramina sacralia pelvina*) ва кўндаланг жойлашган чизиқлар (*lineae transversae*) жойлашади.


Думғазанинг орқага бўртиб чиққан томонида ўткир ўсимталар, бўгимлар ва думғаза умуртқалари кўндаланг ўсимталарининг бирлашиб кетиши натижасида думғазанинг ўткир қирраси (*crista sacralis mediana*), бўғим ўсиқларининг бирлашишидан оралиқ қирра (*crista sacralis inter media*) ва умуртқалар кўндаланг ўсиқларининг қўшилишидан ҳосил бўлган латерал қирралар (*crista sacralis lateralis*) жойлашади. Орқа томонда ҳосил бўлган умуртқаларнинг бирикиши натижасида тўрт жуфт тешиклар (*foramina sacralis*) мавжуд. Думғаза умуртқалари тешиклари бирикиб, ўзаро қўшилиб, думғаза каналини (*canalis sacralis*) ҳосил қиласди. Думғазани пастки тешиклари икки ён томонидан ўсиқчаларга эга. Аёлларда думғаза суюги кенгроқ ва калтароқ бўлади.

Дум суюги (*os. coccygis*) – 4-5 та дум суюклари бир-бири билан бирикибrudiment ҳолга келган бир бутун суюқ йигиндисидан иборат. Рудимент умуртқалар фақат умуртқа тана қисмларидан ташкил топган бўлиб, умуртқа канали бўлмайди. Биринчи дум умуртқасида кўндаланг ва бўғим умуртқаларининг қолдиқларини куриш мумкин, улар бир жуфт шохча (*ossiti coccygum*) ҳосил қиласди.

Кўкрак қафаси суюклари

Кўкрак қафаси суюклари упкалар ва юрак, кўкрак умуртқалари эса орқа мияни ҳимоя қилиб туради. Кўкрак қафасининг шакланшишида қовурғалар, тўш суюги ва кўкрак умуртқалари иштирок этади. Кўкрак умуртқалари юқорида кўрилган, шунинг учун қуйида қовурғалар ва тўш суюги билан танишишга ўтамиш.

Қовурғалар (*costae*) узун ёй шаклидаги суюқ пластинкаларидан иборат бўлиб, ҳар бир қовурға ўрта тана ва иккита олдинги ва орқа уч қисмларидан ташкил топган бўлиб, қовурға танасининг орқа қисми суюқдан (*os. costae*), олдинги қисми эса тогайдан (*cartilago costalis*) ташкил топган (18-расм). Қовурғанинг орқа уни йўғонлашган бўлиб, унга бошча (*caput costae*) дейилади. Бошчадан кейин ингичкалашган бўйин (*collum costae*) қисми, унинг орқасида эса бўртиқ (*tuberculum costae*) келади. Бўртиқ умуртқа кўндаланг ўсимтасининг бўғим юзасига бирлашади. Ҳар қайси қовурға умуртқа билан иккита бўғим ҳосил қилиб бириқади.Faқат XI-XII қовурғалар бундан истисно. II-X қовурғалар бошчаси умуртқалараро чуқурчаларга тушиб тургани учун уларнинг бўғим юзалари қирра (*crista capitis costae*) ҳосил қиласди. Қовурға танаси ёйсимон шаклда қисман букилган бўлиб, қовурға бурчагини (*angulus costae*) ҳосил қиласди. Қовурға ички юзасининг пастки қисмида қовурға эгати (*sulcus costae*) жойлашган бўлиб, унда қовурғалараро томир ва нерв жойлашади. Қовурғалар юқоридан пастга VII



18-расм. Үнг томондаги II қовурға (costae).

1 - уч қисми; 2 - тана қисми; 3 - орқа қисми; 4 - қовурғанынг бошчаси; 5 - бўйин қисми; 6 - қовурға бўртиги.

стки юзаларга эга. Бошқа қовурғалар танасида эса ташқи ва ички юзалар бўлади. Биринчи қовурғанинг юқори юзасида ўмров ости артерияси ва венаси учун эгатча (*sulcus arteriae subclaviae*), одди юзасида (*sulcus venae subclavae*) ва уларнинг оралифида олдинги нарвонсимон мускул дўмбоги (*tuberculum musculi scaleni anterior*) жойлашади. Биринчи қовурға бошчаси билан фақат қўракнинг биринчи умуртқасига бирикади.

Тўш суюги (sternum) гавданинг олдинги ўрта чизиги бўйлаб жойлашган ясси суяк бўлиб, асосан уч қисмдан ташкил топган: юқоридан пастта қараб — даста, тана ва ханжарсимон ўсиқ. Булар ёш организмда тоғай ёрдамида бирлашган бўлиб, ёш ўтиши билан деярли ҳаммаси суяқдан иборат бир бутун ясси тўш суюгига айланади. Дастак (*manubrium sterni*) энг кенгайған қисми бўлиб, унинг юқори томонида чуқурча (*incisura jugulares*) жойлашади. Унинг икки ён томонида ўмров суюгининг тўш суюгига қараган учининг бирлашиш жойида (*incisura clavicularis*), ундан пастда эса биринчи қовурға билан бириқадиган ўймалари (*incisura costales*) жойлашади. Дастак ва тана қисмларининг ён томонларида юқориги VII қовурғалар билан бириқиши ўйиги (*incisurae costales*) мавжуд.

Ханжарсимон ўсиқ (processus xiphoides) четларида қовурға

қовурғага қараб узунашиб борса, VIII қовурғадан бошлиб қис-қариб боради.

Қовурғалар 12 жуфт бўлиб, юқоридан VII жуфти тўғридан тўғри тоғай тўқимаси воситасида тўш суюгига бирикади. Улар чин қовурғалар (*costae verae*) деб номланади. VIII-X қовурғалар учлари тўш суюгига етиб бормайди ва ўзидан юқорида жойлашган қовурғалар тоғайига туташади, шунинг учун улар ёлғон қовурғалар (*costae spuriae*) деб аталади. Охирги XI- ва XII жуфт қовурғаларда қовурға тоғайлари бўлмай тўш суюги ва қовурғалар билан ҳам бирикмай қорин мускуллари орасида эркин жойлашади. Шунинг учун улар жуда ҳаракатчан бўлади. Улар етим қовурғалар (*costae fluctuantes*) деб аталади ва энг калта қовурғалар ҳисобланади.

Қовурғалардан биринчиси ўзининг кенглиги, калталиги ва ётиқроқ жойлашиши билан фарқданади. Қовурға танаси юқориги ва па-

үйиқлари бўлмайди, унга қовурғалар бирикмайди.

Тўш суюги 17-18 ёшдан пастдан юқорига қараб бирлашиб кета бошлиди. Тўла суюкка айланиш 30-35 ёшларда тутайди. Эркак-ларининг тўш суюги аёлларникига нисбатан узунроқ бўлади.

Кўкрак қафаси

Кўкрак қафаси (*thorox*) қисман конуссимон шаклга эга бўлиб тела қисми торайган учи, пастки қисми кенгайган асосини ташкил қилувчи қисмлардан ташкил топган. Кўкрак қафасини шаклантиришда кўкрак умуртқалари, 12 жуфт қовурғалар ва тўш суюги иштирок этади. Булар кўкрак бўшилигидага жойлашган юрак, ўпкалар каби аъзоларни ҳимоя қиласиди. Кўкрак қафасига нафас олишда иштирок этадиган мускуллар билан бир қаторда қўл мускуллари ҳам бирикади.

Кўкрак қафасининг қафас бўшлифи (*cavum thorocis*) юқоридан ва пастдан бир-биридан фарқланувчи тешикларга эга.

Юқоридаги тешик (*opercula thoracis superior*) кичикроқ бўлиб, чегараси орқадан — кўкрак умуртқаларининг тана қисмига, ён томонларидан — бир жуфт биринчи қовурғага ва олди томонидан — тўш суюги дастагининг юқори қиррасига тўғри келади. Тешикнинг олдинги чет қисмлари орқа четига нисбатан пастроқ жойлашган. Юқориги тешикдан кўкрак қафасига кекирдақ, қизилунгач қон томирлари ва нервлар ўтади.

Кўкрак қафасининг пастки тешиги юқори тешигига нисбатан каттароқ, ва нотуртироқ шаклда бўлиб, чегараси орқадан кўкрак қафаси XI умуртқасининг тана қисми, иккала ён томондан XI ва XII қовурғалар ва уларнинг ёйлари, ҳамда олдиндан тўш суюгининг ханжарсимон үсимтасига тўғри келади. Пастки тешикни қорин бўшилигидан диафрагма ажратиб туради.

Кўкрак қафаси бўшлифи юқоридан пастта қараб кенгайган бўлиб, кундаланг диаметри сагитал диаметрига нисбатан каттароқ, ҳажми ва шакли эса ёшга, жинсга ва қасбга қараб фарқланиши мумкин. Аёлларда ҳамма диаметрлари эркакларникига нисбатан бирмунча кичикроқ. Кўкрак қафасини ташкил қилувчи барча суюклар, мускуллар, бойламчалар ва ҳ.к. анатомик ва функционал жиҳатидан нафас олиш ва нафас чиқаришга мослашган.

ҚЎЛ СУЯКЛАРИ

Қўл-оёқ суюклари ўзига хос вазифаларни бажаришга мослашган. Уларнинг тузилишида бир қатор ўхшашликлар бўлгани билан бир-биридан фарқланади. Қўл — меҳнат қилиш, ушлаш қуроли бўлиб келган бўлса, оёқ суюклари одамнинг юриши ва гавдани куташиб туришига мослашган. Елка камари суюклари гавда суюклари билан бўғимлар воситасида бирикканидек, елка, билак-тирсак ва қўл панжаси суюклари ҳам бир-бири билан бирлашган бўлади. Оёқ скелети суюклари сон, кичик ва катта болдир суюклари ва


Жоқ панжасы сүяклари ҳам худди шундай кетма-кет бирлашишлар ҳосил қиласы.

Елка камари сүякларига курак ва үмров сүяклари кирса, қўлнинг ёркин қисми уч қисмдан ташкил топган бўлиб, елка, билак ва панжасы сүякларига бўлинади. Панжасы кафт усти сүяклари, кафт ва бармоқ, сүякларидан ташкил топади.

Елка камари сүяклари

Үмров сияги (clavicularis) – чўзинчоқ, эгилган “S”симон шаклдаги наисимон сүяк бўлиб, одамларда тери остида қўл билан ушлаб кўрса бўладиган сүяк. Тана ва иккита уч қисмлардан ташкил топган. Туш сиягига туташган дастаги билан бирикади. Ташки томони яссироқ бўлиб, куракнинг акромиал, яъни елка ўсимтаси билан бирикади. Үмров сияги гавдага нисбатан горизонтал ҳолда йўналган бўлиб, туш сияги билан бириккан учи олдинга, елка ўсимтаси билан бириккан учи эса орқага эгилганроқ бўлади. Үмровнинг пастки юзасида ғадир-будурликлар бўлиб, унга биринчи қовурға ва куракнинг тумшуксимон ўсимтаси билан бириктириб турувчи пайлар туташади. Үмров сияги қўл эркин сүякларини туш сүяклари билан маҳкам бирлашитириб, елка бўғимининг четта тортилиши ва елканинг эркин ҳара катини таъминлади.

Курак (scapula) учбуручак шаклидаги ясси сүяк бўлиб, кўкрак қафасининг орқа томонида, кўкрак бўлим умуртқаларининг икки томонида қовурғалар устида жойлашади (19-расм). Жуфт сүяклар қаторига кириб, ўнг ва чап томонда II-VII қовурғалар оралиғида жойлашади. Курак сияги шаклига кўра унинг умуртқа погонасига қараган медиал (margo medialis), қўлтиққа қараган латерал (margo lateralis) ва юқорига қараган (margo superior) қирралари фарқланади. Куракнинг томонлари унинг учта бурчагини ҳосил қиласы. Улар – пастта қараган бурчак (angulus anterior), юқорига қараган бурчак (angulus posterior) ва латерал (angulus lateralis) бурчаклардир. Куракнинг қовурғаларга қараган юзаси (facies costalis) курак ости чуқурини (fossa subscapularis) ҳосил қиласы. Куракнинг орқа юзаси бирмунча бўртиб чиққан бўлиб,



19-расм. Курак сиягининг (scapula) орқа юзаси.

1 - қирра усти чуқурчаси; 2 - қирра ости чуқурчаси; 3 - латерал бурчак; 4 - тумшуксимон ўсимтаси; 5 - курак ўйни; 6 - курак қирраси; 7 - елка ўсимтаси.

курак қиррасини (*spina scapula*) ҳосил қиласы (у фәнат сут эмизувчиларда учрайди). Бу қирра куракнинг ташқи юзасини иккита тенг бўлмаган қирранинг устки (*fossa supraspinalis*) ва пастки (*fossa infraspinalis*) чуқурчаларига ажратади. Бу чуқурчаларга шу номли мускул ёпишади. Курек қирраси латерал томонга давом этиб, елка чуқурчасини ҳосил қилишда иштирок этадиган бақувват елка ўсиги акромионни (*acromion*) шакллантиради. Унинг учида бўғим юза ҳосил бўлиб, ўмров суюги билан бирикади.


Курек суюгининг бўғим юзаси устида курек юқори қиррасининг учи йўғон, қисман эгилган тумшуксимон ўсиги (*processus coracoideus*) жойлашади. Иккала жуфт курек ва ўмров суюклари елка камарини ҳосил қилиш билан бирга туш суюги ва қўлнинг эркин суюклари билан ҳам бирлашиб туради.

Курек суюгининг шакли сут эмизувчиларда турларига қараб ҳар хил бўлади. Маймунларда ҳажми каттароқ, курек қиррасининг юқориги юзаси пастки юзасига нисбатан кичикроқ (айримларида тенг) бўлади.

Қўлнинг эркин суюклари

Қўлнинг эркин суюкларига юқоридан пастта қараб елка суюги, ўрта қисмида тирсак ва билак суюклари, охирги қисмида эса қўлнинг панжа суюклари киради. Уларнинг кўпчилигини узун суюклар ташкил этади.

Елка суюги (*humerus*) ҳақиқий узун суюклар қаторига кириб, ўрта қисм та-наси (*corpus humeri*) диафиз ва иккита учи эпифиз қисмларидан ташкил топган (20-расм). Юқориги – проксимал ва пастки – дистал қисмлари тафовут қилинади. Юқори учи курек суюги билан, пасткиси эса билак суюклари билан бирекиши ҳосил қиласы. Проксимал қисми (яримшар шаклидаги бошчаси – *caput humeri*) унинг ён атрофида айланма ҳолда жойлашган анатомик бўйин (*collum anatomicum*) билан чегараланаади. Анатомик бўйин остида мускуллар ёпишадиган катта ва кичик бўртиқлар (*tuberculum majus et tuberculum minus*) жойлашган. Иккала бўртиқлардан пастта қараб ғадир-будур қирралар (*crista tuberculum majoris*), катта дўмбоқлар (*crista tuberculum minoris*).



20-расм. Елка суюгининг (*humerus*) олди юзаси.


1,8 - бошча; 2 - катта бўртиқ; 3 - бўртиқлараро эгат; 4 - дельтасимон гадир-будурлик; 5 - ташқи чептиш; 6 - билак чуқурчаси; 7 - ташқи чептишаги бўғим устин дунги; 9 - катлак; 10 - ички чептишаги бўғим устин дунги; 11 - плож чуқурчаси; 12 - ички чептиш; 13 - катта бўртиқ қирра; 14 - кичик бўртиқ; 15 - кичик бўртиқ.

tuberculum tibiale), кичик дұмбоқлар йұналади. Қирралар үртасыда жатчалар (*sulcus intertubercularis*) бұлиб, уларда елка иккі бошли мускулнинг узун пайи жойлашади. Елка сүяги пастта, яғни тана қисмiga қараб қисман ингичкалашиб боради. Тана қисми (диафиз) билан бош қисмининг (эпифиз) туташадиган жойига хирургик бүйин (*collum chirurgicum*) дейилади. Елка сүягининг синиши күпроқ шу қисмiga түри келади. Билак сүягининг юқори қисми цилиндрсімон бұлиб, пастки қисми эса учбұрчак шаклида. Танасининг тахминан үрта ён қозасыда дөлтасимон мускул ёпишаңдиган ғадир-будурлик (*tuberositas deltoidea*) жойлашади. Дөлтасимон ғадир-будурликнинг орқа қозасыда юқоридан пастта, медиал томондан латерал томонга қараб, спирал равища йұналған билак нерви әгати (*sulcus nervi radialis*) ётади. Сүякнинг пастки томони учбұрчак шаклида бұлиб, бұрчакнинг асосий қозаси пастта қараган. Улардан билак сүяклари, ҳамда тирсак бүғим бойламчалари бошланадиган медиал тепача (*epicondylus medialis*) ва латерал тепачалар (*epicondylus lateralis*) жойлашади. Медиал тепача яхши ривожланған бұлиб, орқа қозасыда тирсак нерв әгати (*sulcus nervi ulnaria*) күрінади. Тепачалар орасыда билак сүяклари билан бирикадиган иккі бұлақдан иборат ғалтакчалар жойлашади. Медиал томонда тирсак сүяги билан бирлашадиган ғалтак (*trochlea humeri*), латерал томонда эса билак сүяги билан бирлашадиган яримшарға үшшаш бүғим қозали бошча (*capitulum humeri*) мавжуд. Олди томонда ғалтакнинг тепасыда тоғ чуқурчаси (*fossa coronoidae*) жойлашиб, унға тирсак сүягининг тоғ үсіғи тушиб туради. Тоғ чуқурчасининг латерал томонига билак сүягининг боши кириб турадиган чуқурча (*fossa radialis*), ғалтаксимон бүғим тепасининг орқа томонида эса тирсак үсіғи кириб турадиган чуқурча (*fossa olecrani*) жойлашади.

Билак сүяклари

Билак сүяклари узун найсімон сүяклар қаторига киради. Улар иккита сүяқдан ташкил топған. Тирсак сүяги (*ulna*) медиал ҳолатда, билак сүяги (*radius*) эса латерал жойлашади. Иккала сүяк ҳам уч қирралы бұлиб, учта қоза ва учта қиррага ега. Билак сүягидан биттаси — орқа қоза, иккінчіси — одінгі қоза, учинчіси — латерал қоза дейиле, тирсакда улар медиал қоза деб аталади. Уччала қиррадан биттаси үткір бұлиб, сүяклараро бүшлиқ билан чегараланади, шуннинг учун унға сүяклар чети (*margo interossea*) дейилади.

Тирсак сүяги (*ulna*) узун найсімон сүяк бұлиб, юқориги проксимал учи иккі үсіқдан ташкил топған (21-расм). Орқадаги йүғон-рори — тирсак үсіғи (*olecranon*) ва одінгі кичикрори — тоғ үсіғи (*processus coronoides*) ҳисобланади. Икки үсіқ үртасыда елка сүягининг ғалтати билан бирлашиб турувчи ғалтаксимон үйік (*incisura trochlearis*) жойлашади. Тоғ үсіғининг билак сүяги боңчаси билан бүғим ҳосил қылувчи томонида ботиқ қозача (*incisura radialis*) жойлашған. Олди томонидаги тоғ үсіғининг пастроғида елка мускулы ёпишаңдиган ғадир-будурлик (*tuberositas ulnae*) жой-



21-расм. Ўнг тирсак ва ўнг билак сүяклари (*ulna dextra, radius dextra*).

1 - билак сүяги; 2 - тирсак сүяги; 3 - билак сүяк бошчаси; 4 - тирсак ўйиги; 5 - яри-мойсимон ўйик.

(*incisura ulnaris*) жойлашади. Билак сүяги дистал учининг пастки юзаси кафт усти сүяклари билан бирлашувчи бўғим юза (*facies articularis carpe*) ҳосил қиласди.


Қўлнинг панжа сүяклари (*ossa manus*) уч қисмга бўлинади. Улар кафт усти сүяклари (*ossa carpi*), кафт (*ossa metacarpi*) сүяклари, бармоқ ва фаланга (*phalanges digitorum manus*) сүяклариидир (22-расм).

Кафт усти сүяклари (*ossa carpi*) турли шаклдаги 8 та кичик сүяклардан ташкил топган бўлиб, икки қатор бўлиб жойлашади. Ҳар бир қаторда 4 тадан сүяк бор. Биринчи проксимал қаторда, бош бармоқ томонидан қараганда, улар қўйидаги кетма-кетлиқда жойлашади: қайиқсизмон сүяк (*os scaphoideum*), яримойсизмон сүяк (*os lunatum*), уч қиррәли сүяк (*os triquetrum*) ва нўхотсизмон сүяк (*os pisiforme*). Учта олдинги сүяклар ўзаро бирлашиб, билак сүягининг дистал қисми билан бирикиш жойи қисман бўртиб, эллипс шаклдаги бўғим юза ҳосил қиласди.

Кафт усти сүякларининг иккинчи, дистал қатори қўйидаги сүяклардан ташкил топган: трапеция шаклидаги сүяк (*os trapezium*), бошчали сүяк (*os capitatum*) ва илмоқли сүяк (*os hamatum*). Кўпчилик сүякларнинг номи уларнинг шаклига қараб берилган. Ҳар бир сүяқда ён сүяклар билан бирикиш ҳосил қилувчи бўғим юзлари мавжуд. Булардан ташқари қўлнинг кафт томонида айрим кафт усти

лашган. Тирсак сүягининг пастки дистал учи думалоқ тирсак боши (*caput ulne*) билан тугайди. Унинг медиал чеккасида бигизсимон ўsicк (*processus styloideus*) жойлашади. Тирсак бошчаси билан сүяк бирлашадиган томони силлиқ бўғим юзасига (*circum ferentia articularis*) эга.

Билак сүяги (*radius*) — найсимон сүякидир. Юқориги проксимал учи сүякнинг бош қисмини (*caput radii*) ташкил этади. Бошчанинг юқориги томонида қисман ботик бўғимсимон юза (*fossa articularis*) жойлашиб, у елка сүягининг бошчаси билан тушиб туради. Бошчанинг ён юзасида эса айланма бўғим (*circum ferentia articularis*) бўлиб, елка сүягининг бўғим ўйигига тушиб туради. Бошчанинг пастроғида бўйин (*collum radii*) қисми жойлашган. Ундан пастроқда, қисман латерал томонда икки бошли мусқул пайи ёпишиб турадиган гадир-будур (*tuberositas radii*) юза жойлашади. Дистал учининг пастки томонида бигизсимон ўsicи (*processus styloidens radii*) жойлашса, медиал томонида елка сүягининг боши кириб турадиган тирсак ўйиги



22-расм. Ўнг қўл панжаси скелети (*osseous manus*) орқа юзаси.

1 - қайшсизмон сүяк; 2 - яримойсизмон сүяк; 3 - ун қўррали сүяк; 4 - нұхтисизмон сүяк; 5 - катта кўлбўрчакли сүяк; 6 - кичик кўлбўрчакли сүяк; 7 - бошчали сүяк; 8 - имоқли сүяк; 9 - кафт сүяклари; 10 - биринчи фаланга сүяклари; 11 - иккинчи фаланга сүяклари; 12 - учинчи фаланга сүяклари.

Ганда, оёқ сүяклари иккита йирик қисмга булинади. Биринчи оёқ камари сүяклари бўлиб, булар иккита, ўнг ва чап чаноқ сүяклари ҳамда, уларнинг ўртасида жойлашган думғаза ва дум сүяклари бўлса, иккинчиси оёқнинг эркин қисмидаги сүяклардир. Булар сон, болдир ва оёқ панжаси сүякларидан ташкил топган.

ОЁҚ КАМАРИ СҮЯКЛАРИ

Суякларининг ўсимталарага айрим мускул ва бойламчаларнинг биришини таъминловчи бўртиқлар мавжуд. Буларга қайиқсимон, трапециясимон ва имоқли сүяклар бўртиги киради.

Кафт сүяклари (*osseous metacarpalia*) бешта найсимон сүяклардан ташкил топган. Уларнинг ҳар бири туб (*basis*), тана (*corpus*) ва думалоқ шаклдаги бошчадан (*caput*) ташкил топган. Булар юқоридан учта кафт усти сүяклари билан бўғим ҳосил қилиб туташади.


Бармоқ сүяклари (*phalanges digitorum*) кичик найсимон сүяклардан ташкил топган.

ОЁҚ СУЯКЛАРИ

Оёқ сүяклари ҳам, қўл сүякларига ўхшаб, бир нечта қисмларга бўлиб ўрганилади. Айрим қисмлари ўз навбатида бир нечта сүяклардан ташкил топади. Булар биргалиқда одам танасининг ҳаракати ҳамда таянч вазифасини ўтайди. Уларнинг анатомик тузилиши ҳам ана шундай муҳим вазифаларни бажаришга мослашган. Даастлаб, оёқ сүяклари иккита йирик қисмга булинади. Биринчи оёқ камари сүяклари бўлиб, булар иккита, ўнг ва чап чаноқ сүяклари ҳамда, уларнинг ўртасида жойлашган думғаза ва дум сүяклари бўлса, иккинчиси оёқнинг эркин қисмидаги сүяклардир. Булар сон, болдир ва оёқ панжаси сүякларидан ташкил топган.

ОЁҚ КАМАРИ СҮЯКЛАРИ

Чаноқ, тос сүяги (*os. coxae*) жуфт ясси сүяклардан ташкил топган бўлиб, ҳаракат, ҳимоя ва таянч вазифаларни бажаришда бевосита иштирок этади (23-расм). Чаноқ сүяклари думғаза билан биришиб, оёқ камарини ҳосил қиласди ва сон сүяги билан биришиб, одам ҳаракатида иштирок этади, тос бўшлиғида жойлашган аъзоларни ҳимоя қиласди. Асосий вазифаси гавданинг ўнга тушибган оғирлигини оёқка ўтказиб бериншидир. Чаноқ сүяги ўтга сүякпинг биришидан ташкил топган: ён бош сүяги (*os. ilium*), қўймич (ўтири ғич) сүяги (*os. ischii*) ва қов сүяги (*os. pubis*). Бу уч сүяк бўғим юзалари-



23-расм. Чаноқ суюгининг (*os. coxae*) ташки юзаси.

1 - ёнбош суюгининг құрраси; 2 - олдинги юқориги үсік; 3 - дүмбаның пастки өзіні; 4 - олдинги пастки үсік; 5 - яримойсімон юза; 6 - бұттам чуқурчаси; 7 - қов суюғи; 8 - құймия суюғи; 9 - ёпилувлұч тешік; 10 - құймич бұрттика; 11 - құймич кицик үйіні; 12 - құймич үйіні; 13 - құймич каптап үйіні; 14 - орқа томондаги пастки үсік; 15 - орқа томондаги юқориги үсік; 16 - дүмбаның орқа өзіні; 17 - ёнбош суюғи; 18 - дүмбаның олдинги өзіні; 19 - ёнбош суюгининг қаноти.

Этік. Унинг құймич косаси асосий қисминиң аспекти орташа тәсілде жүргізілген. Олдингі пастки танаси (corpus ossis ilium) ва юқорида жойлашған, мускулдар ёпишадиган ясси, кенг плас-тинасімандар қаноти (ala ossis ilii) бир-бираидан фарқ қылада. Ёнбош суюқ қаноти юқорида қирра (crista iliaca) ҳосил қилиб тугайды. Қирраның орташа тәсілде жүргізілген пастки үсімталар (spina iliaca anterior superior) ва (spina iliaca posterior superior) жойлашады. Ёнбош суюқ қаноти қалыптанып иштегендегі пастки үсімталар (spina iliaca anterior inferior) ва (spina iliaca posterior inferior) жойлашады. Ёнбош суюқ қаноти қалыптанып иштегендегі пастки үсімталар (spina iliaca anterior inferior) ва (spina iliaca posterior inferior) жойлашады.

Унинг учлары сон суюклари кириб турады, энг күп оғирлік тушадыган құймич косаси (*acetabulum*) бұлдырылады, унның яримой бұғым юзаси (*facies lunata*) ички де-ворини ташкил этады. Ташки қисмида құймич үймаси (*incisura acetabuli*), құймич коса ичида, яғни марказий қисмида коса чуқурчаси (*fossa acetabuli*) жойлашады. Құймич косаси янғы туғылған қызы болаларда қисман яссиланған бұлдырылады. Суюкларнинг бирлашиши тоғай тұқымасы орқалы содир бўлды. Құймич ва қовуқ суюкларнинг бирлашған жойларидаги тоғай тұқима таҳминан бўшларда суюқ тұқымасыга айланади. Учала суюқ бұғымларнинг суюклашиби қизларда 12-14 ёшда, ўғыл болаларда эса 13-16 ёшда якунланади. Ёш улғайиши билан құймич коса кагталашиби ва чуқурлашиби боради.

Ёнбош суюғи (*os. ilium*) тоғасы суюгининг юқориги қисмида жойлашады. Эгри шаклдаги ясси тузилишга

ташқи лаб (*labium exterrum*), оралиқ чизиги (*labium media*) ва ички һаби (*labium internum*) жойлашади. Орқа томонда катта ўтиргич үймаси (*incisurae ischiadica major*), ундан пастроқда эса ўткир ўсиқ (*spina ischiadica*) қайд этилади.

Ёнбош сүяқ қанотининг орқа қисмидан пастроқда, думғаза сүйгининг қулоқсимон юзаси (*facies auricularis*) жойлашган. Орқа томонда, шу юзадан юқорироқда тоснинг кучли пайлари келиб туташадиган ғадир-будурлик (*tuberousitas iliaca*) жойлашади. Ёнбош сүяқ қанотининг ташқи юзасида думба мускуллари ёпишадиган учта ғадир-будур чизиқлар бўлиб, улар олдинги думба чизиги (*linea glutea anterior*), орқа думба чизиги (*linea glutea posterior*) ва пастки думба чизиги (*linea glutea interior*) номи билан аталади.

Қўймич суюғи (*os. ischii*) одам ўтирганида тананинг асосий оғирлигини ўзига олиб, таянчиқ вазифасини бажаради. Қўймич косасини ташкил қилишда иштирок этадиган, йўғонлашган қисми тана (*corpus ossis ischii*) ва ундан ўсиб чиққан бутоқларга (*ramus ossis ischii*) эга. Бутоқлар ёпишган жойда қўймич дўмбоги (*tuber ischiadicum*) шакланади. Қўймич бутоғининг юқоририғида қўймич ўсиғи (*spina ischiadica*) жойлашади. Унинг юқорисида кичик кесимта (*incisurae ischiadica minor*), пастки қисмида катта кесимта (*incisurae ischiadica major*) қайд этилади. Қўймич суюқ бўртиғидан ўсиб чиққан бутоқ қов суюкнинг пастки бўтоғи билан бирикиб, тухумсимон шаклдаги ёпилувчи тешикни (*foramen obturatum*) ҳосил қиласди.

Қов суюғи (*os. pubis*) чаноқ, суюгининг олдинги қисмини ташкил қиласди. Унинг орқасида қовуқ (сийдик пупфаги) жойлашади. Қов суюғи танаси (*corpus ossis pubis*) ҳамда учбурчак шаклига ўхшаб бирбири билан бирлашиб турадиган юқориги (*ramus superior ossis pubis*) ва пастки (*ramus inferior ossis pubis*) шохларидан ташкил топган. Олдинги томонидан қўймич косасини ҳосил қилишда иштирок этади. Қов суюгининг олдинги бурчаги йўғонлашган яссироқ шаклда бўлиб, қарама-қарши томонидаги шу номли суюқ билан бирикишга мўлжалланган симфиз юзасини (*facies simphysisialis*) ҳосил қиласди ва бирикади. Уларнинг бирикиши натижасида қов симфизи шакланади. Қов суюгининг шохчалари қўймич суюгининг шохчалари билан бириккан ҳолда ёпилувчи тешикни (*foramen obturatum*) ўраб туради.

Юқорида келтирилган учта (ёнбош, қўймич ва қов) суюклар тана қисмларининг бирикиши натижасида, тос суюгининг ташқи юзасида, сон суюгининг бошчаси тушиб турадиган қўймич косаси (*acetabulum*) шакланади.

Оёқнинг эркин суюклари

Оёқнинг эркин суюкларига сон, тизза қопқоғи, болдир суюклари ва оёқ панжа суюклари киради.


Сон суюғи (*os. femoris*) (24-расм) оёқ суюклари ичида энг йириги ва бақуввати ҳисобланади. Танаси (*corpus femoris*) ҳамда юқориги ва пастки учларга (эпифиз) эга. Юқориги учидаги ички томонга қараган, думалоқ шаклдаги бошчаси (*caput femoris*) жойлашган. Унинг уч-

қисміда бойламча туташиши учун мослашған чуқурча (*fovea capitis ossis femoris*) мавжуд. Бошчаси сон суягини бошқа қисмлар билан учбұрчак шаклида туташтириб турадыган бүйін қисмі (*collum femoris*) зәғ. Ҳосил бұлған учбұрчак, одамларда таҳминан 130° га тенг ұтmas бурчак ҳосил қилиб туташған. Аёлларнинг тос суяги әркакларниң тана қисміга үтиш жойда мускулларнинг келиб ёпишиши натижасыда иккита дүмбоқ (дүңг), яъни күстлар: катта күст (*trochanter major*) ва кичик күст (*trochanter minor*) шакланады. Катта күст ташқарига қараган бўлиб, ички юзасыда күст чуқур юза (*fossa trachanterica*) жойлашған. Катта ва кичик күстлар сон суягининг орқа қисміда қия жойлашған. Кичик күст бүйін қисмінинг пастки чегарасыда, ичкарига ва орқага қараган. У күстлараро қирра (*crista intertrochanterica*) орқали туташады. Олди томонида ғадир-будур чизик, (*linea intertrochanterica*) жойлашған, орқа томонидан

хам ғадир-будур чизик, (*linea aspera*) ұтады. Улар пастта қараб иккиге ажralиб кетиши натижасыда ички ва ташқи лаблар (*labium mediale et labium laterale*) шакланады. Ички лаб юқоридаги кичик дүмбоқ-чадан давом этиб, ташқи лабсімон чизик, эса катта дүмбоқнинг пастки чегарасыгача боради ва думба ғадир-будурига (*tuberisitas gletea*) айланады.

Пастки йүғонлашған (дистал) учи орқага қараб бурилған иккита ички ва ташқи үсиқлар (дүңг) (*condilus lateralis et condilus medialis*) билан тугайды. Улар орасыда үсиқлараро чуқурлук (*fossa intercondilaris*) жойлашады. Ички үсиқ ташқи үсиққа нисбатан каттароқ. Үсиқдарнинг пастки томони катта болдир суяги билан бирикадыган бүгім юзага зәғ. Иккала үсимтәларнинг олдинги томонида бирлашишидан тизза бүгім юзаси (*facies patellaris*) шаклланиб, бу ерда тизза қопқоғи жойлашады.

Тизза қопқоғи (*patella*) сесамасімон сүяклар қаторига киради. У кенгайтан устки қисми – асоси (*basis patellae*) ва пастки ингичкалашған қисми – учидан (*apex patellae*) ташкил топған бўлиб, соннинг тұрт бошли мускули пайи орасыда жойлашады ва тизза бүгімнин ҳосил қилишдә иштирик этади. Орқа юзаси төрт түқимаси билан қолланған бўлиб, сон суяги билан бүгім ҳосил қиласы. Олдинги юзаси эса ғадир-будур күриниппега зәғ.



24-расм. Сон суягининг (*femur*) олди юзаси.

1 - тана қисми; 2 - шарсімон бошча; 3 - бүйін қисми; 4 - катта күст; 5 - кичик күст; 6 - күстлараро қирра; 7 - думба ғадир-будури; 8 - медиал үсиқ; 9 - латерал үсиқ; 10 - үсиқлараро чуқурча.


Болдир сүяклари

Болдир сүяклари (25-расм) катта ва кичик болдир сүякларидан ташкил топган. Булар бир-биридан йўғонлиги, тузилиши ва мустаҳкамлиги билан фарқланади. Катта болдир сүяк ичкари медиал томонда жойлашса, кичиги эса ташки латерал томонда жойлаши. Сон сүяги билан фақат катта болдир сүяги бўғим ҳосил қилиб бирикади. Тана оғирлиги асосан катта болдир сүягига тушиб, оғирлик у орқали оёқ панжа сүякларига ўтказиб берилади.

Катта болдир сүяги (*tibia*) йўғон бақувват ва салмоқдор бўлиб, юқориги учда иккита медиал (*condilus medialis*) ва латерал дўнглар (*condilus lateralis*) бор. Булар юқори томондан сон сүяги дўнглари билан бирлашиш учун ботикроқ бўғим юзачасига (*facies articularis superior*) эга. Бўғим юза ўртасида эса иккита медиал ва латерал дўмбокчадан ташкил топган тепача (*epiphysial intercondilaris*) жойлашиб, у иккита юзани бир-биридан ажратиб туради. Латерал дўнгнинг орқа тоомонида, пастроқда унча катта бўлмаган ясси бўғим юза (*facies articularis fibularis*) бўлиб, унга кичик болдир сүягининг бошчаси келиб ёпишади.

Катта болдир сүяк танаси (*corpus tibiae*) уч қиррали бўлиб, олдинги

ўтқир қирраси (*margo anterior*) анча бўртиб чиқиб, сүякнинг бутун бўйи бўйлаб жойлашади. Олдинги қирра ва медиал юза бевосита тери остида жойлашади, кичик болдир сүягига қараган ён қиррага сүяклараро парда четлари ёпишиб, у сүяклараро қирра (*margo inferoseus*) номи билан аталади. Ичкари томонида эса медиал қирра (*margo medialis*) жойлашади. Бу учта қирралар ўз йўли ораларида учта медиал силлиқ юза (*facies medialis*), латерал (*facies lateralis*) ва орқа (*facies posterior*) юзаларни шакллантиради. Олдинги қирра юқори томонда ғадир-будур тепа (*tuber osseus tibiae*) ҳосил қилиб тугайди. Пастки уни гўртбурчак шаклида бўлиб, ички томонида ички түпнишни (*malleolus medialis*) шакллантиради. Сүяк дистал учининг пастки юзасида говоң усти сүяги ошиқ билан туташувчи бўғим юзаси, ташки томонида эса кичик болдир сүяги билан бирикшигина мўлжалланган уйма (*incisurae fibularis*) жойлашади.



25-расм. Катта (*tibia*) ва кичик (*fibula*) болдир сүякларининг олди юзалари.

1 - дўнглараро тепалик; 2 - ички дўнг; 3 - катта болдир сүягининг юадир-будуруллиги; 4 - ички юза; 5 - ташки юза; 6 - олдинги қирра; 7 - сүяклараро қирра; 8 - ички түпниш; 9 - ташки түпниш; 10 - катта болдир сүягининг ташки дўнги.

Кичик болдир сүяги (*fibula*) узун ва нисбатан ингичка найсимон тузилишига эга, икки уни йўғонлашган бўлиб, болдирнинг латерал (ташки) қисмида жойлашади. Шунинг учун ҳам кўпинча майиб бўлади ва жароҳатланади. Юқориги йўғонлашган уни, яъни бошчаси (*caput fibulae*) тана қисмига қараб қисман ингичкалашиб буйин қисмини (*collum fibulae*)

шакллантиради. Медиал юзасида катта болдир суюгининг латерал дүнги билан бўғим ҳосил қилиб бирлашадиган юзага эга. Суяк танаси ўз ўқи атрофида бир оз буралган бўлиб, учта қиррали. Суяк тана қисмининг медиал юзасида оралиқ парда (*membrana*) ёпишадиган оралиқ қирра (*margo interossia*) жойлашган. Учта қирралар оралиғида латерал, медиал ва орқа юзалар бор. Суякнинг пастки учи йўғонлашиб ташқи тўпиқни (*malleolus lateralis*) ҳосил қиласди. Бу тўпик товоң усти суюгини ташқи томонидан ёпиб туради.


Оёқ, панжасининг суюклари (*ossa pedis*) панжа олди, панжа ва бармоқ суюкларидан ташкил топган (26-расм). Буларнинг тузилиши ва жойлашиши ўзига ҳосил ҳаракат ва таянч вазифаларни бажаришга мослашган. Турли бўғимлар воситасида бирлашиб ва жамлашиб бир бутун панжани ташкил этади, ва одамнинг юриш-туришига оид турли ҳаракатларни тъминлайди.

Панжа олди қисми (*tarsus*) суюклари икки қатор бўлиб жойлашган 7 та суюкдан ташкил топган. Улардан иккитаси ошиқ (товоң усти) суюги ва товоң суюклари бўлиб, орқа, яъни проксимал қаторни ташкил этади. Тўрттаси қайиқсимон, учта понасимон ва кубсимон суюклар олдинги, яъни дистал қаторини ташкил этади.

Ошиқ (товоң усти) суюк (*talus*) оёқ панжа суюклари ичида йирикроқларидан бўлиб, унда тана (*corpus tali*) бошчаси (*caput tali*) ва бўйин (*collum tali*) тафовут қилинади, юқори томонида, ғалтаксимон бўғим воситасида болдир суюкларининг бўғим юзалари билан бирлашади. Олд томонга йўналган бош қисми эса қайиқсимон суюк билан бўғим ҳосил қилиб туташади.

Товоң суюги (*calcaneus*) оёқ панжа суюклари ичида энг каттаси ҳисобланади. Юқори томондан ошиқ суюги, одидан эса кубсимон суюк билан бўғим ҳосил қилиб туташади. Орқа томонида таянч вазифасини бажаришда иштирок этувчи ҳамда кучли мускул пайларининг келиб туташадиган йўғонлашган товоң дўмбори (*tuber calcanei*) жойлашади.

Қайиқсимон суюк (*os. navicularae*) панжанинг марказий қисмида жойлашиб,



26-расм. Оёқ, панжасининг скелетининг (*ossa pedis*) юқориги ёки дорзал юзаси.

1 - товоң усти; 2 - товоң суюги; 3 - кубсимон суюк; 4 - қайиқсимон суюк; 5,6,7 - танасимон суюклар; 8 - панжа суюклари; 9 - листфранк бўғимининг чизиги; 10 - шопар бўғимининг чизиги.

юқоридан ошиқ сүяк бошчаси қарама-қарши томонидан эса учта понасимон сүяклар билан бүгім ҳосил қилиб бирлашады.

Понасимон сүяклар (*os cuneiforme*) күндаланғ ҳолда кетма-көт, бир қаторда жойлашған утта: медиал, ўрта ва латерал жойлашған сүяклардан ташкил топған. Олдинги томондан ошиқ сүятининг бошчаси билан чегараланиб туради. Понасимон сүяклар ичида энг каттаси (*os. cuneiforme medialis*) бўлиб, у биринчи кафт усти суяги билан бирлашса, ўртадагиси иккинчи, латерал томони-дагиси эса учинчи кафт усти сүяклари билан туташиб туради.

Кубсимон сүяк (*os. cuboideum*) оёқ панжасининг латерал томонида жойлашади. Орқа томонидан товоң суяги, олдицдан 4-5 кафт сүяклари билан, медиал томонидан эса қайиқсимон ва 3 понасимон сүяк билан бүгім ҳосил қилиб туташиб туради.

Оёқ кафт сүяклари (*osse metatarsalia*) бешта калта найсимон сүяклардан ташкил топған. Құл панжа сүякларига ўхшаб ҳар бирида проксимал, яъни асоси (*basis*), ўрта (*corpus*) дистал қисми ва бошчаси (*carpus*) тафовут қилинади. Панжани медиал қисмидан ҳисоблаганимизда 1-3 кафт сүяклари түгрисидаги понасимон сүяклар билан туташса, 4-5 кафт сүяклари кубсимон сүяк билан туташиб туради. Оёқ бармоқтарининг сүяклари, фалангалар (*osse phalangus*) құл бармоқ фалангаларига ўхшаб тузилган. Бош бармоқ, 2 та, 2-5 бармоқлар эса утта сүяқдан ташкил топған.

БОШ СКЕЛЕТИ

Бош скелети (*cranium*) ҳар хил тузилишга эга бўлган бир нечта жуфт ва тоқ сүякларнинг йифиндисидан ташкил топған. Сүяклар сони умуртқали ҳайвонларникуга нисбатан кам. Айримлари бир-бири билан бирлашиб мураккаб бош сүякларига айланган.

Одам бош скелети, айниқса мия қисми, думалоқ шарсимон шаклда бўлиб, юз қисми айрим умуртқали ҳайвонларникуга ўхшаб мия қутисининг олдида эмас, балки унинг остида жойлашған. Бундай шаст томондан умуртқа поғонасига таяниб турувчи жойлашиш етарли даражада ҳажми ва оғирлигига эга, ҳамда тик туришга мослашған одам калласининг мувозанатини сақлашда мухим аҳамият касб этади.

Бош скелети сүяклари тузилиши билан бир-биридан фарқлашади. Күндаланғ кесмаси күрилганида, у қалин ташқи ва юпқа ички қаттиқ сүяк пластинкасидан ташкил топған. Уларнинг ичида қизил илик ва қон томирларига бой ғовакликлар бор.

Калла бүшлиғи (*calvaria cerebralis*) бош яримшарлари ҳамда у билан бирга ривожланадиган аъзоларни ўз ичига олган умуртқа каналининг кенгайған юқориги учи бўлиб, ҳимоя вазифасини ба-жараради. Булардан ташқари калла сүятининг юз қисмидан нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш тизимларининг бошланғич қисмлари жойлашади. Бош скелети сүяклари иккига булиб үрганилади.


1. Калланинг мия бўлими – (*cranium cerebrale* ёки *neurocranium*).
2. Калланинг юз бўлими – (*cranium viscerale* ёки *splanchnocranum*).

Калла сүяклари саккизта сүяқдан ташкил топган бўлиб, улар ўзаро бир-бирови билан мустаҳкам бирлашиб, мия қутисида жойлашган мия яримшарларини ураб туради. Бошқалари эса мия асосий қисмида жойлашиб уни кўтариб туради. Миянинг тепа сүяклари ҳақиқий ясси сүяклардан ташкил топган бўлиб, қолганлари мураккаб тузи-лишга эга. Улар аралаш ёки эгри шаклдаги сүякларга киради.

Калла бўлимини ташкил қилувчи сүякларга қўйидагилар киради: энса сүяги (*os. occipitale*), пешона сүяги (*os. frontale*), тепа сүяги (*os. parietale*), понасимон ёки асосий сүяк (*os. sphenoidale*), фалвир сүяк (*os. ethmoidale*) ва чакка сүяклари. Тепа ва чакка сүяклари жуфт сүяклар қаторига, қолганлари тоқ сүякларга киради. Юз бўлимини ташкил қилувчи сүяклар: юқориги жағ (*maxilla*), танилай сүяги (*os. palatinum*), ёноқ сүяги (*os. zygomaticum*), бурун сүяги (*os. nasale*), кўз ёши сүяги (*os. lacrimale*), буруннинг пастки чиганоги (*conehe nasalis inferior*), димор сүяги (*vomer*), пастки жағ (*mandibula*) ва тилости сүяклари (*os. hioideum*).

Энса сүяги (*os. occipitale*) калланинг пастдан орқарогида жойлашган бўлиб, унинг асосини ташкил қиласди (27-расм). У катта энса тешиги (*foramen occipitalis magnum*) атрофида жойлашган тўртта қисмдан ташкил топган: асосий ёки тана қисми, иккита ён ва палла қисмлари. Катта энса тешигининг ёнбошида энса сүягининг биринчи буйин умуртқаси билан бирикиш ҳосил қиладиган эллипс шаклидаги иккита бўғим дўмбоқчалари (*condilus occipitalis*)

жойлашади. Бўғим дўмбоқчаларининг ўргарогида тил ости нерви ўтадиган канал (*canalis condularis*) мавжуд. Ундан юқорироқда, дўмбоқчанинг ён томонида бўйинтуруқ вена ўймаси (*incisurae jugularis*) бор. Бўйинтуруқ ўйифи чакка сүягининг ана шундай ўймаси билан қўшилиб бўйинтуруқ тешигини (*foramen jugulare*) ташкил қиласди. Палла қисми ташки юзасининг марказида ташки энса дўмбоги (*protuberatia occipitalis interna*) жойлашади. Ана шу дўмбоқдан ён томонларга қараб, ўнг ва чап томондан трапециясимон мускул пайлари бирикадиган энсанинг юқориги чизиқлари (*linea nuchae superior*) ва пастта қараб энсанинг ташки қирраси




27-расм. Энса сүягининг (*os. occipitale*) ташки юзаси.

1 - бўғим дўмбоқчалари; 2 - энса катта тешиги; 3 - пастки жағир-будур чизик; 4 - юқори жағир-будур чизик; 5 - ташки энса дўмбоги.

processus occipitalis externa) йұналады. Пастроқда эса энсаннинг юқориги чизикларига параллел қолда жойлашған энсаннинг пастки чизиктары (*linea nuchea inferior*) жойлашады.

Палла қисми (*sguama occipitalis*) ички томони ташқи томонга қарабағынан боттан палла булиб, бутсимон тепа (*eminentia cruciformis*) ҳосил қилады, унинг үртасида эса ички энса дұмбоги (*protuberantia occipitales interna*) мавжуд. Үндән иккі ён томонда күнделанг зетталар (*sulcus sinus transversi*), палла юқорисига қараба йұналған зетт (*sulcus sinus occipitalis*) чықады. Энсаннинг ички қыррасы (*crista occipitalis interna*) энса калта тешигигача борады. Тана қисми энса тешигининг олдинги томонида жойлашған булиб 18-20 ёшларда олдинги қисми понасимон сүяқ танасига құшилиб кетады, ён қисмлари чакка сүяклари билан палласи эса тепа сүяклари билан бирикады.

Понасимон сүяқ (*os sphenoidale*) калла сүяги асосининг марказий қисмидә жойлашады (28-расм). У мұрakkаб тузилишга зеке булиб, деярли барча калла сүяклари билан туташған. Энса сүяги билан олдиндан ғалвирсимон пешона сүяклари үсімталары ёрдамда пешона, яноқ, тепа, чакка, танглай, юқори жағ ва бурун түсиги төфайи билан туташады. Понасимон сүякнинг урта қисмидә унинг танаси (*corgpus sphenoidale*) жойлашады. Унинг четида, яъни латерал томонларида, худди учайттан қүш қанотларига үхшаб катта ва кичик қанотлары (*ala majoris et minoris*) жойлашады. Пастки қисмидә иккі томонда қанотсимон үсіклар (*processus pterigoideus*) жойлашады. Танасининг калла бүшлиғига қараган юзасида түрк



28-расм. Понасимон сүякнинг (*osa spheroidale*) орқа томонидан күриниши.

1 - күз косасининг юқориги ёриғи; 2 - дұмалоқ пешик; 3 - зегар сүягниниг орқа үсіғи; 4 - зегар сүягниниг олдинши үсіғи; 5 - кичик қаноти; 6 - калта қаноти; 7 - артерия этапи; 8 - қалтапоқ сүяқ; 9 - дұмалоқ тешик; 10 - қайнұксимон юза; 11 - қанотсимон үсіқ четки плокчаси; 12 - ички пластиңканинг илмоқсымон үсіғи; 13 - тана қисми; 14 - қынсимон үсіқ; 15 - қанотсимон үсіқ ички плокчаси; 16 - қанотсимон үсіқ төшити; 17 - қанотсимон үсіқ ён этапи.

эгари (*sella turcica*) жойлашган булиб, унинг марказидаги чукурчада ички секреция безларининг асосийларидан гипофиз жойлашади. Эгарча эгар суюнчиғи (*dorsum sella*) билан ёспилиб туради.

Эгарчанинг олди томонида кўндалангига жойлашган кўриш нервининг кесишидиган эгатчаси (*sulcus chiasmatis*) булиб, улар кўз бушлиғига очиладиган кўриш каналчалари (*canalis opticus*) тешигига туташади. Кўриш каналчалари орқали кесишган кўз нервлари кўз косасига ўтади. Понасимон суюк танасининг иккала ёнбoshiда эгатча булиб, ундан уйқу артерияси ўтади. Бу эгатчагага уйқу артерия эгатчаси дейилади.

Понасимон суюкнинг тана қисмида бушлик мавжуд булиб, у юпқа суюк пластинка билан уралган. Бушлиқлар тешикчалар ёрдамида бурун бушлиғига очилади.

Кичик қанот билан катта қанот орасидаги юқориги кўз ёриғи (*fissura orbitalis superior*) кўз косасининг мия бушлиғи билан алоқасини таъминлайди. Бу ердан учлик нерв тармоги ва бошқа нервлар ўтади. Ўнг ва чап қанотсимон ўсиқларнинг ҳар бири иккита, медиал ва латерал пластинкалардан (*lamina medialis et lateralis*) ташкил топган, уларнинг ўртасида қанотсимон ўсимта номли чукурча ётади.

Катта қанот тўртта юзага эга: 1) калла бушлиғига қараган юза (*facies cerebralis*), 2) кўз косасига қараган юза (*facies orbitalis*), 3) чакка юзаси (*facies temporalis*), 4) юқориги жағга қараган юза (*facies maxillaris*).

Катта қанотнинг асосий қисмида думалоқ тешик (*foramen rotundum*), чўзинчоқ тешик (*foramen ovale*) ва ўткир қиррали тешик (*foramen spinosum*) жойлашади. Катта қанот олдинги томонидан пешона суюги билан ҳам туташиб ҳосил қиласди.

Чакка суюги (*os. temporale*) мураккаб тузилишга эга суюклар қаторига киради (29-расм). Бир жуфт булиб, калла суюгининг иккала ён томонлари ҳамда асосини ташкил қиласди. Ҳар хил бушлиқлар ва каналчалардан ташкил топган булиб, унда эшитув ва мувознат сақлаш аъзолари жойлашади.

Чакка суюги: 1) палла (тангасимон) – *pars squamosa*, 2) ногора – *pars tympanica*, 3) тоғисимон (пирамида) – *pars petrosa*, 4) сўргичсимон – *pars mastoidea* қисмлардан ташкил топган. Улар тўртта мустақил суюк булиб, туғилган бола бир ёшга етганда узаро синоностоз йули билан бирлашиб, бир бутун чакка суюгини шакллантиради.

Тангасимон қисми, яъни палласи, калланинг ён томонида жойлашиди. Палланинг ички юзаси (*facies cerebralis*)да эгатлар кузатилса, ташки юзаси (*facies temporalis*) силлиқ булиб, чакканинг чукур қисмидан чиқадиган ёнок ўсиги (*processus zygomaticus*) шу номли суюк билан бирлашади. Пастки қисмида пастки жағ билан бүғим ҳосил қиласдиган чукурча (*fossa mandibularis*) жойлашиб, унинг олдинги дўмбоги (*tuberculum articulare*) жағ ўсигини чукурчада маҳкам ушлаб, унинг чиқиб кетмаслигини таъминлаб туради. Ногора қисми (*pars tympanica*) ташки қулоқ тешигини олдинги ва паст томондан ўраб ту-



29-расм. Чакка суюгининг (*os. temporale*) ташки кўриниши.

1 - устки қирраси; 2 - чакка сужа чизиги; 3 - чакка артерия эгати; 4 - палла (манга) қисми; 5 - ёноқ үсиги; 6 - бўлимли дўмбоқча; 7 - пастки жағ чукурча-си; 8 - тишсимон поюра ёриғи; 9 - бигизсимон үсик қиси; 10 - бигизсимон үсик; 11 - эшиштуб тешиш ўйли; 12 - ногора қисми; 13 - сургичсимон үсик; 14 - сургичсимон үсик ўйиги; 15 - сургичсимон үсиги тешиги.

динги юзасида (*facies anterior*) учлик нерв чукур изи (*impresio trigemini semicanalis*) ва ярим доира шаклидаги дўнглиги (*eminentia arcuata*) мавжуд. Пирамиданинг орқа юзасида (*facies posterior*) жойлашган ички эшитиш тешиги (*parus osusticus interitus*) ички кулоқ ўйлига олиб боради. Уйнинг тагидан юз нерви канали бошланади. Пирамиданинг пастки юзасида (*facies anterior*) уйку артерияси каналига олиб борадиган ташки тешик (*foramen coroticum exterritum*) жойлашади. Бу каналниң ички тешиги пирамиданинг уни ёнида очилади. Уйку аргерияси ташки тешигининг орқасида бўйинтуруқ шаклидаги чукурча (*fossa jugularis*) жойлашади. Пирамида билан палла ургасидаги бурчакда ички кулоқ бушлиғига олиб борувчи мускул-пай канали жойлашади. Сургичсимон үсимта (*processus mastoideus*) пирамиданинг асосий қисми билан туташиб, ичида ҳаво билан тулган бушлиқлар бор. Улар ўрта кулоқ бушлиғига билан туташади. Бу үсикка тўш-ўмров сургичсимон мускули (*m. sternocleidomastoideus*) ёпишади. Сургичсимон үсимтанинг олдидан пастта қараб чакка суюги бигизсимон үсимтаси (*processus stiloideus*) чиқади. Чакка суюгининг юзасида ташки кулоқ ўйлига олиб борувчи таипки кулоқ тешиги мавжуд. Тешикнинг олдида ёноқ суюги билан кўшилган ҳолда ёноқ үсимтаси (*processus zygomaticus*) жойлашган.

Тепа суюти (*os. porosale*) калла қопқогининг марказий қисмида жойлашади (30-расм). У жуфт суюклар қаторига кириб, унг ва чап тепа суюклардан иборат. Бош миянинг такомиллапиш жараенида

ради. Сургичсимон үсимта ва пирамида қисмлари билан чегарадоли. Бигизсимон үсик (*processus styloideus*) асосини ташкил этади. Пирамида чакка суюгининг бошқа қисмларидан муҳим вазифаси билан фарқланади. Қаттиқ тузилиши ва тоғисимон шаклига қараб, унга пирамида (*piramys*) номи берилган. Пирамида қисмида эшиштуб ва мувозанат сақлаш аъзолари жойлашади. Пирамидада учта юза қисмлар мавжуд булиб, пастки юзаси калла асосининг ташки томонига қараган бўлса, олдинги ва орқа юзалари калланинг ички бушлиғига қараган ҳолда жойлашади. Пирамиданинг олдинги юз тутуни жойлашадиган чукур изи (*impresio trigemini semicanalis*) ва ярим доира шаклидаги дўнглиги (*eminentia arcuata*) мавжуд. Пирамиданинг орқа юзасида (*facies posterior*) жойлашган ички эшитиш тешиги (*parus osusticus interitus*) ички кулоқ ўйлига олиб боради. Уйнинг тагидан юз нерви канали бошланади. Пирамиданинг пастки юзасида (*facies anterior*) уйку артерияси каналига олиб борадиган ташки тешик (*foramen coroticum exterritum*) жойлашади. Бу каналниң ички тешиги пирамиданинг уни ёнида очилади. Уйку аргерияси ташки тешигининг орқасида бўйинтуруқ шаклидаги чукурча (*fossa jugularis*) жойлашади. Пирамида билан палла ургасидаги бурчакда ички кулоқ бушлиғига олиб борувчи мускул-пай канали жойлашади. Сургичсимон үсимта (*processus mastoideus*) пирамиданинг асосий қисми билан туташиб, ичида ҳаво билан тулган бушлиқлар бор. Улар ўрта кулоқ бушлиғига билан туташади. Бу үсикка тўш-ўмров сургичсимон мускули (*m. sternocleidomastoideus*) ёпишади. Сургичсимон үсимтанинг олдидан пастта қараб чакка суюги бигизсимон үсимтаси (*processus stiloideus*) чиқади. Чакка суюгининг юзасида ташки кулоқ ўйлига олиб борувчи таипки кулоқ тешиги мавжуд. Тешикнинг олдида ёноқ суюги билан кўшилган ҳолда ёноқ үсимтаси (*processus zygomaticus*) жойлашган.

Тепа суюти (*os. porosale*) калла қопқогининг марказий қисмида жойлашади (30-расм). У жуфт суюклар қаторига кириб, унг ва чап тепа суюклардан иборат. Бош миянинг такомиллапиш жараенида

усиб ривожланиб боради. Ҳақиқий силлиқ сұяклар қаторига киради. Иккى юзага, тұрт томон ва тұрт бурчакка эга, ташқи юзаси бұртыб чиққан тұртбұрчакли пластиинқага үшаш. Суякнинг ташқи юзасида дүңглик тепа бұртығы (*tuber parietale*) ва чакканинг иккита ёйсимон чизиқлари жойлашади. Ички юзаси ботиқроқ бұлиб, унда артерия әгатлари кузатилади. Үнг ва чап тепа сұяклари үрта чизиғи бүйлаб, бир-бири билан сагитал тишли чок ёрдамида бирикади. Үнг ва чап тепа сұяклари үрта чизиғи бүйлаб, бир-бири билан сагитал тишли чок ёрдамида бирикади.

Тепа сұягининг олдинги чеккаси (*margo frontalis*) пешона сұяги палласи билан тоғсимон чок ҳосил қилиб бирлашади. Орқа томондан тепа сұяклари энса сұягининг палласи (*margo occipitalis*) билан бирикіб, ламбдасимон (юононча «ламбда» ҳарфига үшаш) чокни ҳосил қиласы.


Пешона сұяги (*os. frontale*) тоқ сұяклар қаторига киради, калланинг олди ва юқориги қисміда жойлашади (30-расм). Бош мияннинг күз ва ҳид билиш аъзолари билан яқындан боғлиқ. Тұртта қисми тафовут қилинади. Палла қисми (*sguama frontalis*), бир жуфт қүз косаси (*pars orbitalis*) ва бурун қисми (*pars nasalis*).

Палла қисми ташқи ва ички юзаларига эга. Ташқи юзаси силлиқ, иккى томондан қисман бұртыб чиққан (*tuber frontale*) бұлиб, үрта қисміда бирлашма ҳосил қилиб туташади. Бу бирлашма беш ёшларда бутунлай битиб кетади. Иккита дүңгнинг пастрогида, күз косаларининг юқорисида қош устки ровоғи (*arcus superficialis*) жойлашади. Пешона дүмбоқлари ва қош усти ровоқлари үртасида чуқурчаси бўлади. Пешона сұягининг пастки латерал қисми ёноқ үсімтасини ҳосил қиласы. Бу үсімта ёноқ сұяги билан туташади. Палланинг ички юзасида (*facies interna*) артерия әгатлари (*sulcus arteriose*) ва мия қийикларининг излари кузатилади. Үрта қисміда эса пешона қирраси (*crista frontalis*) жойлашади. Күз қисмлари күз косасининг юқориги деворини ҳосил қилувчи юпқа тұртбұрчакли сұяқ пластиинкаларидан ташкил топган. Бу пластиинка юқориги ва ички юзаларига эга. Юқориги юзаси боли мия ички қисмiga қаралған бўлиб, у ерда мия қийикларининг излари күринаади. Ички юзаси күз косаси бўшилиғига қараган бўлиб, юзаси силлиқ. Пластиинкалар орасида ғалвирсимон сұяқ жойлашадиган үйма



30-расм. Тепа сұяги (*os. parietale*) ташқи юзаси.

1 - юзаси; 2 - дүңг қисми; 3 - чизиқлари; 4 - тешик.



31-расм. Пешона сугининг (*os. frontale*) ташки юзаси.

1 - палла; 2 - дўнги; 3 - чакка юзаси; 4 - ёноқ ўсимида; 5 - кўз усти қирраси; 6 - кўз усти тешиги; 7 - қош усти ёйи; 8 - бурун ўсиғи.

зик, юпқа пластинкалардан ташкил топган (32-расм). Танасига нисбатан тўғри бурчак ҳосил қилиб жойлашган пластинка перпендикуляр пластинка (*lamina perpendicularis*) деб аталади. Бу пластинканинг қоқ ўртасида калла бўшлиғига ботиб турган ҳолда хўроz тожига ўхшаёт ўсиқ (*crista galli*) жойлашади.

Перпендикуляр пластинка бурун тўсигининг юқориги орқа қисмини ташкил этиб, унинг ёнида фалвирсимон пластинка ётади. Иккала ён томонида эса худди бириттириб қўйилгандек тўғрибурчакли фалвирсимон суккабирикни ташкил этиб, унинг асосий қисмини ташкил қилишда иштирок этади. Шунингдек бурун бўшлиғи юқори юзасини ҳам қоплаб туради. Унинг тешиклари орқали ҳид билиш нервлари ўтади. Фалвирсимон лабиринт ичидаги ҳаво тутиб турувчи ўзаро бир-бири билан алоқадор, медиал томони бурун бўшлиғига очилувчи кўплаб катакчалардан ташкил топган.

Лабиринтнинг латерал томонидаги пластинка жуда юпқа ва нозик бўлиб, қозоз пластинка номи билан ҳам аталади. Бу пластинка кўз косаси томон қараган бўлиб, қисман унинг юзасини ташкил қиласи. Лабиринтнинг медиал томонларидан қисман пастта букилган ҳолда буруннинг юқориги ва ўрта чиғаноқлари ўсиб чиқади.

(*incisura ethmoidalis*) мавжуд. Олдинги медиал томонида кўз ёш бези чуқурчаси (*fossa glandulae lacrimalis*) жойлашади. Бурун қисми (*pars nasalis*) фалвирсимон ўйманинг олдинги томонини ташкил қиласи. Унинг ўрта қисмида ўтқир қилтанақ (*spina nasalis*) бурун тўсигини (*septum nasi*) ҳосил қиласи. Орқа қисми бўшлиқлар ҳосил қилиб, фалвирсимон суккабирикни ташкил қиласи. Орқа қисми бўшлиқлар ҳосил қилиб, фалвирсимон суккабирикни ташкил қиласи.


Фалвирсимон суккабирик (*os. ethmoidale*) калла асосий суккабирик танасининг олдинги қисмида жойлашган бўлиб, жуда но-

Калланинг юз бўлими суюклари

Юз бўлимининг суюклари юз суюларининг асоси, ҳамда овқат ҳазм қилиш ва нафас олиш тизимларининг бошлиланғич қисмларини ташкил этади. Юз суюклари асоси ва шаклини ташкил этишда юқориги ва пастки жағ, танглай, бурун, пастки бурун чағаноғи, димоғ, ёноқ ва тил ости суюклари каби суюклар иштирок этади. Булардан ташқари юз бўлимда кўриш, ҳид билиш аъзолари жойлашадиган бўшлиқлар мавжуд. Юз бўлими суюкларидан ташқари мия қутиси суюклари билан чоклар ҳосил қилиб бирикади. Юз суюклари ўз вазифаларига мослашган ҳолда турли шаклга эга.


Юқориги жағ суюги (maxilla) жуфт ва мураккаб тузилишга эга. Бир неча вазифаларни бажаришига мослашган бўлиб, кўз коғаси, бурун ва оғиз бўшлиқларининг шаклланишида иштирок этади. Чайнов аппаратлари ишини таъминлайди (32-расм). Юқориги жағ суюгида тана ва тўртта ўсиқлар мавжуд. Тана ичидаги буруннинг ўрта йўлига очиладиган юқориги коваги (*sinus maxillaris*) ёки Гаймор бўшлиғи жойлашган. Суюк танасида тўртта олдинги кўз коғаси, чекка ости ва бурун бўшлиғи юзалари бор.

Кўз коғаси юзаси кўз чукӯрчасининг ташқи деворини ҳосил қиласди. Бу ерда кўзнинг пастки эгати жойлашиб, олдинги юзасида кўзнинг пастки тешити ва ташқарига очиладиган канал (*foramen infraorbitale*) ҳосил қиласди. Бу тешик орқали қон томири ва нерв ўтади. Тешикдан пастроқда ботиқлик бўлиб, унга ит чукӯрчаси (кулдиргич) (*fossa canina*) номи берилган. Суюкнинг устки юзаси унинг олдинги юзаси билан бирга кўзнинг ости қиррасини ҳосил қиласди. Суюкнинг чакка ости чукӯрчасига қараған



32-расм. Фалвир суюкнинг (*os ethmoidale*) ён томонидан кўриниши.

1 - фалвирсизон пластинкаси; 2 - перпендикуляр пластинка; 3 - қанотсизон ўсиқ (ёки хўрор този); 4 - қозозсизон пластинка.



33-расм. Юқори жағ суюгининг (*maxilla*) ташқи юзаси.

1 - пешона ўсиғи; 2 - кўз коғасининг остидаги тешик; 3 - алъвеола теначалари; 4 - бурун ўймаси; 5 - ёноқ ўсимти; 6 - кўз коғасининг пастки чети.

Әрқа юзасида юқори жағ Гаймор бүшлиғи жойлашады. Юқориги қағ, пешона, ёноқ, альвеола ва танглай үсімталарига зәғі. Пешона үсіғи (*processus frontalis*) юқорига йұналиб, пешона сұяғи билан гуташады. Үсікнинг орқа томонида чуқур күз ёш зәғати (*sulcus lacrimalis*), күз ёши қанали (*canalis nasolacrimalis*) жойлашиб, күз бүшлиғи билан алоқадор қилиб турады. Ёноқ үсімтаси (*processus zygomaticus*) ёноқ, сұяғига құйылады. Альвеола үсіғида (*processus alveolaris*) юқориги жағ тишелари жойлашадынан катақлар (*alveoli dentales*) мавжуд.

Танглай сұяғи (*os. palatinum*) жуфт сұякларға киради. Юқори жағта юқори томондан туташған. Иккита горизонтал ва вертикаль сұяқ пластинкаларидан ташкил топған. Бир нечта калла бүшлиқтарининг шаклланишида иштирок этади. Булар күз косаси, бурун бүшлиғи, оғиз бүшлиғи ва қанот танглай чуқурларидір. Иккита палла сұякларининг горизонтал пластинкалари үзаро бирикіб, қаттық танглайнинг орқа қисмини ҳосил қиласы. Қаттық танглайнинг орқа қисміда танглай тешіклари бўлиб, уларнинг ҳар бири танглай артериялари, веналари ва нервлари утадынан қанотсимон үсімтаси билан танглай сұяғи ўртасида жойлашған қаналга олиб боради. Вертикаль пластинка бурун бүшлиғининг ички деворини ҳосил қилишда иштирок этади.

Димор сұяғи (*vomer*) – тоқ сұяқ. Бурун түсіни орқа томонининг пастки қисмини ташкил этади. Димор сұяғи иккита юпқа сұяқ пластинкалардан ташкил топған бўлиб, пастки қисми тулашған, юқори қисми эса ажралиб, димор сұяғи қанотларини (*alae vomeris*) ҳосил қиласы. Олдинги чеккаси фалвирсимон тил пластинкасининг пастки четига ёндошиб туради ва бурун түсінини ҳосил қилишда иштирок этади. Орқа чеккаси бурун бүшлиғининг орқа қисмидаги хоанани иккига ажратиб туради.

Буруннинг пастки чиғаноги (*concha nasalis interior*) – жуфт сұяклардир. Юқориги қирраси билан бурун бүшлиғининг ёнбoshi деворига туташшиб туради. Сұякнинг медиал бўртиб турган юзаси бурун бүшлиғига бўртиб кириб, буруннинг ўрта йўлини пастки йўлдан ажратиб туради. Юқориги ва ўрта бурун чиғаноклари фалвирсимон сұяқ үсімталаридан ҳосил бўлади.

Күз ёши сұяғи (*os. lacrimale*) жуфт сұяклар қаторига киради. Калла сұяклари ичида энг кичиги ва мұрти ҳисобланиб, күз косаси ички деворининг медиал қисміда жойлашған юпқа сұяқ пластинкалардан ташкил топған. Латерал қисміда жойлашған күз ёши зәғати (*sulcus lacrimalis*) бўлиб, юқори жағнинг пешона үсімтасида жойлашған шу номли зәғат билан биргалиқда күз косасидан буруннинг пастки йўлига олиб борувчи күз ёши қаналини ҳосил қиласы. Күз ёши сұягининг пастки ва олди томонидан юқорига қараб жағ сұягининг пешона үсіғи, орқадан фалвирсимон сұякнинг күз косасига қараган пластинкаси ва юқоридан пешона сұяғи билан бирлашмалар ҳосил қиласы.

Ёноқ сұяғи (*os. zygomaticum*) нотүғри шаклга зәға жуфт сұяқ

булиб, юз сүяклари ичидағи әңг қаттиғидир. Ёноқ сүяги чайнов мускули бошланадиган кенг сатқ ҳосил қиласы. Учта юза қисми ва иккита үсімтага зға. Ёноқ юза (*facies lateralis*) тұрт қирра шаклидаги дүмбоқни ташкил этади. Иккінчи юза (*facies orbitalis*) күз косаси деворини ҳосил қилишда иштирок этади. Учинчи чакка юза (*facies temporalis*) шу номли чуқурчага қараган. Пешона үсіғи пешона сүягининг ёноқ үсіғидеги понасимон сүяқ қаноти билан құшилиб туради. Чакка үсіғи (*processus temporalis*) чакка сүяги (*processus zygomaticus*) билан құшилиб, ровоқ ровоғини (*arcus zygomaticus*) ҳосил қиласы.

Пастки жағ сүяги (*mandibula*) тоқ сүяқ булиб, тақасимон шаклига зға. Күпчилік сут эмизувчиларда пастки жағ сүяги жуфт ҳолда сақланиб қолған. Жағ сүяги калла сүяги билан ҳаракатчан тарзда бирикади. Танаси (*corpus mandibula*) ва иккі томонидан үсіб чиққан иккита шохча (*rani mandibulae*) қисмлардан ташкил топған. Шохчалар бир-бiri билан танаси орқали 110–130° бурчак ҳосил қилиб бирикади. Шохлар горизонтал ҳаракатчан бұғим ҳосил қилиб чайнов мускуллари ёрдамида ҳаракатланади. Сүяқ танасининг орқа томони ўртасида ияқ дүнгелігі (*protuberantia mentalis*) бұлыб, унинг иккі ён томонида ияқ тешіклари (*foramen mentale*) жойлашади. Сүяқ танасининг ички юзасида мускуллар ёпишадиган иккита чуқурча, устки четида эса тишлар жойлашадиган альвеола катақчалари (*alveoli dentalis*) жойлашади. Уларни бир-бiriдан түсіқдар ажратып туради. Шохчалар учыда иккита үсімта (*ramus mandibulae*) бұлыб, орқадаги үсімта – бұғим, олдидағиси эса тож үсімтаси дейилади. Үсімталарнинг ички юзасида пастки жағ каналига туташиб кетадиган пастки жағ тешігі (*foramen mandibulae*) жойлашади.

Тил ости сүяги (*os. hyoideum*) кичкина тақа шаклида букилған. Пастки жағ билан ҳиқиқтада остида жойлашған. Бүйин қисмінде жойлашғанлығында қарамай юз сүяклар қаторига киради. Танаси (*corpus*) ва иккита жуфт кatta ва кичик шохчаларға зға. Тил ости сүяги шохлари танаси билан тогай воситасида бирлашади. Бүйин мускуллари билан үралып туради. Тил ости сүяги кичик шохчасыдан бошланиб, чакка сүягининг бигизсимон үсімтасыга туташиб диган иккита фиброз бойламчалар (*lig. stylo-hyoideum*) ёрдамида тутиб турлади.

Калла сүягининг бир бутун ҳолатда құрниши

Калла сүяги 23 та сүяқдан ташкил топған бұлыб, улардан 8 таси жуфт, 7 таси эса тоқ сүяклардир. Калла сүяклари үзаро ҳар хил чоклар ёрдамида зич бирикіб, бир бутун калла сүягини ташкил этади. Натижада калла сүягыда қатор ботиқлар, бұшлиқлар ва тешіклар ҳосил бұлади. Қуйида калла сүякларининг бир бутун ҳолатидеги құрниши билан қисқача танишиб чиқамиз.

Күз косаси (*orbita*). Бир жуфт. Тұрт томонидан бұшлиққа зға

“Бұлиб, деворлари тузилишига күра нотүри шаклдаги пирамидалық эслатади. Унинг асоси олдинга, ичи эса орқага, қисман медиал томонға қараган. Күз косасига үртадан қараганда олди томонға қараб кенгайиб борса, орқа томонға эса бир мунча төрайиб боради. Кириш қисми юқориги ва пастки чеккалари билан чегараланган.

Күз косасида медиал, латерал, юқориги ва пастки деворлари тафовут қилинади. Юқориги девори пешона сүягининг күз қисмиде асосий сүякнинг кичик қаноти, ҳамда танасининг ён юзасидан ташкил топған медиал томони ғалвирсимон сүякнинг күз пластинкаси ва күз ёши сүяги, юқори жағ сүягининг пешона ўсифи тонасимон сүяк танаси күрүв каналининг олди деворини ташкил ғылда. Пастки девори юқориги жағнинг күз юзаси ва ёноқ сүягидан, латерал девори эса асосий сүяк катта қанотининг күз юзасидан, қисман ёноқ ҳамда пешона сүякларидан ташкил топған. Булардан ташқари, күз косасининг тепа томонидаги ёриғи (*fissura orbitalis superior*) ва күрищ канали күз косаси бүшлигини калла сүяги бүшлиғи билан бирлаштириб туради. Бурун күз ёши канали (*canalis nasolacrimalis*) буруннинг пастки йүлиға очилади. Латерал бурчакда эса қанот, танглай ва чакка ости сүякларига очиладиган күз косасининг пастки ёриғи (*fissura orbitalis inferior*) жойлашади.

Бурун бүшлиғи (*canum nasi*) олдинги томондан ноксимон гешікден бошланиб, орқа томонда бир жуфт хоаналарга туташади. Ички қисмida бурун бүшлигининг үртасидан иккиге бұлиб турувчи тик пластинкасидан ташкил топған бурун түсиги (*septum nasi osseum*) жойлашади. Пастроқда ғалвирсимон сүякка перпендикуляр пластинкадан, ҳамда димоқ сүяги ва юқори жағнинг бурун қиррасидан ташкил топған. Бурун бүшлиғи орқа томондан хоаналар орқали бурун-халқум бүшлиғи билан туташкан. Бурун бүшлиғида учта – пастки, ён ва юқориги деворлар тафовут қилинади. Бурун бүшлигининг пастки девори қаттық танглай (*palatum osseum*), юқори жағнинг танглай ўсиги ва танглай сүягининг горизонтал пластинкасидан ташкил топған. Ён девори юқори жағнинг танаси, ғалвирсимон сүяк лабиринти, танглай сүяк тик пластинкаси ва асосий сүяк қанотсимон ўсимтасининг ички пластинкаси, ҳамда күз ёши сүягидан ташкил топған. Юқориги девори ғалвирсимон сүякнинг ғалвирсимон пластинкаси, асосий сүякнинг танаси ва қисман пешона сүягидан ҳосил бұлған. Бурун бүшлиғида юқоридан пастта қараб учта бурун чиганоқлари жойлашған бұлиб, улар учта – юқориги, үрта ва пастки бурун йұлларини ҳосил қиласы. Бурун бүшлиғи ҳаволи бүшлиқтарға эга сүяклар бүшлиқлари билан алоқада бұлади. Бурун бүшлигининг юқориги йулы ғалвирсимон сүяк лабиринтининг үрта ва ҳаволи орқа бүшлиқлари, ҳамда асосий сүякнинг көваги билан алоқада бұлади. Үрта йұл билан ғалвирсимон сүякнинг олдинги ҳаволи бүшлиқлари пепона ва юқориги жағ

сүяги Гаймор коваги бүшлиқлари билан туташиб туради. Бурун бүшлигининг пастки йўлига кўз ёши бурун канали (*canalis nasolacrimalis*) очилади.

Оғиз бўшлиғи (*cavum oris*) одинги ва ён томонлари тишлар юқориги жағ альвеола ўсиқлари ва ёй, қисман пастки жағ танаси ва қаттиқ, танглай билан чегараланади. Бурун бўшлиғи юқориги танглай ўсимталари ва танглай сүякларининг горизонтал илас тинкаларидан ташкил топган.

Чакка чуқурчаси (*fossa temporalis*) калла сүягининг икки ён томонида жойлашган. Чуқурча қисман тепа сүягининг пастки қисмидан, одинги томондан ёноқ сүяги, чакка сүягининг палласидан, остки томондан эса асосий сүякнинг катта қанотидан ташкил топган. Устки томонида ёноқ сүягининг равоғи жойлашади. Чуқурчани шу номли мускул тўлдириб туради.

Чакка ости чуқурчаси (*fossa cutaetemporalis*) чакка чуқурчасидан қирра орқали ажралиб туради. Чегараларини одинги томондан юқориги жағ ва ёноқ сүяк, пастки қисмини орқа томондан ёноқ ва пастки жағ сүягининг ўсимтаси, юқоридан — асосий сүякнинг катта қаноти юзаси, ҳамда чакка сүягининг кичик қисми ташкил этади.

Қанот-танглай чуқурчаси (*fossa pterigopalatina*) чакка ости чуқурчасининг ичкарироғида жойлашади. Унинг чегараси ички томондан — танглайнинг тик пластинкаси, орқа томондан — асосий сүякнинг қанотсимон ўсимтаси, одди томонидан — юқориги жағнинг дўнг қисми ҳисобланади. Қанот-танглай чуқурчаси уни калланинг турли бўшлиқлари билан алоқадор қилиб турадиган канал ва тешикларга эга. Думалоқ тешик (*foramen gonundum*) — калла сүяги бўшлиғи билан, асос-танглай тешиги (*foramen sphenopalatinum*) — бурун бўшлиғи билан, кўз косасининг пастки тешиги (*fissura orbitalis inferior*) — кўз косаси билан, қанот танглай канали (*canalis palatinus major*) — оғиз бўшлиғи билан, қанотсимон канал (*canalis pterygoideus*) — калла сүяги асоси билан туташиб туради. Бу канал ва тешиклар орқали ҳар-хил томирлар ва нервлар ўтади.


Калла сүягининг юқори томонидан қараганимизда, уларнинг турли чоклар ва бирлашмалар ёрдамида бирикиб бир бутун калла скелетини шакллантирганини кўрамиз. Калла сүякларининг ўзаро бирикишида турли шаклдаги чокларни (*sutura denta*) учратамиз. Шу жумладан пешона сүяги билан тепа сүякнинг бирикишидан ҳосил бўлган тожсимон чокни (*sutura coronalis*), энса сүягининг орасидаги ламбдасимон чокни (*sutura labdoidea*), ҳамда тепа сүяклари медиал томонларининг бирикишидан ҳосил бўлган сагитал чокни (*sutura sagitalis*) кўрамиз.

Калла сүягининг асоси икки томондан, яъни калла скелетининг қопқоғини олиб унинг ички юзаси (туби), ҳамда пастки томонидан ташкил юзаси ўрганилади.

Калла сүягининг ички юзаси (*basis crani interna*) фронтал қалла сагиттал ҳолда арралаб кузатиш мумкин, ички юзаси учта: олдинги, ўрга ва орқа чуқурчаларга бўлинади. Олдинги ва ўрта чуқурчаларда мия ярим шарлари жойлашса, орқа чуқурчасида мияча жойлашиади. Асосий сүяк кичик қанотларининг четлари, олдинги ва ўрта чуқурчалар ўртасидаги четара ҳисобланади. Чакка сүяги пирамида қисмининг юқориги чети ва турк эгарининг сүянчири бу чуқурчани орқа чуқурчадан ажратиб турлади (34-расм).

Калланинг олдинги чуқурчаси (*fossa cranii anterior*) пешона сүягининг кўз қисмлари, ғалвирсимон сүякнинг ғалвирсимон илстинкаси ҳамда асосий сүякнинг кичик қанотларидан ташкил топган. Олдинги чуқурчада ҳўроз тожисига ухшаган қирра, унинг атрофифида эса ғалвирсимон сүякнинг кўплаб майдада тешикчалари жойлашган. Бу тешикчалар орқали ҳид билиш нервларининг нозик толачалари ўтади.

Калланинг ўрта чуқурчаси (*fossa cranii media*) олдингисига нисбетан чуқурроқ жойлашади. Чуқурнинг ўрта қисмини турк эгари ташкил этади. Ён чуқурчалари эса асосий сүяк танаси ва катта қанотларидан, чакка сүяги пирамида қисмининг олдинги юзаси ва қисман чакка сүягидан ташкил топган. Калланинг ўрта чуқурчасида қўйидаги канал ва тешиклар жойлашган: кўриш нерви канали (*canalis opticus*), кўз косасининг юқориги ёриқлари (*fissura orbitalis superior*), думалоқ тешик (*foramen rotundum*), овалсимон тешик, ўтирип ўсимта тешиги (*foramen spinosum*), йир-



34-расм. Калла сүяги тубининг ички юзаси (*basis crani interna*)

- 1 - олдинги чуқурчаси;
- 2 - ҳўроз поижига ухшаш қирра;
- 3 - кўр тешик;
- 4 - пешона қирраси;
- 5 - бармоқсимон боғтиқ;
- 6 - пешона сүягининг кўз қисми;
- 7 - ўрта чуқурчаси;
- 8 - кўз нерви тешиги;
- 9 - ўйку артериясининг эгали;
- 10 - калланинг орқа чуқурчаси;
- 11 - энса сүягининг катта тешиги;
- 12 - энсаннинг ички қирраси;
- 13 - энсаннинг ички бўртаги;
- 14 - кунфаланг ўйиқ;
- 15 - сигмасимон ўйиқ;
- 16 - бўйшини ўрук тешиги;
- 17 - иш остия катали;
- 18 - ички эши түб тешиги.


тиқсімөн тешік (*foramen lacerum*).

Калланиң орқа чуқурчаси (*fossa cranii posterior*) энг чуқури вә ҳажмдори ҳисобланади. Орқа чуқурча асосий танасининг орқа қис мидан, чакка сүяк пирамида қисмининг ички юзасидан ва энса сүягининг деярли *canalis pterygoideus* ҳамма қисмидан, тепа сүягининг орқасидаги пастки бурчагидан ташкил топған. Орқа чуқурчаниң марказыда энсаның катта тешиги (*foramen magnum*), тил ости нерви канали (*foramen hypoglossus*), бўйинтуруқ тешиги (*foramen jugulare*), қулоқнинг ички тешиклари (*pars acusticus*) ва *foramen mastoideum*) каби каналлар ва тешиклар жойлашади.

Калла сүяги тубининг ташқи юзаси (*basis crani externa*) учта: олдинги, ўрга ва орқа бўлагига бўлиб үрганилади (35-расм). Олдинги қисмида қаттиқ тантглай (*palatum osseum*), ташқи юзасида узунасига ва кўндаланг йўналган чоклар кузатилади. Қаттиқ танглай сүякларининг бириккан учлари (*foramen incisivum*) билан тулашади. Қаттиқ танглайнинг орқа томонида, альвиолар ўсик яқинида тешикларда (*canalis palatinum major et minor*) жойлашган. Ўрта бўлумининг олдинги чегарасида хоана тешиклари жойлашган. Орқа бўлагига катта тешик (*foramen magnum*) жойлашади. Тешиклардан яна йиртиқ тешик (*foramen lacetum*), уйқу артерияси каналининг ташқи тешиги (*foramen coroticum externum*), овалсимон тешик (*foramen ovale*) ва ўтқир ўсимта тешиклари (*foramen spinosum*) бор. Булардан ташқари, биринчи бўйин умуртқаси билан бўғин ҳосил қилиб бирлаша-

35-расм. Калла сүяги тубининг сирти (*basis crani externa*).

1 - энса сүягининг катта тешиги; 2 - энса сүягининг бўғин ўсимтаси; 3 - ҳалқум бўртиши; 4 - ташқи уйқу артерияси тешиги; 5 - бигизсимон ўсик; 6 - бигиз-сўрғичсимон тешик; 7 - ташқи эшиштуб тешиги; 8 - пастки жаң юзаси; 9 - бўғин дўмбоқчаси; 10 - овалсимон тешик; 11 - ўтқир қиррали тешик; 12 - ташимон-понасимон ериқ; 13 - понасимон-тошисимон ериқ; 14 - йиртиқ тешик; 15 - бўйинтуруқ тешиги.




Диган бўғин дўмбоқчалари (*condylus occipitalis*) ҳамда уларнинг орка чуқурчаси (*fossa condularis*), тил ости нерви канали (*canalis nervi hypoglossi*), бўйинтуруқ тешиги (*foramen stylomastoideum*), қулоқнинг ташқи тешиги (*meatus acusticus*) жойлашади.

Калла суюгининг ривожланиши

Калла суюклари скелет суюкларига ухшаб, асосан икки йўл билан ривожланади. Биринчидан, эмбрион ривожланиши даврида суюк тўқимаси эмбрионнинг мезенхима тўқимаси ҳужайраларидан келиб чиқади. Иккинчидан эса, суюк тўқима тогай тўқимаси ўрнида ҳосил бўлади. Иккала ҳолда ҳам суюк тўқимасининг ривожланишида мезенхима ҳужайралари бирламчи материал бўлиб хизмат қилади. Тогай тўқимасининг ўзи ҳам бошлангич даврида мезенхимадан ривожланади. Организм эмбрионал тараққиётининг бошлангич даврида бош мия асосида орқа мия тори шаклланади. Сунт унинг усти мезенхима ҳужайраларидан ташкил топган парда билан ўралади. Эмбрион тараққиётининг биринчи ойи охирларида, калла суюги орқа торининг мияга келиб тугайдиган жойида, хорда олди ва хорда ёнида жойлашадиган тогай пластинкалари шаклланади. Шундай қилиб, мезенхима тўқимаси ҳужайраларининг тогай тўқимасига айланиш жараёни бошланади. Тогай калланинг тубидан такомиллашиб, икки томонга қараб ривожланиб боради. Калланинг ўнг девори ва калла қопқоғининг бир қисми, (*foramen occipitale magnum*) атрофини ўраб турадиган энсаннинг асосий ва ён қисмлари, чакка суюгининг пирамида ва сўрғиҳисимон қисмлари, асосий суюкнинг деярли ҳамма қисми, фалвирсисмон суюкнинг деярли ҳамма қисми ва буруннинг пастки чифаноги тогайланади. Фақат калланинг қопқоғи юқори томонидан бириктирувчи тўқимадан ташкил топган парда билан ёпилган бўлади. Бу парда кейинчалик тогайга айланмасдан тўғридан тўғри суюкланиб боради. Эмбрион ривожи учинчи ойининг биринчи ярмидан бошлаб, тогайлашган калла ривожланиб боради. Шу вақтта келиб ҳидлаш аъзолари капсуласи, кўриш аъзолари турадиган чуқурчалар, эшигтүв аъзоларининг капсуалари ва энса соҳаси шаклана бошлайди. Шаклланган тогай тўқимаси ва каллани қопловчи парданинг турли қисмларида эмбрион ривожининг иккинчи ойининг охирларига келиб, суюкланувчи нукталар пайдо бўла бошлайди. Шу нукталардан суюк тўқимаси ривожлана бошлайди ва калланинг асосини ташкил қилувчи тогай суюкка айланади. Юқорида келтирилган маълумотларга қараганда, калла асосини ташкил қилувчи суюклар ўз ривожланиши жараёнида мезенхима тўқимасидан ташкил топган парда, тогай ва суюкланишдан иборат босқичларни ўтиб шаклланса, калла қопқоғи эса парда ва суюқдан иборат (togay босқичини ўтмасдан) босқични ўтади. Икки босқичли суюкларга энса ва чакка суюкларининг цаллалари, калланинг тепа суюклари, пешона суюгининг икки яримтаси киради. Буларнинг ҳаммаси ўзаро бирлашиб, бир бутун калла скелетини ҳосил қилади. Мия асосини ҳосил

қиуловчи мезенхимадан ривожланган төфайли жабра равоқлари пайдо бўлиб, улардан келажакда юз суюклари ривожлана бошлайди. Ўқориги жағ, пастки жағ, чакка суюгининг бегизсимон ўсимтаси, ўрта қулоқ бўшлиғидаги майда эшитиш суюклари (болғача, сандон, узанги), тил ости суюги ва унинг шохлари келиб чиқади.

Калла суюкларининг ривожланиши постэмбрионал даврда, яъни туғилганидан сўнг ҳам төфайларининг суюкланиш жараёни давом этади. Дастрраб бириттирувчи тўқима пластинкаларининг суюкка айланмаган қисмлари кўплаб учрайди. Бир нечта калла суюкларининг бирлашадиган бурчаклари битмай ташқи томондан яхши кўриниб турадиган бириттирувчи тўқима пардаси билан қопланган бўлади. Калланинг бу қисмлари мия артерияларининг пульсацияланиб туриши натижасида қимирлаб туриши сабабли уларга лиқилдоқлар (*fanticule*) деб ном берилган (36-расм). Лиқилдоқлар ҳар хил катталиқда бўлади. Калла суюгининг ўрта чизиги бўйлаб пешона ва энса лиқилдоқлари, ён томонларида ўнг ва чап понасимон ва ўнг ва чап сўрғичсимон лиқилдоқлари жойлашган. Буларнинг ичида энг каттаси тепа ва пешона суюкларининг ўртасида жойлашган ромбсимон лиқилдоқ ҳисобланади. Янги туғилган болада бу лиқилдоқларнинг узунлиги 3,5 см., кўндаланг ўлчами тахминан 2,5 см. га teng. Тўла суюкланиш боланинг 2 ёшига тўғри келади. Орқа-чакка лиқилдоқ учбурчак шаклида бўлиб, иккала тепа суюкларининг энса суюги билан туташадиган қисмiga тўғри келади. Янги туғилган болада яхши кўринади. Бу лиқилдоқларнинг четлари боланинг 2-3 ойлигида бутунлай битиб, суюк тўқимасига айланади. Булардан ташқари, калланинг ён томонларида иккитадан тўртта ён лиқилдоқлар, олдинги ён понасимон лиқилдоқ пешона суюги, тепа суюк ва понасимон суюкнинг катта қаноти туташган жойларида, яъни чакка суюгининг палладари орасида жойлашади. Боланинг 2-3 ойлигида улар бутунлай суюкланиб кетади. Орқа сўрғичсимон лиқилдоқ пешона суюк, чакка суюги ва энса суюгининг палласи билан бириккан жойида шаклланади. Бу ҳам олдинги ён лиқилдоққа ўхшаб, тезда битиб кетади. Бола туғилгандан кейинги калла суюгининг ривожи учта даврга бўлинади. Боланинг 7 ёшгача бўлган биринчи даври калла орқа қисмининг кескин ўсиши билан фарқланади. Иккинчи даври 7 ёшдан то 14-16 ёшига тўғри келади. Бунда ўсиш



36-расм. Янги туғилган бола калла суюкларининг уст томонидан кўриниши.

1 - фронтал чок; 2 - олдинги лиқилдоқ; 3 - тюжсимон чок; 4 - тепа суюк; 5 - сагиттал чок; 6 - орқа лиқилдоқ; 7 - энса тапчаси.

екин кечади. Учинчи давр балоғатта еттан даврдан, то сукларни сиши тұхтайдиган (20-25 ёш) ёшгачан бўлиб, бунда калла ол-инги қисмининг тез ўсиши кузатилади.

СУЯКЛАРНИНГ БИРИКИШИ (ARTROLOGIA)

Сувда яшовчи тубан умуртқалиларда сужкларнинг бирикишилари бириктирувчи тұқималар воситасида амалга ошган бўлса, кейинчалик бирикиш тоғай тұқимаси воситасида бирикишга ўтади. Бундай түғридан-түғри бирикиш ҳаракат жараёнини анча чегаралаб қўяди. Эволюцион жараёнида ҳайвонларнинг куруқдикка чиқиши билан уларнинг ҳаракат қилиш доираси кенгайиб борган. Натижада бўғинлар пайдо бўла бошлиди. Шундай қилиб филогенез жараёнида сужкларнинг бирикишида икки хили содир бўлади. Дастлабки бирикиш узлуксиз ҳаракати түғридан-түғри чегараланган бўлиб, кейин эса ҳаракат тури кўпайгани сари, ҳаракатчан бирикиш пайдо бўла бошлаган. Ҳайвонларнинг филогенетик жараёнда ортирган ҳаракатлари онтогенез ривожида ҳам такрорланаб, икки босқичда ўтади. Дастлабки узлуксиз бирикиш мезенхима тұқимаси орқали солир бўлса, кейинчалик у бириктирувчи тұқимага айланиб сужкларнинг бирикиши натижасида амалга ошади.

Сужклар орасидаги тұқима яхлит қолса, унда узлуксиз бирикиш – синартроз ҳосил бўлади. Агар сужклар орасидаги тұқима сурилиб орасида бўшлиқ ҳосил бўлса, унда келажакда ҳаракатчан диартроз ривожланади.

Одамлардаги скелет сужклари ўз вазифасига қараб турлича тузилишга эга. Уларнинг бир-бири билан бирикиши ҳам турли туман ҳаракатларга мослашган. Анатомиянинг сужклар бирикишини үрганадиган бўлими "Артрология" (*artrologia*) ёки "Синдесмология" (*syndesmologia*) деб аталади. Барча скелет сужкларнинг бирикиши икки йирик гурухга бўлиб ўрганилади:

1. Сужклар ўзаро түғридан-түғри ҳар хил тұқималар ёрдамида бирикиши мумкин. Бундай бирикиш узлуксиз – синартроз (*synartrosis*) бирикиш дейилади.

2. Иккинчи гурух бирикиш – сужклар ўртасида бўшлиқ ҳосил қилиб бирикиш, ёки ҳаракатчан бирикиш дейилади. Бундай бирикишда сужклар бирикадиган жойида бўшлиқ ҳосил бўлиб, унинг атрофини зич тұқимадан ташкил топган капсула қоплаб бўғин ҳосил қиласади. Бундай бирикишга диартроз (*diarthrosis*) бирикиш дейилади.

Узлуксиз бирикиш (*synartrosis*)

Сужкларнинг узлуксиз бирикиши унда иштирок қиласадиган тұқима турига қараб уч гурухга бўлинади:

1. Фиброз тұқымалар (пардалар) воситасида бирикиш (*articulationes fibrosae*).

2. Тофай тұқымаси воситасида бирикиш (*articulationes cartilagineae*).

3. Суяқ тұқымаси воситасида бирикиш — синостоз (*sinostos*).

Узлуксиз бирикишда суяклар деярли ҳаракатсиз бўлади, ҳаракат бўлганда ҳам у ниҳоятда чегараланган бўлади.

Суяклар ўртасидаги бириктирувчи тұқымаларнинг жойлашиши ва уларнинг бирлашиш усуллари ҳар хил бўлиши мумкин.

Синдесмоз (syndesmosis) бирлашма. Суякларнинг толали бириктирувчи тұқима ёрдамида бирлашиши.

Агар бириктирувчи тұқима суякларо ҳосил бўлган катта бўшлиқни тўлдириб турса, бундай тұқымалар суякларо парда (*membrana interossea*) деб юритилади. Буларга билак, тирсак ҳамда катта ва кичик болдир суяклари орасидаги парда киради. Агар оралиқ бириктирувчи тұқима тутам шаклда бўлса, булар фиброз бойламчали (*ligamentum*) деб аталади. Айрим бойламчалар эластик толали тұқымалардан иборат бўлиб, тугамлар ҳосил қилиб жойлашади ва сариқ бойламлар (*ligamentum flavum*) деб юритилади. Бош скелетининг айрим суяклари бир-бiri билан учли ўткир ўсимталар ёрдамида ниҳоятда зиг ва мустаҳкам туташиб чоклар (*sutura*) ҳосил қиласиди. Бундай бирлашмалар орасида нозик оралиқ бириктируучи тұқымалардан ташкил топған парда ётади.

Суяқ четдарининг бирикиши шаклига қўра уч хил чоклар учрайди:

- Тишсимон чоклар (*sutura serrata*). Ёнма-ён жойлашган иккита суяқ тишсимон ўсимталарининг бири иккинчисиникига ўсиб кириб ҳосил қиласан чоклари. Бундай чокларга калланинг тепа суяклари орасидаги чокларни мисол қилиб оламиз.

- Тангачали чоклар (*sutura sguamoza*). Бир суяқ тангачаси четининг ёнидаги иккинчи бир суяқ тангачаси чети устига ўсиб кетишидан ҳосил бўлган бирикиш тангачали чок деб юритилади. Масалан, чакка суяги билан тепа суяқ орасидаги чоклар.

- Силлиқ ёки текис чоклар (*sutura plana*). Иккита чети текис суякларнинг бирикишидан ҳосил бўладиган чокларга силлиқ чоклар дейилади. Масалан, юз суяклари орасидаги чоклар.

Бир суякнинг иккинчи бир суяқ орасидаги худди мих қоқилганидек кириб туташшига тиш альвеола бирикиши дейилади. Бунда фиброз тұқима тутамларининг толачалари ҳар қайси тишига тушадиган босим йўналишига қараб турлича жойлашган бўлади.

Синхондрозбирашма (*articulatio cartilaginea*). Скелет суякларининг тоғай тұқымалари воситасида бирлашиши.

Синхондроз бирикишда суяклар ҳаракати анча чегараланган бўлиб, бўғин қисман босилиб яна ўз ҳолига келиб туриши хусусиятига эга. Тоғай тұқима қатламининг юпқа-қалинлигига қараб ҳаракатлар ҳам ҳар хил бўлади. Тұқима қалин бўлганда ҳаракат кўпроқ бўлади.

Суяклар тоғайлар (гиалин ёки толали тоғай) турига қараб икки хил бирикади.

• Синхондроз-толали тоғай воситасида бирикиш. Бундай бирикиш кучли механик босим содир бұладыган жойларда учрайди. Масалан умуртқа таналари ўртасидаги бирлашипілар. Толали тоғай үзининг эзилувчанлик хусусияти билан умуртқа поронасидағи кучли механик ҳаракатларга мослашган.

• Синхондроз-гиалин тоғай воситасида бирикиш, яъни биринчи қовурғаларнинг түш саяги билан бирикиши.

Синхондроз доимий ва вактингча бұлиши мүмкін. Доимий, яъни одам умрининг охиритегі сақланадиган синхондрозни ташкил қылувчи бирлашишта чакка саяги типсімон қысманинг понасимон сяяқ ҳамда пирамида билан энса сяяқ орасидаги бирикишлар киради.

Вактингча ёки маълум ёштегі сақданадиган бирлашма кейинчалик синостоз бирикишга айланиб кетади. Масалан эпифиз билан метафиз оралығындағы синхондроз, ёки учта сяяқдан ташкил топған оёқ камари сяякларининг бирлашиши. Вактингча синхондроз одатда скелет сяяклари ривожининг иккінчи босқичи ҳисобланади. Организмда шундай синхондрозлар учрайдик, улар бир-бирига яқын турған иккита сяяқ ўртасини тұлдырган тоғай ичіда тирқиши бўлиб, унда суюқ модда учрайди. Масалан, икки қов сяягининг күшилган жойи (симфиз). Бундай бирлашмалар ҳаракатсиз ёки камҳаракат бўлса ҳам, уларда ҳақиқий бўғиннинг баъзи элементлари (бўшлиқ, суюқлик) булади. Айрим ҳолларда бўғинларнинг редукцияға учраши натижасида симфиз тескари ҳолда шаклланыш мүмкін, яъни ҳаракатчан бўғиндан ҳаракатсиз бўғин шаклланади. Масалан, айрим умуртқалиларда бир нечта умуртқа таналарининг бўғин юзаларидан қочиши натижасида ингичка тирқиши ҳосил бўлади.

Ҳаракатчан бирикмалар (бўғинлар)

Ҳаракатчан бирикмалар (диартроз) деб сяякларнинг бири иккінчиси билан ўртада бўшлиқ ҳосил қилиб бирикишiga айтилади. Булар бўғинлар (*articulatio arthrosis*) деб ҳам юритилади.

1. Бўғин юза қалинлиги 0,2-0,5 мм. ли гиалин ёки толадор бўғин тоғайи билан қопланған. Тоғайнинг қалинлиги тоғай юзасига тушидиган босимга боғлиқ. Босим қанча катіға бўлса, у шунча қалин булади. Бўғинларда учрайдиган тоғайларда қон томирлари ва тоғай усти парда бўлмайди. Таркибининг 75-80% сув ва 20-25% қаттиқ моддалардан ташкил топған. Қаттиқ моддаларни ярмини протиогликан билан бириккан коллагенни ташкил этади. Бирикма тұқима мустаҳкамларнин таъминлайди. Доим содир бўлиб турдиган ишқаланиш натижасида бўғин тоғай юзаси силлиқланиб туради, ҳаракатларнинг енгил бўлишини таъминлайди. Эластиклигі эса ҳар хил зарб ва урилишлардан сақтайты. Қарама-қарши жойлашган бўғин юзалари одатда бир-бирига мос ҳолда ишқаланади.

2. Бўғин халтаси ёки капсуласи (*capsula articularis*) бўғин юзаларининг чети ёки четроғига ёпишиб, бўғинни ҳар томондан үраб олади ва ички қысмидеги герметик бўшлиқ, ҳосил қилади. Бўғин ҳосил қиладиган халтача икки қаватдан: тащқи фиброз (*stratum fibrosum*),

ҳамда қон томирларига бой ички синовиал (*stratum synovialis*) қават-лардан ташкил топган. Фиброз қават голадор зич бириктирувчи түқимадан ташкил топган бўлиб, суюкка қараган томони сужак усти пардасига ёпишиб кетади ва ҳимоя вазифасини бажаради. Синовиал қават бўғин бўшлиги томон қараган бўлади. У эпигелей ҳужай-раларидан ташкил топган бўлиб, силлиқ ва ялтироқ қўринишга эга. Бу қаватдан бўғин бўшлифи томонга майда ворсинкаларга ўхшаган ўсимталар чиқдан ва қават бурмалар ҳам ҳосил қиласди. Синовиал қават деворидаги ҳужайралар сарик, суюкроқ консистенцияга эга шилимшиқ, ёғсимон секрет ишлаб чиқаради. Суюқлик бўғин юзаларини силлиқлаб, эркин ҳаракатини енгиллаштириб турди, ишқаланиб яллигланишига йўл қўймайди.

3. Бўғин бўшлифи (*cavitas articularis*) одамларда тор тирқиши шаклда бўлиб, унинг ичи синовиал суюқликка тўлган. Суюқлик миқдори кўп эмас, катта бўғинлардан чаноқ-сон ва тизза бўғинларида 2-3 см² дан оғимайди. Одатда бўшлиқдаги босим атмосфера босимида кам. Шунинг учун атмосфера босимининг ўзгариши унга таъсир қилиши мумкин. Бўғин капсуласининг ҳаракати натижасида босим ўзгариб, бўғин юзалари силжиб қолиши мумкин. Одатдаги шароитда бўғин юзаларининг силжишига ички босимдан ташқари бойламлар ва мускуллар ҳам қаршилик кўрсатади. Бойламлар ва пайлар бўғин мустаҳкамлигини таъминлашда ишгирок этади.

4. Бўғин бойламчалари (*ligamentum capsularia*) шакланган зич бириктирувчи түқимадан ташкил топган толалар параллел ҳолда зич жойлашиб, бойлам ҳосил қиласди. Қаттиқлиги жиҳатидан пайларга ўхшайди. Айрим ҳолларда, улардан ҳам қаттиқроқ. Бойламлар бўғин халтасининг ташки ва ички қисмларида жойлашади. Одатда, бўғин фиброз түқимасидан ўсиб чиқади. Бойламчаларнинг иккинчи учи суюкларга туташган бўлиб (айрим ҳолларда 2 та суюк туташтиради) бўғинлар мустаҳкамлигини таъминлайди. Бўғин ичида жойлашган бойламчалар эса бўғиннинг ҳаддан ташқари ҳаракатини чегаралаб турди. Кўпчилик бойламчалар, эластик толачалари кам бўлишига қарамай, мустаҳкам бўлади. Масалан: тизза бўғини ичида жойлашган бойламчалар.

5. Бўғин лаблари (*labrum articularis*) шакланган зич бириктирувчи түқимадан ташкил топган. Бўғин бўшлигининг четларида айланма ҳолда жойлашади. Улар бўғиннинг ҳаракати доирасини кенгайтириб, катталаштириб беради. Мисол: елка, чаноқ-сон бўғинлари.

6. Бўғин дисклари (*discus articularis*) ва бўғин менискалари (*meniscus articularis*) тогай түқимасидан ташкил топган бўлиб, бўғин бўшлигига жойлашган тузилмалардир. Агар пластинкасимон тогай түқима суюкларининг бирикини қисмида бўғин бўшлигининг ўртасидан ўтиб икки камера ҳосил қиласа, буларга дисклар дейилади. Масалан: чакка, пастки жаг бўғини. Агар бўғин бўшлиги тўла бўлинмасдан, бўғин бўшлигининг четларида жойлашса, улар менисклар (юононча – *meniscus*) дейилади. Бу билан бўғин юзаларининг бир-бирига кўироқ мос тушиши билан конгруентлиги таъ-

минланади ва ҳар хил зарблар таъсири чегараланади. Масалан: тизза бўғини.

7. Сесмасимон сүяклар (*ossa sessmoidea*). Бундай сүякларга мисол қилиб тизза қопқоғи (*patilla*) сүягини олишимиз мумкин. Бундай сүяклар одатда бўғин капсуласида ёки пайлар оралиғида жойлашади. Унинг ички, яъни капсула бушлиғига қараган юзаси гиалин төғай билан қопланган бўлса, ташқи томони фиброз тўқимага туташган бўлади.

Бўғинлар организмнинг турли-туман ҳаракатларида иштирок этади. Организмнинг тик ҳолати ҳар хил қисмларининг бир-бирига нисбатан ҳаракатини ҳамда бир жойдан иккинчи жойга юриш, туриш ҳаракатларида иштирок этади ва уларни таъминлайди. Бўғинлар хилма-хиллигини назарга олган ҳолда уларни ўрганиш ўнгай булиши учун улар бир тартибга, яъни тизимга солиб ўрганилади.

Бўғинлар бўғин юзаларининг сони, уларнинг шакли ҳамда вазифасига қараб қуйидагиларга бўлинади.

- Оддий бўғин (*art. simplix*). Буларга фақат иккита бўғин юзаларига эга бўғинлар киради. Мисол: бармоқларо бўғинлар.

- Муракқаб бўғинларга (*art. composita*) иккитадан кўп боғловчи юзаларга эга бўғинлар киради. Мисол: тирсак бўғини. Муракқаб бўғинларда бир нечта бирикишлар бўлиб, уларнинг ҳар бири мустақил ҳаракат қилиши мумкин. Муракқаб бўғинларда бир нечта бирикишлар мавжуд бўлишига қарамай, барча бўғинлар бирлиги, яъни уларнинг умумийлиги сақданиб қолади.

- Иккита бўғин йигиндисидан ташкил топган бўғин (*art. comprexa*). Бунда бўғин ичидағи төғай тўқима бўғинни икки бўлимга ажратиб туради. Умуман бўлиниш тўла ёки чала булиши мумкин. Мисол: чакка-пастки жағ бўғини ёки төғай яримойсимон мениск шаклини эгалласа, бўғин чала бўлинган бўлади. Мисол: тизза бўғини.


- Комбинациялашган (ҳамкор) бўғинлар деб, ўзаро бир-бири билан боғланган, бир нечта бўғинлар комбинациясидан ташкил топган ҳар бир мускул жойлашган, лекин биргалиқда ҳаракатда иштирок этадиган бўғинларга айтилади. Мисол: иккала чакка-пастки жағ бўғинлари, проксимал ва дистал тирсак-билак бўғинлари комбинацияланган бўғинлар икки ёки ундан ортиқ бўлиб, вазифалари бир-бирига мувофиқ мослашган бирлашмалардир.

Бўғинларнинг вазифаси сүякларни ўқ атрофида ҳаракатга келтириб турувчи ўқ қисмлари, уларнинг сони эса бириктирувчи юзалар шаклига боғлиқ. Масалан, цилиндр шаклидаги бўғинлар фақат битта ўқ атрофида ҳаракат қиласи. Унга қарама-қарши шар шаклидаги бошчаси атрофида бир нечта ўқ атрофидаги ҳаракатларни таъминлайди. Юқорида келтирилган маълумотларга кўра ҳар хил ҳаракатта тегишли ўқлар сони бирлашадиган сүяклар юзаларининг шаклига боғлиқ. Шуларга асосланган ҳолда, бўғинлар бир, икки ва кўп ўқли бўғинларга бўлинади (37-расм).

I. Бир ўқли бўғинлар. Бўғин ҳосил қилувчи икки сүяк учларининг бир-бирига мос келиши натижасида шакланади. Булар уч

хил бўлиши мумкин: а) цилиндрический; б) галтаксимон; в) бурма (винтсимон).

— Цилиндрический (*articulatio trochoidea*) бўғинда бўғин ҳосил қилувчи суюкларнинг учлари бир-бира га мос келади. Биринчи суюк учи цилиндрический бўлса, иккинчисиники мос ўйик ҳосил қиласди. Мисол: билак-тирсак суюклари устки учларининг ҳаракати натижасида суюклар ичкарига (*pronatio*) ёки ташқарига (*supinatio*) бурилади. Бундай бўғинга мисол қилиб биринчи ва иккинчи умуртқалар, яъни уларнинг тишсимон ўсимта атрофидаги ҳаракатни ҳам олишимиз мумкин.



37-расм. Бўғинларнинг тури шакллари.

1 - 1-ялтаксимон бўғин; 2 - эллипссимон бўғин; 3 - эгарсимон бўғин; 4 - шарсимон бўғин.

бўғинда (*art. ellipsoidea*) бирикувчи юзалар эллипснинг булаклари, яъни тухумнинг ярмига ухшайди. Биринчисининг юзаси бўртиб чиқдан бўлса, иккинчисиники унга мос ҳолда ботиб кирган булади. Бундай бўғинларда ҳаракат икки тарафлама, яъни бир-бира билан кесишган икки ўқ атрофида содир булади. Мисол: билак суюги билан кафт усти суюклари ўртасидаги ҳаракат. Бундай бўғинга биринчи бўйин умуртқаси билан энса суюги ўртасидаги бўғин ҳам мисол бўла олади.

— Эгарсимон бўғинда (*art. sellaris*) бўғин ҳосил қилувчи суюклардан бирининг учлари ботиб, иккинчисиники эса бўртиб чиқдан бўлиб, шу кисмлар бир-бира га туташиб туради. Эгарсимон бўғинда ҳам

— Галтаксимон (*art. ginglymis*) бўғинларда бўғин ҳосил қилувчи суюкнинг бир учси галтаксимон, яъни ўртаси ботиб, икки учси кўтарилиб чиқдан булади. Мисол: бармоқлар (фаланглар) ўртасидаги бўғинлар.

— Бурма (винтсимон) (*art. cochlearis*) бўғинга мисол қилиб елка суюги билан тирсак ва билак суюклар ўртасидаги бўғинни оламиз. Шакли галтаксимон, аммо галтаксимон ўйининг ўртаси винтсимон шаклга эга.

Бу бўғинларда асосан букилиш, ёзилиш ҳаракатлари содир булади

II. Икки ўқли бўғинлар. Буларнинг ҳам уч тури учрайди: а) эллипссимон (тухумсимон); б) эгарсимон; в) дўнгли бўғинлар.

— Эллипссимон (тухумсимон)

Ҳаракатлар бир-бирига тик, икки ўқ атрофида содир бўлади. Бўғин ташки кўринишдан бири иккинчиси устига кўндаланг тўнтарилган иккита эгарга ўхшайди. Мисол, қўл бош бармогининг кафт ва кафт усти суяклари ҳосил қилган бўғин. Икки ўқли бўғинларда букиш ва өзиш, яқинлаштириш ва узоклаштириш ҳаракатлари содир бўлади.

— Дунгли бўғин (*art. condylaris*) эллипссимон бўғинга ўхшаган, лекин бўғин ҳосил қилувчи дўнг ва унинг тушиб турадиган ўйиги бир хил бўлмайди, кўпинча фронтал ўқ атрофида ҳаракат қиласди. Масалан, сон сугининг пастки учи ёки сужкининг бир томонидаги дўнглик.

III. Кўп ўқли бўғинлар. Юмшоқ (шарсимон) бўғин (*art. sphenoidea*). Мисол: елка бўғини. Суяк учи шарсимон булиб, ҳар томонлама ҳаракат қилиши мумкин. Суякнинг шарсимон учи иккинчи суякнинг бўғин чуқурчасига тушиб туради. Юмшоқ бўғинлар бошқа бўғинларга нисбатан ҳаракатчан. Уч хил: фронтал, сагитал ва вертикал ўқ атрофида ҳаракат қилиши тафовут қилинади.

Ясси бўғин номига кўра бўғин юзалари бошқа бўғинларга нисбатан ясси тузилишга эга. Бўғин ҳосил қилувчи суякларнинг учлари яссилашган юзаларга эга. Бўртиб чиққан ёки ботик юзалари ҳам бўлмайди. Ҳаракат жараёнида қисман бўлса ҳам бўғин юзаларида сирғанишлар содир бўлади. Щунинг учун бундай бўғинларни кам ҳаракатчан бўғинлар дейилади. Бундай бўғинларга кафт усти суяклари билан кафт суяклари ўртасидаги, панжа олди суяклари билан панжа суяклари ўртасидаги бўғинлар ҳамда умуртқалар бўғин ўсимталарининг бирикишидан ҳосил бўлган бўғинларни олиш мумкин.

ТАНА СУЯКЛАРИНИНГ БИРЛАШИШИ

Умуртқалар ўзаро тана,равоқ ва ўсимталари ёрдамида ҳар хил бирлашмалар ҳосил қилиб бирлашиб, бир бутун умуртқа погонаси ни шаклантиради. Умуртқа погонасида суяклар бирикишининг син-десмоз турли хиллари (пайлар, синхондрозлар ва бўғинлар) учрайди. Умуртқа погоналари орасида умуртқалараро диск (*destei intervertebralis*) жойлапади, унинг қалинлиги кўкрак қисмида 3-4 мм, буйинда 5-6 мм, бел қисмида эса 10-12 мм ни ташкил этади. Дискнинг марказий қисми хорда ядроси қолдиги булиб, тузилиши жиҳатидан гиалин тоғайга ўхшайди, унинг атрофи айланма ҳолда толадор тоғайдан иборат фиброз тўқима билан ўралган. Дискнинг марказий қисмида жойлашган лиқилдоқ (*nucleus pulposus*), умуртқалар орасида пружинага ўхшаш ҳаракатни таъминлаб туради. Дискларнинг бундай тузилиши умуртқалар мустаҳкамлигини таъминлаш билан бирга улар қисман чузилиш, қисқариш ва эгилувчанлик хусусиятига эга.

Ҳар бир умуртқалараро дискларнинг қалинлиги бир хил бўлмай, бўйин ва бел умуртқалараро дискларнинг орқа томони қалин, одд томони юпқа бўлади. Умуртқалараро тоғайнинг қалинлиги юқоридан пастта ортиб боради. Бўйиннин биринчи умуртқасида тана қисми бўлмаганлиги сабабли, атлант билан бўйиннинг иккинчи умурт-

қаси ўртасида умуртқалараро төғай бўлмайди. Бўйиннинг иккинчи ва учинчи умуртқалари ўртасида төғай юқоридан биринчи ҳисобланади. Умуртқалараро төғай беллиинг бешинчи умуртқаси билан думғаза ўртасида жойлашади. Думғаза ва дум умуртқалараро төғай тахминан 12 ёшлардан бошлиб суюкланишга ўтади ва синостоз бирлашиш ёрдамида бир бутун думғазани ҳосил қиласди.

Умуртқа погоналар яхши ривожланган бояловчи аппаратларга эга. Бутун умуртқа погонаси бўйлаб шаклланган зич бириктирувчи тўқимадан иборат олдинги бўйлама пайи (*lig. longitudinale anterius*) энса суюги асоси (*pars posillaris*) ҳамда биринчи умуртқанинг олд дўмбоғчасидан бошланади ва умуртқалар танаси умуртқалараро төғайнинг олдинги юзаси бўйлаб пастта тушиб, думғаза суюгининг юзасида тугайди. Пай пастта туши борган сари энлироқ була боради. Орқа бойлам (*lid. Longitudinale posterius*) умуртқа танасининг орқасида, умуртқа каналининг ичида жойлашади. Бўйиннинг иккинчи умуртқаси танасидан бошланиб, думғаза умуртқаларигача давом этади. Олд бойламга нисбатан энсизроқ булиб, умуртқалараро төғайлар билан зич бириккан .

Сариқ бойлам (*lig. flavae*) толалари тик, умуртқалар равоқларининг орасида жойлашиб умуртқа ёйлари ўртасидағи оралиқни ёпиб туради. Таркибидаги эластик толалар бойламга сариқ ранг беради. Бу толалар бойламнинг чўзилиб ва яна ўз ҳолига қайтишини таъминлайди. Бундай бойламлар I ва II бўйин умуртқалари равоқларининг ўртасида ҳам учрайди.

Ўсимталараро бойламлар (*lig. inter spinale*) умуртқаларнинг ўткир ўсимталари (*processus spinosus*) орасини тұлдириб туради. Умуртқаларнинг бел қисми аяча ривожланган булади. Бойламлар устки умуртқа ўсиғининг пастки қирғогидан бошланиб пастки умуртқа ўсиғининг устки қирғогига туташади. Барча ўсимталараро бойламлар бирбири билан туташиб, қирра усти бойламларини (*lig. supraspinalis*) ҳосил қиласди. Юқоридан энса суюгининг пастки қирраси (*crista occipitalis extensa*) дўмбоғигача бориб, эластик толаларга эта бўлган пайига айтилади. Тўрг оёқли умуртқаларда у яхши ривожланган энса пайига айланади. Умуртқаларнинг кўндаланг ўсимталари орасида ҳам калта кўндаланг ўсимта бойламлари (*lig. intertransversalia*) жойлашади. Думғаза ва дум ҳам ўзаро умуртқалараро дисклар ҳамда айрим бойламлар ёрдамида бирикши ҳосил қиласди.

Умуртқа погонаси

Умуртқа погонаси (*columna vertebralis*) бутун организм ва унинг суюклари учун марказий таянч вазифасини бажаради. У асосан бўйин, кўкрак, бел, думғаза ва дум умуртқалари ҳамда ёрдамчи воситалари умуртқалараро дисклар, бўғин ва бойламчаларидан ташкил топган таянч йиғиндисидир. Ички қисмида орқа мия жойлашган. Кўкрак ва қорин бушликлари деворларини ташкил қилишда бевосита иштирок этади. Одамларда тик жойлашган билан тўғри бўлмай, эгри лардоз ва кифоз қисмларга эга. Лардозда умуртқа

погонасининг бўйин ва бел қисмлари олдинга эгилган. Улар бўйин ва бел лардози дейилади. Кўкрак ва думғаза қисми эса орқага эгилган бўлиб, уларга кўкрак ва думғаза кифози дейилади. Бу эгриликлар организмнинг ҳар хил ҳаракатларига мослашган физиологик эгриликлар дейилади. Янги туғилган чақалоқда бундай эгриликлар бўлмайди. Фақат бўйин қисмида лардоз кузатилади. Қолган эгриликлар эса боланинг ўсиши, ривожланиши ва мускулларнинг тортилиши жараёнида, аста-секин пайдо бўла бошлиди. Булардан ташқари скалиоз, яъни бир томонга букилиш ҳам учрайди. Бундай эгриликлар ўқувчи болаларнинг партада нотўғи ўтириши натижасида ёки оналар болаларини нотўғи кўтаргандা пайдо бўлади.

Одамларда умуртқа погонасининг узунлиги, тоғайларнинг қалинлигига қараб, узун ёки калта бўлади. Умуртқалараро тоғайларнинг ҳаммасини қўшиб ҳисоблагандা уларнинг жами узунлиги умуртқа погонаси узунлигининг учдан бирини ташкил этади. Умуртқа погонасининг узунлиги эркакларда ўртacha 73-75 см, аёлларда – 69-71 см.

Умуртқа погонасида тўрт хил ҳаракат кузатилади.

1. Кўндаланг фронтал ўқ атрофида олдинга ва орқага эгилиш. Бундай эгилишда умуртқалараро тоғайнинг олдинги ва орқа тоғайлари қисқариб чўзилади. Маълум бўлишича, одамнинг кун бўйи юриш-туриши натижасида умуртқалараро тоғайлар сиқилиб бўйи бир мунча қисқаради. Кечга бориб, одам бўйи 1,5-2 см қисқарса, эрталаб яна ўз ҳолига қайтади.

2. Сагитал ўқ атрофида ўнг ва чап томонга эгилиш.

3. Айланиш ёки қайрилиш (тик ўқ атрофида). Бундай ҳаракат бўйин ва бел умуртқаларида амалга ошади.

4. Юқорига ва пастта пружина сингари ҳаракат қилиш. Бундай ҳаракат сакраш ва тез юрища содир бўлади.

5. Умуртқа погонасининг думғаза қисми ҳаракатларда иштирок этмайди.

Қовурғаларнинг умуртқалар ва тўш суюги билан бирлашиши

Кўкрак қафасини ташкил қилувчи қовурғалар ва тўш суюги кўкрак умуртқалари билан ҳар хил бўғинлар воситасида бирлашиб, унда жойлашган аъзоларни ҳимоя қилиш билан бирга, нафас олиш ва чиқаришда иштирок этади. Ҳар бир қовурға кўкрак умуртқаларига иккита бўғин воситасида бирлашади. Биринчи бўғин қовурға бошчаси билан кўкрак умуртқа танаси ўртасида (*articulationes capititis coste*) бўлса, иккинчиси қовурға бўргиги билан умуртқанинг кўндаланг ўсимталар орасида бўлади (*certiculationes coste transversaria*). Ҳар бир қовурға бошчаси юқорида ва пастда жойлашган ярим бўғин чуқурлари билан туташиб, бўғин ҳосил қиласди. I-XI ва XII қовурғалар эса иккита умуртқа орасига кирмасдан тўғридан-тўғри умуртқа танаси билан бирлашади.

Қовурға билан умуртқалар орасида бүғинлар мустаҳкамлигини таъминлаб турувчи ёрдамчи пайлар мавжуд. Қовурғанинг бош қисмидә, бүғин капсуласини таңқи томондан маҳкамловчи шұғлали пайлар (*lig. capituli costae*) жойлашады. Бундан ташқари қовурға бопчаси-нинг ўртасидаги қиррадан умуртқалар орасидаги төғайға бойламча (*lig. capitulicostae interarticulare*) тортилган бўлиб, бүғин бүшлигини устма-уст жойлашган иккита бўлакка ажратади. Лекин I-XI, XII қовурғалар боши бўғинларида бундай бойламча учрамайди, чунки бу қовурғалар тўғридан-тўғри умуртқа танаси билан бирлашади.

Умуртқа поғонасининг калла суюги билин бирикиши

Умуртқа поғонасининг бош скелети билан бирлашишида калланинг энса суюги, биринчи ва иккинчи бўйин умуртқалари иштирок этади. Маълумки, биринчи ва иккинчи бўйин умуртқалари тузилиши жиҳатидан бошқа умуртқалардан кескин фарқ қиласи Бундай фарқданиш энса суюги билан бўғинлар ҳосил қилиб бирикиш ва бўйиннинг турли ҳаракатларини амалга оширишга мослашган. Энса суюгининг ён қисмларида жойлашган дўнглар (*condyli occipitales*) биринчи бўйин умуртқасининг устки бўғин чуқурчалари (*fovea articularia superior*) билан бирикиб эллипсси-мон бўғинлар ҳосил қиласи. Иккала бўғин бир вақтда икки хил ҳаракатни таъминлайди. Кўндаланг ўқ атрофида бошни олдинга ва орқага эгса, сагитал ўқ атрофида бошни ўнг ва чап томонга эгади. Бундай ҳаракатларнинг амалга ошишида биринчи ва иккинчи бўйин умуртқалари ўртасидаги бўғинлар ҳам бевосита иштирок этади. Улар учта бўлиб, иккитаси атлантнинг пастки ўнг ва чап, ҳамда иккинчи умуртқанинг юқориги бўғин ўсимталари (*art. Atlanto axilaris lateralis*) содир бўлса, учинчи бўғин – бўйин иккинчи умуртқасининг тищимон ўсимтаси билан атлант олдинги ёйиннинг орқа юзасидаги бўғин чуқурчасида (*art. Atlantoaxilialis medialis*) юз беради. Тищимон ўсимта орқа томондан кўндаланг жойлашган пай билан тортилиб мустаҳкамланган. Учала бўғин маҳкам тортилиб, каллани тищимон ўсимтаси атрофида айланнишини таъминлайди. Калла айланганда энса суюги билан туашган биринчи бўйин умуртқа ҳам айланади. Бўғинларни мустаҳкамлашда, улар атрофида жойлашган бойламлар ҳам иштирок этади. Бундан ташқари, қовурға бўйин билан кўндаланг ўсимта ўртасида ҳам бойлам тортилган. Қовурғаларнинг олдинги учлари ҳар хил шаклда тўш суюгининг икки ён томонида синхондроз ёки бўғинлар ҳосил қилиб бирикади. Биринчи қовурға тўғридан-тўғри тўш суюги билан синхондроз ҳосил қилиб бирикса, иккинчидан еттинчигача бўлган қовурғалар тўш суюги билан бўғин ҳосил қилиб бирикади. VIII—IX ва X қовурғалар учларининг төғайлари бир-бирови билан бирлашиб туашади. XI-XII қовурға төғайлари эса тўш суюги билан туашмасдан қорин мускуллари орасига кириб туради.

ҚҰЛ СУЯКЛАРИНИНГ БИРЛАШИШИ

Елка камари суякларининг бирикиси

Елка камарини ташкил этувчи суяклардан курак сүяги тана суяклари билан тұғридан-тұғри бирикмай, умров суяклари восита-сида бириккан. Умров сүягининг түш сүягига қараган учи түш сүягининг дастак қисми билан құшилиб түш-умров бүгінини (*art. sternoclavicularis*), умровнинг иккінчи тұмтоқ учи эса, курак сүягининг елка үсігі (акрамион) билан бирлашиб, елка үсігі умров бүгінини (*art. Acromioclavicularis*) ташкил этади. Түш-умров бүгіни үргасыда бўшлиқ бўлиб, унда тоғайдан ташкил топған диск жойлашади. Бундан ташқари бўйинда унинг мустаҳкамлигини таъминловчи биринчи қовурғага тортилган бойламча мавжуд. Шунинг учун бу бўгинда ҳар хил ўқ, атрофида содир бўладиган ҳаракатлар кузатиласиди. Сагитал ўқ, атрофида юқорига ва пастта, тик ўқ, атрофида олдинга ва орқа томонга йўналган ҳаракат амалга ошади.

Иккінчи акрамион билан ҳосил бўладиган бўгин орасида фиброз тўқимадан ташкил топған пай жойлашиб, у бўгинни устки томонидан үраб ҳимоя қилиб туради.

Елка бўгини (*articulatio humeri*) курак бўғин чуқурчаси ва унга тушиб турадиган елка сүяги бошчасининг бирлашишидан ҳосил бўлади. Куракнинг бўғин чуқурчаси ва унча чуқур бўлмаганлиги сабаби унга елка сүягининг бошчаси тұла тушмайды. Шунинг учун чуқурча атрофида фиброз тоғайдан ташкил топған лаб шаклланади. Натижада, унинг ҳисобига чуқурча бўшлиғи кенгайиб, бошча унинг ичидә жойлашиб эркин ҳаракатни таъминлайды. Фиброз тўқимали халтача (капсула) курак чуқурчасининг лабидан бошланиб, елка сүягининг анатомик бўйнига ёпишади. Халтача юпқа ва энли бўлиб, унинг хусусияти эркин ҳаракатни таъминлайды. Унинг атрофи бўғин халтачасидан бошланадиган мускул пайлари билан үралиб мустаҳкамланган. Елка бўғини унча тарангланмаган шарсизмон бўғинлар қаторига киради ва танадаги энг ҳаракатчан бўғин ҳисобланади. Уч ўқ, атрофидаги ҳаракат кузатиласиди. Сагитал ўқ, атрофидаги ҳаракат танадан узоқлатиш ва яқиналашиш, фронтал ўқ, атрофида олдинга ва орқага ҳаракат, тик (вертикал) ўқ, атрофида елканинг ичкари ва ташқари томонга айланиш ҳаракати кузатиласиди. Бўғинларда доирларий циркумдукция ҳаракати келиб чиқиши ҳам мумкин.

Тирсак бўгини (*articulatio cubiti*) учта суякни ўз ичига олиб, шаклланади. У елка сүягининг пастки (дистал) учи билак ва тирсак суякларининг юқориги (проксимал) учларининг бирлашишидан ҳосил бўлади. Буларга елка-тирсак (*art. humeroulnaris*), елка-билак (*art. humeroradialis*) ва проксимал билак-тирсак бўғинлари (*art. radioulnaris procsimalis*) киради. Бу бўғинларнинг ҳар бири мустақил ҳолда ўзига ҳос ҳаракатни бажаришга мослашганды. Учта суякдан ташкил топған тирсак бўғинининг ҳар бири ўзининг мустақил халтачасига (капсуласига) эга бўлмайди, учала бўғин битта фиброз

капсула ичига ўралган бўлиб, мураккаб тузилишига эга бўғинлар қаторига киради. Капсула олдинги ва орқа томонга юпқа ва эркинроқ бўлишига қарамай, ён томонидан билак ва тирсак боғламчалири билан маҳкам тортилган. Булардан ташқари, билак суягининг бўйин қисми тирсак суягининг билак ўйифида айланма бойламча ёрдамида ушлаб турилади. Елка-тирсак ва елка-билак бўғинларида фронтал ўқ атрофида букиш ва ёзиш ҳаракатлари содир бўлади. Шунинг учун булар бир ўқли бўғинларга киради. Цилиндрический билак-тирсак бўғинида эса билак суяги вертикаль ўқ атрофида ҳаракатланади. Учала бўғиннинг ҳаракати туфайли, кафт ва бармоқлар олдинга ва орқага пронация-супенация бурилиши мумкин.

Билак-кафт бўғини (*articulatio radiocarpaea*) билак суягининг пастки (дистал) учи ва учта кафт усти суякларининг юқорити (проксимал) юзалари билан бирекишидан ҳосил бўлади. Бунда нўхатсимон суяк, билак-тирсак суяги иштирок этмайди. Бўғин тухумсимон шаклда бўлиб, икки ўқ атрофида ҳаракат қиласи, яъни фронтал ўқ атрофида – букиш ва ёзиш, сагитал ўқ атрофида – узоқлаштириш ва яқинлаштириш ҳаракатлари қузатилади. Бўғин бигизсимон ўсимтадан бошланадиган айланма боғламчалар, ҳамда кафт ва орқа ёрдамчи бойламлар иштирокида мустаҳкамланган.

Кафт устки суяклари бўғини (*art. intercarpaea*) биринчи ва иккинчи қаторда жойлашган кафт усти суяклари орасида ҳосил бўлиб, мураккаб тузилишига эга юзалар ҳосил қиласи. Бу ерда бирлашмалар ҳосил қиласи суяклар бир-бири билан кўплаб калта бойламчалар ёрдамида туташган. Бойламчалар икки ўқ атрофидағи ҳаракатни чегаралаб туради. Бу ердаги бўғин ҳаракати бармоқлар ҳаракатини таъминлашда иштирок этади.

Кафт усти ва кафт суяклари ўртасидаги бўғинлар (*art. carpometacarpaea*) иккинчи қатордаги кафт усти суякларининг дистал қисмлари билан кафт суякларининг асосий қисмлари ўртасида содир бўлади. Уларнинг бўғин бўшликлари ўзаро туташиб кеттан. Тўрттаси (II-V) қаттиқ тортилган битта халтачага (капсуласига) ўралган бўлиб, ясси бўғинлар қаторига киради. Уларнинг ҳаракати чегараланган бўлгани учун кам ҳаракат қиливчи бўғинлар дейилади. Бош бармоқ кафт суяги билан кўп бурчакли катта суяк ўртасида кенг капсулага эга мустақил капсула ҳосил қиласи. Бу ерда эгарсимон бўғин ҳосил бўлиб у иккита кесишган ўқ атрофида икки томонлама эркин ҳаракат қилишига мослашган. Биринчи ўқ атрофида бош бармоқ ён томонидаги иккинчи (курсаткич) бармоқка яқинлашади ёки узоқлашади. Иккинчи ўқ атрофидағи ҳаракатда эса ўзи кафт томони билан бармоқдарга яқинлашади. Буидай ҳаракат меҳнат жараёнида катта аҳамиятга эга.

Кафт бармоқ суяклари ўртасидаги бўғинлар (*art. metacarpophalangea*) эллипссимон бўғинлар қаторига киради. Бу бўғинлар кафт суякларининг дистал учидағи бошчалари билан биринчи қатордаги бармоқ суяклари (фаланглар) нинг устки учлари чукурчасининг туташувидан ҳосил бўлади. Боғловчи тузилмалар ту-

файли, уларнинг вертикал ўқ атрофидағи ҳаракатлари чекланган. Биринчи кафт-бармоқ бўғин капсуласи ичида, уни кафт томонидан ҳимоя қилиб турувчи иккита сесмасимон сүяк жойлашган.

Фалангаларапо бўғинлар (*art. interphalangea*) фалтаксимон бўғинлар қаторига киради. Атрофи кўплаб айланма бойламчалар билан мустаҳкамланганлиги туфайли, уларнинг ҳаракати фақат фронтал ўқ атрофида амалга ошади.

Қўйл панжасининг юқорида санаб ўтилган қўплаб бўғинлари мускуллар билан уралган бўлмай, бевосита тери остида жойлашганини туфайли уларнинг панжа орқа томонидан бўртиб чиққанлиги кўриниб туради.

ОЁҚ КАМАРИ СУЯКЛАРИНИНГ БИРИКИШИ

Чаноқ (*pelvis*) учта чаноқ сужакларининг бирикишидан ҳосил бўлади. Буларга иккита чаноқ сужаклари (*os coxae*), думфаза (*os sacrum*) ва дум (*os coccygis*) сужаклари киради. Иккала чаноқ сужаклари олдинги ўрта чизиқ рўпарасида толадор тогайдан ташкил топган бўғин воситасида бирикиб, ярим (чала) бўғин (*synphysis pubica*) ҳосил қиласи. Бўғин оралиғи бўйлама жойлашган бўшлиқ бўлиб, ичи суюқликка тўлган. Шунинг учун ярим бўғин дейилади. Аёлларнинг ҳомиладорлик даврида айниқса ҳомиладорликнинг охирги муддатларида қов сужаклари бўғини, думфаза ёнбош бўғини ва думфаза дум бирлашувлари чўзилиб, чаноқ бўшлигини катталаштиради ва бола тувилишини енгиллаштиради.

Думфаза чаноқ бўғини (*art. sacroiliaca*) чаноқ ва думфаза сужаклари қулоқсимон юзаларининг бирлашувидан ҳосил бўлади. Бўғин кам ҳаракатли, ясси бўлиб, капсуласи таранг тортилган, атрофи пайлар билан мустаҳкамланган. Булардан ташқари думфазадан қўймич бўртиғи томон думфаза-бўртиқ пайи, думфаза-ўсиқ пайи эса, думфазадан қўймич ўсиғи томон йўналади. Бу пайлар қўймичнинг катта ва кичик ўзиқлари билан биргалиқда мускуллар, томир ва нервлар ўтадиган қўймичнинг катта ва кичик тешикларини ўраб туради. Бу тешиклар орқали сонга қон томирлар ва нервлар ўтади.

Учта тос сужакларининг бирлашишидан ҳосил бўлган чаноқда катта ва кичик тослар тафовут қилинади. Уларни чегараловчи чизиқлар икки томондаги ёнбош сужакларининг равоқсимон чизиқлари (*linea arcuata*), одд томондан эса қов устки қирғоғининг бир-бири билан бирлашишидан ҳосил бўлади. Катта тос юқори томондан очиқ бўлиб, унинг сужаклари қорин бўшлиғидаги аъзолари учун таянч ва ҳимоя вазифасини ўтайди.

Эркак ва аёллар тос сужакларидаги кескин фарқлар скелетнинг бирорта ҳам бошқа сужакларида учрамайди.

- Аёлларнинг тоси эркакларникига нисбатан катта ва кенг, сужаклари анча юпқа ва текис.
- Икки ёнбош сужаклари (айниқса унинг қанотлари) аёлларда

ташқарига ётиқроқ бўлиб, эркакларда эса бирмунча тик ҳолатда бўлади.

• Аёллар тосининг кириш қисми олдиндан орқага қараб торайган.


- Тоснинг чиқиш тешиги аёлларда анча кенг.

- Қов суяглари қўшилган жой (симфиз)нинг остида ҳосил бўлган бурчак аёлларда кенг бўлади.

- Тос тузилиши ва шаклига қараб эркакларда тос бўшлиғи тор ва узун, воронка шаклини эслатса, аёлларда цилиндрга ухшайди.

Аёллар тос суюкларининг ўзига ҳос фарқланиши – бола туғи-лишини енгиллаштиришга қаратилган физиологик мосланишdir.


Чаноқ-сон бўгини (*articulatio coxae*) (38-расм). Сон суюгининг боши (*caput femoris*) билан чаноқ суяги бўгин чуқурчасининг (*acetabulum*) бирлашишидан ҳосил бўлади. Уч ўқли шарсимон бўгинлар қаторига киради. Сон суюгининг бош қисми бўгин чуқурчасида яхши жойлашган бўлишига қарамай, чуқурчанинг ат-рофида тогай тўқимасидан ташкил топган қўшимча лабсимон тузилма боғчани айланма ҳолда яна ҳам маҳкамроқ ўраб олган. Бутин халтасида унинг атрофидаги бир нечта калта бойламчалар билан тортилган. Бойламчалар ичида энг калтаси ва бақуввати – ёнбош-сон бойлами (*lig. iliofemorale*) ҳисобланади. Унинг қалинилиги 1 см. атрофида бўлиб, у бўгин халтасининг олдинги қисмини



38-расм. Ўнг чаноқ-сон бўгини (очилган ҳолати).

1 - соннинг тўғри мускули; 2 - ёнбошсимон бойлами; 3 - бўгин лаби; 4 - думалоқ бойлам; 5 - беркитувчи канали; 6 - биринчи рузвчи юза; 7 - беркитувчи мембрана; 8 - қўймич-капсула бойлами; 9 - сон суюгининг бош қисми; 10 - кичик дўнг.

мустаҳкамлаб туради. Бўғин, шарсимон бўлишига қарамай, атрофи кучли бойламчалар билан тортилганлиги туфайли унинг эркин ҳаракати анча чегараланган. Асосан унинг уч ўқ, атрофидағи ҳаракати кузатилади. Кўндаланг ўқ, атрофида сонни букиш ва ёзиш, сагитал ўқ, атрофида сонни гавдага яқинлаштириш ва ундан узоклаштириш, тик (вертикал) ўқ, атрофида эса ички ва ташқи томонга айлантириш ҳаракатлари амалга ошади. Булардан ташқари унда уч ўқли бўғинларга ўхшаб айланма (доиравий) ҳаракат ҳам содир бўлиши мумкин. Бўғин ичида ҳам битта бойламча бўлиб, у қўйимич косаси ўртасидаги чуқурча (*fossa acetabuli*) дан бошланиб сон суяги бошчасидаги чуқурча (*fovea femoris*) га тортилган. Бунга *lig. capititis* деб ном берилган. Бойламча ичидан бўшилиқда қон томирлари ва нервлар ўтади. Усти синовиал парда билан уралган. Бўғин атрофини ташқи томондан ўраб турувчи бойламлар бўғин ҳаракатига мослашган ҳолда жойлашган бўлиб, ўзига нисбатан қарама-қарши йўналган ҳаракатларни чегаралаб туради. Булардан ташқари, бойламлар ҳаракатини бўғин атрофида жойлашган кучли мускуллар ҳам бошқариб туради.



39-расм. Ўнг тизза бўғинининг олдидан кўриниши (бўғин халтаси олинган).

1 - тизза қопқоғи бўғин юзаси; 2 - орқа томондагу кесишган пай; 3 - сон суягининг ички дўнги; 4 - кўндаланг тизза бойлами; 5 - катта болдириғадир-будур қисми; 6 - кичик болдириғадир суяги; 7 - кичик болдириғадир суяги бошчасиниг олди бойлами; 8 - олди томондаги кесишган пай; 9 - ўртаси тешик токай; 10 - ташқи дўнг.

Тизза бўғини (*articulatio geniti*) (39-расм) шаклланишида сон суягининг пастки (дистал) ўсиги, катта болдириғадир суягининг юқориги (прок-симал) ўсиги ҳамда соннинг тўртбошли мускули пайида жойлашган тизза қопқоғи иштирок этади. Тизза бўғинининг ички қисмида бир нечта қатламдан ташкил топган халтачалар учрайди. Айрим халтачалар бўшиликларида ёё тўқимаси жойлашади. Бўғин бўшилиғи унинг атрофида жойлашган бир нечта пай ости синовиал халтачалар билан туташади. Уларнинг энг каттаси тизза қопқоғидан юқорироқда соннинг тўрт бошли мускул пайи остида жойлашади ва бу бўғин бўшилиғи билан туташади. Бўғиннинг олдинги ғомони тизза қопқоғи билан ҳимояланниб туради.

Тизза бўғинининг бошқа бўғинлардан фарқи шундаки, унда икки суяқ ўртасида толали тобайдан ташкил топган яримой шаклдаги пластинкалар (менисклар) ва бойламчалар жойлашган.

Қалин четларга эса латерал ва медиал менискалар, асосан, сон ва катта болдир сүяклари ўсиқлари атрофида жойлашади. Тизза бўғин халтасининг ичида ўзаро бир-бiri билан кесишган бир жуфт ол динги ва орқа бойламлар жойлашади. Олдингиси (*lig. cruciatum interna*) сон суяги ташқи дўнгининг ички юзасидан бошланиб, болдир суяги дўнглари оралигининг олд соҳасига туташади. Орқадаги бойлам (*lig. cruciatum posteriore*) сон суяги медиал дўнгининг ички юзасидан бошланиб, болдир суяги дўнглари оралигининг орқа соҳасига бориб ёпишади. Булар болдир бўғинни ҳаддан ташқари букилиб кетишидан сақлаб туради. Бу фалтаксимон (эллипссимон) бўғин болдирни (фронтал ўқ атрофида) букиш ва ёзиш, букилган ҳолатда болдирнинг вертикал ўқ атрофида айланишини таъминлайди.

Болдир сүякларининг иккаласи ҳам билак сүякларига ўхшаб ўзаро бирикади. Иккала сүякнинг тана қисмлари ички томонига қараган қирраларнинг четига ёпишган фиброз парда орқали бирлашади. Бу парда сүякларни маълум бир текисликда ушлаб туради ва болдирнинг айрим мускуллари ҳам шу пардадан бошланади.

Катта болдир суяги ташқи дўнгининг бўғин юзаси, кичик болдир суягининг бошчаси билан кучли пайлар воситасида мустахкамланиб, ясси бўғин ёрдамида бирикади. Бўғин деярли ҳаракатсиз. Болдир сүякларининг дистал учларида, катта болдир суягининг ўйиги билан кичик болдир суяги ташқи тўпифининг ички юзаси синдесмоз ёрдамида бирикади. Бу синдесмоз ҳам ташқи томондан фиброз толалардан ташқари, эластик толаларга эта зич бириктирувчи тўқимадан ташкил топган пайлар (бойламчалар) ёрдамида мустаҳкамланган.

Болдир-панжа бўғини (*articulatio talocruris*) болдирнинг иккала суяги оёқ панжа сүяклари билан бирикишида ҳосил бўлади. Катта болдир суягининг пастки бўғин юзаси ошиқ суягининг устки юзаси ва болдир сүяклардаги тўпиқнин юзалари оёқ панжа ошиқ суягининг икки ён юзасига мослашган. Бу бўғинда турли ҳаракатлар содир бўлишининг асосий сабаби шундаки, бўғин халтаси унча тортимаган. Болдир-панжа бўғини айрим оёқ-панжа сүяклари бойламлари томонга тортилиб, унинг мустаҳкамлигини таъминлайди. Бўғин тузилиши жиҳатидан фалтаксимон бўғинларга киради, битта (кўндаланг) ўқ атрофида букилиш ва ёзилиш каби ҳаракатларга мослашган. Фақат, оёқ панжаси пастга букилиб турганида уни икки ён томонга қисман буриш мумкин.

ОЁҚ ПАНЖА СҮЯКЛАРИНИНГ ЎЗАРО БИРЛАШИШИ

Оёқ панжа сүяклари кўл панжа сүякларига нисбатан сони жиҳатидан камроқ ва йирикроқ бўлиб, танага тушган оғирликни кўтариб туришга мослашган. Шу билан бирга оёқ панжа сүяклари орасида мураккаб бўғинлар бор. Бўғинлар кўплаб кучли бойламлар билан тортилган бўлиб, панжа мустаҳкамлигини таъминлайди. Товон-

усти ва қайиқсимон сүяклар ўртасидаги бўғинлар қўшилиб, битта бўғин ҳосил қиласди. Бу бўғинда оёқ панжаси ички четининг пастта гушиши – пронация ва кўтарилиши – супенация каби ҳаракатлари кузатилади. Товоң усти суюги, қайиқсимон сүяқ, ҳамда товоң суюги билан кубсимон сүяқ бўғинлари панжа олди суюгининг битта кўндаланг бўғинини ҳосил қиласди. Панжа ва панжа олдининг баъзи сүяклари ва бўғинлари амфибиоз бўғинлар қаторига киради, яъни уларнинг ҳаракати бироз бўлса ҳам, жуда қийинчилик билан содир бўлиши мумкин. Оёқ-панжа сүякларининг устки ва остки томонларида кўплаб пайлар жойлашган. Улар оёқ панжа равоқларини мустаҳкамлаб беради. Оёқ панжа бармоқлари ўртасидаги бўғинлар бармоқларни букиш ва ёзиш имконини беради.

Такрорлаш учун саволлар

1. Скелетни ташкил қилувчи сүяклар.
2. Суякнинг зич ва ғовак маддалари.
3. Узун, калта ва аралаш сүякларининг тузилиши.
4. Тана скелетига қайси сүяклар киради?
5. Умуртқаларнинг тузилиши ва фарқланиши.
6. Биринчи ва иккинчи бўйин умуртқалари ва уларнинг тузилиши.
7. Кўл скелети сүякларининг тузилиши.
8. Оёқ скелети сүякларининг тузилиши.
9. Бош скелетининг тоқ ва жуфт сүякларини санаб беринг.
10. Мия бўлим қайси сүяклардан ташкил топган?
11. Бошнинг юз қисмига қайси сүяклар киради?
12. Энса, тена, пешона ва чакка сүякларининг тузилиши.
13. Асосий ва ғалвирсимон сүякларининг тузилиши.
14. Юқориги ва пастки жағ сүяклари.
15. Янги түғилган бола калла сүякларининг тузилиши.
16. Лиқалдоқлар учрайдиган қисмлар.
17. Скелет сүякларининг бирлашиш турлари.
18. Бир, иккى ва кўп ўқли бўғинлар.
19. Синхондроз, синоостоз ва синдесмос бирлашувларга мисоллар.
20. Диартроз бирлашувининг тузилиши.
21. Бўғин ҳосил бўлишига нималар иштирок этиши керак?

МУСКУЛЛАР ҲАҚИДА ТАЪЛИМОТ (МИОЛОГИЯ)

УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Мускуларнинг морфологик тузилиши ва физиологик хусусиятлари организмда ташки ва ички ҳаракатларни амалга оширишга мослашган. Барча тирик мавжудотлар ҳаракатини асосан мускулар таъминлаб беради. Мускуллардаги бу хусусият организмнинг тарихий тараққиёти давомида организм учун озуқа қидириш, душманлардан ҳимояланиш, фазода ҳаракатланиш эҳтиёжи ва бошқа сабабларга кўра пайдо бўлган. Мускуллар эволюция давомида цитоплазмасидаги қисқарувчи оқсил структураларининг табақаланиши ва ривожланиши натижасида мускул ҳужайралари шакла ниб, улардан эса мускуллар пайдо бўла бошлаган.

У скелет мускуларининг қисқариши фақат ҳаракатнигина таъминлаб қолмай, қон ва лимфа ҳаракати ҳамда, суяклар юзасининг ривожланиши ва шаклига ҳам таъсир кўрсатади.

Ҳар хил жисмоний машқлар организм мускул толаларининг сони ва ҳажмини ортириб бориши билан бирга ҳаракатланаётган мускулнинг ўсишига ҳам ёрдам беради. Мускуллар ривожланиб, қуввати ошганда одам гавдасининг ташки таъсир кўрниши гузаллашади.

Мускул тўқимаси нерв тўқимаси структураси билан эмас, балки функциясига кўра чамбарчас боғлиқdir. Ҳар иккала тўқима биргалиқда мускуллар қўзғалиш жараёнининг тез ёки секин амалга ошишидек муҳим вазифани бажаради. Мускуллар ўрта яшар одамларда тана оғирлигининг 40-42 % га яқин улушини ташкил этади, қолган 58 %-ини эса суяклар, ёғлар (17%), қон (8%), ички аъзолар (8%), тери (4%), мия ва нервлар (3%) ташкил этади.

Мускуларнинг қисқариши натижасида асосан икки хил – механик ва статик ҳаракатлар содир бўлади. Асосий ҳаракатларга тана ҳаракати киради. Масалан, юриш-туриш, кўл ва оёқлар ҳаракати ва ҳ.к. Статик ҳаракатда мускуллар қисқарса ҳам ҳеч қандай механик ҳаракат содир бўлмайди. Бунга қўлда юқ кўтариб туриш ҳаракатини мисол қилиш мумкин. Мускулнинг қисқариш кучи унинг узун-калталиги, йўғон-ингичкалиги, ҳамда унинг таркибидаги толачаларнинг сонига боғлиқ.

Мускул қисқарганда унинг таркибида мураккаб кимёвий жараёнлар содир бўлиб, жараён иссиқлик ҳосил қиласди. Ганада ҳосил бўлиб турадиган иссиқлик мускуллар қисқаришининг маҳсулидири. Мускул қисқариши натижасида амалга ошадиган кимёвий жараёнлар натижасида унинг таркибида сут ва карбонат кислоталари ҳосил бўлади, бундай ҳол мускуларнинг чарчашига олиб келади. Мускулларга дам берилганда организмда модда алмашиниш тезлиги пасайиб, ҳосил бўлган чиқинди моддалар қон орқали чиқиб кетади ва мускуларнинг қисқариш қобилияти қайта тикланади.


Мускулларнинг ривожланиси

Мускулларнинг асосий қисми мезенхиманинг турли қисмлари - иш пайдо бўлади ва ривожланади. Тана мускуллари асосан бўйлама юлатдаги хорда ва мия найчасининг икки ён томонида жойлашган куфт ҳолдаги бирламчи сегментлардан келиб чиқадиган миотомлардан (сомитлардан) ривожланади. Тўрг ҳафталик эмбрион таркибида 40 тага яқин сомитлар топилган. Ҳар бир сомитда склератом, миотом ва дерматомлар тафовут қилинади. Гавда мускуллари сегментланган мезодерманинг дорсал қисмидан ривожланса, вицерал сегментидан мимик, чайнов ва бошқа мускуллар эса мезенхиманинг сегментланган вентрал қисмидан ривожланади.

Гавданинг орқа мускуллари асосан миотомнинг дорзал қисмидан ривожланса, гавданинг одди томони мускуллари миотомнинг централ қисмидан ривожланади.

Айрим гуруҳ мускуллар ривожланиси даврининг сўнгти босқичларида қўл ва оёққа ўтиб кетади. Улар трункофугал (гавдадан қочувчи) мускуллар деб аталса, бошқа бир гурухлар ўз жойида қолиб ривожланади ва буларга маҳаллий (автохтон) мускуллар дейилади.

Яна бир гуруҳ мускуллар борки, улар қўл ва оёқларда шаклланиб, ривожланиси даврининг сўнгти босқичларида, уларнинг проксимал қисмлари гавда суякларига ўтиб бирикиш ҳосил қиласди. Шунинг учун уларга марказга интилувчи (трункопетал) мускуллар дейилади. Буларга мисол қилиб катта ва кичик кўкрак мускулларини оламиз. Аксинча, трункофугал мускуллар қорин миотомларидан ривожланниб, уларнинг дистал қисмлари қўл суякларига ўтиб туташади. Масалан, катта ва кичик ромбсимон мускуллар. Айрим мускуллар эктодермадан ҳам ривожланиси мумкин. Масалан: сўлак ва сут безлари мускуллари



40-расм. Кўндаланг йўлли мускул тўқимаси (схема).

1 - мускул толачаси; 2 - ядролари; 3 - миофибрillалар; 4 - сарколемма.

Мускулларнинг микроскопик тузилиши

Скелетнинг кўндаланг йўлли мускул тўқимаси асосини узун, кўп ядроли толачалар ташкил этади (40-расм). Толачалар цилиндр шаклида бўлиб, учлари юмалоқ, айримлариники эса тармоқланган. Уларнинг узунлиги 100 мм. дан 12 см. гача,

диаметри бир неча микрондан 100 микронгача. Ҳар бир толача устки томондан юпқа парда — сарколемма (юнонча *sark* — гүшт, *leptma* — қобиқ) билан ұралған. Сарколемма уч қаватдан ташкил топған:

- ички қавати, қалинлиги 50–100 А°;
- үрта ёки оралық қават, қалинлиги 150–250 А°;
- ташқи қават, қалинлиги 300–500 А°.

Ҳар бир мускул толасига устки томондан тұрсымон шактады преколлаген толачалар келиб туташади. Ұларни устки томондан базал мембрана ёпиб туради. Ингичка фибрillardардан ташкил топған базал мембрана, аморф модда ёрдамида, бир-бири билан ёпишиб, мускул толасининг атрофида жойлашған бириктирувчи тұқима коллаген ва аргирофил толачалар билан туташади. Шундай қилиб ҳар бир мускул толачаси үзиге тегишли бириктирувчи тұқимадан иборат қават билан ұралиб туради. Бу қаватта эндомизум дейилади. Бир нечта шундай эндомизумлар йиғилиб, биттә тутам ҳосил қиласы да ұларни ҳам бириктирувчи тұқимадан иборат биринчи парда үраб олади. Бу пардага перимизиум дейилади. Бир нечта мускулларни үраб турған пардага фасция дейишли, унга эпимизиум номи берилған.

Бириктирувчи тұқима орқали мускул толачаларига томирлар ва нерв шаҳобчалари кириб келади. Күндаланғ йұллы мускул толачалари одатда күп ядроли бўлиб, ядроларининг сони ұнтадан юзтагача бўлиши мумкин. Ядролар, одатда толача саркоплазмасининг периферик қисмига жойлашған. Ядро ва протофибрillardар атрофидаги бўшилиқтарни цитоплазма (саркоплазма) суюқлиги тўлдириб туради. Бундан ташқари, толачалар таркибида ҳужайра органикдари ва киритмалари бор. Булар орасида энг күп учрайдигани миоглобин (пигмент) оқсил глобин билан биргалиқда мускулларга қизил ранг бериб турувчи оқсилидир. Күндаланғ йұллы мускул тұқималари таркибидаги миоглобиннинг күп ёки озлигига қараб, улар қизил ва оқ мускулларга ажратилади.

Қизил мускуллар. Бундай мускулларда миоглобин күп бўлиб, уларга тез ҳаракатланадиган мускуллар киради. Масалан, колибриларнинг қанот мускуллари тез ҳаракатланадиган мускуллар жумласыдандир. Бу қуш жуда кичкина бўлиб (буйи 2–5 см., вазни 2–10 г.), жуда тез учади. Ұларнинг баъзилари бир секуннда 80-тагача қанот қоқади, учиш тезлиги соатига 80 км., бир нүктада ва орқа томонға қараб ҳам уча олади.

Мускул тұқимасининг бошқа тұқималардан фарқи ҳам шундаки, у үз эволюцияси давомида камдан кам ҳоллардагина бошқа тұқима турига айланади. Бундай ҳодисани айрим балиқ турларининг мускул тұқималарида ҳам куриш мумкин. Эволюция жараёнида ұларнинг баъзи мускуллари қисқариш хусусиятига эмас, балки электр энергиясини ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлади. Үнда янги функция, мембрана тизимларининг үзгариши ва гипертрофияланышы асосида қозага келади. Буни бир қатор балиқларнинг күндаланғ йұллы мускул ва силлиқ мускул тұқималарида ҳам куриш мумкин.


Оқ мускуллар. Бу мускулларда миоглобин кам. Улар кам ҳаралат қиласы. Масалан, товуккыннинг қанот мускуллари қизил мускул толаачаларига кириб, қон томирларга анча бой. Оқ мускулларда реса, аксингча, миоглобин жуда оз булади.

Күндаланг-тарғил мускул толаачалари қуйидаги функционал компонентлардан таркиб топған:

- қисқарувчи апарат, бунга миофибрillалар киради;
- таяңч апарати, бунга плазмалемма, базал мембрана, тарғибли жойлашган мио- ва протофибрillалар, бириктирувчи түқимадан иборат пардалар, булардан ташқари, миофибрillаларда учайдиган күндаланг жойлашган қора ва оқ анизатроп ва изотроп дисклар ҳамда улар ўргасидан үтган телофрагма ва мезофрагмадар киради;
- трофиқ апарат, бунга саркоплазма органоидлари — митохондрийлар (мускул толаачаларида улар саркосомалар дейилади). Гольжи мажмуйи ва эндоплазматик түр киради;
- нерв апарати, нерв учларидан ташкил топған халта ва нерв-мускул рецепторларини үз ичига олади.

Қисқарувчи апарат (41-расм) асосан мускул түқимасининг қисқарыш ҳаракатини таъминлайди. Мускул толаси цитоплазмаси бүйлаб жойлашган фибрillалар қисқарыш-бұшашиш хусусияттың эга булиб, уларнинг морфологик тузилиши бажарадиган вазифаларига мослашты. Узунылыгы мускул толасининг узунылыгига тең булади. Күндаланг кесими эса ҳар хил умуртқали ҳайвонларда турлича булиб, ўртаса 0,5-2 см га теңг. Миофибрillалар үзиге хос тузилган кетмек жойлашган оқ ва қора дискларига эга. Қора дисклар яхши буялиш ва нурни икки хил синдириш хусусиятты билан ажралиб туради. Шунинг учун улар анизатроп дисклар дейилиб, "A" ҳарфи билан белгиланған. Оқ дисклар эса яхши бүйләмайды ва нурни икки хил синдириш хусусияттың эга эмес. Шунинг учун улар изотроп дисклар дейилиб, "И" ҳарфи билан белгиланған. Ҳар иккала диск ўргасидан үтган күндаланг чизиқ уларни ажратып туради. "A" дискларынан үтган зона "И" зона дейилиб, уни кесиб үтган чизиққа мезофрагма дейилади ва "M" ҳарфи билан белгиланади. Изотроп зонани кесиб үттан чизиққа эса телофрагма дейилиб, у "T" ҳарфи билан белгиланади. Бу чизиқ "Z" чизиги ҳам деб аталади. Миофибрillалар саркомер қисмларга ажратылади. Саркомер деб иккита "Z" чизиги ўргасидаги миофибрilla қисмларига айтилади. Ҳар бир саркомерга биттегден тұла анизотроп ва уларнинг иккитеңенидә жойлашган яримтадан иккита изотроп дисклар киради.

Электрон микроскоп ёрдамида күзатилишича ҳар бир миофибрilla бир-бирига параллел ҳолда жойлашты ингичка майды оқсил ишталар, яғни протофибрillалардан (миофламентлардан) ташкил топған. Ана шу ишталардан бири йүғон, иккінчеси эса ингичка тузилишиңа эга. Йүғон протофибрillаларнинг күндаланг кесими 100-250 Å° га, ингичка протофибрillаларнинг күндаланг кесими эса 50-70 Å° га теңг. Йүғонларининг узунылыгы 1,5-2 мкм. бұлса, ингич-



41-расм. Йүғон (миозинли) ва ингичка (актинли) миопротофибралларнинг миофибрилда жойлашиш схемаси.

I - бўйлама кесими; II - кувдаланг қесими; ИИ - диск; Т - телофрагма; НН - зона; 1 - йүғон протофибрилла; 2 - ингичка протофибрилла (Хаксли).

каларининг узунлиги 2 мкм. га teng. Миофибралларнинг кундагланг кесимида протофибраллар гексагонал тартибда жойлашади, яъни ташқаридан бир неча қаламлар тутами шаклида кўринади. Ҳар бир йүғон протофибрилла олтита майдга протофибраллар билан уралган. Уларнинг ўзаро нисбати одамларда тахминан 1:2, умуртқасиз ҳайвонларда эса 1:3 ни ташкил этади. Йүғон ипчалар "A" диск асосини ташкил этиб, миозин оқсилидан ташкил топган, ингичка ипчалар эса "И" диск асосини ташкил этиб, актин оқсилидан таркиб топган. Ингичка ипчалар "И" дискасидан бошланиб "Z" диска келиб туташади. Саркомерлар қисқарганинда актин ипчаларнинг учлари миозин ипчаларнинг орасига кириб "Н" чизиққача этиб боради. Бинобарин, "А" дискнинг периферик қисмида йүғон ҳамда ингичка ипчалар ҳам бўлади. Ҳозирги вақтда мускул толачаларида юқорида айтиб утилган оқсиллардан ташқари яна бир неча хил бошқа оқсиллар топилган. Уларга тропомиозин билан тропонинни мисол қилишимиз мумкин.

Таянч аппарати элементлари. Юқорида айтиб утилганидек, миофибраллар қисқариш натижасида йүғон ва ингичка миофиламентлар, яъни протофибраллар, бир-бирига қарама-қарши

Инталлишда ҳаракат қилиб, ингичка протофибриллалар йўғон про-
тофибриллалар орасига киради, бушашганида эса улар ўз жойига
қўйтади, бу уларнинг нормал физиологик ҳолатидир. Фибрилла-
ларнинг бундай ҳаракати, албатта, таянч аппаратларсиз содир
булмайди. Ҳар бир фибрилла ўзининг таянч структура элемент-
лирига эга. Бундай структураларга сарколемма "M" ва "Z" чизик-
ларини ташкил этувчи структуралар, субфибриллалар ҳамда би-
риктирувчи түқима элементлари киради. Кейинги вақтларда элек-
трон микроскоп ёрдамида ультра юпқа кесмаларни куздан кечи-
риш шуни кўрсатдики, ҳар бир миофibrillalarning ичини тулди-
риб турувчи миофиламентлар ўзининг таянч структурасига эга.
Ингичка миофibrillalarning бир учи майдага ўсимтачаларга (суб-
фибриллаларга) шохланиб, улар қўшни саркомер миофиламент
субфибрилла шохчалари билан туташади. Миофиламентларнинг
(протофибриллаларнинг) ана шу туташган қисми "Z" чизигининг
үзгинасиdir. Миофиламентларнинг иккинчи учи эса йўғон про-
тофибриллалар орасида тармоқланмай тугайди ва миофibrilla
қисқарганда эркин ҳолда сирғанади. Ташки таянч элементларга
сарколемма ва миофibrillalarни тўрсимон шаклида үраб олган
бириктирувчи түқима элементлари киради. Улар одатда қисқар-
ган толаларнинг чегарадан чиқиб кетмаслиги ва яна эркин ҳолда
ўз ҳолига қайтишини таъминлаб туради.

Трофик аппарати элементлари. Мускул тўқимасининг трофик
аппарати қаторига сарколемма, цитоплазма органоидлари, ядро ва
ядроча, митохондрийлар киради. Оқсил ва оқсил бўлмаган айrim
моддалар ҳам трофик аппаратга киритилган.

Мускул толасининг цитоплазмасида жуда кўплаб саркосомалар
уҷрайди. Улар морфологик тузилиши ва физиологик вазифасига
кура ҳужайра митохондрийларига уҳшаб кетади. Саркосома ҳам
митохондрийларга уҳшаб кислород кўп сарфланадиган ҳужайра ва
тўқималарда учрайди. Демак саркосомалар мускул толачаларида
оксидданиш ва кўплаб энергия ҳосил қилиш жараёнларида фаол
иштирок этади. Саркосомалар таркибида суксинатоксида ва бош-
қа оксидданиш-қайтарилиш ферментлари кўп. Митохондрийлар
одатда ядро атрофида ва плазмолемманинг капилляр томирлари тегиб
турган жойларида кўплаб учрайди. Маълум булишича, қизил мус-
кулларда суксинатдегидрогеназа ва ишқорий фосфатаза юқори фа-
олликка, фосфорилаза эса куйи фаолликка эга бўлади. Оқ мускул-
ларда эса аксинча, фосфорилаза юқори ҳамда суксинатдегидроге-
наза билан фосфатаза эса тубан фаолликка эга бўлади ва ҳ.к.

Толача геолоплазмасида (мембрана ва вакуола компонентлари-
сиз цитоплазма) мускулнинг физиологик вазифасини бажаришда
фаол иштирок этувчи **миоглобин** кўп бўлади. Миоглобиннинг асо-
сий вазифаси – кислородни бириктириб, тўқимада унинг захи-
расини ҳосил қилишдан иборатdir. Тўқимада миоглобин қанчалик
кўп бўлса, кислород ҳам шунчалик кўп тўпланади. Масалан,
ҳаётнинг кўп қисмини сувда ўтказадиган тюленнинг мускул тўқи-

масидаги 47% кислород миоглобинг бириккан ҳолда учраса, 3,8% қонида гемоглобинг бириккан ҳолда учрайди.

Мускул толачасининг навбатдаги трофик элементларига *саркоплазматик түрни* киритиш мумкин. Ўлар цитоплазмада кучли тараққий этган. Айниқса доимо ҳаракатда булиб турадиган мускулларда (кекирдак, кўршапалак мускулларида) ниҳоятда яхши ривожланган бўлади. Аксинча, кам ҳаракат қиласиган мускулларда айтарли ривожланмаган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳар хил ҳайвонларда бир хил номли мускулларнинг фаоллиги ҳар хил булиши мумкин. Масалан, товукнинг кўкрак мускули суст ҳаракат қиласи, яъни оқ мускул гуруҳига киритилади, тез учадиган қалдирғочнинг кўкрак мускули эса фаол ҳаракатда бўлгани учун қизил мускул қаторига киритилади, бу мускул миоглобинга ҳам бой. Баъзи вакъларда қизил мускул таркибида оқ мускул толалари ҳам учрайди.

Нерв аппарати элементлари. Маълумки, мускуллар ўз-ўзидан қисқармайди, қаерда қандай турган бўлса, шундай тураверади. Уни ҳаракатга келтириш, яъни қисқартириш-ёзилтириш учун на сувқ, на иссиқ, на зарб, на калтак таъсир қила олади. Бир сўз билан айттанда ҳеч қандай омил уни қисқартира олмайди. Уларнинг қисқариб ҳаракатта келиши учун мускул толаларига бириккан махсус ҳаракатлантирувчи-эфектор нерв охирлари – мотор пилакчалари импульс бериси керак. Мана шундай мотор пилакчалари қоидага кўра бирлашиб, ҳаракат нерв толасини ҳосил қиласи. Бир гина нерв толаси бир эмас, бир неча юз минг мускул толаларини бошқариб туради. Масалан, одам болдири мускулларнинг медиал бошчасида жойлашган битта нейрон 1634 та мускул толасини, болдирининг олд томонидаги мускулларнинг эса 667 та толасини иннервация қилиб туради.

Бундан ташқари, мускул тўқималарида афферент (сезувчи) нерв аппарати булиб, у ҳам нерв-мускул урчуқларидан иборат бўлади. Мускулларнинг пай қисмида мускул пай урчуқлари, сезувчи қадаҳсимон ва дараҳтсимон афферент нерв учлари жойлашган. Ана шулар иннервацияси оқибати үлароқ, мускул толалари ёки мускуллар у ёки бу тарзда қисқаради, ёзилади, чўзилади ёки бўшашиди ва ҳ.к. Бир сўз билан айттанда, нерв фаолияти туфайлигина мускуллар ҳаракатланиб туради. Нерв тўқима бирор тарзда шикастланиб фаолиятдан тухтаса, шу нервни идора этувчи (иннервация қилувчи) мускул-тўқима шу заҳотиёқ ҳаракатдан тухтайди. Натижада мускуллар фалажи – шол касаллиги келиб чиқади.

Мускулларнинг ривожланиши

Организм эмбрионал тараққиётининг бошланғич даврларида мускул тўқимаси мезодерманинг сегментланган қисмидаги миотомлардан тараққий эта бошлайди. Калланинг айрим мускуллари силлиқ мускулларга ухшаб, туғридан-туғри мезодермадан вужудга келади. Миотомлар, эмбрион бўйи бўйлаб, узунасига жойлаши-

Баш бир-бирига яқын ётұвчи узунчоқ ұхжайралардан иборат. Бұларға **миобласт** ұхжайралар дейилади. Уларнинг цитоплазма қисміңиң шаклидаги майды фибрілла ипчалари билан тұлиб туралы. Миобласт ұхжайралар, митоз йұлы билан тез бұлиниб, мезенхима атрофига тарқалады ва келажақда улардан мускул тұқималары вужудға келади. Бошлангыч даврда миобластлар бир-бири би-мін занжирсімден шаклда туташиб құшылады ва синпласт шаклни олади. Кейинчалик, ұхжайраларнинг цитоплазмасыда, специфик элементлар шаклана бошлайды. Йүғон ва ингичка протофибріллар пайдо бўлади. Баъзи миобластлар табақаланмасдан қолади ва бундай миобластларга **сателлитлар** дейилади. Улар мускул толасининг яқинида жойлашиб, атрофидаги бириктирувчи тұқима билан бирга сарколеммага ёпишади ва уни атрофидан ўраб олади. Кейинчалик, уларнинг ядроси күпайиб катталашади ва периферик қисмини эгаллаб олиб, миофibrillлалари йўғонлашиб, "T" ти-имим ҳосил қиласы.

Физиологик ва репаратив регенерация жараёнлари давомида мускул тұқимасынинг миобласт ұхжайралари күпайиб кетади. Бу күпайиш, одатда, кам табақаланган сателлитларнинг бўлиниши қисобига амалга ошади.

Ёш мускул ұхжайраларининг пайдо бўлиши билан бирга, уларнинг бошқа структур элементлари ҳам такомиллашиб боради.

Юракнинг мускул тұқимасы

Юрак мускули бажарадиган вазифасы ва микроскопик тузилиши жиҳатидан юқорида айтиб үтилган мускулларга үхшаб кетади. Юрак мускули (силик мускулларга үхшаш) ритмик равища қисқарып чарчамасдан ишлаш хусусиятта эга. Мускул ұхжайраларининг таркиби ҳам шунга мослашган. Иннервацияси ҳам одам ёки ҳайвон ихтиёрига борлиқ эмас. Унинг фаолияти марказий нерв ти-зими орқали муттасил бошқарып турилади. Микроскопик тузилиши кўндаланг-тарғил мускулларниң үхшайди. Масалан, унинг миофibrillлаларида анизатроп ва изотроп дисклар ва уларнинг уртасида телофрагма ва мезофрагмалар ҳам бор.

Электрон микроскоплар ёрдамида олиб борилған тадқиқотлар шунни курсатадыки, юрак мускули үзига ҳос нозик микроскопик тузилиш билан бошқа мускуллардан қисман фарқ қиласа экан. Масалан, юрак мускули толалар эмас, балки занжирсімден шаклда бир-бирига бирикіп кеттән үзүн мускул ұхжайраларидан таркиб топған. Бинобарин, узунчоқ шаклидаги мускул ұхжайраси цитоплазмасынинг уртасида ядро жойлашган булиб, миофibrillлалари цитоплазмасынинг периферия қисміде ётади. Миофibrillлаларда, худди скелет мускуллари толаларидағидек, қора ва оқ дисклар мавжуд. Миофibrillлалари ингичка (актин) ва йўғон (миозин) протофибрillлардан ташкил топған. Улар, худди скелет мускулдарының үхшаб, сарколемма ичида гексагонал шаклда жойлашади. Миофibrillлалар ораларида митохондрийлар (саркосомалар) нисбатан күп уч-

райди. Эътиборли томони шундаки, митохондрийларининг крипталири кўп. Бундан маълум бўладики, юрак мускул тўқимасида оқсидаланиш-қайтарилиш жараёнлари ниҳоятда тез боради, натижада жадал ривишда АТФ (адинозинтрифосфат) ишлаб чиқарилади.

Чукур текширишлардан маълум бўлишибча, ҳар бир мускул ҳужайрасининг чегараси бу-қўшимча тўсиқ бўлиб, бу тўсиқ уларни бир-биридан ажратиб туришдек вазифани бажаради. Бинобарин, ҳар бири ҳужайра атрофи шундай тўсиқлар билан ажралиб туради. Бу тўсиқ, қоидага кўра, икки ҳужайра плазмолеммаларининг туташишида ҳосил бўлади. Плазмолеммалар орасида жуда кичкина бўшлиқ ҳам бор. Плазмолеммалар бир-бири билан бармоқсимон ўсимталар ердамида бирикиб туради. Саркоплазма ичида ўзига хос структуралар ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳужайраларнинг қисқаришида фаол иштирок этади. Уларга ҳам саркоплазматик тўр дейилади. Нозик тузилишига кўра, бу тўр ҳам худди скелет мускулатурасининг мембрана аппаратига ухшаб кетади. Саркоплазматик тўр ўзига мустақил икки хил структурадан ташкил топган. Улардан биринчиси, миофибралалар бўйлаб узунасига жойлашган пайчалар бўлиб, улар бошқа ҳужайраларда эндоплазматик тўр вазифасини бажаради. Иккинчisi, эса мускул толасида, унга кундаланг жойлашган "Т" тизим структурасини ташкил этади. Бу структура таъсиротнинг ташқаридан мускул ичкарисига узатилишини таъминлайди.

Юракнинг ритмик равишда қисқариб туриши унда кечадиган физиологик регенерацияни ҳам бир йўла таъминлаб туради. Регенерация жараёнида ўз вазифасини ўтаб бўлган ҳужайралар янгилари билан алмашиниб туради. Юрак мускул ҳужайралари ҳам одатда бўлинеш хусусиятига эга бўлади.

А.А. Заварзин фикрига таянадиган бўлсак, юракнинг мускул тўқимаси онтогенезда спланхнотом вицерал варагининг алоҳида эпителий қисмларидан пайдо бўлади. Муртак миокардининг содда ҳужайра толалари тизимини шакллантирувчи ҳужайраларнинг табақаланиши ва ишга тушиши онтогенезининг дастлабки босқичида ёдёқ амалга ошади.

Заарланиш орқасида шикастланган миокард миоцитлари одатда ўлади. Миокард репарациясига эга уч хил механизм орқали рўёбга ошади:

1) миоцитлар шикастланган ерда зич чандиқли бириктирувчи тўқима ҳосил бўлади;

2) шикастланмаган ва демак ўлмай қолган миоцитлар гипертрофияланади;

3) ихтисослашган миоцитлар қисман табақаланади ва бир мартадан митотик йўл билан бўлинади, бу ҳодиса фақат заарланган соҳа билан чекланмай, юрак мускулларининг бошқа қисмларида ҳам юз беради. Бунга мисол – каламушнинг юрак қоринчасида инфаркт юзага келтирилганда, юрак булмачасидаги миоцитлар куплаб митотик бўлинеш циклини бошдан кечиради. Ваҳоланки, бўлмача шикастланган қоринчадан анча узокда турса ҳам.


Маълум бўладики, одам ва ҳайвонларнинг юрагида миокард ишаркти юз берганда, улган мускул тўқима ўрни мана шу механизmlар орқали янгидан тикланади.

Силлиқ мускул

Одам ва умуртқали ҳайвонларда силлиқ мускул тўқимаси асосан ишчи аъзоларда жойлашиб уларнинг ҳаракатини таъминлаб туради. Ишчи аъзоларга масалан, овқат ҳазм қилиш ва нафас олиш тизими, интратиш аъзолари ҳамда қон томирлар ва лимфатик томирларнинг ҳаракатини таъминлаб берувчи мускуллар ана шу силлиқ мускуллар тўрхига киради (42-расм). Қанот оёқли моллюскалардан ташқари бирча умуртқасиз ҳайвонларнинг мускулатуруси силлиқ мускулларни тапкил топган. Силлиқ мускуллар одатда секин ритмик қисқариб, чарчаш хусусиятига эга эмас. Тузилишига кура уларнинг асосий қисми дуксимон шаклда. Ҳужайраларнинг узунилиги 20-100 мкм., диаметри 10-20 мкм. га teng. Айрим физиологик холатларда, масалан комиладорликда, бачадон силлиқ мускул ҳужайраси 500 мкм. гача чўзилиб, бола туғилгандан сўнг эса ўз ҳолига қайтади. Ҳужайра марказида битта ядрои бор. Айрим аъзолар, масалан бачадон, мускулатурысининг силлиқ мускул ҳужайралари юлдузсимон шаклга эга булиб, кирип бир ҳужайра устки томонидан миолемма қобиги билан қопланган. Унинг устига базал мембрана ёпишиб туради. Унга ташқаридан ҳужайралар орасида учрайдиган коллаген ва ретикула толачалари туташади. Ҳужайра мембрanasини устки томондан биринкирувчи тўқимадан иборат парда ўраб туради. Парда асосан ҳужайралар учун таянч вазифасини бажаради.

Силлиқ мускул ҳужайраси электрон микроскоп ёрдамида кўздан кечирилганда ҳужайранинг устки қисмида пиноцитоз пуфакчаларига ухшаган кўп сонли плазмолемма бўртиқлари қайд этилади. Маълум бўлишича, ана шу плазмолемма бўртиқлари орқали ҳужайра ичига ҳар хил моддалар кириб, улар ҳужайраларнинг қисқариши ва ҳаракатини таъминлашда иштирок этади.

Силлиқ мускул ҳужайраси цитоплазмасининг асосий қисмини уни тўлдириб турувчи



42-расм. Силлиқ мускул тўқимаси.

1 - тўқима ҳужайраси; 2 - миофibrимладар; 3 - ядро; 4 - сарколемма; 5 - эндомизий; 6 - нерв; 7 - томирлар.

миофламент ёки протофибраллар ташкил этади. Улар цитоплазмада бир-бирига нисбатан мустақил ва параллел жойлашган булиб, ҳар бир тола алоҳида ва мустақил ҳаракат қилишга мослашган. Ҳозирги вақтда ҳужайра таркибида уч хил протофибрал (миофламент) толачалари борлиги аниқланган; актин толачалари, миозин толачалар ва оралиқ толачалар. Асосан актин ва миозин толачалар қисқариб, бушашиб ҳужайралар ҳаракатини таъминлади. Оралиқ протофибраллар эса тутамча ҳолида жойлашган булиб, узидан чиқсан ўсимталари ёрдамида бир-бири билан бирикаб миоцит түрини ҳосил қиласди ва қисқарган мускул толачаларини дастлабки ҳолига қайтаради. Улар толачаларни ҳаддан ташқари ортича қисқаришдан ҳам сақлаб туради. Шунингдек силлиқ мускул ҳужайраларининг атрофида коллаген ва эластик толачалардан таркиб топган тўрсимон қобиги булиб, у ҳам таянч вазифасини ўтайди.

Силлиқ мускул ҳужайралари таркибида уларнинг ўзига ҳосил қисқарышни таъминлаб берувчи уч хил оқсил моддалар – актин, миозин ва протомиозин топилган. Улар мускулларни қисқариш жареда ёнида энергия билан таъминлаб туради. Шу сабабли ҳам силлиқ мускул ҳужайралари таркибида бу учала оқсил ҳам доим мавжуд.

Силлиқ мускулларни қон билан таъминлайдиган томирлар тизимида бириктирувчи тўқима таркибидаги йирик мускул ҳужайраларининг боғламчалари оралиғида учрайдиган, нисбатан майдада ва бевосита ҳужайралар орасида жойлашган капиллярлар тўрини ташкил этувчи томирлар киради.

Организм қариган сари унинг аъзоларида гидек, силлиқ мускулларида ҳам ўзгаришлар содир була бошлайди. Масалан, мускул ҳужайралари юпқалаша боради ва шунга боғлиқ ҳолда борган сари ички аъзоларнинг мускул қаватлари ҳам юпқалашади. Натижада унинг чўзилувчанлик хусусияти чегараланади, бинобарин, атрофидаги коллаген ва эластик толачаларнинг чўзилувчанлиги ва эгилиувчанлиги ҳам камаяди.

Силлиқ мускул ҳужайраларининг дастлабки тараққиёти ҳам эмбрион мезенхима ҳужайраларининг миобластларга айланишидан бошлиданади. Эмбрионнинг тараққиёти даврида, мезенхиманинг силлиқ мускуллар ҳосил буладиган қисмидаги ҳужайралари шиддат билан булина бошлайди. Бунинг натижасида ҳосил бўлган ҳужайралар бир-биридан узоклашиб кетмай, дуксимон шаклга киради.

Шу билан бир вақтда ҳужайра цитоплазмасида ҳам табақаланиш жараёни кечиб, протофибринлар ҳосил була бошлайди. Улардан эса бирламчи мускул ҳужайралари-миобластлар вужудга келади. Кейинроқ, бориб протофибринлар купайиб цитоплазмани тулдиради ва миобластлар силлиқ мускул ҳужайраларига айланади.

Эмбрион тараққиётининг тўққизинчи ҳафтагалида, айрим ички аъзолар силлиқ мускул қаватларининг мускул тўқималари етарли даражада табақаланиб бўлинади. Шу билан бир вақтда мускул ҳужайралари ва боғламчаларининг ораларида қон томирлар ва нерв толаларини ҳосил қиувчи бириктирувчи тўқималар ривожланади.

сипти уларнинг ўзиға хос морфологик тузилишига эга эканлиги билан боғлиқ. Пайларни ташкил қилувчи тўқима, ниҳоятда пишиқ, коллаген толачалар йигиндисидан боғламчалар ҳосил қилиб тузилган. Бутида бир нечта коллаген толачалар, сийрак бириктирувчи тўқима элементлари томонидан айланма ҳолда ўраб олинган бўлиб, буларга бирламчи боғламчалар дейилади. Толачалар ораларида асосан фибропцит ва камроқ фибробласт ҳужайралар учрайди. Бир нечта бирламчи боғламчалар тўпламини атрофидан зич бириктирувчи тўқима ўраб олиб иккиламчи боғламчалар ҳосил қиласи Шундай қилиб, пайлар бир нечта боғламчалар йигиндисидан ташкил топган бўлиб улар устидан пишиқ, ва зич бириктирувчи тўқимадан ташкил топгани парда билан ўралган бўлади. Одатда бундай тузилиш тўқима пишиқлигини таъминлайди.

Мускулларнинг ёрдамчи аппаратларига фация, фиброз ва синовиал бўғин тузилмалари ҳам киради. Фация шакланган зич бириктирувчи тўқимадан ташкил топиб, битта ёки бир нечта мускуллар гурӯхини устки томонидан ўраб туради. Масалан: букувчи мезувчи гурӯҳ мускуллари ёки панжа, елка, билак, болдир ва ташқи мускулларни. Фасция айрим аъзолар масалан, қон томирни ва нерв тутамини ҳам устидан қоплайди. Фасция мускулларни ташки мускулларни маҳкам ўраб, қисқарганида мускул толаларининг тарқалиб кетмаслигини таъминлайди. Уларни ҳаддан ташқари қисқаришдан сақлаб, мускул толалари учун таянч вазифасини бажареди. Булардан ташқари фасциялар ҳар хил поталогик жараён-арнинг бир мускулдан иккincinnисига ўтишига тўскенилик қиласи. Фасцияларнинг устки томони силлиқ бўлиб, қисқариш жараёнида фибропцитлар билан ишқаланади. Силлиқ эркин қисқарышни таъминлаб, зарарланишининг олдини олади.

Фасциялар, мускулнинг кучи ва катта кичикилигига қараб, ҳар ташқи мускулни ҳам бўлиши мумкин. Айрим жойларда, масалан: қул сокладарда, мускул фасциялари мускул орасига ўсиб кириб, суюкчаша етиб боради ва у билан мустаҳкам бирикади. Нагижада фасциядан мускулларро тусиқлар ҳосил бўлиб, қушимча таянч қисмлари ҳосил бўлади. Одатда қон томирлар ва нервлар фасциялар орасидан утади Буларга ҳақиқий фасциялар дейилади.

Тери ости фасцияси тананинг айрим қисмларида, яъни тери остига яқин бўлган жойларда, мускулларни қоплаб туради. Буларга рака ва билак тери остидаги фасциялари киради.

Синовиал қинлар. Девори бириктирувчи, яъни фиброз тўқимадан ташкил топган тиршиқсимон бушлиқдан иборат бўлиб, улар лепидан ўтган пайларнинг эркин ҳаракатни таъминлаб туради. Синовиал қинларининг ичи мойсимон, синовиал суюқлигига тўлган бўлади. Девори икки қаватдан ташкил топган. Йчки қавати пайларнинг устки қисмини қоплаб, унга ўсиб кирган бўлади. Ташки қавати эса фиброз тўқимадан ташкил топган бўлиб, бушлиқнинг ташки мускулларни таъминлайди. Иккала қават бир-бири билан қин учларида ва пайлар буйлаб ички, яъни суюкка қараган томонида

туташади. Қаватларни ташкил қылувчи түқималар орқали, пайларга қон томирлари ва нервлар келади. Пайларнинг фиброз қисмидаги ҳаракатланиши натижасида, у билан бирга ички синовиал қамын ҳам ҳаракатланади. Бу ҳаракатнинг эркин ҳолда бўлишини. синовиал бўшлиғидаги синовиал суюқлиги таъминлайди. Маълум булишича, ички ва ташкил қаватларни ўраб турувчи нарда таркибида синовиал без ҳужайралари жойлашган бўлиб, улардан чиқсан суюқлик пайларнинг синовиал қин деворларига ишқаланиши натижасида уларнинг заарланиши ва яллигланишига йўл қўймайди.

Синовиал халтача. Девори юпқа зич бириктирувчи түқиманини ташкил топган, ичи синовиал суюқлигига тўла халтача бўлиб, одатдаги улар мускул пайларининг суякларига тегиб, ишқаланиш содиқ буладиган қисмларида, иккита пайнинг бир-бирига ниҳоятда зич тегиб турадиган жойларидан терининг суякларга ишқаланиб турдиган жойларида учрайди. Масалан: тирсақдаги синовиал суюқлигига тўла халтача туфайли, ҳаракатда бўлиб турган пайлар орасида ишқаланиш эркин бўлади. Халтача ички девори ва ҳара катдаги пайлар юзаси мойсизон суюқлик ёрдамида енгил ҳара катларини таъминлайди. Синовиал суюқлик ишлаб берадиган безлар ишдан чиқса (патологияга учраса), ҳаракат чекланиши ёки умуман бўлмаслиги ҳам мумкин.

Бўғинларда ҳаракат содир бўлиши учун мускулнинг бир учун бўғиннинг устки қисмига, иккинчи уни эса бўғиннинг пастки қисмига туташган бўлиши керак. Мускул туташган нуқталарнинг бир доим ҳаракатсиз бўлиб, унга *ripctum fiscum*, яъни ҳаракатсиз нуқта дейилади. Иккинчиси ҳаракатда бўлиб, ҳаракатчан нуқта, яъни *ripctum mobile* деб юритилади. Айрим ҳолларда, ҳаракатсиз в ҳаракатчан нуқталар алмашиниб туриши ҳам мумкин. Демак ҳара катсиз ва ҳаракатчан нуқта тушунчаси шартлидир. Учлари иккита нуқтага бириккан мускулнинг қисқариши натижасида механик в статик иш бажарилади.

Мускул иши унинг тортиш кучи ва ҳаракатнинг қандай куламдамалга ошиши билан белгиланади. Мускул таркибида мускул толалари қанча кўп бўлса, у шунча кучли ҳисобланади. Мускул кучини голаларининг сонига қараб белгилаш мураккаб масала. Шунинг учун у одатда кўндаланг кесимининг катта-кичикилигига қараб белгилана ди. Кўндаланг кесимида мускулнинг унинг анатомик кўндаланг кесими дейилади. Мускулнинг юк кўтариш қобилияти ўрганилганда, физиологик кўндаланг кесим деб юритилади. Анатомик кўндаланг кесим юзаси одатда cm^2 да ўлчанса, физиологик кўндаланг кесими юзаси $\text{kг}/\text{cm}^2$ да ўлчанади. Маълумотларга қараганда билакнинг олди томонидаги жойлашган букувчи мускуллар тахминан 150 кг, соннинг орқа томонидаги букувчи мускуллар эса 480 кг. юк кўтара олади. Икки бошли болдири мускулининг кучи $5,9 \text{ кг}/\text{cm}^2$, елканинг уч бошли мускули $16,8 \text{ кг}/\text{cm}^2$, елканинг икки бошли мускули $11,4 \text{ кг}/\text{cm}^2$ га тенг ҳисобланади. Физиологик кўндаланг кесимининг ҳар бир квадрат сантиметр юзасида жойлашган мускул толалари 10 кг. юк кўтаганда.

III қобилиятига эга. Мускулнинг кўндаланг кесимини ўлчаш, мускул толалари йўналишига тик ўтказилган чизик асосида амал-ваниширилади. Мускул толалари қийшиқ жойлашган, яъни бир икки патли мускулларга ухшаган мускулларда, бундай чизик мускуллар йўналишига қараб қийшиқ ҳолда ўтказилади.

Мускул ҳаракатчан ва ҳаракатсиз нуқталарининг жойлашига қараб, уларда икки хил таянчга бўлинади.

Биринчи хил таянч икки елкали деб номланиб, бунга мисол либ умуртқа погонасининг калла суяги билан бирикиши ёки ёк, билан умуртқа орасидаги бүғинларни олиш мумкин. Бунда таянч елкалари таянч нуқтасининг икки томонида, бир-бигина тенг масофада жойлашган бўлади. Шунинг учун бундай таянчга тик туриш ёки мувозанат таянчи ҳам дейилади. Бу хил ишни одамларда кам учрайди.

Иккинчи хил таянч бир елкали таянч бўлиб, унинг икки хили вижуд. Биринчиси – **куч таянчи**. Бунга оёқ панжаси мисол ўлади. Бунда таянч нуқтаси қаршилик билан куч қўйилган нуқта орасида жойлашади. Иккинчиси – **тезлик таянчи**. Бунга ишгол қилиб тирсак бўгинини оламиз. Бунда куч қўйиладиган нуқта таянч нуқтасидан бир оз олдинроқда бўлса, қаршилик нуқти иундан анча пастроқда жойлашади.

ХУСУСИЙ МИОЛОГИЯ ГАВДА МУСКУЛЛАРИ

Гавда мускуллари орқа, кўкрак ва қорин мускулларига бўлинади. Гавда мускуллари жуфт мускуллар қаторига кириб, улар ўнг ва чап томонларда бир-бирига нисбатан симметрик ҳолда жойлашади.

Гавда мускулларининг ривожланиши. Гавда мускуллари он-генез даврининг тўртинчи ҳафтгалиридан бошлаб мавжуд миотомлардан ривожланади. Миотомлардан, дастлаб кам табақаланган, бўлиниш хоссасига эга, мускул ҳужайралари миобластлар пайдо бўлади. Уларнинг кўпайиши натижасида, кўндаланг-таргил скелет мускул толалари шаклланади. Орқа (дорзал) қисмида жойлашган миотомлар ва умуртқаларнинг қиррали ўсиқлари олдида орқа мускуллари ривожланади. Олдинги вентрал қисмида жойлашганларидан эса бўйин, кўкрак ва қорин мускуллари ривожланади. Дорзал ва вентрал мускулларнинг оралари бўйлама жойлашган зич бириктирувчи тўқима билан ажралган бўлиб кейинчалик бу тўқима фасцияга айланади. Дорзал мускуллар орқа миянеря тармоқлари орқали иннервацияланади. Вентрал мускуллар олдинги тармоқлар билан иннервацияланади.

Кейинчалик миотомлар орасига бириктирувчи тўқимадан ташкил топган тўсиқ ўсиб кириб, уларни юза ва чуқур жойлашган мускул қаватларига бўлади. Орқанинг чуқур жойлашган миотомларидан умуртқа погонанинг дорзал қисмидаги калта мус-

куллар ривожланади. Орқанинг юза қисмидаги миотомлар чу-қур жойлашган миотомлардан ажралиб, орқанинг юза мускуларини келтириб чиқаради. Умуртқа погонасини тик ҳолатта келтиришда иштирок этадиган энг юқори қават мускуллари эси умуртқанинг қирралы ўсиқлари атрофида жойлашади.

Орқа мускулларнинг ривожланиши билан бир вактда, уларни қоплаб турувчи бириктирувчи тўқимадан ташкил топган фасия ҳам ривожланади.

Гавда вентрал қисмидаги мускулларнинг ривожланиши ўзиг хос йўналишда амалга ошади. Кўкрак қафасининг атрофида вентрал қисми миотомлари эмбриогенезнинг дастлабки бос-қич ларида умуртқа погонасининг атрофида жойлашади. Кейинча лик миотомларнинг ривожланиши натижасида ҳосил бўладига бошлангич қисмлар билак, қовурғалараро бўшлиқларга ўсиб ки ради ва иккига ажралиб қовурғалараро ташки ва ички қаватларни шакллантиради. Қовурғаларнинг ташки юзасида жойлашган айрим миотомлардан орқанинг тищсимон мускуллари ривожланади ва энг катта мускул, кўкракдан қориннинг ён томонига ўтадиган қориннинг ташки эгри мускулини шакллантиради. Қориннинг ташки эгри мускули остида жойлашган миотомлар икки қатламни ташкил этади. Ташки қатламини ташкил этувчилар қориннинг ички эгри мускулини, чуқурроқ жойлашган эса қориннинг кундаланг мускулини ривожлантиради.

Қориннинг тўғри мускулини шакллантирувчи бошлангич муртак қисмлари дастлаб латерал ҳолатда жойлашади. Қовурғанинг аста-секин олдинга ўсиши ва қорин тўғри мускули кўкрак қисмининг ривожланиши натижасида улар қорин оқ, чизифининг (*lamina alba*) икки ён томонига сўрилиб ўрнашади. Қолган гавда мускулларидан нарвонсимон ва умуртқа погона олдида жойлашган бўйиннинг чуқур мускуллари ҳам шу тарзда ривожланади.

Орқа мускуллари (*m. m. dorsi*)

Орқа мускуллари келиб чиқишига ва жойлашишига қараб юза ва чуқур қават мускулларига бўлинади.

Орқанинг юза мускуллари.

1. *Трапециясимон мускул* (*m. trapesius*). Бу мускул трапеция шаклида бўлиб, тери остида орқанинг юқори қисмидаги умуртқа погонанинг икки ён томонида жойлашади. Юқоридан бўйинни ҳам қисман қоплайди.

Бошланиши: энса суюгининг юқориги ғадир-будур чизиги, энса бойлами барча бўйин ва кўкрак умуртқаларининг қирралы ўсиқлари

Бирикиши: курак суюгининг баланд қирраси ва ўсимтаси.

Функцияси: куракни умуртқа погонасига яқинлаштиради, бошни орқага тортади ёки уни бир томонга эгади.

2. *Орқанинг сербар (кенг) мускули* (*m. latissimus dorsi*) орқанинг пастроқ қисмидаги кўкрак ва белнинг икки ён томонида, тери остида жойлашади.

Бошланиши: күкрак бел фасцияси, пастки тұртта күкрак умуртқаси, барча бел умуртқаларининг қирралы ўсиқдари, пастки тұртта қонурға ва ёнбош сүягининг қирраси.

Бирикиши: мускул толалари иккала томондан юқорига йұналиб, үчләри пайга айланып, елка сүягининг кичик ғадир-бұдур қиррасига тұшылады. Пай билан қирра ораларыда синовиал халтача жойлашған.

Функцияси: юқорига күтариған құлни пастта туширади, ичка-рига буради ва орқага тортади.

3. **Ромбсимон мускул** (*m. rhomboideus*) катта ва кичик ромбсимон мускуллар бұлып, трапециясимон мускул остида ётади ва иккінчи қаватни ташкил қылади.

Бошланиши: пастки иккита бүйин ва юқориги тұртта күкрак умуртқаларининг қирралы ўсиқдари.

Бирикиши: куракнинг медиал чети.

Функцияси: куракни медиал томонға, яғни умуртқа поғонаси қамда юқорига тортади.

4. **Куракни күтәрүвчи мускул** (*m. levator scapulae*) трапециясимон мускул остида жойлашған бұлып, орқанинг иккінчи қават мускуллари таркибига киради.

Бошланиши: юқориги тұртта бүйин умуртқасининг күндаланг ўсиятаси.

Бирикиши: куракнинг юқориги бурчаги.

Функцияси: куракни юқорига тортади, бүйинни орқа ва олдинға згади.

5. **Орқанинг юқориги шишисимон мускули** (*m. serratus posterior superior*). Орқанинг иккінчи қават мускуллари таркибига киради. Юқорида, ромбсимон мускул остида жойлашади.

Бошланиши: бүйиннинг олтинчи ва еттинчи, күкрак биринчи ва иккінчи умуртқаларининг қирралы ўсиқлари.

Бирикиши: шишисимон шаклида, иккінчидан бешинчигача бұлған юқориги қовурғалар.

Функцияси: бириккан қовурғаларни юқорига күтариб, нафас олиш жараёнида иштирок этади.

6. **Орқанинг пастки шишисимон мускули** (*m. serratus posterior inferior*). Орқанинг сербар мускули остида, ромбсимон мускулнинг одд томонида жойлашади. Иккінчи қават мускулларига киради.

Бошланиши: күкракнинг үн биринчи, үн иккінчи ва белнинг биринчи ва иккінчи умуртқаларининг қирралы ўсиқлари.

Бирикиши: пастки тұртта қовура.

Функцияси: мускул қисқарғанида пастки қовурғаларни пастта ғортади, нафас чиқарищда иштирок этади.

Орқанинг чуқур мускуллари.

Орқанинг чуқур мускуллари умуртқа поғонаси бүйлаб, иккала гишишимон мускулларнинг остида жойлашади. Барча орқа мускуллар билан биргалиқда ривожланади. Айримлари (амфибияларда) миомерлардан ташкил топған бұлса, реңгитилийларда орқа мускулларининг бир қисми умуртқаларни туташтириб туради. Улар ме-

тамерлик тузилишини сақлаб қолган. Орқанинг чуқур мускуллари думғазадан бошланиб, то калла суюгигача чўзилган. Умуртқа поғонасининг икки ён томонида, умуртқаларнинг қиррали ўсиқлари орасидаги қовурғалар бурчагининг ўртасидаги эгатларда жойлашган. Улар калта мускуллардан ташкил топган бўлиб латерал ва медиал мускулларни ташкил этади.

1. *Бўйин ва бошнинг тасмасимон мускуллари* (*m. Splenius cervicis et capitis*). Орқанинг трапециясимон, ромбсимон ва юқориги тиҳсимон мускулларининг остида жойлашади. Орқанинг чуқур мускулларни ташкил этади.

Бошланиши: бўйининг учинчидан еттинчигача бўлган умуртқалари атрофида жойлашган энса боғлами ва олтига юқориги кўкрак умуртқаларининг ўткир қиррали ўсиқлари.

Бирикиши: чакка суюгининг сўрғичсимон ўсимтаси, бўйин юқориги утта умуртқаларининг кўндаланг ўсимгалари, энса суяги.

Функцияси: иккала мускул баробарига қисқарганида, бош ва бўйинни орқа томонга тортади, бир томондагиси қисқарганида бош ва бўйин бир томонга тортилади. Мускул толалари тасмага ўхшаб бир томонга паралел йўналган.

2. *Умуртқа поғонасини тик тутувчи мускуллар* (*m. erector spinae* ёки *m. sacrospinalis*). Булар орқанинг энг узун ва чуқур мускуллари қаторига киради. Улар умуртқа поғонаси бўйлаб, думғазадан то энсагача бўлган оралиқда жойлашади.

Бошланиши: думғазанинг ташқи сирти, бел умуртқалари, ён бош суюгининг орқа қирраси ва бел фасцияси.

Бирикиши: бу мускул умуртқа поғона бўйлаб уч қисмга бўлиниди ва ўша қисмларда бирикиш ҳосил қиласди. Биринчи бирикиш қовурғаларнинг бурчаги, иккинчи бирикиш қовурғалар ҳамда кўкрак ва бўйин умуртқаларининг ҳамма кўндаланг ўсимталари. Учинчи бирикиш эса умуртқаларнинг ўткир қиррали ўсиқлари. Бу мускулнинг энг юқориги боғламчалари чакка суюгининг сўрғичсимон ўсимтасига бирикади. Улар умуртқа поғонасини тик тутувчи мускуллар ҳисобланиб, гавданинг турли ҳаракатларини содир қилишда иштирок этади. Уларнинг атрофида уларга кўмаклашучи мускуллар жойлашади. Буларга умуртқаларни буровчи ва қовурғаларни кутарувчи қисқа мускуллар киради. Булардан ташқари, бўйиннинг юқориги қисмида энса билан бўйин умуртқаларининг кўндаланг ва қиррали ўсиқлари орасида бир қанча қисқа, тўғри ва эгри йўналган мускуллар жойлашган бўлиб, улар бошни орқага тортиш ва буришни таъминлашда иштирок этадилар.

Орқа фасцияси.

Орқанинг юза мускулларидан трапециясимон ва сербар мускуллари орқа юза фасцияси билан қопланган. Бу фасция бўйин қисмига кутарилиб, қисман йўғонлашади ва энса фасцияси деб аталади. Бундан ташқари, орқада чуқурроқда жойлашган яна бир фасция бўлиб, у чуқур ва юза жойлашган орқа мускулларини бирбиридан ажратиб туради. У чуқур ёки орқанинг ҳақиқий фасцияси

номи билан аталади. Бу фасция иккита варақдан ташкил топган бўлиб, улар юза ёки орқа ва чукур ёки олдинги фасциялардир.

Юза варақаси чаноқдан тортилиб бошгача етиб боради. Меди-ал томондан қиррали ўсиқлар, латерал томондан эса қовурғалар билан туташади.

Чукур варақаси бел умуртқаларининг кундаланг ўсимталаридан бошланиб, XII қовурға билан ёнбош суж орасида жойлашади. Фасциянинг иккала варағи бел қисмида умуртқа погонасини тикловчи мускулини (*m. erector spinae*) икки томонидан үраб, бирбири билан туташади ва мускул учун қин ҳосил қиласди.

Тананинг олди томони мускуллари

Тубан умуртқали ҳайвонларда тананинг олд томонидаги мускуллар асосан тананинг олдинги томони буйлаб йуналган бўлади. Олий умуртқали ҳайвонларда эса, улар яхши ривожланган, шунинг учун бўйин, кўкрак, қорин ва дум қисмларига бўлиб ўрганилади. Одамларда эса, уларнинг тик юришга мослашганлиги сабабли, дум қисми редукцияга учраб, қолган қисмлар яхши ривожланган бўлади.

Тананинг олд томонидаги мускуллар иккига булинади: ҳақиқий ва келгинди мускуллар. Биринчиси чукур жойлашган бўлиб, скелет ўқ, қисми атрофида жойлашади, асосан тана ва бошни ҳаракатта келтиради. Келгинди мускуллар қўлда ривожланниб, кейинчалик тананинг олдинги қисмига, яъни кўкракка сурлади. Шунинг учун юза мускулларини ташкил этади. Келгинди мускулларнинг ҳақиқий мускуллардан асосий фарқи шундаки, улар асосан юқориги камар скелетларини ҳаракатта келтиришда қатнашади. Шу билан бирга, айрим ҳолларда тана ва бошнинг ҳаракатларида ҳам иштирок этади. Келгинди мускуллар, асосан, гавданинг кўкрак, орқа ва бўйин қисмларида жойлашса, ҳақиқий мускуллар гавданинг деярли ҳамма қисмида учрайди.

Ҳақиқий вентрал (қорин) мускулларининг пастки жағдан бошлаб, то чаноқ суюгигача бўлган оралиқ бўйлаб жойлашганлари бир хил тузилишга эга. Тана ўрта чизиги бўйлаб жойлашган мускулларнинг толалари бир-бирига нисбатан параллел ва зич, ён томонида жойлашган мускулларнинг толачалари эса эгри ҳолатда жойлашган.

Гавданинг олдинги вентрал қисмидан ривожланган мускуллар яслада балиқсизонларга мансуб мускуллар бўлиб, улар иккинчи қовурғалараро мускулларга гомологиди.


Кўкрак мускуллари

Кўкрак мускуллари икки гурухга булиб ўрганилади (44-расм).

1. Келгинди мускуллар. Булар кўкракнинг юза қисмидаги мускуллардир.

2. Кўкракнинг ҳақиқий мускуллари. Буларга чукур жойлашган мускуллар киради.

Биринчи гурух мускулларига кўкракнинг сербар мускуллари кириб, улар кўкракнинг юза мускулларини ташкил этади.



44-расм. Гавданинг олди томони мускуллари.

1 - қорин түғри мускулиниң қини; 2 - қориннинг ташқи қийшиқ мускули; 3 - елка икки бошли мускули; 4 - олдинги тишили мускул; 5 - дельтасимон мускул; 6 - күкракнинг катта мускули; 7 - кекирдақ; 8 - прарапециясимон мускул; қалқонсимон мускул; 9 - қалқонсимон тобай; 10 - тұш-ұмров-сұргичсимон мускул; 11 - ұмров ости мускули; 12 - тумшуксисимон үсік; 13 - елка икки бошли мускулнинг калта боши пайи (кесилган); 14 - күкракнинг кичик мускули; 15 - қовурғалараро ичкى мускуллар; 16 - елка мускули; 17 - қовурғалараро ташқи мускуллар; 18 - қориннинг түғри мускули; 19 - қориннинг ичкى қийшиқ мускули.

1. Күкракнинг катта мускули (m. pectoralis major) күкракнинг юқори қисмида жойлашади. Олд томондан құлтиқ ости чуқурча сини чегаралаб тураты.

Бошланиши: ұмров сүягининг медиал қисми, түш сүягининг дистал қисми ва түш танасининг олдинги юзаси, 5, 6-юқориги қовурғалар нинг тобай қисми, қорин түғри мускули қинининг олдинги девори.

Бирикиши: елка сүяги катта буртигининг қирраси.

Функцияси: қисқарғанида құлни олдинга тортади, күтаради ва ичкарига буради, нафас олишда иштирок этади.

2. Күкракнинг кичик мускули (m. pectoralis minor). Учбұрчак шакладаги мускул бұлыб, күкрак катта мускулиниң тәғида жойлашған.

Бошланиши: 3-5 қовурғалар юзаси ва уларнинг тобайлар билан бирлашған қисми.

Бирикиши: курак сүягини тумшуксисимон үсімтаси.

Функцияси: елка камарини пастта ва олдинга тортади, кукракни ютариб нафас олишда иштирок этади

3. **Үмров ости мускули** (*m. subclavius*). Курак суяги остида жойланган, узунчоқ шаклда, курак суяги билан биринчи қовурға оралыда жойлашган.

Функцияси: курак суягини пастта ва ичкарига тортади. Кукрак шурек бүгимини мустаҳкамлайди.

4. **Олдинги шишли мускул** (*m. serratus anterior*). Күкракнинг олдинги ён деворини эгаллаб турувчи ясси мускул.

Бошланиши: 8, 9-қовурғаларнинг ташқи юзаси.

Бирикиши: куракни медиал чеккаси ва пастки бурчаги.

Функцияси: куракнинг пастки бурчагини ташқи томонга тортади. Құл күтарилганда куракнинг бурилишида иштирок этади.

Кукрак қафасининг ҳақиқий (аутохтон) мускуллари

Күкракнинг ҳақиқий (аутохтон) мускуллари скелет, умуртқа поюнаси сүякларига үшшаб бүгимлар ҳосил қылиб тузилган. Асосан уң қаватдан ташкил топған: 1) ташқи қовурғалараро мускуллар, 2) ички қовурғалараро мускуллар, 3) күкракнинг күндаланг мускули.

1. **Ташқи қовурғалараро мускуллар** (*m. intercostales externi*). Кукрак умуртқаларидан бошланиб, барча қовурға төгайлари оралиқларини тұлдидирип туради. Ташқи қовурғалараро мускулларнинг толалары юқоридан пастта олд томонга қараб әтілген ҳолатда йұналған.

Бошланиши: ҳар бир юқорида жойлашган қовурғанинг пастки чети.

Бирикиши: ҳар бир пастда жойлашган қовурғанинг юқориги чети.

Функцияси: Қовурғани күтаради, нафас олишда иштирок этади.

2. **Ички қовурғалараро мускуллари** (*m. intercostales interni*) ташқи қовурғалараро мускуллар остида жойлашади. Мускул толалары тапқы қовурғалараро мускулларга нисбатан тескари, яғни пастдан юқорига, қисман олдинга йўналған.

Бошланиши: ҳар бир пастки қовурғанинг устки чети.

Бирикиши: устки қовурға остки четининг ички юзаси.

Функцияси: қовурғаларни пастта тортади, нафас чиқаришда иштирок этади.

3. **Қовурға ости мускуллари** (*m. subcostales*). Күкрак қафасининг пастки қисми ички юзасида, қовурғаларнинг ёй қисміда жойлашган. Мускул толаларининг тузилиши ва йұналиши ички қовурғалараро мускулига үхшайды. Фарқи: қовурға ости мускули пастки қовурғаларнинг устки четидан бошланиб, юқориги қовурғаларнинг пастки четига битта ёки иккита қовурға ташлаб бирикади.

Функцияси: қовурғаларни пастта тортиш.

4. **Күкракнинг күндаланг мускули** (*m. transversus thoracis*). Күкрак қафаси олдинги қисмининг ички юзасида жойлашган. Рудимент ҳолатда учрайди. У қорин күндаланг мускулиниң девори ҳисобланади.

Бошланиши: түш сүягининг ички юзаси. III-VI қовурғалар ва түш сүягининг ханжарсимон үсимтаси.

Бирикиши: III-VI қовурғалар.

Функцияси: нафас олишда одатда қовурғалараро мускуллар қисқаради. Бу мускул эса қовурғаларни күтариб беради. Нафас чиқаришда ҳам бошқа мускуллар билан биргалиқда иштирок этади. Айрим олимларнинг фикрига кўра қовурғалараро мускуллар нафас олиш ва чиқаришда ҳам иштирок этади.

Кўкрак-қорин тўсиги (*diaphragma*). Кўкрак қафасини қорин бўшлиғидан ажратиб турувчи тўсик. Мускулларнинг эмбрионал таракқиётининг дастлабки даврларида, бўйин миотомларидан ривожланади. Юрак ва упкалар шаклангунича четроқда туради. Эмбрион уч ойлик бўлганидан сўнг ўз жойини эгаллади. Диафрагма гумбазсимон шаклда бўлиб, кўкрак қафасининг пастки девори атрофидан айланма ҳолда бошланиб, гумбаз тепасида жойлашган яssi пай марказ билан туташади. Диафрагмада учта: бел, қовурға ва тўш қисмлари тафовут қилинади. Бел қисми икки томондан учта — ички, ўрга ва ташқи оёқчалар шаклида белнинг юқоридаги тұртта умуртқалари танасидан бошланади. Диафрагма оёқчалари бақувват тузилган бўлиб, унинг энг кучли қисмларини ташкил этади. Икки томонида жойлашган ички оёқчаларининг ўртасидан иккита тешик ўтиб, олдингисидан қизил ўнгач унга параллел ҳолда, ўнг ва чап томондан адашган нерв, орқа тешиқдан эса аорта, кўкрак ва лимфа томирлари утади. Диафрагманинг қовурға қисми, унинг энг кенгайтан қисмлари ди. Туш қисми эса ханжарсимон ўсимтанинг орқа томонидан бошланади. Диафрагманинг учала қисмини ташкил қилувчи мускул толалири, гумбаз қисмининг учини ташкил қилувчи пайга қараб йўналган бўлади ва унга туташади. Пайли қисми мустаҳкам тузилишга эга тукимадан иборат бўлиб, юпқа пластинка шаклига эга. Пластинканинг ўнг қисмидан тешикча бўлиб, ундан юқорига қараб пастки ковак венаси ўтади. Диафрагма мускуллари қисқарганида унинг гумбаз қисми пастта тушиб, кўкрак қафаси вертикал йўналишда кенгаяди ва упкалар кенгайиб, нафас олиш жараёни содир бўлади.

Диафрагма мускуларининг асосий вазифаси нафас олиш ва нафас чиқаришда иштирок этишдан иборат. Бунда кўкрак қафасини кенгайтириб берувчи мускуллар қисқариб нафас олишни таъминласа, уларнинг бушашиши нафас чиқаришни таъминлайди. Нафас олиш икки хил йўл билан содир бўлиши мумкин. Ташқи қовурғалараро мускулларининг қисқарини натижасида, кўкрак қафаси кенгаяди ва нафас олинади. Айрим пайтларда бу жараён диафрагма гумбазининг қорин бўшлиғи томонга силжиши натижасида ҳам содир бўлади. Биринчи йўл билан нафас олинишига кўкрак типи дейилса, иккинчисига қорин типи дейилади.

Қорин мускуллари

Қорин (*abdomen*) мускулларига қорин бўшлиғи атрофида жойлашган мускуллар киради (44-расмни қар.). Улар кўкрак қафасининг пастки чегараси билан чаноқ суюгининг юқориги чегараси ўртасида жойлашади. Қорин бўшлиғининг иккала томонида унинг

ишки ва ички эгри, күндаланг ва түгри мускуллари ётади. Улар-нинг олдинги учтаси кенг ясси мускуллардан иборат бўлиб, мустаҳкам тузилишга эса апоневрозни ташкил қиласди. Қорин бўшлигининг кенг мускуллари унинг ён деворларида жойлашади. Улар апоневрозининг пайли толалари, қорин бўшлигининг ёпилишини топминлаб қориннинг олдинги оқ чизигини (*linea alba*) ҳосил қиласди. Оқ чизик пайлари, юқоридан, тўш суягининг ханжарсимон ўсимтасига туташса, пастдан қовуқ симфезига бирикади. Оқ чизик атрофида, қориннинг узунасига жойлашган толаларидан ташкил топган түгри мускули жойлашган. Кенг мускул толачалари эса одатда ири йуналган булади. Улар худди кўкракдагига ўхшаб, уч қаватдан ташкил топган. Шундай қилиб, қориннинг ташки эгри мускули, ишки қовурғалараро мускуларининг давоми ҳисобланса, ички эгри мускули ички қовурғалараро мускулни давоми ҳисобланади. Қориннинг күндаланг мускули эса шу номли кўкрак мускулнинг давомини ташкил этади. Белнинг тўрт бурчакли мускули қорин бўшлигининг орқа деворини ҳосил қиласди. Қорин бўшлигининг пастки девори ёки кичик чаноқ таги - чот оралиғи номи билан юритилади.

1. Қориннинг ташки эгри мускули (*m. abligius extensus abdominis*).

Бошланиши: пастки 8 та қовурғаларнинг ташки юзаси.

Биринчиши: ёнбош суяқ қирраси.

Функцияси: қайси томон мускули қисқарса, кўкрак қафаси ўша томонга қараб оғади ва қисқарган мускулга нисбатан қарама-қарши томонга бурилади.

Қорин бўшлигининг икки ён томонидаги ташки эгри мускуллар тананинг урта чизигида бир-бiri билан туташиб, маҳкам тузилишга эга ясси пай шаклидаги апоневрозни ҳосил қиласди. Икки мускул апоневрозларининг бирикиши натижасида, қорин түгри мускули қинининг олдинги девори шаклланади. Шу билан бирга, гўши суягининг ханжарсимон ўсимтасидан бошлаб, қовуқ суягининг симфизигача чўзилган оқ чизикини ҳосил қиласди. Қорин ташки эгри мускули апоневрозининг пастки боғламлари, ёнбош суягининг олд юқориги ўсиғи ва қовуқ буртиги уртасида, ариқча шаклидаги чуқурча пайнини ҳосил қиласди. Бунга чот ёки пупарт пайи (*lig. inguale Pouparti*) дейилади. Мускулларнинг апоневроз толалари қов суягига яқинлашиб, иккига ажралади ва чот капалининг ташки тешигини ҳосил қиласди. Қорин ташки эгри мускули толалари эгри ҳолда, олдинга қараб йуналган булади.

2. Қориннинг ички эгри мускули (*m. abligius intermus abdominis*).

У олдинги мускул остида жойлашган.

Бошланиши: бел фасцияси, ёнбош суягининг қирраси ва чот пайнининг ташки учдан икки қисми.

Биринчиши: пастки учта қовурғаларнинг ички юзаси, куп қисми олигич шаклида қорин түгри мускулининг чети томон йуналиб, у орда апоневрозга айланади.

Функцияси: мускул қисқарганида кўкрак қафаси шу томонга қараб эгилади ва бурилади.

Ушбу аппоневроз қорин түғри мускули қинини ҳосил қилувчи олдинги ва орқа варақаларга бўлинади. Қорин ички эгри мускул толалари пастдан юқорига қараб, ичкари томон йўналади. Ичкى эгри мускулнинг пастки боғламлари кўндаланг мускул пастки боғламлари билан туташиб, чот каналида жойлашган уруғдон чилвири билан туташади, чот каналининг тешигидан ўтиб, уруғдон хал тачасига тушади ва уни айланма ҳолда ӯраб олади. Мускул қис қарганда уруғдон юқорига кўтарилади. Боғламчалар биргалиқд уруғдонни кўтарувчи мускуллар деб ном олган.

3. Қориннинг кўндаланг мускули (*m. transversus abdominis*).

Бошланиши: пастки олтига қовурғанинг ички юзаси, бел орқа фасциясининг чукур вароги, ёнбош суяқ киррасининг оқ чизиги Кўндаланг мускул толалари кўндаланг ҳолда йўналиб, аппоневрозга айланади ва қорин оқ чизиги тўқимаси билан қўшилиб кетади. Бу мускул толалари қорин мускули қинининг олдинги деворини ҳосил қилишда иштирок этади.

4. Қориннинг тўғри мускули (*m. rectus abdominis*). Жуфт мускуллар қаторига кириб, қориннинг ургасидан ўтган оқ чизиқнини икки ён томонида жойлашади. У қориннинг энг кенг мускули ҳисобланади. Мускул толалари тутамлар ҳосил қилиб, кўндаланг ҳолатда, мускулнинг ўзи эса узунасига бўйлама ҳолда жойлашади. Мускул пай белбоғлари ёки улоғичлари орқали бир нечта қисмга бўлинган бўлади. Улар одам ҳаракатида муҳим вазифаларни ўтайди. Тўғри мускулнинг пай белбоғлар орқали бўлинган қисмлари мустаҳкам равишда қисқариш хусусиятига эга. Буни жисмоний машқ билан шуфулланувчиларда аниқ кўриш мумкин.

Бошланиши: тўш суюгининг ханжарсимон ўсимтаси ва бешинчи, олтинчи ва еттинчи қовурғалар төғайнинг ташки юзаси. Мускул пастта қараб борган сари аста ингичкалациб, лекин бақувватлашиб боради.

Бирикиши: қов суюгининг юқориги қисми.

Функцияси: қисқарганда кўкрак қафаси ва умуртқа погонасини эгади. Қориннинг тўғри мускули, эгри мускуллар аппоневрозидан ташкил топган қин ичида жойлашади. Қорин мускуллари қисқариши билан хилма-хил мураккаб ҳаракатлар содир бўлади. Улар қорин бушлигининг олдинги мустаҳкам деворини ташкил қиласди. Уларнинг кучли қисқариши ички аъзолар жойи ва ҳолатларининг сақланишини таъминлайди. Қорин мускулларининг қисқариши натижасида, қорин бушлиғида босим ҳосил бўлади. Натижада сийдик ва ахлат ташқарига чиқади Шу билан бирга, кучли йуталиш ва бола туғилишини осонлаштиради. Қорин мускуллари нафас олиши ва чиқаришда, умуртқа погонасини олдинга ва ёнга букишда ҳамда ўқ атрофида айлантиришда қатнашади. Бу жараёнларда, албатта, қориннинг бошқа мускуллари ҳам биргалиқда иштирок этади.

5. Қориннинг тўғри мускули қини (*vagina m. rectus abdominis*) иккита, яъни олдинги ва орқа деворлардан ташкил топган. Булар асосан қорин мускул аппоневрозларининг бир-бiri билан туташишидан ҳосил бўлади. Кўндаланг мускул ва ички эгри мускул-

шрининг орқа вараги аппоневрозлари түғри мускул орқа девори-
нинг учдан икки қисмини ташкил қиласди. Түғри мускулнинг паст-
тадан бир қисми, орқа томонидан, фақат кундаланг фасция
шрининг қопланган булиб, булардан ички эгри ва кундаланг мускул-
нинг аппоневрозлари олд томонга ўтиб кетади. Қин олдинги
шринини ташкил қилишда ички эгри мускули ва қорин кенг мус-
куларининг аппоневрозлари ҳам иштирок этади.

6. **Қориннинг оқ чизиги** (*linea alba abdominis*). Бу чизик ўнг ва
шоди жойлашган қорин мускуларининг қорин ўртасида туташи-
ни натижасида ҳосил булади. У юқоридан пастта қараб йуналган.

Бошланиши: юқоридан тұш суягининг ханжарсимон үсімтаси.

Бирикиши: қовук суягининг симфез қисми. Қорин мускуллари
аппоневроз толаларининг бир-бири билан мустаҳкам бирикиб ке-
теппен натижасида пайдо булади. Қорин оқ чизигининг юқори қисми
көншырок (2-2,5 см), пастта қараб тораяди ва қалинашиб боради
Киндердик оқ чизигининг деярли ўрта қисміда жойлашган булиб, ру-
ламент ҳолатдаги бир жуфт мускул (*m. rugamidalis*) билан туташ-
ади. Мускуллар қисқарғанда оқ чизик тараңглашади.

7. **Чов канали** (*canalis inguinalis*). Қорин олдинги девори ва сер-
бір мускулиниң пастки қисмидан ҳосил булиб, узунлуги 4-5 см
шрининг ериқдір. Унинг ичіда эрқакларнинг уруғдан чилвири, аёл-
арда бачадоннинг доиравий пайи жойлашган. Айрим ҳолларда,
тұрмыс сабабларга күра, ички аъзолар чов канали орқали ташқарига
шығып чов даббасини ҳосил қиласди. Қориннинг оқ чизигини ҳосил
келүвчи тұқима толалари ситилиб, оралиқлари очилиб кетиши на-
тижасида ҳам ҳар хил жойида даббалар келиб чиқиши мүмкін.
Айрим ҳолларда, киндердик ҳалқаси кучли босимга дош бера олмай
көнгайиши натижасида, киндердик даббаси содир булади. Чов канали
киндердик ҳалқаси ва қорин олдинги деворининг ички босимга бар-
лық береді олмаслиги туфайли шу жойларда дабба күпроқ учрайди.

Бүйин мускуллари

Хақиқий бүйин мускуллари юза, ўрта ва чуқур жойлашган мус-
кулларга булиб үрганилади Буларнинг ҳаммаси жуфт ҳолда учрай-
ди Бүйиннинг энса қисміда жойлашган мускуллар орқа мускулла-
рига кириб, улар орқа мускуллари билан бирга үрганилган (45-расм).

Бүйиннинг юза мускуллари

1. **Платизма** (*m. platysma*) юпқа кенг пластинкасимон мускул-
лар қаторига киради. Бүйиннинг олдинги ва ён томонларида, тери
остида жойлашади.

Бошланиши: умров суяги остида жойлашган құқракнинг катта
мускули ҳамда дельтасимон мускуларнинг фасциясы.

Бирикиши: чайнаш фасцияси, оғиз бурчаги ва қисман пастки жағ.

Функцияси: мускул қисқарғанида оғиз бурчакларини пастта
тортади, бүйин терисини күтаради.

2. **Тұш-ұмров-сүрғичсимон мускулу** (*m. sternocleidomastoideus*).



45-расм. Бўйин мускуллари.

1 - ўмров суяги; 2 - трапециясимон мускул; 3 - олдинги нарвонсимон мускул; 4 - ўрта нарвонсимон мускул; 5 - курак тил ости мускули; 6 - орқадаги нарвонсимон мускул; 7 - куракни кўтарувчи мускул; 8 - икки қоринли мускул; 9 - тил ости суяги; 10 - курак тил ости мускули; 11 - туш-ўмров-сургичсимон мускул.

монга қараб тортади. Демак нафас олишда ҳам иштирок этади.

I. Тил ости суягидан юқори жойлашган мускуллар

1. *Икки қоринли мускул (m. digastricus)*. Пай тўқима воситаси да бир-бири билан туташган мускул.

Бошланиши: олдинги қоринчаси пастки жағ суягининг ички юза сидан, орқа қоринчаси эса чакка суягининг сургичсимон ўсимтаси.

Бирикиши: иккала мускул ўзаро пай орқали туташади ва тил ости суягига бирикади.

Функцияси: қўш қоринли мускулнинг иккаласи бараварига қис қарганида, пастки жағ пастта тушади. Пастки жағнинг ҳаракатсиз ҳолатида, улар тил ости суяги ва кекирдакни юқорига кўтаради. Демак, улар овқатни чайнаш жараёнида ҳам иштирок этади.

2. *Жағ-тил ости мускулу (m. mylohyoideus)*. Гластинкасимон қуринишда булиб, тил ости суяги билан пастки жағ орасидаги бўшлиқни тулдириб туради. Шунинг учун унга оғиз бўшлиғининг диафрагмаси ҳам дейилади. Чунки у оғиз бўшлиғининг тубини ташкил этади. Жағ-тил ости мускулининг устки қисмида тил ва жағ ости сўлак безлари жойлашилади.

Тери ости фасцияси ва буйни юза фасциясининг мустаҳкам тузилишига эга варани остида жойлашади. Бўйиннинг бошқа мускулларига нисбатан яхши ривожланган бўлиб, одамлар бўйинининг икки ён томонида, айникса бўйни узун ва озгинларда яқъол кўриниб туради.

Бошланиши: иккита оёқча шаклида бошланади. Биринчиси — тўш суягинин юқориги чети, иккинчиси — курак суягининг тўш суягига қараган учи.

Бирикиши: чакка суягининг сургичсимон ўсимтаси

Функцияси: бир томонда ги мускул қисқарганда бош қисқарган мускул томонга эгилади. Агар иккала томондаги мускул бараварига қисқарса, бошнинг ҳолатига қараб, олдинга ёки орқа томонга қараб эгилади. Бош нормал физиологик ҳолатда турганида қисқарса, кукрак қафасини олдидан бош то-

Бошланиши: Пастки жағнинг ички юзаси, жағ тил ости чизиги.

Бирикиши: тил ости суяги танасининг олдинги юзаси.

Функцияси: тил ости суяги фаол турганда, пастки жағни пастта ныртиб, унинг пастта тушишига имкон яратади. Пастки жағ ҳара-митланмай турганида, у тил ости суяги ва кекирдакни ҳам юқори-ти ва олдинга тортади. Икки қоринли мускул синергит мускул тисобланади.

3. Ияқ-тил ости мускули (*m. geniohyoideus*). Олдин айтиб утилган мускулдан юқорироқда жойлашган. Мускул чўзилган учбур-чилик шаклида бўлиб, юқори томони олдинга қараб жойлашган.

Бошланиши: пастки жағнинг ияқ дўмбоғчаси.

Бирикиши: тил ости суягининг танаси.

Функцияси: жағ-тил ости мускулиниң вазифасига ўхшайди.

4. Бигизсимон ўсиқ билан тил ости суяги орасидаги мускул (*m. stylohyoideus*).

Бошланиши: чакка суягининг бигизсимон ўсиғи.

Бирикиши: тил ости суяги танаси.

Функцияси: тил ости суягини юқорига кўтаради.

II. Тил ости суягидан пастда жойлашган мускуллар.

Булар тұртта бўлиб, бўйиннинг олдинги қисмида учрайдиган түғри мускуллар қаторига киради. Бўйин ўрта чизигининг иккала иш томонида, тери остида кекирдак олдида жойлашади.

1. Тұш-тил ости суяги мускули (*m. sternohyoideus*).

Бошланиши: тұш суяги дастак қисмининг орқаси.

Бирикиши: тил ости суягининг пастки юзаси.

2. Тұш-қалқонсимон мускул (*m. sternothyroideus*).

Бошланиши: тұш суяги дастасининг орқа юзаси, биринчи қовур-тағай.

Функцияси: Ҳиқилдоқни пастта тортади.

3. Қалқонсимон тил ости суяги мускули (*m. thyrohyoideus*).

Бошланиши: қалқонсимон тағай эгри чизиги.

Бирикиши: тил ости суягининг танаси.

Функцияси: Ҳиқилдоқни юқорига кўтаради.

4. Кўкрак тил ости мускули (*m. omohyoideus*).

Бошланиши: кўкрак үймаси.

Бирикиши: тил ости суяги танаси.

Функцияси: тил ости суяги ва ҳиқилдоқни пастта тортади.

Бўйиннинг чуқур мускуллари

1. Олдинги нарвонсимон мускул (*m. scalenus anterior*).

Бошланиши: 3, 6-бўйин умуртқаларининг кўндаланг ўсиқлари.

Бирикиши: биринчи қовурға тепа юзаси.

2. Ўртадаги нарвонсимон мускул (*m. scalenus media*).

Бошланиши: барча бўйин умуртқаларининг кўндаланг ўсимтаси.

Бирикиши: биринчи қовурғанинг орқаси.

3. Орқадаги нарвон мускул (*m. scalenus posterior*).

Бошланиши: 5, 6-бўйин умуртқалар кўндаланг ўсимтасининг

орқа дўмбоғчаси.

Биринчи: иккинчи қовурғанинг ташқи юзаси.

Функцияси: Бу мускуллар, умуртқа погона ҳаракатсиз вақтида қисқарса, қовурғаларни кутариб нафас олишда иштирок этади. Кўкрак ҳаракатсиз ҳолатда улардан биттаси қисқарса, бўйин шу томонга ва олдинга эгилади. Иккала мускул қисқарганда бўйин олдинга эгилади.

4. Бўйиннинг узун мускули (*m. longus colii*).

Бошланиши: 2-6-бўйин умуртқаларини ёпиб туради.

Функцияси: бир томондагиси қисқарса, бўйин ўша томонга, иккалasi ҳам бараварига қисқарса, бўйин олдинга эгилади.

5. Бошнинг узун мускули (*m. longus capitis*).

Бошланиши: 3-6-бўйин умуртқалари.

Биринчи: энса суяги.

Функцияси: бараварига қисқарганида бош эгилади.

6. Бошнинг олдинги ва ён томонидаги тўғри мускуллари (*m. recti capitis anterior et posterior*).

Бошланиши: энса суяги.

Биринчи: биринчи бўйин умуртқаси.

Функцияси: баравар қисқарса бошни букади.

Бўйиннинг топографияси

Бўйиннинг ияк дўмбоғидан бошланиб тўш суяги дастагининг юқори қисмида жойлашган ўйиқчагача ўтказилган ўрта чизик бўйинни медиал ва латерал учбурчаклардан иборат ўнг ва чап томонларга бўлади. Бўйиннинг латерал учбурчаги олдинги туш ўмров-сўргичсимон мускулининг чети пастдан курак суяги ва орқадан трапециясимон мускули билан чегараланади. Бўйиннинг медиал учбурчаги орқадан тўш-ўмров-сўргичсимон мускули, пастки жағнинг асосий қисми, медиал томондан ўрта чизик билан орқадан пастки жағ тармогининг ички юзасидаги чуқурча (*fossa retromandibularis*) иккита деворга эга бўлиб, орқа томондан сўргичсимон ўсиқ билан тўш-ўмров-сўргичсимон мускули, олдиндан пастки жағ орқа чети, юқоридан ташқи эшитув йўли, медиал томондан бигизсимон ўсиқ билан чегараланади. Бу чуқурчада қулоқ ости бези жойлашади.

Бўйиннинг медиал учбурчаги, кўкрак-тил ости мускулининг пастки қоринчаси ёрдамида, иккита курак трапециясимон бурчаги ва куракнинг курак учбурчагига бўлинади. Медиал учбурчак, кўш қоринли курак-тил ости мускулининг юқориги қоринчаси воситасида, 4 та учбурчакка бўлинади: 1) уйқу учбурчаги, 2) курак-трапеция учбурчаги, 3) пастки жағ ости учбурчаги, 4) энгак ости учбурчаги

Нарвонсимон мускуллар ораларида иккита оралиқ мавжуд бўлиб, биринчиси — нарвонсимонлар оралиғидир. Бунга олдинги ва ўрта нарвонсимон мускуллар оралиғи кириб, унда бўйин чигали ва курак ости артерияси жойлашади. Иккинчиси — нарвон олди оралиқ юқорисининг олдида жойлашган оралиқ бўлиб, унда курак ости венаси жойлашади.

Бүйин фасциялари

Бүйипда қүйидаги фасциялар тафовут қилинади. Тери ости юза, қақиқий ва умуртқа олди фасцияси. Тери ости фасцияси бүйин шриси остидаги мускулларни қоплады.

Хақиқий фасция тил ости сұяғи атрофидағи мускулларни, юз, қулоқ, ёни, сұлак бези, тил ости сұяғидан пастроқда жойлашган мускулларни, чуқурроқда кекирдак, қалқонсимон без, трахея томир ва нерв боғламчаларини қоплады.

Умуртқа олди фасцияси бүйиннинг чуқурроқда жойлашган мускулларни қоплаб, сұнг күкрап бұшлиғига тушади кейин эса унинг ички юзасини қоплаган фасцияга туташади.

БОШ МУСКУЛЛАРИ

Бош мускуллари икки гурұхға булинади. Улар мимик ва чайнов мускуллари. Айрим ҳолларда улар биргаликта ҳаракат қиласы. Мисалан: гаплашганда, овқат истеъмолида, ютилишда ва эснаганды.

Эмбрион тараққиётининг дастлабки босқичларидан бош мускуллари организм чөв қисмидә жойлашган бўлиб, уларнинг чегаралари унча ривожланмаган булади. Бош мускуллари мезодерманинг жабра өни қисмидан ривожланади. Биринчи жабра ёйи келажақда чайнов мускуллари ривожланадиган асосини яратади. Бу ерда, дастлаб мезодерма тўқимаси ривожланиб, ундан миобласт ҳужайралари шаклланади ва улардан чайнов мускуллари ривожланади. Мезодерманинг иккичи жабра ёйи қисмидан юз мускуллари ривожланиб, табақалашып жараёнида аста секин бошга кучади (миграция қиласы).

Мимика мускуллари

Мимика мускуллари юзининг иккала томонида симметрик жойлашган. Уларга хос хусусиятлардан бири шундан иборатки, улар калла сүйкларидан бошланиб терининг ички юзасига келиб бирикади. Мимика мускулларининг асосий вазифаси юзда ҳар хил ҳаракатлар, ғана мимиканы (холатларни) содир қиласы. Булардан ташқари улар оғиз, бурун ва қулоқ атрофидағи ҳаракатларни ҳам амалга оширади.

1. *Калланинг пай ёпқыч мускули* (*m. ericranius*). Бу мускул унча қалин бўлмаган пай тўқимасидан (аппоневроздан) ташкил топган бўлиб, худди қалпоқقا (шлемга) ухшаб, бошни тана томондан қоплаб туради. Пай учлари ён томонга тушиб мускул қоринчаларга айлапади. Энса қоринчаси (*venter occipitales*) энса сұягининг ғадир будуридан бошланиб, пайга (аппоневрозга) утиб кетади. Қисқарғанида аппоневрозни орқага тортади. Анча ривожланган олдинги қисми пешона қоринчаси (*venter frontales*) қош терисидан бошланиб, фиброз пластинкасига туташиб кетади. Қисқарғанида қош кутарилиб, пешонада ажин пайдо булади.

2. *Такаббурлик мускули* (*m. procerus*). Бурун сұягининг пешона сұяғи билан туташган қисмидан бошланиб, қошлар ўртасидаги терига ёпишади.

Функцияси: пешонада күндаланг ажиллар пайдо қилиб, такаб бурлик қиёфасини юзага келтиради.

3. *Күзнинг айланма мускули* (*m. orbicularis oculi*). Күз косаси ва қовоқлар атрофида айланы ҳолатда жойлашган.

Функцияси: қисқарганида қошлар пастта тушади, ёноқ кутарилади. Натижада күз доираси тораяди ёки юмилади. Юқориги киприклар пастта тушади, пасткилари эса юқорига кутарилади. Күз ёши безига таъсир қилиб, ёш чиқишига сабаб бўлади.

4. *Қошни чимирув мускули* (*m. corrugator supercilii*). Икки қошнинг уртасида жойлашади.

Бошланиши: пешона суюгининг бурун қисми ва юқори жағнинг пешона үсиги.

Бирикиши: қошнинг медиал қисмидаги тери.

Функцияси: қисқарганды қошнинг медиал томондаги териси тушиб, қошларни урта чизиққа яқинлаштиради. Натижада эгри ёки вертикал йўналган ажиллар пайдо бўлади.

5. *Юқори лабии кутарувчи мускул* (*m. levator labii superioris*). Учта бошланиш қанотчаларга эга.

Бошланиши: бурун қанотлари, юқориги жағнинг пешона үсиги ва ёноқ суюгининг күз ости чети.

Бирикиши: учала бошчаси бирлашиб, лунж терисига ёпишади.

Функцияси: уларнинг ҳаммаси бараварига қисқарганида лунж ва юқориги лаб кутарилади. Бундай ҳолат кулганда ёки илжайданда кузатилади.

6. *Ёноқнинг катта ва кичик мускуллари* (*m. m. zygomaticus major et minor*).

Бошланиши: ёноқ суюгининг юза қисми, оғиз бурчаги ва унинг юқори қисми.

Функцияси: оғиз бурчагини тортади, лунжни кутараади. Натижада кулиш ҳолати кузатилади.

7. *Кулги мускули* (*m. risorius*). Ингичка ва нозик мускул толачаларидан ташкил топган.

Бошланиши: қулоқ олди бези фасцияси.

Бирикиши: оғиз бурчаги.

Функцияси: қисқарганида оғиз бурчагини икки томонга тортади.

8. *Оғиз бурчагини пастта тортувчи мускул* (*m. depressor anguli oris*).

Бошланиши: пастки жағ суюгининг қирғоги.

Бирикиши: учбурчак шаклида оғиз бурчаги.

Функцияси: оғиз бурчагини пастта тортади, лунжни текислайди. Натижада юзда ташвишли қўполлик аломати пайдо бўлади.

9. *Пастки лабии пастта тортувчи мускул* (*m. depressor labii inferior*) чукур жойлашган мускуллар қаторига киради.

Бошланиши: пастки жағнинг қирғоги.

Бирикиши: пастки лаб.

Функцияси: пастки лабни тубига тортади.

10. *Оғиз бурчагини кутарувчи мускул* (*m. levator anguli oris*).

Юқори жағ суюгининг олдинги юзасидан бошланиб, оғиз бурчагига ёпишади.

Функцияси: оғиз бурчагини юқорига тортади.

11. Энгак мускули (*m. mentalis*).

Бошланиши: пастки жағ сүягидаги курак ва қозиқ тишларининг алвиола қисми.

Бирикиши: ияқ териси.

Функцияси: ияқ терисини юқорига кутаради, пастки лабни ҳам куттаради.

12. Лунж мускули (*m. buccinator*). Оғиз бүшлиғи ён деворларининг мускулини ташкил этади. Иккинчи катта озиқ тишнинг рупарасида, мускулнинг ўргасида қулоқ олди сұлак безининг чиқарув каналчаси очилади.

Бошланиши: пастки ва юқориги жағ сүякларининг озиқ тиш геначалари.

Бирикиши: оғиз бурчаги териси остига ўтиб, оғиз айланы мускулига туташып кетади.

Функцияси: оғиз бурчагини четта тортади, лунжни тишларга қынлаштиради, лунжаларни тишлаб олишидан сақладайди.

13. Оғизнинг айланы мускули (*m. orbicularis oris*). Оғиз атрофи бүйлаб айланы ҳолда жойлашган юқориги ва пастки лаблар мускулини ташкил этади. Қисқарганида лаблар яқынлашади.

14. Бурун мускули (*m. nasalis*). Буруннинг ҳақиқий мускули булиб, бурун қанотларидан юқорида жойлашади. Қисқарганида бурун төғайлари тортилиб, бурун тешиги кенгаяди.

Чайнов мускуллари

Чайнов мускуллари юзнинг ҳар томонида түрттадан бұлиб, битта қабра ёйдан ривожланади. Морфологик жиҳатидан буларнинг қиммаси пастки жағға бирикиб, пастки жағни ҳаракатлантиради, чайнащдек мұраккаб ҳаракатни амалға оширади.

1. Чайнов мускули (*m. masseter*).

Бошланиши: ёноқ сүягининг пастки қирраси ва ёноқ равоги.

Бирикиши: пастки жағ сүягининг төжсімін үсімтаси.

Қисқариши: юқориги ва пастки жағлар бир-бирига тегиб тишларни тишларга зичлаштиради.

2. Чакка мускули (*m. temporalis*). Ёноқ сүягининг ёй қисмидан бошланиб, елиғиң шаклида пастта қараб йұналади ва пастки жағ сүягининг төжсімін үсімтасига туташади.

Функцияси: овқат чайнаганда шу мускул қимирлаб туради.

3. Латерал қанотсімін мускул (*m. pterygoideus lateralis*).

Бошланиши: понасімін сүяги катта қанотининг пастки юзаси ва понасімін үсіғи.

Бирикиши: пастки жағ сүягининг бүғин үсіғининг бүйни.

Функцияси: чайнаш жараёнида жағларни четта тортади.

4. Медиал қанотсімін мускул (*m. pterygoideus medialis*). Қанотсімін үсіғининг юзасыдан бошланиб, пастки жағ медиал бурчаги юзасига бирикади. Чайнов мускулига симметрик ҳолда жойлашади.

Функцияси: чайнав мускули функциясында үхшаш.

Құл мускуллари құл эркін сүякларининг тана билан мұстақам болғаб тушиб-курак бүгінини шаклантиради. Унинг мұстагтамлигиниң юқорида күриб үтилған тана қысмидан бошланувчи мұкуллар таъминлайды. Буларга трапециясимон, күкракнинг қандағы мұскуллари, ромбсимон, олдинги тиішсимон ва кураннинг юқориға күтарувчи мұскуллар киради. Булардан ташқары, олжын камарида елка бүгінининг ҳаракати ва мустақамлигини бекеси таъминлайдыған мұскуллар ҳам жойлашты. Уларға дельтасимон, курак қирра усти мұскули, курак қирра ости, кичик дұмалоқ мұскуллары киради (46-расм).

Елка камари мұскуллари

1. *Дельтасимон мұскул* (*m. deltoideus*). Иккала елкага дұмалоқ шақл беріб туратын мұскул. Елка бүгіниниң юқоридағы ташқарынан қоплады.

Бошлиниши: курак сүягыннинг акромиалдық учи, куракнинг акромиалдық үсімтаси ва юқориғи қирраси.

Бирикиши: елка сүягыннинг дельтасимон ғадир будурлиги.

Функцияси: мұскулларнинг ҳаммаси бараварига қисқарғанида елка ташқарынан тортилиб, жойидан узоқлашады. Фақат олдинги қисмі қисқарғанида елка олдинға, орқа қисмі қисқарғанида эса орқага тортилады.


2. *Курак қирра усти мұскули* (*m. supraspinalis*).

Бошлиниши: курак қирраси устидаги чүқурча.

Бирикиши: елка сүягыннинг катта дұмбоғи.

Функцияси: қисқарғанида құлни гавдадан узоқлаштырады, дельтасимон мұскулдарының синергисти ҳисобланады.

3. *Курак қирра ости мұскули* (*m. infraspinalis*).



46-расм. Елка камари ва елка мұскуллары.

1 - күкракнинг катта мұскули (кесилгән); 2 - түмшүқсімоп үсік - елка мұскул; 3 - курак ости мұскул; 4 - катта дұмалоқ мұскул; 5 - орқа кеңгі мұскулларнан бір қисмі; 6 - дельтасимон мұскул; 7 - елканың үч бошли мұскули; 8 - иккі бошли мұскул; 9 - елка мұскул; 10 - дұмалоқ пронатор; 11 - иккі бошли мұскул пайты.

Бошланиши: курак қирраси остидаги чүкүрча.

Бирикиши: елка сугарганинг катта бўртиги.

Функцияси: қисқарганида елкани ташқи томонга буради.

4. Кичик думалоқ мускул (*m. teres minor*).

Бошланиши: курак орқа юзасининг ташқи чети.

Бирикиши: Елка сугарганинг катта дўмбоги.

Функцияси: қисқарганида елкани ташқи томонга қараб буради.

5. Катта думалоқ мускул (*m. teres major*).

Бошланиши: курак орқа юзасининг пастки бурчаги.

Бирикиши: орқанинг кенг мускули билан биргалиқда, елка сугарганида кичик бўртигининг қиррасига бириқади.

Функцияси: мускул қисқарганида елка орқага тортилади ва ички томонга бурилади.

6. Курак ости мускули (*m. subscapularis*).

Бошланиши: куракнинг қовурғага қараган юзаси.

Бирикиши: елка сугарганинг кичик дўмбоги.

Функцияси: қисқарганида елкани ичкарига буради.

Кўл эркин суюкларининг мускуллари

Елка мускуллари

Елка мускуллари узун мускуллар қаторига кириб, олдинги ва орқа гуруҳлардан ташкил топади. Мускулларнинг олдинги гуруҳи қисқарганида елка ва тирсак бўғинлари эгилади, орқа гуруҳи қисқарганида эса улар ёзилади (46-расм).

Елканинг олдинги гуруҳ мускуллари.

1. Тумшуқсимон елка мускули (*m. coracobrachialis*).

Бошланиши: Курекнинг тумшуқсимон ўсимтаси.

Бирикиши: елка сугарганинг олдинги юзаси.

Функцияси: елкани кўтаратди.

2. Елканинг икки бошли мускули (*m. biceps brachii*).

Бошланиши: узун боши курак сугарганинг бўғим бошидаги ғадир-буудур, калта боши, курекнинг тумшуқсимон ўсимтаси.

Бирикиши: иккаласи битта бўлиб билак сугарганинг ғадир-буудур ва билак фасцияси.

Функцияси: билакни букади ва ташқарига буради.

3. Елка мускули (*m. brachialis*).

Бошланиши: елка сугарганинг олдинги юзаси.

Бирикиши: тирсак сугаги ғадир-буудур қисми.

Елканинг орқа гуруҳ мускуллари.

1. Елканинг уч бошли мускули (*m. triceps brachii*). Елканинг орқа монидаги жойлашган. Учта бошчага эга бўлиб, уч хил жойдан бошланади.

Бошланиши: узун бошчаси курекнинг бўғим ости бўртиги. Ички ташқи бошчалари елка сугарганинг орқа юзаси. Бирикиши: тирсак сугарганинг тирсак ўсимтаси.

Функцияси: қисқарганида билак ёзилади.

Билак мускуллари

Билак мускуллари унинг олдинги ва орқа томонларида жойлашиб, ҳар бири ўз навбатида юза ва чуқур қаватда жойлашган мускулларга бўлинади.

Билакнинг олдинги юза қават мускуллари.

1. *Думалоқ пранатор мускул* (*m. pronator teres*).

Бошланиши: елка суюгининг медиал ғадир-будур тепачаси.

Бирикиши: билак суюгининг латерал қирраси.

Функцияси: билак билан туташган бармоқларни ичкарига бурди ва буқади.

2. *Қўл панжасини букувчи билак мускули* (*m. flexor capri radialis*) эгри ҳолда жойлашади.

Бошланиши: елка суюгининг медиал ғадир-будур тепачаси, медиал томондаги мускулларро фасцияси.

Бирикиши: иккинчи кафт суюгининг асоси.

Функцияси: қўл панжасини буқади ва уни билак билан бирга ичкарига айлантиради.

3. *Кафтнинг узун мускули* (*m. palmaris longus*). Қўл панжасини букувчи мускул бошланадиган жойдан бошланади. Кафт пай пластинкасига ёпишади.

Функцияси: кафтни буқади.

4. *Қўл панжасини букувчи тирсак мускули* (*m. flexor capri ulnaris*). Юза қаватнинг энг ичкарисида жойлашади.

Бошланиши: унинг иккита бошчаси бўлиб, биринчиси елка суюгининг ички томонидаги бўғим ғадир-будури ва билак фасцияси, иккинчиси эса тирсак суюгининг тирсак ўсимтаси ва унинг орқа чети

Бирикиши: нўхатсимон суяк.

Функцияси: қўл панжасини буқади.

5. *Панжани букувчи юза мускул* (*m. flexor digitorum superficialis*). Ўқорида айтилган мускуллардан орқароқда жойлашади.

Бошланиши: елка суюгининг ички томонидаги бўғин ғадир-буаури, тирсак ва билак суякларининг олдинги юзаси.

Бирикиши: мускулдан тўртта пай чиқиб II-III-IV ва V бармоқ бўғинларига бирлашади.

Функцияси: бармоқлар ва қўл панжасини буқади.

Билакнинг олдинги чуқур қават мускуллари.

1. *Бош бармоқни букувчи узун мускул* (*m. flexor pollicis longus*). Бармоқларни букувчи мускулларидан четроқда жойлашади.

Бошланиши: билак суюгининг олдинги юзаси, елка суюгининги ички бўғим усти.

Бирикиши: бош бармоқ, бўғини.

Функцияси: Бош бармоқни буқади.

2. *Бармоқларни букувчи чуқур мускул* (*m. flexor digitorum profundus*).

Бошланиши: Тирсак суюгининг олдинги юзаси, билак суюгининг суяклараро пардаси.

Бирикиши: бу мускул ўзидан тўртта ингичка пай чиқариб II, III,

IV ва **V** бармоқларнинг асосига туташади.

Функцияси: қисқарганида бармоқлар ва панжани буқади.

3. Квадрат пронатор мускули (m. pronator quadratus). Билак-ниңг пастки қисмида жойлашади.

Бошланиши: тирсак суюгининг кафт юзаси.

Бирикиши: билак суюгининг кафт юзаси.

Функцияси: билак суюгини ичкарига айлантиради.

Билакнинг орқа юза қават мускуллари.

1. Панжани ёзагиган узун билак мускули (m. extensor carpi ulnaris longus).

Бошланиши: елка суюгининг латерал ғадир-будур тепачаси, билак суюгининг латерал чети.

Бирикиши: иккинчи кафт суюгининг орқа юзаси.

Функцияси: панжани ёзади, кўлни танадан узоқлаштиради.

2. Панжани ёзувчи калта билак мускули (m. extensor carpi ulnaris brevis).

Бошланиши: елка суюгининг ташқи томондаги бўғин дўнги усти на билак суюклар фасцияси.

Бирикиши: учинчи кафт суюгининг асоси.

Функцияси: қисқарганида қўл панжасини ёзади.

3. Панжани ёзагиган тирсак мускули (m. extensor carpi ulnaris).

Бошланиши: елка суюгининг ғадир-будур дўмбоқчаси, тирсак суюгининг орқа сатҳи.

Бирикиши: бешинчи кафт суюги.

Функцияси: панжани тирсак томонга тортиб ёзади.

Билакнинг орқа чуқур қават мускуллари.

1. Супинация қилувчи мускул (m. supinator) елка суюгининг орқа томонида жойлашади.

Бошланиши: елка суюгини ташқи томонидаги бўғин дўнги, тирсак суюгининг маҳсус қирраси.

Бирикиши: билак суюгини ўраган ҳолда кафт ва унинг ташқи юзасига ёпишади.

Функцияси: қисқарганда қўл панжани ташқи томонга қараб айлантиради.

2. Бош бармоқни олиб қочувчи узун мускул (m. abductor pollicis longus).

Бошланиши: билак ва тирсак суюкларининг орқа юзаси ва билак суюгининг суюклараро пардаси.

Бирикиши: бош бармоқнинг асос қисми.

Функцияси: қисқарганида катта бармоқни қўл панжа бармоқларидан узоқлаштиради.

3. Бош бармоқни ёзагиган калта мускул (m. extensor pollicis brevis).

Бошланиши: билак ва тирсак суюкларининг орқа юзаси ва суюклараро парда (юқориги мускулга ухшаб).

Бирикиши: бош бармоқнинг кафтга яқин бўғин асоси.

Функцияси: катта бармоқни ёзади, орқага тортади.

4. Катта бармоқни ёзувчи узун мускул (*m. extensor pollicis longus*). Бош бармоқ мускулларининг энг узуни ҳисобланади.

Бошланиши: тирсак суюгининг орқа юзаси ва суюклараро пар.

Бирикиши: бош бармоқни юқоридагига ухшаб, орқага торти.

5. Кўрсаткич бармоқни ёзадиган мускул (*m. extensor indicis*).

Бошланиши: тирсак суюгининг орқа юзаси ва суюклараро пар.

Бирикиши: бармоқларни ёзадиган умумий мускул пайи.

Функцияси: қисқарганда кўрсаткич бармоқ ёзилади.


Панжа мускуллари

Панжа мускулларига бармоқларни ҳаракатга келтирувчи калта мускуллардан ташкил топган ҳақиқий панжа мускуллари киради (47-расм). Қўл панжасининг катта бармоқ қисмида кафт мускуларидан ҳосил бўлган

дўнглик мавжуд. Бу дўмбоқни бош бармоқни узоқлаштирувчи мускул, бош бармоқни букувчи калта мускул, бош бармоқни бошқа бармоқларга қарши йўналтирувчи мускул ва бош бармоқни яқинлаштирувчи мускуллар ташкил қиласди. Бош бармоқни ҳаракатлантиришда: 2 та букувчи ва 2 та ёзувчи, 2 та узоқлаштирувчи ва 1 та яқинлаштирувчи ва 1 та қарши йўналтирувчи мускуллар гурӯҳи иштирок этади.

Қўл панжасининг ички томонида жимжилок, яъни бешинчи бармоқни ҳаракатга келтирувчи мускуллар жойлашган булиб, улардан жимжилокни панжадан узоқлаштирувчи калта мускул, букувчи калта мускул ва бошқа бармоқларга қарши қуювчи майдат мускуллардан жимжилок дўнги шаклланади.

Кафтнинг уртасида бармоқларни ҳаракатлантиришда иштирок этади-



47-расм. Панжа мускуллари.

1 - бош бармоқни узоқлаштирувчи мускул; 2 - бош бармоқни букувчи калта мускул; 3 - бош бармоқни яқинлаштирувчи мускул; 4 - бармоқларни букувчи мускулларнинг пайи; 5 - жимжилокни узоқлаштирувчи калта мускул; 6 - жимжилокни бурувчи калта мускул; 7 - жимжилокни рубарў қилувчи мускул; 8 - чувалчансимон мускуллар.

мийда ва ингичка тузилган мускуллар учрайди. Буларга түрттә Шинчангсимон, 7 та кафт сүяклараро мускуллар кириб, уларнинг панжанинг орқа ва учтаси кафт томонида жойлашади. Улар шимча букувчи ва ёзувчи мускуллар бўлиб, II, III ва IV- бармоқ-харни ҳаракатлантиради.

Панжа бармоқлари организмда энг кўп ва ҳар хил ҳаракатни ошириб туради. Шунинг учун унда ҳар хил катта кичиклик ишонлиқдаги пайли мускуллар кўплаб учрайди. Пайлар, мускулларни сүякларга туташтириб туришидан ташқари мускуллар ҳарни натижасида содир буладиган ишқаланиш ва синовиал қиннинг ҳосил бўлишида ҳам бевосита иштирок этади. Масалан, панжаси ва бармоқларни букувчи ва ёзадиган барча мускулларни пайи энг кўп ишқаланиш содир бўладиган жойида кафт сүяклари соҳасида ўзига хос синовиал қинлар ҳосил қиласди. Бундай қиннинг олтитаси панжа орқа томонида, иккласи эса кафт томонида жойлашган. Булардан ташқари синовиал қинлар кафт ва бармоқлар пайида ҳам мавжуд.

Кўл панжасидаги синовиал қинлар ўзига хос пайдан ташкил топган ёруғсимон халтача шаклига эга бўлади. Яъни улар ташқи ички деворларга эга бўлиб, бутун пай буйлаб туташиб кетган. Ўзилиқ ичидағи синовиал суюқлик мускулларнинг сүякларга бинеккан жойларида эркин ҳаракатни таъминлайди.

ОЁҚ МУСКУЛЛАРИ

Оёқ мускуллари таянч ва юриш-туриш каби ҳаракатларни таъминлайдиган кучли мускуллар системасидан ташкил топган. Уларни қисқариши натижасида чаноқ суюги билан сон суюги ўртасида жойлашган бўғин атрофида турли ҳаракатлар содир бўлади, гиза бўғини ҳам ҳаракатта келади.

Юқорида курсатиб утилгандек, чаноқ-сон сүяклари ўртасида бўғин бўлиб, унинг учта тик ўқи атрофида қуидаги ҳаракатлар имолга ошади: кўндаланг ўқ, атрофидаги ҳаракат туфайли сон бўйлади ва ёзилади, сагитал ўқ атрофидаги ҳаракат натижасида оёқ танага яқинлашади ва узоқлашади ва тик ўқ атрофидаги ҳаракатдан эса оёқ ички ва ташқи томонга бурилади Чаноқ ва сон бўғинини ҳаракатта келтирувчи мускуллар чаноқ суюги ва ҳатто ундан ҳам юқорироқда жойлашган умуртқаларидан бошланиб, сон уягига бирикади.

Оёқ мускуллари чаноқ, сон, болдири ва оёқ панжа мускулларига бўлиб ўрганилади.

Чаноқ мускуллари

Чаноқ суюги билан тана ўртасида ҳаракат деярли бўлмаслиги сабабли, чаноқ-сон бўғинига тегишли мускуллар олдинги ва орқа турор, мускулларига бўлиб ўрганилади.

1. *Олдинги гуруд ёнбош бел мускули (m. iliopsoas).* Сонни бу-

кувчи энг кучли мускул бўлиб, икки бошли мускулларга киради. Катта бошчаси кўқракнинг XII умуртқасидан белнинг V умуртқа сигача бўлган оралиқда, умуртқалар танасининг ён юзасидан бошланади. Иккинчи ёнбош бошчаси эса, ёнбош суягининг ёнбош чу қурчасидан бошланади ва белнинг катта мускули билан биргаликда тос билан сон суяклари ўргасида жойлашган бутин олдида улар нинг бошлари ўзаро бирлашиб, сон суягининг катта кустига ёпишади. Функцияси: сонни букади.

2. *Орқа гуруҳ мускуллари*. Катта думба мускули (*m. gluteus maximus*) энг кучли йўғон мускуллар қаторига киради.

Бошланиши: ёнбош суяги орқа қисмининг ташқи юзаси, думгаза ва дум суягининг орқаси ва суякларни бир-бири билан туташтирувчи пайлар.

Бирикиши: сон суягининг ғадир-будур қисми.

Функцияси: қисқарганида сонни ёзади, уни орқага тортади.

3. *Думбанинг ўрта мускули* (*m. gluteus medius*). Ташқи томондаги думба катта мускули остида жойлашади.

Бошланиши: кенгайган ҳолда ёнбош суягининг ташқи юзаси.

Бирикиши: сон суягининг катта кўсти.

Функцияси: қисқаргандан сонни четта тортади. Олдинги тутамлари уни ичкарига буради, оёқ тўғри турганида чаноқни ташқари га буради.

4. *Думбанинг кичик мускули* (*m. gluteus minimis*). Чаноқнинг ташқи мускуллари гуруҳига киради. Думбанинг ўрта мускули билан қопланиб туради.

Бошланиши: ёнбош суяк ташқи юзасининг пастки қисми.

Бирикиши: сон суягининг катта кўсти.

Функцияси: қисқарганида сон суягини танадан узоқлаштира.

5. *Сонни сербар фасциясини таранглаштирувчи мускул* (*m. tensor fasciae latae*).

Бошланиши: ёнбош суягининг олдинги тепа ўткир ўсиги.

Бирикиши: соннинг сербар фасцияси.

Функцияси: қисқаргандан сербар фасцияни таранглаштиради.

6. *Ноксимон мускул* (*m. piriformis*).

Бошланиши: думгазанинг олдинги иккинчи-бешинчи тешикларидан чиқиб, думгазанинг чаноқ томондаги юзаси ва қўймич суягининг катта тешиги орқали чаноқ бўшлиғидан чиқади.

Бирикиши: сон суягининг катта кўсти.

Функцияси: қисқаргандан сон суягини ташқарига бироз буради.

7. *Ички ёпқич мускул* (*m. obturatorius internus*).

Бошланиши: чаноқ ёпқич пардасининг ички юзаси, ёнбош суягининг ёпқич тешиги атрофи кичик қўймич тешиги орқали ташқарига чиқади.

Бирикиши: сон суягининг катта кўсти.

Функцияси: сонни ташқарига буради.

8. *Соннинг тўрт бурчакли мускули* (*m. quadratus femoris*).

Бошланиши: қўймич дўмбоги.

Бирикиши: сон суягининг кўстлараро ғадир-будур қисми.

Функцияси: сонни ташқарига тортади ва ташқарига буради.

9. Ташқи ёпқич мускул (*m. obturatorius extimus*).

Бошланиши: чаноқ, суюгининг ташқи юзаси, ёпқич тешик ва унинг мембранаси.

Бирикиши: сон суюгининг катта куст чуқурчасига ёпишади.

Функцияси: сонни ташқарига буради.

Сон мускуллари.

Сон мускуллари олдинги, медиал ва орқа мускул гурухларга ажратилади (48-расм).

Олдинги гурух мускуллари.

1. Тўрт бошли мускул (*m. quadriceps femoris*). Соннинг олдинги қисмида жойлашган асосий мускуллардан. Бу мускул тўрт бошчага эга бўлиб, ҳар биро алоҳида мускул ҳисобланиб ўз номларига эга:

a) **Соннинг тўғри мускули** (*m. rectus femoris*).

Бошланиши: ёнбош суюгининг олдинги томон пастки ўсиғи;

b) **Латерал томондаги сербар мускул** (*m. vastus lateralis*).

Бошланиши: сон катта кусти;


c) **Медиал томондаги сербар мускул** (*m. vastus medialis*). Сон суюги ғадир-будур чизигининг медиал лаби.

d) **Ўрта сербар мускул** (*m. vastus intermedius*).

Бошланиши: сон суюгининг олдинги юзаси. Тўрт бошли мускул йигилиб, битта кучли пайга айланниб, тизза қопқоғи суюгини үрайди ва пастроққа тушиб, катта болдир суюгининг ғадир-будур дўмбогига туташади.

Функцияси: тўртбошли мускул кучли мускуллар қаторига кириб, қисқарганида болдир тизза бўғинини ёзади. Соннинг тўғри мускули чаноқ-сон бўғинидан юқорироқда жойлашганлиги сабабли сонни букади.

2. **Тикувчилар мускулу** (*m. sartorius*)



48-расм. Чаноқ ва сон мускуллари.

1 - мароқсимон мускул; 2 - соннинг тўғри мускули; 3 - медиал кенг мускул; 4 - ноксимон мускул; 5 - сумбанинг катта мускули; 6 - яқинлаштирувчи узун мускул; 7 - яқинлаштирувчи катта мускул; 8 - нозик мускул; 9 - тикувчи мускул.

torius). Одам танасидаги энг узун мускул, соннинг олдинги ички томонида жойлашади.

Бошланиши: ёнбош суягининг олдинги томон юқориги ўсиғи.

Бирикиши: катта болдир суягининг ғадир-будур дўмбоги.

Функцияси: болдирни буқади.

Медиал гуруҳ мускуллари.

Медиал гуруҳга кирувчи мускулларнинг деярли ҳаммаси қов ва қўймич суякларидан бошланиб, сон суягига келиб бирикади ган мускуллардир.

1. Тароқсимон мускул (*m. pectenaeus*).

Бошланиши: қов суягининг утқир қирраси.

Бирикиши: шу суякнинг қиррали чизиги.

Функцияси: сон суягини буқади ва танага яқинлаштиради.

2. Нозик (ингичка) мускул (*m. gracilis*). Соннинг медиал томонида жойлашган.

Бошланиши: қов суягининг пастки шохчаси.

Бирикиши: катта болдир суяги дўмбогининг ғадир-будур қисми.

Функцияси: қисқарганда сон суягини танага яқинлаштиради ва тизза бўғинини буқади.

3. Сонни яқинлаштирувчи узун мускул (*m. adductor longus*)

Бошланиши: қов суягининг юқориги шохчаси.

Бирикиши: сон суяги ғадир-будур чизифининг ички томони.

Функцияси: қисқарганда сон суягини ўрта чизикқа яқинлаштиради ва буқади.

4. Сонни яқинлаштирувчи калта мускул (*m. adductor brevis*).

Юқорида келтирилган мускулларнинг орқароғида жойлашади.

Бошланиши: қов суягининг юқориги қисми.

Бирикиши: сон суяги ғадир-будур чизифининг устки қисми.

Функцияси: қисқарганда сон суягини ўрта чизикқа яқинлаштиради ва уни буқади.

**5. Сонни яқинлаштирувчи катта мускул (*m. adductor magnus*),
сонни яқинлаштирувчи мускуллар ичидаги энг каттаси ҳисобланади.**

Бошланиши: қўймич суягининг пастки қисми ва буртифи.

Бирикиши: сон суягининг ички бўғин дунги ва ғадир-будур чизиги.

Функцияси: қисқарганда сон суягини танага яқинлаштиради.

Орқа гуруҳ мускуллари.

1. Соннинг икки бошли мускули (*m. biceps femoris*). Калта ва узун бошчасига эга.

Бошланиши: калта бошчаси сон суяги ғадир-будур чизифининг ташқи томони, узун бошчаси қўймич дўмбогчасидан бошланиб, иккала бошчаси қўшилиб, битта мускул қоринчаси ва пайини ҳосил қилиб, кичик болдир суягининг бошчасига ёпишади.

Функцияси: қисқарганида болдирни ташқарига буриб, уни буқади ва сон суягини ёзади.

2. Ярим пай мускул (*m. semitendinosus*). Мускулнинг пастки учун пайдан ташкил топғанлиги учун шундай ном билан аталади.

Бошланиши: чаноқ суягининг қўймич буртифи. Шу буртиқдан

шаб узун пай билан туташиб кетади.

Бирлашиши: катта болдир суяги буртигининг ички юзаси. Бу нозик ва тикувчилар мускули билан қушилиб, биргаликда панжасини шакллантиради.

Функцияси: қисқарганда болдирни ичкари томонга айлантирали, букади ва сон суягини ёzáди.

3. Ярим пардали мускул (*m. semitendinosus*). Ярим пай мускули остида жойлашиб, ярим пардада ташкил топган.

Бошланиши: ясси узун пай шаклида қўймич буртиги.

Бирикиши: катта болдир суягининг ички томонида жойлашган бўғин дўнги.

Функцияси: орқа гурухга кирган бошқа мускуллар билан биргаликда болдирни букади ва сонни ёzáди.

Болдир мускуллари.

Болдир мускуллари сон мускулларига ўҳшаб, тананинг вертикал ҳолатда туриши ва оёқ, панжаларини ҳаракатта келтириш каби вазифаларни бажаришга мослашган. Кўпчилик болдир мускуллари сон мускуллари билан келишган ҳолда қисқариб бушашади. Улар уч гурухга бўлиб ўрганилади. Булар олдинги, орқа ва латерал гурух мускулларидир (49-расм).

Олдинги гурух.

1. Олдинги катта болдир мускули (*m. tibiaeis anterior*).


Бошланиши: катта болдир суягининг латерал юзаси ва латерал дўнги. Мускул пайи пастга йуналиб, оёқ панжасига ўтади.

Бирикиши: биринчи понасимон суяк ва биринчи оёқ, кафт суяги.

Функцияси: мускул қисқарганда оёқ, панжасини ёzáди, супинация, яъни ташки томонга қараб буради.

2. Бармоқларни ёзадиган узун мускул (*m. extensor digitorum longus*).

Бошланиши: катта болдир суягининг латерал дўнги, кичик болдир суягининг бошчаси ва олдинги қирраси, суяклараро қирра.



49-расм. Болдир мускулларининг орқадан куриниши.

1 - товон мускули; 2 - кичик болдир суягининг бошчаси; 3 - болдир мускули; 4 - колбасимон мускул; 5 - кичик болдирнинг узун мускули; 6 - латерал пўтиқ; 7 - товон пайи.

Бирикиши: бу мускул танасидан чиқдан умумий пай, ўзидан 4 мустақил пайлар чиқарип, улар II-III-IV ва V бармоқларнинг иккинчи ва учинчи бўғинларига ёпишади. Қизиги шундаки, бу мускулнинг латерал томонидан алоҳида мускул тутамлари ажрали чиқиб, бешинчи пайни ҳосил қиласи ва V кафт суюгига ёпишади. Бу мускуллар тутамига *m. peroneus fibularis tertius* номи берилганди. Олимлар бу мускулни одамнинг тик юришига, ҳаракатига мослашиши натижасида янгидан табақаланган (бундай мускул маймунларда учрамайди) мускул деб ҳисоблайдилар (Привес).

Функцияси: қисқарганда ҳамма бармоқлар ёзилади ва проприация амалга ошади.

3. Бош бармоқни ёзагиган узун мускул (*m. extensor hallucis longus*) юқорида айтиб ўтилган икки мускулдан чукурроқда жойлашади.

Бошланиши: кичик болдирип суюгининг медиал юзаси.

Бирикиши: бош бармоқ тирноқнинг бўғими.

Функцияси: қисқарганда бош бармоқ ва панжани ёзади, супензация, яъни бош бармоқни ташки томонга буради.

Орқа гуруҳ мускуллари.

Орқа гуруҳ мускуллари яхши ривожланган кучли мускуллар бўлиб юза ва чукур қаватлардан ташкил топган. Юза қаватида болдирини уч бошли ва товон мускуллари жойлашади, чукур қаватида эса тиззости мускули, бармоқларни букувчи узун мускул, катта болдирип орқа мускули ва бош бармоқни букувчи узун мускуллар жойлашади.

Юза қават.

1. Болдирини уч бошли мускули (*m. triceps surae*). Болдирип мускули ва камбаласимон мускуллардан ташкил топган. Уч бошли мускул анча катта бўлиб, болдирга хос шакл беради.

а. Болдирип мускули (*m. gastrocnemius*). Икки бошли мускул.

Бошланиши: катта болдирип суюгининг медиал ва латерал дунусиклари.

Бирикиши: болдирип ва камбаласимон мускулларнинг пайлари қўшилиб, битта умумий товон пайи ҳосил қиласи ва товон суюгига бўртиғига келиб ёпишади. Функцияси: оёқ панжасини букади.

б. Камбаласимон мускул (*m. soleus*). Чукур қаватида жойлашади.

Бошланиши: кичик болдирип суюгининг тепа қисми.

Бирикиши: унинг пайи болдирип мускули пайига қўшилиб, товои суюгига ёпишади.

Функцияси: оёқ панжасини букади.

2. Товон (оёқ кафти) мускули (*m. plantaris*).

Бошланиши: сон суюгининг ташки томонида жойлашган бўғии дўнгининг устки қисми.

Бирикиши: Товои суюги думбоқчаси.

Функцияси: тизза ҳаракати пайтида бўғин капсуласини тортади.

Чукур қават.

1. Бармоқларни букувчи узун мускул (*m. flexor digitorum longus*, Чукур жойлашган мускуллар ичида энг медиал ҳолатда жойлашган мускул.

Бошланиши: катта болдир сүяк орқа юзаси. Мускул пайи чап икк, орқасидан ўтиб, тўртта пайчалар ҳосил қиласди.

Бирикиши: II-V дистал фалангларга ёпишади.

Функцияси: оёқ панжаси ва II-V бармоқларни букади.

2. Катта болдир орқа мускули (*m. tibialis posterior*). Болдир ўнклари орасида жойлашади.

Бошланиши: болдир сүякларро мембрана.

Бирикиши: қайиқсимон сүяк бўртифи, понасимон сүякларнинг ўмласига келиб ёпишади.

Функцияси: қисқарганда оёқ панжасини букади ва уни супинацияни, яъни ташқи томонга қараб букади.

3. Бош бармоқни букувчи узун мускул (*m. flexor pollicis longus*).

Бошланиши: кичик болдир сүягининг орқа юзаси.

Бирикиши: мускул пайи ички тўпикдан ўтиб, бош бармоқ тирник бўғимининг асосига келиб ёпишади.

Функцияси: қисқарганда бош бармоқни букади ва пронация, яъни ичкарига қараб букади.

Латерал гуруҳи.

1. Кичик болдириларнинг узун мускули (*m. peroneus longus*). Юзада йлашган.

Бошланиши: кичик болдир сүягининг бошчаси.

Бирикиши: бош бармоқ кафт юзаси.

Функцияси: Оёқ панжаси ва бош бармоқни букади.

2. Кичик болдириларнинг калта мускули (*m. peroneus brevis*).

Бошланиши: кичик болдир сүягининг ташқи юзаси ва мускулларро тўсиқлар.

Бирикиши: V кафт сүягининг бўртифига ёпишади.

Функцияси: қисқарганида оёқ панжасини букади, пронация, яъни ташқари томонга қараб буради, узоқлаштиради.

Оёқ панжасининг мускуллари

Оёқнинг панжа мускуллари оёқ бармоқларини қўлга ўхшаб ёркин ҳаракат қиласлик даражада ёзиб берадиган. Оёқ панжаларини ёзиб бериш, айрим болдир сүякларидан ташқари, панжаларнинг ҳақиқий мускуллари иштирокида амалга ошади. Буларга оёқ панжасининг устки ва орқа томонида жойлашган ёзадиган ва бармоқни букувчи калта мускуллар киради.

1. Бармоқларни ёзадиган калта мускул (*m. extensor digitorum brevis*).

Бошланиши: товоң сүягининг олдинги юқориги ва ташқи юзаси.

Бирикиши: II, III ва IV бармоқ ёзадиган мускул пайлари билан биргаликда, урта ва дистал бўғинларга ёпишади.

Функцияси: қисқарганида бармоқлар ёзилади.

2. Бош бармоқни ёзадиган калта мускул (*m. extensor pollicis brevis*).

Бошланиши: товоң суяги.

Бирикиши: бош бармоқ, асоси.

Функцияси: бош бармоқни ёзади.

Оёқ кафтининг мускуллари медиал, латерал ва ўрта гурӯжларі бўлиниди.

Медиал гуруҳ мускуллари.

1. Бош бармоқни букувчи калта мускул (*m. flexor hallucis brevis*).
Бошланиши: медиал понасимон суяк.

Бирикиши: бош бармоқнинг биринчи фалангаси.

Функцияси: бош бармоқни букади.

2. Бош бармоқни яқинлаштирувчи мускул (*m. adductor hallucis*).
Бошланиши: куб суяк, II, III, IV кафт сүяклари асоси, латерал понасимон суяк.

Бирикиши: бош бармоқнинг латерал юзаси. Бу мускул кундан ланг ва қийитик бошчаларига эга.

Функцияси: қисқарганда бош бармоқни бошқа бармоқларни яқинлаштиради.

Латерал гуруҳ мускуллари.

1. Жимжилоқни узоқлаштирувчи мускул (*m. abductor digiti minimi*).
Бошланиши: товоң суюгининг пастки юзаси.

Бирикиши: жимжилоқнинг биринчи фалангаси.
Функцияси: жимжилоқни четта тортади.

2. Жимжилоқни букувчи калта мускул (*m. flexor digiti minimi brevis*).
Бошланиши: бешинчи кафт суяги.

Бирикиши: жимжилоқнинг биринчи фалангаси.
Функцияси: жимжилоқни букади.

Ўрта гуруҳ мускуллари.

1. Бармоқларни букувчи калта мускул (*m. flexor digitorum brevis*).
Бошланиши: товоң суюгининг медиал ўсиги.

Бирикиши: II-V бармоқларнинг иккинчи фалангаси. Мускул нинг тўртта қоринчаси бўлиб, улар тўртта пайга уланади.
Функцияси: бармоқларни букади.

2. Оёқ кафтининг квадрат мускули (*m. quadratus plantae*). Икк бошли бўлиб, товоң суюгидан бошланади.

Бирикиши: бармоқларни букувчи мускул пайи. Қисқарганда бармоқларни букади.

3. Оёқ панжасининг чувалчангисимон мускули (*m. lumbricales*). Тўртта пайга уланган бўлиб, бармоқларни букувчи узун мускулда бошланади.

Бирикиши: II-V проксимал фалангаларнинг медиал чети.

Функцияси: фалангаларни букади.

4. Суяклараро мускуллар (*m. interossei*). Оёқ панжасининг орқ томонида чуқур жойлашган мускулларга киради. Кафт сүяклари оралиғида жойлашади.

Функцияси: чегараланган ҳолда бармоқларни ёзади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Мускулар тана оғирлигшининг неча фоизини ташкил қила-
чи?
2. Скелет мускуларининг ёрдамчи аппаратлари.
3. Синергист ва антагонист мускуллар.
4. Мускулар қисқарувчи элементларининг тузилиши.
5. Мускуларнинг микроскопик тузилишига қараб фарқла-
ниши.
6. Бир, икки, уч ва тўрт бошли мускуллар.
7. Одам гавдасининг статикаси ва динамикаси.
8. Гавда мускулларига қайси мускуллар киради?
9. Елка камари мускуллари.
10. Билак ва қўл-панжа мускуллари.
11. Чаноқ мускуллари.
12. Соң мускуллари.
13. Болдир ва оёқ-панжа мускуллари.


ИЧКИ АЪЗОЛА (СПЛАНХНОЛОГИЯ)

Тана ички бүшликлариға күз, буйин, күкрак, қорин ва чано бүшликлари кириб, уларда турли ички аъзолар жойлашади. Ички аъзолар атамаси кенг маънони англатади, уларга мускуллар, сүзилиар, томирлар, нервлар, сезув аъзолари, ички секреция безлари киради. Уларнинг кўпчилиги ички тана бўшликларида жойлашиб, ҳад бири ўзига хос физиологик функцияларига эга. Лекин, анатомияд ички аъзолар деганда, овқат ҳазм қилиш, нафас олиш, сийдик и таносил аъзолар тизими кўзда тутилади. Улар алоҳида үрганилади. Булар асосан кўкрак, қорин ва чаноқ бўшликларида жойлашади. Буларнинг функциялари бир-бири билан боғлиқ ҳолда бўлгани сабабли умумийлаштирилиб, алоҳида тизимга ажратиб үрганилади.

Овқат ҳазм қилиш тизимида истеъмол қилинган овқатлар парчаланиб, тана учун кераклилари қон ва лимфага сурилади, парчаланиш натижасида ҳосил бўлган қодиклари танадан ташқари чиқарилади. Нафас олиш тизими ташқаридан кислородни қабуқилиб, организмни таъминлаб туради. Газ алмашиниш жараёни ҳосил бўлган CO_2 ни ташқарига чиқаради. Сийдик ишлаб берувч аъзолар орқали чиқинди моддалар буйраклар ва уларнинг каналлари орқали ташқарига чиқарилади. Жинсий аъзолар эса кўпайиш жараёнини таъминлайди. Юқорида кўриб чиқилган ички аъзолар тизимларида ўзига хос умумийлик, улар физиологиясини бир бирига боғлаб үрганишни тақозо этади.

ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШ ТИЗИМИ

Овқат ҳазм қилиш тизими аъзолар йифиндисидан ташкил топган бўлиб (50-расм), овқатларни механик ва кимёвий парчалаб бериш ва организмни керакли озука моддалар билан таъминлаш ва зифасини бажаради. Овқат ҳазм қилиш йўли найсимон шаклда тузилган бўлиб, унинг узунлиги 7-8 м. ни ташкил этади. Бу жараёни оғиз бўшлиғида овқатларни сўлак безлари ёрдамида намлаб, механик майдалашдан бошланади. Қизилўнгач асосан майдаланган овқатларни меъдага утказиб бериш вазифасини бажаради. Меъдад овқатларни ҳар хил без секретлари ёрдамида парчаланиши давом этади. Озука меъдада етарли даражада парчаланганидан сунг, пилорик қисми орқали ўн икки бармоқли ичакка ўтади. Бу ерда ҳайайрим моддаларнинг парчаланиши меъда ости бези панкреатишираси ва ўт моддаси таъсирида давом этади. Озиқ моддаларнин охиригача парчаланиши ва ҳазм бўлиши кучли ҳаракат (перистальтика) қилиш хусусиятига эга бўлган оч ва ёнбош ичакларда соди бўлади. Етарли даражада парчаланган озиқ моддалар қон ва лимф томирларига сўрилиши жадал равишда содир бўлади. Охирги ке-



50-расм. Қорин бүшлигіда жойлашған аязолар.

1 - меъда; 2 - меъда туби; 3 - талоқ; 4 - меъданың кириш (кардиал) қисми; 5 - меъданың кичик эгрегаты; 6 - меъданың каптага эгрегаты; 7 - меъданың чиқыш (пилорик) қисми; 8 - кундаланғамбар ичак; 9 - оч ичак; 10 - камбар ичакның пастыра тушувчи қисми; 11 - сигмасимон (S-симон) ичак; 12 - пүфри ичак; 13 - жигар; 14 - ұт пүфаги; 15 - үн иккі бармоқ ичак; 16 - камбар ичакның күтариуловчи қисми; 17 - ёнбош ичак; 18 - күр ичак; 19 - чувалчанғимон үсүмтә (апендинкс).

Морфологиялық түзилиши уларнинг функциясыга мөслашған болып, ҳазм йүли девори бир-биридан қисман фарқланады.

1. Шиллик парда қават устки томонидан эпителий тұқымаси билан қопланған. Лекин эпителий ҳазм йүли бүйлаб бир хил түзилишига зәңдес. Башланғыч қисмларда оғиз бүшлигі ва қызыл-үнгач девори күп қаватли, меъда бир қаватли цилиндр-симон, ичакларда бир қаватли цилиндрсимон жиякли (ворсин-кали) эпителий түрләри билан қопланған. Эпителий тұқима остида шиллик, парданинг хусусий қатлами жойлашиб, бу ерда қон ва лимфа томирлари, лимфоид тұқима, нерв чигаллары ва кичик оддий түзилиштә зәңдес.

ракли паряланаңға өзик моддалар сүрилиб бүлганидан сүнг қолган чиқииди қилеми йүғон ичакларга үтиб, ташқарыга чиқарылады. Овқат ҳазм қилиш йүлида уларнинг морфологиялық түзилиши ва физиологиялық хусусиятлари таъсири натижасыда мураккаб ҳазм жараёни сөдир бўлади. Кейинчалик ҳар бир қисмiga алоҳида гўхталиб үтамиз.

Овқат ҳазм қилиш йүли түзилиши оғиз бүшлигидан бошлаб то йүғон ичакларгача морфофункцияси билан фарқланади. Ҳар бир қисми үзига хос физиологиялық жараённи бажарыб, үзига хос морфологиялық түзилишига зәңдес. Лекин қизил-үнгачдан бошлаб, то йүғон ичакларгача бўлган қисмida морфологиялық түзилишида ўхшашлик кузатилади. Бутизим деворлари 4 қаватни ташкил этади. Булар ички шиллик, парда қават, шиллик ости, мускул ва ташқи сероз қаватлардир. Лекин қават-

2. Шиллиқ ости пардаси сийрак шаклланмаган бириктирувчи түқимадан ташкил топган булиб, йчак ҳаракатчанлигини таъминлааб, ичак юзаси шаклини белгилаб беради. Түқима таркибида нер, учлари жойлашган шиллиқ қават ҳазм йулининг оғиз бүшлиғи һәм ҳалқумдан бошқа ҳамма қисмида учрайди, меъда ва ичакларда турлук бурмаларни ҳосил қилишда иштирок этади.


3. Мускул қават ҳазм найининг олдинги ва орқа қисмларида оғиз бүшлиғи, ҳалкум, қизилўнгачнинг юқори қисми ва орқа чи қарув тешиги кундаланг тарғил мускуллардан ташкил топган булса, қолган қисми силлиқ мускул толаларидан тузилган. Мускул қавати икки қаватдан, яъни ички циркуляр, ташқи буйлама қаватларни ташкил этади. Уларнинг ораларида қон томирларига бой бириктирувчи түқима ётади. Меъда деворида учинчи қийшик ҳолда жойлашган мускул қавати ҳам учрайди.

4. Ташқи сероз парда меъда ва ичаклар найининг асосий қисми устки томонидан ана шу сероз парда, яъни қорин пардасининг висцерал вараги билан үралган булади. Сероз парданинг тарки бий қисми қон томирлари ва нерв толалари куплаб учрайди, сийрак толали шаклланган бириктирувчи түқимадан ташкил топган. Бу түқима ташқи томонидан бир қаватли ясси эпителий-мезотелий билан қопланган булади. Сероз парда бу қорин пардасининг ички вараги ҳисобланиб, қорин бүшлиғидаги барча аъзоларни ўраб туради. Ҳазм каналининг сероз пардаси билан үралмай қолган қисмлари, масалан оғиз бүшлиғи, ҳалкум, қизилўнгачнинг бўйин ва кўкрак қисмлари ҳамда тўғри ичакнинг пастки қисми толали бириктирувчи тўқимадан ташкил топган юпқа парда билан қопланган бўлиб, *tunica adventicia* деб аталади.

ОҒИЗ БҮШЛИГИ


Оғиз бүшлиғи (*cavum oris*) иккига, яъни оғизнинг кириш қисми ва хусусий оғиз бүшлиғига бўлинади. Оғиз бүшлиғи ташқарига очилган бўлиб, унинг кириш қисми ташқаридан лаблар, ташқи ён томонларидан лунжлар, ички томондан жағ типлари ва милклар билан чегараланган. Лаблар оғиз бүшлиғи атрофи буйлаб айланма ҳолда жойлашган мускул толачаларидан ташкил топган. Ташки қисми тери билан қопланган бўлиб, унда терига хос барча структур элементлар, мугузланувчи қават эпидермис, мўйлов туклари ён ва тер безлари учрайди. Ички юзаси оғиз бүшлиғи томонидан мугузланмайдиган кўп қаватли ясси эпителийдан ташкил топган шиллиқ парда билан қопланган. Таркибида секрет ишлаб берувчи безлар учрайди.

Лунж (*viscerae*) анатомик тузилиши жиҳатидан лаблар тузилишига ўхшаган. Лабларнинг давоми ҳисобланади. Асосий фарқи лунж қисмида лунж мускули жойлашади. Ташки ва ички юзалари лабларнига ўхшаган тузилишга эга. Сут эмизувчиларнинг кўпчилигида лунж мускуллари яхши ривожланган.




I-илова. Одам танасидаги үқ, ва юзалар схемаси.

1 - вертикал үқ, 2 - фронтал юза, 3 - горизонтал юза, 4 - күндаланг үқ, 5 - сагиттал үқ, 6 - сагиттал юза.



II-илова. Одам танаси соҳалари (олди юза).

1 - тена соҳа, 2 - пешона соҳаси, 3 - куз атрофи соҳаси, 4 - оғоз соҳаси, 5 - ияқ соҳаси, 6 - буйиннинг олдинги соҳаси, 7 - буйиннинг латерал соҳаси, 8 - ўмров соҳаси, 9 - панжанинг ички юзаси соҳаси, 10 - билак соҳаси, 11 - тирсак соҳаси, 12 - елканнинг орқа соҳаси, 13 - култиқ ости соҳаси, 14 - кўкрак соҳаси, 15 - қовурға ости соҳаси, 16 - қорин устси соҳаси, 17 - кинзик соҳаси, 18 - қоршиннинг ён соҳаси, 19 - чот соҳаси, 20 - пешона соҳаси, 21 - соннинг мединал соҳаси, 22 - соннинг олдинги соҳаси, 23 - тиззанинг олдинги соҳаси, 24 - болдиришнинг олдинги соҳаси, 25 - болдиришнинг орқа соҳаси, 26 - болдириш-панжа соҳаси, 27 - оёқ панжа орқаси, 28 - товоғи соҳаси, 29 - кўл панжа орқаси, 30 - билакнинги олдинги соҳаси, 31 - билак, 32 - билакнинги орқа соҳаси, 33 - тирсакнинг орқа соҳаси, 34 - елканнинг орқа соҳаси, 35 - елканнинг олдинги соҳаси, 36 - сут бези соҳаси, 37 - дельтасимон соҳа, 38 - ўмров-кўкрак учбуручаги, 39 - ўмров ости чукурчаси, 40 - тўш-ўмров-сурғичсимон учбуручаги, 41 - бурун соҳаси, 42 - чакка соҳаси.



III-илова. Одам танаси соҳалари (орқа юза).


1 - тена соҳа, 2 - чакка соҳаси, 3 - пешона соҳаси, 4 - кўз олди соҳаси, 5 - ёноқ соҳаси, 6 - лунж соҳаси, 7 - пастки жағ ости учбурчаги, 8 - туш-умров-сурғич соҳаси, 9 - акромион соҳа, 10 - кураклараро соҳа, 12 - дельтасимон соҳа, 13 - кукрак ён соҳа, 14 - елка чап соҳаси, 15 - қовурға ости соҳаси, 16 - орқа тирсак соҳаси, 17 - билак орқа соҳаси, 18 - билак олди соҳаси, 19 - кафт юза соҳаси, 20 - товон соҳаси, 21 - оёқ кафти соҳаси, 22 - оёқ панжа орқа соҳаси, 23 - болдир олди соҳаси, 24 - оеқ панжа орқа соҳаси, 25 - болдир орқа соҳаси, 26 - сониниг орқа соҳаси, 27 - орқа шешик соҳа, 28 - думба соҳаси, 29 - думғаза соҳаси, 30 - қорин ён соҳаси, 31 - бел соҳаси, 32 - курак ости соҳа, 33 - умуртқа пекона соҳаси, 34 - елканинг орқа соҳаси, 35 - тирсак ости соҳаси, 36 - билакнинг орқа соҳаси, 37 - кул панжа орқа соҳаси, 38 - елканиг олдинги соҳаси, 39 - курак устси соҳаси, 40 - бүйиннинг орқа соҳаси, 41 - энса соҳаси.



IV-илова. Гавда мускуллари.

1 - түш-ұмров-сүрігчимон мускул, 2 - трапециясимон мускул, 3 - дельтасимон мускул, 4 - елканың иккى бошли мускули, 5 - олдинги тишисимон мускули, 6 - елка-білак мускули, 7 - кафт усти сүяқларининг орқа пайи, 8 - қорин ташқи қийшиқ мускуларинин апоневрози, 9 - сон түрт бошли мускули, 10 - көнг фасцияны тарангловчи мускул, 11 - узун кичик болдир мускули, 12 - олдинги катта болдир мускули, 13 - болдир мускуларининг ташқи бошчаси, 14 - ёзувчи мускуларнинг юқориги түтиб турувчи пайи, 15 - елканың иккى бошли мускули, 16 - күкракнинг катта мускули, 17 - тикувчи мускул, 18 - трапециясимон мускул, 19 - дельтасимон мускул, 20 - уч бошли елка мускуларининг аптерал бошчаси, 21 - уч бошли елка мускуларининг узун бошчаси, 22 - билактын букувчи мускул, 23 - кафт усти сүяқларининг орқа пайи, 24 - орқанинг көнг мускулдары, 25 - дүмбандын катта мускули, 26 - соннинг иккى бошли мускули, 27 - болдир мускули, 28 - товон пайи.


V-илова . Юрак түзилиши (бүйлама кесма).



VI - илова. Катта ва кичик қон айланиш доираси (схема).


1 - тана юқори қисмлари, 2 - умумий түк артерияси, 3 - үтка веналари, 4 - аорта ёйи, 5 - чап бұлмача, 6 - чап үнгінча, 7 - аорта, 8 - жигар капиллярлари, 10 - тана пастқи қисмлари ва оёқлар капиллярлари, 11 - юқори түткіч артерияси, 12 - үнгінчи көвак вена, 13 - қопқа вена, 14 - жигар венаси, 15 - үнгі қоринча, 16 - үнгі бұлмача, 17 - юқориги көвак вена, 18 - үтка тармоғы, 19 - үтка шашларлари.

1 - аорта, 2 - чап үтка артерияси, 3 - чап бұлмача, 4 - чап үтка венаси, 5 - чап бұлмача-қоринча түсік қропқоя, 6 - чап қоринча, 7 - аорта түсік қропқоялары, 8 - үнгі қоринча, 9 - үтка артерияси түткіч қропқоялары, 10 - чап көвак вена, 11 - үнгі бұлмача-қоринча түсік қропқоя, 12 - үнгі бұлмача, 13 - үнгі үтка веналари, 14 - үнгі үтка артерияси, 15 - юқориги көвак венаси. Стрелкалар орқали қон оқиши йұналиши курсатылған.





VII-илова. Ҳазм тизими- нинг тузилиши (схема).

1 - қулоқ олди бези, 2 - юмшоқ танглай, 3 - кекирдақ, 4 - тил, 5 - қизил ўнгач, 6 - меъда, 7 - меъда ости бези, 8 - меъда ости без канали, 9 - оч ичак, 10 - пастга тушувчи чамбар ичак, 11 - кўндаланг чамбар ичак, 12 - сигмасимон чамбар ичак, 13 - орқа тешик ташки сфинктори, 14 - тўғри ичак, 15 - ёнбош ичак, 16 - чувалчангсимон ўсимта, 17 - кўр ичак, 18 - ёнбош ичак, 19 - чамбар ичак кутарилувчи қисми, 20 - чамбар ичак ўнг томондаги бурилиши, 21 - ун икки бармоқли ичак, 22 - ўт пуфаги, 23 - жигар, 24 - ўт пуфаги умумий наи, 25 - меъда чиқиш қисми, 26 - меъда ости бези, 27 - тил ости бези, 28 - пастки лаб, 29 - оғиз бўшлиги, 30 - юқориги лаб, 31 - тишлар, 32 - қаттиқ танглай.



**VIII-илова. Ўнг буйракнинг
фронтал кесмаси
(олдидан куриниши).**

1 - буйрак капсуласи, 2 - буйрак устунлари,
3 - пўстлоқ маддаси, 4 - майз маддаси, 5 -
буйрак кичик косачалари, 6 - буйрак катта
косачаси, 7 - сийдик йўли, 8 - буйрак жоми,
9 - нерв, 10 - буйрак артерияси, 11 - буйрак
венаси.




**IX-илова. Нефрон тузилиши ва қон
билин таъминланиши.**

1 - томирлар түпчаси капсуласи, 2 - буйрак тана
түпчаси, 3 - түпчанинг капсула бўшлиги, 4 - нефрон
найининг проксимал қисми, 5 - капилляр томирлар, 6 -
йишув каналча, 7 - нефрон сиртмоғи, 8 - нефрон
каналчалариниң дистал қисми, 9 - артерия, 10 - вена, 11 -
қон олиб келувчи артериола, 12 - қон олиб кетувчи
артериола.


X-илова. Орқа миянинг олди (А) ва орқа (Б) томонидан күриши.

1 - күптик, 2 - узунчоқ мия, 3 - ўйғонлашган бүйин қисми, 4 - олдинги ўрта ёршқ, 5 - бел-дұмғаза қасми, 6 - орқа ўрта эгати, 7 - орқа латерал эгат, 8 - конус қисми, 9 - охирғы (терминал) иш қисми



XI-илова. Орқа миянинг күндаланг кесмаси.

1 - орқа миянинг юмшоқ пардаси, 2 - орқа ўрта эгат, 3 - орқа оралық эгат, 4 - орқа шох (сезувчан), 5 - орқа латерал эгат, 6 - терминал зона, 7 - ювак зона; 8 - дигидроқ зона, 9 - орқа шох, 10 - ён шох, 11 - тишисимон боғламча, 12 - олдинги шох, 13 - олдинги шох (харакат), 14 - олдинги орқа мия артериясы, 15 - олдинги ўрта эгат.



Хусусий оғиз бұшлиғи (*cavum oris*) чегараси олдінгі ва ён то-
монардан юқориги ва пастки лаблар ва лунжлар, юқори томон-
дан юмшоқ ва қаттиқроқ танглай, пастки томондан оғиз диафраг-
ма билан чегараланиб туради. Танглай ёрдамида оғиз бұшлиғи ва
бурун бұшлиғи бир-бири билан ажралып туради. Оғиз бұшлиғи орқа
томуондан бевосигта бурун-халқум бұшлиғига туташиб туради.

Қаттиқ танглай асосан пластинкасимон сүяклардан ташкил болған бўлиб, қалин ва зич шиллик қават билан копланган. Шиллик қават сүяк усти нардаси билан мустаҳкам ёпишган бўлиб, устки юзасида тил ҳаракати жараёнида озуқа мөддаларни тутиб тутувчи бурмаларга эга. Айрим сут эмизувчиларда (қўй, эчки, қора-мол) яхши ривожланган. Қаттиқ танглай орқа томондан юмшоқ тинглайга туташиб кетади.

Юмшоқ танглай асөсини мускүл ташкил қиласы. Ҳалқумга қаралған томони эркін ҳолда осилиб турғаны учун унга танглай қодири (пардаси) деб ном берилған. Қодирнинг ўрта қисми үсіб чиққан булиб, тилча деб аталади. Ҳалқум мускуллари қисқараганиң да юмшоқ танглай күтәрилади, ён томонларга چузилади ва бурун қисмини оғиз қисмидан ажратади. Юмшоқ танглайнинг иккала ён томонида тил-танглай ва ҳалқум равоқлари, уларнинг ораларидан лимфоид түқимадан ташкил топған танглай мұртаги жойлашған. Уларнинг асосий вазифаси оғиз бұшылығыдан ҳазм йүлиға үтәёттән өзің, моддалар таркибидағы микроорганизмларга таъсир қилиб, патоген (касал چакириш) хусусиятларини йүқтоыш ва ҳар хил қаралылардан сақлаб қолиптір.

Тишлиар (*dentes*) озиқ моддаларни тишлаб узуб олиш, уни майдалаб бериш, айрим умуртқалиларда үлжаны ушлаб бериш, кавшылтариш, йирткичларда үлжаны ушлаб олиш, үлдириш ёки душманни ғажиб ташлаш, одамларда эса овқатни узуб олиб майдалаб беришден ташқары сұзларни түфри талаффуз этиш каби вазифаларни бажаради.

Тицлар юқори ва пастки жағ альвеолаларида (катақчаларидан) оғиз бүшлиғи, даҳлизи ва хусусий оғиз бүшлиғи орасыда жойлашиб, уларни чегаралаб туради. Ҳар бир тиш тузилиши жиҳатидан уч қисмдан ташкил топған бўлиб, коронка (тоҷ), буйин ва илдиз қисмларига бўлинади. Коронка милқдан юқорида, кўзга кўриниб турадиган қисми булиб, илдизи жағ чуқурчаларидан жойлашади, уларнинг урта қисми, яъни чегараси буйин қисми деб номланади. Ҳар бир тиш асосан суккя ушшаган дентин мoddасидан ташкил топған бўлиб, илдиз қисми цемент мoddаси билан қопланган бўлса, тоҷ қисми эмал мoddаси билан қопланган. Эмал қаттиқлиги жиҳатидан организмда энг қаттиқ модда ҳисобланади.

Эмал эпителийга үхшаб мезенхимадек ривожланган булсада, сүйкнің дентин ва цемент моддасыдан кескин фарқланади. Асосан "S" шактда жойлашған призмалардан ташкил топған булиб, ожак-ланган ұжайралараро моддани ташкил этади ва дентин юзасига нистабан тик қолда жойлашади. Эмал үсткі томонидан мақсус

юнқа парда күтикула биләң қопланган. Бу парда мугузланган моддадан ташкил топған булиб, эмални овқат таркибидағи кимеви моддалар емириб кетмаслигидан саклады. Эмалда минерал тұлар миқдори 96 % ни ташкил этады. Уларнинг күпчилигини кальций карбонат ва кальций фосфат тузлари ташкил этады. Дентинде 28 % га яқын органик моддалар булиб (асосан коллаген), 72 % анерганик мөддалардан ташкил топған. Буларга кальций фосфат, магний фосфат аралашмаси киради. Унинг ildiz қисмидә жичкитешиккасы булади. Тешикча орқали тиіш бушлиғи – пульпага көтөмири ва нерв киради.

Цемент моддаси таркибий тузилиши жиҳатидан сүякка үхшамын булиб, 29,6 % органик моддалардан ташкил топған булса, 70,4 % анерганик моддалардан кальций фосфат ва кальций карбонат тузларини ташкил этади. Тишларнинг пульпа қисми ички юзаси таркибида адонтобласт ҳужайралари жойлашган булиб, уларнинг үсімталари дентин каналчаларыда ётади. Адонтобласт ҳужайрасын үзидан органик модда ҳисобланған предентинни ишлаб беради. Бұл модда пульпа бұшлиғи деворида йиғилиб оқақланади ва дентиннің моддасига айланади.

Тишлар доимий ва сут тишларига булиниб ўрганилади (51,52-расм). Доимий тишлар катта ёшдагиларда учрайди ва умринге охирғача алмашмайды. Уларнинг сони 32 та булиб, юқори ва пастки жағларда 16 тадан жойлашади. Ҳар бир жағнинг ярмида 8 тадан бир хил номли ва тузилишига зәғ тишлар жойлашади. Тишлар үзининг формуласи билан белгиланади. Олдиндан орқага қараб курак тиіш – 2, қозық тиіш – 1, кичик озиқ (жағ) тиіш – 2, катта озиқ (жағ) тиіш – 3. Охирги учинчи катта озиқ тиіш ҳаммасидан кейин 17-25 ёшларда ва ундан кейин ҳам чиқиши мумкин. Баъзан умуман чиқмаслиги ҳам мүмкін.



51-расм. Юқориги ва пастки доимий тишларнинг жойлашиш тартиби.

1,2 - курак тишлар; 3 - қозық тиіш; 4,5 - кичик озиқ тиішлар; 6,7,8 - катта озиқ тиішлар.

Курак тишлар. Ҳар бир жағда 4 тадан, иккала жағда 8 та булади. Уларнинг тож қисми ички жағары төмөндан қисман ботикрок булса, ташқи томонидан бүрттан бўлади, учи утқир булиб, тиіш морфологик тузилиши жиҳатидан узидан олишга айникса, йиртқиличлар мослашган. Шунинг учун уни кесувчи ёки узидан олувчи тишлар ҳам дейилади. Юқоридаги курак тишларда пастдагиларга

нисбатан йирик илдизлари битта бўлади.

Қозиқ тишлар курак тишлардан кейингиси, ҳаммаси бўлиб 4 та бўлади (ҳар қайси жағда иккитадан). Коронка қисми йирик ва баландроқ конусга уҳшаб кетади. Учи нисбатан тұмтоқ тузишишга эга. Тапқы лабга қараган юзаси бўртган, ички юзаси эса текисроқ тузилган. Илдизи биттадан конуссимон ҳолда бўлиб, айниқса пастки жағларники йирик ва бақувват бўлади.

Кичик озиқ тишлар қозиқ тишлардан кейин жойлашади. Ҳаммаси бўлиб юқориги ва пастки жағларда 8 та бўлади. Чайнов, яъни лаб ва лунж юзларидан иккитадан кичик үсиклари бўлиб, улар чайнов жараёнида иштирок этади.

расм. Юқориги ва пастки сут тишларнинг жойлашиши тартиби.

1 - курак тишлар; 2 - қозиқ тиш; 3 - катта озиқ тишлар.

Бўртиқлар сагитал йўналган эгат ёрдамида бир-биридан чегаралашиб туради. Юқориги ва пастки кичик озиқ (жаф) тишлар илдизлари ҳоли билан фарқланади. Пастки жағдаги тишларнинг илдизи битта бўлиб, учи ингичкалашиб кеттан бўлса, юқориги жағлардаги тишларнинг илдизлари иккита ёки иккига ажralган бўлади.

Катта озиқ (жаф) тишлар ҳар бир жағда олтитадан жойлашишиб, ҳаммаси 12 та бўлади. Олдиндан орқага қараб кичиклашиб оради. Биринчиси энг каттаси бўлса, охиргиси энг кичкинаси ҳисобланади. Охирги жаф тиши 18-25 ёшларда, ҳатто ундан ҳам кеч чиқади, бу тишлар ақл тишлари ҳисобланади. Улар бутунлай чиқмаслиги ҳам мумкин. Тож қисми кубсимон шаклида бўлиб, тишларнинг ичидаги энг йириклари ҳисобланади. Чайнаш юзаси ҳам бошқа тишларнига нисбатан кенг бўлиб, 4 та бўртиқди. Иккитаси тил томонда, яна 2 таси лунж томонда жойлашган. Жаф тишларнинг кўп бўртикли бўлиши овқатларни майдалаб беришга мослашган. Айрим вақтларда пастки биринчи жаф тиши юзасида 5 та бўртиқ учрайди, улардан 2 таси тил томонга қараган бўлса, 3 таси лунж томонга қараган бўлади. Жаф тишлари кучли ривожланган илдизлари билан ҳам фарқланади. Юқори жаф тишларида учта илдиз бўлиб, улардан иккитаси лунж илдизи биттаси эса ташқари томонга йўналган бўлиб, уни тил илдизи дейилади. Пастки жағда иккита илдиз бўлиб, биттаси олдинга, иккинчиси эса қарама-қарши томонга қараган. Ақл тишларининг пасткилари юқоридагиларига нисбатан ривожланган бўлиб, кўпинча иккита илдизга эга бўлади. Юқоридаги алқ тищда учта илдизи қўшилиб кетган ҳолда битта илдизга эга. Ақл тиши одатдаrudument ҳисобланади.

Сут тишлари доимий тишлардан ҳар томонлама фарқ қилаади. Тишларнинг кичиклиги, калталиги, нозиклиги ва унчалик бақувват бўлмаслиги сут тишларига хос хусусиятдир. Лекин илдиз-




ларининг тузилиши ва сонлари доимий тишларни кига ўшаган булади. Одатда сут тишлари 6-8 ойдан бошлаб чиқа бошлайди. 2-2,5 ёнда деярли ҳаммаси чиқади. Сут тишлари катталарни кига ўшаб 32 та бўлмайди. Уларнинг умумий сони 20 та булиб, юқори ва пастки жағда 10 тадан, ҳар бир жағнинг ярмида 5 тадан сут тишлари булади. Уларнинг формуласи қўйидагича булади. Ҳар бир жағнинг ярмида 2.1.0.2. Улар қўйидагича ифодаланади: 2 та курак, 1 та қозик, 2 та катта озиқ тишлар. Тахминан 6 ёндан бошлаб болаларнинг сут тишлари аста-секин доимий тишларга алмаша бошлайди. Тула-тўкис алмашиниш болаларнинг 12-15 ёшларига тўғри келади. Доимий тишлар одам умрининг охиригача ўз вазифасини бажариб боради.

Филогенез жараёнида умуртқалилардан тубан балиқларда дастлабки тиш уларнинг маҳсус тангачаларидан ривожланган булиб, кўхна даврда танада хордадан олдин дастлабки пайдо бўлган қаттиқ, тўқима ҳисобланган. Балиқ, амфибия ва рептилиялар ҳаёти даврида тишлари бир неча марта алмашинади. Шунинг учун бўлса керак айрим қарияларда ҳам тушган тишлари ўрнида битта ёки иккита, яъни учинчи навбатдаги тишлар чиқади. Бу, албатта, қадимий филогенез даврининг аломати бўлса керак.

ТИЛ

Тил (*lingua*) (53-расм) кўндаланг тарғил мускуллардан ташкил топган аъзо булиб, унда мускул толачаларидан ташкил топган турамлар тартибсиз ҳолда йўналган булади. Уларнинг қисқариши на-тижасида тилда турли хил қисқариш жараёnlари кузатилади. Унинг оғиз бушлиғида жойлашиши, шакли овқатларни чайнашга мослашган. Шу билан бирга сўзлар талаффузида ва сўзлашда бевосита иштирок этади. Тил уч қисмга бўлинади. Ўрта, асосий қисм – *тана* қисм, олди томонга қараган қисми – учи ва орқа томондан пастки жағ ва тил ости суюгига туташиб турган томони – *орқа* қисми деб номланади. Чегараси: олдинги ва ён томонларидан тишлар, устки томони юмшоқ ва қаттиқ танглайлар, орқа томондан эса ҳалқум билан оғиз бушлиғи, ички томонидаги шиллик, куп қаватли мугизланмайдиган эпителий билан қопланган. Тилнинг устки юзаси ва ён томонларида шиллик, парда остики қават учрамайди. Шиллик қават тўғридан-тўғри тил мускулларига ёпишган булади. Тилнинг бошидан охиригача устки юзаларида ҳар хил сўргичлар учрайди. Буларга ипсимон, қўзиқоринсимон, сўргичли ва баргсимон сўргичлар киради. Улар таъм мазаларини билиб беради.

1. *Ипсимон сўргичлар* (*papillae filiformes*). Тил тана қисмининг кўпроқ олдинги юзаси ва уч қисми юзаларини зич ҳолда қоплайди. Тилнинг учи худди духоба билан қоплангандек кўринишга эга. Ипсимон сўргичнинг асосий қисми тилнинг шиллик қаватидаги ҳақиқий бириктирувчи тўқима таркибида жойлашган. Таркиби бириктирувчи тўқимадан ташкил топган муртак шаклидаги асосига



53-расм. Тилнинг юза томондан куриши.

1 - ут қисми; 2 - ипсимон сүргичлар; 3 - қўзиқоринсимон сүргичлар; 4 - баргисимон сүргичлар; 5 - куртешик; 6 - танглай бодомчаси; 7 - товуши ёриғи; 8 - ҳиқилдоқ қопқоғи; 9 - чап танглай бодомчаси; 10 - тил фолликулалари; 11 - тарновсимон сүргичлар. А - ипсимон сүргич; Б - қўзиқоринсимон сүргич; В - тарновсимон сүргич; Г - ўшанинг ўзи (кесилган).

риб туради. Таркибида жойлашган нерв учлари таъмни сезиб беради.

3. Ҳалқа билан ӯралган (тарновсимон) сүргичлар (*paripilla vallatae*) бошқа сүргичлар ичида энг йириги ҳисобланади. Сон жиҳатидан 7-15 тага боради, эни 1-2 мм. Тарновсимон сүргичлар учбурчак шаклида жойлашган бўлиб, арабча саккиз рақамини (Λ) эслатади. Бу сүргичларнинг марказида жойлашган иккитаси бошқалардан каттароқ. Сүргичлар тил юзидан кутарилмайди. Уларнинг атрофи айланма ҳолда чуқурлашган бўлиб, ургасида сүргич жойлашади. Сүргичларнинг асосида майдабез ҳужайралари жойлашган бўлиб, улар атрофидаги тарнов чуқурчаларига очилади. Тарнов эпителийси остида 40-150 гача пиёзчалари жойлашган бўлиб, улар махсус нерв учлари билан таъминланган.

бирламчи сўргичлар дейлади. Бирламчи сўргичлар шаклланган ҳолда эпителий тўқимаси орасига суқилиб кириб иккимчи сўргични ҳосил қиласи. Сўргич шохчалари бир-бирига ниҳоятда зич жойлашиб, тил юзасига дуҳоба куринишини беради. Ипсимон сўргичларнинг узунлиги 0,62, қалинлиги эса 0,1-0,6 мм. ни ташкил қиласи. Айрим сут эмизувчилардан қорамол, от ва қўйларда яхши ривожланган. Ипсимон сўргичда сезиб бериш хусусияти кучли ривожланган.

2. Қўзиқоринсимон сўргичлар (*paripilla fundiformes*) ипсимон сўргичларга нисбатан камроқ учрайди. Асосан тил тана қисмининг устки, орқа юзасида, ён томонларида учрайди, тартибсиз ҳолда жойлашади. Ташкил куринишидан думалоқ бўлиб, асосий қисми ингичка, юқорига қараб кенгайиб боради. Шакли қўзиқоринга ухшаган. Усти мугузланувчи ясси эпителий билан қопланган. Эпителий остидан ўтган капилляр томирлар унга қизил ранг бе-

4. Баргсимон сүргичлар (*papillae foliatae*) тилнинг икки ён томонида жойлашади. Иккала ён томонида 15-20 тагача буришган ёки қатламчалар шаклида узун баргларга ўшаб жойлашади. Баргсимон сүргичлар эпителий қатламида пиёзчалари жойлашган бўлиб, уларда мазани билиб берувчи нерв анализаторлари жойлашади. Малум бўлишича, қўзиқоринсимон ва баргсимон сүргичлар нордони, ширин ва шўр мазани билиб берса, тарновсимон аччиқни сезади.

Тил мускуллари кўндаланг тарғил мускулидан ташкил топган. Мускуларнинг айримлари суяклардан бошланиб, тилга туташади, бошқа гуруҳи эса тилдан бошланиб, унинг бошқа қисмига ёпишади. Тил мускуларининг қаердан бошланиб, қаерга туташибшига қараб икки гурухга булинади. Биринчи гурухга тил мускуллари скелет суякларидан бошланиб, тилга туташади, буларга скелет мускуллари дейилади. Иккинчи гуруҳи эса тилнинг ўзидан бошланиб, тилнинг ўзига туташади, буларга тилнинг хусусий мускуллари дейилади. Тилда уч жуфт скелет мускуллари учрайди.

1. Энгак тил ости мускули (*m. genioglossus*) тил мускуллари ичидаги энг кучлисиdir.

Бошланиши: пастки жағ суюгининг энгак ўсимтаси.

Бирикиши: тилга туташади.

Функцияси: қисқарганида тилни пастта ва орқага тортади.

2. Тил ости-тил мускули (*m. hyoglossus*).

Бошланиши: тил ости суюги.

Бирикиши: тилнинг ён томони.

Функцияси: тил илдизини пастта ва орқага тортади.

3. Бигиз тил мускули (*m. styloglossus*).

Бошланиши: бигизсимон ўsicк.

Бирикиши: тил ёнбоши.

Функцияси: юқорига ва орқага тортади.

Сўлак безлари

Оғиз бўшлиғи деворида кўплаб майда ва йирик безлар жойлашади. Уларнинг чиқарув каналчалари оғизнинг турли қисмларига очилади. Оддий майда безларга лаб, лунж, тил ва танглай безлари киради. Йирик безларга: қулоқ ости бези, жағ ости бези ва тил ости безлари киради. Сўлак безлари ишлаб чиқарган секрет таркибий тузилишига қараб, сероз безлари, сўлак безлари ва аралаш секрет берадиган безларга булинади. Сўлак безлари фақат оғиз бўшлиғи деворини намлаб туришдан ташқари, озуқа моддаларни юмшатиб ҳам беради, айримларини парчалайди ва микроорганизмларга нисбатан бактериоцит таъсир қиласи (касал бўлишдан холис қилишдир). Буларга без шираси таркибидағи анорганик моддалардан (тузлар), муциналардан (мукополисахариidlар), ферментлардан (птиалин, малтоза, липаза, пептидаза, протеиназа), лицин моддалари киради.

1. Қулоқ олди бези (*glandula parotis*) бир жуфт бўлиб, бошқа сўлак безларининг ичидаги йириги ҳисобланади. Оғирлиги 25-30 г. ни

ташкил қиласы. Ишлаб берган сұлак таркибида оқсил модда күп үчрайди. Без қулоқ супрасининг пастрофида, жағ орқа чукӯрчада жойлашади. Юза қисми тери остида жойлашиб, қисман чайнов мускулини ёпиб туради. Без қалын бириктирувчи тұқимадан иборат капсула билан қопланған бўлиб, унинг ичини майда бўлак-ларга бўлади. Альвеола тузилишига эга бўлакчалар деворлари секрет ишлаб берувчи секретор ҳужайралар билан қопланған. Бўлакчалар оралаб қон томирлар, нервлардан ташқари без чиқарув наилари жойлашади. Секрет ҳужайралари бир томони билан майда каналчаларга қараган бўлса, иккинчи томони базал мембрана ва миоэпителиал ҳужайраларга қараган бўлади Шундай қилиб, каналчалардаги секретларни бир текисда оқиб туришида миоэпителиал ҳужайраларни қисқариб туриши ҳам ёрдам беради. Без мураккаб альвеола каби тузилишига эга безларга киради. Бунинг энг майда чиқарув каналчаси, юқорида айтганимиздек, охирги альвеола (пуфакча) ичидә жойлашган каналчалардан бошлигади. Йирикроқ чиқарув каналчаларнинг диаметри катталашиб боришига қараб, деворни қоплаб турувчи ҳужайралар кубсимон ёки цилиндрический бўлиши мумкин. Майда каналчалар йириклиги йирик без бўлакчалараро найчаларга айланиб, энг йириклари ички юзлари күп қаватли ясси мугузланмайдиган эпителий билан қопланған. Асосий каналчанинг узунлиги 5-6 см. Без чиқарув каналчаси юқоридан иккинчи кичик озиқ тишининг рўпарасига очилади.

2. *Жағ ости бези* (*glandula submandibularis*) бўйин юқори қисмидаги жағ ости чукӯрчасида, оғиз диафрагмасининг остида жойлашади. Аралаш безлар қаторига киради. Морфологик тузилишига қараб найсимон-альвеола безларига кириб, секрет таркибида шиллиқ ва оқсил моддалар топилган. Чиқарув каналчаси оғиз диафрагмаси орқали тил ости бурмаларига кириб, тил ости мускулининг учига очилади.

3. *Тил ости сұлак бези* (*glandula sublingualis*) тилнинг остида қисман ён томонида жойлашади. Таркибида музин моддаси күп сұлак ишлаб чиқаради. Мураккаб альвеоляр безлар қаторига киради. Бўлаклар ҳосил қилиб тузилган. Асосий ва майдароқ чиқарув каналчалари тил ости бурмаларига очилади. Айрим вақтларда жағ ости без чиқарув каналчаларига қўшилиб биргалиқда тил остига очилади.

Сұлак безларининг онто ва филогенези

Без эпителийси оғиз эпителийси билан бирга ривожланиб, сўнг атрофида мезенхима оралиғига кириб боради. Қулоқ олди ва жағ олди безлари эмбрионнинг б ҳафтасидан, тил ости бези эса 7 ҳафтасидан ривожлана бошлайди. Безларнинг секретор безлари эпителийдан ривожланса, без бўлакчаларини атрофидан ўраб турувчи бириктирувчи тұқима мезенхимадан ривожланади.

Филогенетик ривожланишини кўрадиган бўлсак, балиқлар ва

сүвдә яшовчи амфибияларда сұлак безлари умуман учрамайды. Ҳар хил безлар қуруқда яшовчи ҳайвонларда күзатиласы. Қуруқда яшовчи амфибийларда бурунлараро ва танглай безлари учрайди. Судралыб юрувчиларда (реptилияларда) эса құшимча тил ости, лаб ва тиши безлари ривожланады. Тиши безлари айрим илонларда за ҳарлы безларға айланған. Бұз безлар чайнов мускули ичида жойлашиб, чиқарув каналчалары тиши каналласы орқали ташқарига очылады. Жағ мускули қисқарып, зағарни ниҳоятта тезликта ташқа-рига чиқарып берады. Қушларда сұлак моддасини ишлаб берувчи тил ости ва қысман танглай безлари топилған. Сут әмизувчиларда одамлардагы үхшаб ҳамма сұлак безлари учрайди.

Ҳалқұм

Ҳалқұм (*pharynx*) нафас ва ҳазм йүлларининг кесишиб үтады-
ған қисми. Бүйіннинг олдинги томонида жойлашады, тузилиши
воронкасімон шаклда бұлиб, узунлігі 11-12 см.-га тенг бүшлиққа
эга. Юқориги девори калла суягининг асоси билан туташған бұлиб,
6-7-бүйін умуртқаларининг қаршисында торайиб қызилұңгачта ула-
нады. Ҳалқұм тузилиши ва вазифасыға қарап уч қысмға булинады.

1. **Ҳалқұмнинг бурун қисми** (*pars nasalis pharyngia*) бурун бүшлиғи билан хоаналар орқали туташиб туради. Пастки томонда юмшоқ танглай, үрта қулоқ билан туташувчи әшитув Евстахий найнан бошланады.

2. **Ҳалқұмнинг оғиз қисми** (*pars oralis*) ҳалқұм орқали оғиз бүшлиғи билан туташиды. Бу қисмда ҳаво йүли билан овқат йүли кесишиб үтады, ҳаво ёки овқат үтиши жараёнини юмшоқ танглай бошқаради. Овқат үтиши жараённан ҳиқилдоққа үтиши йүли ҳиқил-
доқ үсткі тоғайи билан ёпишиб туради. Ҳалқұм орқа деворининг юқори қисмінде айланма шаклида лимфоид мұртаклар жойлаш-
ған бұлиб, бунга Пирогов мұртак халтаси дейилади. Улар ҳимоя вазифаларини үтайды. Ҳалқұмнинг ҳиқилдоқ қисми пастроқда қызилұңгачта туташиб кетады.

3. **Ҳалқұмнинг ҳиқилдоқ қисми** (*pars laryngea*) нисбатан калта-
роқ бұлиб, ҳиқилдоқнинг узуксімөн тоғай пластинкасидан ва
чүмічсімөн тоғайлардан қосылған орқа девори билан зич ён-
дашиб кеттән шиллиқ пардадан ташкил топған. Юқоридан ҳал-
құмнинг кириш қисми билан пастдан эса ҳалқұмнинг орқасыда
ётувчи қызилұңгач кириш қисми билан чегараланады.

Ҳалқұмнинг шиллиқ пардаси оғиз ва бурун бүшлиғи шиллиқ қаватининг давоми ҳисбланады. Бурун қисми күп қаторлы ҳи-
пилловчи эпителий билан қолланған бұлса, оғиз ва ҳиқилдоқ қисм-
лари күп қаватлы ясси эпителий билан қолланған. Шиллиқ остида
мураккаб шиллиқ безлар жойлашады. Ҳалқұмни ҳаракатта келти-
рувчи мускуллар күндаланғ-тарғыл мускуллардан ташкил топған.
Мускул толалари бүйлама ва ташқи айланма ҳолда йұналған.

Қизилүнгач (*oesophagus*) найсимон шаклдаги асосан мускул тұқымасыдан ташкил топған. Узунлиғи 23-25 см, эни 2-2,5 см. га тенг булып, ҳалқумни меъда билан туташтириб туради. Чегараси юқори томонидан 6-7-бүйин умуртқаларига тенг бұлса, паст томонидан XI күкрак умуртқаси қаршисида меъдага қүшилади. Қизилүнгач бүйин қисмида бүйин үрта чизигидан қисман чапроқда жойлашиб, олдинги томонида кекирдәк, ён томонларида адашган нерв ва уйқу артерияси, чап томонида эса қалқонсимон безнинг чап бұлаги ётади. Күкракнинг юқориги тешиги орқали күкрак қафасыга утади.

Күкрак қафасыда жойлашган қисми узунроқ булып, VI-VII күкрак умуртқаларига тұғри келади. Күкракнинг IV умуртқаси рупа-расида аортанинг ёй қисмининг олдинги томонидан кесишиб үтади. Қизилүнгач диафрагмадан қорин бүшлиғига үтиб, бу ерда меъманинг кардиал қисмiga қүшилади. Қизилүнгачнинг диаметри бүйин бүйлаб бир хил бұлмайды. Учта жойда торайған ва иккита кенгайған қисмларга эга. Биринчи торайған қисми ҳалқумнинг қизилүнгачта үтиш қисмида, иккінчиси кекирдәкни иккита бронхта бүлингандыра үрталарыда кенгайған қисмлари жойлашади. Қизилүнгач девори уч қаватдан ташкил топған: 1) ички шиллик, 2) үрта мускул, 3) ташқы адвентиция қаватлари.

1. *Шиллик парда қавати* ички қават булып, күринишидан қатламлар ҳосил қилиб тузилған, овқат үтиш жараёнида улар тұғриланади. Қизилүнгач ичи бүш ҳолатидаги күндаланғ қисми қатламлар ҳисобига буришиб, қолдусимон шаклни әгаллайды. Шиллик қават эпителийдан хусусий ва мускул пластинкаларидан ташкил топған. Юза қисми күп қаватли мугузланмайдыган эпителий билен қолланған, унинг остида сийрак толали шаклланмаган бириктирувчи тұқымадан иборат хусусий пластинка ётади. Хусусий пластинка қатламида күплаб кардиал безлар учрайди, уларнинг чиқарув каналчалари эпителий юзига очилади.

Шиллик ости пардаси сийрак толали бириктирувчи тұқымадан ташкил топған булып, коллаген ва эластик толачалари бүйлама йұналған бұлади. Бу ерда қизилүнгачнинг шиллик мөддасини ишлаб берувлы мұраккаб тармоқданған найсимон альвеоляр хусусий безлари жойлашади. Буларнинг чиқарув каналчалари ҳам эпителий юзига очилади. Бундай безлар күплаб қизилүнгачнинг юқориги қисмларида учрайди. Без маңсулотлари овқаттарни енгил сирғалып үтишини таъминлайды.

2. *Мускул парда қавати* икки қаватни ташкил этиб, ички қавати айлана, ташқы қавати эса бүйлама ҳолда жойлашади. Қизилүнгачнинг юқориги 1/3 қисми күндаланғ тарғил мускулдан ташкил топған бұлса, пастки қисмини силлик мускуллар ташкил этади.

3. *Адвентиция парда қавати* шаклланмаган сийрак толали

бириктирувчи түқимадан ташкил топган. Қизилұнгачнинг пастткің қисми сероз парда билан үралған бұлиб, унинг усти мезотелий билан қолланған.

МЕҢДА

Меңда (*ventriculus* ёки *gaster*) овқат ҳазм қилиш йүлиниң эн кенгайған қисми бұлиб, қорин бүшлиғининг чапдан юқори қисмида жойлашған. Қурак тишиларидан бошлаб, меңда бүшлиғинин тубигача 40 см. бұлиб, меңда ширасини олиш учун унга яна 2-3 см. құшиб, зонддан фойдаланса бұлади. Меңданинг атрофи қорин пардаси билан интраперитонал ҳолда, яғни 5/6 қисми чап томонда қовурға ости соҳасыда жойлашса, камроқ қисми тахминан 1/6 қисми үнг томонда жойлашади.

Меңданинг шакли болаларда ноксимон, катталарда лабораторияларда фойдаланыладыган роторға ёки катта қилиб ёзилған вертуль шаклиға ұхшайды. Унинг юқориси кичик эгрилиги (*curvatum ventriculi minor*) дейилса, пасткиси катта эгрилик (*curvata ventriculi major*) деб аталади. Катта эгриликтіннің чап қисми пастта қараган бұлиб, күндаланғ чамбар ичак چарвисига тегиб туради. Иккала эгрилик бүйлаб қон ва нерв томирлари үтади. Кичик эгриликтіннің чап томонидан юқорироқ қисмінде үн биринчи күкрап умуртқа поғона қаршисида меңдага қизилұнгач келиб очилади. Меңданинг кириш кардия (*pars cardiaca*) қисмидан чапда юқорироқда жойлашған кенг қисми меңда туби ёки гумбази деб аталади. Меңданынг чиқиши қисми (*piloris*) үнг томондан белнинг биринчи умуртқаси қаршисида жойлашған ва үн икки бармоқлы ичакка туташып кетади. Меңданинг чиқиши қисми иккиге бүлинади. Биринчиси бошланиш қисмидан бұлиб, унга горча қисми дейилса, унинг торайиб борған қисми канали дейилади. Катта одамларда меңданинг узунлігі 25-30 см., эни 12-14 см. га teng. Үртача ұажми 3-3,5 литрга teng. Меңданинг узунасига кеттан үкі юқори томондан пастта ва олдинга, чапдан эса үнг томонға йўналған. Унинг туб қисми диафрагманинг чап гумбазига тегиб туради, орқа томонда меңда ости бези ва талоқ жойлашади. Меңданинг орқа девори чап буйракка, чап буйрак усти безига ва меңда ости безига тегиб туради. Кичик эгрилиги томонидан жигар билан чегараланади.

Меңда девори 4 қаватдан ташкил топған: шиллик, шиллик ости, мускул, сероз қаватлар.

Шиллик қават бир текисда бұлмай бурмалар, майдончалар ва чукурчалар ҳисобига нотекис бұлади. Шиллик парда остидаги толачалар ва пластинкалар бурмалар ҳосил қиласы. Бурмалар меңда бүш вақтида күплаб ҳосил бўлса, овқат тушганида улар текисланиши ҳисобига сони ҳам кескин камаяди. Меңданинг ички юзаси цилиндриксимон эпителий билан қолланған. Меңда шиллик ости пардаси таркибида жуда кўп безлар бўлиб, улар секретларини меңда бүшлиғига чиқариб беради. Безларнинг секрети шиллик парда

устида ҳимоя пардаси ҳосил қилиб, уни ўткир меъда ширасининг таъсиридан ва дағал овқат парчаларининг таъсиридан сақлади. Шиллик парданинг хусусий пластинкалар қаватида меъда безлари жойлашади. Уч хил меъда безлари учрайди: 1) фундал ёки меъданинг хусусий безлари; 2) пилорик безлар; 3) кардио безлари. Уларнинг күпчилигини фундал безлар ташкил қиласи. Шиллик ости қаватида жойлашган фундал безлар морфологик тузилиши жиҳатидан оддий тармоқланмаган ёки қисман тармоқланган ташқи секреция безларига киради. Фундал безлари бўйин, тана ва туб қисмларидан ташкил топган бўлиб, секрет ишлаб чиқаришда фақат туб ва тана қисмидаги хужайралар иштирок этади. Бўйин қисми хужайралари секрет ишлаб чиқаришда қатнашмай, секретларни меъда юзасига чиқариб беради. Меъданинг фундал безлари бош хужайралари пепсиноген (зимоген) проферментини ишлаб бериши аниқланган. Пепсиноген хлорид кислота таъсирида ўзининг фаол шакли бўлган пепсинга айланади. Адашув нерви таъсирида бош хужайраларининг функцияси ошгани кузатилади. Маълум бўлишича, меъда фундал безларининг паретал (ўраб турувчи) хужайралари водород (H^+) ионларини хлорид ионлари билан бириктириб хлорид кислотани ҳосил қиласи. Унинг таъсирида меъдага тушган барча микроорганизмлар ўлади. Кўшимча ёки шиллик хужайралар кўплаб мукоид моддаларни ва айрим оқсилларни синтез қиласи беради.

Ҳозирги вактда ҳазм йўлларнинг деворларида кўплаб эндокрин хужайра гурӯхлари топилган бўлиб, улар томонидан 20 га яқин гормонлар синтез қилиб берилishi аниқланган. Булар меъда экзокрин без фаолиятларига таъсир қилиб, улар функциясининг ошиши ёки камайишини бошқариб туради. Меъданинг шиллик ости пардасида безлардан ташқари қон томирлар ва нерв чигалларидан Мейснер чигаллари топилган.

Меъданинг силлиқ мускуллари уч қаватдан ташкил топган бўлиб, учта йўналишда жойлашади. Ташки тузунасига йўналган толалар қавати, қизилўнгач тузунасига йўналган мускулларнинг давоми ҳисобланади.

Ўтра циркуляр ва ички қийшиқ қавати меъданинг кириш қисмидан бошланиб, унинг олдинги ва орқа девори бўйлаб катта эргилигига қараб қийшиқ ҳолда йўналишларидан ташкил топган. Бу қават мускул толалари меъданинг туби ва тана қисмларида яхши ривожланган. Сероз парда қавати қорин парданинг ички варафи мезотелийдан ва унинг остида жойлашган толали бириктирувчи тўқимадан ташкил топган. Бу парда меъда устидан бошқа аъзоларга ҳам утиб, уларнинг ҳам устки қаватларини ташкил этади.

Меъдада узлуксиз равишда доимо ҳаракат жараёнлари содир бўлиб туради. Меъданинг бу ҳаракатига меъда перистальтикаси дейилади. Қизилўнгачда ҳаракат икки томонлама, яъни бўйлама ва айлана ҳолатда содир бўлиб турса, меъдада уч хил ҳаракат бўлади. Учинчи хил ҳаракатни унинг қийшиқ ҳолда жойлашган мускул толалари ташкил қиласи. Уч хил ҳаракат натижасида овқат

ҳар томонлама аралашиб, яхши парчаланади, айримлари сўрила-ди. Қолганлари ўн икки бармоқли ичак томон йўналади. Меъда-нинг қисқариш тўлқинлари кириш қисмидан бошланиб, чиқин қисмигача, яъни ўн икки бармоқли ичаккача давом этади. Меъда перистальтикаси ҳар 20 секундда такрорланиб туради.

ИНГИЧКА ИЧАК

Ингичка ичак (*intestinum tenue*) одамларда меъданинг чиқин қисми, XII кўкрак ва I бел умуртқасининг қарписидан бошланиб йўюн ичакнинг кўр ичак қисмигача боради. Ингичка ичак ҳазн йўлининг энг узун қисми бўлиб, 5-6 м.-ни ташкил этади. Унин диаметри бошидан охиригача аста торайиб боради. Агар бошлангич қисмида диаметри 5 см бўлса, охирига бориб 2,5 см ни ташкил этади. Ингичка ичак морфологик тузилиши ва функциясини назарга олган ҳолда уч қисмга бўлинади, ўн икки бармоқли (*duodenum*) оч ичак (*intestinum jejunum*) ва ёнбош (*intestinum ileum*) ичак. Улар нинг ичида энг калтаси ва кенги ўн икки бармоқли ичак бўлиб унинг узунлиги 25-30 см.-га teng. Тахминан 2/5 қисмини, яъни 2-2,5 метр-ни оч ичак ташкил этса, 3/5 қисмини, яъни 2,5-3,5 метрни ёнбош ичак ташкил этади. Оч ичак қорин бўшлиғининг юқори қисмида жойлашади, ёнбош ичак эса қорин пастки қисмида, қисма ёнбош суяқ бўшлиғига киради. Ингичка ичакларни ташкил томонидан ажратиб бўлмайди, фақат ички томонидан микроскопик тузилишига қараб аниқлаш мумкин. Ингичка ичакларда мураккаб физиологик жараёнлар кечади. Озукқа моддаларни парчалаб бериш ва охиригача, яъни оқсилларни аминокислоталаргача, углеродларни глюкозагача, ёёларни глицерингача парчаланган моддаларни қон ва лимфа томирларига ўтказиб бериш каби физиологик ҳолатларнинг асосий қисми шу ичакларда ва уларнинг деворларида содир бўлади.

Ўн икки бармоқли ичак (*duodenum*) тузилиши жиҳатидан тақасимон ёки бир томони очиқ ҳалтачага ухшайди. Қорин пардаси билан бир томондан үралган, яъни экстраперитонеал ҳолатда үралган, I-III бел умуртқа поғоналари қарписида жойлашади. Унинг ярим ҳалқа бўшлиғи қисмига меъда ости безининг бош қисми кириб туради. Ингичка ичаклар ичида кам ҳарақатли қисмига киради.

Ўникки бармоқли ичак тўртта асосий қисмдан ташкил топган: 1) юқори кўндаланг қисми (*pars horizontalis superior*); 2) тушувчи қисми (*pars descendens*); 3) пастдаги кўндаланг қисми (*pars horizontalis inferior*); 4) кўтариувчи қисми (*pars ascendens*).

Ўникки бармоқли ичакнинг қуий тушувчи қисмига меъда ости бези ва ўт пупфагининг умумий чиқарув йўллари очилади.

Оч ва ёнбош ичаклар

Оч ичак (*jejunit*) ёнбош ичакка (*ileum*) нисбатан калтароқ, бўлгани билан унинг диаметри катталигини ва зич жойлашган айланма қатламларнинг кўпчилигини ҳисобга олганда овқатни сўриб берин юзаси катталиги билан фарқланади. Озиқ моддаларнинг қонга сўри-

иши асосан ингичка ичакларда содир булади. У ерда парчала-шишнинг тури жараёнлари кузатилади. Оқсиллар, ёғлар ва кар-бон сувлар кимёвий жиҳатдан тури ферментлар ёрдамида қайта ишланади, яъни парчаланади. Бунда оддий оқсилларни парчаловчи этерокеназа, киназоген ва трипсин пептидларни аминокисло-тларгача парчаловчи эрипсин (пептидазалар аралашмаси) ва му-риккаб оқсиллар нуклеопептидларни парчаловчи нуклеаза ва фос-фатаза ферментлари иштирок этади. Карбон сувларни парчалашла амилаза, малтаза, сахароза, лактоза ва фосфатаза, ёғларни пар-чалашда липаза ферментлари иштирок этади. Ичакларда айрим биологик фаол моддалар ҳам ишлаб берилади. Буларга гистамин, метилин, секретин, энтероглюкоген, холицистокинин, панкрези-дин, гастирин ва бошқалар киради.

Ингичка ичак девори овқат ҳазм қилиш жараёнларига мослашган ҳолда тузилишга эга. Оч ва ёнбош ичаклар ташки томонидан корин пардаси билан ҳар томонлама, яъни интраперитониал ҳолатга уралган. Ички тузилишидаги айланма бурмалар шиллик ва шиллик ости пардалари структур элементлари асосида содир булади. Бурмаларнинг сони катталарда 600-650 гача бўлиб, оч ичақда бўйи узунроқ ва кўпроқ ($1 \text{ mm}^2 - 22-40$), ёнбош ичакларда ($1 \text{ mm}^2 - 18-25$) ворсинкалар ва қатламлар сони нисбатан камроқ, учрайди.

Ворсинкалар шиллик парда ҳақиқий пластинкалардан ташкил топган ўсиқ бўлиб, ретикула толаларига бой толадор сийрак би-риклирувчи тўқимадан ривожланади.

Крипталар ёки ичак безлари эпителийнинг хусусий пластинка-сига ботиб киришидан ҳосил бўлган найсимон тузилмалардир. Улар ворсинкалар орасига очилади. Ингичка ичакнинг 2 mm^2 юзасида 100 тагача крипта бўлиб, уларнинг умумий сони 150 млн. дан ошади. Ворсинкалар ва крипталарнинг юзаси бир қават цилиндрсими-мон эпителий билан қопланган. Ичак деворида уч хил эпителий бўлади: жиякли цилиндрсимон энteroцитлар ёки эпителиоцитлар; қадаҳсимон ҳужайралар; эндокрин ҳужайралар.

1. **Жиякли цилиндрсимон ҳужайралар (энтероцитлар)** ичак девори ҳужайраларининг күпчилигини ташкил қиласи, цилиндрсимон шаклда бўлиб, бир текисда жойлашади. Базал қисмида битта овалсимон ядросига эга. Аппикал плазматик мембранасида "жияк" (хошия) қисмига эга. Электрон микроскоп ёрдамида текширишлар кўрсатишига қараганда "жияк" қисми цитоплазматик ўсиқчалар, яъни микроворсинкалар эканлиги аниқланди. Ҳар бир ци-линдрсимон ҳужайра 1500-3000 шундай микроворсинкаларга эга. Уларнинг узунлиги 0,2-0,5 мм. Микроворсинкалар ичакка өзуқа тушганда уни сўриб бериш юзасини 30-40 марта катталаштириб беради. Микроворсинкаларнинг вазифаси озуқани сўриб бериш билан чегараланиб қолмай, уларнинг таркибида озуқаларни пар-чалаб ва сўриб беришни таъминлайдиган биологик фаол моддалар ва ферментлар топилган. Буларга фосфатаза, аминопептида-за, инвертаза, нуклеозидифосфатаза, глюкозидаза, малтоза, лак-

тоза, сахароза ва бошқалар киради.

2. *Қадағасимон ҳужайралар* бир ҳужайралы цилиндрсімін экзокрин безларга кириб, күплаб ингичка ва йұғон ичак деворларидан учрайди. Үн икки бармоқтың ичактардан бошлаб ёнбош ичакка қарабони ортиб борағы. Цитоплазмасыда секрет үйргилганида ҳужайрақада, күренишида бўлиб, секрет ташқарига чиққаныдан сұнг үзүхолини, яъни призматик шаклни эгаллады. Секрет ҳужайралари аппикал қисмінде жойлашкан тешикчаси орқали чиқиб кетади. Йұғон ичаклар деворида күплаб учрайди.

3. *Эндокрин ҳужайралар* асосан қрипталарда жойлашган. Сे-ротонин ва ичак гормонларини ишлаб беради. Буларга секретин, холецистокинин ва бошқа биологик фаял моддалар киради. Қрипталарнинг туб қисмларида Панета ҳужайралари топилған бўлиб (маймунларда учрайди, йиртқичларда топилмаган), улар дипептидларни парчалашда иштирок этадиган лизоцин ва фермент зерпин ишлаб беради.

Шиллиқ ости пардаси таркибида күплаб якка ёки гурухлар ҳосил қилиб жойлашган лимфа түгүнлари учрайди. Уларнинг ұртача диаметри 0,5-1,5 мм. ни ташкил этади. Булардан ташқары лимфоид фолликул гурухлари ёки Пейер пилакчалари (бляшкалар) ёнбош ичакларда күплаб қолган қисмларида камроқ учрайди.

Мускул қаватининг асосий вазифаси ичак бүшілиғидаги овқатларни аралаштириш ва қолдикларини йұғон ичак томонига суриси берішден иборат бўлиб, икки қаватни ташкил этади, ташқи қават толалари узунасига, ичкиси циркуляр жойлашган. Мускул қисқариши икки хил ҳаракатни содир этади. Биринчиси иккала қават мускулларининг одинма-кетин ритмик ҳолда қисқариши бўлса, иккимчиси перистальтик, яъни иккала қават келишилган ҳолдаги қисқаришидир. Янги туғилған болаларда ингичка ичакнинг узунлиги 1,2-2,8 м. ни ташкил этади. Шиллиқ пардаси жуда нозик бўлиб, күплаб қон томирлари учрайди, суриси беріш хусусияти кучли, қрипталари йирик. Узунасига жойлашган мускул қавати яхши ривожланмаган.

Сероз парда ингичка ичаклар устидан бир қаватли ясси эпителій мезотелий билан қопланған зич шаклланмаган бириктирувчи түқимадан ташкил топған. Үн икки бармоқтың ичак оғиз томондан сероз парда билан қопланып, қолган қисми адвентиция парда билан үралади.

Шундай қилиб, одам ва ҳайвонлар ичагидаги озиқ, моддаларнинг суримиши мураккаб ферментатив жараён бўлиб, босқичмабосқич амалга ошади. Озиқ моддалар аввало ферментлар таъсиріда ичак бүшлиғида парчаланади, бунга бүшликдаги ҳазм дейилади. Ҳосил бўлган олиго ва димерлар жиякли ҳужайралар микроворсинкалари юзасыда мономерларга парчаланади, бунга мембраннылардаги ёки девор олди ҳазми дейилса, ҳужайра мембраннын орқали сўрилиб үтган мономерлар жиякли ҳужайралар цитоплазмасыда яна қайта ишланади. Бунга ҳужайра ички ҳазми дейилади.

лди. Сүнгра улар шиллиқ, парданинг хусусий пластинкаси орқали қонга оқсиллар, углеводлар ўтса, лимфага ёғлар ўтади.

Демак, маълум бўлишича, ингичка ичакдаги мембрана ҳазм қилишда ва озиқ моддаларнинг сўрилишида асосан ичак ворсинкалари иштирок этади.

ЙЎГОН ИЧАК

Йўгон ичак (чамбар ичак) (*intestinum grassum*) овқат ҳазм йўлининг охирги қисми бўлиб, узунлиги 1-2 м. ташкил этса, диаметри эса бошидан бошлаб охиригача аста-секин торайиб, бош қисмидан 7 см., охирига келиб 4 см. ни ташкил этади. Бошқа ичакларга нисбатан диаметри деярли икки баробар катта бўлганлиги учун йўгон ичак деб аталади. Йўгон ичак бир неча қисмларга бўлинади. Буларга кўр ичакнинг чувалчангсимон ўсимтаси билан кўтариувчи чамбар ичак, кўндаланг чамбар ичак, пастга тушувчи чамбар ичак, сигмасимон ёки "S"-симон ичак ва тўғри ичаклар киради. Йўгон ичак девори шиллиқ қават, шиллиқ ости, мускул ва сероз пардаларини ташкил этади. Йўгон ичак шиллиқ, қаватининг ингичка ичаклар шиллиқ қаватининг тузилишидан фарқи йўгон ичакларда ворсинкалар бўлмайди, айланма бурмалар ўрнида яримоисимон бурмалар кузатилади. Шиллиқ қавати йўгон ичак деворида кўплаб шиллиқ модда ишлаб берадиган қадаҳсимон безлар ингичка ичакларга нисбатан кўплаб учрайди. Шиллиқ парда ости ҳақиқий бириттирувчи тўқима таркибида кўплаб лимфойд фолликуллар учрайди. Мускул қавати ҳам ингичка ичакларнига нисбатан сезиларли даражада қалин тузилишига эга. Шиллиқ парда остидаги сийрак бириттирувчи тўқима қаватида қон томирлар, лимфа тармоқлари ва нерв учлари жойлашади. Мускул қавати ички ва ташки қаватни ташкил этади. Ички қавати яхлит жойлашган, лекин бир текисда ривожланмаган ҳолда жойлашган мускул толачаларидан ташкил тошган. Айрим олимлар йўгон ичакни ўрта қисмида айланма мускулиниң қалинлашганини кузатишган. Уларнинг фикрича, бу йўлонлашиш сфинтерга ўхшаб кетишини таъкидлайдилар. Йўгон ичакнинг узунасига жойлашган мускул қавати учта лента шаклида ривожланган, фақат чувалчангсимон ўсимтада ва тўғри ичакда улар бир-бири билан қалинлашиб, бир бутун мускул қаватини ҳосил қиладилар. Уччала лента шаклидаги мускул қавати чувалчангсимон ўсимгадан бошланиб, бир-бирига нисбатан баравар узоқлиқда, бири иккинчисига қўшилмай ва кесишмай зич силлиқ ва ялтироқ чизиқлар шаклида йўгон ичакнинг бутун соҳаси буйлаб, то тўғри ичакгача чўзилиб ётади. Улар уч хил ном билан аталади: ичак тутқичи лентаси, чарви лентаси, эркин жойлашган лента. Ичак тутқичи лентаси (*tenia mesocolica*)га йўгон ичакнинг кўндаланг қисмида тутқич келиб туташади. Чарви лентасига катта чарви келиб ёпишади. Эркин жойлашган лента кўр ичак, кўтариувчи ва пастга тушувчи қисмларининг олдинги юза қисмида жойлашади. Мускулли ленталар қисқарганида йўгон ичак

калталашади, яримойсизмон ҳалқалар асосини ташкил этувчи айланма ҳолда жойлашган мускуллар учун таянч вазифасини ҳам бажаради. Йўғон ичаклар ташқи кўринишидан ана шу мускулдан ташкил топган ленталар, бўргиб чиқишлиар ва ёф бўргиқлари билан фарқланиб туради.

Ташқи сероз парда чувалчангсизмон ўсимтаси кўр ичакнинг кўндаланг ва сигмасизмон қисмини ҳар томондан тўлиқ қоплаб туради. Қолган қисми мезоперитониал қопланган бўлса, тўғри ичакнинг охири қорин пардаси билан қопланмайди.

Кўр ичак (coecum) ўнг томонидан ёнбош чуқурчасида жойлашган, қорин пардаси билан, юқори қисмидан ташқари, ҳар томонлама қопланган Ичак тутқич пардага эга эмас. Ташқи кўринишидан пастдан юқорига қараб кенгайган халтачага ўхшайди. Бир томони берк бўлгани учун кўр ичак номини олган. Йўғон ичакнинг энг кенгайган қисми ҳисобланади. Узунлиги 7-7,5 см. Демак, узунласи билан диаметри ҳажми деярли бир хил, кўр ичакнинг пастки қисмida ичак тутқичига эга чувалчангсизмон ўсимта (*appendix ventriformes*) жойлашади. Чувалчангсизмон ўсимта деворида яхши ривожланган иммун тизимига хос лимфоид тизим жойлашган. Қорин пардаси билан ҳар томонлама интераперитониал ҳолда уралган. Бундай ўсимта одамсизмон маймунларда ҳам учрайди. Одамларда унинг узунлиги ҳар хил бўлиши мумкин (2-20 см.), уртacha узунлиги 6-8 см., диаметри 3-4 см. Чувалчангсизмон ўсимта бўшлиғи тешиги орқали кўр ичакка очилади. Тешиги қатламга ўхшаган тузилишга эга. Сфинктерни эслатади. Чувалчангсизмон ўсимтани ҳамма вақт бигта жойда учратиш мумкин эмас, жойини узгаргирган бўлиши мумкин. Айрим вақтларда у медиал, латерал ёки юқори ва пастроқ ҳолатда жойлашиши ҳам мумкин. Уни тез ва аниқ, топиб олиш учун один ёнбош ичакнинг кўр ичакка туташган қисми топилиб, 3-4 см. пастта тушилса, апендикс топилади. Бунинг учун ўнг томондан юқориги ёнбош суяқ үсиги билан киндикка утказилган чизиқнинг 1/3 қисми топилади. Апендикс тахминан шу ерда жойлашади. Янги туғилган болаларда кўр ичак ингичка бўлиб, узунлиги 1,5 см., диаметри 1,3-1,7 см. бўлса, икки ёшиларга бориб 2-3 марта катталашади. Апендикс ҳам бир ёшдаги болаларда узун ва йўғон бўлиб, тешиги ҳам кенгроқ бўлади.

Чувалчангсизмон ўсимта тешигининг юқори қисмida ёнбош ичакни кўр ичак билан туташган қисми жойлашади. Бу туташши жойи ўзига хос морфологик тузилиши билан фарқланувчи бир томонлама утказиб бериш хусусиятига эга илиоцекал, яъни қопконсизмон сфинктер жойлашади.

Кутарилувчи чамбар ичак (colon ascendens) кўр ичакнинг давоми ҳисобланиб, қорин бўшлигининг ўн томонидан ён қисмida жойлашиб, ўнг буйракка ва қорин деворига ёндошиб туради ва жигар томон деярли тик ҳолда кутарилади. Жигарнинг ўнг бўлаги пастки қисмiga бориб IX қовурға охирида ўнг томонга бурилиш ҳосил қиласи ва кўндаланг чамбар ичакка туташиб кетади. Узун-

лиги 18–20 см. Олдинги ва ён томонлари қорин пардаси билан (меперитониал) қопланган, орқа томони очик қолади.

Кўндаланг чамбар ичак (*colon transversum*) кўтарилиувчи чамбар ичакнинг давоми ҳисобланади. Тутқич ёрдамида қорин бўшлинииг орқа деворига туташиб туради. Кўндаланг чамбар ичак чап томондан жигарнинг катта бўлаги пастки юзасидан то талоқгача Кўндаланг жойлашади ва меъданинг катта эгрилигига ёндошиб тудади. Ичакнинг чап томони ўнг томонига нисбатан қисман баланроқда жойлашади. Кўндаланг чамбар ичак орқа томонидан ўнкки бармоқди ва меъда ости безига тегиб туради. Унинг остки қисмида оч ичак бурмалари ётади. Кўндаланг чамбар ичак олдинги томонидан катта чарви билан уралган бўлиб, чарви меъданинг катта эгрилигидан бошланиб, ичак билан зич туташиб кетади. Кўндаланг йўғон ичак ҳамма томондан қорин пардаси билан интраперитониал ҳолатда уралган. Кўндаланг чамбар ичак талоқ ости чап томонидаги қовурға остида ва чап буйрак олдида паст томонга бурилиб, пастта тушувчи чамбар ичакка туташиб кетади.

Тушувчи чамбар ичак (*colon descendens*) қориннинг чап томонида қорин бўшлигининг орқа деворига ёпиштан ҳолда жойлашади. Узунлиги 9–12 см. Ташқи томонга йўналиб, чап ёнбош суюгиниг чуқурчасида лотинча "S" ҳарфига ўхшаган сигмасимон йўғон ичак билан туташибади. Пастта тушувчи ичак ҳамма томонидан қорин пардаси билан интраперитонеал ҳолда уралган бўлиб, узун ичак тутқичига эга. Тўғри ичак яқинлашган сари чамбар ичакка хос бўлган бўртмалар камайиб боради, мускулларнинг учала лентаси кенгайиб, тўғри ичақда бир-бири билан туташиб яхлит мускул қаватини ташкил этади.

Сигмасимон ("S"-симон) йўғон ичак (*colon sigmoidem*) чамбар ичакнинг давоми ҳисобланади, у чап ёнбош чуқурча ва кичик чаноқ бўшлиғида жойлашган, думгаза ва ёнбош суюкларнинг қўшилган жойидан бошланиб, учинчи думгаза умуртқаси қаршисига яқинлашиб тўғри ичакка ўтади, узунлиги 10–15 см га teng. Олдинги томонидан қорин бўшлигининг олдинги деворига тегиб туради, юқори томонидан ичак ва пастки томондан сийдик пуфаги, бачадон ва тўғри ичак билан чегараланади.

Тўғри ичак (*intestinum rectum*) йўғон ичак ва бутун овқат ҳазм қилип йўлининг охирги қисми ҳисобланади. Кичик чаноқ ва думгазанинг олдида жойлашади. Ўртача узунлиги 15–20 см., диаметри турли қисмларида ҳар хил, ўртача 5–10 см. га teng. Юқори томондан қорин пардаси билан интраперитонеал ҳолда уралган бўлса, ўрта қисми эса уч томондан мезоперитониал ҳолда уралган. Пастки қисми қорин парда билан мутлақо ўралмаган.

Кичик тос бўшлиғида тўғри ичакнинг эркак ва аёлларда турли-ча жойлашган. Эркакларда тўғри ичак олдида сийдик пуфаги, уруғ пуфакчалари ва простата бези жойлашади. Простата бези тўғри ичак деворига ёпишиб турганилиги сабабли, уни бармоқ билан тўғри ичак орқали пайпаслаб кўриш мумкин. Аёлларда эса тўғри ичак ва

бачадоннинг орқа соҳасида жойлашади.

Йўғон ичакларнинг мускуллари кўндаланг ва узунасига қисқа риши натижасида ҳаракат бир йўналишда бўлиб, ички қисмида жойлашган чиқинди моддаларни тешиги томонга қараб йўналтиради.

Меъда ости бези

Меъда ости бези (*raptreas*) одам танасида энг йирик безлар қаторига киради. Меъданинг орқа соҳасида I-II бел умуртқалари нинг қаршисида талоқ ва ингичка ичакларга нисбатан кўндалаш жойлашган, оғирлиги 60-100 г., узунилиги 15-22 см., ўрта қисми нинг диаметри 3-4 см. Меъданинг орқа томонида жойлашиб, қорин пардаси билан фақат олдинги томондан тулашиб, экстраперитониал аъзолар қаторига киради. Уч қисмдан ташкил топган: бош қисми, тана ва дум қисми. Бош томони энг йўғон ва кенг қисми бўлиб, аста-секин дум қисмига қараб ингичкалашиб боради. Бош қисми ўн икки бармоқли ичакнинг тақасимон бўшлифига кириб боради. Орқа томонидан қорин бўшлифининг орқа деворига тегиб туради. Без дум томонидан талоқ ва чап буйрак билан чегараланади. Орқа томонидан эса йирик қон томирларидан қорин аортаси, пастки ковак венаси билан чегараланади. Безнинг ички томонидан тахминан уртасида дум қисмидан бошланиб, бош қисмигача чўзилган йирик диаметрига эга асосий чиқарув каналчаси ётади. Бу ерда унинг чиқарув каналчаси, ўт пулфаги умумий йўли билан биргаликда, ўн икки бармоқли ичак бўшлифига очилади. Айрим вақтларда безнинг мустақил равишда чиқарув каналчаси бўлиб, ичак бўшлифига алоҳида ўзи очилади.

Меъда ости бези бир кунда 2 л. га яқин ўз панкреатик ширасини ишлаб чиқаради. Ширанинг таркибида углеводларни парчалаб берувчи амилаза, ёғларни парчалаб берувчи липаза ва ичак шираси таъсирида трипсинга айланадиган трипсиноген моддалар мавжуд.

Меъда ости бези аралаш безлар қаторига киради. Ташки секреция экзокрин ва ички секретия эндокрин қисмларига эга. Экзокрин қисмини ташкил этувчи без панкреатин ширасини ишлаб асосий чиқарув каналчаси орқали ўн икки бармоқли ичак бўшлифига чиқариб беради. Без оғирлигининг 97 % ни экзокрин, 3 % га яқинини эндокрин қисми ташкил этади. Демак, без асосий қисмини экзокрин қисми ташкил этади. Эндокрин қисми эса, экзокрин без ичида ҳужайра тўпламлари, яъни оролчалари шаклида жойлашади ва углевод ҳамда ёғ моддалари миқдорини бошқариб турувчи гормонлар ишлаб беради. Буларга инсулин, глюкоген ва самотостатинлар киради. Ҳужайра тўпламларига Лангерганс оролчалари дейилади.

Меъда асосий қисмини мураккаб альвеола-найсимон тузилишга эга экзокрин бези ташкил этади. Экзокрин қисмини ташкил этувчи без охирги учлари думалоқ шарсимон, яъни альвеоласимон ва найсимон тузилишга эга бўлиб, уларнинг деворлари бир қатор без ҳужайралари билан қопланган. Уларнинг секретлари майдага канал-

ларда йигилиб ва бир-бири билан құшилиб, асосий чиқарув калынласига очилади. Асосий каналча эса, үз навбатида, үн икки барлық ичакка очилади. Майда каналчаларнинг девори бир қатор осимон эпителий билан қопланган. Эндокрин қисмини ташкил үтвчи без ҳужайралари үз каналчаларига эга эмас. Улар үз маҳсулдарини тұғридан-тұғри қапиллар томирларга үтказиб беради.

Меъда ости бези микроскопик тузилиши жиҳатидан бұлакчалар ҳосил қилиб тузилган бўлиб, уларнинг ораларида зич бириктірувчи тұқима жойлашади. Тұқима орқали без ҳужайраларига он томирлар ва нервлар үтади. Эндокрин қисмини ташкил этувчи қисми ҳужайралари ва гормонлари ҳақида "Эндокрин безлар" бойынша батафсил тухталиб үтамиз.

ЖИГАР

Жигар (*hepar*) энг йирик без булиб, юмшоқроқ, консистенциясы - эга, түқ қызил рангда. Мураккаб микроскопик тузилган бўлиб, кўп киррали вазифаларни бажаради. Оғирлиги катталарда 1,5-2,0 кг. ни ташкил этади. Ёш болаларда жигарнинг оғирлиги туғилганидагига нисбатан икки марта ошади. 18-20 ёшта еттанида дастлабки оғирлигига нисбатан 10-12 марта катталашади, узуунлиги 20-22 см., эни 10-12 см. га teng.

Жигарнинг асосий қисми қорин бўшлиғи қорин қисмининг үнг томонида диафрагма остида жойлашади. Катта одамларда бироз қисми олдинги ўрта чизиқдан үнг томонга үтади. Жигарнинг учта юзаси тафовут қилинади: 1) диафрагмага тегиб турган юза (*facies diaphragmatica*), 2) орқа томонга қараган юза (*facies posterior*), 3) пастта қараган юза (*facies vesicalis*). Устки ва остки юзалари олди томондан бирлашиб олдинги үткір четини ҳосил қиласи. Устки юзаси силлик булиб, диафрагма ботиқдигида ётади. Жигарнинг юқориги чегараси үнг томондан буртиб чиққан юзаси үнг ўмров суюги ўртасидан пастта қараб йұналған чизигининг IV қовурға билан кесишган қисмiga тұғри келади. Жигарнинг юқориги ўрта чегараси ўрта чизиқ бўйлаб түш суюги танасининг ханжарсимон үсімтаси билан бириккан қисмiga тұғри келса, чапдан эса чап ўмров ўрта чизигининг V-VI қовурғалар қаршисида кесишган қисми қисбланади. Пастки чегараси үнг томондан охирға қовурғанинг орқа томонидан пастки қиррасига тұғри келиб, одатда қовурғадан пастта туцмайды. Агар жигар гипертрофига учраса, яъни катталашиб кетса, уни пайпаслаш усули билан бемалол аниқлаш мумкин (масалан, гепатит касаллигига). Жигарнинг пастки қисми үнг томонидаги қовурғалар остидан чиқиб ўрта чизиқдан үтиб чап томонга қараб юқорига күтарилади ва VII-VIII қовурғаларнинг түш суюги билан бирикадиган жойига тұғри келади. Жигарнинг юқориги буртиб чиққан юзасининг диафрагма ботиб турган қисми текис ҳолда булиб нотекисликлар кузатилмайди.

Жигарнинг бўрттан орқа чети қориннинг орқа деворига ёпи-

шиб туради. Пастки юзаси қорин бүшлиги юқори қисмидаги бир нечта аъзолар билан чегараланиб туради. Буларга меъданинг ки чик эгрилиги, йўғон ичакнинг ўнг бурилиш қисми, кўндаланг чам бар ичак, ўнг буйрак, буйрак усти бези киради. Жигар аъзолари билан тегиб турган юзаларида бир нечта ҳар хил ботиқлар учрайди. Жигарнинг юқориги юзидан диафрагмагача тортилган ўроқ симон бойламча жигарни ўнг ва чап бўлакларга ажратади. Ўнг бўлак чап бўлакдан катта. Жигарнинг пастки (*yesceralis*) юзаси (қисми) орқа томонга қараган бўлиб, устидан бир нечта эгатлар ўтган бўлади. Натижада жигарнинг пастки юзасини ўнг, чап, квадратсимон ва думсимон бўлакларга ажратади. Ўнг сагитал эгатнинг олдинги қисмida ўт шуфаги юзаси, орқа қисмida (киндиқ венасининг қолдиги) жигарнинг думалоқ бойлами (*lig. teres hepatica*), орқада эса эмбрион давридаги вена томирининг олдинги вена бойлами (*lig. venosum*) жойлашади.

Кўндаланг эгат жигар дарвозаси ҳисобланиб, ундан жигарнинг дарвоза венаси, жигар ҳақиқий артерияси, жигар йули, лимфа томирлари ва нервлари ўтади. Хуллас, жигар дарвозаси орқали жигар ичига дарвоза венаси, жигар артерияси ва жигар нервлари кирса, жигарнинг ичидан жигар йули ва лимфа томирлари ва ўт йули чиқади.

Жигар қорин пардаси билан уч томондан (мезоперитониал үралган бўлиб, бу парда диафрагмадан жигарга, жигардан унинг атрофидаги аъзоларга ўтишида бир нечта боғламлар ҳосил қилаади. Булас:

1) диафрагма билан жигар ўртасидаги тож бойлам (*lig. coga-naria*);

2) тож бойламнинг учбурчак шаклидаги қисми – учбурчакли бойламчаларни ташкил этади (*lig. tringulare dextrum et sinistrum*);

3) жигардан буйракка ўтувчи бойлам (*lig. hepatorenale*);

4) меъданинг кичик эгрилигига ўтувчи бойлам (*lig. hepato-gastricum*);

5) ўникки бармоқди ичакка ўтувчи бойлам (*lig. hepatoduodenale*). Жигарнинг орқа чети ёки қорин қисми қорин пардаси билан қопланмайди, яъни қорин пардасидан четда қолган қисми дейилади.

Жигар организмда бир нечта муҳим вазифаларни бажаради:

• Организмни заҳарсизлантириш вазифаси. Модда алмашниш жараёнида ҳосил бўладиган организм учун заҳарли бўлган азот моддасини заҳарсиз бўлган мочевина моддасига айлантириб беради. Бу модда эса сийдик аъзоси орқали ташқарига чиқади. Шу билан бирга гормонлар, биологик аминилар ҳамда дори моддаларни кучсизлантиради.

• Ҳимоя вазифаси. Бунда жигарнинг юлдузсимон ретикулоэндолелиоцидлари (Купфер ҳужайралари) организмга ҳар хил йўллар билан тушган микроорганизмлар ва бошқа заҳарли моддаларни ушлаб қолиш ёки емириб, фагоцитоз қилиб ташлаш хусусияти.

• Кондаги глюкоза миқдорини бир меъёрда бошқариб сақлаб

риш. Қондаги моносахаридлардан жигарда мураккаб углевод үлган гликоген ҳосил бўлиб туради ва тўпланади. Шу билан бир-қон плазмасининг альбумин, глобулин, фибриноген, протромбин каби мухим оқсилларини синтез қилиб беради.

- Ичакларда ёғ моддасининг парчаланишини таъминлайдиган ут моддасини синтез қилиб беради.
- Ҳужайра мемброналарини зарур таркибий қисми бўлган холестерин алмашинувида мухим вазифани бажаради.
- Жигарда организм учун заарли витаминалардан А, Д, Е ва К ларни захира сифатида тўплаб сақлаб туради.
- Организм эмбрионал ривожланиш даврида асосий қон яратувчи аъзо ҳисобланади.

Жигарнинг кўп қиррали вазифаларини назарга олган ҳолда уни организмнинг биокимёвий лабораторияси деб атайдилар.

Жигарнинг тузилиши

Жигар ташқи томондан үраб турган қорин парда (*lupica serosa*) тагида жойлашган. У билан битишиб кетган зич бириктирувчи тўқимадан ташкил топган фиброз парда (*lupica fibrosa*) жигар устини ҳудди халтача шаклида атрофини үраб олади. Фиброз парда жигарга кириш қисми орқали қон томирларни олиб кириб, уни жуда кўп бўлакчаларга (*lobuli hepatis*) бўлади. Жигар бўлакчалари кўп бурчакли призма шаклидаги тузилма бўлиб, бир-биридан бўлакчалараро бириктирувчи тўқима билан ажralиб туради. Бўлакчаларнинг кенглиги 1,5-2 мм атрофи. Бириктирувчи тўқима билан биргалиқда жигар ичига бўлакчалараро артерия, вена ва ут йўллари ҳам киради. Булар бутун жигар ичи бўйлаб бирга йўналгандилари учун уларни жигар *triadasi* дейилади. Бўлакчалараро бириктирувчи тўқима ҳамма жонзодларда бир хил ривожланган бўлмайди. Чўчқа ва айик жигарларида яхши ривожланган бўлиб, одамларда суст ривожланади. Бўлакчалар артерия ва веналари яна ҳам майдалашиб, бўлакчалар ичига кириб, капилляр турини ҳосил қилади. Бу ерда артерия ва вена қон томирлари аралашиб вена қонига айланиб кетади. Аралашган қон марказий веналарга (*v. centrales*), сўнг йиғувчи веналарга ўтади. Булар йиғилиб йириклишиб, жигар венасига айланади ва пастки ковак венасига қуйилади. Жигар бўлакчалари жигар пластинкалари (*lamina hepatica*) ва улар орасидан ўтувчи синусоид капиллярлардан (*vas. sinusoides*) ташкил топган. Жигар пластинкалари асосан жигар ҳужайралари гепатоцитлардан ташкил топган. Ҳар бир бўлакчанинг ўргасидан марказий вена (*v. centralis*) ўтади. Жигар пластинкалари ва синусоид капиллярлари унга нисбатан радиал ҳолда жойлашади. Синусоид капилляр деворида икки хил эндотелий ҳужайралари учрайди. Биринчи органеллалари кам бўлган ясси эпителий бўлса, иккинчиси юлдузсимон ретикуло-эндотелийцитлар ёки Купфер ҳужайралари. Бу ҳужайраларнинг цитоплазмасида кўплаб лизосомалар ва фагосомалар учрайди. Булар фагоцитоз вазифасини

бажаради. Жигар пластинкалари 3-4 қатор жойлашган жигар ҳужайраларидан ташкил топган булиб, уларнинг ўртасидан йўлларининг бошлангич қисмини ташкил этувчи ўт каналчалари ўтади. Булардан ташқари гепотоцитларни аралаш, яъни эндокрин ва экзокрин вазифаларини бажарувчи без ҳужайралари дейиш мумкин, чунки жигар ҳужайралари бир томондан глюкоза, қон оқсилилари, липопротоидлар ва бошқа кўплаб моддаларни ишлаб, қонга чиқарив берса, иккинчи томондан ўт суюқлигини ҳосил қилиб, ўн икки бармоқли ичакка чиқарив беради.

Ҳозирги вақтда жигарни аниқ бир нечта қисмларга булиб ўрганиш схемаси яратилган. Бунда жигар икки булакка, бешта секторга ва саккизта доимий сегментларга бўлинади. Олд томондан ўт пуфаги юзаси, орқа томонидан пастки ковак венаси эгати бўйлаб ўтказилган шартли чизик жигарнинг ўнг ва чап бўлакларининг чегараси ҳисобланади. Ўнг ва чап бўлаклар ичига дарвоза венаси томирлари тармоқланади. Сектор бу дарвоза венаси тармоқлари қон билан таъминлашидаги иккиласми чаватдаги тармоқланган қисми. Сегмент деб учламчи тармоқланган қисмига айтилади. Бунга биргалиқда тармоқданаётган жигар артерияси ва ўт йўлари ҳам киради. Ҳар бир сегмент ўзига хос қон айланиш тизими, иннервацияси ва ўт йўлига эга тузилма булиб, бундай морфологик тузилиш эмбрион ривожланиш давридан шакланиб, янги туғилган болада яққол куриниб туради.

Жигар сегмент тузилишини унинг висцерал юзасидан бошлаб рақамлар билан белгилаб борадиган бўлсак, бошланиши ковак венаси эгатидан бошланиб, соат стрелкасининг тескари йўналиши бўйлаб жойлашади.

ЎТ ПУФАГИ

Ўт пуфаги (*vesica fellae*) ўз бўшлиғида жойлашиб, организмда муҳим вазифаларни бажарища иштирок этадиган ўт моддаси резервуари ҳисобланади. Ўт пуфаги жигар ўнг бўлагининг пастки висцерал юзасида ўт пуфаги чуқурчасида жойлашади. Узунчоқ ноксимон шаклда булиб, туб қисми, тана ва бўйин қисмларига бўлинади. Туб қисми энг кенгайган қисми булиб, аста-секин торайиб боради ва бўйин қисмини ҳосил қиласди. Туб ва бўйин қисмининг ўртасида кенгайган асосий қисми танаси жойлашади. Бўйин қисми эса 3-4 см. ли ўт найига уланади, ўт йўли бориб жигардан келаётган умумий жигар йўли билан кўшилиб, умумий ўт йўлини ҳосил қиласди. Умумий ўт йўли ўн икки бармоқли ичакнинг пастта тушувчи қисмida катта сўрғич (*parilla duodenae major*) га, сунг эса меъда ости бези йўли билан бирлашиб ичакка очилади. Ўт пуфаги тулиб турганида жигарнинг остидан бироз олдинга чиқиб туради, унинг шу қисмини пайпаслаб ўт пуфаги патологиясини тахминан аниқлаш мумкин. Ўт пуфагида ўт моддаси сақланиб туради, сифими $40-60 \text{ см}^3$ га тенг, ўзи ўт ишлаб чиқармайди. Ўт жигардан жигар йўли орқали ўт йўлига


тади, сұнг үт пуфагига тушиб йиғилиб туратын. Үт яшил рангдаги жиһир суюқлық бұлиб, ёғ моддаларини парчалаб берішінде иштирок шағында. Юқорида эслятиб үттанимиздек, үт моддаси меңда ости бези ишлаб берадиган липаза ферменти билан биргаликта ёғ моддасини парчалаб берішінде иштирок шағында. Бундан ташқары, үт модда ичак мускулларининг ҳаракатини, яъни перистальтикасини ҳам бошқарып туратын. Одам жигари бир кунда 700-800 г.-гача үт ишлаб чиқады. Үт пуфагининг девори анча юпқа бұлиб, 4 қаватдан ташкил топған: 1) сероз парда қавати; 2) сероз ости қавати; 3) мускул қават; 4) шиллик парда қавати.

Сероз парда қавати зич бириктирувчи тұқымадан иборат бұлиб, қорин пардаси билан биргаликта үт пуфагини устки томондан қоплааб туратын. Сероз парда билан қорин пардаси орасыда фибрillardан ташкил топған қават жойлашады. Мускул қавати икки қаватдан ташкил топған мускул толачаларидан иборат бұлиб, улар циркуляр ва қийшиқ қолда жойлашады.

Үт йўли мускуллари пулак йўлининг бошланишида ва умумий йўлларининг охирида сфинктерлар ҳосил қиласады. Улар ёрдамида үтнинг үн икки бармоқли ичакка үтиши бошқарылиб туратын. Шиллик парда қавати күплаб бурмалар ҳосил қиласады. Уларнинг ораларида күплаб қадоқсимон безлар жойлашады. Шиллик қават бир қаватли кутикуляр эпителий билан қопланган.

КОРИН ПАРДА

Қорин парда (*peritoneum*) зич бириктирувчи тұқымадан иборат қорин бұшлиғи деворларини ва унда жойлашган барча аъзоларни устки томондан қоплааб турадиган сероз пардадир (54-расм). У икки нарақдан ташкил топған бұлиб, биринчиси қорин деворларини қоплааб турувчи – париетал парда дейилса, иккінчиси ички аъзоларни үраб турувчи – висцериал парда дейилады. Париетал парда қорин бұшлиғининг олди, орқа, юқори ва ён юзаларини худди қорин пардаси билан үралған халтага үхшаб қоплааб туратын. Қорин пардаси эркаклар қорин бұшлиғини ҳар томонлама герметик равища үраб, ташқи мұхитдан ажратып тұрса, аёлларда бачадон найининг бир учы қорин бұшлиғига, иккінчи учы эса бачадонға туташиб турғаны учун қорин бұшлиғи бачадон наий, бачадон ва қин орқали ташқи мұхит билан алоқада бұлады. Сероз парда қорин бұшлиғини икки бұшлиққа ажратады. Биринчиси қорин парда бұшлиғи бұлса, иккінчиси қорин бұшлиғидир. Қорин бұшлиғи диафрагма, иккита ён томони олдиндан мускуллар, орқадан эса умуртқа поғона билан чегараланады, қорин парда паст томондан қушилиб кетады. Қорин парда бұшлиғининг орқа деворида қорин парданның париетал варғы билан орқадан қорин фасцияси орасыда бұшлиқ бұлиб, унда ёғ тұқымаси, буйрак, буйрак усти бези ва сийдик йўли жойлашады. Қорин парда бу аъзоларни фақат бир томонлама қоплааб туратын.



54-расм. Қорин бўшлиғидаги аъзоларнинг қорин пардасига нисбатан муносабати (сагитал кесим).

1 - жигар; 2 - меъда; 3 - катта чарви; 4 - кўндаланг чамбар ичак; 5 - оч ичак; 6 - сийдик пуфаги; 7 - кичик чарви; 8 - меъда ости беzi; 9 - ўйюн ичак тутқичи; 10 - ўн икки бармоқли ичак; 11 - ичак тутқичи.

Қорин парда қорин бўшлиғи деворидан аъзоларга ўтиш ёки бир аъзодан иккичи бир аъзога ўтишида пайли бойламчалар ҳосил қилади. Айрим пайлар мураккаб тузилишга эга, ичакни қорин орқа девори билан боғлаб турвчи пайлар қорин пардасининг икки варағидан ташкил топган бўлиб, улар оралығида томир, нерв ва лимфа тугунлари жойлашади. Бундай пайлар ичак тутқичлари (*mesenterium*) деб аталади. Бу тутқичларга ичаклар ва аъзолар эркин ҳолда осилиб туради.

Қорин бўшлиғида тўрт хил ичак тутқичлари мавжуд: ингичка ичак тутқичи, чамбар ичак кўндаланг қисмининг тутқичи, сигмасимон ичак тутқичи, тўғри ичакнинг юқориги учдан бир қисмининг тутқичи. Чувалчангсимон ўсимта ҳам ўз ичак тутқичига эга.

1. Ингичка ичак тутқичининг илдиз қисми узунлиги 15-17 см. бўлиб, қорин девори ёнидаги варағининг ичак тутқичига ўтиш қисмини

ташкил этади. Бошқа тутқичлардан энг кенги ва узуни ҳисобланади. Чап томондан II бел умуртқаси билан, ўнг томондан думғаза, ёнбош суяклари бўғими орасида жойлашади. Унинг узунлиги оч ва ёнбош ичаклар узунлигига, яъни 5-6 м. га teng.

2. Чамбар ичак кўндаланг тутқичи қорин бўшлиғини иккига бўлган ҳолда кўндаланг жойлашади. Тутқичининг юқори қисмida меъда, ўн икки бармоқли ичак, жигар, талоқ ва меъда ости беzi жойлашади.

3. Сигмасимон, яъни "S"-симон ичак тутқичи унинг шаклига мувофиқ туташади.

4. Тўғри ичакнинг юқориги учдан бир қисмининг тутқичи унча катта бўлмаган тутқичга эга.

Чарви – қорин пардасидан ташкил топган пай бўлиб, катта ва кичик чарвидан иборат. Катта чарви (*omentum majus*) чамбар ичак

күндаланг қисмидан бошланади, ингичка ичакнинг олдинги томондан этакка үхшаб осилган ҳолда қорин бүшлиғи пастки қисмига қараб тос суюғигача йўналади. Кичик чарви (*omentum minor*) икки бармоқли ичак кичик эгрилиги ўртасида жойлашиб, улар ўртасидаги пайни ҳосил қиласди. Катта чарви қорин пардасининг ўртга (бир жуфтни пастта тушувчи ва бир жуфтни юқорига кўтарилиувчи) варафидан ташкил топган бўлса, кичик чарви фақат бир жуфтни ташкил этади.

Маълум бўлишича, қорин парда бүшлиғидаги аъзоларни қорин пардаси билан бир хил ўрамайди. Аъзоларнинг қорин пардаси билан қандай ўралишига қараб улар уч гуруҳга бўлинади. Агар аъзолар қорин пардаси билан ҳамма томондан уралса, бундай аъзоларга интраперитонеал аъзолар дейилади. Буларга меъда, оч ичак, инбопи ичак, кўр ичак ва чувалчангсимон ўсимта, чамбар ичакнинг кўндаланг қисми, сигмасимон ичак, тўғри ичакнинг юқорига учдан бир қисми, талок, бачадон найлари киради. Қорин бүшлиғидаги аъзолар қорин пардаси билан уч томондан ўралиб турса, бундай аъзолар мезоперитонеал аъзолар дейилади. Буларга жигар, чамбар ичакнинг кўтарилиувчи ва пастта тушувчи қисми, тўғри ичакнинг ўртадаги учдан бир қисми, сийдик пуфаги (тула қолатда), бачадон киради. Қорин пардаси билан ўралган аъзоларга экстраперитонеал аъзолар дейилади. Буларга меъда ости бези, ўн икки бармоқли ичак, буйрак усти безлари, буйраклар, сийдик чиқариш йўллари, сийдик пуфаги (буш ҳолатида), тўғри ичакнинг пастки учдан бир қисми киради.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ҳазм тизимиға қайси аъзолар киради?
2. Ҳазм тизими аъзолари деворининг микроскопик фарқлашиши.
3. Ташқи ва ички секреция безлари.
4. Оғиз бўшлиғининг анатомик тузилиши.
5. Доимий ва сут тишлари, уларнинг формуласи.
6. Сўлак безлари каналчаларининг очилиш жойлари.
7. Ҳалкум ва қизилўнгач анатомияси.
8. Меъда анатомияси.
9. Ингичка ва йўғон ичаклар, уларнинг фарқлари ва вазифалари.
10. Жигар топографияси, боғламчалари ва вазифаси.
11. Меъда ости бези.
12. Қорин пардаси билан ўралиш турлари.
13. Қорин пардаси бўшлиғига жойлашган аъзолар.

НАФАС ОЛИШ АЪЗОЛАРИ ТИЗИМИ

Одам ва ҳайвонларда нафас олиш тизимининг анатомияси ва микроскопик тузилиши организмда газ алмашинувини, яъни кислородни қабул қилиб карбонат ангиридидни чиқариб бериш жараёнини таъминлашга мослашган. Ҳайвонот дунёсининг жонзотлари ва одамлар учун кислород зарур. Кислородсиз яшаш мумкин эмас, лекин айрим ичақда яшовчи аскаридалар, думалоқ,чувалчанглар ҳамда анаэроб микроорганизмлар кислородан ҳоли муҳитда яшashi мумкин.

Сувда яшовчи умуртқалилардан балиқларда нафас олуви чиқатида тұртта олдинги жабра ёйларига үрнашган тұрт жуфт жабра тизими ҳисобланади. Жабраларда қалин жойлашган қон томир тармоқлари орқали кислород қабул қилиб, CO_2 ташқарига чиқариб берилади. Сувда ва қуруқда яшовчиларда эса нафас олиш ва чиқариш үпка ва тери орқали содир бұлади. Бақаларда нафас олиш тизими жуда содда тузилишга эга. Үпкаси узун халтасимон шаклда, нафас олиш йұллари кам тараққий эттан бўлиб, калтагина ҳиқилдоқ-кекирдақ камерасидан ташкил топган. Бу камера тұғридан-тұғри үпка бўшлиғига айланиб кетади. Тери орқали нафас олиш терининг остида жойлашган йирик томирлари орқали содир бұлади. Судралиб юрувчилар, қушлар ва сут эмизувларда газ алмашниш фақат үпка орқали содир бўлиб, улар анатомик тузилишлари билан фарқ қиласидилар.

Одамлarda нафас олиш тизими бурун бўшлиғи, ҳиқилдоқ, кекирдақ (трахея) ва бронхлардан иборат ҳаво ўтказувчи йұлларидан ҳамда үлка пуфакчалари альвеолаларидан ташкил топган. Ҳаво ўтказиш йұлларидан ҳаво тозаланади, илитилади ва қисман намланиб ўтказилади. Үпка пуфакчаларида эса бевосита ҳаво алмашниш жараёни кечади. Ҳаво йұллари скелетини гиалин төғайдан ташкил топган пластинкалар ва ҳалқачалар ташкил этиб, ички юзаси ҳамма вақт очиқ ҳолда бұлади, яъни деворлари бир-бирига тегиб, ёпишиб турмайды. Йирик бронхлар үпкалар ичига кириб тармоқданиб кетади. Бронхлар диаметри интичкалашиб борган сари гиалин төфай камайиб, деворида силлиқ мускуллар қўпроқ учрайди. Нафас йұлларини ички томондан қоплаб турувчи силлиқ парда юзаси кўп қаторли цилиндрик киприкли эпителий билан қопланган бўлиб, эпителий ҳужайраларининг юқори мемброналарида жойлашган киприкчалар доим бир томонга, яъни ташқари томонга қараб ҳаракат қилиб, хилпиллаб туради. Шунинг учун бу эпителийни хилпилловчи эпителий ҳам дейилади. Булардан ташқари нафас йұлларининг деворида кўплаб қадоқсимон безлар жойлашган бўлиб, улар ўз секретини ҳаво йўли бўшлиғига чиқаради. Деворга ёпишган чанглар киприкчалар ёрдамида ташқарига чи-

Карилади. Газ алмашинуви содир бўладиган ўпка пуфакчалари мевори ниҳоятда юпқа бўлиб, бир қаватли ясси эпителийдан таш- и топган. Уларни ташқи томондан тўрсимон шаклда капилляр томирлар ўраб туради. Капилляр томирлар ва ўпка пуфакчалари меворлари O_2 ва CO_2 ни ўтказиб туриш хусусиятига эга.

БУРУН БЎШЛИГИ (CAVITAS NASI)

Бурун скелетининг тузилиши тўғрисида остеология бўлимида батафсил тўхталиб ўтганимиз учун қуийдаги қисмда умумий на-рас олиш тизимига мансуб жиҳатларга оид маълумотларда ба-фсилоқ тўхталиб ўтганимиз. Буруннинг иккита катаги орқали ҳаво бурун бўшлиғига ўтади. Бурун бўшлиғининг пастки, юқориги, икки томонлари ҳар хил тўқималар билан тўйдирилган ва қопланган. Бурун катакларининг кириш қисмидаги юзаси тери эпидер-мис қаватига ўхшаб, кўп қаватли мугузланувчи эпителий билан қопланган. Бўшлиқнинг ички юзаси ва чиганоқларининг шиллик қавати кўп қаватли цилиндрический эпителий билан қопланади. Бу-рун чиганоқлари бурун бўшлиғини юқориги, ўрта ва пастки қисмларга бўлади. Буруннинг юқориги ва ўрта қисмларининг юзала-рида ҳид билдирувчи рецепторлар жойлашган бўлиб, бу қисмига бурун бўшлиғининг ҳид билувчи юзаси дейилади. Ҳаво бурун бўшлиғининг юқори қисмига ўтганида ҳидни фарқ қила олиши мумкин. Пастки қисмидан ёки оғиздан нафас олинса ҳид сезил-майди. Буруннинг шиллик қаватида қон томирлари ва иннерваци-и таъминловчи нервлари жойлашади. Айниқса, пастки бурун чиганоғи соҳасида вена қон томирлари кенг тарқалган бўлиб, шил-лик қават юзасига яқин жойлашади. Купинча бурун қонагандан шу томирлар жароҳатланган бўлади. Бурун бўшлиғи ҳаво ўтка-увчи ёрдамчи коваклар билан таъминланган бўлиб, уларнинг ҳам шиллик қаватлари бурун шиллик қаватига ўхшаб қопланган. Бу-рун бўшлиғининг юқориги қисми, калланинг ичидаги жойлашган, бўшлиқга эга айрим суюклар билан алоҳида тешикчалар ёрдамида тоқада бўлади. Уларнинг ичидаги ҳаво ҳам алмашиниб туради. Буларга юқорида айтиб ўтганимиздек, пешона, юқориги жағ ва оссий суюклар бўшлиғи киради. Бурун бўшлиғи атрофида жой-лашган суюк ковакларига қуийдагилар киради: гаймор бўшлиғи бурун ўрта бўшлиғига очилади; пешона суюк бўшлиғи ҳам шу ерга очилади; галвирсимон суюк бўшлиғи эса учта катақчадан ташкил топган бўлиб, бурун бўшлиғига очилади; понасимон суюк бўшлиғи юқори бурун бўшлиғига очилади.

Бурун бўшлиғининг орқа қисмida ҳалқумнинг юқори қисми жойлашади. Ҳалқум эса бурун, оғиз ва кекирдак бўшлиқлари билан туташган бўлиб, учта ном билан аталади. **Бурун-ҳалқум, оғиз ва кекирдак қисмлари.** Бурун-ҳалқум қисмига буруннинг орқа тешиклари — хоаналардан ташқари ҳалқум бўшлиғини ўрта қулоқ бўшлиғи билан туташтириб турувчи эшитиш найлари ҳам очила-

ди. Нафас ҳавоси бурун-ҳалқумдан ҳалқумнинг оғиз бўшлиғига сўнгра кекирдакка ўтади.

Нафас олишда ҳавони фақат бурун бўшлиғи орқали олмасдан оғиз бўшлиғи орқали ҳам олиш мумкин. Лекин бундай йўл билан нафас олишда бурун бўшлиғида жойлашган ҳавони ишлаб берадиган ва назорат қиласидаган мосланишлар бўлмаганликлари учун оғиз бўшлиғи орқали нафас оладиган болаларда ёки катталарда ҳар хил касалликлар содир бўлиши мумкин. Шунинг учун нафас олиш фақат бурун бўшлиғи орқали бўлиши керак.

ҲИҚИЛДОҚ

Ҳиқилдоқ (*Iagutlx*) мураккаб тузилишга эга аъзо сифатида нафақат нафас олиш йўлининг бир қисми бўлиб ҳисобланади, шу билан бирга овоз чиқариб берувчи вазифасини ҳам бажаради. Ҳиқилдоқ одамларда IV-VI бўйин умуртқаларининг қаршисида жойлашиб, тил ости суяги билан бойламча ёрдамида туташган. Бўйиннинг олдинги қисмида, тери остида жойлашган бўлиб, орқа томондан ҳалқум билан ён томонларидан эса қалқонсимон бен булаклари, бўйиндан ўтувчи қон томирлари, нервлар атрофидаги мускуллар билан чегараланади. Олдинги қисми тери остидан бўртии чиқсан бўлиб, унга қўш томоқ (кадық) дейилади. Паст томондан кекирдакка тушади.

Ҳиқилдоқни ўзига хос тузилишига эга мусиқа асбобига ҳам ухшатишади. Ҳиқилдоқ бўшлиғида жойлашган товуп бойламчалари мусиқа асбоби торларига ухшаб ҳаво ўтиши натижасида йўғон ва ингичка, баланд ва паст товушларни чиқариб бериши мумкин. Одам ҳалқумининг овоз чиқариб берувчи қисмини антропоидларни издан фарқи, одамлар нафас чиқариб бериш жараёнини, товуш бойламчалар тебранишини бошқариб туриши натижасида гаплашиш ва турли мусиқа оҳангларини яратиб бериши билан фарқланади, яъни одамларда товуш чиқариш унинг ихтиёри билан содир бўлади.

Ҳиқилдоқ скелети бир неча гиалин ва эластик тоғай пластиналаридан, ўз ҳаракатини сақлаб қолган ҳолда бойламчалар ёрдамида туташган тоғай пластинкаларидан ташкил топган.

Қалқонсимон тоғай (*cartilago thyroidea*) ҳиқилдоқ тоғай пластинкаларининг ичида энг каттаси ҳисобланади. У иккита тўртбурчакли тоғай пластинкаларини деярли тўғри бурчак ҳосил қилиб бирикишидан тузилган. Ҳиқилдоқнинг ана шу бурчаги тери остидан бўртиб чиқиб туради, унга қўштомоқ деб аталади. Эркакларда яхши кўриниб турса, аёлларда унча кўзга ташланмайди. Пластинкаларнинг қарши томонида юқори ва паст томонларга қараб бир жуфтдан шохлари ўсиб чиқсан. Уларнинг юқоригиси узунроқ бўлади! Қалқонсимон тоғай пластинкалари ҳиқилдоқни олдинги ва ён деворларини ташкил қилишда иштирок этади. Юқориги шох бойламчалар ёрдамида тил ости суяги билан туташган бўлса, пастки

охи бүгим ёрдамида узуксимон төфай билан туташади. Қалқон-
мон төфай ўрга чизиқ бүйлаб юқори қисмида кичкина ўйифи
либ, шу ердан бошланган бойламча билан ҳиқилдоқ устки то-
йининг пастки учи туташиб туради.

Ҳиқилдоқ устки төфайи эластик төфайдан ташкил топган бўлиб,
қилдоққа кириш қисмининг юқорироғида жойлашади, овқат
тиш вақтида ҳаво йўлини бекитади. Икки томондан шиллик парда
лан ўралган. Ҳиқилдоқ төфайи пастки томондан юпқа, эгри ту-
лишга эга ингичка оёқчалар ҳосил қиласди. Уларнинг устки юзаси
иккала томондан шиллик парда билан ўралган бўлиб, ҳалқум то-
йининг ён томони бўйлаб чўмичсимон төфай ва ҳиқилдоқ төфайи
тасида ўнг ва чап томонда жойлашган бурмаларни ҳосил қилиб,
алқум тешигини чегаралаб туради.

Узуксимон төфай (*cortilago cricoidea*) қалқонсимон төфайнинг
устки қисмида жойлашган. Тузилиши жиҳатидан худди кўз қўйил-
н узукка ӯхшайди. Ингичкалашган олдинги қисми ва кенгайиб
вукни кўзига ӯхшаган орқа қисмидан ташкил топган. Узуксимон
төфай ҳиқилдоқ асосини ташкил этиб, унинг юқори қисмида ҳиқил-
доқ төфайлари жойлашади. Узуксимон төфай иккала ён томонидан
ингичкалашган юзасида қалқонсимон төфай пастки шохларининг
бирикадиган бўгим юзаларига эга.

Чўмичсимон төфай (*cortilago agutenoidea*) учбурчак шаклидаги
жуфт төфай пластинкаларидан ташкил топган. Чўмичсимон төфай
узуксимон төфайнинг устида жойлашади. Шакли пирамидага
ӯхшайди. Асос қисми кенгайиган бўлиб, пастки томонидаги бўгим
юзалири билан пастдан чўмичсимон төфай билан боғланади. Юқори-
караб ингичкалашган бўлиб, уларнинг учларида бўгим ҳосил
қилиб, бир жуфт шохсимон төфай жойлашади. Чўмичсимон то-
файлар олдинги томонидаги ўсиғига овоз бойлами келиб бирика-
ди. Уларнинг яна битта латерал томонида жойлашган ўсиғи бўлиб,
унга мускул келиб бирикади. Демак, чўмичсимон төфай овоз бой-
ламларига бевосита алоқадор бўлган төфай пластинкаларига кира-
ди. Бошқа төфайлар ичди энг ҳарақатчани ҳисобланади.

Шохсимон төфай (*cortilago corniculata*) ва понасимон төфай
(*cortilago cuneiformis*) ҳиқилдоқ орқа юзасининг энг юқори қис-
мида жойлашган жуфт төфайлардир. Шохсимон төфай чўмичси-
мон төфай пирамидасининг уч қисмида иккала томонда шохга
ӯхшаб туташиб туради. Понасимон төфай эса унча катта бўлма-
ган узунчоқ шаклида бўлиб, чўмичсимон төфай билан ҳиқилдоқ
усти төфай оралиғидаги бурмада жойлашади. Айрим ҳолларда
учрамаслиги ҳам мумкин.

Шохсимон төфай ва понасимон төфайлар ҳиқилдоқ усти төфайи
ва чўмичсимон төфайнинг товуш ўсимтаси каби эластик төфайдан
ташкил топган бўлса, ҳиқилдоқнинг йирик төфайларидан қалқон-
симон, узуксимон төфайлари ва чўмичсимон төфайнинг анчагина
қисми гиалин төфайдан ташкил топган. Одамнинг ёши улғайиб
бориши билан айрим ҳиқилдоқ төфайлари таркибида, айниқса ги-

алин тоғайдан ташкил топған тоғай пластинкалари таркибида ту лар йиғилиши ва тоғайларнинг дагалланиши кузатилган.

Ҳиқилдоқ тоғайлари бир-бирлари билан бүгимлар ва бойлам лар ёрдамида бирикади ва туташади.

Қалқон-узуксимон бүгими ясси шаклида тузилишга эга булиб, қалқонсимон тоғай пастки шохчаси билан узуксимон тоғай бүгимлари ўртасида ҳосил булади. Бүгимлар капсуласи яхши тортилған булиб, қалқон-узук боғламчаси билан узук-чұмичсимон бүгим узук симон тоғай юқоридан четда жойлашған бүгимга маҳкамланади. Узук-чұмичсимон бүгим узуксимон тоғай юқоридан четда жойлашған бүгим юзалари ва чұмичсимон тоғай асосий қисми билан бирикішидан ҳосил булади. Бу бүгим ҳам шу номли бойлам ёрдамим маҳкам тортилиб туради.

Ҳиқилдоқ мускуллари

Ҳиқилдоқ мускуллари организм ихтиёри билан қисқаради. Демек, күндаланг-тарғил мускул тұқымасидан ташкил топған. Уларнинг қисқарыб яна үз ҳолига қайтиши натижасида ҳиқилдоқ тоғай пластинкалари ҳаракатланади. Бу эса товуш боғламларини таранглаштиради ва бұшаптиради. Мускулларнинг қисқарыши товуш ёригини кенгайтириб ва торайтиришига қараб уч гурухға булинади: 1) конструкторлар, яъни торайтирадиганлар; 2) дилататорлар, яъни кенгайтирадиганлар; 3) аралаш вазифали (шароитта қараб бир неча вазифани бажарувчи) мускуллар.

1. Узук-чұмичсимон мускул қисқарғанида овоз бойламлари та ранглашади, оралиқ, тораяди.

2. Қалқон-чұмичсимон мускул икки томондан баравар қисқарғанида овоз бойламлари бушашади, юқори қисміда тораяди.

3. Үнг ва чап ұмичсимон тоғайлар ўртасида күндаланг жойлашған тоқ мускуллар қисқарғанида овоз ёруғининг орқа қисмі тораяди.

4. Чұмичсимон тоғайнинг қийшиқ мускули, жуфт мускуллар қаторига кириб қисқарғанида ҳиқилдоққа кириш қисмини торайтиради.

5. Узук-чұмичсимон мускул қисқарғанида овоз ёруғи кенгаяди

6. Қалқонсимон тоғай билан ҳиқилдоқ усти ўртасидаги мускул қисқарғанида ҳиқилдоққа кириш тешиги кенгаяди.

7. Узук-қалқонсимон тоғай ўртасидаги мускул қисқарғанида овоз бойламлари тараплашади.

8. Овоз мускули, жуфт мускуллар қисқарғанида овоз бойламлари бушашади.

Ҳиқилдоқ бүшлиғи

Ҳиқилдоқ бүшлиғи (*cavitas laryngis*) девори шиллиқ парда юзасини күп қаторлы киприкли эпителий қоплайди. Шиллиқ қавап остида күплаб оддий экзокрин шиллиқ безлар жойлашади. Ово: қатламларининг үзида безлар учрамайды. Ҳиқилдоқ усти тоғай

Овоз қатламлари эса кўп қаватли мугузланмайдиган ясси эпите-
лий билан қопланган.

Ҳиқилдоқ скелети қум соати тузилишига ўхшаган бўлиб, ўрта-
идаги торайган қисмида бир-бирига нисбатан параллел яқин-
шган ҳолда овоз бойламлари жойлашади. Уларнинг оралари даги
бўшлиқ овоз ёриғи дейилади. Овоз бойламчалари орасидан ҳаво
тиши жараёнида ҳар хил товушлар содир бўлади. Ҳавонинг ўтиш
резлиги ва ҳажмига ҳамда овоз бойламчаларининг таранглигига
қараб товушлар баланд ёки паст бўлиши мумкин. Овоз бойламча-
лари таранглашганида овоз баланд бўлса, бўшашганида эса паст
ҳолда бўлади. Овоз ҳосил бўлишида тил, лаб, лунжлар ва тишлар
ҳам маълум даражада имкон яратиб берадилар.

Ҳиқилдоқ аёлларда эркакларнига нисбатан кичикроқ бўла-
ди. Қалқонсимон тоғай пластинкаларининг аёлларда ўтмас бурчак
ҳосил қилиб бирикиши натижасида тери остида сезиларли дара-
жада кўринмайди.

Чақалоқларда ҳиқилдоқ узунроқ бўлиб, катталарнига нисба-
тан баландроқда жойлашади. Етти ёшли ўғил болаларда қиз бола-
ларга нисбатан узунлашиб катталашади. Ўғил болаларнинг бало-
нотта етиш даврида ҳиқилдоқ катталашади, овоз бойламлари ҳам
узунлашади ва таранглашади. Шунинг учун шу ёшдагиларга кучли
озоз билан ашуда айтишда эҳтиёт бўлиш тақазо этилади. Одам
ёши улғайиши билан ҳиқилдоқ тоғайларида таркибий ўзгариш-
лар, яъни ҳар хил тузларнинг йигилиши бошланади. Натижада
тоғайлар дағаллашади. Бу жараён аёлларга нисбатан эркакларда
кўпроқ, кузатилади. Фақат эластик тоғайдан ташкил топган ҳиқил-
доқ усти тоғайида оҳакланиши каби ўзгаришлар содир бўлмайди.

Тарихий, яъни филогенетик ривожига назар соладиган бўлсақ,
ҳиқилдоқ тоғайларининг ичида биринчилар қаторида пайдо бўлган-
ларига чўмичсимон ва узуксимон тоғайлар киради. Қалқонсимон
тоғай ва ҳиқилдоқ устки тоғайи кейинроқ пайдо бўлгани тақазо
тилади. Бунга сабаб, бу тоғайлар фақат сут эмизувчиларда уч-
райди. Товуш боғламчалари аломатлари амфибия реptилия, ва қуш-
ларда учраса ҳам лекин, ҳиқилдоқ вазифасини утай олмайди. Чунки,
ҳиқилдоқ аниқ ва бурро овоз чиқариб гаплашиши натижасида,
одамларда энг юқори даражада табақаланган ҳолатига келган.

КЕКИРДАК (TRACHEA)

Кекирдак (*trachea*) ҳалқумнинг давоми ҳисобланиб, VI бўйин
умуртқасининг пастки қиррасидан бошланади. Кўкрак V умуртқ-
асининг юқориги четидә иккига, яъни ўнг ва чап ўпка бронхлари-
га бўлинади. Кекирдакнинг иккита бронхга бўлинадиган қисмига
кекирдак буферкацияси (айриси) деб аталади. Кекирдакнинг ўртача
узунлиги 9-11 см, кўндаланг кесимининг диаметри 15-18 мм teng.
Кекирдак икки қисмга бўлинади: юқоридан калтароқ бўйин қис-
ми, пастки узунроқ кўкрак қисми.

Кекирдак гиалин төфай түқимасидан иборат 16-20 га яқин ярим ҳалқалардан ташкил топган. Юқоридан биринчи ҳалқаси ҳиқилдоқ узуксимон төфай билан кекирдак ўртасидаги бойлам-ча ёрдамида узуксимон төфай билан бирикади. Кекирдакнинг орқа қисми төфайлари тұғридан-тұғри бирикмай, зич бирикти-рувчи түқима ёрдамида туташади. Шундай қилиб, кекирдак-нинг олдинги ён томонлари төфай ҳалқасидан ташкил топган бұлса, орқа туташмаган қисми бириктирувчи түқимани таш-кил этади. Бундай тузилиши унинг физиологик хусусияти би-лан боғлиқ. Нафас олиш жараёнида бириктирувчи түқима ҳисо-бига кекирдақда қисман бұлса ҳам кенгайіб ва торайиб туриш ҳаракатлари содир бұлиб туради.

Кекирдак атрофи бошидан охиригача айрим аъзолар, томир-лар ва нервлар билан чегараланиб туради. Бүйин қисмининг ол-динги томони қалқонсимон безининг бүйин улогичи, ён томон-ларида эса, унинг үнг ва чап бұлаклари билан чегараланади. Бу-лардан ташқари, олдинги ва ён томонларидан түш суяги билан тил ости суяги ўртасида, ҳамда түш суяги билан қалқонсимон төфай ўртасида жойлаштан мускуллар билан ёпишиб туради. Кекирдак күкрап бүлимининг атрофида түш суягининг дастаги, айрисимон без ва қон томирлари жойлашади. Кекирдакнинг орқа томонидан қизилұнгач ұтади.

Эркакларда кекирдак аёллардагига нисбатан узунроқ, туғилған болаларда анча калта бұлиб, унинг иккиге ажралыш қисми, яғни буферкацияси III-IV бүйин умуртқаси қаршисига тұғри келади. Болаларда б ёшидан бошлаб тез ұса бошлайды. Кейин 10 ёшларда секиналашади. Болаларнинг 14-16 ёшида кекирдак узунлиги 2 мар-тага, 25 ёшларга бориб 3 марта узунлашади.

Кекирдак девори 4 қаватдан ташкил топган; шиллик, шиллик ости, фиброз-төфай ва адвинтециал пардалар.

Кекирдак ички юзасини қопловчи шиллик парда ҳиқилдоқ шиллик пардасига чегарасиз уланиб, унинг давомини ташкил этади, бурмалар учрамайды. Устки юзасини таркибида күп миқ-дорда қадоқсимон безларга эга бир қаватли, күп қаторлы кип-рикли эпителий қоплаган. Бу қават 4 хил киприкли, қадаҳси-мон, базал ва эндокрин ҳужайралардан ташкил топган. Кин-рикли ҳужайралар юқориги (апикал) мембраналарида 250 га яқин киппричаларга эга. Улар доимо ҳиқилдоқ томонға қараб ҳара-кат қилиб туради, кекирдак деворига ёпишган ёт моддаларни ташқарига чиқарып беради. Қадаҳсимон ҳужайралар шиллик модда ишлаб беради. Базал ҳужайралар эса, комбиал ҳужайра-лар ҳисобланиб, бұлиніб туриш хусусиятига эга. Шиллик парда қаватида аралаш шиллик безлар куплаб учрайди. Кекирдакнинг фиброз-төфай пардаси төфай ҳалқаларининг орқасидаги тугиш-маган қисміда учрайди. Таркибидаги силлиқ мускуллар узуна-сига ва айланма ҳолда жойлашади. Ташқи адвентиция қавати шаклланмаган сийрак бириктирувчи түқимадан ташкил топган.

Бронхлар (*bronchi*) морфологик түзилишига күра, кекирдак тузылишига ўшшаб кетади, яъни девори гиалин тоғайларидан иборат ярим ҳалқалардан ташкил топган бўлиб, шилимшиқ қавати кўп қаторли киприкли цилиндрсизмон эпителий билан қопланган. Кекирдак дастлаб иккита ўнг ва чап ўпка бронхларига ажралади. Ўнг бронх ажралиш бурчаги кичик бўлиб, кекирдак давомига ўхшайди. Чап бронх ажралиш бурчаги катта бўлиб, чапга бурилган ҳолда ажралади. Шунинг учун амалиётда кузатилиши бўйича кекирдак бўшлиғига тушган ҳар хил нарсалар кўпроқ кекирдақдан ўнг бронхига тушиб қолади. Ўнг ўпка бронх чап ўпка бронхга нисбатан кенгроқ, қисман узунроқ бўлиб, унинг скелети 6-8 тагача тоғай ярим ҳалқаларидан ташкил топган бўлиб, узунлиги 3 см., диаметри 1,5-2,5 см. га teng. Чап бронх 9-12 та тоғай ярим ҳалқаларини гашкил этиб, узунлиги 4-5 см., диаметри эса 2 см. Чап бронх ўнг бронхга нисбатан узунроқ ва ингичкароқ бўлади.


Бронхларнинг шиллиқ, пардаси кекирдак шиллиқ, пардаси билан туташиб кеттан бўлиб унинг давоми ҳисобланади. Бронхлар шиллиқ, парда юзаси кўп қаторли киприкли эпителий билан қопланади. Чап бронхни аортанинг ёй қисми айланиб ўтса, ўнг бронх атрофидан тоқ вена томири ўтади. Ўнг ва чап бронхлари ўпка бўйлаб катта ва кичик диаметрдаги бронхчаларга тармоқланиб, альвеола ёки ўпка пулфакчалари билан якунланади. Бронхларнинг бундай кўплаб тармоқданишига қараб бронхлар дараҳти деб ном олган.

Кекирдак ва бронхлар маҳсус бронхоскоп аппарати ёрдамида кузатилса, унинг кулранг шиллиқ қавати ва ярим ҳалқали тоғайларни кўриш мумкин.

Аёлларда бронхлар эркакларнига нисбатан калтароқ бўлади. Яши туғилган болаларда биринчи йили кўпроқ ўсиши кузатилган. 10 ёшларгача секин ўсади, 13 ёшларда эса борнхларнинг узунлиги 2 марта ўсган бўлади.

ЎПКАЛАР

Ўпкалар (*pulmones*) (юн. *pneumon* – пневмония маъносини билдиради) (55-расм) бир жуфт бўлиб, кўкрак қафасининг ўнг ва чап бўшлиғида (*cavitas thorocis*) жойлашади. Уларнинг медиал томонида бўшлиқ, бўлиб, у ерда юрак ва қон томирлари кузатилади. Диафрагманинг пастдан диафрагмага тегиб турадиган кенгайган қисми бўлиб, унга ўпкаларни асоси (*basis pulmonis*) деб аталади. Ўпкаларнинг асос қисми, яъни диафрагмага қарши юзаси, унинг гумбазига мос келадиган ботиқликдан ташкил топган. Улар юқорига қараб конус шаклида ингичкалашиб боради ва кўкрак қафасининг устки тешигидан чиқиб туради. Бу қисмiga ўпканнинг уни (*arex pulmonis*) дейилади. Ўпка уни олдинги томондан биринчи қовурғадан 3 см. юқорига чиқсан. Ўпкаларда утга юза тафовут



55-расм. Ўпкалар, олдидан кўриниши.

1 - тил ости суяғи; 2 - қалқонсимон тюғай; 3 - узуксимон тюғай; 4 - кекирдақ; 5 - ўпка учи; 6 - юқориги бўлаги; 7 - қовурға юзаси; 8 - юрак ўймаси; 9 - чап ўпка тиличаси; 10 - пастки бўлаги; 11 - ханжарсимон ўсимила; 12 - қовурға тюғай; 13 - ўнг ўпка пастки бўлаги; 14 - ўнг ўпка ўрта бўлаги; 15 - ўнг ўпка юқориги бўлаги; 16 - айрисимон без; 17 - ўнг ўмров ости артерияси.

эса юқориги ва пастки бўлакларга бўлинади. Ўнинг юқорида жойлашган қийшиқ эгат бўлиб, эгат учларидан 6-7 см. пастроқдан бошланади ва диафрагма томон йўналади.


Қорин бўшлигининг ўнг томондан юқорида диафрагма остида жигар жойлашган. Шунинг учун ўнг ўпка чап ўпкага нисбатан эни энлироқ, ҳажми катта, бўйи эса қисқароқ бўлади. Ҳар бир ўпка 10 донадан сегмент бўлакчаларидан ташкил топган бўлиб, ўпка бўлаклари ва сегментлар мустақил равишда бириктирувчи тўқимадан иборат парда билан қопланган бўлади.

Юқорида айтиб ўтганимисдек, кекирдақ ўнг ва чап ўпка бронхларга бифуркация, яъни айрисимон шаклда ажralади (56-расм). Ўнг ўпка бронхидан ўнг ўпканинг юқори бўлагига кутарилувчи тармоғи ажralиб чиқади. Унинг остида эса ўнг ўпка артерияси ётади. Худди шунга ухшаб ўнг ўпка ўрта ва пастки бўлакларга ҳам йўналувчи бронхлар ажralиб чиқади. Чап ўпка бронхи ҳам навбат билан иккита юқориги ва пастки бронхларга шу номли бронх тармоқларини чиқариб беради.

Ўнг ва чап бош бронхлардан ажralиб чиқсан бронхлар ўз нав-

қилинади: биринчиси – ўпка нинг қовурғаларга тегиб туралган қовурға юзаси (*facies costalis*), иккинчиси – пастки диафрагмага тегиб турадиган юзаси (*facies diaphragmatica*), учинчиси – иккала ўпканни ичкарига, кўкс оралиғига қараған юзалари (*facies medialis*). Бу бўшлиқда ўпка дарвозаси жойлашади. Ўпка дарвозаси қисмини ўпка илдизи (*radix pulmonis*) ташкил этади. Кекирдақ ва бронхлар кўкс, яъни медиал бўшлигининг олдинги ва орқа қисмларига ажralади. Олдинги қисмida юрак, айрисимон без, аорта равоги, ўпка артерияси ва диафрагма нерви жойлашади. Орқа оралиғидан эса қизилўнгач, кўкрак аортаси, нерв ва веналар ўтади.

Ўпка юзасида уни бўлакларга бўлиб берадиган эгатлар (*fissural interlobares*) жойлашган бўлиб, улар ўнг ўпкан чукӯр эгатлар ёрдамида З га: юқориги, ўрта ва пастки бўлакларга бўлади. Чап ўпка юқориги ва пастки бўлакларга бўлади. Эгатлардан бири юқориги бўлиб, эгат учларидан 6-7 см.



56-расм. Трахея ва бронхлар.
1 - кекириджек (трахея); 2 - ўпка артерияси; 3 - бронхлар.

батида диаметри 5-10 мм. га тенг сегментлар бронхларига бўлинади. Сегмент бронхлар 8 марта бўлиниб, ўпка бўлакчалари бронхларига айланади. Иккала ўпкада тахминан мингта яқин бўлак бронхлари учрайди. Ўпка бўлакчалари 12-16 та теранг охирги чегара бронхларига тармоқданади. Ҳар бир охирги бронх иккита нафас бронхиоласига бўлинади, булар торайиб нафас найларига ва улар ўз навбатида нафас пуфакчаларига, яъни альвеолаларига айланади. Бронхиола, пуфакчалар ва альвеолалар биргалиқда узум шингили шаклидаги ацинусни ҳосил қиласди. Ацинус эса ўпканинг структур функционал бирлиги ҳисобланади. Иккала ўпкада 20 мингта яқин ацинуслар учрайди. Ацинуслардан 12-18 таси биргалиқда ўпка бўлакчасини, бир неча бўлакчалар йифиндиси ўпка сегментини, уларнинг йигиндиси ўпка бўлагани, бўлаклар йифиндиси эса ўпкаларни ташкил этади. Маълум бўлишича, иккала ўпкада 30000 ацинуслар ёки 300-500 млн альвеолалар мавжуд. Ҳамма альвеолаларнинг сатҳи 30-100 м² га тенг. Ўпка бронхлари организмда сув, туз ва хлор микдори меъёрини сақлашда ҳам иштирок этади.

Бронхлар девори бронх дарахти бўйлаб бир хил тузилмаган. Бронхлар диаметрининг торайиб бориши билан уларнинг тузилишида ҳам ўзгаришлар содир бўлади. Деворини қопловчи шиллик пардаси кўп микдорда қадаҳсимон ҳужайралар тутувчи бир қаватли кўп қаторли шилиндрсимон киприкли эпителий билан қопланган. Шиллик ва шиллик ости пардалари чегарасида нозик тузилишига эга айлана ва узунасига жойлашган силлиқ мускул ҳужайралари жойлашади. Шиллик ости пардада аралаш (шиллик оқсил) безлари кузатилади. Тоғай қатлами гиалин тоғай пластинкаларидан ташкил топган, улар ўзаро вич толали бириктирувчи тўқима билан туташиб туради.

Бронхлар диаметрининг тоғай пластинкалари кичиклашади ва йўқолиб кетади. Кичик бронхлар тармоқданиб, диаметри 0,5 мм. га тенг бронхиолаларни ҳосил қиласди. Бронхиолалар шиллик пардаси киприкли бўлмаган кубсимон микроворсинкали ва секретор эпителий билан қопланади.

Ўпкалар ҳажми катта бўлишига қарамасдан, ҳар бир ўпканинг оғирлиги 0,5-0,6 кг. га тенг. Иккала ўпка эркакларда 6,3 л. ҳавони ўзига сиғдиради, тинч ҳолатда ҳар бир нафас олиш жараёнида 0,5 л. ҳавони ўтказиб туради. Ўлик туғилган болалар ўпкасида ҳаво бўлмаслиги патижасида уларнинг ўпкаси сувда чўкади. Бу ҳолат суд-ме-

дицина амалиётида құлланилади.

Плевра (*pleura*) деб ҳар иккала үпкани устки томондан үраб турған сероз пардага айтылади. Үпка қафасида учта сероз бүшлип булиб, уларнинг иккитасида биттадан үпкалар жойлашса, учин чиси үртада жойлашган булиб, унда юрак жойлашади.

Плевра икки варакдан ташкил топған: 1) висцерал плевра; 2) париетал плевра, яъни күкрап бүшлиги юзасини қоплайдиган плевра. Висцерал плевра үпка устини қоплаб үпка түқимаси билан ёпишиб кетади. Натижада уларни бир-биридан мутлақо ажратиб бұлмайды. Висцерал плевра фақат үпкалар устини қопламай ҳатто үпка бұлак лари оралығи орқали ички қисмiga кириб, бұлакларнинг устини ҳам қоплаб, уларни бир-биридан ажратиб туради. Висцерал плевра үпка дарвозаларига келиб, унинг яқинида париетал варагига үтади. Үпкаларнинг пастки қисмida олдинги ва орқа юзаларини қопловчи сероз пардалар бир-бири билан туташиб, бойламча ҳосил қиласы. Бойламча үпкаларнинг ички юзалари бүйлаб вертикал ҳолатда пастки томонга йұналиб, диафрагмага бирикади.

Париетал плевра сероз парданинг ташқи вараги бүйлаб күкрап қафаси деворига ёпишиб, у билан бирикиб кеттеган бұлады. Ташқи юзаси висцерал пардага қараган. Плевранинг ички юзаси мезотеллий билан қопланған, уларнинг ораларида сероз суюқник булиб, юзаларини намлаб туради. Нафас олиш жараёнида бир-бириниң тегиб ишқаланиши натижасида яра-чақалар ҳосил булишига йұл құймайды. Бу бүшлиқни плевра бүшлиги дейилади. Бүшлиқ оддий күз билан күрінмайды.

Плевра бүшлиғида манфий босим бұлғани учун күкрап қафаси жароқатланғаныда ташқаридан җаво кириб, унинг герметик ҳолатини бузады. Натижада үпка эзилади, нафас олиш қийинлашады. Үнг ва чап үпкалар медиал томонларида күкис бүшлиғи жойлашади. Күкис бүшлиғи орқадан күкрап умуртқалари, олдинги томондан түш сүяги, ён томонларидан плевра, пастдан диафрагма, тепадан күкрап қафасининг юқориги тешиги билан чегараланади.

Париетал ва висцерал пардаларнинг микроскопик тузилиши бир-бирига үхшаб кетади, лекин вазифаларига қараб, таркибида қон томирлари ва лимфатик тизимнинг тарқалишига ва бошқа таркибий элементлари билан қисман фарқланади. Иккаласида ҳам 6 қават тафовут мавжуд: 1) мезотелий, 2) базал мембрана, 3) юза жойлашган коллаген толалар қавати, 4) юза эластик түр қават, 5) чукур жойлашган бүйлама эластик түр қават, 6) чукур панжарасимон коллаген-эластик толалар қавати.

Үпкаларни устки томондан қоплаб турған висцерал парданинг тузилиши үпкаларнинг вазифасига, яъни доимо көнгайиб-тора-йиб туришига мослашган. Висцерал парда эластик толалари үпка эластик толалари билан ягона парда ҳосил қиласы. Шунинг учун ҳам висцерал парда үпка түқимаси билан зич бирикади, уларни ажратиб бұлмайды. Бундан ташқари, висцерал парда таркибида силиқ мускул толалари ҳам топилған.

Такрорлаш учун саволлар

1. Нафас олиш йўлининг очиқ бўлишини таърифлаб беринг.
 2. Бурун бўшлиғи анатомияси ва вазифаси.
 3. Ҳиқилдоқ тогайлари ва уларнинг тузилиши.
 4. Кекирдак ва бронхларнинг тузилиши ва вазифаси.
 5. Үлкаларнинг тузилиши.
 6. Кўкрак бўшлиғига жойлашган аъзолар.
 7. Нафас олиш аъзоларининг ривожланиши.

СИЙДИК ВА ТАНОСИЛ АЪЗОЛАРИ ТИЗИМИ

Сийдик ва таносил аъзолари тизими (*sistema urogenitale*) сийдик ва таносил аъзоларини умумлаштиради. Маълумки, сийдик аъзолари организмда модда алмашиниш натижасида ҳосил бўладиган, организм учун заҳарли бўлиб ҳисобланадиган бир қанча моддаларни буйрак орқали ташқарига чиқариб берса, таносил аъзолари эса кўпайиш ёки насл, авлод қолдириш қаби ўта муҳим вазифани бажаради. Бу иккита тизим аъзоларини умумлаштириб ўқишининг асосий сабаби – уларнинг биргалиқда ривожланиши, эркакларда сийдик чиқарув каналининг умумлашиб кетиши, аёлларда эса жинсий аъзосининг қин бўшлиғида очилиши – бу тизимни бирга ўрганишни тақозо қиласди.


СИЙДИК АЖРАТУВ ТИЗИМИ

Сийдик аъзолари (*organo urinaria*) тизимига уларнинг ичида энг муҳим вазифани ўтайдиган – қондан сийдикни фильтрлаб ажратиб берадиган бир жуфт буйрак, сийдикни йиғиб ташқарига чиқариб берувчи қисмларидан – сийдик йули, сийдик пуфаги (қовук) ва сийдик чиқарув канали киради.

Буйрак

Буйрак (*urep*) (57-расм) қорин бўшлиғининг орқа бўшлиғига ёпишган ҳолда умуртқа погонанинг икки ён томонида, XII күкрак ва I-II бел умуртқалари қаршисида, қорин пардасининг орқасида ётади. Ўнг буйрак чап буйракка нисбатан ярим умуртқа пастроқда жойлашган. Буйракнинг узунлиги 10-12 см., эни 5-6 см., қалинлиги 4 см. га teng. Уларнинг оғирлиги 120-200 г. ни ташкил этади. Шакли сут эмизувчилар ва одамларда ловиясимон, ёш организмда думалокроқ бўлади. Айрим умуртқалиларда булаклар ҳосил қилиб тузилган. Эволюция жараёнида булакчалар ҳосил қилиб тузилиш аста-секин йўқолиб бориб одамларда умуман кузатилмайди. Одамларда ҳам эмбрионал ривожланиш даврида булаклар ҳосил қилиб тузилиш сақланган. Туғилганидан сўнг бу чегаралар йўқолиб умумлашиб кетади. Буйраклар қисман бўртиб чиқсан олдинги ва орқа юзаларига, юқориги ва пастки томонларига, бўртиб чиқсан ташқи ва ловиясимон ботиқ ички четларига эга. Медиал ботиқ қисмидан буйрак ичига буйрак артерияси, нерви киради ва ундан ташқарига вена ва сийдик йули чиқади. Шунинг учун бу қисмга буйрак дарвозаси дейилади.

Буйрак ташқи томонидан миоцит ва эластик толалардан ташкил тоғган фиброз парда билан уралган. Унинг устидан қалин ёт тўқимасидан ташкил топган ёғ қобиги ўраб туради. Буйракнинг



57-расм. Буйрак ва сийдик йўллари (одидан кўриниши).

1 - буйраклар; 2 - буйрак артерияси; 3 - буйрак усти бези; 4 - пастки ковак венаси; 5 - аорта; 6 - сийдик йўли; 7 - буйрак венаси.

Пирамидаларни ташкил этади. Пўстлоқ ва мия қисмлари кескин равишда чегараланган эмас, бири иккинчисига қўшилиб кетади. Мия қисмидаги пирамидалар орасига буйрак устунлари ёки поғоналари (*columnae renales*) кириб туради. Пирамидаларининг асосий кенгайган қисми периферик қисмida жойлашади. Сўргич шаклида тўрайтган, яъни ингичкалашиб кетган учлари мия қисмидаги буйрак бўшлифи томонга қараган. Ҳар бир пирамида битта бўлакни ташкил этади. Бўлаклар оддий кўз билан кўринмайди.

Буйракнинг магиз қисмida пирамидаларнинг пастки қисми ва бўшликлари жойлашади. Буларга буйракнинг кичик ва катта косачалари ҳамда буйрак жоми киради. Ҳар қайси пирамиданинг учида бир нечта нефрон йигув найлари биргаликда буйрак кичик косачасига очилади. Ҳар қайси буйракда 8-9 гача кичик косачалар учрайди. Кичик косачалар бир-бири билан қўшилишиб, катта косачаларни ҳосил қиласи. Одатда, катта косачалар 2-3 та бўлиб, уларнинг сийдик чиқарув йўллари буйрак жомига очилади. Буйрак жоми ўз сатҳига эга бўлиб, унинг девори юпқа, воронка шаклидаги бўшлиқдан иборат. Буйрак жомининг ингичкалашган учи торайиб бориб сийдик йўлига очилади.

Буйрак косача ва жомлари ўзига хос микроскопик тузилишга

юқориги қисмida ёғ түқимаси ичида буйрак усти ички секреция бези жойлашади. Буйрак фиброз пардаси енгил ажралади. Буйрак ёғ түқимасининг устидан бириктирувчи тўқимадан иборат буйрак фасцияси ўраб туради. Фиброз парда буйрак дарвозаси орқали буйрак ичига усис кириб, унинг ичини бир нечта бўлакчаларга бўлади.

Буйракни фронтал ҳолатда юқоридан пастта қараб икки паллага кесилса, унинг периферик қисмida жойлашган 4-5 см. қалинликдаги пўстлоқ қисми (*cortex renis*) ва ички оқишироқ моддадан ташкил топган мия моддаси (*medulla renis*) кузатилади. Пўстлоқ қисми қизғиши бўлакчалардан ташкил топган бўлиб, мия қисми оқ рангдаги 7-12 га ажратилиб турган пи-

эга бўлиб, шиллиқ, шиллиқ ости, мускул ва адвентиция қаватли рини ташкил этади. Буйрак косачаларида шиллиқ қават устини қопловчи бир қаватли эпителий аста-секин кўп қаватли ўзгарувчан эпителийга ўтади. Буйрак жоми фақат кўп қаватли ўзгарувчан эпителий билан қопланган. Эпителий остида сийрак толали бирриклирувчи тўқимадан иборат шиллиқ парданинг хусусий қавати ётиб, шиллиқ ости пардада давом этади.

Буйрак жоми деворида икки қаватни ташкил этувчи ички бўйла ма ва ташки айланма жойлашган силлиқ мускул ҳужайралари мавжуд. Буйрак сўргичлари деворидаги мускуллар қисқариши сийдикнинг пирамида қисмидан чиқишини таъминлайди.

Нефрон буйрак структура ва функционал бирлигини ташким этиб, буйрак таначаси ва найчаларидан ташкил топган тузилма. Ҳар бир нефроннинг узунлиги 50-55 мм. ни ташкил этса, нефронларнинг умумий узунлиги 100 км. га teng. Ҳар бир буйракда 1 млн. га яқин нефронлар бўлиб, уларнинг ҳаммаси мустақил равишда қон томирлар билан боғланади. Нефроннинг бошланған қисми буйрак таначасидан бошланиб, йиғув канали билан тутайди.

Ҳозирги функционал-морфологик класифиکацияга кўра сўз эмизувчилар ва одамларда нефрон қўйидаги бўлимлардан ташкил топган: 1) томирлар чигали ва уни ўраб турувчи капсуладан иборат буйрак танаchasи (контактаси); 2) нефроннинг проксимал бўлими; 3) нефрон-Генли қовузлоги; 4) нефроннинг дистал қисми, охирги сийдик йиғувчи найга очилади. Сийдик йиғувчи найчага би нечта нефрон дистал найчалари очилиб, улар эса охири буйрак кичик косачаларига очилади.

Буйракда икки хил нефронлар учрайди: 1) пўстлоқ нефронлари; 2) юкстамедулляр (мия моддаси ёнидаги) нефронлар. Пўстлоқ нефронлари асосан буйракнинг пўстлоқ моддаси қисмида учрайдиганлари бўлиб, уларнинг нозик бўлимлари қисқа булади. Иккинчи юкстамедулляр нефрон буйрак танаchalари буйрак моддозонаси яқинида жойлашади. Буларнинг найлари узун бўлиб, буйрак сўргичларига етиб боради.

Пўстлоқ ва юкстамедулляр нефронларнинг ўзаро нисбати 5 : 1 га teng, яъни одамнинг битта буйрагида 1 млн атрофида нефрон учраса, уларнинг 200000 га яқини юкстамедулляр нефронларни ташкил этади.

Буйрак танаchasи (контактаси) артерия капилляр томирларидан ташкил топган томирлар тўридан (*glomeruli Malpighii*) иборат бўлиб, ҳар бир тўрча икки қават, яъни париетал ва висцерал варакларидан иборат капсула билан уралган. Ҳар бир контактасида қон олиб келувчи ва қон олиб кетувчи томирлар мавжуд.

Томирлар тупчасини ташкил қилувчи капилляр томирлар девори эндотелий ҳужайраси эндотелиоцитлардан ва унинг остида ётувчи базал мембронадан иборат. Ҳужайра танасида кўплаб тешикчалар бўлиб, улар орқали фильтрация йўли билан ҳар хил моддалар қондан капсула бўшлиғига ўтади. Капсуланинг висцерал вараги, яъни

Эпителий ҳужайралари подоцитлардан ташкил топган. Подоцитлар бироз чўзилган нотуғри шаклга эга бўлиб, уларнинг танасида узун цитотрабекулалар учрайди (хар бир ҳужайрада 2-3 тадан). Улар капилляр томирларига яқинлашиб, кичик ўсимтга-цитопедикулаларга тармоқланиб кетади. Шундай қилиб, капиллярлар турининг эндотелий ҳужайралари Шумлянский-Бауман капсуласи ички варенинг подоцит ҳужайралар ва улар орасида жойлашган базал мембрана фильтрацион барьер ҳосил қиласи Шу барьер орқали капсула бўшлиғига қон плазмасининг суюқ қисмидан ўтиб, бирламчи сийдикни ҳосил қиласи. Бу барьер қон шаклли элементларни ва қон плазмаси йирик оқсилларни, иммун танаачаларни, фибриноген ва бошқаларни ўтказмайди. Барьер орқали катталиги 7 мм. дан кичик бўлган моддалар ўтиши мумкин. Катта ҳажмдагилар ўта олмайди. Бир сутка ичиде капсула бўшлиғига 100 литрга яқин бирламчи сийдик моддаси фильтрация қилинади.

Шумлянский-Бауман капсуласи висцерал варенинг эпителийсида (подоцитларда) содир бўладиган патологик ўзгаришлар, яъни ўсимталарининг калта бўлиши ёки уларнинг қўшилиб кетиши ўткир гломеруляр нефрити, липид ва амилоид нефрози каби касалликларга олиб келади. Буйрак танаачасининг томирлар копточкаси капилляр томирлари деворидаги айрим ҳужайралар макрофаг вазифасини ўтайди.

Шумлянский-Бауман капсуласининг париетал варени капсула ташки ҳужайрини ташкил этиб, нефрон проксимал бўлим эпителийсига қўшилиб давом этади.

Нефроннинг проксимал бўлими эгри-бугри ва тўғри найчалардан иборат бўлиб, узунлиги 14 мм., диаметри 50-60 мкм. га тенг. Шумлянский-Бауман капсуласининг ташки қавати найча эпителийси билан тулашиб кетиб, бу ерда найча девори кубсимон эпителий билан қопланган бўлади. Проксимал бўлимининг эгри-бугри қисми эса микроворсинкалардан ташкил топган, жиякли цилиндрсизмон эпителий билан қопланади. Проксимал бўлимида бирламчи сийдикдан қонга оқсил, глюкоза, электролитлар ва сув қайта сўрилади, яъни ребсорбция содир бўлади. Жиякли ҳужайралар цито-плазмасида протеолитик ферментлари кўплаб учрайдиган лизосомалар, фильтрация натижасида ўтиб кетган оқсилларни лизосомаларга айлангириб беради ва оқсилларни қайта қонга сўрилишини таъминлади.

Проксимал бўлимида бирламчи сийдик таркибидағи организм учун керакли бўлган оқсил, сув, глюкоза, натрий, кальций ва фосфор каби моддаларни 85 % и қонга қайта сўрилиши натижасида улар сийдик таркибида умуман қолмайди. Айрим буйрак касалларидан проксимал бўлимидағи ҳужайраларнинг қайта сўрилиши жараёнининг бузилиши натижасида сийдикда оқсил ва глюкоза учраши мумкин.

Нефрон-Генли қўвизлоги пастта тушувчи ингичка бўлимидан ва юқорига кўтариувчи йўғон қисмидан иборат. Нефроннинг бу қисмида ҳам сувнинг қайта сўрилиши давом этади.

Нефроннинг дистал бўлими найлари калта бўлиб, уларни диаметри 20-50 мкм. атрофида асосан кубсизмон эпителий билан қопланган. Жиякли ҳужайралар учрамайди. Базал қисмидағи плаzmатик мембронада худди проксимал бўлимиdek ҳужайра цитолазмасида кўплаб метохондрийлар учрайди. Нефроннинг дистал қисмида натрий ва тўқима суюқлигининг қайта сўрилиши жараёни давом этади. Сувнинг сўрилиши эса дистал бўлимида ҳамда йигув найларида давом этиши кузатилади. Дистал найчаларининг эгри бутри қисмидағи ҳужайралар паст цилиндрсизмон эпителий билан қопланган. Сувнинг қайта сўрилиши нефрон йигув найларигача давом этиши натижасида охирги сийдик ҳажми бирламчи сийдик ҳажмига нисбатан кескин камайиб кетади. Бир суткада 1,5 л. гача камайиб, сўрилмай қолган моддаларнинг ҳисобига сийдикнинг тўйинганлиги ошади.

Буйракда қон айланishi. Буйраклар тузилишини ва функциясини мукаммал ўзлаштириш учун аввало унинг қон айланиш тизимини ўрганиш керак. Қорин аортасидан маълум даражада катти буйрак артерияси ажратиб чиқади. Бу артериядан бир суткада 1500 литргача қон ўтади. Бу артерия буйрак дарвозасидан кириб майди бўлакчалараро артерияларга (*a. interlobularis*) бўлиниб, пирамидалар орасидан ўтиб боради ва пустлоқ ҳамда магиз қисми чегарасида ёй артерияларини (*a. arcuata*) ҳосил қиласди. Ёй артерияси буйрак юзасига параллел ҳолда йуналиб, пустлоқ ва мия моддаларига бўлаклараро артерияни беради. Бу артериялар пустлоқ моддада бўлаклараро артерия (*a. interlobularis*) тармоғини берса, магиз қисмида тўғри артерия (*a. recta*) ни беради. Ингерлобуляр артерия буйрак таначаларига қон олиб келувчи томирларни (*was afferens*) беради.

Ҳар бир қон олиб келувчи артерия ўзаро анастомоз ҳосил қилувчи капиллярларга бўлиниб, улар сўнгра қон олиб кетувчи томирни *was afferens* ташкил этади. Демак, қон олиб келувчи артерия вена томирига айланмасдан артерияга туташади. Натижада иккита артерия томирлари ўртасида капилляр томирлардан ташкил топган копточка тўрини ҳосил қиласди, капилляр томирларнинг бундай жойлашишига ажойиб тур *rete mirabile* дейилади. Одамда қон олиб келувчи капилляр томирнинг диаметри, қон олиб кетувчи томирларнига нисбатан кичик булиб, натижада тўрларда босим ошибиб капсула бўшлиғида жадал равишдаги фильтрацияни ҳосил қиласди.

Қон олиб кетувчи капилляр томир яна иккига тармоқланиб, пустлоқ ва мия қисмидағи найчаларни ўраб, уларни озиқлантиради. Охири булар қўшилиб, синусоид веналарни, уларни қўшилишидан буйраклараро, улар қўшилиб веналар ёйини, охири буйраклараро веналар қўшилиб, буйрак венасига айланади.

Буйраклар организмда фақат сийдик ажратиб берувчи аъзо бўлиб ҳисобланмай, айрим эндокрин ҳужайралар гуруҳини ташкил этиб, уларнинг гормонлари қон босими ва эритропоэтинни бошқариб туришда муҳим вазифаларни бажаради. Бундай ҳужайраларга: а) буйрак таначаларига киравчии ва ундан чиқувчи арте-

ялар деворида жойлашган махсус юкстагомеруляр ҳужайралар; нефрон дистал найининг артериялари орасида учбурчаксимон йонда жойлашган юкстагомеруляр ҳужайралар киради.

Юкстагомеруляр, яъни донадор миоэпителоид ҳужайраларнинг синин сақловчи секретор доначалари булиб, улар ренин ишлаб турди. Ренин қондаги ангиотензиноген-ангиотензин ҳосил қилиб, биргалиқдаги таъсири натижасида қон босими ошади. Буйрак қон томирлари босимини ҳам ошириб, ундан фильтрация жараёнини далаштиради. Ренин ва ангиотензин буйрак усти безининг гормони — алдестрон синтези ва секрециясига ҳам таъсир қиласи.

Буйракнинг табакаланиши бир нечта босқичлардан иборат. Бошланғич қисмида, яъни биринчи йили тез ўсиб, икки ёщдан етти ўшгача ўсиши секинлашади. Бошланғич уч ёшлигида буйрак уч марта катталашган бўлса, 13 ўшгача ўсиши секинлашади. 20 ўшларда буйрак катталар буйрагига тенглашади. Унинг ўсиши 30-40 ўшларгача булиши кузатилади.

Сийдик йўли (*ureter*) катта одамларда цилиндрсимон шаклдаги найга ушшаган булиб, узунлиги 25-30 см., диаметри 6-8 мм. га teng. Буйрак дарвозасидан чиқиб, қорин пардасининг орқа томонидан пастки томонга қараб йўналади ва қовуққа очилади. Сийдик йўли қорин ва чаноқ қисмларига ажратилади. Бошланиши қисмида чаноққа утиш чегарасида ва қовуққа кириш олдидан бир мунча торади. Торайган қисмларининг ораси қисман кенгайган булади. Қорин қисмида орқа томондан бел мускулларига тегиб турса, олд томондан эркакларда можък артерияси ва венаси билан, аёлларда эса тухумдан артерияси ва венаси билан кесишиб, чаноқ бўшлишига тушади, қовуқнинг тагида қия ҳолда очилади. Сийдик йўлининг девори 4 қаватдан ташкил топган: шиллик, шиллик ости, мускул ва адвентиция қаватлари.

Шиллик қават юзаси ўзгарувчан эпителий билан қопланган булиб, бўйлама жойлашган бурмалар ҳосил қилиб тузилган. Шунинг учун кўндаланг кесими юлдузсимон шаклида кўринади. Улар кенгайиб ва торайиб туради. Мускул қават силлик мускуллардан ташкил топган, мускул толалари бўйлама ва айланма ҳолда жойлашган. Уларнинг қисқариши сийдик ҳаракатини ва унинг тешигини очиб ва ёпиб туради. Адвентиция қават юпқа зич бириктирувчи тўқимадан ташкил топган.

Қовуқ (сийдик пуфаги)

Сийдик пуфаги (*vesica urinaria*) ичи бўш бўлган аъзолар қаторига кириб, унга сийдик моддаси йифилади ва уни сийдик чиқарув канали орқали вақти-вақти билан ташқарига чиқариб беради. Ҳажми 500-700 мл.-га teng. Сийдик пуфаги кичик чаноқ бўшлигида унинг синфиз қисми орқасида жойлашади. Аёлларда сийдик ва жинсий йулларини ажратиб турувчи диафрагманинг устида, эркакларда эса, простата безининг устида жойлашади. Сийдик пуфаги буйрак жоми билан ва ундан бошланадиган сийдик йўли орқали туганишиб туради.

Сийдик йұли орқали сийдик пұфагига доимо сийдик моддағы оқиб тушиб туради. Сийдик пұфагининг шакли, катта-кичиклигі ва ҳолати унда сийдик моддасининг йиғилишига боялық. Ичида ииғалаёттан сийдик ҳажмига қараб доим үз шаклини үзгартыриб туради. Қовуқда қүйидәги қисмлар тафовут қилинаади. Юқорига ве олдинга йұналған учи, эңг катта үрта қисми – танаси ва пастки кенгайған туб қисмлари. Қовуқнинг учидан юқорига қараб киндиккача, киндик үрта бойлами тортилған бұлиб, у эмбрионнинг йұқо либ кеттән сийдик найи қолдигицир. Қовуқнинг ён томонларидан киндикнинг иккита ён пайи бошланади. Улар киндик томон йұналиб, бир-бирига яқынлашади, булар эмбрионда мавжұд бұлиб, сұнғы битиб кеттән киндик артерияларидир. Қовуқ сийдикдан буш ҳолатида қорин пардаси уни фақат юқоридан ва қисман орқа томонидан үраб турғани учун экстраперинотал ағзолар қаторига киради. Сийдикни тұла ҳолатида юқори пардаси билан юқоридан, орқадан ва ён томонларидан үралади. Натижада қовуқ, уч томонидан үралыб, мезоперитонеал ҳолатни әгаллады. Қовуқнинг туб қисміда учбұрчак номи билан аталувчи юза бұлиб, у ерда учта тешік жойлашади. Биттаси чиқарув каналчасиники бұлса, иккитаси сийдик йұли найи тешікларидир. Яңғы түғилған болаларда қовуқ дүккі ёки нағисимон шаклида бұлади, ҳажми 50-80 см³.

Қовуқнинг девори түрттә қаватдан ташкил топған. Буларға: шиллик, шиллик ости, мускул ва адвентиция қаватлари киради. Шиллик қават юзаси үзгарувчан әпителій ва сийрак толали шаклланған бириктирувчи түқимадан иборат хусусий қатламни ташкил этади. Қовуқ сийдиксиз ҳолатида уннинг ички деворида күплаб бурмалар ҳосил бұлади, сийдик йиғилиши билан бурмалар ёзилиб, уннинг девори ҳам ингичкалашади. Бу қават деворида күплаб безлар учрайди. Шиллик ости қавати таркибидеги толачалари бурмалар ҳосил қилишда иштирок этади. Қовуқнинг асосий қавати бу силик мускул қавати бұлиб, улар уч томонға йұналған ҳолатида жойлашади. Ташқи қават толалари үзунасига, үрта қаватда күнделанғ ва құйшиқ ҳолда жойлашади. Үрта қават мускуллари қовуқнинг сийдик чиқарыш каналига йұналиб, у ерда сфинктер ҳосил қиласы. Қовуқнинг туб қисми сероз парда билан үралған.

Қовуқ мускул ва сфинктерлари фаолияти симпатик ва парасимпатик нерв толалари орқали бошқарилади. Симпатик нерв құзғалганида қовуқ кенгаяди, сфинктерлар маҳкам ёпилған бұлади. Бу ерда сийдикни қовуқда йиғилиши учун шароит түғилади. Парасимпатик нерв толаси құзғалганида эса, қовуқ мускуллари тонуси ошади, оқибатда у қисқаради, сфинктерлар бушашыб очылади. Натижада диурез жараёни содир бұлади. Диурез бошқаралған марказ орқа мия бел-дүмғаза соҳасида жойлашади. Сийдик чиқарыш жараёнда нерв марказлари ва нервлар иштирок этади. Қовуқ тұлғанидан кейин уннинг деворидеги рецепторлар құзғалиб боради. Ҳосил бұлған таъсиротлар имігульс шаклида сийдик чиқарыш марказига үтказилади ва уни құзгатади. Жавоб импульси-

расимпатик нерв толалари орқали қовуқ мускулларига берила-
дади. Натижада қовуқ қисқаради, сфинктерлар бұшашып очилади,
сийдик моддаси ташқарига чиқарилади. Сийдик чиқарилишини
бошқарадиган орқа миядаги марказ, узунчоқ мия, үрта мия ва бош
мия ярим шарлари пұстлоги назорати остида ишлайды. Бу эса сий-
дикни тұхтатиб туриш ёки кучайтириш, яъни ихтиёрий хоҳишига
кура сийиш билан намоён бұлади.

Сут эмизувчиларда сийдик ажралышы одамларникіга үхшаган
 болса, құшларда кескин фарқ қиласы. Құшларда ҳам буйраклар-
 ның тузилиши сут эмизувчиларникіга үхшаган, лекин құшларда
 сийдик қовуғи бұлмай, сийдик йұлы тұғри клоакага очилиб, улар-
 ның ахлати билан биргалиқда ташқарига чиқарилади.

ЖИНСИЙ (ТАНОСИЛ) АЪЗОЛАРИ

Жинсий ёки күпайиш аъзолари тизими эркак ва аёлларда үзи-
 хос анатомик ва функционал хусусиятлари билан кескин фарқ
 қиласы. Эркак ва аёллар жинсий аъзолари ички ва ташқи аъзо-
 ларга бүлинади. Буларнинг ичидә күпайиш жараёнини таъмин-
 дауда, яъни жинсий ҳужайраларни етказиб беришда жинсий без-
 ғар асосий вазифаларни бажаради.

ЭРКАКЛАР ЖИНСИЙ АЪЗОЛАРИ

Эркаклар ички жинсий аъзоларига: 1) мояклар ва уларнинг ор-
 тиги; 2) уруғ чиқарышының иштесі; 3) уруғ пұфакчалари; 4) простата бези;
 5) купер безлари, ташқи жинсий аъзоларга эрлик олати ва ёрғоқлар
 қириди. Эркакларда сийдик чиқарув наийи фақат сийдикни ташқарига
 чиқарып бермай, балки эркаклар жинсий ҳужайраси – сперматозо-
 идларни ҳам ташқарига чиқарып бериш вазифасини үтайды.


Мояклар (урұғдон)

Мояклар ёки уруғдонлар (*testis*) (58-расм) жуфті безлар қатори-
 кириб, ёрғоқ ичидә жойлашады. Уруғдонлар сперматогенез жа-
 раёнини, яъни эркаклар уруғы сперматозоидларни күшайтириб ва етил-
 тириб беради, ҳамда эркаклар гормондарини ишлаб чиқаради.

Уруғдои тұхумсымон шаклида бўлиб, ён томонидан қисман бо-
 тигига зга. Узунлиги 4-6 см., диаметри 3,5-4 см., күндаланған кесими
 юзасининг қалинлиги 3 см. ни, оғирлиги үртача 30 г. га тең. Уруғ-
 донда медиал ва латерал юзалари юқориги ва пастки учлари, ол-
 динги ҳамда орқа четлари тафовут қилинади. Чап уруғдан одатда
 үнг уруғдона нисбатан пастроқда жойлашади. Уруғдон ташқи то-

монидан сероз ви
оқсил хусусий парда
лари билан үралган.

Сероз парда мезотелийдан ташкил топган булиб, уруғдонни ташкы томондан үраб туради. Сероз парда остида зич бириктирувчи туқимадан ташкил топган фиброз, яъни оқсил парда ётади. Бу иккала парда бир-бири билан ажратиб бўлмайдиган дара жада бирикаб кетади. Оқсил парданинг чуқур қатламларида қон томирлари кўплаб учрайди. Шунинг учун бу қатламни томирлар қавати ҳам деб аталади. Уруғдон бир томонидаги оқсил парда қалинлашиб, унга уруғдон оралиги дейлади. У ерда уруғдон тўғри жойлашади. Уруғдон қалинлашган



58-расм. Эркаклар чаноги.

1 - тўғри мускул; 2 - сийдик пуфаги; 3 - қов бирлашмаси; 4 - орқа чиқарши тешиги; 5 - жинсий олатнинг ғовак танаси; 6 - ёрғок; 7 - тўғри ичак; 8 - париетал қориш парда.

томонидан бир нечта қисмидан уруғдон ичига радиал ҳолда оқ парда усисиб кириб, уни бир нечта бўлакларга булади. Ҳар бир уруғдонда бу бўлакларнинг сони 100-300 тагача бўлиши мумкин. Ҳар бир бўлакча бўшлиғида 1-2 та диаметри 120-140 мкм. га тенг уруғдон эгри-бугри каналчалари жойлашади. Ҳар бир каналчанинг ўртача узунлиги 50-80 см. га тенг бўлса, ҳамма каналчаларнинг узунлиги 300-400 м. ни ташкил этади. Эгри-бугри каналчалар юқорига, яъни уруғдон ортиғига келиб тўғриланади ва уруғдон тўрини ҳосил қиласади. Турсимон уруғдон найлари умумлашиб, битта каналчани ҳосил қиласади, уруғ олиб чиқувчи найларга айланади.

Эгри-бугри уруғ найлари девори бириктирувчи туқима ва уни остида жойлашган базал мембранадан ташкил топган. Базал мембрана таянч ҳужайра номини олган Сертоли ҳужайраси ва уларнинг орасида жинсий ҳужайралардан сперматоген ҳужайралари жойлашади.

Сертоли ҳужайралари йирик конус шаклида булиб, кўплаб ўзидан чиқарган усикларга эга. Ўсиклар най бушлиғи томон йўналган булиб, асосий қисми базал мембранада жойлашади. Ҳужайра ци-

цитоплазматик үсімталари құшни таянч хужайралар үсімталари билан туташади. Бу хужайралар цитоплазмасыда ёғ ва липид томчилари оқсиллар ва бошқа трофик киритмалар топылған. Бу хужайранинг асосий вазифасы — сперматоген хужайра трофикасини таъминлаш. Таянч хужайра үсімталарининг орасыда сперматоген хужайралар жойлашади.

Сперматогенез мұраккаб жараён булып, бир нечта босқичларни үз ичига олади. Қисқартырылған ҳолда кузатадыган бұлсак, дастаб базал мембранның жойлашған сперматогоний хужайра бир неча бор методик йүл билан бўлинади. Бўлиниш натижасыда ҳосил бўлган хужайраларнинг бир қисми она хужайранинг бўлиниш: хусусиятини сақлаб қолса, кўпчилиги эса найча бўшлиғи томон сурилиб боради ва табақаланиб улардан бирламчи сперматоцитлар ҳосил бўлади. Иккиласи сперматоцит ва сперматидлар вужудга келади. Келажақда сперматидлардан сперматозоидлар шаклланади. Сперматогенез жараёни мукаммал ҳолда индувидал ривожланиши биологияси курсида урганилади.

Охирги маълумотларга кўра сперматогенез жараёни одамларда 64 кун давом этади. Натижада жуда куплаб сперматозоидлар ҳосил бўлади. Катта ўшдаги эркакларнинг 1 мл. спермасыда 100 млн.-га яқин сперматозоидлар бўлади. Бир марта чиқарылған уруғ таркибида 300-400 млн.-тагача сперматозоид учраши мумкин.

Одам сперматозоид ҳужайраси бош, бўйин, тана ва дум қисмларидан ташкил топган.

Бошқа хужайраларга үхшаб, хужайра қобиғи цитоплазмаси ядро ва ички органоидларига эга. Сперматозоиднинг асосий фарқи ҳарарат қилиб туриш хусусиятига эга. Турли ҳайвонларда жинсий хужайраси ҳар хил шаклда бўлади. Бошча қисмидә ҳужайранинг барча структур элементлари, яъни ядро, цитоплазма ва органоидлар жойлашади. Бошчанинг олдинги қисмидә зич танача шаклида акрасома учрайди. Акрасома мұхим тузилма бўлиб, уруғланиш жараёнида таркибида куплаб мұхим хужайра қобигини емирадыган гиалуронидаза ферментини сақлайди. Сперматозоид хужайраларини урта қисмидан кесиб кўрилганида хужайра бўйлама ҳолида жойлашған ўн жуфт фибринларни кўзатамиз. Уларнинг 9 жуфти периферик ҳолда жойлашиб, бир жуфт марказий қисмидә жойлашади. Фибринларнинг қисқариши хужайра ҳаракатини таъминлайди. Сперматозоидлар олдинга қараб спирал шаклида ҳаракат қилиш хусусиятига ва тезликка эга: одамларда минутига 3-3,6 мм, буқаларда — 5 мм., қўчқорларда — 4 мм., қуёлларда — 2 мм. Турли нокулай шароитларда уларнинг ҳаракат қилиш хусусиятларини йўқотиши кузатилган. Натижада оталаниш бўлмаслиги мумкин.

Сперматозоидлар одатда манфий зарядланган бўлади, шунинг учун улар бир-бири билан ёпишмайди, мустақил ҳаракат қилиш хусусиятига эга. Кучсиз ишқорий мұхит ва 30-35°C, уларнинг ҳаракат қилиш хусусияти учун оптималь ҳисобланади. Кислотали мұхитда кам ҳаракатли ёки бутунлай ҳаракатсиз бўлиши мумкин.

Уруғдон ортиғи (*epididymis*) уруғдон орқа томонига ёндошга ҳолда жойлашади. Аниқ чегарага эга бўлмаган уч қисмдан ташкил топган. Бошлангич қисми бошчаси, унинг давоми, яъни ўрта қисми тана ва ингичкалашиб кетган охирги қисми думини ташкил этади. Уруғдоннинг тўр қисмидан чиқувчи 10-12-тага яқин тўғри каналчалар уруғдон ортиғига кириб эгриликлар ҳосил қиласди, яъни эгри-бутри шаклини эгаллади. Уруғдон ортиғига кирган каналчалар ҳар бири уруғдон ортиғи бўлакчасини ҳосил қиласди. Бўлаклар бир-биридан сийрак бириктирувчи тўқима билан ажralиб туради. Бурмалар охири бир-бири билан қўшилиб, ортиқ йўлини (*ductus epididymosis*) ни ҳосил қиласди. Ташқарига чиқиб, уруғчиқариш йўлига (*ductus deferens*) айланади. Агар уруғдон ортиғи най бурмаларини ёзиб тортилса, унинг узунлиги 4-6 м ни ташкил этади. Уруғ йўли ички девори шиллиқ қавати кутикулали (усиқли бўлиб, призмасимон эпителий билан қопланган. Уруғдон ортиғи найчалари бўшлиғидаги суюқлик орасида оталанишга тайёр сперматозоидлар жойлашади. Суюқлик унинг ҳаракатчанглигини таъминлайди. Уруғдон унинг ортиғи ва уруғ йўлининг бошлангич қисми ёрғоқ, ичидаги жойлашади.

Уруғ олиб кетувчи йўлининг узунлиги 40-50 см., диаметри 2,5-3 мм. найни ташкил этиб, икки қаватли кутикулали цилиндричесимон эпителий билан қопланган. Мускул қаватининг перистальтик ҳаракати сперма сурилиши ва эякуляция вақтида уни чиқариб беришни таъминлайди. Уруғ йўлининг охирги қисми ингичкалашиб, тоғканал ҳосил қиласди ва бориб уруғ пуфакчанинг уруғ йўли билан қўшилиб, уруғ чиқарув йўлини ҳосил қиласди. Бу эса, простата беzinинг ичига унинг орқа юзасидан кириб, сийдик каналининг бошлангич қисмига очилади.

Уруғ пуфакчалари

Уруғ пуфакчалари (*vesicule seminalis*) катаксимон бўшлиқлардан ташкил топган пуфакча бўлиб, узунлиги 4-5 см., эни 2 см.-га teng. Сийдик пуфаги туб қисмida ва тўғри ичак олдинги қисмida жойлашади. Тўғри ичак орқали пайпаслаб кўриш мумкин.

Уруғ пуфагининг номи унинг вазифасига тўғри келади. Масалан: ут пуфагида ут моддаси ҳамма вақт захира сифатида сақланниб туради. Узи ут моддасини ишлаб бермайди. Уруғ пуфаги эса аксинча узи секрет ишлаб беради, у секрет сперматозоидлар ҳаракатини таъминлаб туради. Шу билан бирга уруғ чиқадиган сийдик йўлини тозалаб беради. Уруғ пуфакчанинг йўли юқорида айтиб ўттанимиздек простата бези ичидаги сийдик йўлига очилади.

Простата бези

Простата бези (*prostata*) эркакларнинг мускул ва без қисмидан ташкил топган жинсий безлари қаторига киради. Асосий вазифаси – узидан секрет (сперма суюқлиги) ишлаб чиқариб беради. Сек-

жинсий хужайралар билан аралашиб, уни суюқлаштиради. Тар-
сибидаги моддалар қисман трофикаси ва асосан ҳаракатчанглиги-
ни таъминлайди. Простата анжирсимон шаклида бўлиб, сийдик пу-
раги остида симфиз орқасида жойлашади. Сийдик чиқариш каналининг
бошлангич қисмини ўраб туради. Сийдик чиқариш канали
шерли простатанинг ўртасидан тешиб утади. Унинг асосий қисми
юқорига ва торайган чўққиси пастта қараган. Простата безининг
зунлиги катта одамларда 3 см., кенглиги 4 см., қалинлиги 2 см.,
оғирлиги 20 г.-га teng. Безнинг орқа юзаси тўғри ичак олдинги де-
ворига тегиб туради. Унинг фаолиятини бармоқ билан тўғри ичак
орқали пайпаслаб билиш мумкин. Простата мураккаб аралаш най-
симон-альвеоласимон экзокрин безлар қаторига киради. Без хужай-
ралар ўз маҳсулотини каналчалар бўшлиғига ишлаб беради. Ка-
налчалар бир-бирига қўшилиб йириклишади ва сийдик чиқарув ка-
налининг юқори қисмiga очилади. Безнинг мускул қисми қисқа-
риб уруғ чиқариб бериш вақтида, безлар секрети билан аралашти-
риб беришни таъминлайди. Сийдик чиқарув каналини простата қис-
мида без тўқимасидан ҳосил бўлган бўртиқ ҳосил бўлади. Унга уруғ
чиқарувчи йўллар, унинг ёнида эса, простата бези каналчалари очи-
лади. Бу халтача простата бачадончаси деб аталади. Унинг келиб
чиқиши аёллар бачадончасига тўғри келади. Бачадонни, дилдоқ ри-
вожланадиган Мюллер каналининг қолдиги деб ҳисобланади. Шу-
нинг учун уни эркак бачадончаси деб ҳам аталади. Простата бўртиғи
қисмида куплаб сезув нерв учлари жойлашади. Улар жинсий сезув
шукталари дейилиб, таъсиrlаниши ва қўзғалиши натижасида эрек-
ция ва эякуляция жараёнлари содир бўлади. Бундан ташқари, про-
стата бўртиғи эякуляция суюқлигини сийдик пуфагига ўтиб кет-
маслигини таъминлайди.

Купер безлари

Купер безлари ёки бульбауретал безлар (*glandula bulbourethralis*)
жуфт безлар қаторига кириб думалоқ, қаттикроқ консистенцияга
эга бўлиб нұхтотдек келади. Сийдик таносил диафрагмаси мускул-
лар орасида, сийдик йўлининг фоваксимон қисмининг орасида
жойлашади. Узунлиги 3-4 см. бўлиб, чиқарув каналчаси сийдик
чиқарув каналчасига очилади. Унинг секрети сийдик чиқарув канали
шиллиқ қавати юзасини сийдик моддасини заҳарли таъсири-
дан сақлаб туради.

Эркакларнинг ташқи сийдик аъзолари (ёрғоқ)

Ёрғоқ (*scrotum*) жуфт аъзолар қаторига кириб, катталарада чот
орасида жинсий олат илдиз қисмининг олдида халтачага ўхшаб
осилиб туради. Унинг ичи иккита бўшлиқдан ташкил топган бўлиб,
унда мояқ ва унинг ортиғи жойлашади. Организм эмбрионал ри-
вожланиш даврида қорин бўшлиғи қорин деворининг орқа қис-
мида жойлашади. Эмбрионнинг ривожланиш даврининг учинчи

ҳафтасида ёнбош сүяк бүшлигига, еттигчи ҳафтасида эса чот халтасига тушади. Саккизинчи ойда қорин пардасидан ташкил топған халтасимон бүшлиқ шаклланиб, сүнг унга тушади. Бүшлиққа түшиш жараёни бола туғилғандан сүнг охирига етади.

Ёрғоқ ташқи томондан юпқа ва нозик тузилишга эга теридаи ташкил топған бўлиб, пигментлашган ва сийрак туклардан иборат. Тери қатламлар ҳосил қилиб тузилган бўлиб, чўзилувчанлик хусусиятига эга. Чўзилиб, торайиб туради. Терининг остида чок бўлиб, у жинсий олат бош қисмининг остидан бошланиб, ана тешигигача тортилган.

Мояқ жойлашган халта девори 7 қаватдан ташкил топған:

1. Устки тери қавати.
2. Гўштдор парда. Моякларини алоҳида ўраб турувчи тери ости пардаси. Мояқ халтаси уларни ўртасидан ажратиб турадиган тўсикни ҳосил қиласи.

3. Ташқи уруғ фасцияси. Қорин девори фасциясининг давоми
4. Моякни кўтарувчи мускул фасцияси. Чов каналининг ташқи халтасидан ёрғоқ бүшлигига тушади.

5. Моякни кўтарувчи мускул. Қорин кўндаланг мускулида ҳосил бўлган ёрғоқ ичидаи парда.

6. Ички уруғ фасцияси. Мояқ ва уруғ тизимини ўрайди.

7. Моякнинг филоф пардаси. Мояқ ёрғоқ бүшлигига уралиб тушадиган қорин пардаси. Бу парда икки варақдан ташкил топған бўлиб, ичкиси уруғдонни ўраб турса, ташқи ёрғоқ деворини ички томондан қоллади. Натижада улар орасида бўшлиқ бўлиб, унга сероз парда бўшлиғи дейилади. Бўшлиқда сероз суюқлик жойлашади. Ёрғоқнинг ички ҳарорати организм ички ҳароратидан пастроқ бўлади. Бу эса сперматозоид жараёнини кечиши учун қулай ҳарорат ҳисобланади.

Жинсий олат

Жинсий олат (*penis*) эркаклар ташқи жинсий аъзоларига кириб, икки хил вазифани, яъни сийдик чиқариш ва аёллар жинсий аъзосига уруғларни чиқариб беришни бажаради. Эркак олатининг кўндаланг кесими учта ғоваксимон танадан ташкил топған. Биринчиси сийдик чиқарув канали бўлиб, орқа томонида ўзига мустақил ҳолда жойлашса, иккитаси эса унинг устида ёнма-ён жойлашади. Учала ғовак қисмлари умумий фасция ва тери билан қолланган. Олатнинг орқа, яъни илдиз қисми қовуқ суюгига тегиб турди, тери остида жойлашган, ҳаракатчан қисми, яъни танаси йўюнлашиб бориб, катталашган бош қисми билан тугайди. Бош қисмидан сийдик ва уруғ чиқарадиган каналчаларнинг учлари жойлашади. Тана қисмининг териси олат бошини эркин ҳолда қоллаб турган терисига айланади. Терининг ана шу эркин қисми олат бош-часининг пастки қисмидан туташшиб, юган деб аталувчи қисми билан асосий терисига туташади. Олат бошини эркин ҳолда қоллаб турувчи тери ички юзасида безлар жойлашади. Иккита ёнма-

Ен жойлашган ғовак қисмларининг ҳар бири бақувват зич биритириувчи түқимадан ташкил топган оқсил парда билан үралган. Оқсил парда ғовак ички бүшлигига ўсиб кириб кўплаб бүшлиқлар, катақалар ҳосил қиласи. Бўшлиқларга кирган қон оқимини тўсиб туради. Жинсий қўзғалиши вақтида катақчадаги қон босимини ошириб, латни эрекция ҳолатига олиб келади. Сийдик чиқарув каналининг трофидағи ғовак қисмининг бўшлиқлари жуда майда ва зич жойлашган. Илдиз, яъни пиёзбошча қисмидан бошланган танаси олат бош қисмига келганда қўзиқорин қалпогига ўшаган бош қисмини ташкил этади, унга олат боши деб аталади. Эрлик олатнинг узунасига ва энига тез ўсиб етилиши ўсмирилик даврига тўғри келади.

АЁЛЛАР ЖИНСИЙ АЎЗОЛАРИ

Аёллар жинсий аЎзолар тизими эркакларнига ўхшаб ички ташки аЎзоларга бўлинади. Аёллар ички жинсий аЎзоларига тухумдонлар, бачадон найлари, бачадон ва қин кирса, ташки жинсий аЎзоларига – клитор, катта ва кичик лаблар, қизлик парда ва ғилдоқ даҳлизидаги безлар киради (59-расм). Тухумдонлар жинсий хужайралар етказиб бериш жараёни ҳамда ички секреция разифасини бажариб, айрим жинсий гормонларни ишлаб беради. Бачадонда эса оталаниш жараёни содир бўлиб, эмбрион ривожи таъминланади. Қолган аЎзолар эса чиқариб бериш ва қолган жинсий аЎзолар мажмуналарига киради.

Аёлларда жинсий хужайраларнинг кўпайиши эркакларнидан фарқланиб, фақат она қорнидалигида содир бўлади. Қиз бола туғиши билан аёллар жинсий хужайраларнинг кўпайиши, овогонийнинг пайдо бўлиши тўхтайди. Янги туғилган қиз боланинг иккала тухумдонида 800000 га яқин бирламчи фолликуллар учрайди. Бола туғилгандан сунг, уларнинг сони кўпаймасдан аста секин камайиб, яъни атрофияга учраб боради. Балоғат ёшига яқинлашганда тухумдонда 400-500 та бирламчи фолликуллар қолиб, улардан келажақда тилган фолликуллар, яъни Граф фолликуллари етилади.


Қиз бола туғилгандан сунг унинг тухумдонида кўплаб фақат бирламчи фолликуллар учрайди. Уларнинг ҳар бирида тухум хужайра жойлашади. Организм балоғатта етиши билан бирламчи фолликулларда мураккаб овогенез жараёнлари содир бўла бошмайди. Натижада дастлаб тухум хужайра катталашади, ялтироқ парда билан үралади. Устини ўраб турган эпителий кўпайиши нағијасида кўп қаватли пардасини ҳосил қиласи. Бу парда юпқа шишасимон мембрана ёрдамида уни ўраб турган биритириувчи түқимадан ажратиб туради. Фолликул катталашиши билан унинг стини қоплаб турган биритириувчи түқима қалилашиб, тухум хужайрани ҳимоя қиласидан фиброз пардага айланади. Мембрана билан фиброз парда ораларида капилляр тўри шакланади. Эпителий кўпайиши ҳисобига фолликул катталашиб боради. Даствабки ҳосил бўлган эпителий хужайралари емирилиши ҳисобига ҳосил

бўлган бўшлиқда ўзига хос суюқлик йиғилади. Фолликул катталашиб бориб, Граф пуфакчага, яъни организмда энг катта ҳужайра лар қаторига киради, унинг диаметри 20 мм. гача етади, яъни оддий кўз билан кўриниш дараражасида бўлади.

Граф фолликул юқорида қайд қилинганидек, ташқи фиброз парда, унинг остида томирли парда ва охири ички пардадан ташкил топган. Томирли парда ялтироқ мембрана ёрдамида ички пардадан ажralиб туради. Ички парда сақланиб қолган эпителий ҳужайра ларидан ташкил топган бўлиб, унга донадор парда деб аталади.

Тухумдон

Тухумдон (*ovarium*) бир жуфт бўлиб, аёллар жинсий безлари қаторига киради. Қорин бўшлигининг ён томонларида кичик чаноқ деворларига ёндошган ҳолда жойлашади. Ташқи кўринишдан овалсимон шаклда бўлиб, эни 17 мм. ни, қалинлиги 11 мм. ни, оғирлиги 5-8 г. ни, узунлиги 3-5 см. ни ташкил қиласди. Тухумдонда икки учи тафовут қилинади. Биринчиси бачадон найи томонга қараган бўлиб, унга юқориги, найга қараган учи дейилса, иккинчиси – пастки бачадон учи номини олиб, бача донга қараган бўлади. Бу уч маҳсус тухумдон бойлами орқали бача дон билан туташиб турди. Бир қирғоғи эркин ҳолда бўлса, иккинчиси чарвига туташиб, чарви томони номини олади. Шу ердан тухумдон дарвозаси тухумдонга қон томирлари ва нервлари ичкарига кириб тарқалади. Қирғоқлари медиал ва латерал юзаларни ҳосил қиласди.



59-расм. Аёллар чаноқ бўшлигининг сагиттал кесими.

1 - тухумдон; 2 - бачадон; 3 - тўғри ичак; 4 - орқа чиқариш тешиги; 5 - орқа чиқариш тешиги сфинктори; 6 - кичик лаб; 7 - кагита лаб; 8 - сийдик чиқариш найи; 9 - қов бирлашмаси; 10 - симфиз; 11 - сийдик пуфаги.

Тухумдон ташқи томонидан кубсимон шаклдаги муртак эмбрионал эпителийси билан қопланган, унинг остида биритиувчи тўқи мадан ташкил топган оқсил парда ётади. Бу тўқима без ичига ўсиб кириб, без стромасини ҳосил қиласди.

Тұхумдан кесиб құрилғанда унда пұстлоқ ва мәғиз мөддалар тағовут қилинады. Пұстлоқ мөддаси таркибида бирламчи фолликулар, үсувчи фолликулар ҳамда етилган Граф фолликуллари, сариқ ҳамда атретик тана (сариқ, тана қолдиги) жойлашады. Мәғиз қисми бириктирувчи тұқымадан ташкил топған бұлиб, ундан қон ва нерв томирлари үтады. Пұстлоқ мөддадан ташкил топған қисмінде күпілаб бирламчи фолликулар, яғни овогоний ҳужайралари жойлашған булыб, улар атрофини бир қаватли фолликулар ҳужайра үраган болады. Организм балоғатта етишидан бошлаб, ҳар бир бирламчи фолликуллардан етилган фолликул – Граф фолликули етилады. Тұхум ҳужайранинг донодор пардага ёндошиб турған жойда эпителий ҳужайралари күпайиб, бүртиқ ҳосил қиласы, сұнг тұхум ҳужайраларини бир нечта қават ҳосил қиласы, үраб олады. Тұхум ҳужайранинг ялтироқ пардасига тегиб турған ҳужайралар қавати шулали тож деб аталады. Бу тож ҳужайралар орқали тұхумданда трофик жараён кечади, яғни озиқ мөддалар етказиб берилади. Етилған фолликул тұхумдан билан туташиб турған қисми аста юпқалашиб охири ажралып чиқади ва ёрилади. Натижада фолликулар ичидағы тұхум ҳужайра қорин бүшлиғига тушиб сұнг бачадон найига үтады. Фолликул ёрилиши натижасыда тұхумданда қолған донадор шарда ҳужайралари яна күпая бошлайды. Унинг ораларига қон томирлари үсіб кириб, янги аъзона ҳосил қиласы. Бунга сариқ тана дейилади. Ҳар бир бирламчи фолликулнинг етилиб Граф фолликул даражасигача етилиш даври үртака 28 күнга тұғри келади.

Аёллар организмінде мұнгазам равища овуляция жараёни соңдир бўлиб туради. Фолликулларнинг етилиши гипофиз безининг фолликулни стимулловчи гормони (ФСГ) фоолитропин таъсири остида соңдир бўлади. Овуляция эса гипофизнинг лютилловчи гормони (ЛГ) лютропин таъсири натижасыда соңдир бўлади.

Етилган фолликулнинг ёрилиши натижасыда қолған ҳужайралар таркибида лютеоцит ҳужайралари ҳосил бўлиб, улар прогестрон гормонини ишлаб беради. Агар тұхум ҳужайра оталанмаса, сариқ тана 12-14 күн яшаб бириктирувчи тұқымага айланади, бунга оқ тана деб аталади. Агар оталаңиш соңдир бўлса, сариқ тана ҳомиладорликнинг охиригача сақданыб қолади. Бунга ҳомиладорлик сариқ танаси дейилади. Бола туғилганидан сұнг бу ҳам бириктирувчи тұқымага айланади.

Бачадон найи (*tuba uterina follopii*) яғни тұхум йўли (*tuba uterina follopii*) узунынг 10-12 см., диаметри 2-4 мм. цилиндрсімөн най бўлиб, бағадоннинг энли пайининг юқори қисмидан, унинг иккала ён томонларида жойлашады. Бу най орқали тұхумданда етилиб, қорин бүшлиғига тушган ҳужайра бачадон бүшлиғига қараб йұналади. Бачадон найининг бачадон бүшлиғига очиладиган қисми бошланғич қисмінде нисбатан анча ингичка бўлади. Бошланғич учі эса воронка шаклида кенгайған бўлиб, уч қисми ҳар хил узунындағы шокилаларга эга. Улар тұхумданда тұхум ҳужайра чиқарувчи жоғини үраб олады. Шокилаларнинг бири узун бўлиб, тұхумданда

ичигача кириб боради. Унга тухум йўналтирувчи шокила дейилади.

Тухум йўли девори уч қаватдан ташкил топган: ички шиллик, ўрга мушак ва ташки сероз пардалар.

Найнинг ички девори бўйлама шаклида жойлашган бурмалари ҳосил қилиб тузилган шиллик қаватдан ташкил топган. Бу қаватни икки хил ҳужайра учрайди: киприкли цилиндрсизон ва киприги йўк без ҳужайралари. Мускул қавати узунасига ва айланга жойлашган ҳужайралардан ташкил топган. Уларнинг перистальтикаси ва кишрикчаларининг бачадон бўшлиғи томон қилган ҳаракатлари тухум ҳужайрани бачадон томонга қараб сурилишини таъминлади. Бачадон найи орқали келадиган тухум ҳужайра унга нисбатан қарама-қарши келётган сперматозоид билан оталаниб, зигота шаклида бачадон бўшлиғига тушиб, тезда она организми билан боғланади. Сероз парда сийрак толали шаклланмаган бириктирувчи тўқимадан ташкил топган бўлиб, устидан мезотелий билан қопланган.

Бачадон

Бачадон (*uterus*) тоқ аъзолар қаторига киради, ноксимон шаклида, кичик чаноқ бўшлиғида қовук билан түгри ичак ўртасим жойлашади.

Бачадон бўйин, тана ва туб қисмларига бўлинади. Туб қисми юқорироқ жойлашган бачадон иккита найининг юқори қисмини ташкил этади. Танаси анча қалинлашган бўйин қисмига қараб ингичкалашиб, унинг тешиги қинга очилади. Бачадонни олдинги юзаси сийдик пупаги билан чегараланиб, уни сийдик пупаги юзаси номи билан аталади. Орқа томондан түгри ичак билан чегараланиб, унга түгри ичак юзаси дейилади. Бачадон бўшлиғи нотўғри учбурчак шаклидаги тирқишига ўхшаган. Бачадон танаси билан туб қисмининг чегарасида унинг бўшлиғига икки томондан бачадон найи очилади. Бачадон бўйин қисмидаги ички ва ташки тешиклари бўлиб, ташки, яъни қинга очиладиган қисми тутмаган аёлларда думалоқ шаклда бўлиб, тутган аёлларда кундаланг жойлашган ёриққа ўхшайди. Бачадон узунлиги нормал ҳолатда 5-7 см., туб қисмидаги эни 1 см., деворининг қалинлиги 2-2,5 см., оғирлиги эса 50 г. ни ташкил этади. Ҳомиладорликнинг 8 ойлигига бачадон катталашиб, 20 см. га teng бўлиши мумкин. Ҳомиладорлик жараёнида бачадон ичидаги унинг деворида мураккаб жараёнлар содир бўлади. Деворида қўшимча мускул, бириктирувчи тўқима ҳужайралари пайдо булади. Кон томирлари кескин ривожланади. Бачадон девори учта қаватдан ташкил топган: 1) шиллик парда ёки эндометрий; 2) қалин, яхши ровожланган мускул парда ёки миометрий; 3) сероз парда ёки периметрий.

1. **Бачадон шиллик пардаси эндометрий** бир қаватли хил-пилловчи цилиндрсизон эпителий билан қопланган. Бўйин қисмидаги бурмалар ҳосил қиласи.

Шиллик ости пардасида ҳужайра элеменгларига мўл бўлган сийрак бириктирувчи тўқимадан иборат қалин хусусий қават ётади.

Хужайра элементларидан күпілаб макрофаглар ва ретикула хужайлари учрайди. Баъзан шиллик қаватида күпілаб оддий наисимон злар жойлашади.

2. *Мускул пардаси миометрий* уч қаватни ташкил этади. Бинчиси шиллик парда остида жойлашган бұлиб, силлиқ мускул толалари бүйлама ҳолда жойлашади. Үрта қаватини ташкил этувчи мускул толалар айланы йұналишда жойлашади. Бу қават мускули учли ривожланған, қалин бұлиб, қон томирларга бой бұлади. Ташкил мускул қаватида мускул толалари бүйлама жойлашади. Бунга мирлар усти қавати дейилади. Учала мускул қатламлар орасыда пластик толаларга бой сийрак шаклланмаган бириктирувчи тұқима жойлашади. Периметрий ёки сероз парда бачадон усти қисминирайди. Бачадон олди ва ён томонларида сероз парда бұлмайди.

3. *Периметрий* сийрак шаклланмаган бириктирувчи тұқимадан шкил топған бұлиб, ташқаридан мезотелий билан ұралып туради.

Бачадон қорин пардаси билан ҳамма томондан ұралған бұлиб, неперитонеал аъзолар қаторига киради: бачадон атрофидан бир неча пайлар ва бойламчалар билан тортилған. Қорин парданинг бачадон билан чаноқ девори үртасидаги қисми бачадон сербарг бойлама дејилади. Бойламнинг бачадон нағи ва тухумдан үртасидаги бачадонга яқын қисмігә бачадон тутқичи дейилади. Сербарг бойламнинг орқа юзасига тухумдан тутқичи ёпилади. Бачадоннинг қориги икки бурчагидан, бачадон нағи бошланған жойининг олудан 13-15 см. га тенг думалоқ бойлами бошланади ва уятли лабарга туташади. Бойламда мускул толалари ҳам учрайди.

Қин (*vagina*) деворлари шиллик, ва мускулдан ташкил топған, исман құзилувлан хусусиятта зәға, узунлиги 8-10 см., ички деворлари бир-бирига яқын жойлашган ноксимон наға үшшайды. Қин бачадон буйин қисмидан бошланиб, жинсий ёруғлигига очилади. Олдинги ва орқа юзалари бир-бирига тегиб туради. Кичик чаноқ шилиғида жойлашади. Қин бүшлиғи юқори томондан бачадонни ироз үраб олған ҳолда бұлғаны учун бачадон буйни билан девори үртасида олдинги ва орқа оралиқтар қин гумбазини ҳосил қилаади. Орқа гумбаз чукурроқ бұлади. Қин пастки томони қин дахлияига очилади. Қиз болаларда қин тешигіда ҳалқасимон парда бұлиб, үннің үртасида кичкина тешиги бұлади. Бунга қызлик парда дейилади. Қызлик парда биринчи жинсий алоқа ёки түкқаныда бузилиб, парда қоддықлари кичкина чандыққа айланади. Қин ички девори юзалари күндаланғ жойлашған бурмаларни ҳосил қилаади. Бачадон мускул қавати қин девори мускул қаватига құшилиб, қин деворида күчли мускул тизимини ташкил этади. Қин орқа гумбаз соқасида ичақдан бачадонга үтувчи қисміда қорин парда билан ұралади, бошқа қисмларида сероз парда бұлмайди.

Қин девори учта – шиллик, мускул ва адвентициал қаватларидан ташкил топған. Шиллик қавати юзаси күп қаватлы мугизланмайдыған ясси эпителий билан қопланған. Шиллик қаватнинг үзи учта қаватта бұлинади. Уннинг ҳар бир қавати хужайраларининг

тузилиши уларнинг вазифаси ва бош структур элементлари билан фарқланади. Мускул қавати унча ривожланмаган бўлиб, ички циркуляр қават ва ташқи бақувват қаватни ташкил этади. Мускул қатламлари орасида эластик толачага бой бириктирувчи тўқими қатламлари учрайди. Қиннинг бошланғич қисмида айлана ҳолм жойлашган кўндаланг тарғил мускуллар жойлашади. Сийрак бириктирувчи тўқимадан тапкил топган адвентициал қаватлари қинни бошқа аъзолар билан туташтириб туради.

Аёллар ташқи жинсий аъзолари

Аёллар ташқи жинсий аъзолари (*pudendum femininum*)га катта ичичик лаблар, клитор, қин даҳлизининг безлари ва қиз пардаси киради. Катта лаблар эркаклар ёрғонининг гоммологи ҳисобланади, тери бурмасидан ҳосил бўлади. Унинг узуунлиги 7-8 см., эни 2-3 см. Лаблар олдинги ва орқа томонларида бурчак ҳосил қилиб туташади Таркибида безлар ва ёф тўқималари учрайди. Ташқи тери юзаси ичкарига бурилиб кириб юпқалашади ва шиллиқ пардага айланиб кетади. Олдинги томонда тук билан қопланган қов дўнглиги жойлашади. Катта лаблар қиннинг тешигини икки томондан ўраб туради. Қин тешиги катта лабларидан ичкарироқда, унга параллел ҳолда тери нинг яна иккита бурмаси, яъни ичичик лаблари жойлашади. Улар катти лабларга нисбатан энсиз ва юпқа ичичик лаблар, олдинги томонга клиторнинг четидаги териси билан туташиб кетади. Ичичик лаблар билан ўралиб турган тешик қин даҳлизи дейилади. Қин даҳлизига сийдик чиқарув найи ва безларининг чиқарув каналчалари очилади. Без маҳсулотлари қин кириш қисмини мойлаб туради.

Клитор қов бирлашмаси олдида жойлашади. Эмбрионал тарақ-қиёт ва ривожланиши бўйича эркак ташқи жинсий аъзолари ғовактанасига ўхшаб кетади. Иккита эриктик ғоваксимон танадан ташкил топган. Ташқи қавати кўп қаватли ясси эпителий билан қопланган. Қизлик пардаси шиллиқ парданинг бурмаси ҳосили бўлиб шиллиқ парда тузилишига ўхшаган. Аёлларнинг жинсий аъзолари айниқса, кучли сезув генитал таначалари ва бошқа нерв охирлари билан таъминланганлар.

Чот оралиғи

Чот оралиғи (*perineum*) ичичик чаноқ бўшлиғидан, чиқиши йўлини тўсиб турган мускул ва фасция пластинкаларидан ташкил топган. Бир томондан дум умуртқаларининг учи қисми, олдинги томондан симфизнинг пастки нуқтаси ва ён томонларидан иккам қўймич бўртиғи билан чегараланган. Чот оралигининг ташқи томонида ташқи жинсий аъзолар ва анал тешиги жойлашади. Ёрғоқ ўртасидан ўтадиган сагитал юзасидаги ўрта чот орқали иккига бўлинади. Иккала қўймич бўртиғидан ўтказилган шартли белги чот оралигини учбурчак шаклида иккига бўлади. Уларнинг ичидаги таносил диафрагмаси (олдинда) ва чаноқ диафрагмаси (орқада) жойлашади. Иккала диафрагма икки қаватни ташкил этувчи

мускул ва фасциядан ташкил топган. Аёлларда сийдик таносил диафрагма қисмида сийдик чиқарув канали ва қин, эркакларда эса, фекат сийдик чиқарув канали жойлашади. Чаноқ диафрагмаси эрқали тұғри ичакнинг якунловчи қисми үтади. Сийдик-таносил диафрагма мускул қисми эркакларда аёлларникига нисбатан кучли, фасцияси эса бұшроқ ҳисобланади.

Такрорлаш учун саволлар

1. *Буйракларнинг чегаралари, топографияси.*
2. *Буйракнинг фронтал кесими бүйіча ички күрениши.*
3. *Нефронларнинг нозик тузилиши ва вазифаси.*
4. *Эркак ва аёлларда қовуқнинг топографик тузилиши.*
5. *Эркак ва аёллар сийдик чиқарув каналларнинг тузилишидеги фарқлар.*
6. *Эркак ва аёллар ички таносил органлари.*
7. *Уруғ чиқарыш йүллари.*
8. *Уруғдан әгри-бугри каналчаның тузилиши ва вазифаси.*
9. *Сперматогенез жараёнининг кечиши.*
10. *Простата бези ва унинг вазифаси.*
11. *Аёл ички таносил органлари.*
12. *Бачадон ва найларнинг топографияси.*
13. *Тухумдоннинг морфологияси ва ички микроскопик тузилиши.*
14. *Оогенез жараёнининг кечиши.*
15. *Эркак ва аёл ташқи жинсий органлари.*
16. *Сийдик-таносил органлари анатомияси.*

ЭНДОКРИН БЕЗЛАР

Одам ва умуртқалилар организмида күплаб ҳар хил безлар учрайди. Улар иккита йирик гурухларга бўлиб ўрганилади. Ташқи экзокрин безлари ва ички эндокрин безлари. Буларнинг асосий морфологик фарқи ташқи секреция безлари маҳсус чиқарув каналчаларига эга бўлиб, ўз маҳсулотларини, яъни секретларини тана юзасига, овқат ҳазм қилиш йўлига, сийдик таносил йўлларига айрим бўшлиқлар каналчалари ёрдамида чиқариб беради.

Ички секреция безлари, яъни эндокрин безларда чиқарув каналчалари бўлмайди. Шу сабабли бу безлар ишлаб берган оз миқдордаги биологик фаол моддаларини бевосита қон капилляр томирларига тўқима оралиқ суюқлигига чиқариб беради. Аксинча қон томирлари жуда яхши ривожланган бўлиб, булардан ташқари айрим аъзолар ве хужайра гурухларини ташкил қилган ҳужайралар ҳам ички секреция безлари қаторига киради. Эндокрин безлар фаолияти билан шугулланадиган фанга **эндокринология** фани деб юритилади.

Ички секреция безлари бошқа аъзолар каби эволюцион тараққиётнинг маълум босқичида, жумладан, қуртлар ва юмшоқ танлилардаёқ пайдо бўлган ва аста-секин ривожланиб такомиллашган. Бу безлар умуртқали ҳайвонларда ва одамларда юксак даражада тараққий этган.

Одамлар ички секреция безларига қуйидагилар киради: гипоталамуснинг нейросекретор ядролари, гипофиз, эпифиз, қалқонсимон без, қалқонсимон без олди бези, меъда ости безининг эндокрин қисми буйрак усти безлари ва жинсий безлар (уругдон, тухумдан). Ҳозирги вақтда йўлдош, буйрак, ҳазм тизими эндокрин қисмлари ҳар томонлама ўрганилган. Булардан ташқари эндокрин ҳужайра гурухлари нафас олиш тизимида ва бошқа аъзоларда ҳам топилган.

Эндокрин безлар соғ эндокрин ва аралаш безларга бўлинади Соғ эндокрин безларга гипофиз, эпифиз, қалқонсимон без, қалқонсимон олди бези ва буйрак усти безлари кирса, аралаш безларга меъда ости бези, тухумдан ва уругдон безлари киради.


Эндокрин безларнинг ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари **гормонлар** (юн. – қўзғатман, таъсир қиласман) деб юритилади. Гормонлар қонга, бошқа тўқима ва суюқликларга чиқарилиб, организмнинг барча аъзоларга ва тўқималарига тарқалади ҳамда тегишли аъзо ва тўқималар ҳаётий жараёнларига таъсир қилиб, улаф фаолиятини ўзгартиради. Эндокрин безларнинг гормонлари организмнинг ҳар хил аъзолари ва тўқималарига турлича таъсир қилиши мумкин. Гормонларнинг баъзилари тўқимадаги моддалар алмашинувига таъсир кўрсатса, яна бошқалари организмнинг шаклланишига, метаморфозига, тўқима ва аъзолар ихтисослашишининг жадаллашувига таъсир кўрсатади. Учинчи хил гормонлар эса аъзолар ва организм фаолиятини ўзгартириши мумкин. Ма-

лан, буйрак усти безларидан синтезланиб чиқариладиган адреналин гормони, меңда ости безининг инсулин ва глюкагон гормонлари углевод алмашинувига фаол таъсир кўрсатади. Қалқонимон без гормони эса организмда органик моддаларнинг парчанишини жадаллаштиради, модда алмашиниш жараёнини тезшириди. Тиреоид гормонлари метаморфозга ҳам фаол таъсир кўрсатади. Унинг бу хусусиятини айниқса, бақалар мисолида яхши узатса бўлади. Адреналиннинг юрак ишини тезлаштириши, ва опрессиннинг (гипофиздан ишланиб чиқадиган гормонлар) қон эмирларини торайтириши, гормонларнинг аъзолар фаолиятини згартиришига, улар ишини бажаришига мисол бўла олади. Ички секреция безларининг фаолияти нерв тизими орқали бошқарилиб туради. Бунда нерв голалари ҳар бир безга ёки унинг ҳужайраларага тегиб туради. Лекин нерв учлари ҳамма вақт нерв тўқималарига ёки ҳужайраларига бевосита етиб боролмайди. Натижада нерв импульсини қабул қила олмайдилар. Бундай ҳужайраларнинг фаолияти ҳужайралар атрофидаги суюқликлар ҳамда қон билан кечувчи биологик фаол моддалар ва гормонлар орқали бажарилади. Тўқима ва аъзолар фаолиятини қон ва лимфа суюқлиги орқали бажаришига **гуморал тизим** дейилади.

Демак, нерв тизими эндокрин безлар билан биргалиқда организм функцияларини бажаришда иштирок этадилар. Бу жараёнда нерв тизими албатта етакчи ўринни эгаллайди. Шундай бўлса-да, турли жараёнларнинг гормонлар ёки бошқа биологик фаол моддалар билан, тъни гуморал йўл билан бошқарилиши нихоятда муҳимдир. Гормонлар бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга ва шу жиҳатдан нерв импульсидан фарқланади. Жумладан, қандай бўлмасин маълум бир гормон организмдаги муайян аъзо фаолиятига таъсир кўрсатади ва инда тегишли ўзгаришларни келтириб чиқаради. Гормонлар тегишли безларда узлуксиз равишда синтезланиб, тегишли аъзоларга узлуксиз равишда таъсир қилиб туради. Гормонлар бевосита қонга ёки бошқа суюқликларга чиқариладиган бўлгани учун, улар организмнинг барча аъзо ва тўқималарига етиб боради, шу тариқа ҳосил бўлган жойдан анча узоқда бўлган аъзо ва тўқималар фаолиятига ҳам таъсир кўрсата олади. Бироқ айрим аъзолардаги махсус ҳужайраларда ҳосил бўладиган биологик фаол гормонсимон моддалар ("ҳужайра гормонлари") бошқа аъзоларга ўтмайди. Шу сабабли улар ҳосил бўлган жойлардагина ўз таъсирини намоён этади. Гормонлар ҳужайралардаги жараёнларга фаол таъсир этиб, ҳужайралар мембронаси тұказувчалитини, улардаги оксидданиш ва қайтарилиш реакцияларини, уларнинг қои таркибини ўзгартира олади. Гормонлар таъсири туғайли тўқималарда сезиларли миқдорда аденоzinомонофосфат тұпланаади. Бу модда гормонлар таъсирини ҳужайраларга ўтказадиган "воситачи" бўлиб ҳисобланади. Ҳужайра ва тўқималарга бевосита таъсир қилиш билан биргалиқда, гормонлар тегишли рецепторларга ҳам таъсир кўрсатиб, мураккаб рефлектор жараёнларда иштирок этади. Улар нерв марказларининг функционал ҳолатига ҳам таъсир кўрса-

тади. Гормонлар организмнинг ирсий белгиларига, хромосомаларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Эстрогенлар, тестостерон, кортизон, соматотропин, инсулин ва бошқалар оқсил биосинтезининг бошқарилишида ва у орқали ирсий белгиларнинг наслдан наслга ўтишида иштирок этади. Жумладан, бу гормонлар, хромосомалардаги ДНК га таъсири кўрсатиб, унинг тегишли қисмларида маҳсус оқсил қопловчи модда – гистонлар ҳосил бўлишига ёрдам беради. Информацион РНК нинг ҳар бир янги молекуласи факатгина ДНК нинг ўша гистонлардан ҳосил бўлган қисмидагина ҳосил бўлади. Информацион РНК эса оқсил биосинтезини, демак ирсий хусусиятларини белгилайди. Шу тариқа гормонлар организмнинг ирсий хусусиятларига таъсири кўрсатади.

Эндокрин безларнинг барчаси (60-расм) функционал жиҳатдан бир-бiri билан алоқадор. Уларнинг фаолияти нерв тизими билан ҳам бевосита алоқада амалга ошади. Эндокрин безлари нерв тизимининг энг яқин ҳамкори сифатида организмдаги барча жараёнларнинг бошқарилишида иштирок этгани билан ўзининг фаолияти ҳам нейрогуморал равишда бошқарилади ва организмнинг узлуксиз ўзгариб турган эҳтиёжига мослашиб боради. Гипоталамус ядролари заруриятта қараб гипофизга нерв импульсларини юборади, гипофиз эса ўз навбатида күпчилик эндокрин безлар функциясига таъсири кўрсатади. Гипоталамус билан гипофиз бир-бири билан боғлиқдиги гипофизнинг бир қисми (орқа бўлғи) асосан нерв тўқимасидан ташкил топган ва гипоталамуснинг ажралмас қисми сифатида иш юритади. Гипофиз эса, ўз навбатида, организмдаги ички секреция безларининг энг асосий "раҳнамоси" ҳисобланади. Жумладан, унинг оддинги қисмидан ажраладиган гормонлар қалқонсимон без, жинсий безлар, буйрак усти бези ва бошқа безларга фаол таъсири кўрсатиб туради. Ички секреция безлари фаолиятининг бошқарилишида гипоталамусдан ташқари марказий нерв тизимининг бошқа қисмлари ва ҳатто бош мия ярим шарларининг пўстлоги ҳам иштирок этади.



60-расм. Одам танасида эндокрин безларнинг жойлашиши.

1 - гипофиз ва эпифиз; 2 - қалқонсимон без; 3 - қалқонсимон без оли бези; 4 - буйрак усти безлари; 5 - панкреатик оролчалар (Лангерганс оролчалари); 6 - тухумдор; 7 - уруғдор

Айрим олимлар эндокрин безларини гипофиз безининг олдинги булаги билан алоқадор ва алоқадор бўлмаган гуруҳларга бўладилар. Алоқадорларига қалқонсимон без, буйрак усти безлари (пўстлок қисми) ва жинсий безларни киритиб, алоқадор бўлмаган безларга буйрак усти безининг мия (мағиз) қисми, қалқонсимон без олди беzi, панкреатик оролчалар ва параганглияларни киритадилар.

Охирги вақтда бундай тасниф нисбий деб топилмоқда. Чунки турли эндокрин безлар бир-бирига ва ўзаро боғлиқдир. Натижада бир бутун нейро-эндокрин тизим шаклланади. Ҳозирги вақтда замон талабига жавоб берадиган мукаммалаштирилган янги тасниф тақдим этилмоқда. Гипоталамус эндокрин тизимининг энг олий маркази бўлиб, ички аъзолар фаолиятини мувофиқлаштиради ва бу фаолият нерв-эндокрин тизими билан биргалиқда боришини таъминлайди. Унинг таркибида 32 жуфт ядро жойлашиб, улар нейросекретор ҳужайраларидан ташкил топган. Эндокрин безлар функциясини бошқаришда гипоталамус билан бирга эпифиз ҳам иштирок этиши таъкидланмоқда.

Гипофиз

Гипофиз (*hypophysis*) калла суюгини турк эгари соҳасида, мия асосидаги воронкасимон оёқчада осилиб турадиган ички секреция бези, устки томондан бириктирувчи тўқимадан иборат капсула билан ўралган. Гипофиз олдинги, ўрта ва орқа бўлакчаларга булинади. Гахминан 70 % олдинги бўлақдан, 20 % орқа ва 10 % ўрта бўлагини ташкил этади. Гипофизнинг олдинги булаги дўмбок, қисми ва оралиқ булаги без эпителийсидан ташкил топган, уларга биргалиқда эндогипофиз номи берилган. Орқа булаги мия оёқчасига тугашиб, нерв ҳужайраларидан ташкил топган бўлиб, уларга нейрогипофиз номи берилган. Гипофиз турли без ҳужайраларидан ташкил топган, улар организмнинг ҳолати ва бошқа кўпгина факторлар таъсирида ўзгариб туради. Организмнинг турли функцияларини бажаришда иштирок этади. Шу билан бошқа ички секреция безларининг фаолиятини, ўзига ишлаб берадиган гормонлари ёрдамида бошқариб туради. Гипофиз функцияси гипоталамус билан боғлиқ ҳолда бўлиб, гипоталамо-гипофизор тизимини ташкил этади.

Гипофизнинг олдинги булагида уч хил ҳужайралар тафовут қилинади. Уларда ацидофил ҳужайралар 4-10 % ни, базофил ҳужайралар 30-35 % ни, хромофил (бош) ҳужайралар 60 % ни ташкил этади. Олдинги иккитаси (ацидофил ва базофил) бўёқларда яхши бўялгани учун хромофил номини олган. Хромофил ҳужайралардан ацидофил ва базофил ҳужайралар ҳосил бўлади. Сут эмизувчилар гипофизнинг олдинги булагида б хил гормон ишлаб чиқарилади. Буларга: ўсит гормони (соматотропин), адренокортико́троп гормони (АКТГ) ва пролактин (лактотропин, лактотроп гормони ЛТГ) оқсил бўлса, фолликулни стимулловчи гормон (ФСГ), лютилловчи гормон (ЛГ, тиреотропин) глюкопротеиндир. Бу гормонлар организм ўсиб ривожланишида бир нечта ички секреция безлари фаолиятини, мод-

далар алмашинуви ва күпайиши жараёнларини бошқаришда иштирик этади. Гипофизнинг одинги қисми олиб ташланса, организмдаги турли касалликлар содир бўла бошлайди. Жумладан, ёш организм ўсмай қолади, жинсий безларнинг ривожланиши кескин сусаяди, моддалар алмашинуви пасайиши ва бузилиши натижасида қуввати кучсизланади. Айрим ички секреция безларининг фаолияти ҳам кескин бузилади.

Ацидофил эндокриноцити жараёнларининг маҳсулни бўлган соматотроцитлар ўсиш гормони (СТГ) соматотропинни ишлаб беради. Бу гормон ўсиш ва ривожланиш жараёнларининг бошқарилишини иштирик этади. Бу гормон гипофиздан тоза ҳолда ажратиб олинган. Турли ҳайвонларнинг соматотропин гормони таркибидағи аминокислоталар сони, молекуляр оғирлиги ва бошқа бир қатор физик кимёвий хусусиятлари жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласади.

Ўсиш гормони организм ўсишини таъминлашда иштирик этадиган жараёнларнинг барчасида иштирик этади. Жумладан, жараёнларнинг күпайиши, оқсилларнинг синтезланиши ҳамда тұқималарнинг миқдор жиҳатидан ошиб боришига бевосита таъсир кўрсатади. Соматотропин гормони айниқса узун суюкларга ва тогай тұқын маларига бевосита таъсир кўрсатиб, уларнинг ўсиши ва ривожланишини жадаллаштиради. Бу гормон организм учун керакли миқдорда чиқарилиб берилганида ижобий таъсир кўрсатади. Агарда бу гормон миқдори организмда камайиб ёки ошиб кетса, турли патологик ҳолатларга олиб келиши мумкин. Ошиб кетса, гигантизм касалига олиб келади. Бунда организм йириклишиб кетади. Айрим ҳолатларда суюкларнинг синиши ҳам кузатилади. Камайиб кетса, организм ўсмай қолади.

Адренокортикотроп гормон (АКТГ) – гипофиз бези одинги булагининг асосан чеккаларида жойлашган жараёнларни ишлаб беради. Бу гормон буйрак усти безининг пустлоқ қисмига таъсир қиласади.

Гипофиз бези олиб ташланса, буйрак усти безининг пустлоқ қавати, айниқса тұрсымон ва тутамли зоналари атрофияга учрагани кузатилган.

Адренокортикотроп гормон буйрак каналчаларидаги натрий, хлор ионлари ва сувнинг реабсорбциясига, шунингдек, ёф ва аминокислоталарда қанднинг ҳосил булишига, организмдан нитрат моддасининг чиқарилишига таъсир кўрсатади.

Тиреотроп гормон (ТТГ). Гипофизнинг бу гормони қалқонсимон безининг фаолиятини бошқариб туради. Бу гормоннинг қондаги күпайиб ёки камайиб кетиши қалқонсимон бези функциясига бевосита ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, ҳайвонларда гипофиз бези олиб ташланса, уларнинг қалқонсимон бези атрофияга учрайди. Йоднинг ўзлаштирилиши, тироксин синтезланиши кескин камайди. Агар организмга тиреотроп гормони юборилса, унда тироксин реакцияси кузатилади. Гипофиз билан қалқонсимон бези функционал жиҳатидан бир-бири билан боғлиқ. Маълум булишича, гипоталамуснинг нейросекретларидан биттаси гипофиз тиреотроп гормони

нини ҳосил бўлишини ва секрециясини бошқариб туради. Айрим эндокринологларнинг фикрича гипофиз безида бир нечта тиреотроп гормон фракциялари мавжуд бўлиб, улар бир-биридан ўзининг физиологик хусусиятлари билан фарқланади.

Тиреотроп фракцияларидан бири қалқонсимон бези иштирокисиз экзофталм, яъни кўз соққасининг бўргиб чиқишига сабабли леб ҳисобланади. Бундай кўриниш, одатда, фақат без гиперфункцияси ҳолатида кузатилади. Бу фракция кўз соққасининг орқа томонидаги бириктирувчи тўқима таркибида нордон мукополисахаридалар йигилишини кучайтиради.

Гонадотроп гормонларига фолликулни стимулловчи гормон (ФСГ) пролактин, лактотроп гормон (ЛТГ) ва лютенловчи гормон (ЛГ) лютеотропин киради. Бу гормонларни ҳам гипофиз безининг олдинги бўлагини ташкил қилувчи айрим ҳужайралар ишлаб беради. Шунингдек, бу гормонлар жинсий безлар функциясига ҳам таъсир қиласди.

Фолликулни стимулловчи гормон эркаклар ва аёллар жинсий безлари эпителийсими ривожлантиради, сперматогенез жараёнларига ижобий таъсир кўрсатади. Лютенловчи гормон сариқ таначадан прогестерон гормони синтезини тезлаштиради. Лактотропин гормони эса сут безини ривожлантириб етилишига ва лактациясига таъсир кўрсатади.

Гипофизнинг оралық бўлаги асосан донадор меланотропоид ҳужайраларидан ташкил топган бўлиб, меланиннинг пигмент маддасини стимулловчи гормонни сақлади. Гипофиз урта бўлимни ҳайвонлардан балиқларда яхши ўрганилган. Уларда ўрта бўлим олиб ташланганида териси рангизлангани кузатилган, бу эса меланофор гормонига боғлиқdir. Амфибия ва реptилияларда у пигмент ҳужайраларига таъсир қилиши натижасида тери рангининг узгаргани кузатилган. Аёллар ҳомиладорлигининг охирги босқичларида ва бола туғилишида меланофор миқдори ошиши кузатилган. Бу гормон бошқа жараёнларда ҳам иштирок этиши мумкин.

Гипофизнинг орқа бўлаги нейрогормонлар вақтингча аккумуляция қилинадиган аъзо ҳисобланади. Орқа бўлаги нейрогипофиз, гипофиз-гипоталамус тракти таркибидаги (супраоптик ва паравентрикуляр нейросекрет ҳужайралар) аксонларнинг сўнгги (терминал) тармоқлари тугайдиган тузилма ҳисобланаб, нейроглия ва қон томирларидан ташкил топган. Гормонлар кўрсатилган гипоталамус ядроларида ҳосил бўлиб, супраоптик-гипофизар тракт орқали гипофизга чиқарилади. Гипофизнинг орқа бўлимида вазопрессин ва окситоцин гормонлари топилган.

Вазопрессин буйрак ва мия артерияларидан ташқари, бошқа ҳамма томирларни торайтириб, қон босимини оширади. Одамларда у антидиуретик таъсирини камайтиради.

Окситоцин силлиқ мускулларни қисқартиради.

Адабиётларда ёзилишиб, антидиуретик гормони етишмаслиги натижасида қандсиз диабет касали келиб чиқади. Бу касаллик пай-

тида ҳайвонлар одатдагига қараганда күп миқдорда сув ичади. Айрим муаллифларнинг фикрича вазопрессин ва антиуретин гормонларини турли функцияларни бажарувчи битта гормон деб ҳисоблаша бўлади. Бу гормонлар сунъий йўл билан синтез қилиб олинган.

Эпифиз

Эпифиз (*epiphysis*) бош мия тўрг дўмбоқчасининг юқори дўмбокчалари орасида жойлашган эндокрин функциясига эга бўлган кичик нерв тузилма. Оёқчаси билан учинч мия қоринчасига тува шади. Ўмуртқали ҳайвонларнинг барчасида кузатилган, лекин ба лиқларда, амфибия ва рептилияларда кам, сут эмизувчиларда ҳамда одамларда яхши ривожланган. Эпифиз таркибида икки хил ҳужайра тафовут қилинади: 1) паренхима ҳужайраси – пинеалоцитлар, 2) глиал ҳужайралари.

Ҳозирги вақтда маълум бўлишича, безда сератонин ҳосил бўлиб, у эпифизнинг ўзида мелатонинг айланади.

Сератонин ёки 5-окситрипамин умуртқалиларнинг бошқа аъзоларида ҳам ишлаб чиқарилиши маълум бўлди. Масалан, бош мида, ичаклар деворида ва талоқда энг кўп эпифиз безида ишлаб чиқарилади. Пинеалоцитлар кундузи сератонин ишлаб берса, кечаси ундан мелатонин ҳосил бўлади. Сератонин артерия томирларини торайтириб, қон босимини оширади. Томирлар торайтириб, қон босими ошган вақтда сератонин юрак ишини секинлаштириб, босими пасайтиради. Сератонин ичаклар перистальтикасини тезлаштиради ҳамда гипофизнинг орқа бўлагида синтезланадиган вазопрессин гормони чиқишини ҳам оширади. Импульсни бир нейрондан иккинчи нейронга ўтишида адреналинга ўхшаб медиаторлик вазифасини ҳам ўтайди.

Мелатонин маҳсус фермент иштирокида сератониндан ҳосил бўлади. Мелатонин меланофорларга, яъни баъзи ҳужайралар тेрисида учрайтидан маҳсус пигмент ҳужайраларига фаол таъсири қиласиди. У ўзининг таъсири билан интэрмедиинга қарама-қарши бўлгани учун терини оқартиради.

Мелатонин гипофиз ишлаб берадиган фолликул стимулловчи ва лютенловчи гормонлар синтезини ҳамда уруғдон ривожланишини секинлаштиради.

Қалқонсимон без

Қалқонсимон без (*glandula thyreoidea*) (61-расм) ҳиқайлдоқнинг шу номли тогайи олдида жойлашади. Без пастдан узуксимон тогай ва кекирдакнинг 3-4 тогай ҳалқаларини олдидан ва ён томонларидан қалқон шаклида қоплаб туради. Қалқонсимон без оғирлиги катта ёшдаги одамларда 30-50 гр ни ташкил этади. Буқоқ, касали бўйича эндемик ҳисобланган воҳаларда яшовчилар учун нормал ҳажми кўпроқ ҳисобланади. Без ўнг ва чап бўлакларидан ҳамда уларни тугаштириб турувчи оралиқ қисмидан ташкил топган. Кўпчилик одамларда (60-70 %) без бўйин қисмидан юқорига қараб ўсиб чиқ-

қан ўсиги кузатилади, бунга унинг пирамида қисми деб аталади.

Қалқонсимон без ташқи томонидан шакланган биркитиувчи түқимадан иборат капсула билан ұралған бўлади. Капсула без ичига ўсиб кириб, унинг ичини бўлакчаларга бўлади. Ҳар бир бўлакчалини ҳар хил катта кичик пулфакчалардан ташкил топган бўлиб, уларга фолликул номи берилган. Фолликул безнинг структур ва функционал бирлиги ҳисобланади. Қалқонсимон без бошқа безларга нисбатан қон томирларга бой капилляр томирлар ҳар хил фолликулни тўрсимон шаклда үраб олади. Масалан, итлар организмида оқаёттан қоннинг ҳаммаси бу без орқали бир суткада 16 марта айланниб оқиб үтади. Фолликуллар девори бир қаватли тиреоид ҳужайралар билан қопланган бўлиб, бўшлиғида


61-расм. Қалқонсимон без.

1 - тип ости суюги; 2 - без мемранаси; 3 - қалқонсимон тоқай; 4 - пирамидасимон бўлак; 5 - ўнг бўлак; 6 - чап бўлак; 7 - бўйин қисми; 8 - кекирдак.

коллоид моддаси жойлашади. Тиреоцит ҳужайралари ва коллоид моддасида функционал ўзгаришлар бўлади. Фолликуллар ораларида фолликуллараро ҳужайралар жойлашади. Улардан янги фолликуллар ривожланади. Қалқонсимон без функцияси гипофизнинг тиреотроп гормони воситасида бошқарилиб туради.

Қалқонсимон безининг асосий гормонлари таркибига йод тутивчи тироксин ва трийодтиронин гормонлари киради. Қалқонсимон без тиреод ҳужайралари қондаги йод моддасини йифиб олиш ҳусусиятига эга. Без таркибидаги йод бутун организмдаги йоднинг 36% ини ташкил этади. Қалқонсимон без ҳужайраларининг секретор цикли мураккаб жараён бўлиб, у гормонларни ҳосил қилиш ва тўплаш ҳамда уларни бездан яна қонга чиқарип бериш каби икки босқични ўтайди. Бу босқичлар бир нечта фазаларни ўз ичига олади. Дастрас ҳужайра таркибига йод тутивчи мураккаб тузилишига эга тиреоблогулин моддаси ҳосил бўлади. Сунг бу модда ҳужайралардан фолликул бўшлиғига чиқарилади.

Биринчи босқичда гормонлар синтези учун зарур моддалардан аминокислоталар, моносахаридлар, ёғ кислоталари, минерал туз-



лар ва йодидлар хом ашё сифатида қондан без ҳужайраларига йиғиб олинади. Кейинги фазаларнинг дастлабки қисмида тироцит ҳужайралари таркибида қабул қилинган аминокислоталардан тироглобин оқсими синтезланади. Кейинчалик бу оқсил молекула сига карбонсуви қисми бирикади. Охири тироглобулинга йод атомлари бирикib ҳосил бўлган секрет материали ҳужайралардан миокрин секрецияси йўли билан фолликул бўшлиғидаги коллоидга чиқарилади. Иккинчи босқичда коллоид мидданинг тиреоцитлар томонидан қайта сўрилиши (реабсорбция), тиреоглобулиннинг парчаланиши ва ҳосил бўлган тироксин ва трийодтиронин гормонларини қонга чиқариш жараёни содир бўлади.

Қалқонсимон без гормонлари организмнинг ўсишида, ривожланишида унда оқсиллар, углеводлар, ёлар, карбон сувлар ва тузлар алмашинувида катта аҳамиятга эга. Без гормонлари энергия алмашинувига, нерв тизими, юрак ва жинсий безлар фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади. Қалқонсимон безда ҳосил бўладиган тироксин, трийодтиронин ва бошқа йодли бирикмалар оксидланиш жараёнини жадаллаштириб, оқсиллар алмашинувини тезлаштиради. Айниқса ҳужайралар митохондрияларида оксидданиш жараёнини жадаллаштириб, энергия алмашинувини кучайтиради.

Без гипофункция ҳолатида қонда гормонлар миқдори камаяди, асосий модда алмашинуви сусаяди, организмда ортиқча сув, туз йиғилиб қолади. Оқибатда тери остида шишлар пайдо бўлади. Организмда кальций моддаси камаяди, жинсий фаолият пасаяди. Ёшларда ўсиш ва ривожланиш жараёни кескин пасаяди. Натижада гипотириоз касаллигининг пайдо булишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатларда буй ўсмайди, балоғатта етиш тўхтайди, одамда ақд битмайди. Бундай касаллик микседерма деб аталади. Микс – шиллик модда, дерма – тери, яъни тери остида куплаб сув йиғилиши натижасида тери ости шиши пайдо бўлади. Организмда йод камчиллиги пайтида бўқоф касаллиги авж олади. Бундай ҳолатларда тўқиманинг йод ишлаб бериш жараёни пасайиб кетганлиги туфайли без гипертрофияга учрайди, яъни катталашади. Бунда бездан ажралаётган гормонларнинг миқдори камайиб кетади, чунки унинг синтезланиши учун йод етишмайди.

Бундай ҳолатларда тўғри диагноз қўйиш, яъни касални ўз вақтида тўғри аниқлаб олиб, касални керакли дорилар билан даволаса, касал бутунлай соғайиб кетиши мумкин. Етарли гормонлар астасекин юборилганда оқсиллар, ёлар ва углеводлар тез парчаланиб куплаб сарфланади. Натижада сийдиқда нитрат кислотаси мочевина шаклида чиқади. Қалқонсимон без гормонларидан тироксин юборилганида, организмдаги ёғ деполаридаги ёлар миқдори камайиши тезлашади, қонда қанд миқдори бироз кўпаяди. Диурез, яъни суюқ модданинг чиқиши камаяди. Натижада организм вазни камайиб, оза бошлайди. Касалликни гормонлар билан даволашда ниҳоятда эҳтиёт бўлишининг асосий сабаби гормонларнинг кам миқдори ҳам бошқа аъзоларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Тиреокальцийтонин парофолликул ҳужайраларининг иккинчи тури бўлиб, К-ҳужайралар (С-ҳужайралар) номи билан юритилади ва шу номли гормонни иштирок этади, қонда кальций миқдорини камайтиради ва қалқонсимон без олди бези гормонининг онтогенисти ҳисобланади. Шу гормон фолликуллар ичига ўтмайди, шунинг учун уларнинг ичидаги коллоид суюқлиги таркибида учрамайди. Бу гормон 32 та аминокислотадан ташкил топган полипептид бўлиб, таркибидаги аминокислоталар жойлашиш гартиби турли сут эмизувчиларда ҳар хил бўлади. Тиреокальцийтонин қонда кальций ва фосфор миқдорини камайтиради. Суяклардан қонга кальций моддасининг чиқишига тўсқинлик қилиб, сийдик билан чиқишига сабабчи бўлади. Қонда кальций миқдорини бир меъёрда саклаш вазифасини бажаради. Ҳамма қалқонсимон без олди бези олиб ташланса ҳам қонда кальций миқдорини бир меъёрда сақлаб қолиш хусусиятига эга.

Қалқонсимон без олди бези

Қалқонсимон без олди бези (*glandula parathyroidea*) майдада безчалар бўлиб, уларнинг ҳар бирининг вазни 0,5 г. га teng. Одатда қалқонсимон безнинг ҳар битта ён бўлагининг орқа юзасида иккитадан жойлашади. Айрим ҳолатларда шу без тўқимаси билан бевосита туташган бўлади. Асосий паратироид безчалардан ташқари, қўшимча безчалар ҳам учраб туради. Без таркибида зич жойлашган икки хил без ҳужайраси учрайди. Булар бош ва окси菲尔 ҳужайралардир. Маълум бўлишича, ёш болаларда дастлаб бош ҳужайралар ривожланиб, сунг 4-7 ёшларида окси菲尔 ҳужайралар пайдо бўлади. Ёш улғайиши билан окси菲尔 ҳужайраларнинг сони қўпайиб боради. Организм қариган чоғида без асосий қисмини окси菲尔 ҳужайралар ташкил этади.

Паратироид безларнинг ҳаммаси олиб ташланса, 2-3 сутка ўттанидан сунг ҳайвонларнинг иштахаси йўқолиб, жуда қийинчилик билан юрадиган, бош ва танасининг айрим мускуллари тинмай титраб турадиган бўлиб қолади. Бу титроқ вақт ўтиши билан тобора кучая боради ва кейинчалик ҳайвон танасининг бошдан оёғига таркалиб, бутун танаси бўйлаб гавда талвасасига (титрогига) айланади, бу борган сари кучаяверади ва охири ҳайвон ҳалок бўлади.

Агар паратироид безчалари қисман олиб ташланса ҳам, юқорида айтиб ўтилган алломатларнинг ҳаммаси бўлмаса ҳам, лекин камроқ даражада намоён бўлади, шиллиқ пардаларга қон қўйилади, меъда, ичакларда узоқ вақт тузалмайдиган яралар пайдо бўлади.

Экспериментал ҳайвонларнинг паратироид безчалари олиб ташланганидан сунг, уларнинг озиқланиш жараёни ҳам титроқ (тетония) кучайиши ёки пасайишига сабаб булиши мумкин. Масалан, гўшт билан озиқланадиган ҳайвонларга гўшт кўп берилса, титроқ кучаяди, сут ва ўсимлик озиқларни кўп берса, титроқ камаяди. Бунинг асосий сабаби сут ва ўсимликлар озуқа таркибида кальций моддаси кўп.

Паратгормон оқсил модда бұлиб, организмда кальций ва фосфор алмашинувины бошқаришда иштирок этади. Бу гормон етиси маганида қонда кальций камаяды. Одатда организмда паратгормонлар сүяк тұқымасыда керакли миқдордаги кальцийнинг қониң чиқиб туришини ва шу тариқа қондаги кальций миқдорини етәрли даражада булишини таъминлады. Шу билан бирга паратгормон ичаклардан кальцийни қонға сұрилишини, буйрак нефронларида кальций реабсорбциясینи кучайтиради, сүякларда остеохласт ҳужайраларнинг күпайишини таъминлады. Натижада қондам кальций миқдори бир меъёрда сақданиб туради. Паратгормон ҳайвонға ичирилганида унинг күпчиліги меъда ва ичак ширалари таъсирида үз кучини йўқотади. Шунинг учун керакли вақтда гормон вена томирига юборилгани маъқул. Паратгормон организмде күпайиб кетса ҳам салбий таъсир кузатилади. Бунда мушакларнинг иш қобилияти пасаяди, тез чарчайди.

Паратгормон организмде етишмай қолиши одамларда ҳам кузатилиши мумкин. Қалқонсимон без патологиясида (бұқоқ касалыда) операция йўли билан олиб ташланиши керак бўлган қалқонсимон безнинг бир қисми билан биргаликда паратироид безлари ҳам айримлари бирга олиб ташланиши кузатилган.

Буйрак усти бези

Буйрак усти безлари (*glandula suprarenalis*) жуфт безлар қатрига киради. Бу безлар иккала буйрак устки қисмida, қалин ет тұқымаси орасида жойлашган. Уларнинг ҳар бири бириктирувчи тұқымадан ташкил топган умумий капсула билан үралган бўлишига қарамасдан, пустлоқ ва мазиз қисмини ташкил қилувчи иккита бездан ташкил топган. Буларнинг ривожланиши иккита манбадан келиб чиқсан. Пустлоқ қават мезодермадан, мия қават эса эктодермадан ривожланади. Мия қисми келиб чиқишига биноан симпатик нерв тизими билан бирга битта манбадан ривожланади.

Пустлоқ ва мия қисмлари микроскопик тузилиши ва функцияси билан бир-бирларидан фарқ қиласы. Мия қисмини ташкил қилувчи ҳужайралар хромофильт ҳужайралар қаторига киради. Чунки улар калий бихромат билан бўялганида сарғиш-оч жигаррангта бўялади.

Буйрак усти безлари ҳам қон томирларига бой бўлиб, капилляр түрини ташкил қиласы. Капилляр тури ниҳоятда майдада ва зич ҳолда бўлгани туфайли уларни ҳам синусоид капиллярларноми билан аталади.

Буйрак усти безлари ҳам буйракка ўхшаб қорин пардаси орқасида XI-XII күкрак умуртқаларининг қаршисыда жойлашади. Битта буйрак усти безининг оғирлиги 12-13 г. га teng. Янги туғилган болаларда 8-10 г. бўлиб, бир йил мобайнида 2-3 мартаға камаяди. 5 ёши келиб аста тикланана бошлайди. Ёши 20 га яқин тұла тикланади.

Буйрак усти безлари ўртасидан икки паллага бўлинса пустлоқ ва мазиз қисмлари күринаиди. Пустлоқ қават ҳужайралари ўзларининг келиб чиқишига қараб эпителий ҳужайраларига ўхшайди. Бу ҳужай-

ралар таркибида күплаб лишид кирилмалари учрайди. Пүстлоқ қисми учта зонани ташкил этади: ташқи контокчали зона, ўрта тутамли зона ва ички тұрсымон зона. Булардан ташқары пүстлоқ қисмидә без капсуласининг остида тартибсиз ҳолда жойлашган кам табақаланған (камбиал) ҳужайралар жойлашади. Бу ҳужайралар күпайиш хусусияттың эга булиб, қолган қисми ҳужайрала-рини тұлдиріб туради. Ҳозирги вақтда без-пүстлоқ қисмининг учала зона ҳужайралари 40 дан ортиқ гормон ишлаб бериши аниқ-ланған. Бу гормонлар асосан уч гурухға булиниб үрганилади: 1) минералокортикоидтар; 2) глюкокортикоидтар; 3) андроген ва эстрогенлар.

Минералокортикоид гормонлари контокчали зона ҳужайралари томонидан ишлаб берилади. Бу гормонлар аввало қондаги натрий ва калий миқдорининг меъерини тутиб туради. Бундан ташқары, буйрак каналчаларыда натрий хлор реабсорбциясини кучайтириб, калий реабсорбциясини сусайтиради. Натижада қон, лимфа ва тұқима оралиқ суюқлукларыда ош тузининг миқдори күпайиб, калий камаяди. Шундай қилиб, осмотик босым бир меъерда бошқарылиб туради. Организмда сув керакли миқдорда йиғилиб туради. Минералокортикоидларга алъостерон гормони киради.

Глюкокортикоидлар тутамли зона ҳужайралари томонидан ишлаб берилади. Булар организмда карбон сувлар алмашинувини, фосфорланиш жараёнларини бошқаради, яъни оқсилларни углеводларга айланишини тезлаштиради. Натижада жигарда оксидданыш ва дезаминланиш реакциялари кучаяди. Оқибатда қонда қанд, жигар ва мускулларда гликоген миқдори күпаяди. Бу гормонлар углеводларни ёғға айлантириш жараёнига ҳам тұсқынлик қиласы.

Бу гормоннинг етишмаслиги натижасыда карбонсув алмашинуви жараёнлари бузилиб, гипогликемия ва жигарда гликоген миқдорининг камайиши, буйраклар функциясынинг камайиши, пигмент алмашинувининг ишдан чиқиши ва организмда азот чиқиндиларининг йиғилиб қолиш ҳодисаси іюз беради. Улар күп миқдорда организмга юборылса, мускул ва бириктирувчи тұқима оқсиллари кескин камайиб кетади. Глюкокортикоидларга кортикостерон, кортизон (гидрокортизон) гормонлари киради.

Андроген ва эстроген гормонлари тұрсымон зона ҳужайралари томонидан ишлаб берилади. Улар таъсири жинсий гормонлар функциясында үхшайды. Маълум булишича, андроген гормони жинсий аъзолар ва иккиламчи жинсий белгиларга таъсир курсатиши билан биргә, оқсил синтезини тезлаштиради. Скелет мускулларыни ривожлантириб, буйни үстиради. Буйрак усти бези гиперплазияға ёки рак касалига учраса, бу гормоннинг миқдори қонда күпайиб кетиши аёлларда, айникса, иккиламчи жинсий белгиларни іозаға келтиради. Аёллар гавдаси әрқакларни киға үхшаб қатталапшади, мүйлов ва соқол чиқа боптайди. Бундай ҳолатта адрено-генитал синдроми номи берилған. Эстроген гормони ҳам қонда күпайиб кетсе, жинсий фәолияттың буилинінің олиб келади. Еш қызлар-

да вояга етіп жараёлары ўз вақтідаң ілгари күзатылади.

Бұйрак усти безининг мия қисмидегі хужайралари адреда лин ва норадреналин гормонларни итилаб чиқаради. Иккала гор мон ҳам организмда феналланин ва тирозин аминокислоталари даң ҳосил бўлади. Адреналин таъсири натижасида кўз қорачини кенгаяди. Юрек қисқариш ритми тезлашади, мускулларнинг кўзга лувчанлиги ва кучи ошади. Адреналин артерия ва капилляр то мириларни (юрак тож томирларидан ташқари) торайтириб, қон босимини оширади. Қон ивишини тезлаштириди, бронхларни кеп гайтиради, ичак перистальтикасини пасайтириб, мускулларни бўшашибтиради, сфинктер мускулларини кўзгатиб, уларнинг ёни лишига олиб келади. Адреналин углевод алмашинуvida иштирок этиб, гликоген моддасининг глюкозага айланишини ва қонда қанд миқдорини ўз меъерида сақдални бошқарib туради.

Норадреналин периферик артериолалар деворини қисқарттиради, натижада қон босимининг ошишига олиб келади. Систолик ва диастолик артерия босимини оширади. Меъда-ичак деворлари, ўт пуфаги деворларига жуда заиф таъсир қилади. Углеводлар ал машинувига организмдаги оксидланиши жараёларига табиатан адреналин билан бир хил, аммо унга қараганда 4-8 баравар кучсизроқ таъсир кўрсатади.

Одатда адреналин ва норадреналин гормонларига таъсир қилуви чи ферментлардан аминооксидаза ва тирозиназа таъсири натижасида улар тез парчаланади, натижада бу гормонларнинг таъсири организмда узокқа чўзилмайди.

Якка жойлашган гормон ҳосил қилувчи ҳужайралар

Адабиётлардан маълум бўлишича, организмда учрайдиган бундай ҳужайралар мажмуаси икки гурӯхга бўлинади. Биринчи гурӯхга якка жойлашган нейроэндокрин ҳужайралар кириб, гор мон нейроаминиларни синтез қилади. Бу гурӯхнинг нейроэндокрин ҳужайралари бош мияда ва бошқа аъзоларда учрайди. Буларга қалқонсимон безнинг парафолликуляр ҳужайралари, буйракусти бези мия моддасининг хромофин ҳужайралари ҳамда ҳазм тизими шиллиқ қаватида учрайдиган эндокрин ҳужайралар киради. Буларга хос хусусиятлардан бигтаси бу ҳужайраларнинг фоллиятига гипофиз гормонлари таъсир қилмайди. Нейроэндокрин ҳужайралар фоллияти симпатик ва парасимпатик нервлар орқами ҳам бошқарилади.

Иккинчи гурӯхга бошқа тўқималардан якка ёки гурӯхлар ҳосил қилиб такомилланган гормон ишилаб берувчи ҳужайралар киради. Бу ҳужайраларга уруедонининг тестостерон гормонини ишилаб берувчи, тухумдоннинг остротен ва прогестерон ҳосил қилувчи гор монлари киради. Булар стероид гормонлар ҳосил қилиб, аденогипофизнинг гонадотропин гормонлари таъсирида бошқарилади, улар нейроаминилар ҳосил қилмайдилар.

Жинсий безларнииг эндокрин қисми

Жинсий безларга уругдон ва тухумдонлар кириб, улар жинсий хужайралар билан биргалиқда жинсий фаолиятни бошқариб турища раҳнамолик қиласидан жинсий гормонлар ишлаб, қонга чиқариб берадилар. Жинсий гормонлар жинсий аъзолар функциясининг ҳамма томонларига, жумладан, организм умумий ҳолатига, иккиламчи жинсий белгиларнинг пайдо бўлишига ва бошқа қатор жараёнларга таъсир кўрсатади. Уругдонларда эркаклик, тухумдонларда эса аёллар жинсий гормонлари ишлаб берилади. Эркаклик жинсий гормонлари андрогенларга тестостерон, андестрон, изоандестрон ва бошқалар киради. Бу гормонлар ичидаги фаоли тестостерон ҳисобланади. Бу гормонни уругдонда учрайдиган Лейдиг ҳужайралари ишлаб беради. Эркаклик жинсий гормонларини ишлаб беришда Сертоли ҳужайралари ҳам иштирок этиши мумкин. Кузатишлардан маълум бўлишича, сперматозоидлар қанча тез ҳосил бўлса, Сертоли ҳужайраларининг протоплазмасида шунча тез парчаланиш жараёни кузатилган ва шунча кўп жинсий гормонлар ишлаб берилиб, қонга чиқарилади. Тестостерондан ташқари барча адреногенлар шу гормонлар организмда алмашинуви натижасида ҳосил бўладиган маҳсулотлардир.

Организмда эркаклик жинсий гормонларининг таъсир қилиш фаолиятини кастрация, яъни бичилган ҳайвонларда кузатиш мумкин. Эркак ҳайвонлар бичилганида, сперма ҳосил қилиш хусусияти йўқолади ва хулқ-атворида ҳам бир қанча ўзгаришлар кузагилади. Бундай ҳайвонлар тинч юриш, семиришга мойил бўлиб, иккиламчи жинсий белгилари ҳам регенерацияга учраб йўқолиб кетади. Агар унга бошқа ҳайвон уругдони кўчириб ўтказилса, унда яна эркаклик хусусиятлари ва жинсий рефлекслари пайдо бўла бошлайди. Лекин кўчириб ўтказилган уругдон сўрилиб кетганидан сўнг улар яна йўқолиб кетади.

Аёллар тухумдонларидағи фолликулларнинг ҳужайраларида эстрогенлар, яъни аёллар жинсий гормонлари синтезланади. Эстрогенлар синтезланиб, фолликул суюқлигига сақланиб туради. Бу гормон аёлларга хос хусусиятлар беради. Жинсий цикла, иккиламчи жинсий белгиларга, бачадон, қин шиллик пардаларининг ўсишига, сут безларининг етилишига, оқсиллар, анорганик моддалар, калий алмашинувига таъсир кўрсатади, капилляр томирлар девори ўтказувчанигини оширади, олий нерв тизимига ўз таъсирини кўрсатади.

Аёлларда бу гормонлардан ташқари сариқ танача – прогестерон ишлаб берилади. Прогестерон гипофизда гонадотропин гормонлар ҳосил бўлишига ва фолликулларнинг етилишига тўсқинлик қиласиди ва шу тариқа ҳомиланинг нормал кечиши, сут безларининг яхши етилиши ва ишлашига шароит яратади.

Маълум бўлишича, организм нормал ҳолатида ҳам уругдонларда бир оз миқдорда бўлса ҳам аёллар гормони, тухумдонларда эса, эркаклар гормони ишлаб чиқулиши исботланган. Жинсий гормонлар-

нинг ишлаб берилиши марказий нерв тизими ёрдамида бошқарилади. Бунда гипофиз ҳам үз гормонлари билан таъсир қилиб туради.

Жинсий аномалиялар ҳам учрайди. Айрим ҳолларда битта организмда эркакларга ва аёлларга хос (уруғон ва тухумдан) аъзолар учраши мумкин. Бундай ҳолга гермафродитизм дейилади. Лекин иккаласи баравар ривожланмай, биттасининг ривожи иккинчисидан устунроқ бўлади. Жинсий безлар туғилишдан бошлаб ривожланмай қолса, бунга евнухоидизм деб аталади. Учинчи хили – организм жинсий тизими ривожланмай қолиб, катта бўлганида ёшлик белгилари қолиши мумкин. Бунга инфантлилизм деб аталади.

Меъда ости безининг эндокрин қисми

Маълумки, меъда ости бези экзокрин ва эндокрин қисмларидан ташкил топган. Экзокрин қисми овқат ҳазм қилиш тизимида батафсил ёзиб ўрганилган. Эндокрин қисми Лангерганс оролчаларини ташкил қилувчи ҳужайра гурӯхларидан ташкил топган. Оролчаларнинг сони 1-2 млн., диаметри эса ўртача 100-300 мкм.га тенг. Таркибини бир неча хил ҳужайралар ташкил этади. Уларниң ичида энг кўп учрайдиган бета ҳужайралари 60-80 % ни ташкил этиб, асосан инсулин гормонини ишлаб беради. Иккинчиси альфа ҳужайралари бўлиб, улар 10-30 % ни ташкил этади, глюкоген гормонини синтез қиласи. Учинчиси – "Д" ҳужайра дейилиб, гипофизнинг ўсиш гормони чиқишига тўсқинлик қиласи, шу билан бирга инсулин ва глюкоген чиқишини секинлаштиради.

Инсулин (лот. *insula* – оролча) гормони жигарда глюкозадан гликоген синтезланишини тезлаштиради ва парчаланишига тўсқинлик қиласи. Хужайралар томонидан глюкозанинг ўтказувчанлик хусусиятини оширади. Инсулин чиқиши билан қондаги қанд миқдори ўртасида ўзаро алоқа мавжуд. Қонда қанд кўпайса, инсулин кўп ишлаб берилади ёки тескари жараён бўлиши мумкин. Қонда қанд камайиб кетса, унга гипоглекемия дейилади. Бунда организм караҳт (организм учун ҳавфли жараён) ҳолатига тушшиб қолиши мумкин. Масалан, қон томирига катта миқдорда инсулин юборилса, шундай ҳолат содир бўлади. Агар тезда қонга глюкоза юборилса, караҳтининг оддини олиш мумкин. Инсулин етишимаганида эса, қандли диабет касали келиб чиқади. Бундага қонда қанд миқдори кўпайиб кетади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ички секреция безларининг безлар номи билан аталаши сабаблари.
2. Гормонларнинг организм ички мұжит ва турғунылгини сақлашдаги ажамияти.
3. Ички секреция безларининг таснифланиши.
4. Гипоталамус ва ядроларнинг ажамияти.

5. Нейросекретор ҳужайралар түүртисида пималарни биласыз?
6. Гипофиз бези чиқариб берадиган гормонларни таърифлаб беринг.
7. Гипофиз безининг орқа бўлимидан чиқадиган гормонлар ва уларнинг тиббиётдаги аҳамияти.
8. Қалқонсизмон без морфофункцияси, гормонлари, уларнинг организмдаги роли.
9. Эпифиз бези гормонлари.
10. Эркак ва аёл жинсий гормонлари.
11. Секреция турлари.

ТОМИРЛАР ТИЗИМИ (АНГИОЛОГИЯ)

Томирлар организмда модда алмашинишини таъминлаб турувчи энг муҳим тизим булиб, барча тўқима ва аъзоларга озуқа моддаларни, кислород ва сувларни етказиб беради, модда алмашиниши жараёнидан сўнг, ҳосил бўлган чиқинди моддаларни айирув аъзолари орқали ташқарига чиқариб беришни таъминлайди. Бу тизимга ҳар хил диаметрлардан ташкил топган, ичида артерия ва вена қонлари узлуксиз равишда оқиб турадиган томирлар ва қон оқиб туришини таъминлаб турадиган асосий аъзо – юрак киради. Қон томирлар тизими ва организм ўртасида мураккаб трофик жараёнлар содир бўлади. Уларнинг морфологик тузилиши ва функцияси асосан организмда модда алмашинувига мослашган.

Қон томирлари тизими


Қон томирлар ёпиқ томирлар тизими бўлиб, уларда қон доим бир томонга қараб оқиб туради (62-расм). Томирларда қон оқишини юрак, томирлар деворидаги мускулларнинг ритмик равишда қисқариши таъминлайди. Қон томирлари морфологик тузилиши ва функциясида қараб артерия ва вена қон томирларига бўлинади. Артерия (*aer* – ҳаво, *tēgo* – саклайман) томирлари деб юрақдан қон олиб кетувчи томирларга айтилади. Юракка қон олиб келувчи томирларга, вена томирлари деб аталади. Гиппократ мурдани ёриб курганда, артерия томирлари бўшлигини куриб, улар ичидан ҳаво оқади деб, ҳозиргача саклануб келаётган артерия номини бериб кеттан.

Артерия қон томирлари юракнинг чап қоринчасидан организмда энг йирик аорта томири билан бошланади. Аорта ичидағи қон кислородга тўйинган артерия қонидир. Аорта кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғидан утгаётib, атрофидағи аъзоларга артерия томир-

ларини беради. Артерия томирлари борган сари диаметрлари ки чиклашиб боради. Сұнгги тармоқланишлар натижасыда кичик диаметрли артерияларга, улар артериолаларга, артериолалар эса әндік диаметрли қон томирлари бұлған капиллярларга тармоқда нағди. Капилляр қон томирлари организмда мавжуд бұлған барча түкима ва ҳужайраларни артериал қон билан таъминлады. Ка-пилляр томирларнинг ўртача узунлiği 0,5 мм., диаметри 3-3,5 мкм. шеңг, яғни одам тукининг диаметридан 50 марта кичик бўлади. Қон микроциркуляциясини таъминловчи томирлар тизимига куйидаги гилар киради: артериола, прекапилляр, посткапилляр ва венулалар. Булар асосан мускул қаватларининг юпқалашиб бориши ва охири капилляр томирларда умуман учра масдан фақат эндотелийдан ташкил топган қавати билан фарқланадилар.

Капилляр томирлар микдори шакли ва ҳажми турли аъзоларда ҳар хил. Капиллярнинг микдори моддалар алмашинуви тез кечадиган аъзоларда моддалар алмашинуви суроқ, кечадиган аъзоларга нисбатан бир неча баробар кўпроқдир. Бир минутда турли аъзолардан оқиб ўтадиган қон микдори, 100 г. вазнiga нисбатан ҳисобланганда, куйидаги ча ифодаланади: қалқонсимон безда — 560, буйракларда — 420, жигарда — 150, юрақда (тож томирлар орқали) — 85, ичакларда — 50, мияда — 65, талоқда — 70 ва меъдада — 35 мл.

Маълум бўлишича, аъзолар нисбатан тинч осойишта турганда айрим капилляр томирлар ёпиқ ҳолатда бўлиб, фаоллик ошиб бориши билан очи-



62-расм. Бош ва бўйин артериялари.

1 - чакканинг юза артериялари; 2 - энса артеријаси; 3, 6 - умуртқа артериялари; 4 - ичкى уйқу артерияси; 5 - ташқи уйқу артерияси; 7 - ўмров ости артерияси; 8 - жаг артерияси; 9 - юз артерияси; 10 - пил артерияси; 11 - қалқонсимон безнишнинг устки артерияси; 12 - умумий уйқу артерияси; 13 - қалқонсимон безнишнинг пастки артерияси.

либ, уларнинг сони ортиб боради. 1 мм² юрак мускулида 5500 капилляр томирлари учрайди. Нормал ҳолатда 50% капилляр ишлаб туради.

Капилляр томири биринчи бўлиб М. Мальпигий (1661) томонидан аниқданган. Охирги маълумотларга кўра одам организмида тахминан 150 миллиард атрофида капилляр томирлар бўлиб, танани ташкил этувчи 300 триллион хужайраларни қон билан таъминлайди. Организмда учрайдиган барча капилляр томирлар бир-бирига уланса, 100 минг км. ни ташкил этади, яъни ер юзини 2,5 марта айланиб чиқиши мумкин.

Организм билан томирлар ўртасида содир буладиган модда алмашинув жараёни капилляр томирлари билан тўқималар ўртасида содир бўлади. Бу томирлар орқали қондан кислород ва турли озуқа моддалари тўқима хужайраларига ўтади. Хужайраларда эса уларда кечеётган ҳаётий жараёнлар натижасида ҳосил бўлган турли чиқинди, кераксиз моддалар ва карбонат ангирид гази капилляр томирлар орқали қонга сўрилади. Натижада капилляр томирлари ичидаги қон ранги қисман ўзгариб, қорамтири-қизғиш тусга киради. Карбонат ангирид газини ўз ичига олган мана шундай қон веноз қони деб аталади. Веноз қон капилляр қон томири бўйлаб оқиб венулаларга йиғилади. Венулалар эса кичик диаметрли вена томирларини ҳосил қиласи. Оқибатда организмда мавжуд бўлган барча вена томирларининг ҳаммаси иккита энг йирик диаметрли вена — пастки ва юқориги ковак веналари айланади.

Пастки ва юқориги ковак веналари юракнинг ўнг бўлмачасига қуйилади. Қон ўнг бўлмачадан ўнг қоринчага, ундан ўпка артериялари орқали ўпкага боради. Юракнинг ўнг қоринчасидан ўпка артериясига чиқарилган томир ўпка артерияси номи билан аталса ҳам ичдиа веноз қон оқади. Ўпка артерияси ўпка ичдиа бир неча бор тармоқланиб, охири ўпка альвеолалари (пуфакчалари) деворида капилляр томирлар тўрини ҳосил қиласи. Бу ерда альвеолалар ва капилляр томирлар девори орқали қон билан альвеола ўртасида газ алмашинуви жараёни содир бўлади. Айни вактда, карбонат ангирид қондан альвеолага ўтади ва нафас билан ташқарига чиқарилади. Бир вактнинг ўзида альвеоладан кислород қонга ўтади. Ўпкада газ алмашиници жараёни натижасида қон кислородга бойиб оч қизил ранг тусига киради, яъни артериал қонига айланади. Кислородга бойиган қон ўпка веналари орқали юракнинг чап бўлмачасига қуйилади. Ёпиқ қон айланиш тизими деб шунга айтилади, яъни ҳар иккала ҳолатда ҳам қон юрақдан чиқиб, яна айланиб юракка қуйилади.

Артериал томирларининг девори уч қаватдан ташкил топган. Ички қавати қонга тегиб турадиган эндотелий қавати бўлиб, унинг остида базал мембрана ётади. Ўрта қавати эластик толалар билан навбатма-навбат жойлашган мускул қаватдан ташкил топган. Ташки қавати асосан бириктирувчи тўқима билан ўралган бўлади. Артерия деворидаги эластик толалар бутун бир эластик таянч тузил-

мани ташкил қилиб, артерия томирларининг кенгайиб ва торайиб туриши каби эластик ҳолатини таъминлайди. Артерия томирлари юракдан узоклашган сари уларнинг диаметрлари кичкиналашиб боради. Одатда юракка яқин жойлашган йирик артериялар қони үтказиб берувчи вазифани бажаради. Улар юрак чиқариб бераётган қон босимини биринчи бўлиб қабул қиласи, натижада узлук сиз равища кенгайиб ва торайиб туришга мослашган бўлади. Шунинг учун бундай артерия томирлари девори механик таъсирга мослашган бўлиб, таркибида кўплаб эластик толалари ҳамда чўзилувчанлик хусусиятига эга мембронадан ташкил топган. Бундай артерияларни эластик турдаги артериялар деб юритилади. Бундай артерияларга одатда аорта ва артериялар киради. Юрак уруши натижасида томирлар деворига таъсир қилувчи куч аста камайиб бориши билан ўрта ва майда диаметрдаги артерия томирларидағи қон ҳаракати шу томирлар деворининг қисқариб бориши ҳисобига содир бўлади. Бундай артерия томирлари кучли ривожланган сиљлиқ мускул қаватидан ташкил топган бўлиб, бундай артериялар мускул турдаги артериялар деб ном олган. Бундай артерияларга ўрта ва кичик калибрдаги артериялар киради. Буларга тана, оёқ, ички артериялар томирларини олишимиз мумкин.

Булардан ташқари деворининг тузилиши жиҳатидан учинчи тур артериялар мавжуд. Буларга мушак-эластик ёки аралаш турдаги артериялар киради. Бундай артерияларга ўрта мускул қаватида сиљлиқ мускул ҳужайралари ва эластик толалари нисбати бир хил бўлиб, улар қон томир деворларида спиралсимон йўналади, уларнинг орасида эса оз миқдорда фибробласт ҳужайралари ва коллаген толачалари учрайди. Бундай артерияларга мисол қилиб бевосита бошлинувчи ва ўмров ости артерияларини келтириш мумкин.

ЮРАК

Юрак (*cog*) тўрт камерали аъзо бўлиб, кучли мускул тизимида ташкил топган. Камералари ёнма-ён жойлашади. Ўнг ва чап бўлмача, ўнг ва чап қоринчалари бор. Чап бўлмача ва чап қоринча артерия қонларини қабул қилиб, уни организмга ҳайдаб беради, шунинг учун юракнинг бу камераларига артерия қисми дейилади. Ўнг бўлмача ва ўнг қоринча вена қонини қабул қилиб, уни чиқарип беради. Булар вена камералари деб ном олган.

Юрак конуссимон шаклда бўлиб, унинг юқорига қараб турган кенгайган қисмiga асоси, пастга қараб ингичкалашиб кетган қисмiga унинг уни дейилади. Унинг асос қисми орқага, юқорига, учи томони эса пастта, олдинга ва чапга йўналган ҳолда жойлашган. Иккита юзага эга, биринчиси олдинга ва юқорига қараган тўш қовурға юзаси бўлса, иккинчиси бир оз пастта қараган диафрагма юза сидир. Юрак кўкрак оралиғида жойлашган бўлиб, унинг 2/3 қисми тана ўрта чизигининг чап томонида, 1/3 қисми эса ўнг томонда жойлашади. Юрак унинг асос қисмiga туташган йирик томирларига

осилиб турган ҳолда қисқарып ва кенгайиб туради. Юракнинг қисқарышига систула дейилса, кенгайишига диастула дейилади. Юрак олдинги томондан бўлмачалар билан қоринчалар чегарасига тўғри келадиган тож эгати ва қоринчаларнинг бир-биридан ажратиб турган олдинги ва орқа қоринчалараро эгатларига эга.

Юрак эгатлари ва унинг томирларини ёғ моддаси тўлдириб туради. Юракнинг катта-кичичклиги одам гавдасига, жисмоний бақувватлигига ва организмдаги модда алмашиниш жараёнларига боғлиқ. Тирик одамларда олинган рентгенограмма ёрдамидаги маълумотларга қараганда, юракнинг кўндаланг диаметри 12-15 см. ни ташкил этса, узунасига 14-16 см. га teng. Ўртacha оғирлиги аёлларда 250 г., эркакларда 300 г. ни ташкил этади.

Юрак ташки томонидан сероз шарда билан ўралган бўлиб, у перикард (*pericardium*) деб аталади. Перикард иккита варақдан ташкил топган бўлиб, ички эпикард (*epicardium*), яъни висцерал варақ бўлиб, юрак устки томондан қоплаб, юрак мускулига ёпишиб кетган бўлади ва юрак ташки қаватини ташкил этади. Иккинчи париетал, яъни девор олди варафи бўлиб, уни үраб турган ниҳоятда бақувват бириктирувчи тўқима билан ёпишган бўлиб, юрак халтасини ташкил этади. Перикарднинг иккала варафи орасида бўшлиқ бўлиб, унда сероз суюқлиги учрайди. Юрak халтасини кесиб кўрилганида юрак ташки юзаси, эгатлари ва томирлари яхши куринади. Юрак иккита бўлмача ва иккита қоринчалари ўргасида бақувват тўсиқ бўлади. Чап бўлмача билан чап қоринча ўргасида ва ўнг бўлмача билан ўнг қоринча ўргасида тешикчалар содир бўлиб, улар бир-бири билан алоқада бўлади.

Бўлмачалар ва қоринчалар ўргасида юрак клапанлари жойлашади. Чап бўлмача билан чап қоринча ўргасида икки тавақали, ўнг бўлмача билан ўнг қоринча ўргасида уч тавақали клапан жойлашади. Икки тавақали клапан митрал клапан номи билан ҳам аталади. Юрак клапанлари юрак ички қавати эндолетиј бурмалиридан шаклланган. Клапанларнинг асосий вазифалари юрак камералари бўшлиғидаги қонни фақат бир томонга қараб ҳаракат қилишини ҳамда тескари ҳаракатига тусқинлик қилиб туришни таъминлайди. Шундай клапанлар юракка қон олиб келувчи ва қон олиб кетувчи томирларда ҳам учрайди. Энг йирик артерия томирларидан аорта ва ўпка тармоғи тешикларида ҳам яримойсизмон клапанлар жойлашган бўлиб, қоринчалар чиқариб берган қонни тескари оқиб тушишига тусқинлик қиласи. Айрим ҳолларда юрак клапанлари жароҳатланган бўлиб, уларнинг герметик ҳолда ёпилишининг бузилиши натижасида қон қисман тескари томонга утадиган бўлиб қолади. Масалан, юрак клапанларининг бир бутунилиги бузилиши натижасида учрайдиган касалларда.

Юракнинг ҳаракати эмбрионал даврнинг учинчи ҳафтасидан бошланиб, юрак уриши асосан икки фазадан ташкил топган. Навбатма-навбат икки фазада ишланиши қон организм бўйлаб фақат бир йўналишда, яъни юрак бўлмачаларидан қоринчаларига, улар-

дан эса томирларга ўтади. Қисқариш жараёни даставвал юракнинг иккала бўлмачаларининг қисқаришидан бошланади. Бўлмачалар қисқариши тугани билан қоринчаларда бошланади, бўлмачалар эса, бушашиш ҳолатига қайтади. Юрак бўлмачаларининг биринчи қисқаришидан то иккинчи қисқаришигача кечган даврга, юракнинг бир цикли дейилади. Юрак ҳар бир циклда муайян миқдордаги қонни томирларга ўтказиб беради. Уртacha ҳисобда юрак бир минутда 60 марта уриб турса, унда юракнинг бир уриши (цикли) бир секундга тўғри келади. Бундан бўлмачалар қисқаришига (систоласига) 0,1 сек., қоринчалар қисқаришига (систоласига) 0,3 сек. сарфланиб, 0,6 сек. эса умумий диастолага тўғри келади. Демак, бўлмачалар юрак циклининг 90 % давомида, қоринчалар эса 70 % давомида пауза ҳолида бўлиб, дам олиб туради. Юрак уриши ёки секинлашишига албатта секундлар миқдорида ҳам ўзгаришлар бўлади.

Юракнинг ўнг бўлмачаси (*atrium dextrum*) кубсимон шаклда бўлиб, бўлмача чап томонидан юқориги ковак венаси (*v. cava superior*), пастдан ундан кенгроқ бўлган пастки ковак венаси (*v. cava inferior*) қўйилади. Ўнг бўлмачага ковак веналардан ташқари юракнинг ўзидан чиқувчи тожсимон веноз синуси (*sinus coronarium*) қўйилади. Ўнг бўлмачанинг камераси олдинги томондан юқори роқда жойлашган ўнг қўлтиғи бўшлиғи билан тулашган бўлади. Натижада бўлмачанинг ички бўшлиғи ўнг қулоқча бўшлиғи ҳисобига анча кенгайди. Ўнг ва чап юрак қулоқчалари ясси шаклда бўлиб, аорта ва ўпка тармоги томирларини ёпиб турган ҳолда юракнинг олдинги юзасида жойлашади. Бўлмачанинг ички юзаси дейярли силлиқ бўлиб, фақат қулоқча олдинги юзасидаги тароқсимон мускул толалари параллел ҳолда жойлашган дўнглар ҳосил қилаади. Дўнглар тароқсимон мускулларнинг юқориги ва пастки бойламчаларидан бўртиб чиқишидан ҳосил бўлган. Булардан ташқари, иккита ковак веналари қўйиладиган қисмининг ўртасида бўртиқ бўлиб, унга веналараро бўртиқ дейилади. Ўнг бўлмача билан чап бўлмача ўртасида тусиқ бўлиб, ўнг бўлмача тусиқ юзасида овалсимон ботиқ жойлашади. Организм эмбрионал ривожланиш даврида шу овалсимон тешик орқали қон ўнг бўлмачадан чап бўлмачага ўтиб туради. Бола туғилганидан сўнг, бу тешикча одатда битиб, ёпилиб кетади. Шу овалсимон тешик биттан жойида ботиқ ҳосил бўлиб, унга овалсимон тешик (*foramen ovalae*) дейилади. Айрим ҳолларда бу тешик чала битади ёки умуман битмай қолиши мумкин. Натижада вена қони артерия қони билан аралашиб туриши натижасида ҳар хил касаллар содир бўлади. Ўнг бўлмача пастки томонда ўнг қоринча билан уч тавақали клапан воситасида бирбири билан тулашган бўлади.

Юракнинг чап бўлмачаси (*atrium sinistrum*) ўнг бўлмача орқасида жойлашган бўлиб, унинг ички юзаси ўнг бўлмача ички юзасига иисбатан силлиқроқ бўлади. Чап бўлмача деворида ҳам тароқсимон мускуллар учрайди. Бўлмача орқа қисмининг юқоририғида тўртта тешик очилгани бўлиб, улар орқали чап бўлмачага

ар бир үнкадан иккитадан тұрға үпка веналари (*vv. pulmonalis*) қуилады. Бу тешикларда ҳам худди ковак веналарининг тешикларига үхшаб клапанлар бўлмайди. Үпка веналари үнкада кислородга түйинган артерия қонини чап бўлмачага олиб келиб қуяди. Қон чап бўлмачадан икки тавақали клапанга эга тешик орқали чап қоринчага ўтади.

Үнг қоринча (*ventriculus dextra*) вена қонини юракда йұналтириб берувчи бир қисми бўлиб, вена қони үнг бўлмача билан үнг қоринчага ўртасидаги тешик орқали қоринчага ўтади. Қоринчанинг бўлмачага яқин қисмидаги девори бирмунча текис ҳолда бўлса, пастроқ қисмида мускуллар қоринчага бўшлиғига ўсиб, бўртиқлар ҳосил қилганини кузатамиз. Бу мускуллар қоринчага деворининг учта жойидан ўсиб чиқиб сургичсиз мускулларни ташкил этади. Бу мускулларнинг учлари пайларга айланаб, клапанларнинг эркин турган қирғоғига ва пастки юзаларига келиб ёпишади. Сургичсиз мускулларнинг ичидаги биттаси йирик бўлиб, унинг уни ҳам майдаларига тармоқланиб, учлари пайларга айланади ва клапанларга бориб туташади. Қоринчага қисқарганида клапанларни үнг бўлмача томон эгилиб кетмаслигига йўл қўймайди ҳамда қоннинг үнг қоринчадан үнг бўлмачага ўтиб кетмаслигини, яъни клапанларни ниҳоятда зич беркитиб туришини таъминлайди. Үнг қоринчага олдинги томонидан юқорироқда артериал тешик билан якунланувчи артерия конусини шакллантиради. Бу қисмдан үпка тармоғи бошланади. Тешик атрофи бақувват фиброз тўқимадан ташкил топган ҳалқа билан уралган. Үерда үпка тармоғининг учта яримойсиз клапанлари жойлашади. Қоринчага қисқарганида унинг бўшлиғидаги веноз қон үпка тармоғи номли артерия томирига ўтади. Диастула вақтида бу клапанлар ҳам ниҳоятда зич бекилиб қонни тескари оқишига йўл қўймайди.

Үнг бўлмача билан үнг қоринчага ўртасида жойлашган тескари деворида уч қаватли клапанлар (*valva atrioventricularis dextra*) үрнашган бўлиб, улар медиал, олдинги ва орқа томонларда жойлашади. Тешик эндокард деворидан ўсиб чиқсан қатламларидан шаклланган бўлиб, устки томони эндотелий билан қопланган.

Чап қоринча (*ventriculus sinistra*) үнг қоринчага нисбатан бақувватлиги билан фарқланади. Айниқса, мускул қават үнг бўлмача деворига нисбатан 2-3 марта қалин. Бундай тузилиш қоринчанинг катта куч билан қисқаришига боғлиқ бўлса керак. Чап бўлмачанинг олдинги деворидан юракнинг чап қулоқчаси (*apexle sinistra*) бошланади. Деворининг ички юзаси силлиқ тузилишга эга. Деворидан эндокарднинг ўсиб чиқиши натижасида бир нечта қатламчалар ҳосил бўлиб, улардан сургичсиз мускул ўсиб чиқади. Мускул ўсимталари клапанларнинг ички юзаси ва четларига бориб ёпишади. Чап бўлмача билан чап қоринчага ўртасида фиброз тўқимадан ташкил топган бўлмача қоринчага тешиги бўлиб, тешик атрофида олдинги ва орқа икки тавақали митрал клапанлар (*valva atrioventricularis sinistra*) жойлашади. Чап қоринчанинг юқори қисмидаги артериал тешик (*astium aortae*) бўлиб, у орқали чап қоринчага

дан артериал қон аортага ўтади. Аорта бошланғич қисміда ҳам худди үпка тармоғында үхшаб үттә — орқа, ўңг ва чап яримойсім он клапанлар жойлашады.. Буларнинг ҳам функционал механизмни бошқа клапанларни кига үхшаган.

Юракнинг девори уч қаватдан иборат бўлиб, эндокард, ўрга миокард, ташқи перикардан иборат.

Эндокард юракнинг ички, қон тегиб ҳаракатланадиган қавати бўлиб, куриниши жиҳатидан йирик томирлар ички қавати тузи-лишига үхшаган. Эндокард юракнинг мускул қаватига нисбатан анча юпқа бўлиб, юрак барча камералари ички юзасини шу билан бирга клапанлари, сурғичсім он мускуллари ва пайли толаларининг ҳам устини қоплади. Эндокард қалинлиги юрак бўшлиғида бир хилда бўлмай чап қоринчалар деворида қалинроқ, айниқса қоринчалараро түсиқда ҳамда йирик томирлардан аорта ва үпка томирларига яқин юзалари бир мунча қалинлиги кузатилади. Эндокард устки юзаси эпителий ҳужайралари билан қопланган бўлиб, унинг остида эпителийга хос базал мембрана жойлашади. Унинг остида ҳам табақаланган ҳужайралар кўплаб учрайдиган бириктирувчи тўқима, яъни эндотелий қавати жойлашади. Булардан кейин мушак — эластик қават ётади. Таркибида кўплаб эластик толалар учрайди. Эндокард қаватларининг охирида, яъни мускул қавати билан чегараланадиган қисміда эластик, коллаген ва ретикула толалари ҳамда қон томир кўплаб учрайдиган ташқи бириктирувчи тўқима қавати ётади. Маълум бўлишича, эндокард бўлмачалар ва қоринчалараро ҳамда йирик томирлар клапанларини ташкил қилишда иштирок этади.

Миокард юракнинг бошқа қаватларига нисбатан энг кучли ва қалинлиги билан фарқланади. Бу қават асосан кўндаланг тарғил мускул тўқимасидан ташкил топган бўлиб, мускул толалари кетма-кет жойлашган мускул ҳужайраларидан, кардиомиоцитлардан ташкил топган. Бу толалар ён тармоқлари билан туташиб, тўрсімон шаклини эгаллайди. Мускул толаларининг узунлиги ўртача 50-100 мкм., диаметри 17-20 мкм. га teng. Скелет мускулатурасидан фарқи юрак мускул толалари саркоплазмада жойлашган миофибриллалар саркоплазманинг периферик қисміда жойлашади. Марказий қисміда жойлашган 1-2 ядросига эга.

Миокард мускулатураси ҳам худди эндокардга үхшаб юрак деворининг ҳамма жойида бир хил эмас. Бўлмачалар деворида мускул толачалар ташқи узунасига ва ички циркуляр ҳолатда жойлашган иккى қаватни ташкил этса, қоринчалар деворида уч қаватни ташкил этади. Буларда узунасига жойлашган юпқа ташқи, ўрга циркуляр ва ички узунасига жойлашган қаватлар мавжуд.

Эпикард сероз пардадан ташкил топган бўлиб, париетал ва висцерал қаватларни ташкил этади. Эпикард юрак ҳамда аорта ва үпка тармоғи томирларининг юракка яқин қисмларини қоплаб, сунг париетал варагига айланиб, перикард деворини ташкил этади. Натижада иккала варақ, юрак халта бўшлигини ташкил этади. Бўшлиқ

ицида ҳамма вақт сероз суюқлиги жойлашади. Суюқлик юрак қисқарып бүшаштаптанида варақлари ички юзасини ёғлаб туради.

ЮРАКНИНГ ҮТКАЗУВЧИ ТИЗИМИ

Юрак бўлмача ва қоринчаларининг навбатма-навбат ритмик ҳолатда қисқариши маҳсус үтказувчи йўл орқали содир бўлади. Бу йўл қўзғалишнинг бўлмачалардан қоринчалар томон үтишини таъминлайди. Юрак миоцитларида пайдо бўлган қўзғалишни тезда бошқа миоцитлар бўйлаб тарқатади.

Юракнинг үтказувчи йулини ташкил қилувчи толаларининг морфологик тузилиши скелет мускул толачаларидан фарқ қиласиди. Юрак мускул толачаларида кўндаланг йўллари кам, саркоплазма кўп учрайди. Утказувчи йўли бир нечта жойда тутунлар ҳосил қиласиди:

— Кис-Фляк тутами ёки синус тутунча. Бу тутунча ўнг юрак бўлмаси эпикардининг остида, ковак веналарининг қуилиши жойида жойлашади.

— Ашофф-Тавар ёки атреовентрикуляр тутуни, ўнг юрак бўлмасининг деворида, уч тавақали клапаннинг олдида жойлашади. Тутун толалари юқорида бўлма мускулларига туташган бўлиб, пастки томонда эса битта мускул боғлами шаклида кузатилади, сўнг Кис тутами ва Пуркинье толалари сифатида қоринчага тармоқланади. Пуркинье толалари эндокард остида жойлашган бўлиб, тўрсимон шаклда тарқалган бўлади. Қўзғалиш одатда Кис-Фляк тутунидан бошланади. Натижада бўлмачаларда қисқариш содир бўлиб, сўнг Ашофф-Тавар тутунларига үтади, ундан кейин эса Кис толаларига ўтиб, юраклар қисқаришига олиб келади.

Хуллас, юракнинг үтказиб бериш йули юрақдаги қисқариши (систола) ва бўшашиб (диастола) жараёнларини тартибга солади, вегетатив нерв тизими орқали бошқарилиб туради. Буларга юрак ишини тезлатувчи, секинлатувчи, кучайтирувчи ва сусайтирувчи нервлар киради.

Юрак олдинги кўкс оралиғида асимметрик ҳолда жойлашади. Унинг кўпроқ қисми олдинги урта чизигининг чап томонида жойлашади. Ўнг томонида асосан ўнг бўлмача билан иккала ковак веналари ётади. Юракнинг уч қисми ўмров урта чизиги бўйлаб 1 см. ичкарироқда V қовурғалараро юзасига тўғри келади. Юқориги чегараси эса III қовурғаларнинг кўкрак суюгидаги туташиши натижасида ҳосил бўлган тоғайларнинг юқори қисмидан үтади. Ўнг чегараси кўкрак суюгининг ўнг томонида жойлашган III-V қовурғалар рўпарасидан 2-3 см. ўнг томонига тўғри келади. Пастки чегараси ўнг томонда жойлашган V қовурға тоғайидан бошлаб юрак учигача үтказилган кўндаланг чизик бўйлаб ётади.

Юракнинг функционал иши асосан фазадан ташкил топган: систола — қисқариш; диастола — бўшашиб; пауза — юрак бўлмачалари қисқарганида қоринчалар бўшашибди, сўнг умумий юрак паузаси келади, бунда юрак бўлмача ва қоринчалари бўшашибди.

Сүнг янги қисқаришлар давом этади. Маълум булишича, бир соат ичидан 300 литр қон ўттар экан.

КИЧИК ҚОН АЙЛАНИШ ДОИРАСИ

Кичик қон айланиш тизими ўпкаларда веноз қонини кислородга бой артерия қонига айлантириб берувчи томирлар тизимиdir. Кичик қон айланиш доирасининг томирлари ўнг қоринчадан чиқадиган ўпка тармоғи (*truncus pulmonalis*) томиридан бошлилади. Ўпка тармоғи чапдан юқорига қийшиқ ҳолда кутарилиб, орқасида жойлашган аорта билан кесишиб ўтади, унинг узунлиги чамаси 5-6 см., диаметри 3-3,5 см. булиб аорта ёйи остида IV-V күкрак умуртқалари қаршисида иккита, яъни ўнг ва чап ўпка артерияларига (*aa. pulmonalis dextra et sinistra*) бўлинади. Булар ўнг ва чап ўпка дарвозаси томон қараб йўналади. Ўпка тармоғи ўнг ва чап ўпка артерияларига бўлинадиган жойида аорта ёйига торғилган мускул фиброз тўқималаридан ташкил топган тутам, артерия пайи жойлашади. Артерия пайи эмбрионал ривожланиш пайтида томир вазифасини бажариб келган. Эмбрионал даврда ўпкалар газ алмашиниш жараёнида иштирок этмаслиги натижасида кичик қон айланиш доираси шу томир орқали қон, ўпка тармоғидан ўпкаларга йўналмасдан тўғри аорта ёйига ўтган. Бола туғилгандан сўнг ўпка ишлаб кетиши натижасида бу йул аста-секин битиб кетади. Бу томирга Баталов йўли ҳам дейилади.

Ўнг ўпка артерияси чап ўпка артериясига нисбатан узунроқ бўлиб, кутарилувчи аорта, юқориги ковак вена ёнидан, аорта ёйи остидан ўтиб ўнг ўпка дарвозаси томон йўналади. Чап ўпка артерияси ўпка тармоғининг давоми шаклида кўндаланг йўналиб, пастта тушувчи аорта олдидан ўтиб ўпкага боради. Иккала ўпка артериялари ўпкалар ичига кириб тармоқланиб кетади. Тармоқланиши худди бронхларга ухшаб дастлаб ўпка бўлакларига, сўнг сегмент бўлакларига ва охири майдо капилляр томирларига бўлинниб, ўпка альвеолалари орқали газ алмашиниш жараёни содир бўлади. Айни вақтда карбонат ангиидрид қондан альвеолаларга ўтади. Нафас билан ташқарига чиқилади. Шу билан бирга альвеола ичидағи кислород қонга ўтади. Ўпкада ана шундай газ алмашиниши оқибатида қон кислородга бойиб, қизил туsgа киради, яъни артериал қонга айланади. Майдо венула томири йириклишаб, охири иккала ўпкадан кислородга тўйинган иккитадан ўпка вена томирлари (*vv. pulmonalis*) чиқиб, юракнинг чап бўлмачасига қўйилади. Ўпка веналарида клапанлар бўлмайди.

КАТТА ҚОН АЙЛАНИШ ДОИРАСИ

Катта қон айланиш доираси организмда энг катта диаметрга эга артерия юракнинг чап қоринчасидан чиқадиган аорта билан бошлилади. Аорта күкрак ва қорин бўшилигидан IV бел умуртқасигача йўналувчи йирик магистрал томир бўлиб, унда тарқалиб чиқади-

ган томирлар бутун организмни артерия қони билан таъминлайди. Аорта томири ўзининг йириклиги, деворида кўплаб учрайдиган эластик толалари ва мустаҳкам тузилиши билан бошқа томирлардан кескин фарқ қиласи. Аорта уч қисмга бўлиб ўрганилади: 1) юқорига кўтариувчи аорта; 2) аорта равоғи; 3) пастта тушувчи аорта.

1. Юқорига кўтариувчи аорта (*aorta ascendens*) юракнинг чап қоринчасидан бошланади, узунлиги 6 см.-га тенг, юракдан чиқиб, перикард билан уралган ҳолда юқорига қараб йўналади. Шунинг учун юқорига кўтариувчи аорта номини олган. Ўпка тармоғи орқасидан утади. Бошланғич қисми кенгайганроқ, бўлиб, унга пиёзбошча қисми (*bulbus aortae*) дейилади, унинг девори билан клапанлари ўртасида аорта учта синуси жойлашади. Аортанинг пиёзбошча қисмидан юракнинг ўзини қон билан таъминлайдиган иккита ўнг ва чап тожсимон артериялар чиқади.

Ўнг тожсимон артерия (*a. coronaria dextra*) пиёзбошчадан чиқиб, юракнинг ўнг томонига қараб йўналади ва тармоқланади. Юракнинг уч қисмигача етиб бориб, унинг тармоқлари чап ва ўнг қоринчалар ва юракнинг ўнг бўлмачаси миокардини артерия қони билан таъминлайди.

Чап тожсимон артерия (*a. coronaria sinistra*) пиёзбошчадан чиқиб, юрак чап томонига йўналади ва тармоқланади. Унинг тармоқлари қоринчалар ўртасидаги тўсиқни, ўнг ва чап қоринчалар деворини ҳамда чап қоринча ва чап бўлмача мускулларига тармоқланиб кириб, уларни қон билан таъминлайди. Юрак венаси мустакил равишда юракнинг ўнг бўлмачасига очилади. Аортанинг юқорига кўтариувчи қисмидан бошқа артерия чиқмайди. Организм юқори қисмларини артерия қони билан таъминлайдиган томирлар асосан аортанинг равоғидан чиқади.

Аорта равоғи (*arcus aortae*). Юқорига кўтариувчи аорта чап томонга бурилиб, аорта равоғини ҳосил қиласи. Унинг олдинги томонида ёф тўқимаси билан чегараланувчи туш суягининг дастаси жойлашади. Орқа томони кекирдакнинг (трахея) бронхларга бўлинадиган қисмiga тўғри келади. Аорта ёйининг бўртиб чиқсан қисмida ҳамда пастки томонидан бир нечта йирик ва майда артерия томирлари чиқади. Равоқнинг бўртиб чиқсан қисмидан учта йирик томир, мия-бosh ўзани (пояси) ёки номсиз артерия, чап умумий уйку артерияси, чап умров ости артериялари чиқиб, улар организмнинг елка, қўл, буйин ва бош қисмларини қон билан таъминлайди. Равоқнинг пастки ботиқ қисмida кекирдак, бронхлар ва қалқонсимон бези учун мўлжалланган бир нечта майда томирларни чиқаради.

Елка бош ўзани (камари)

Елка бош ўзани (*truncus brachiocephalus*) узунлиги 3-4 см., диаметри 2 см., аорта равоғининг бўртиб чиқсан томонидаги томирларнинг ичидаги энг йириги бўлиб, равоғининг чап томонидан биринчиси бўлиб чиқади. Бу артерия ўнг томондан кўкрак умров бўғими қаршисида ўнг умумий уйку ва ўнг умров ости артериясига

бұлинади. Чап умумий уйқу артерияси ва чап үмров ости артерияси бевосита аорта равоғидан ажралып чиқади. Чап умумий уйқу артерияси ўңг умумий уйқу артериясига нисбатан узунрок.

Умумий уйқу артерияси (*a. carotis communis*). Иккала умумий уйқу артерияси қисман латерал қолатда кекирдак ва қизилұнғач бүйлаб юқорига күтарилади. Атрофга томирлар чиқармайды. Фақат ҳиқилдоқнинг қалқонсимон тоғайи ва тил ости саяги қарши-сида ташқи ва ички уйқу артериясига бұлинади.

Ташқи умумий уйқу артерияси (*a. carotis externa*) бүйин бүйлаб юқорига күтарилади. Жағ ости чуқурчаси томон йұналиб, қулоқ ости безига кириб бориб тармоқланади. Унинг тармоқлари қалқонсимон без, ҳиқилдоқ, тил, танглай ва танглай бодомча безларини, тил ости сұлак безини, түш үмров сүрғичсимон мускулини, әнса мускулларини, қулоқ супраси, мимика ва чайнов мускулларни, юқориги ва пастки жағ тишиларини, бурун бүшлиғи ва қулоқларни артерия томирлари билан таъминлайды. Үзидан бир нечта томирларни чиқаради.

1. Қалқонсимон безнинг устки артерияси (*a. tyroidea superior*) қалқонсимон безни юқорига томонға тармоқлаб, артерия қони билан таъминлайды. Бу артерия бездан ташқари кекирдак, тил ости саяги түш үмров сүрғичсимон мускулига ҳам үз тармоқла-рини беради.

2. Тил артерияси (*a. lingualis*) тил ва унинг атрофида жойлаш-ған танглай-бодом безини, кекирдак қопқоғини, тил ости сұлак безини ҳам қон билан таъминлайды.

3. Юз артерияси (*a. facialis*) күзнинг медиал бурчагига үтиб қүйидаги атзоларға тармоқланади ва юмшоқ танглай, танлай бұлма-чалари, жағ ости сұлак бези, ияқ ости қисмини ҳамда унинг тери-си ва мускуллари, шу билан бирға бу артерия тармоқлари юқори ва пастки лабларини қон билан таъминлаб, сұнг юқори ва пастки тармоқлари бир-бири билан туташиб, оғиз бүшлиғи атрофидаги артерия ҳалқасини ҳосил қилишда иштирок этади. Унинг бошқа тармоқлари юз мускуллари ва унинг терисига ҳам үтади.

4. Ҳалқумни юқорига күтарувчи артерияси (*a. pharyngea ascendens*) ҳалқум девори бүйлаб күтарилиб, асосан уни қон билан таъминлайды.

5. Түш-үмров-сүрғичсимон мускул артерияси (*a. sternocloidomastoidea*) асосан шу мускул ичига тарқалиб, уни қон билан таъмин-лайды.

6. Энса артерияси (*a. occipitalis*) уйқу артерияси ташқи тармоғининг орқа юзасидан чиқиб, юқорига йұналади ва энса атрофи-даги мускуллар ва терисини таъминлайды ҳамда унинг охирги тар-моғи бош тепа қисми териси остида тармоқланади.

7. Қулоқнинг орқа артерияси (*a. auricularis posterior*) тармоқла-ри қулоқ супраси, энса, ўрга қулоқ бүшлиғи ва сүрғичсимон үсик ичларига тарқалади ва шу қисмларни қон билан таъминлайды.

8. Жағ артерияси (*a. maxillaris*) ташқи уйқу артериясинин охирги

тармоғи бўлиб, ўзидаи бир нечта тармоқларни чиқаради. Йирик тармоқлардан бўлған мия қаттиқ пардасининг ўрта артерияси (*a. temporalis media*) калла шу номли пардасини қон билан таъминлайди. Бундан ташқари ташқи қулоқ тешиги ва ногора пардага, юқориги ва пастки жағ тишларига, лунж мускуллари ҳамда чайнов мускулларига, унинг терисига тармоқларини беради. Шу билан бирга ўзидаи кўз косачасининг пастки артериясини (*a. infra orbitalis*) чиқарип, кўзнинг пастки мускулларини, пастки қовоқ ва кўз ёш безини ҳам қон билан таъминлайди. Булардан ташқари жағ артерияси танглай бодомчаларига, қаттиқ ва юмшоқ танглайга милк, бурун бўшлифи ва унинг атрофидаги бўшлиқларга ўз тармоғини беради.

9. Чакканинг юза артерияси (*a. temporalis superficialis*) уйқу артериясининг ташқи тармоғининг охиргиси бўлиб, йўналиши жиҳатдан унинг давоми ҳисобланади. Ўз тармоқларини пешона, тепа, чакка териларига, ташқи қулоқ тешигига, қулоқ супрасига, қулоқ ости сўлак безига беради.

Ички умумий уйқу артерияси (*a. corotis interna*) атрофга тармоқлар бермасдан калла асосий қисми томон йўналади, уйқу тешиги орқали уйқу каналига ўтади ва калла бўшлиғига киради. У ерда бош мия ва кўзларни озиқлантирувчи тармоғини беради. Ички умумий уйқу артерияси ўзидаи бир нечта тармоқларни чиқаради.

1. Кўз косасининг артерияси (*a. ophthalmica*) кўрув канали орқали кўз косачасигача бориб, кўз ва унинг мускулларига, кўз ёши бези ва қовоқларни ҳамда бурун ички шиллиқ қаватига, пешона юзасига ҳамда галвирсимон суюкка ўз тармоғини беради.

2. Миянинг олдинги артерияси (*a. cerebri anterior*) бошқа артерияларга нисбатан кичик бўлиб, медиал ҳолатда олдинга қараб бўйлама жойлашган. Мия эгати бошланғич қисми томонга қараб йўналади. Мия ярим шари ички қисмига кириб тармоқланади. Қарама-қарши келувчи шу номли артерия билан анастомоз ҳосил қиласди. Мия ярим шари медиал қисмини ва энса бўлагини таъминлайди.

3. Миянинг ўрта артерияси (*a. cerebri media*) йирик артерия бўлиб, мия ён эгати бўйлаб миянинг пешона, чакка паллаларига ва тепа бўлагига ўз тармоқларини беради.

4. Орқадаги бирлаштирувчи артерия (*a. copitispicans*) кичик тармоқ бўлиб, миянинг орқа артерияси билан анастомоз ҳосил қиласди.

Ўмров ости артерияси (*a. subclavia*) ўнг ва чап ўмров артерияларидан ташкил топган бўлиб, ўнг томондагиси аортадан чиқкан елка бош тармоғи артериясининг тармоқланишидан ҳосил бўлса, чап томондагиси бевосита якка ўзи аортадан чиқади. Бу иккала артерия ўнг ва чап томондан олдинга қараб йўналиб, кўкрак юқориги тешигидан бўйинга чиқади, плевра гумбазини биринчи қонурға устидан айланиб ўтиб нарвонсимон мускуллар орасига киради. Сўнг қўлтиқ ости чуқурчасига ўтади.

Ўмров ости артерияси ўзидаи бир нечта артерия тармоқларини чиқаради. Буларга асосан: 1) умуртқа артерияси, 2) кўкракнинг ички артерияси, 3) қалқонсимон без ва бўйинни таъмин-

ловчи тармоқ, 4) күкрак усти артерияси, 5) бүйиннинг кўндаланг артериялари киради.

1. Умуртқа артерияси (*a. vertebralis*) ўмров ости артериясининг йирик тармоқларидан булиб, VI-VII бўйин умуртқаларининг қаршисидан бошланиб, умуртқалар кўндаланг тешиги орқали юқорига кутарилади. Калла суяги бўшлиғига ўтиб, II умуртқа артерияси билан кўшилишиб, йирик асосий артерияни (*a. basilaris*) ташкил қилади. Умуртқа артериялари бир-бири билан кўшилиб, асосий артерияни ҳосил қилгунича тармоқланиб, чиққан жойидан бошлаб атрофга бир нечта майда тармоқларни беради. Бу тармоқлар умуртқа орасидан чиқиб, орқа мия, бўйиннинг чукур мускуллари ва орқа мияга тармоқланади, охирги умуртқа порона каналига йўналади.

Асосий артерия (*a. basilaris*) йирик мия томиридан булиб, ундан миячанинг юқориги ва пастки артериялари чиқади. Унинг охирги тармоқлари мия ярим шарларининг чакка ва энса паллаларига тармоқланади. Асосий артерия томирлари бошқа томирлар билан биргаликда миянинг асосида жойлашган артерия доирасини ташкил қилишда бевосита иштирок этади. Бу доирани ташкил қилишда асосан 2 та уйқу артерияси ва 2 та умуртқа артериялари иштирок этади.

2. Кўкракнинг ички артерияси (*a. thoracica interna*) ўмров ости артерияси пастки томонидан чиқиб, тўш суягидан 1-1,5 см. ташқари бўйлаб паст томонга тушади ва VII-VIII қовурғалар соҳасида иккита йирик томирга бўлинади: 1) мускул-диафрагма артерияси (*a. musculophrenica*); 2) қорин устининг юқориги артерияси (*a. epigastrica superior*). Бу артерия ўз тармоқлари билан диафрагманинг қорин мускулларини ва қовурғалараро мускулларини қон билан таъминлайди. Қорин усти артерияси қорин бўйлаб атрофдаги қорин тўғри мускулига тармоқланади. Ҳамда қовурғалараро артериялар билан анастомоз ҳосил қилади. Киндик соҳасида ўз тармоқлари билан қорин усти пастки артерияси (*a. epigastrica*) билан тулашади. Шундай қилиб, қориннинг юқориги ва пастки қисмлари артериялари бир-бири билан тулашиб, йирик айланма қон томонлар тизимини ҳосил қилади.

1) Қалқонсимон бўйин тармоғи (*truncus tgyteocervicalis*) ўмров ости артерияси билан чиқиб, оддинги нарвонсимон мускули латерал четидан юқорига қараб кутарилади. Бошқа томирларга нисбатан йўғон, лекин бўйига калта бўлади. Узунлиги тахминан 4 см. га тент. Ундан чиқадиган қалқонсимон безнинг пастки артерияси (*a. tpyreoidea inferior*) қизилўнгач ва кекирдак бўйлаб безнинг орқа томонига ўтади. Қалқонсимон бездан ташқари қизилўнгач, кекирдак, ҳалқум, қалқонсимон ён безига ўз тармоқларини беради. Охири бориб қалқонсимон безнинг юқори артерияси билан анастомоз ҳосил қилади. Қалқонсимон бўйин артериясидан ажралиб чиқкан, юқорига кутарилувчи артерия, атрофдаги чукур мускулларга тарқалади, уларни қон билан таъминлайди. Курак усти артерияси эса куракнинг орқа қисмидаги мускулларга тармоқланади.

2) Курак усти артерияси (*a. suprascapularis*) қалқонсимон бўйин

артериясидан пастдан латерал бўйлаб кўкрак ўйиги томонга йўналади ва курак дорзal қисмiga жойлашган мускулларга тармоқлади. Куракни айланиб ўтувчи артерия (*a.circumflexa scapulae*) билан анастомозлашади.

3) Бўйиннинг кўндаланг артерияси (*a.transversa colli*) тармоқлари куракни юқорига кўтаришувчи трапециясимон мускулларига ўз тармоқларини бериб, уларни қон билан таъминлайди. Сўнг куракни медиал чети бўйлаб унинг пастки бурчагигача боради.

Қўлтиқ артерияси (*a.axillaris*) бевосита ўмров ости артериясинг давоми бўлиб, сўнг елка артерияси номи билан кетади. Қўлтиқ чуқурчасида жойлашади. Паст томонга йўналиб, катта кўкрак мускули ва сербар мускул пастки чеккасида елка артериясига туташади. Қўлтиқ чуқурчасида қўл камари мускулларини ва терисини кўкрак ва елка қисмларининг мускулларини озиқлантиради. Қўлтиқ артериясидан қўйидаги артериялар чиқади.

1. Кўкрак қафаси ва кўкрак ўсиғи артерияси (*a.thoracoacromialis*) бошқаларига нисбатан калта бўлиб, елка бўғими, катта ва кичик кўкрак мускулларини, дельтасимон мускулни озиқлантириша иштирок этади.

2. Кўкрак қафасининг ён артерияси (*a.thoracica lateralis*) кўкрак қафасининг ён девори бўйлаб пастга тушиб, тишсимон мускулга, сўнг безларига ва атрофидаги мускулларига тармоқланади.

3. Курак ости артерияси (*a.subscapularis*) қўлтиқ артериясидан тарқаладиган артерияларнинг ичида энг йириги бўлиб, курак ости мускули пастки қисмiga яқин жойдан бошланади. Унга ўз тармоғини бериб, сўнг бошқа тармоқлари билан катта, кичик ва думалоқ мускулларни ҳамда курак қирраси остидаги мускулларни озиқлантиради.

4. Елка суягини ўровчи орқа артерияси (*a. circumflexa humeri posterior*) елка суягини айланиб орқасига ўтади. Тўрт қиррали тешик орқали елка суяги хирургик бўйиннинг орқасидан дельтасимон мускулда тармоқланади.

5. Елка суягини ўровчи оддинги артерияси (*a. circumflexa humeri anterior*) оддингиси ёнидан чиқади, елка суяги хирургик бўйиннинг оддинги томонидан айланиб ўтиб, шу номли орқа артерия билан анастомоз ҳосил қиласди. Елка бўғими ва унинг атрофидаги мускулларга тармоқланади.

Елка артерияси

Елка артерияси (*a. brachialis*) (64-расм) қўлтиқ ости артериясинг давоми ҳисобланади. Елка бўйлаб пастга йўналади ва билак суягининг бўйин қисми қаршисида тирсак чуқурчасида билак ва тирсак артерияларига ажralади. Елка артерияси бўйлаб ёнма-ён елканинг иккита венаси елка нервлари йўналади. Бу артерия бошидан охиригача ўзидан бир нечта тармоқлар чиқаради.


Елканинг чуқур артерияси (*a. profunda brachi*) уч бошли мускулни қоп билан таъминлайди, сўнг елканинг оддинги гуруҳ, мус-

кулларидан түмшүк симон, елка ва икки бошли мускулларга тармоқланади. Тармоғи тирсак бүгенингача боради.

Билак артерияси (*a. radialis*) билак венаси ва нерви билан ёнмаён йұналади. Елка артериясининг давоми ҳисобланади. Пастта тушиши билан билак мускуллари орасидан аста юзага чиқиб бора-ди, билак пастки қисмида юза жойлашган бўлиб, унинг пульсаци-ясини аниқласа бўладиган даражада ётади. Билак артерияси ўйналишида атрофига бир нечта тармоқларини чиқаради.

Билакнинг қайтувчи артерияси (*a. recutens radialis*) билак арте-риясининг бошланиш қисмидан чиқиб юқори томонга йұналади ва елка чуқури жойлашган артерия тармоқлари билан анастомозла-шади. Атрофида мускулларни қон билан таъминлайди. Билак ар-терияси бундан ташқари, ўзининг бошқа тармоқлари билан билак ташки қисмида жойлашган мускулларни ва терисини қон билан таъминлайди. Шу билан бир-га тирсак артериясининг учи билан туташиб, кафтнинг юза равоини ҳосил қиласы, кафтнинг дорзал юзасидаги ар-терия түрини ҳосил қилин-да ҳам иштирок этади. Булардан ташқари, биринчи ва кўрсаткич бармоқларини қон билан таъминлаб, сўнг улар-нинг латерал томонларига та-рқалади.

Тирсак артерияси (*a. ulnaris*) иккита елка артерия-ларининг ичиде охирги ва энг-йириги ҳисобланади. Билак-ни ичкарига букувчи (прона-тор) думалоқ мускул бўйлаб пастга йұналади ва билак ўртасида тирсак ариқласига утади, нўхатсимон суюк одди-да кафтканали орқали кафт-га туташиб, панижани букув-чи тирсак мускуллари орасига киради. Кафтнинг иккита юза ва ичкари ёйини ҳосил қилинда иштирок этади. Ар-терия тармоқларининг анаст-омозидан ҳосил бўлган ёй-ларидан кафт суюкларидан ва бармоқларидан артериялар тармоқлариб, уларни қон билан таъминлайди. Чуқур



64-расм. Елка ва билак артериялари.

1 - ўмров ости артерияси; 2 - елка-бош сиво-ли (почаси); 3 - кўкрак қифасиншиг ички ар-терияси; 4 - кўкрак қифасиншиг латерал ар-терияси; 5 - тирсак артерияси; 6 - билак ар-терияси; 7 - елка артерияси; 8 - кўлтиқ ар-терияси.

жойлашган ёйдан кафт сүякларига (*a. palmares*) тарқалса, юза жойлашган ёйдан 2- ва 5-тармоқларни таъминлайдиган (*aa. digitales palmares communes*) артериялари чиқади.

Кафгнинг орқа артерияларидан (*aa. metacarpi dorsales*) бармоқларнинг орқа томонига тармоқланади. Ҳар бир бармоқни орқадаги иккита ва кафт томонидаги артерия, жами бўлиб, 4 тадан артерия томири тарқалиб, уларни қон билан таъминлайди. Бармоқларга тарқалган артериялар ўз йўналишлари бўйлаб, бармоқнинг ҳар томонига тармоқланиб, қон билан таъминлайди.

Пастга тушувчи аорта тармоқлари

Пастта тушувчи аорта (*aorte descendens*) аорта ёйининг пастта бурилган жойидан бошланиб, то умумий ёнбош артерияларига бўлинадиган қисмигача айтилади. Юқоридан бошланиши 4-кукрак умуртқа поғона қаршисига тўғри келади. Бу ерда кукрак аортасини ташкил этади, сунг кукракнинг 12-умуртқаси соҳасида диафрагмадан ўтиб, қорин аортаси номи билан пастта йўналиб, белнинг 4-умуртқаси қаршисида ўнг ва чап йирик артерияларга бўлинади.

Кукрак аортасининг тармоқлари

Аортанинг кукракда жойлашган қисми кукрак бўшлифида жойлашган аъзоларни (висцерал) ва кукрак бўшлиги деворини (паритетал) таъминлайдиган артерия тармоқларини беради. Буларга қуидагилар киради:

1. Бронхлар тармоғи (*rami bronchialis*) ингичка тармоқлар бўлиб, ўнг ва чап ўпка дарвозаси орқали ўпкаларга кириб, унинг бронх тогайларига, ўпка ва унинг альвеолаларига тарқалади. Булардан ташқари бронх артериялари, плевра, перикард ва қизилўнгачга ҳам майдагина тармоқлар беради.

2. Қизилўнгач тармоқлари (*rami oesophagi*) аортанинг 4-кукрак умуртқаси қаршисидан бошланиб, 8-умуртқасигача бўлган қисмидан турли масофаларда майдагина томирларга ажралиб чиқиб, қизилўнгач турли қисмларига тарқалади ва уни қон билан таъминлайди.

3. Юрек олди халтасининг тармоқлари (*rami pericardiaci*) перикард орқасига ўтиб, перикард ва лимфа тизимига тарқалади.

4. Кукрак оралиги тармоқлари майдагина артерия қон томирлари бўлиб, кукрак оралигидаги лимфа тутунларига, йирик томирлар деворига ва перикардга тармоқланиб, уларнинг айримлари диафрагмага ҳам бориб, уни ҳам қон билан таъминлайди.

Кукрак қафаси деворига тарқалувчи (паритетал) артерияларга қовурғалар оралигининг орқа артериялари (*aa. intercostales posteriores*) киради. Улар ўн жуфт бўлиб, асосан 3-11-қовурғалар оралиги бўйлаб тармоқланади. Колган 1-2-қовурғалар оралиги юқорида айтиб ўтилганидек, ўмров ости артерия тармоқлари ўз шохчаларини беради. Қовурғаларро артериялар орқа мияни, орқанинг ички мускуларини ва терисини, кукракнинг олдинги мускуллари ва суг безларини, диафрагма ва ундан ўтиб қорин мус-

Кулларини ҳам қон билан таъминлайди. Кўкрак қафаси ички дигар афрагманинг юқоридаги артериялари ўзаро туташиб, артерия дигарларини ташкил қиласди.

Қорин аортасининг тармоқлари

Қорин аортаси (*aorta abdominalis*) кўкрак аортасининг давоми бўлиб, диафрагмадан ўтиб, ўзидан бир нечта жуфт ва тоқ артерия тармоқларини чиқаради. Уларнинг бир қисми қорин деворига тармоқланса, бошқа гурӯҳи қорин бўшлиғидаги аъзоларга тармоқланади.

Ички аъзоларга тарқалувчи томирларга асосан учта тоқ артериялар киради: 1) қорин тармоғи, 2) ичак тутқичининг устки артериялари, 3) ичак тутқичининг пастки артериялари. Жуфт тармоқларга: 1) буйрак усти безининг ўрта артерияси, 2) буйрак артерияси, 3) мояк артерияси (аёлларда тухумдан артерияси) киради. Ички аъзоларга тарқаладиган томирларга 1) диафрагманинг пастки артерияси, 2) бел артерияси, 3) думгизанинг ўрта артерияси киради.

Тоқ тармоқларга қуийдагилар киради.

I. Қорин тармоғи (*Gipscus coeliacus*) йўғон бўлиб, узунлиги 2 см. атрофида, аортанинг олдинги деворидан чиқади ва 3-та тармоқда бўлинади: 1) умумий жигар артерияси, 2) талоқ артерияси, 3) меъданинг чап артерияси.

1. **Умумий жигар артерияси** (*a. hepatica communis*) ўн икки бармоқли ичак олдида иккига, яъни жигарнинг хусусий артериясига ва меъдага, ўн икки бармоқли ичак артериясига бўлинади. Жигар хусусий артерияси жигар дарвозаси томон йўналиб, ўзидан қуийдаги тармоқларни чиқаради: а) меъданинг ўнг артерияси, меъда чап томонига ўтиб, меъда чап артерияси билан анастомозлашади, б) жигарнинг ўнг ва чап бўлак артерия шохлари жигар ўнг ва чап бўлакларига боради. Меъда, ўн икки бармоқли ичак артерияси меъда, катта чарви, меъда ости бези ва ўн икки бармоқли ичакка тармоқланиб, қаршисидаги томирлар билан туташади.

2. **Талоқ артерияси** (*a. lienalis*) меъда ости юқори томони бўйлаб дум қисмида талоқ, ичига кириб тармоқланади. Талоқ артерияси талоқ дарвозасига кириш олдидан меъда ва чарвига тармоқлар беради.

3. **Меъданинг чап артерияси** қизилўнгачнинг қорин бўшлиғи қисмига келиб тармоқланади ҳамда қизилўнгач ва меъданни қон билан таъминлайди.

II. **Ичак тутқичининг устки артерияси** (*a. mesenterica superior*) қорин артериясининг I бел умуртқаси қаршисидан чиқади, меъда ости бези ва ўниккибармоқли ичак орасидан ўтиб, ингичка ичак тутқичига ўтади ва кўр ичак бўйлаб пастга йўналади. Унинг тармоқлари ингичка ичакнинг ҳамма қисмига кўр ичак ва йўғон ичакнинг юқорига кўтариувчи қисмларига тарқалади. Ўзидан бир нечта (12-15 тагача) артерия тармоқлари ва ичак артериялари (*aa. intertinales*) чиқариб, улар ичак деворлари томон йўналади ва ичак тутқичида ўзаро бирлашади. Чамбар ичакнинг ўрта артерияси (*a. colica media*) йўғон ичак кундаланг қисмида тарқалади ва шу номи-

ли пастки артериялар билан анастомозлашади.

III. Ичак тутқичининг пастки артерияси (*a. mesenterica inferior*) қорин артериясидан 3-бел умуртқасининг пастки қиррасидан, аортанинг иккига бўлинадиган жойидан бир умуртқа юқори қисмидан чиқиб йўналади ва чап бел мускули устида жойлашади. Ўз тармоқлари билан йўғон ичакнинг қолган қисмларига тарқалади ва уларни қон билан таъминлайди. Буларга чамбар ичакнинг чап артерияси, сигмасимон йўғон ичак артерияси ва тўғри ичакнинг юқори артериялари киради.

Қорин аортасининг девор олди тармоқларида диафрагманинг пастки артерияси диафрагма тешиги соҳасидан чиқиб, диафрагма ва қизил-үнгачни қон билан таъминлайди, сунг буйрак усти безигача боради.

Думғазанинг ўрта артерияси қорин аортасининг давоми бўлиб, чаноқ бўшлиғига ўтади, думғазага унинг ён мускулларига ва тўғри ичак орқа деворига тармоқланади.

Умумий ёнбош артерияси

Қорин аортаси белнинг 4-бел умуртқаси қаршисида ўнг ва чап умумий ёнбош артерияларига (*a. iliaca communis*) бўлинади. Узунлиги 5-6 см. га teng. Думғаза билан ёнбош бўгими қаршисида улар ички ва ташқи ёнбош артерияларига ажralади (65-расм).

Ички ёнбош артерияси (*a. iliaca interna*) кичик чаноқ бўшлиғига ўтиб, қўймич тешиги юқориги қисмигача боради ва катта қўймич тешигиги юқориги четида аъзоларга борувчи (висцерал) ва девор олди (олдинги ва орқа) иккита тармоққа ажralади. Орқа тармоги кичик чаноқ бўшлиғи деворини, ёнбош бел мускулини, думба мускуллари ни ва чаноқ сон бўгимини қон билан таъминласа, олдинги тармоги асосан кичик чаноқ бўшлиғига жойлашган аъзоларни таъминлайди. Буларга сийдик пуфаги, тўғри ичак пастки қисми, простата бези, аёлларда эса қинни, бачадон ва унинг найларини ҳамда аортадан чикувчи уруғдон артерияси билан анастомозлашади. Ички ёнбош артериясининг орқа тармогига (шохига) қўйидагилар киради.

1. Ёнбош-бел артерияси (*a. ileolumbalis*), ёнбош суяги, бел-ёнбош мускуллари ва белнинг квадрат мускулига тармоқланади.

2. Думғазанинг ён артериялари (*aa. sacrales laterales*), кичик чаноқ орқа ён деворига жойлашади. Думғаза нерв чигалига тарқалади, думғаза каналидан унинг тешиклари орқали ташқарига чиқиб тармоқланади.

3. Ёпқич артерияси (*a. abd. ratoria*), соннинг ёпқич парда канали орқали сон ички томонига чиқиб тармоқланади. Бу тармоқлар чаноқ тешигини ёпувчи парданинг ички ва ташқи мускуларини, соннинг квадрат мускули ва тос-сон бўгимини қон билан таъминлайди.

4. Думба устки артерияси (*a. glutea superior*), кичик чаноқ бўшлиғига қўймич суягининг катта тешиги орқали ташқарисига чиқиб борган тармоқлари, думба мускулларини қон билан таъминлайди.

5. Думба пастки артерияси (*a. glutea inferior*) ҳам қўймич суягининг катта тешигидан чиқиб думба мускулларига, қўймич нервига тармоқланади.

Ички ёнбош артериясининг олдинги, ички тармоғидан тармокланувчи артериялар.

1. Киндик артерияси (*a. umbilicalis*) организм эмбрионал ривож-ланиш даврида йўлдошга бориб тарқалган бўлади. Бола туғилгандан сўнг, биритириувчи тўқимадан ташкил топган бойламчага айланади. Фақат бошланғич қисми сақланиб қолиб сийдик пуфагини юқори қисмига тармоқланади ва бошқа артериялар билан анастомозлашади.


2. Қовуқнинг пастки артерияси (*a. vesicalis inferior*) қовуқ туби ва чиқарув каналчасини қон билан таъминлайди ва қовуқнинг юқориги артерияси билан анастомоз ҳосил қиласди.

3. Уруғ йўли артерияси (*a. ductus deferentis*) уруғ йўлини қон билан таъминлайди.

4. Бачадон артерияси (*a. uterina*) фақат аёларда учрайди, бачадон ва унинг наиларини қон билан таъминлайди.

5. Ташки жинсий аъзоларнинг ички артерияси (*a. pudenda interna*) қўймич катта тешиги орқали чаноқ бўшлиғидан ташқарига чиқиб, тўғри ичакнинг пастки қисми (*a. rectalis inferior*) га, чот оралиғида жойлашган мускулларга ва терисига тармоқланади. Эркакларда ёрғоқ безига, аёлларда эса қиннинг катта лабларига ҳам тармоқлар чиқарди. Охирги тармоғи эркаклар олатига (*a. penis*), аёллар клиторига (*a. clitoridis*) тармоқланади.

Ташки ёнбош артерияси (*a. iliaca externa*) умумий ёнбош артериясининг иккинчи тармоғининг давоми бўлиб, оёқларга қон олиб борувчи асосий артерия ҳисобланади. У пупорат бойлами орқа томонидан сонга ўгади ва сон артерияси номи билан пастга йўналади. Ўзидан бир нечта тармоқлар чиқариб, қорин тўғри мускулига, симфизга, ёнбош мускулига ва қорин олдинги деворининг пастки бўлимларига тармоқлар беради.



65-расм. Чаноқ, сон ва болдириларига тармоқланувчи артериялари.

1 - қорин аортаси; 2 - ёнбошнинг умумий артерияси; 3 - думбапининг ўртия артерияси; 4 - соннинг чуқур артерияси; 5 - сон артерияси; 6 - кичик болдириларига тармоқланувчи артерияси; 7 - катта болдириларига тармоқланувчи артерияси; 8 - катта болдириларига тармоқланувчи артерияси; 9 - думбапининг пастки артерияси; 10 - думбапининг устичи артерияси.

1. Соң артерияси (*a. femoris*) ташқи ёнбоп артериясینинг бевосита давоми бўлиб ҳисобланади, соң учбуручагида жойлашиади. Унинг ташқарироғида соң нерви жойлашса, ичкарироғидан соң венаси ўтади. Пастроқда тушиб соң билан тизза ости ўртасидаги канал орқали пастдаги тешикдан тизза ости чуқурлигига ўтади. Соң артерияси соң суюгини, соң мускулларини ва терисини, қорин олдинги девори тешигини, ташқи жинсий аъзоларни ва чаноқ-соң бўғимини қон билан таъминлайди.

2. Соннинг чуқур артерияси (*a. profunda femoris*) соң артерия тармоқлари ичида энг йириги бўлиб, соң мускуллари орасига тармоқланади. Уларнинг ичидаги сонни ўраб турувчи ички ва ташқи артериялари (*aa. circumflexae medialis*) майдада томирларга тармоқланиб, соннинг деярли ҳамма мускулларини қон билан таъминлайди. Булардан ташқари жинсий аъзоларга, ёрғоққа, унинг терисига, катта уятли лабларга тармоқлар беради.

3. Тақим артерияси (*a. poplitea*) тақим ости чуқурчасида жойлашади, у билан шу номли вена ва катта болдир нерви ўтади. Тақим артерияси ўзидан бир нечта шохчаларни чиқаради. Улар тизза бўғимининг атрофидаги соң мускуллари ва болдир мускулларини қон билан таъминлайди. Тизза қопқоғи соҳасида артерия тўрини ташкил этади.

4. Олдинги катта болдир артерияси (*a. tibialis anterior*) тақим ости артериясидан ажралиб чиқиб, катта ва кичик болдир суяклири орасидаги парда устидан болдир олдига ўтади. Ўзидан тармоқлар чиқариб тизза бўғими, болдирнинг олдинги қисмида жойлашган мускулларни ва терисини қон билан таъминлайди. Шу соҳада артерия тўрини ҳосил қилинча иштирок этади.

5. Орқа катта болдир артерияси (*a. tibialis posterior*) тақим артериясининг давоми бўлиб, пастта ички тўпикгача йўналади ва кафтга ўтиб, кафт соҳасида медиал ва латерал тармоқларга ажралади. Ўз йўлида болдирнинг орқасидаги ва уни ўраб турган мускулларга тармоқланиб, қон билан таъминлайди. Уларнинг давоми оёқ кафт мускулларининг ҳаммасини ва терисини ҳам таъминлайди. Шу билан бирга шу соҳада артерия ёйи ҳосил қилиб, улардан артерия томири тармоқланади.

6. Оёқ панжаси артериялари болдир артерияларининг давоми ҳисобланади. Оёқ панжасининг орқа артерияси (*a. dorsalis pedis*) 1-2 жуфт суяклари оралиғигача бориб, иккига шохланади. Булар гармоқлар оралиғига тармоқланади. Ёйсимон артерия оёқ кафт артериялари билан қўшилиб, артерия ёйини ҳосил қиласи. Булардан 2-5-бармоқ ораларига тармоқлар киради.

ВЕНА ТИЗИМИ

Вена томирлари юракка қон олиб келувчи томирлар бўлиб, улар артерия томирларидан ўз функцияси ва деворининг морфологик гузилиши билан фарқланади. Вена томирлари микропиркуляция

ни таъминловчи томирларни йиғувчи венулаларидан бошланади, яъни йиғувчи венулалар микроциркуляцияда ишгирок этувчи томирларнинг охирги звеноси ҳисобланади. Венулалардан оддинги посткапилляр томирлар диаметри 8-30 мкм бўлса, йиғувчи венулаларининг диаметри кентроқ, яъни 30-150 мкм га тенг бўлади. Деворларида алоҳида-алоҳида жойлашган силлиқ мускул ҳужайра гурухлари кузатилади.

Венулалар қон билан атрофидаги тўқима суюқлиги ўргасидаги гемолимфатик мувозанатни бошқаришида ишгирок этади. Тўқималарда модда алмашинуви натижасида ҳосил бўлган чиқинди моддаларни қабул қилиб, олиб кетади. Вена томирлари тузилиши жиҳатидан артерия томирларидан фарқи мускул қавати унча ривожланмаган бўлади. Ички интима қаватидан томирлар бўшлигига ўсиб чиқкан чўнгтаксимон клапанларга эга. Улар вена қонини орқа томонга оқиб кетмаслигини таъминлаб туради. Бундай клапанлар айниқса организм пастки қисмидан кўтариувчи оёқ ва қўл веналари деворларида кўплаб учрайди. Вена томирларининг номи одатда ёнидан ўтган (йўлдош) артерия номи билан аталади. Масалан: сон артерияси ёнидан ўтган вена сон венаси номи билан аталади.

Юқоридаги ковак вена тизими

Юқориги ковак венаси (*vena cava superior*) (йўғонлиги 2,5 см., узунлиги 6-8 см.) юқорига кўтариувчи аортанинг ўнг томонидан пастроқда жойлашади. Катта қон айланиш тизимининг бир қисмини ташкил этади. Юқориги ковак вена асосан иккита: ўнг ва чап елка бош веналарининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Ковак оралигининг оддинги бўлагида жойлашади. Юқориги ковак вена деворида аортага ўхшаб клапанлар бўлмайди. Асосан организм юқори қисмидан, яъни бош, бўйин, қўллардан ва кўкрак қафасидан вена қонини йиғиб, юракнинг ўнг бўлмачасига очилади. Юракка яқинлашганида унга йирик тоқ вена қуйилади.

Тоқ вена (*v. azygos*) қорин бўшлиғи девори йигиндисидан ҳосил бўлиб, диафрагмадан кўкрак бўшлиғига ўтади, қизилўнгач орқа томонидан юқорига кўтарилиб, ўнг томонидаги қовурғалараро веналарни ҳамда ярим тоқ венани қабул қиласди.

Ярим тоқ вена (*v. hemiazygos*) тоқ венага нисбатан ингичка бўлиб, қорин бўшлиғининг чап девори веналардан ҳосил бўлади, аорта-нинг чап томонидан ўтади, ўнг томонидаги қовурғалараро веналарни йигади, тоқ венага қуйилади.

Елка бош веналари (*vv. brachiocephalicae dextra et sinistra*) бир жуфт бўлиб, учта йирик вена қон томирлари, яъни ўмров ости ва иккита буйинтуруқ веналарининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Елка-бош вена йўлдош ўмров ости артерия веналаридан шу билан бирга қалқонсимон бези ва айрисимон бези, ҳиқилдоқ ва трахея, қизилўнгач, умуртқалар чилвиридан, бўйин ва бош чуқур веналаридан, юқориги қовурғалараро мускуллар ва сут безлари йигиндисидан ҳосил бўлади.

Ички бүйинтуруқ венаси (*v. jugularis interna*) бүйиндаги йирик веналар қаторига киради. Бош мия бұшыннан бүйинтуруқ тешіги орқали ташқарға чықади. Бүйин қисмидә уйқу артерияси ва адашув нерв билан бирга умумий пардага үралған ҳолда бұлади. Ички бүйинтуруқ венасига үнг ва чан томондан ҳам үмров ости артериялари келиб қуйилади. Булардан ташқары, юзнинг умумий венаси, ҳалқум, тил ва қалқонсимон без веналари ҳамда ташқи бүйинтуруқ венаси ҳам құшилади.

Ташқи бүйинтуруқ венаси (*v. jugularis externa*) пастки жағ бурчаги қаршисында ҳосил бұлиб, түш-үмров сүрғылымын мускул усти бүйлаб деярли тик ҳолда пастта йұналади. Бүйиннинг юза, күкрак-нинг күндаланг, бүйинтуруқтың олдинги веналаридан веноз қон қабул қилиб, үмров ости венасига ёки ички бүйинтуруқ вена билан үмров ости венасидан ҳосил бұлған вена бурчагига келиб қуйилади.

Олдинги бүйинтуруқ венаси (*v. jugularis anterior*) энгак ости соңасидан бошланиб, бүйин үрта назизи бүйлаб пастта йұналади. Үнг ва чап томондаги веналар құшилиб, вена равогини (*arcus venosus Iuguloi*) ҳосил қилади ва ташқи бүйинтуруқ венасига құшилади.

Үмров ости венаси (*v. subclavia*) құлтиқ венасининг давоми ҳисобланиб, организм юқори қисмидан, яъни құллардан келаёттан вена қонини йұналтириб берувчи вазифасини бажаради. Бошқа тармоқтарға эга эмас.

Құл веналари

Деярли ҳамма бармоқтардан йигилувчи вена қони панжа ташқи томонида үйилади. Улардан юза жойлашғанлари чүкүр жойлашғанларига нисбатан яхши ривожланған. Құлнинг юза, яъни тери ости веналари асосан иккита, яъни бош ва асосий венадан ташкил топған.

Бош вена (*v. serhalica*) құл панжасининг орқа томонида тери остида жойлашған майда веналар түрідан бошланади. Тирсак букилишигача күтарилади, сұнг билак ва елканинг латерал томонидан юқорига күтарилиб, юза веналарини қабул қилади ва құлтиқ ости венасига қуйилади.

Асосий вена (*v. basilica*) ҳам чүкүр кафт равогидан ва бармоқтар дөрзел орқа вена чигалидан бошланади. Билакнинг олдинги юзасидан тирсак букилишигача юқорига күтарилиб, у ерда тирсакнинг үрта венаси ёрдамида тери ости венаси билан үзаро туташади. Тирсакнинг үрта венаси тибиёт амалиётида организмдан қон олища ва дорилар юборища фойдаланилади.

Құл, панжа, билак ва елканинг чүкүр веналари одатда жуфт бўлиб, артериялар билан ёнма-ён жойлашади ва шу артериялар номи билан аталади. Масалан, билак венаси, тирсак венаси, құлтиқ венаси, үмров ости венаси.

Пастки ковак венаси

Пастки ковак венаси (*v. cava superior*) танаңдаги энг йүғон вена томири бўлиб, қорин бушлигидан, аортанинг үнг томонида жойла-

шади. Белнинг 4-5-умуртқалари қаршисида иккита ёнбош вена-ларнинг қушилишидан ҳосил бўлади. Юқорига кўтарилиши билан атрофидаги жигар веналари, бел, (эркакларда) мояк, аёлларда (тухумдан) венасини, буйрак ва буйрак усти бези ва диафрагма пастки веналарини қабул қилиб, кўкрак қафасига ўтади ва юрак ўнг бўлмачасига очилади. Пастки ковак венаси бошлиғич қисми-даги диаметри 20 мм га тенглашади.

Оёқ веналари

Оёқ веналари қўлникига ўхшаб чуқур ва юза веналарга бўли-нади. Юза ёки тери ости веналари артериясиз йўналса, чуқур ве-налари эса, кўпинча артериялар номи билан йўналади. Оёқдаги иккита тери ости веналари кузатилади.

Катта яширин венаси (*v. saphena magna*) оёқ панжা бош бармоқ вена тўридан бошлиниб, кичик тўпиқ ёнлаб юқорига кўтарилади. Чот пайи остидаги чуқурчага ўтиб, сон венасига қўйилади. Бу ве-нага болдирилниг ички ва орқа юзалари, соннинг ички веналари келиб қўйилади. Бу венага атрофдаги веналарнинг қўйилиши на-тижасида юқорига кутарилиши билан унинг диаметри аста кен-гайб боради.

Кичик яширин венаси (*v. saphena parva*) оёқ панжা ташки то-мони вена тўридан бошлинаади. Латерал тўпиқ бўйлаб болдирига ўтиб, тизза ости венасига қўйилади.

Оёқ панжаларининг чуқур жойлашган веналари жуфт бўлиб, шу номли артериялари билан ёнма-ён жойлашади. Улар ички де-ворида кўплаб клапанлар учрайди. Чуқур жойлашган веналар юза жойлашган веналар билан анастомозлар ҳосил қиласди, натижада ичкарида жойлашган вена қонлари юқорига кутарилади.

Пастки ковак венаси тананинг ички деворидан ва унинг бушли-ғидаги аъзолардан жуфт вена томирларини қабул қиласди. Дево-ридан қабул қилувчи веналарига бел веналари ва диафрагманиг пастки веналари киради.

Бел веналари (*vv. lumbales*) тўрт жуфт бўлиб, иккала томондан тик анастомозлар ҳосил қиласди. Бу анастомозлар юқориги ва паст-ки ковак веналарини бир-бири билан туташтиради.

Ички аъзолар веналарига уруғдан ва тухумдан веналари, буй-рак, буйрак усти бези ва жигар веналари киради.

Мояк веналари (*v. testicularis*) аёлларда тухумдан венаси (*v. ovaricae*) аъзоларидан чиқиб вена чигалини ҳосил қиласди. Ўнг то-мондаги мояк венаси пастки ковак венага, чап томондагиси эса буйрак венасига қўйилади.

Буйрак веналари (*v. renalis dextra*) ўнг ва чап буйрак веналари пастки ковак венага қўйилади.

Қопқа венаси (*v. portae*) қорин бўшлиғидаги жигардан ташқари ҳамма тоқ аъзолар вена томирлари йигиндисидан ҳосил бўлади. Буларга меъда, ингичка ва йўғон ичаклар, меъда ости бези ва та-лоқдан чиқувчи веналар киради. Қопқа венаси ичак тутқичининг

юқориги, пастки ва талоқ веналарининг йифиндисидан ҳосил була-ди. Қопқа венаси жигар қопқасидан ичкарига кириб, тарқалиб кетади.

Умумий ёнбош венаси (*v. iliaca communis*) бир жуфт булиб, ўнг ва чап умумий ёнбош артериялари номи билан юритилади. Уларнинг ҳар бири ички ёнбош венаси ва ташқи ёнбош веналарининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Ўнг ва чап умумий ёнбош веналари думғаза билан ёнбош суюгининг бирикиш жойи сатҳида қўшилиб, юракнинг ўнг бўлмачасига очилувчи пастки ковак венасини ҳосил қиласди. Уларнинг ички юзаларида клапанлари бўлмайди.

Ички ёнбош венаси (*v. iliaca interna*) кичик чаноқ бўшлиғида жойлашиб, унинг девори ва ички аъзоларидан келувчи вена томирларидан шакланади. Уларга аъзолардан тұғри ичак, қовуқ, простата бези (аёлларда клитор ва бачадон) веналари қуйилади. Кичик чаноқ бўшлиғида жойлашган веналарда ҳам клапанлар бўлмайди.

Ташқи ёнбош венаси (*v. iliaca extetna*) сон венасининг бевосита давоми булиб, чаноқ бўшлиғига ўтади. У ерда ички ёнбош венаси билан қўшилади. Буларда ҳам клапанлар бўлмайди.

Эмбрионда қон айланиши

Эмбрион ривожланиши ва туғилгунигача булган ҳаёти даврида керак бўладиган барча озуқа моддалар ва кислород она организми ҳисобига таъминланади. Бу жараён йўлдош орқали бажарилади. Йўлдош капилляр томирлари ва унга келаётган томирлар ўртасида жадал равишда содир бўладиган модда алманиши эмбрион учун керакли моддаларни узлуксиз равишда етказиб бериб туради. Бу жараён қуидагича содир бўлади. Бачадон артерияси йўлдошга кириб, эмбрионни киндик венаси орқали жигарга боради. Киндик вена жигарга яқин иккига бўлиниб, биттаси бевосита жигарга борса, иккинчиси эса пастки ковак венасига қуйилади. Натижада артериал қоннинг бир қисми қопқа венаси веноз қони билан аралашиб, жигарнинг томир йўлига туташади ва жигар веналари орқали у ҳам пастки ковак венасига қуйилади. Демак, киндик венасидаги артериал қоннинг ҳаммаси веноз қонли томирга тушиб аралашиб кетади. Пастки ковак венаси юқорига қўтарилиб, юракнинг ўнг бўлмачасига қуйилади. Ўнг бўлмачадан қоннинг бир қисми бўлмачалараро тўсиқдаги овалсимон тешик орқали чап бўлмачага ўтса, иккинчи қисми ўнг қоринчага қуйилади. Ўнг қоринчадаги қон юрак қисқариши натижасида ўтка артериясига ўтказилади.

Эмбрионда ҳаво алманиши жараёни бўлмаслиги, яъни ўткаларнинг ишламаслиги натижасида оз микдордаги қон ўтка орқали юракнинг чап бўлмачасига қуйилса, асосий қисми ўтка артериясидан Баталов йўли орқали аортага қуйилиб, танага тарқалади. Аортанинг цастга тушувчи қисми эмбрион цастки қисмларига, оёқларига қон етказиб беради. Эмбрионнинг меъда ости артерия-

ларидан киндик артериялари бошланиб, қорин девори орқали киндик ҳалқасига ва йўлдошига боради. Маълум бўлишича, эмбрион тоза артериал қон билан эмас балки аралаш қон билан таъминланар экан. Эмбрионнинг юқори қисми пастки қисмiga нисбатан кислород ва озиқ моддаларга бой томирлари билан таъминланади. Шунинг учун бола туғилгаңда, унинг пастки қисмлари яхши ривожланмаган бўлади.

Бола туғилганидан сўнг йўлдош орқали қон айланиш тизими тухтаб, асосан үпкалар орқали, яъни кичик қон айланиш тизими орқали содир бўлади. Натижада Баталов йўли, пастки ковак вена сига очиладиган вена йўли, киндик артерияси ва венаси 2-3 кунда пучайиб, бойламчаларга айланиб қолади. Чап ва ўнг бўлмачалар ўртасидаги тўсиқ овалсимон тешити ҳам аста битиб кетади. Лекин айрим ҳолларда тўла битмай қолиши натижасида қисман артерия қони аралашиб туради.

Такрорлаш учун саволлар

1. *Юрак-томир тизимида юракнинг роли.*
2. *Қандай томирларга артериал ва вена томирлар дейилади?*
3. *Капилляр томирлар, уларнинг тузилиши ва вазифаси.*
4. *Юрак чегараси, камералари, клапанлари.*
5. *Юрак деворларининг қаватлари, иннервацияси.*
6. *Кичик қон айланиш доирасининг томирлари.*
7. *Эмбрионда кичик қон айланиш доираси.*
8. *Катта қон айланиш доираси томирлари.*
9. *Аорта, унинг қисмлари.*
10. *Аорта пиёзбошча қисмидан чиқадиган томирлар.*
11. *Аорта ёйи қисмидан чиқадиган томирлар.*
12. *Бош мия артериялари.*
13. *Пастга йўналувчи аорта томирлари.*
14. *Вена томирларининг ўзига хос тузилиши.*
15. *Юқориги ва пастки ковак веналар.*
16. *Оёқнинг чуқур ва юза веналари.*
17. *Артерия, вена ва лимфа томирлари деворшининг микроскопик тузилиши, вазифасига мосланиши.*
18. *Юрак клапанларининг дефектлари ва асоратлари.*
19. *Юрак ва томирлар тизимининг ривожланиши.*
20. *Эмбрионда кичик ва катта қон айланиш тизими.*
21. *Жигар қон айланиш тизими.*

ЛИМФА ТИЗИМИ

Одам ва умуртқалилар организмида уч хил томирлар тизими учрайди. Буларга артерия, вена ва лимфа томирлар тизими киради. Уларда морфологик ва функционал үхшашликлар бўлишига қарамасдан ҳар бирининг ўзига хос функцияси бўлиб, морфологик тузилишлари ҳам шу вазифасига хос мосланган.

Лимфа томирларининг ўзига хослиги улар тўқималардан бир учи берк найчалар шаклида бошланади, сўнг ўзаро туташиб, лимфа капилляр тўрини шаклантиради. Капилляр эса, ўз навбатида аъзолар ва тўқималар лимфа томирларини ҳосил қиласи. Лимфа томирлари юқорига кўтарилиши билан атрофидан кичик томирларини йигиб лимфа томирларига очилади.

Лимфа тизими қатор муҳим вазифаларни бажаради. Бу тизим тўқималар орасидаги интерстициональ (оралиқ) суюқлик ҳажми ва турғунлигини ҳамда тўқималараро суюқлик, лимфа ҳамда қон ўртасидаги гумарал боғлиқликни сақлайди. Ичакларда парчаланган озиқа моддаларнинг сўрилишига ҳамда вена томирларига ўтказишга ёрдам беради. Фагоцитоз вазифасини бажаришда, лимфоцитларни ишлаб беришда, айниқса иммунитетни сақлашда иштирок этувчи "Т" ва "В" лимфоцитларни ҳамда макрофагларни ривожлантириб беради. Лимфа капиллярлари лимфа тизимининг бошлангич қисми бўлиб, деярли ҳамма аъзоларида учрайди, фақат бош ва орқа мияда, мия пустлоғи, тогай, кўз шоҳ пардасида ва кўз гавҳарида учрамайди. Лимфа капиллярлари қон томир капиллярларидан кенг бўлиб, бир учи берк найчалар шаклида бошланади. Тузилиши жиҳатидан вена томирларига үхшайди.

Лимфа томирлари орқали ўзига хос таркибий тузилишга эга рангсиз лимфа суюқлиги оқади. Лимфа суюқлиги қон плазмаси ва тўқима оралиги суюқлиги таркибий тузилишига үхшаб кетса ҳам лекин улардан бирмунча фарқ қиласи. Шу билан бирга турли аъзолардан оқиб келаётган лимфа ҳам бир-биридан фарқланади. Лимфа суюқлигига ҳар хил оқисиллар, глюкоза, органик ва анорганик моддалар, лимфоцитлар, моноцитлар, айрим донали лейкоцитлар ҳам учраб туради.

Лимфа томирларининг бошлангич қисми лимфа капиллярларидан бошланиб, уларнинг йигиндиси майдада лимфа томирларига, сўнгра йирикроқ лимфа томирларига айланади. Лимфа капиллярлари девори бир қават эндотелийдан ташкил топган бўлса, йўғонлашиб бориши билан янги қаватлар ҳосил қиласи. Йирик вена томирларининг девори уч қаватни ташкил этади. Ички интима қаватида лимфани орқага оқишига тўсқинлик қилиб фақат олдинги оқипини таъминлайдиган клапанлар учрайди. Ўрта силлик мускул қават ва ташқи адвентиция қаватларига эга. Лимфа томирлари бўйлаб лимфа тутунлари (безлари) учрайди. Улар якка-якка ёки гурухлар ҳосил қилиб жойлашади. Лимфа томирлари

безларига кириб, уларда лимфа суюқлиги тозаланади, фильтрләниб бошқа томир орқали чиқади.

Булардан ташқари лимфа тизимиға ичаклар деворида учрайдиган лимфоид тутунлар ва томоқда жойлашган лимфатик бодомча безлари ҳам киради. Буларда лимфа олиб келувчи томирлар бўлмай, фақат безлардан чиқувчи лимфа томирларига эга.

Барча лимфа томирлари асосан кўкрак лимфа тармоғига ҳамда ўнг лимфа тармоғига йиғилади, уларнинг девори тузилиши жиҳатидан вена томирлариниң үхшаган бўлади.

Кўкрак лимфа тармоғи (*ductus thoracicus*) кўкрак қафасидаги энг йирик лимфа томирларидан бўлиб, унинг узунлиги 35-40 см га тенг. Бел, кўкрак ва бел қисмларидан ташкил топган. Бел қисми кўкрак умуртқаси билан туташган қисмида цистернага үхшаб кенгайган ҳолда бошланади. Бу лимфа томири оёқлардан, беллардан йиғилиб, ўнг ва чап бел лимфа томирларининг ичакдан йиғилиб келаётган лимфа ўли билан ёнма-ён юқорига кутарилиб, биргалиқда диафрагмадан кўкрак қафасига ўтиб, кўкрак қисмини ташкил этади. Қисман юқорига кутарилиб, бўйин қисмини ташкил этади ва чап томондаги вена бурчагига келиб қўйилади.

Кўкрак лимфа тармоғига кўкрак қафасининг чап томонида жойлашган аъзолари ва унинг деворида йиғилган вена томирлари ҳам келиб қўйилади. Булардан ташқари чап қўл, чап бўйин ва бош қисмидаги йиғилган веналар ҳам кўкрак лимфа тармоғига очилади.

Ўнг лимфа тармоғи (*ductus lymphaticus dexter*)га кўкрак қафаси ўнг томонида жойлашган аъзолардан ва деворида ўнг қўлдан бўйин ва бош қисмидан йиғилган вена томирлари қўйилади. Ўнг лимфа томири унча узун бўлмай, ўнг лимфа бурчагида шаклланиб, ўнг бўйинтуруқ венасига қўйилади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Лимфа тизими қисмларини таърифлаб беринг.
2. Лимфа томирларининг микроскопик тузилиши.
3. Лимфа тутунларининг тузилиши ва вазифаси.
4. Лимфа тизимиға киравчи тўқималар.
5. Кўкрак лимфа томирлари ва уларнинг тузилиши.
6. Қорин, чаноқ ва оёқ лимфа тизими.
7. Талоқнинг жойлашиши, микроскопик тузилиши ва вазифаси.

ҚОН ЯРАТУВЧИ ВА ИММУН ТИЗИМЛАРИ АЪЗОЛАРИ

Қон яратувчи ва иммун тизимлари ўзларининг келиб чиқиши, тузилиши ва функцияларига кура бир-бирлари билан яқиндан боғлиқдир. Улар ҳужайра элементларини яратувчи қизил иликда жойлашган ўзак ҳужайралар ҳисобланади. Суяқ күмик қисмидаги ўзак ҳужайраларнинг бўлиниши ва табақаланиши натижасида қоннинг барча шаклли элементлари эритроцитлар, лейкоцитлар ва тромбоцитлар такомиллашади. Қоннинг шаклли элементларига кирувчи "В"-лимфоцитлар қизил иликда такомиллашса, "Т" лимфоцитлар қизил иликда бошлангич ҳужайра шаклида қон орқали тимусга келиб, сўнг табақаланиш давоми тимусда бўлади.

Қон яратувчи ва иммун тизимлари аъзоларига қизил иликдан ташқари лимфа тугунлари, талоқ, гемолимфатик ҳамда муртаклар, ҳазм тизимида учрайдиган лимфоид фолликуллар, апендикс, нафас ва сийдик йўларида жойлашган лимфоид фолликуллар ҳам киради.

Лимфа тугунлари (*nadili lymphatici*) периферик қон яратувчи ва иммун ҳимоя аъзолар ва тўқималардан юқорига, яъни йирик лимфа томирларига йўналиш оралиғида жойлашадилар. Лимфа тугунлари ловиясимон шаклида бўлиб, катталиги 0,3-1,0 см. га тенг. Бўртиб чиққан томонидан унга олгитагача ва ундан ҳам кўпроқ лимфа суюқлигини олиб келувчи томирлари келиб очилади. Лимфа тугуннинг ботиқ юзаси унинг кириш қисми ёки дарвозаси деб аталиб, бу ердан тугун ичига артерияси, вена ва лимфа олиб келувчи томирлари чиқади.

Кирувчи лимфа томирларининг ҳар бири лимфа тугунига алоҳида-алоҳида келиб боради. Лимфа томирларининг ташқи ва ички қавати лимфа тугуни ташқи ва ички қаватларига туташиб кетади. Лимфа суюқлиги лимфа тугуни ичидан ўтиб, 2-4 чиқиб кетувчи томирлар орқали чиқиб, бошқа лимфа тугунларига ёки ёнидан лимфа томирларига улашиб кетади.

Лимфа тугунлари одатда гурухлар ҳосил қилади. Ҳар бир гурухда бир нечта ўнлаб лимфа тугунлари учраши мумкин. Масалан: катта ёщдаги одамларнинг чов қисмида 20 тагача юза жойлашган лимфа тугунлари учрайди, кўлтиқ остида – 45 тагача, қорин гутқичида эса 400 тагача учраши мумкин.

Лимфа тугунлари оқиб келаётган лимфа томирларининг организмининг қайси қисмларидан келиб қуйилишига қараб қуйидагиларга бўлинади. Агар лимфа томирлари таянч ва ҳаракат аъзоларидан кетаётган бўлса, бундай лимфа томирларига соматик ёки париетал тугунлар дейилади. Буларга тизза ости, чов томирларидан келган, агар бронх ва үпкалардан, меъда тутқичлари ва жигардан келса, уларга висцерал лимфа тугунлари деб аталади. Булардан ташқари аралаш лимфа тугунлари ҳам учрай-

ди. Үнда тутунларга ҳар хил аъзолардан келувчи лимфа томирлари қўйилиши мумкин.

Ҳар бир лимфа тугуни ташқи томонидан зич бириктирувчи тўқималардан ташкил топган капсула билан қопланган бўлади. Бу тўқима лимфа тугуни ичига тўсиқлар, яъни трабекулалар шаклида ўсиб киради ва ретикула тўқима билан бирга лимфа тугуни асосини (паренхимасини) ташкил қиласди. Трабекулалар бўшлиқларида "T" ва "B" лимфоцитлар ва макро мұхитни таъминловчи ҳужайралар жойлашади. Лимфа тутунларининг ўртасидан икки паллага кесиб кўрилганида ичи пўстлоқ ва мағиз қисмларидан ташкил топгани кузатилади. Пўстлоқ қисми думалоқ тўқ бўялган лимфоид фолликулардан ташкил топган бўлса, мағиз қисми очроқ бўялган тасмалардан ва уларнинг ораларида жойлашган синусоидлардан ташкил топган. Пўстлоқ қисмидаги кўплаб майдаги ва ўрта ҳажмдаги лимфоцитлар жойлашади. Марказий қисмидаги эса, услубий булиниш қобилиятига эга, лимфобластлар ва полиморфобластлар учрайди. Фолликуларда асосан "B" лимфоцитлар ва уларнинг ҳосилласи плазматик ҳужайралар учрайди. Пўстлоқ ва мағиз моддаларининг чегарасида кўплаб "T" лимфоцитлари ётади.

Мағиз маддаси перифериядан мағиз, яъни марказий қисмидаги қараб йўналган тасмалардан ташкил топган. Бу қисмда ҳам "B" лимфоцитлар, плазматик ҳужайралар ва макрофаглар кузатилади.

Талоқ

Талоқ (*lien*) қорин бўшлиғининг юқоридан чап томонидан IX-XI қовурғалар қаршисида жойлашади. Оғирлиги катта ёщдаги эркакларда 192 г. ни ташкил этса, аёлларда 153 г. ни ташкил этади. Яссилашган учбурчак шаклига эга, иккита юзаси тафовут қилинади. Юқориги силлиқ томони қисман бўртиб чиққан бўлиб, диафрагмага қараган. Оддинги медиал томони, яъни висцерал юзасида унинг кириш қисми жойлашади. У ердан ички қисмига артерия томири кириб, вена томири чиқади. Ташқи томонидан қорин пардаси билан ҳамма томонидан ўралган бўлиб, унинг ташқи юзасига ёпишиб кетган. Ингроперитонал аъзолар қаторига киради. Кiriш қисмидан ичкарига бириктирувчи тўқима ўсиб кириб, тўсиқлар шаклида жойлашади. Ички қисмини бириктирувчи тўқимадан ташкил топган асосий қисмидан ташқари ретикула тўқима толалари ва ҳужайралари ташкил этади. Трабекулалар орасида оқ ва қизил пульпалар жойлашади. Пульпалар асосини ретикула толачалари ва ретикула ҳужайраларидан ташкил топган ретикула тўқимаси ташкил этади. Аъзоларнинг 1/5 қисмини оқ пульпа (Мальпигий танаҷачалири) ташкил этади. Уларнинг асосий қисми ташкил топган фолликулар бўлиб, айримларининг марказий қисми оч бўлиб, унга кўпайиш маркази дейилади. Фолликулар йирик лимфоцитлар ва лимфобластларда жойлашиб, кўпчилиги митоз куринишида учрайди.

Талоқнинг асосий қисми ретикуляр тўқима ва қон ҳужайраларидан ташкил топган бўлиб, унда кўплаб синусоид, томирлар учрай-

ди. Пұлның тасмаларыда "В" лимфоциттерінен плазматиттер күзатылады. Қызыл пұлның рециклиуда стромасыда моноциттерден қосылған макрофагтар (спленоциттер) да эритроциттер күшінде учрайды.

Галоқ организмде бир қанча мұхит вазифаларни үтгайды. Организм эмбрионал ривожланиш даврида жигарға үшшаб қон шаклі элементтерден донадор лейкоциттер, эритроциттер да тромбоциттерине яратып берады. Бола туынданғандан сүнг бу вазифа қызыл иликка үтады. Булардан ташқары фагоцитоз да гуморал иммунитеттегі ҳам иштирок этады. Шу болан биргә талоқда яшаш мүддати-ни үтеган эритроциттер да қон пластинкаларды емирилады. Улар-нинг емирилиши натижасыда қосылған айрим моддалардан билирубин жигарға бориб үт мөддасына құшилады. Үзида Темир сақловчы трансферин эса қызыл иликка бориб янги қосылған булады-ған эритроциттерде фойдаланылады. Талоқнинг эритроциттерни емириш хусусияттың күра уни эритроциттер "мозори" деб ҳам атайдылар. Талоқ қон депоси вазифасини ҳам үтайды.

НЕРВ ТИЗИМИ (НЕВРОЛОГИЯ)

Нерв тизими бир бутун булып, организмде юқори даражада ихтинослашып да такомиллашып мұраккаб аъзолардан қисобланады. У ҳар қандай ташқи да ички таъсирни қабул қылыш, марказий нерв тизимиге етказып бериш да у ерда анализ-синтез жараёнида қосылған жавоб импульсити (реакциясы) ҳаракат аъзоларига етказып бериш каби үта мұраккаб вазифаны бажаради. Демек, нерв тизими орқали организмде доимо ташқи да ички мұхит болан узлуксиз боғланиш мавжуд болады.

Маълумки, организмнинг ташқи да ички аъзоларда ҳар хил таъсирларни қабул қылувчи рецепторлар жойлашып. Ташқи таъсирни қабул қылувчи рецепторлар экстрорецепторлар, ички таъсирни қабул қылувчи рецепторлар эса интерорецепторлар дейи-лады. Юқорида айтты үтілганидек, ташқи да ички рецепторлар қабул қылған таъсир импульс тариқасыда марказга ингилувчи нерв (афферент) құжайралари (нейронлар) орқали тезда марказий нерв тизимиге (МНТ) етказылады. У ерда анализ-синтез қилиниб, жавоб импульси ҳаракат нейронлари, яғни марказдан қочувчи (эфферент) нейронлар орқали ҳаракат аъзоларига (мұскул өки безларға) етказылады. Шундан кейин бу аъзолар қисқаради ёки бұша-шади, безләр эса маҳсулот (секрет) ишлаб чиқаради.

Хайвонлар ташқаридан қабул қыладыған импульсларнинг анализ-синтези болан атроф-мұхитда үзининг турған жойи да йұна-липпини аниктаб оладылар. Одам да дүнё сирларини чуқур үрга-ниб чиқып, үрганған нараса ҳодисаларини амалда құллайды.

Нерв түқимаси таркибида фақат сезувчи (марказга интилевчи) да ҳаракат (марказдан қочувчи) нервлари учраб түрмай, балки учинчи гурух – оралық (ассоциатив) нейроплар ҳам учрайды. Улар

бир нейрондан иккинчи нейронга импульс үтказиш вазифасини бажаради. Масалан, импульсни улар афферент нейрондан эффе-рент нейронга үтказиши мумкин.

Умуман олганда, нерв түқимаси иккита катта таркибдан: ўзига хос вазифани бажарувчи нерв ҳужайраларидан ва түқимада таянч, трофик, секретор, ҳимоя вазифаларини бажарувчи бир неча хил нейроглиядан ташкил топган. Булар ҳаммаси бир бутун ҳолда организмда морфологик ва функционал жиҳатдан яхлит нерв тизминни ташкил этади.


НЕРВ ҲУЖАЙРАСИ (НЕЙРОН)

Нерв ҳужайраси (нейроцит ёки нейрон) ниҳоятда ихтисослашган мураккаб морфологик тузилишга эга бўлиб, ҳар хил ташқи ва ички таъсири қабул қилиб, уни импульсга айлантириш ва ҳужайра ўсимталари орқали узатиб бериш хусусиятига эга. Нейрон цитоплазма ва ядро қисмларини ташкил этувчи танаси, яъни перикариондан ҳамда бир нечта ўсимталардан таркиб топган. Айниқса унинг ўсимталари жуда кўп булиб, улардан биттаси узун бўлади, мана шу узуни аксон ёки нейрит дейилади. Нейрит орқали ҳужайра танасидан бошқа нерв ўсимтасига ёки ҳаракат аъзоларига импульс үтказилади. Аксоннинг узунлиги бир неча микрондан 1-1,5 метргача бўлиши мумкин. Унинг йўғон-ингичкалиги бутун узунлиги буйлаб бир хил. Айрим вакътларда у ён томонларга ўсимталар чиқаради, уларга ён коллатерал ўсимталар дейилади. Нейроннинг қолган ўсимталари калта бўлиб, улар дендритлар дейилади. Дендритлар, одатда ҳужайра танасидан йўғон бўлиб чиқиб, учига томон ингичкалашиб боради. Улар иккинчи нерв ҳужайраси ўсимталари билан туташиб, синапслар ҳосил қиласди. Синапс иккита нейрон ўсимталарининг бир-бири билан туташган қисмиdir. Улар импульсни бир нейрондан иккинчи нейронга үтказиш функциясини бажаради. Айрим вакътларда дендритнинг учлари таъсири қабул қиласдиган рецепторларга айланиб, таъсири қабул қилишда иштирок этади.

Одам ва ҳайвонлар организмида учрайдиган нейронлар ўзидан чиқарадиган ўсимталарнинг сонига қараб қуйидагиларга бўлина-ди: 1) униполляр (лот. *unip* – бир) – бир қутбли, яъни бир ўсимтали нейронлар; 2) биполяр (лот. *bi* – икки) – икки қутбли нейронлар; 3) мультиполляр (лот. *multit* – кўп) – кўп қутбли, яъни кўп ўсимтали нейронлар (бб-расм).

Униполляр нейронларнинг танасидан, одатда, битта ўсимта чиқади. Улар қаторига дендрит ўсимталари пайдо бўлмайдиган нейробласт ҳужайралари кириши мумкин. Униполляр нейронлар асосан умуртқасиз ҳайвонлар организмида учрайди. Одам танасида эса бундай нейронлар бўлмайди.

Биполяр нейронлар қарама-қарши қутбларидан иккита ўсимта чиқаради. Биттаси аксон, иккинчиси дендрит вазифасини бажара-ди. Биполяр нейронлар ҳам одам организмида кам учрайди. Улар



66-расм. Ҳайвонлардаги айрим нейронларнинг тузилиши.

1 - көвак ичлилар юқориги чигал оддий нейронининг тузилиши; 2 - умуртқасизларда учрайдиган типик рецептор нейрони (учи иккита тармоқданған аксон ва калта дендриттан иборат); 3 - умуртқасизларда учрайдиган биполяр рецептор нейрони; 4 - униполяр рецептор нейрони (дендритта тармоқданған орқа мия ганглиясидан олинған қайтадан униполяр шакла киргап нейрон); 5 - изополяр-биполяр нейрон (медуза нерв чигалида); 6 - мультиполляр нейрон (умуртқасизлар МНС-да тарқалған); 7,8 - униполяр мотонейрон (юксак умуртқасизлар МНТ-да күплаб учрайди. Бұлмака ва Харридан).

фақат күзнинг түр пардасида, ички қулоқнинг спирал ганглияларда ҳамда ҳид билиш аъзоларида учрайди. Биполяр нейронлар күпроқ ҳашоратлар терисида бұлади. Айрим адабиётларда псевдоуниполяр нейронлар қаторига құшиб үрганилади. Буни ёдда тутиш керак. Псевдоуниполяр нейронлар танаисидан, одатда, битта үсимта чиқиб, сұнг у "T" ҳарфи сингари иккиге ажралади. Лекин үсимтанинг үзаги битта бұлади. Шунинг учун уларга псевдоуниполяр дейилади. Үсимталарнинг биттаси дендрит вазифасини бажарып таъсирни қабул қылса, иккінчиши аксон вазифасини үтайди, яъни таъсирни марказга етказиб беришдә иштирок этади.

Мультиполляр, яъни күп қутбели (тармоқлы) нейронлардан ҳар томонға қараб бир нечта үсимта чиқади. Уларнинг биттаси одатда узун булиб, аксон вазифасини бажарса, қолғанлари майда, калта булиб, дендрит ролини үтайди. Мультиполляр нейронларға орқа миянинг барча ҳаракат нейронлари киради.

Нерв ҳужайраларининг морфологик тузилиши


Нерв ҳужайраси морфологик тузилишига күра тана, яъни пеприкарион ва үсимталардан ташкил топган. Тана қисми ядро, цитоплазма, органоидлар ва үзига хос киритмалардан иборат (67-расм). Үсимталари эса аксон ва дендритлардан иборат. Ядроси, одатда, думалоқ ёки овал шактада булиб, ҳар бир ҳужайрада битта бұлади, камдан-кам иккита ёки күп ядроли нерв ҳужайралари учрайди. Масалан, простата безининг нерв тизимини ташкил қылувчи нейронларда күп ядроли нерв ҳужайралари бор. Уларнинг сони 15 тағача стади. Нейронларда интенсив равищда физиологик жараёнлар кечиши натижасида ядро таркибида хроматин моддаси

камроқ бұлади. Битта ёки иккита РНК та бой ядрочага эга. Цито плазмаси (нейроплазмаси) таркибида ҳамма органоидлар ва специфик ҳұжайра киритмалари: митохондрийлар, эндоплазматик түр, гольжи комплекси (аппарати), центросома, лизосома, нейратубула ва нейрофиламеталар, специфик элементлардан нейрофибрillалар ва тигроид моддалар учрайди.

Нейрофибрillалар перикарион бүшлиги ва үсімтада ичини тұлдыриб турадын ингичка ипсимон тузилма булиб, кумуш нитрат тузи билан бүялған препаратларда яхши күринади. Электрон

микроскопда аниқданишича, миофибрillалар нерв ҳұжайраси нинг узунаси бүйлаб жойлашған булиб, күндаланған кесимининг диаметри $500\text{ }\text{\AA}$ га тең. Характерли томони шундаки, миофибрillалар ҳұжайраның тана қисмida ҳар томонға йұналған, нозик чигалланған тұрсымон шаклда жойлашса, үсімталарда бир-бiriға нисбатан тұғри, параллел жойлашған бұлади. Тигроид модда фақат нейрон перикариони да дендритда булиши мүмкін. Айрим ҳолларда зич жойлашған нейрофибрillалар тутами ҳосил қылған шаклда күринади. Айрим вактларда эса, толачалар бир бири билан ёпишган булиши мүмкін, бу миянинг эслаб қолиш хусусиятига, фикрлаш қобилиятиға салбий таъсир қиласы.

Электрон микроскоп ёрдамынан изланишлар шуни курсатады, нейрофибрillалар тұрсымон шаклда жойлашған иккى хил майда толачалардан (фибрillалардан) таркиб топған экан. Улардан бириңчиси – диаметри $60-100\text{ }\text{\AA}$ га тең нейропротофибрillалар ёки нейрофиламентлар бұлса, иккинчиси – диаметри $200-300\text{ }\text{\AA}$ га тең нейрон нағыза ёки нейротубулалардир. Булар кумуш нитрат тузи билан бүялған гистологик препаратларда қүшилиб кетиб, йүғон миофибрillаларга үхшаб күринади. Ти-



67-расм. Ҳаракатлантырыш нейрони схемаси.

1 - нерв ҳұжайрасининг тана (перикарион); 2 - аксон ва нерв толаси; 3 - мускулларға борувчи ҳаракатлантырыш нервииң үчи; 4 - дентрит. Схемада оғдид үшін электрон микроскопдагы күришиң тасвирлари бир-бiriға таққослаб көлтирилген (И.Ф.Иванов, П.А.Ковальскийнан).

рик ҳужайраларда бу протофибриллалар деярли кўринмайди. Нейрон найчалар оқсиллардан ташкил топган нозик структура бўлиб, фақат электрон микроскоп ёрдамида яхши кўринади. Препаратларни электрон микроскоп ёрдамида кўрилганда, уларни фиксаторлардан ўтказиш жараёнида нейрон найчалар нейрофиламентларга ёпишиб, йўғон бир нейрофибриллалар толасига ўхшаб кўзга ташланади.

Tigroic modda нерв ҳужайрасининг цитоплазмасида учрайдиган ўзига хос киритма бўлиб, гистологик препаратларда ҳар хил катталиқда гранулаларга ўхшаб кўринади. Олдин адабиётларда Ниссель танаачалари деб юритилар эди, ҳозир эса бу модда тионин ва кўк толуидин бўёкларида тўқ бўялгани учун базофил модда деб ҳам юритилади. Тигроид модда фақат нейрон перикариони ва дендрит ўсимталари таркибида учраб, аксон (нейрит) таркибида учрамайди. Аксоннинг ҳужайрадан чиқувчи ўзагида ҳам топилмаган. Тигроид модда таркибида кўп миқдорда рибонуклеоид қамда маълум миқдорда гликоген ва оқсили моддалар топилган. Электрон микроскопда текшириш шуни кўрсатдики, тигроид модда асосан донадор эндоплазматик тур йиғилган жойда кўп учрар экан.

Юқорида айтиб ўтилганидек, аксон таркибида оқсили синтезловчи органоидлар ҳамда тигроид модда бўлмайди. У ерда ҳужайралардан ташқари, танасидан аксоннинг уни томон суткасига миллиметр ва ундан ҳам кўпроқ тезлиқда муттасил оқиб турадиган ҳужайра плазмаси бор. Тигроид модда миқдори ҳужайраларнинг физиологик ҳолатига қараб доимо ўзгариб туради. Нейроннинг физиологик вазифаси кучайганда ёки унга узлуксиз таъсир қилинса, тигроид модда аста-секин камайиб бориб, ҳатто йўқолиб кетиши мумкин. Аксинча, ҳужайрага дам берилса, тигроид миқдори қайта тикланади. Нерв ҳужайраларида содир буладиган ҳар хил патологик жараёнларда (яллиганиш, интоксикация, дегенерация ва бошқа ҳолатларда) ҳам тигроид модда миқдори ўзгариб туради. Демак, тигроид мoddанинг миқдори ва сифати нерв ҳужайраларининг физиологик ҳолатига бевосита боғлиқ бўлади.


Нерв ҳужайрасининг ўсимталари асосан ташқи ва ички таъсирни марказга ва у ердан жавоб импульсини ҳаракат аъзоларига узатиб бериш вазифасини бажаради. Улар организм нерв системасининг бир бутунлигини таъминлайди. Нерв ўсимталарининг ўртасида унинг ўққисми ётади, унинг устидан эса юмшоқ парда үраб туради. Бунга миелин парда дейилади. Айрим нерв ўсимталарининг пардаси булмаслиги ҳам мумкин, яъни ўсимта фақат ўққисмидан ташкил топган бўлади. Нерв ҳужайралари пардаси бор-йўқлигига қараб иккига, яъни миелинсиз ва миелинли нерв толаларига бўлинади.

Миелинсиз нерв толалари куз, қулок, ҳамда аччиқ ва чучукни сезадиган аъзолар ва вестибуляр аппаратларнинг нерв тизимини ташкил этади. Улар күпинча вегетатив нерв тизимида учрайди. Бу нерв тизими юксак даражада ихтисослашган бўлиб, организмнинг ташқи мухит билан мослашишини таъминлайди. Ҳар бир нерв то-

ласи таркибида З тадан 20 тагача ўқ цилинди учрайди. Айрим вақтларда бошқа нейроннинг ўқ цилинди ҳам қўшилиб кетиш ёки ажралиб бошқа нейронга ўтиши мумкин. Уларнинг бундай тузилишига кабелсизон ўқнинг цилиндрлари дейилади. Ҳар бир ўқ цилиндр ташқи томондан Шванн ҳужайраларидан ташкил топган юпқа парда билан уралган бўлади, миelin пардаси булмайди. Одатда у Шванн ҳужайраларининг ўқ қисмини икки томондан аста ўраб ўз ичига олади. Бу фагоцитоз хусусиятига эга булган ҳужайраларнинг микроорганизмларни икки томондан ўраб қамраб олишига ухшайди. Ўқ ҳужайралари икки ён томонидан ўраб келувчи Шванн ҳужайраларининг учларига мезаксон дейилади. Нерв толачасининг таркибидаги ўқ цилиндрларнинг сонига қараб мезаксон ҳам бир нечта бўлиши мумкин.


Оддий микроскопда миelinсиз нерв толачалари худди ўқ цилиндрдан ташкил топган тутамларга ухшайди. Уларнинг устини ўраб турувчи леммоцитлар ҳам ядроси билан яхши кўринади. Фақат уларнинг чегаралари ва мезаксонлари кўринмайди. Миelinсиз толалардан импульс аста-секин – 1 мм/сек. тезликда ўтади.

Миelinли нерв толалари (68,69-расм) организмда кўп учрайди. Масалан, периферик ва МНГ нейронлари миelinли нерв толаларидан ташкил топган. Характерли томони шундаки, миelinли нерв толаларида ўқ цилиндрлар, одатда, битта бўлиб, ўзига тегишли миelin пардага эга. Миelin пардага асосан липидлардан ташкил топганлиги учун осмий кислотасида яхши бўялиб, микроскопда тўқ жигарранг бўлиб кўринади. Аксоннинг айрим қисмларида миelin модда учрамайди. Бундай қисмлар бўғилмалар ёки Ранъве бўғилмалари деб юритилади. Ҳар бир бўғилма қўшини Шванн ҳужайралари чегараларига тўғри келади. Толанинг икки бўғим орасидаги қисми миelinсиз сегмент деб юритилади. Ҳар бир толанинг муайян оралиғида миelin модда-



68-расм. Миelinли нерв толасининг ривожланиш схемаси.

1 - аксолемма ва леммоцит ҳужайра (Шванн ҳужайра) қобиқлариниши мунсабати; 2 - ҳужайралараро тирқиши; 3 - аксолемма ва леммоцит қобиғи; 4 - леммоцит цитоплазмаси; 5 - лизаксон (Робертсдан).



69-расм. Миелинли нерв тузилиши (схема).

1 - ўқ цилиндрлари (аксон); 2 - лизаксон; 3 - невролемма ўймаси; 4 - ҳалқаси-
мон (Раньеве) бўғимаси; 5 - леммоцит (Шванн ҳужайра цитоплазмаси); 6 -
леммоцит ягроси; 7 - неврилемма; 8 - эндоневрит (Робертсон схемаси бўйи-
ча Т.Н.Радостина тузган).

ни қийшиқ ҳолда кесиб ўтган оқиш кесмани кўрамиз, унга Шмидт-Лангерман қийиклари дейилади. Ҳозир зоамонавий электрон микроскопда текшириш усуллари жорий қилиниши билан нерв толалидаги бўғималар, қийиқлар ва Шванн ҳужайралари ҳамда улар орасида жойлашган миелин қаватларини батафсил ўрганиш имконияти туғилди. Энди маълум бўлишича, ҳар бир бўғимла иккита леммоцитларнинг, яъни Шванн ҳужайраларининг чегараси булиб, бу ерда кўплаб митохондрий ва микроворсинкалар бор.

Миелин қавати, одатда, нерв тўқимасининг ривожланиши давридан бошлаб ҳосил бўла бошлайди. Бунда толачаларни олдин леммоцитлар икки томондан ўраб олади, яъни мезаксон ҳосил булади. Ривожланишнинг сунгти даврларида ўқ цилиндр атрофида миелин қават ҳосил булади. Унинг устидан эса леммоцит ҳужайралари ўраб туради. Илгарилари бу пардани ўзига мустақил Шванн ҳужайраларидан ташкил топган парда дейилар эди. Шванн пардасининг устидан базал мембрана билан бириттирувчи тўқима пардаси ўраб туради-унга эндотелий дейилади. Миелин нерв толасидан импульсларнинг ўтиш тезлиги анча юқори – 70-100 м/сек.

Нерв учлари (синапслар)

Барча нерв ҳужайралари толачаларининг уни ўзига ҳос тузилишга эга бўлган структуралар билан тутгалланади. Бунга нерв охирлари дейилади. Функциялари ва морфологик тузилишига қараб нерв охирлари уч хил булади: 1) ҳаракат (эфектор) нерв охирлари; 2) сезувчи нерв охирлари (рецепторлар); 3) нейронлар – аро синапслар.

Ҳаракат (эфектор) нерв учлари

Эфектор нерв учларини ташкил этувчи нейронларга орқа мия билан бош мия соматик нейронларнинг ҳаракат органларига туташган учлари киради. Кундаланг йўлли мускул толаларидаги ҳаракат

нерви учларига нерв-мускул (аксонмускул) синапслари дейилади. Аксонмускул синапслари нерв толаси учида ва мускул толасида импульсни қабул қылувчи үзига хос юза, яъни қутб ҳосил қиласи. Нерв толалари мускул толаларига туташишдан олдин миелин қаватини йүқтади, ўқ цилиндр тармоқланиб, сунг саркоплазма ичига киради. Мускул толалари ҳам шу ерда үзининг күндаланг йўлли тузилишини йўқтади. Бу ерда митохондрийлар сони кўп булади. Саркоплазма билан нерв учлари ўртасида кичик бўшлиқ бўлиб, унга синаптик бўшлиғи дейилади. Бундан ташқари, мускул толалари майдагатлам ҳосил қилиб, иккиласми бўшлиқлар ҳосил қиласи.

Нерв толаларининг устини ўраб турган бириктирувчи тўқима мускул толасининг устини ўраб турувчи бириктирувчи тўқимага туташиб кетади. Аксонлар учларининг мембранны таркибида кўп миқдорда ацетилхолин ва норадреналиндан иборат медиаторлар учрайди. Улар вақти-вақти билан таъсирга жавобан снасп бўшлиқларига чиқиб туради. У ерда ацетилхолинэстерогеназа ферменти таъсирида медиаторлар тезда парчаланиб, таъсири қилиш кучи чегараланиб туради. Шу қисқа вақт ичидаги импульслар мускул толасига ўтади ва унинг ҳаракатини таъминлайди.

Силлиқ мускулларда бу аппарат кўндаланг йўлли мускуллардагига нисбатан анча содда тузилган. Бу ерда ҳам нерв учлари мускул ҳужайраларига туташишидан олдин миелин қаватини йўқтади. Ўқ цилиндрлар қисман тармоқланиб, мускул ҳужайраси устига туташади, лекин саркоплазма ичига ўтмайди. Туташган жойида нерв учлари қисман йўғонлашиб кенгаяди. Бу ерда ҳам импульсни бўшлиғидаги медиаторлар ўтказади.

Сезувчи нерв учлари (рецепторлар)

Ташқи ва ички таъсирини, одатда, сезувчи нерв учлари — *рецепторлар* қабул қиласи. Бинобарин, рецепторлар сезувчи нерв учлари бўлиб, таъсирини қабул қилиш ва уни импульсга айлантириш, марказ томон узатиб бериш хусусиятига эга. Ҳамма рецепторлар иккита катта гурухга бўлинади: 1) *экстрапецепторлар* — таъсирини ташқи муҳитдан қабул қиласиган рецепторлар; 2) *интэрорецепторлар* — таъсирини аъзоларнинг ички қисмидан қабул қиласиган рецепторлар. Бундан ташқари таъсирини қабул қилиш характеристери ўзгача бўлган яна бир неча хил рецепторлар учрайди. Масалан, иссиқ-совукни сезадиган рецепторлар (*терморецепторлар*), *барорецепторлар* (босимни сезадиган), *хеморецепторлар* (кимёвий таъсирини сезадиган), *механорецепторлар* (механик таъсирини сезадиган) ва ҳ.к. Оғриқни сезадиган рецепторлар ҳам шулар жумласига киради. Улар оғриқни сезиб, алоҳида ингичка миелинсиз нерв толалари орқали импульсни МНТ га узатади.

Сезувчи нерв учлари морфологик тузилишига кўра икки катта гурухга бўлинади: 1) Эркин сезувчи нерв учлари. Бундан нерв учларининг тармоқлари бевосита иннервация қилиши керак бўлган йўқима ҳужайралари орасида ётади (масалан, Меркель ҳужайралари);

2) Эркин бұлмаган сезувчи нерв учлари. Бунга нерв толаларининг ҳамма компонентлари, яъни үқ цилиндр тармоқлари, таъсирни қабул қилишга мослашган глия ва эпителий ҳужайралари киради.

Эркин бұлмаган сезувчи нерв учлари, бундан ташқари, бириктирувчи тұқимадан иборат капсулага үралған-уралмаганлигига қараб иккиге булинади: 1) капсулага үралған нерв учлари, бунда нерв учлари бириктирувчи тұқимадан иборат капсулага үралған булади; 2) капсулага үралмаган нерв учлари – капсуласи бұлмайды.

Юқорида барча нерв учлари үзига хос физиологик хусусияти ва морфологик тузилишига күра бир-биридан фарқ қиласы деб айттың түттөн әдик. Шулардан айрим нерв учлари билан танишиб чиқамиз.

Меркель дисклари ёки ҳужайралари. Эркин нерв учларига ки-рүвчи бу нерв толалари одатдагидек эпителий қатламиға келиб ми-елин қаватини йүқтәди ва охирги терминал тармоқлари тұқима ҳужайралари ичига тарқалади. Бунинг харakterли томони шунда-ки, бундай нерв учларыда терминал тармоқлардан ташқари специ-фик үзгаришга эга бұлған ҳужайралар ҳам учрайди. Бунга сезги (идрок) дисклари ёки Меркель ҳужайралари дейилади. Бу ҳужай-ралар оқиши буялған цитоплазма ва яссиланған ядроның қамда диа-метри 100 мкм. атрофидаги осмиофил доначалари билан ажралиб туради. Нерв тармоқлари ана шундай ҳужайралар билан туташиб нозик түр шаклида сезувчи нервлар учини ҳосил қиласы. Сезги (идрок) дисклари, одатда, тери эпителийсінинг сезиши хусусияти кучли бұлған жойларда күп учрайди.

Фатер-Пачен танаачаси. Бириктирувчи тұқимадан иборат капсулалы сезувчи нерв учи булиб, ички органларда (ичак дево-рида, меъда ости бези, томирлар ва бүгимлар атрофида) бұлади. Күпроқ тери остида учрайди. Капсуланинг уртасыда колбасимон Шванн глиясининг үзгарған ҳужайраларидан таркиб топған, тар-моқланған нерв учлари жойлашған. Одатда, нерв толаси капсула-га кириш олдидан миelin қаватини йүқтәди ва ичига фақат үқ цилиндрининг үзи киради. Пластинкасимон капсула фибробласт ҳужайралари ва спирал ҳолда жойлашған коллаген толачалар-дан ҳосил бұлған. Капсула билан колбанинг чегарасида, яъни ден-дриттинг учи билан капсула ички чегарасида контакт булишини таъминлаб турувчи глиялардан ҳосил бұлған ҳужайралар бор. Пластинкасимон танаачага теккан ҳар қандай таъсир тезда нерв учларига етказиб берилади.

Мейсер танаачаси. Бу ҳам бириктирувчи тұқимадан иборат капсулага үралған сезувчи нерв учларига киради. Бунга сезувчи танаача ёки Мейснер танаачаси дейилади. Танаачада үзига нисба-тан перпендикуляр ҳолда олигодендрология ҳужайралари жой-лашған. Капсуласи нисбатан юпқа коллаген танаачалардан таш-кил топған. Бопқа танаачаларга үхшаб нерв толаси танаачага ки-риш олдидә миelin қаватини йүқтәди ва капсула ичидә үқ ци-линдр тармоқларынан, глия ҳужайралари юзасида жой олади. Бун-дай сезувчи танаачалар тери сүргичлари таркибида учрайди.

Генитал танаачалар жинсий органларда организмнинг бошика жойларида, бириктирувчи түқима таркибида ҳам учрайди. Бошика танаачалардан асосий фарқи шундаки, бунда капсула танаасиги одатдагидек битта ненрв толаси кирмай, балки бир нечта нерв толаси (2-3-тагача) киради ва кўп микдорда охирги тармоқларни ҳосил қиласди.

Краузе колбаси кўп тармоқланган бўлиб, бу ҳам ташқи бириктирувчи түқимадан иборат капсула ва унинг ичида жойлашган охирги сезувчи тармоқларни ўраб турувчи нейроглиал колбадан ташкил топган.

Скелет мускуларидағи рецепторлар морфологик тузилишига кўра бошқа нерв учларига қараганда ўзига хос бузилишга эга. Улар нерв-мускул дисклари деб ҳам юритилади. Улар ташқи томондан бириктирувчи түқимадан иборат капсула билан ўралган бўлиб, ичида бир нечта йўғон ва ингичка мускул толалари бор. Бу ўринда скелет мускуллари ўзининг кўндаланг йўлли тузилишини йўқотган. Толачалар орасида ўзига хос түқима суюқлиги бўлади. Марказда жойлашган ҳар бир мускул толаси жуда кўп сезувчи нерв учлари билан спирал шаклда чирмашиб кетган. Мускул толачаларининг айримларидағи ядролар толанинг ўртасида тўп-тўп бўлиб туради.

Шу хусусиятларига асосланиб, уларга ядролар халтачаси дейилади. Бошқа мускул толачаларида ядролар толача бўйлаб узунасига занжирсимон жойлашган бўлиб, дукнинг кенгайган кўп яд роли марказий экваториал зонасини ташкил қиласди. Бу ерда яд ролар тўп-тўп бўлиб жойлашади ва толалар учи дукнинг қарама-қарши қутубларида якунланади. Тузилиши жиҳатидан улар ҳарат нерви учларига, мотор плакчаларига ўхшайди.

Нейронларо синапслар

Нейронларо синапслар нерв ҳужайраси қисмларининг бирбири билан бирикадиган жой бўлиб, улар асосан уч хил бўлади:

- Аксосоматик синапс – биринчи нейроннинг аксон ўсимтаси иккинчи соматик нейрон танаси билан туташган жой.
- Аксодендритик синапс – биринчи нейрон аксони билан иккинчи нейрон дендрити ўсимтаси туташган жой.
- Аксоаксонал синапс – икки аксон ўсимтаси ўртасида содир бўлиб, маълум бўлишича, бундай синапслардан қўзғатувчи таъсир ўтмайди, яъни аксосоматик ва аксолендритик синапслардан ўтган таъсирин у сусайтиради деб тахмин қилинади.

Синапсларнинг шакли ҳар хил бўлишига қарамай, уларнинг морфологик тузилиши бир-бирига деярли ўхшайди. Аксонларнинг ҳаракатланадиган учи қисман кенгаяди, ичида эса кўп микдорда 400-900 A° -га тенг пуфакчалар пайдо бўлади. Буларга синаптик пуфакчалар дейилади. Бу ерда майда мигоҳондрийлар ҳам кўп учрайди.

Ўсимталар ўртасидаги синапсда 200 A° -га тенг бўшлиқ бор. Унга синапслараро ёриқ дейилади. Унда специфик моддалар бўлиб, уларга

медиаторлар дейилади. Уларнинг вазифаси – таъсирнинг бир нейрондан иккинчи нейронга ўтишини таъминлаштириш. Медиаторлар, одатда, нерв учларидан ажралиб, синапс бўшлиғига ўтади. Нейронлар типига қараб медиаторлар ҳар хил бўлади. Худди шунингдек, ишлаб чиқарадиган медиаторларига қараб, нейронлар ҳам ҳар хил бўлади: 1) холинергик синапс (ацетилхолин ишлаб чиқаради); 2) адренергик синапс (дофамин, норадреналин, яъни катехоламиналар ишлаб чиқаради); 3) серотонинэргик синапс (серотонин ишлаб чиқаради); 4) пептидэргик синапс (пептид ва аминокислоталар ишлаб чиқаради); 5) электротоник синапс – бунда нерв ҳужайралари бирбири билан зич бирикиб, ўртасида синаптик ёриқ деярли қолмайди.

Кейинги вактларда, булардан ташқари, бошқа медиаторлар ҳам борлиги аниқланди, масалан гистамин, глицин – шулар жумласидандир. Ҳар бир синапсларда пресинаптик ва постсинаптик қутблар бўлиб, пресинаптик қутубдаги мембраналарда юқорида кўрсатилган медиаторлар ишланиб чиқади. Постсинаптик мембрана эса ўзига хос оқсил модда ишлаб чиқаради.

Нейросекретор ҳужайралар

Маълумки, нейросекретор ҳужайралар умуртқали ҳайвонлардан ташқари, умуртқасизларда ҳам учрайди. Нейросекретор ҳужайралар дейилишига сабаб ўзида мукопротеид ёки гликолипопротеид хоссасига эга бўлган секрет доначаларини тутган нейронлардан иборат бўлишидир. Эндиликда ана шундай секрет ишлаб чиқарувчи нейронлар нейросекретор ҳужайралар деб юритиладиган бўлди. Улар физиологик жиҳатдан нейронлар белгиларига эга булиши билан бирга без ҳужайралари хусусиятларини ҳам ўзида сақлаган бўлади. Бинобарин, ҳосил бўлган секретлар ҳужайра аксонлари бўйлаб оқиб келиб, охирги шоҳданган ерда ҳужайрандаги чиқади. Бу ўринда шуни айтиб ўтиш керакки, ҳужайра маҳсулотлари (секретлар) синапс ёруғига эмас, балки бевосита қонга ёки мия суюқлигига ўтади. Цитоплазма қисмида секрет пуфакчалари ва доначалари бўлади. Умуртқали ҳайвонларда бундай нерв ҳужайралари бош миянинг гипоталамо-гипофизар қисмида учрайди. Ҳужайраларнинг секрети умуртқасиз ҳайвонларда метоморфоз ва хромотофор вазифасини бажаради, яъни ҳужайраларнинг ташқи рангини белгилайди. Гипоталамус соҳасидаги нейросекретор ҳужайралар маҳсулотининг кимёвий таркибига кура икки гурухга: 1) пептидэргик ва, 2) мономинэргик ҳужайраларга бўлинади. Номидан кўринниб турибдики, биринчиси пептид гормонлар ишлаб чиқарса, иккинчиси – монамин гормонлар: норадреналин, серотонин, дофаминни ишлаб чиқаради.

Пептидэргик гормонлар ишлаб чиқарадиган нейросекретор ҳужайраларни ҳам ўз навбатида иккига булиш мумкин: а) висцеротроп гормонлар ишлаб чиқарадиган ҳужайралар ва б) адногипофизотроп гормонлар ишлаб чиқарадиган ҳужайралар. Булардан висцеротроп гормонлар висцерал аъзоларга таъсир қиласди. Бун-

дай гормонларга вазопрессинлар ва уларнинг гоммологлари кириди. Аденогипофизотроп гормонлар эса аденогипофизнинг бэзимон хужайралари фаолиятини бошқариб туради. Булар орасида аденогипофиз хужайраларининг без функцияларини кучайтириб турадиган либерин ёки, аксинча, сусайтирадиган статинлар ҳам бор.

Мономинэргик гормонлар ишлаб чиқарадиган нейросекретор ҳужайралар ўз нейрогормонларини асосан гипофиз орқа бўлганинг портал томир тизимида чиқаради.

Шундай қилиб, сут эмизувчи ҳайвонларнинг гипоталамик нейросекретор тизими цитологик жиҳатдан ҳам, гистологик жиҳатдан ҳам ниҳоятда мураккаб дифференцияланган тизимдир. Улар нерв тизими билан ҳам, эндокрин тизими билан ҳам яқиндан борлиқ фаолият кўрсатади.

Нейроглиялар

Нейроглиялар (70-расм) нерв тўқималаридағи ёрдамчи структура элементлари қаторига киради. Улар нерв тўқималарида таянч, чегараланиб туриш, гомеостатик, ҳимоя ва трофиқ вазифаларни бажаради. Организмнинг эмбрионал ривожланиши даврида нейроглиялар эктодермадан ривожланади.


Нейроглиялар иккига бўлинади: макроглия-глиоцитлар ва микроглия-глиал макрофаглар. Ўз навбатида макроглиялар бир неча хилга бўлинади: эпендимоглия, астроцитглия, мультипотенциалглия ва олигодендроглиялар.

Макроглиялар (глиоцитлар)

Астроцитглия (астроцитлар) нерв тўқимасида кўп бўлади ва ўзига хос таянч вазифасини бажаради. Ўзи майдага бўлишига қарамай, талайгина ўсимта чиқаради. Улар асосан икки хил: протоплазматик (плазматик) ва толали (фиброз) астроцитлар бўлади.

Протоплазматик (плазматик) астроцитлар асосан маказий нерв тизимининг кулранг моддаси таркибида бўлади. Ҳужайра танаси думалоқ ёки овал бўлиб, цитоплазмасида хроматин моддаси сийрак бўлган ядро жойлашган. Астроцит танасидан ҳар томонга кўплаб йўғон, бўйига калта ўсимталар чиқади. Цитоплазмаси бошқа ҳужайраларнига нисбатан тиник, фибрillалари кам. Электрон микроскоп ёрдамида текширишлар цитоплазмасида протофибрillалар тутамлари борлигини кўрсатади. Унда донадор эндоплазматик туркам ривожланган, лекин митохондрий нисбатан кам. Ҳужайра киритмаларидан гликоген топилган. Протоплазматик астроцитлар асосан чегаралаб туриш ва трофиқ вазифаларни бажаради.

Толали (фиброз) астроцитлар асосан марказий нерв тизимининг оқ моддаси таркибида учрайди, ўзидан узун ва калта ўсимталар чиқариб, тўрсимион тузилишга ўхшаб туради. Узун ўсимталарни учи бир оз кенгайиб капилляр томирларга, калта ўсимталари эса бош миянинг юмшоқ пардасига бориб тушади, шу ерда у ҳужайра мембранаси билан чегаралаб туриш вазифасини ўтайди. Цитоплазмаси таркибида кўплаб аргиро菲尔 толачалар бор. Электрон мик-



70-расм. Нейроглияларнинг микроскопик тузилиши.

А - толали астроцитнинг глия ҳужайраси; Б - олигодендроглиоцитлар (чапр томонда нейрон); В - микроглия ҳужайраси. 1 - оддийси; 2 - бұймалоқ шактагаси; 3 - үзгәрувчан шактагаси (Е.А.Шубниковадан).

ни орқа мия суюқлигига чиқарып беради. Ҳужайранинг цитоплазмаси марказида жойлашган ядро атрофида йирик митохондрийлар, кичик томчилар ва доначалар учрайди.

Олигодендроглия (олигоцендроцитлар) бошқа глия ҳужайралариға нисбатан күп учрайди. Марказий нерв периферик нерв тизимида нерв ҳужайралари билан үсимталарининг устини қоплаб туради. Бундан ташқари, улар нерв учларидан ҳам булып, импульсларни қабул қилиш ва узатышда фаол иштирок этади.

Олигодендроглияларни электрон микроскопда үрганиш шуны курсатдаги, уларнинг тузилиши нерв ҳужайралари тузилишга үхшасада, лекин таркибида нейрофиламентлар йүқ экан. Ҳужайра тасаси думалоқ, ундан бир нечта калта үсимталар чиқаради. Олигодендроцитлар нерв ва ҳужайра толалари устуни худди Шванн ҳужайраларига (леммоцитларга) үхшаб үраб туришда иштирок этади. Нерв ҳужайраларнинг регенерацияси ва дегенерацияси жара-

роскопда текшириб, унда протфибрлар тутамлари билан микронайчалар борлыги аникланди. Эндоплазматик түр деярли учрамайди, митохондрий ҳам кам учрайди. Умуман унда ҳужайра аъзолари кам ривожланган бўлади.

Эпендимология (эпендимоцитлар) кубсимон, бир қатор жойлашган ҳужайралардир. Асосан орқа мия канали ва бош мия каналчаларининг ички юзасини худди эпителий түқимасига үхшаб қоплаб туради. Ҳужайранинг апикал қисмидан майда киприкчалар булып, улар муттасил тебраниб туради ва орқа ҳамда бош мия бўшлиғидаги суюқликларни силжигитиб туради. Унинг базал қисмидан ҳам бир нечта узун үсимта чиқиб, миянинг оқ ва кулранг қисмларидағи нерв ҳужайраларининг үсимталари билан туташади. Баъзи ҳужайралар таркибида секретор пулфакчалар топилган, улар секрет-

ёнида иштирок этади. Мәйлүм бўлишича, бу глия ҳужайралари қон томирлар билан бевосига алоқада бўлиб, озиқ моддаларини қайта ишлаб, нерв ҳужайраларга узатади.

Мультипотенциал глия майда ҳужайра бўлиб, ўзидан талай гина ўсимталар чиқаради. Унинг бошқа глия ҳужайраларидан фарқи шундаки, бу ҳужайра юксак даражада табақаланиш ва ўта кўпайиш хусусиятига эга. Айрим вактларда у астроцит ва олеиго дендроцит ҳужайраларга айланади. Бундай ҳолларда уларнинг цитоплазмаси қисмида шу ҳужайраларга ҳос микронайчалар, глиоген, нейтрофиламентлар, микроструктура элементлари пайдо булади. Баъзан эса мультипотенциал глия макрофагларга ҳам айланади. Гистокимёвий усул билан текширишлар уларда нордон фосфат фаол бўлишини, лизосомалар кўп эканлигини кўрсатади.

Бу ўринда шуни айтиб ўтиш керакки, мультипотенциал ҳужайра катта организмда кам табақаланадиган нейроглия ҳужайралари қаторига киради. Улар нерв тўқимада регенерация ҳамда ҳимоя вазифаларини бажаришда иштирок этади.

Микроглия (глиал макрофаглар) организмнинг эмбрионал ривожланиши даврида мезенхима ҳужайраларидан ҳосил бўлади. Улар нерв тўқимаси таркибида кўп тарқалган бўлиб, қон томирлар атрофида фагоцитоз вазифасини бажаради. Кўпгина ўсимталар ёрдамида кучиб юриш хусусиятига эга, ядроси думалоқ, хроматин моддаси кўп. Кучиб юрганида ҳужайра шакли ўзгаради.

Нерв тўқималарининг ривожланиши ва регенерацияси

Нерв тўқималарининг ривожланиши. Нерв тўқималари организмнинг эмбрионал ривожланиши даврида эктодермадан ҳосил бўлади, яъни дастлабки даврда эктодерманинг дорзал қисмида кам табақаланган, кўпайиш хусусиятига эга ҳужайралардан нерв пластинкалари ҳосил бўлади. Нерв пластинкаларининг четлари астасекин йўғонлашиб бориб нерв найчасига айланади. Цилиндр шаклидаги ҳужайралар кўпайиши натижасида нерв найчаси қалинлашиб уч қаватта бўлинади: ички-эпендима қавати, ўрта-манти қавати (ёки ёпқич қават), ташқи-чекка вуаль қавати. Бу қават асосан олдинги қават ҳужайраларининг ўсимталаридан таркиб топади. Иккинчи ва учинчи қаватлар биринчи қаватни ташкил этувчи ҳужайраларининг кўпайиши ва бошқа жойга кучиши натижасида ҳосил бўлади. Бу қават ҳужайраларидан нейробласт, спонгиобласт ҳужайралари ва нейробласт ўсимталари пайдо бўлади.

Нейронлар ҳосил бўлишида дастлаб нерв тизимининг ўзаги деб аталмиш нейробластлар ҳосил бўлади. Нейробластларнинг ўсимталари эса бир томонга йуналиб (усиб) марказий нерв тизими билан периферик нерв тизими уртасида импульс ўtkазувчи "йўл" га айланади. Нейроглия ҳужайралари пайдо бўлишида эса оддин спонгиобластлардан эпендима ҳужайралари, олигодендроцитлар ҳосил бўлади. Олигодендроцитлар бўлса, нерв найчаси ташқарисига чиқувчи аксонлар тутамига кўшилади. Кейин яланюч қолган аксон-

лар аста-секин нерв толаларига айланади ва ҳоказо.

Нерв тұқымаларыннинг регенерацияси. Нерв тұқымалари регенерацияси ҳақыда шуни айтиш мүмкінки, масалан, нерв толалари шикастланса, шикастланган жойидан бүёғи дегенерацияга учрайди, яғни ажраб қолған үсімтә кесиги йұғонлашиб ва ингичкалашиб 2-5 кун деганды ёрилиб, бұлакчаларга булиніб кетади. Кейинчалик күп үтмай, бу бұлакчалар мультипотенциал глиялар, лейкоциттер ва астроциттер иштироқида фогоцитоз қилинағы да сүрилиб кетади. Қават-қават бұлып турған миелин қолдиктарини эса юқоридаги ҳужайралар қамраб олади. Натижада улар цитоплазмасыда күплаб қаватта-қават миелинли танағалар пайдо бұлади. Нейроннинг шикастланган жойидан бүёғидаги ҳужайралар нобуд бұлмайды, аксинча, зұр бериб митотик бұлина бошлайды. Нерв толаларыннинг қолдигини ҳазм қилиб бұлғач, узун тасма ҳосил бұлади. Кейинроқ бориб эса мана шу леммоцит тасмаларидан үсімталар чиқади, улардан эса кейинчалик нейрон танағаси билан борнадиган оралиқ үсімталар ҳосил бұлади. Шикастланган нерв толаси үрнида шу усулда янги толалар ҳосил бұлади. Аммо марказий нерв тизиминнинг шикастланган жойида бундай митотик бұлиниш юз бермайды.

Демек, унда регенерация жараёни бұлмайды. Нерв тұқымасыннинг ҳужайравий регенерацияси бұлмаслиги, ҳужайра ички регенерациясыннинг бұлиши унинг вазифасы боғлиқдир. Чунончи, бөш мия пустлогиннинг ёки орқа мияннинг вазифасы атрофидаги ва ҳатто узокда жойлашған түрли хил ағзалардаги нейронлар ва бөшқа тұқима ҳужайралари билан муттасил боғлиқдир. Чунки, уларда нейрон танағаси томирлар, мускуллар, безлар ва бөшқа ағзалар билан туаштириб түрүвчи минглаб үсімталар борки, шу үсімталар ёрдамда бөш мия ҳам, орқа мия ҳам "хабардор" бұлып туради. Бордию ҳужайралар булиніши йұлы билан регенерация буладиган бұлса, мазкур боғланишлар бузилиб кеттән бұлар зди. Ҳужайра ичида регенерация бұлғанда эса нейронларнинг боғланиши бузилмай қолади, ҳужайра ичидағы элементтер эса янгиланади. Нерв тұқымаларыннинг бундай регенерацияси аниқланғач, шу вақттағача фанда нерв ҳужайралари күпаймайды, ҳайвонлар эмбрионида қанча нейрон бұлса, шунча нейрон билан яшаб үтади, деган назарияга чек қуйилди. Янги түғилған ҳайвон боласыннинг овқат ҳазм қилиш тизимиңдеги нейронлар сонига қараганда вояға еттан ҳайвонлар овқат ҳазм қилиш тизимиңдеги нейронлар сони анча ортиқ булиніши ҳозир фанга маълум. Бу иккі йұл билан кам табақаланған нейроглиал элементтарнинг яшаш мобайнида (түғилғандан кейин) нейронларға айланыши орқали ва табақаланың бұлған нерв ҳужайраларыннинг бирор ағзосы (масалан оёқларыннинг) нерви шикастланышидан ҳаракатдан қолса ёки сезгисини йўқотса ва вақт үтиши билан бу ҳолат тикланып мана шу нерв ҳужайралари регенерацияси туғайлағы содир бұлади. Буни юқорида нерв толаси шикастланғандеги дегенерация ва регенерация ҳолисаси мисолида күриб үтдик.

Орқа мия (*medulla spinalis*) катта ёшдагиларда олдиндан орқага қараб бироз яссилашган, узунлиги 42–45 см. га тенг бўлиб, умуртқа поғонаси ичида жойлашади. Юқори томондан биринчи бўйин умуртқасининг юқориги четида узунчоқ мия билан туташса, пастки томондан XI бел умуртқа поғонаси танасида конус шаклида тутайди. Организм эмбрионал ривожланиш босқичларида орқа мия узунлиги умуртқа поғона узунлигидан фарқданиб боради. Эмбрионнинг бошланғич даврида уларнинг узунлиги деярли бир хил бўлса, кейинчалик орқа мия ўсиши орқада қолади.

Орқа мия узунасига бўйлаб икки жойида йўғонлашган қисмга эга. Биринчиси – бўйин йўғонлашмаси, III бўйин умуртқаси билан III кўкрак умуртқалари соҳасига тўғри келса, иккинчиси – бел-думғаза йўғонлашмаси бўлиб, X-кўкрак ва II бел умуртқалари соҳасида жойлашади. Орқа миянинг йўғонлашгандан кўла ва оёқларни иннервация қилиувчи асосий нервлар чиқади.

Орқа миянинг олдинги ва орқа томонларидан чуқур эгатлар ўтиб, уни симметрик ҳолда ўнг ва чап бўлакларга бўлади. Бу бўлаклар ҳар бир ён томонидан яна иккита эгатлар ёрдамида бўлинниб, ҳар (ўнг ва чап) томонидан учтадан (олдинги, ён ва орқа) тизимчаларни бўлинади. Ён эгатлардан орқа мия нервларининг илдизлари чиқади. Олдинги иккала ён эгатлардан ҳаракатлантирувчи (эфферент) нервлар чиқса, орқадаги икки эгатдан сезувчи (афферент) нервлар чиқади. Ҳаракатлантирувчи ва сезувчи нервлар умуртқа оралиқ тешигига киришда қўшилиб, аралаш нервни ҳосил қиласди.

Орқа мия тўртта қисмга бўлинади: бўйин, кўкрак, бел ва думғаза қисмлари. Орқа миядан ҳаммаси бўлиб, 31 жуфт нерв чиқса, уларнинг ҳар бири битта сегмент номи билан юритилади. Булар қўйидагича тақсимланади: юқоридан пастта қараб бўйинда 8 та, кўкрак қисмida 12 та, бел қисмida 5 та, думғаза қисмida 1 та. Орқа мия ўртасида кичкина канал жойлашган бўлиб, унинг бўшлиғида орқа мия суюқлиги жойлашади. Бу канал бош миянинг 4 та юринча бўшлиғи билан туташган бўлиб, уларнинг суюқликлари бири иккинчисига ўтиб туради.

Орқа мия кўндаланг кесиб кўрилганда, унинг марказий қисмидаги каналча атрофида узунаси бўйлаб жойлашган капалак қаноти шаклидаги кулранг модда жойлашган.

Кулранг модданинг олдинги томонидан олдинги шохлар, орқа томонидан эса орқа шохлар чиқади. Олдинги ва орқа шохлар оралиқ соҳада ўзаро қўшилган бўлади. Олдинги шохлари ҳаракатлантирувчи, орқа шохлари эса сезувчи нерв хужвайраларидан ташкил топган бўлиб, уларнинг шохлари олдинги илдизлар таркибида чиқади.

Орқа миянинг оқ моддаси кулранг модда атрофида жойлашиб, олдинги, орқа ва ён тизимчаларни ҳосил қиласди. Иккала томонининг оқ моддаси битта бириктиргич (*commissura onteriar*) ёрдамида бирикади.

Орқа мияниңг рефлектор вазифаси қуийдәгича амалга ошади. Гананинг периферик қисмидан олинган таъсирот рецепторлар ёрдамида қабул қилиниб, орқа мия сезувчи толалари орқали орқа мия тутунига келади, сүнг орқа илдиздан ўтиб, орқа мияниңг орқадаги нерв шохларига боради. Булар ўз навбатида таъсиротни орқа шохларниң ҳужайраларига узатади. У ердан таъсирот олдинги шохларниң ҳужайрасига узатилади ва ҳаракат нервлари орқали мускулларга боради. Натижада мускуллар таъсироттга ўз қисқариши билан жавоб беради. Бунга рефлекс ёйи деб аталади.

Орқа мияни уч хил парда ўраб туради. Буларга ташқаридан қаттиқ парда, ўртадаги түр парда ва ичкаридаги юмшоқ пардалар киради.


БОШ МИЯ

Бош мия (*encephalon*) калла суюгининг ички бүшлиғида жойлашган бўлиб, унинг шакли калла суюги мия қисмининг ички тузилишига мослашган. Мияниңг олдинги фронтал қисми яссирок, орқа томони эса бўртиб чиқсан бўлади. Бош мияниңг катта-кичиклиги ва вазни ҳар хил бўлади. 7 ёшли ўғил болаларда унинг оғирлиги 1260 г. ни ташкил этса, қиз болаларда шу ёшда 1190 г. га тенг бўлади. Бош мия вазнининг ўсиши 20-30 ёшларда ниҳоясига етади. Катта ёшдагиларда бош мияниңг ўртача оғирлиги 1275-1375 г. га тенг. Аёлларда тахминан 100 г. га камроқ бўлади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, одамларниң ақлий қобилиятини миясининг оғирлигига ёки катта кичиклигига қараб ўлчаб бўлмайди. Ақлий ривожланган шахсларда муҳим ўзгаришлар мия пустлоғининг тузилишига боғлиқ.

Бош мия асосан З қисмга: катта мия (устки қисми), мияча ва мия погонасига бўлинади.

Катта мия юқори томондан ичкарига қараб йўналган ёриқ (*fissure longitudinalis cerebri*) билан иккита яримшарга бўлинади. Яримшарларниң ташки юзалари текис бўлмай, эгатлар ва пушталардан ташкил топган (71-расм). Мия яримшарларининг орқа томони ва мия ўртасидан мияниңг кўндаланг йўналган чуқур ёриғи (*fissura transversa cerebri*) ўтади. Бош мияниңг пастки асосий қисмининг юзаси ҳам нотекис бўлиб, асосан калла суюги ички юзаси тузилишига мослашган. Узунчоқ мия (*medulla oblongata*) орқа мия билан жуфт илдизлар чиқадиган сатҳда бир-бири билан тугашиб кетади. Бу ерда орқа мияниңг олдинги, ўрта ёриғи яхши кўринади. Узунчоқ мия, мия куприги ва мияча учталаси калла суюги орқа чуқурчасини тўлдириб туради. Яримшарлар чакка қисми калла суюги ўрта чуқурчаси бўлмаларини тўлдириб турса, пешона қисми калла суюги олдинги чуқурчасини эгаллайди. Шу ерда ҳидланни ёз бошчалари ва йўллари жойлашади.

Узунчоқ мия (*medulla oblongata*) орқа мияниңг узвий давоми бўлиб, биринчи бўйин умуртқасидан юқорироқда жойлашади ва Варолий



71-расм. Мия яримшарларининг ички юзаси.

1 - қадоқости тана; 2 - энса ҳиг билиш пуштаси; 3 - ҳиг билиш майдони; 4 - пешонанинг юқоригу пуштаси; 5 - гүмбаз; 6 - белбоғ пуштаси; 7 - қадоқсизмон тана эгати; 8 - қадоқсизмон тана; 9 - белбоғ эгати; 10 - марказий эгат; 11 - марказ атрофи паллачаси; 12 - тана олди пуштаси; 13 - энса билан мия ўртасидаги эгат; 14 - понасимон пушта; 15 - чувалчансизмон қисм; 16 - миячанинг ўнг яримшари; 17 - кўпприк; 18 - кўриш нервлари кесишган жой.

купиригига уланиб кетади. Орқа қисми орқа мия тузилишига ўхшайди. Орқа миядан олдинги ва орқа ўрта ҳамда ён қисмлари буйлаб ўтган эгатлар узунчоқ мияда давом этади, ичида эса марказий канали жойлашади. Орқа мия вентрал ва дорзал орқа мия нерв илдизларига ўхшаб, узунчоқ миядан ҳам IX-XII бош мия нервлари чиқади. Узунчоқ миянинг олд ва орқа томонида жойлашган ўрта эгат уни икки паллага ажратади. Ҳар иккала палла эса ўз навбатида орқа томонидан ўтган ёнбош эгатлар орқали тизимчаларга ажралади. Ҳаракатлантирувчи олдинги нерв тизимчалари (пирамидалари) орқа сезувчи нерв тизимчалари орқа мия билан узунчоқ мия чегараларида пирамида йўли кесиши масини ҳосил қиласди. Узунчоқ мия соҳасида уч жуфтг пирамида, олива ва миячанинг пастки оёқчаларга бўлинган қисми кузатилади. Пирамидалар олдинги ўрта ёриқнинг икки томонида узунасига йўналган иккита йўғонлашган дўнглик ҳосил қилиб, юқорида айтилганидек, бир-бири билан кесишиб ўтади. Олива пирамидалардан эгат билан ажралиб турган ҳолда ташқарига қараб овалсимон шаклдаги бўртиқни ҳосил қилиб жойлашади. Асосан нерв ҳужайраларидан ташкил топган. Олива-

лар мияча билан узвий боғлиқ булиб, танани тик ҳолда тугиб туришда иштирок этади. Миячанинг пастки оёқчалари толачалар йигиндисидан ташкил топган тасма кўринишида булиб, юқорига қараб бўлинади ва туртгинчи қоринча пастки бурчагини, яъни ромбсимон чуқурчасини икки томонидан чегаралаб туради.

Орқа мия сатҳидаги пирамида билан олива ўртасида бош мия ўн икки жуфт нервлардан тил ости нерви (*p. hypophlossus*), оливанинг орқасидан ўтган IX тил-ҳалкум нерви (*p. hlossopharynphens*), X адашган нерв (*p. vagus*) ва XI қушимча нерв (*p. accessorius*) нерв илдизлари чиқади. Узунчоқ, мия билан кўприк ўртасида, яъни кўприк билан мияча ўртасидаги бурчакда VII, VIII жуфт юз ва эшитиш (*p. facialis*, *p. acousticus*) нервлари ядролари жойлашади.

Узунчоқ мия ҳам кулранг ва ташқари қисмида оқ моддасидан ташкил топган. Кулранг моддаси таркибида жойлашган IX, X, XI ва XII жуфт бош мия нервлари ядроларидан ташқари нозик ва понасимон дасталарининг ҳамда оливанинг ядролари жойлашади. Бу ядроларда нафас олиш, юрак ва қон томирлар ҳаракатларини бошқариб турувчи нерв ҳужайралари жойлашади. Булардан ташқари, сұлак ажратиш, овқатни ютиш, ичаклардаги безлардан ичак секретини ажратиш, йуталиш, аксириш ва қайд қилиш каби жараёнлар ромбсимон чуқурчасида жойлашган ядролар бошқаришда содир бўлади. Орқа миянинг оқ моддаси асосан узунчоқ, ва қисқа ўтказиш йўлларидан ташкил топган.

Мияча

Мияча (*cerebellum*) кўприк ва узунчоқ мия орқасида жойлашган булиб, уч булақдан: икки яримшарча ва ўртадаги тоқ қисми,чувалчангдан иборат. Мияча ўтказувчи вазифасини ўтайдиган уч жуфт тузилма орқали ўрта мия, Варолий кўпргири ва узунчоқ мия билан туташган. Мияча Варолий кўпргири ёрдамида катта яримшарлар билан ҳам алоқадордир. У бош суюгининг ички юзасидаги маҳсус орқа чуқурчада жойлашган. Мияча организм мувозанатини ва ҳаракатини мувофиқлаштириш каби вазифаларни бошқариб туради. Демак, ҳаракатни рефлекторлар асосида идора қилиш ва мускул тонусини сақлаб туради. Мияча иккита яримшарлардан ва филогенетик жиҳатдан бирламчи бўлган тоқ чувалянг қисмидан ташкил топган. Яримшарлар ва чувалянг қисмининг устки қисмидан кўндаланг эгатлар ўтади. Уларнинг ўртасида ингичка узун мияча япроқлари жойлашади. Мияча кулранг ва оқ моддалардан ташкил топган. Кулранг моддаси ичига ўсиб кирган оқ модда дарахтга ўхшаб шохланиб, япроқчаларга ўхшаб жойлашади. Миячанинг бу қисмига, миянинг ҳаёт дарахти деб ном берилган. Бундан ташқари оқ модда таркибида кулранг модда ядролари жойлашади. Бу ядро нерв илдизлари организм мувозанатини ва юриш-туришини рефлектор асосида бопцариб туради. Миячанинг уч жуфт оёқлари булиб, улар ёрдамида бош мия ва унинг бошқа қисмлари билан боланган бўлади.

Ортқи мия

Ортқи мияча (*metenciphalon*) вентраль жойлашган Варолий күптириги ва куприк орқасида жойлашган миячадан иборат. Күпприк (*pons*) сут эмизувчиларга нисбатан одамларда юқори даражада ривожланган бўлиб, узунчоқ мия устки қисмида кўндаланг жойлашган зич толаларнинг йўғонлашган қисми бўлиб, мия тубининг орқа томонида жойлашади, олдинги томонидан мия оёқчалари, орқа томонидан узунчоқ мия билан чегараланган. Күпприк билан мияча ўрта оёқлари ўртасидан ўттан чегара қисмидан уч шохли V жуфт нервининг (*p. trigeminus*) сезувчи ва ҳаракат нерв тармоқларининг илдизлари чиқади. Кўзни ташқарига тортувчи VI жуфт нерв (*p. abducens*) узунчоқ мия билан күпприкнинг орқа чети оралиғидан чиқади. Худди шу ерда, яъни күпприкнинг орқа бўлимида VIII жуфт эшитиш нерви (*p. statocusticus*) илдизлари жойлашган.

Күпприкнинг ўрта чизифи бўйлаб узунасига қараб жойлашган ўрта эгати бўлиб, миянинг асосий артерияси ётади. Күпприк фронтал йўналиш бўйлаб кесилганда уни олдинги ва орқа қисмлари фарқланади. Олдинги томони кўпроқ оқ, моддадан ташкил топган бўлиб, кулранг моддада кўплаб ҳар хил ядролар жойлашади. Кузатилган ядроларга бош мия яримшарларидан келган пўстлок күпприк ўтказиш йўлиниг толалари келади. Ядрочалардан эса миячага борадиган күпприк мияча ўтказиш йўлининг нерв толалари бошланади.

Ўрта мия

Ўрта мия (*mesenciphalon*) узунчоқ миядан кейин Варолий күпргининг олдида жойлашади. Тўрт тепалик, қизил ядро ва миянинг оёқчалари ўрта мия энг муҳим қисмларидан ҳисобланади. Ўрта миядан икки жуфт бош мия нервларидан кўзни ҳаракатлантирувчи нерв (*p. oculomotorius*) ва ғалтак нерви (*p. trahlearis*) чиқади. Тўрт тепаликнинг олдинги дўмбогида ёргулик нурларининг кучлилигига қараб кўз қорачишини торайтирувчи ва кенгайтирувчи, кўз олмосини ҳаракатга келтирувчи марказлар жойлашади.

Тўрт тепаликнинг орқа икки дўмбогида товуш йўналишларини аниклаб берадиган марказлар жойлашади.

Мия оёқчалари (*pedunculi*) мия яримшарларига ва мия пўстлогига борувчи нерв толаларини ташкил этади. Тўрт тепалик остида жойлашган мия сув йўли (Сильвилев сув йўли) IV қоринчани III қоринча билан бирлаштиради. Қизил ядро марказий нерв тизимињинг ҳамма қисмлари билан боғланган бўлиб, муҳим ҳаракат маркази ҳисобланади. Гавданинг тўғри вазиятда тутишини ва мускуларнинг уйғун ҳаракат қилишларини таъминлайдиган марказлар қизил ядрода жойлашади.

Оралиқ мия

Оралиқ мия (*diencephalon*) ўрта миянинг олдинги томонида жойлашган бўлиб, кўрув дўмбоги (*talamus opticus*) ва дўмбоқ ости соҳаси қисмларидаи (эпигіламус ва гипогіламус) ташкил топган. Кўриш

дүмбөкі тухумға үшішаган жуфт бүртиқ, бұлиб асосан мия кулрангт моддасидан ташкил топған. Бүртиқнинг олдинги юзаси (*hypothalamus*) бүртиқ ости билан туаташпап бұлади. Бүртиқ ости қисмида мия ортиғи (*hypophysis cerebri*) жойлашады. Буларни баш мия иккала яримшари медиал томонидан үрта ёригини икки томонга ажратылғанда күриш мүмкін. Гипофиз оёқчаси ёрдамида калланиңг понасимон танаси қисмидаги турк эгар чукұрчасида жойлашады, ички секреция безлари қаторига киради. Оралиқ мияда (эпіталаамусда) хідлов маркази ва эпифиз бези ҳам жойлашади. Бу без Ш қоринча орқа девори поғонасида жойлашты. Гипофиз бези гипоталаамус, яъни оралиқ мия дүмбөк ости қисми билан узвий боғланған. Гипоталаамусдан эффе-ренент толалар күриш дүмбөгларига, гипофизга, узунчоқ ва орқа мия-ча үтади. Бу толалар орқа мияда вегетатив нерв тизимининг тутун олди толаларини ҳосил қилинди иштирок этади. Үз навбатида гипоталаамус күриш дүмбөкларидан эфферент толалар келади.

Хозирги пайтда гипоталаамусда 30 дан ортиқ турли хил марка-зий ядролар борлығи аниқданған. Үнда оқсиллар, ёғлар, тузлар ва сув алмашинуви, ичак, қон-томирлар, бачадон, қовуқ, деворлари мускулларининг қисқаришини организмда иссиқлик алмашинуви бошқарувчи марказий ядролар жойлашты. Гипоталаамусда жойлашты нейро-секретор хужайралар ҳар хил гормонларни ишлаб беради. Үндаги супраоптик ва паравентрикуляр ядроларни ишлаб берадиган гормонлар ҳозирги вақтда үрганилған. Гипоталаамус баш мия яримшарлари пүстлоги билан боғланған бұлиб, доим унинг назорати остида ишлайди.

Охирги мия

Охирги мия (*telencephalon*) иккита яримшардан (*hemispheria cerebri*) ташкил топған. Ҳар бир яримшар плашч (ёнқыч), ҳыд би-лиш мияси, базал ядролар ва қоринчалардан тузилған. Яримшарлар миянинг үртасидан узунасига йұналған чукур ёриғ билан бир-биридан ажралған бұлади. Уларнинг остида иккала яримшарларни бирлаштыриб турувчи қадоқсимон тана (*corpus colosum*) ётади. Мия мантятияси (плашч-ёнқыч) одамларда ниҳоят даражада ривожланған бұлиб, марказий нерв тизимининг барча қисмлари ҳамда пүстлөк ости ядролари устидан ҳам бошқарып туришни таъминлайди. Шу-нинг учун мантия "әнг янги мия" деб ҳам юртилади. Демак, мия мантятияси марказий нерв тизими боліқа қисмлари билан бир қаторда мия пүстлоги томонидан ҳам болшарилади, яъни ҳар бир функция мия мантиясига боғлиқ ҳолда амалға оширилади. Булардан таш-кари, мантияда марказий нерв тизимининг барча қисми үз бұлакла-рига эта нерв хужайраларидан ташкил топған баш мия пүстлогини ташкил этади, яъни у ерда хилма - хил таъсиротларнинг марказлари жойлашады. Мия усткі қисмидан үтін үчтә асосий шаттардағы мар-казий (*sulcus centralis*), ён (*sulcus cerebri lateralis*) ва тепа-энса (*sulcus parietooccipitalis*) яримшарлари ҳар бирини қуйидай бұлакларға бұлади: 1) пешона, 2) тепа, 3) энса ва 4) чакка бұлаклари. Буларға ён

(сильвий) эгати остида жойлашган бецинчи бўлаги ҳам киради. Ҳар бир эгат ўз навбатида бўлакларни пуштларга (*syrinx*) ажратади.

Пешона бўлаги (*lobus frontalis*) яримшарлар олдинги қисмида жойлашган бўлиб, унинг устидан ўтган марказ олди эгати, юқориги ва пастки эгатлар пешона палласида тўртга пуштгни ҳосил қилади. Буларга марказий эгат олди пушти, пешонанинг ўрта ва пастки пуштлари киради.

Тепа бўлаги (*lobus posterior*) марказ орқа, унга кўндаланг кетган устки ва остки эгатлар воситасида учта-марказий, остки ва устки пуштларни шакллантиради. Энса бўлаги ҳам бир нечта эгатлар воситасида майдо пуштларни ҳосил қиласади.

Чакка бўлаги (*lobus temporalis*) устидан кеттан эгатлар устки, ўрта ва остки чакка пуштларга ажратилади. Яримшарларнинг ички юзасида, қадоқсимон тананинг устидан бир нечта пуштлар жойлашади, уларга белбоғ пуштлари, денгиз ости ва гумбазсимон пуштлар киради. Яримшар остки юзаси олдинги қисмида ҳиддов йўли жойлашган. Юқорида кўриб ўтилган эгатлар ва пуштлар ривожланиш даврининг охирги босқичларида шаклланиб, айрим ҳолларда қисман ўзгаришлар ҳам бўлиши мумкин.

Ен қоринчалар (*ventriculus lateralis*) мия яримшарлари ички қисмида қадоқсимон тана остидаги оқ модда сатҳида жойлашган бўшлиқ I ва II мия қоринчаларини ташкил этади. Булар бошқа қоринчаларга нисбатан анча кенг бўлиб, тўрт қисмни ташкил этади. Яримшарнинг пешона бўлими олдинги шохни ташкил этади, энса бўлими орқа мия, яъни чакка бўлимида-пастки шохи ва марказий қисми эса мия бўлимини ташкил этади. Қадоқсимон тананинг икки йўналиши буйича тармоқланган толалари бу қоринчаларнинг юқори қисмини ташкил этади. Юқорида айтиб ўтилган дек, қоринчалар ўргасидаги тешикчалар орқали бир-бири билан ҳамда орқа мия суюқлиги билан тулашган бўлади.

Бош мия яримшарлар пўстлоғининг тузилиши

Бош мия яримшарларининг пўстлоғи мия стволи ва орқа мия ҳаракат аспаратлари билан пирамидал нерв толалари орқали боғланган. Кулранг моддадан ташкил топган мия пўстлоғи остида оқ моддадан ташкил топган нерв толалари жойлашади. Мия пўстлоғи қалинлиги яримшарларнинг турли қисмларида ҳар хил бўлиб, 1,3 мм.дан 5 мм. гача бўлади. Мия пўстлоғида нерв ҳужайралари қаватлар ҳосил қилиб жойлашади. Лекин пўстлоғининг турли функцияларини бажарадиган жойларда ҳужайралар қавати турли миқдорда бўлади. Мия пўстлоғининг маълум бир функцияни бажарадиган қисмининг ҳар бир қаватида нерв ҳужайралари таҳминан бир хил бўлади. Лекин ҳужайраларининг шакли, соти ва жойлашиши таркибига кўра турли қаватлар бир-биридан фарқ қиласади. Мия пўстлоғининг барча ҳужайралари асосан мультиполар нейронлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг шакллари ҳар хил бўлади. Асосан пирамидасимон, юлдузсимон, ўргимчаксимон ва кўндаланг жой-

лашган нейронлар учрайди. Мия яримшарлари пўстлоғининг энг кўп учрайдиган олти қаватли соҳасида нерв ҳужайраларининг қаватлари қўйидагича жойлашиши кузатилган.

1. **Молекуляр қават** (*lamina molecularis*) мия юмшоқ пардаси остида юза зоналар қавати бўлиб, асосан урчуқсимон майдада ассоциатив нейронлардан ташкил топган. Уларнинг нейритлари мия сиртига параллел ҳолда жойлашган нерв толаларининг чигалини ташкил этади.

2. **Ташқи донадор қават** (*lamina granularis externa*) ҳар хил шаклдаги майдада нерв ҳужайраларидан ташкил топган. Уларнинг кўпчилигини пирамидасимон ҳужайралар ташкил этади. Айрим нейрон ўсимталари биринчи молекуляр қаватта ҳам ўтиб кетади.

3. **Пирамидасимон ҳужайралар қавати** (*lamina pyramidalis*) асосан урта ва катта пирамидасимон ҳужайралардан ташкил топган. Нейронлардан чиқсан дендритлари молекуляр қаватда тутайди, айримлари ёнида жойлашган нейрон дендрити билан синуслар ҳосил қиласди. Нейритлар оқ модда томон йўналган.

4. **Ички донадор қават** (*lamina granularis interna*) иккинчи қаватга ўхшаб майдада доначалардан ташкил топган пирамидасимон нейронларни ташкил этади. Пўстлоқнинг ҳар хил соҳалари тузилиши билан фарқланади. Бу қават пўстлоқ айрим қисмларида учрамаслиги мумкин.

5. **Тугунчали қават** (*stratum granulosum cerebri*) асосий йирик пирамидасимон нерв ҳужайраларидан ташкил топган. Пўстлоқнинг ҳаракатлантирувчи марказларида, яъни олдинги марказий пуштларда кўплаб учрайди. Бу ҳужайралар биринчи бўлиб, 1871 йилда киевлик олим В.Я. Бец томонидан топилиб ўрганилгани сабабли бу нерв ҳужайраларига Бец ҳужайралари номи берилган. Бу нейронларнинг нейритлари ҳаракатлантирувчи нейронлари билан синапслар ҳосил қиласди.

6. **Полиморф ҳужайралар қавати** (*lamina multiforme*) хилмажил ҳужайралардан ташкил топган. Нейронларнинг нейритлари оқ моддага йўналган бўлиб, дендритлари эса, молекуляр қаваттacha боради. Мия пўстлоғида ҳужайраларнинг сони тахминан 10-14 млн. ни ташкил этади.

Бош мия пўстлоғида атроф-муҳитдан келувчи ташқи ва организм ички соҳасидан келувчи таъсиrotларни қабул қилиб ўзлаштириш ва керакли жавобнинг импульсни беришга мослашган. Пўстлоқнинг ҳамма қаватларини ташкил қилувчи ҳужайралари мияга келувчи нерв толалари билан боғланган энг кўп эфферент импульслари таламус ядролари орқали мия пўстлоғи 3-4 қаватни ташкил қилувчи нейронларга қараб йўналади. Бош мия пўстлоғи организмнинг бир бутунлигини сақлади, турли хил вазифаларни бошқариб тартибга солиб туради. И.П. Павлов бош мия пўстлоғи анализаторлар маркази деб ёзиб қолдирган.

Ўзининг илмий -тадқиқот изланишлари натижасида олинган аниқ маълумотларига асосланиб, И.П. Павлов қўйидагиларни ёзади: одам миясининг пўстлоғи ташқи муҳит билан доимо алоқада бўлиб, у би-

лан бирга ишлайдиган бир бутун организмнинг ва шунингдек, унинг айрим аъзолари ҳамда тизимларининг ҳаёт фаолиятини идора қилиб уни йўналтириб туришга асосий манба ҳисобланади. Бу жараён мия пустлоғи кўплаб қисмлари орқали амалга опирилиб туради.

Бош мия пардалари

Бош мия пардалари мезенхимадан ривожланади. Орқа мия пардаларига ўхшаб устма-уст жойлашган уч қаватни ташкил этади. Буларга қаттиқ, тўр ва томирли пардалар киради.

1. *Бош мия қаттиқ пардаси* (*dura mater encephali*) калла бушлиғи ички юзасини ташкил этувчи зич бириктирувчи түқимадан ташкил топган биринчи қават бўлиб, орқа мия пардаси ҳисобланади. Калла суяклари ички томондан суяқ устки пардасини ташкил этади. Қаттиқ парда мия бушлиғига қараб бир нечта ўсиқчаларни чиқаради. Буларга тепа суяклардан яримшарлар орасидан ўсиб чиқдан энг катта уроқсимон ўсимта, мияча яримшарларини ажратиб турувчи кичик уроқсимон ўсимта, турк эгари ўсимталари киради. Мия тусиклари ва бошқа нотекисликлар мия яримшарлари олинганда яхши куринади. Қаттиқ парда суяклар эгатлари устидан ўтиб, вена қон томирлари учун коваклар ҳосил қиласди.

2. *Тўр парда* (*arachnoidae*) жуда кўп майдага тешикчаларга эга. Мия эгатлари устидан кўприкка ўхшаб ўтиб бушлиқ ҳосил қиласди. Айрим жойларда йирик бушлиқлар ҳосил қилган, бу бушлиқларда тиниқ мия суюқлиги жойлашади. Бу суюқлик бошқа бушлиқлар ҳамда қоринчалар суюқлиги билан алоқада бўлади.

3. *Томирли парда* (*pia mater encephali*) таркибида кўплаб қон томирлари ва нерв томирларига бой бўлган юпқа пардадан ташкил топган. Қон томир чигалларининг ва мия суюқлигининг ҳосил булишида қатнашади. Мия суюқлиги орқа ва бош мия қоринчалари ва бушлиқларида айланиб туради. Мияларда модда алмашиниш жараёнида иштирок этиши билан бирга ҳар хил механик таъсиротлардан ҳам сақладиди. Мия бушлиқларидағи босимни меъёрида бошқариб туради.

БОШ ВА ОРҚА МИЯ ЎТКАЗУВЧИ ЙЎЛЛАРИ

Нерв тўқимасининг тузилиши ва функционал бирлиги нерв ҳужайралари ва уларнинг ўсимталари ҳисобланади. Нейрон ўсимталари бир-бири билан синапслар ҳосил қилиб туташади. Натижада таъсиротлар бир нейрондан иккинчи нейронга ўтади. Нейронлар занжири ўтказувчи йўл ҳисобланади. Бу йўлнинг айримлари жуда қисқа бўлиб, улар орқа миянинг турли элементларини ўзаро туташтириб туради. Йўлларнинг бошқа хиллари эса орқа мияни бош миянинг турли қисмлари билан боғлайди. Орқа мия йўллари таъсиротларни, импульсларни қай йўналишда ўтказишига қараб иккига, яъни марказга интигувчи йўлларга ва марказдан қайтувчи йўлларга бўлинади. Турли рецепталарнинг қўзғалиши

туфайли вужудга келган импульслар орқа миядан бош миянинг тегишили қисмларига марказга иштигувчи афферент йўллари орқали ўтказилса, бош миянинг тегишили қисми ва орқа миянинг юқори сегментларидан келадиган жавоб реакциялари тегишили марказдан қочувчи эфферент йўллари орқали пастга орқа мия, мияча ва қуий сегментларига ўтказилади. Ўтказувчи йўллар функциясига қараб **проекцион-сезувчи** ва ҳаракатлантирувчи йўлларга, рефлекс йўли билан ҳосил бўладиган **рефлекс йўлларига** ва мия турли соҳаларни бир бири билан боғлаб турувчи ассоциацион йўлларга бўлинади. Шундай қилиб сезувчи проекцион йўллари эса марказдан периферияга қараб йўналган бўлади. Булар биргаликда рефлектор йўлларининг бир қисми ҳисобланади.

Ўтказувчи йўлларнинг айримларини изоҳлаб утамиз:

1. Мия пўстлоғидан орқа миячага борадиган йўл икки нейрондан ташкил топган бўлиб, биринчиси бош миянинг олдинги марказий шуншидан ўтиб мия оёқлари, Варолий кўприги ва узунчоқ миядан ўтиб, орқа мияга ўтишда толаларнинг бир қисми кесишиб ўнг томондаги толалар чап томонга, чап томондагиси эса ўнг томонга ўтади. Кесищмаган толалар эса орқа мия сегментларида кесишиб, олдинги шохидатугайди. Иккинчи нейрон эса бу ердан бошланиб мускуллар томонга қараб йўналади. Бу йўл пирамида йўли номи билан ҳам аталади (72-расм).


2. Мия пўстлоғи билан нерв ядролари ўртасидаги йўл ҳам икки нейронли бўлиб, биринчиси мия пўстлоғидан чиқиб, бош мия нервлари ядроларига боради. Иккинчи нейрон шу ядролардан бошланиб, бош миянинг III, IV, VI ва VII нервлари бўйлаб йўналади.

3. Қизил ядро билан орқа мия ўртасида олти нейронли Монаков йўли. Бу йўл нейронлари мускуларнинг организм иктиёрисиз ишлашини бошигаради. Мускул тонусларини тартибга солувчи импульсларни ўтказади. Бу йўлнинг биринчи нейрони қизил ядродан бошланади, кўпик олдидағи толалар кесищади, сўнг орқа миянинг ҳар бир сегментидаги олдинги шохларига ўтади. Иккинчи нейрон олдинги шох ҳужайраларидан мускулларга қараб йўналади.

4. Мия ҳаракатини тартибга солувчи йўл б нейронли мураккаб йўл бўлиб, қизил ядро билан орқа мия ўртасидаги йўлнинг қолган 4 нейронидан ташкил топган. Бу йўллар ҳам мускуллар мувозанатини, тонусини автоматик равишда тартибга солади. Асосан орқа мия билан мияча ўргасидаги олдинги ва орқа йўллардан ташкил топган.

5. Эшигтуб йўли уч нейронли бўлиб, биринчи нейрон қулоқ чаноғи ичидағи кортил яқинидаги тутундан бошланиб варолий кўпиги ядроларида тугайди. Бу ердан иккинчи нейрон бошланиб юқори оливага боради. Учинчи нейрон эса оливадан бошланиб, турт тепаликни пастки икки тепалигида, яъни пўстлоқ ости эпитетув марказида тугайди.

6. Кўрув йўли тўрт нейронли бўлиб, биринчи нейрон дендритлари тайёқчалар ва колбачалар шаклида бўлиб, бу тўр парданинг



72-расм. Пирамида йўли.

1 - мия яримшари марказий эгалишининг бошланиш қисми; 2 - бош миянинг ички капсуласи; 3 - мия оёқчасининг асоси; 4 - кўптик нейронлари; 5 - узунчоқ мия пирамидаси; 6 - пирамидаларнинг кесишган қисми; 7 - орқа мия латерал пирамида йўли; 8 - орқа мия олдинги пирамида йўли; 9 - орқа мия кулранг қисми олди шари; 10 - орқа мия ҳаракат нервлари.

иккинчи қавати ҳисобланади. Иккичи нейрон шу ҳужайралардан бошланиб, тўр қаватининг қутбли ҳужайралари бўйлаб кетади, сўнг ундан куриш йўли учинчи нейроннинг нейритлари бошланаади. Учинчи нейрон кўз косачасининг каналидан ўтиб, калла бўшлиғида кеси шади, сўнг алоҳида иккита тепачалари ёстиғида якунланади. Тўртинчи нейрон эса миянинг энса кўш эгатининг атрофидаги пўстлоғида тутайди.

ПЕРИФЕРИК НЕРВ ТИЗИМИ БОШ МИЯ НЕРВЛАРИ

Сут эмизувчиларда ва одамларда бош мия нервлари 12 жуфт бўлса, балиқларда ва амфибияларда 10 жуфтдан бўлади. Охирги икки жуфти орқа миядан чиқади. Бош мия нервлари одатда ўзининг номига, доимий тартибли рақамига эга бўлиб, таркибида афферент, эфферент ва вегетатив нерв толалари кузатиласиди. Бош мия нервлари ядролари кулранг моддада жойлашади. Улар вазифаларига қўра сезувчи, ҳаракатлантирувчи ва аралаш нервларга бўлинади.

Бош мия нервлари қўйидағи тартибда рим рақами билан белгилануб ўрганилади:

I. **Ҳидлов нерви** (*p. olfactoii*) хидни сезиб, қабул қилувчи биринчи нейрон рецепторлари бурун бўшлиғидаги иккинчи ёки учинчи бурун чаноқлари ҳамда бурун тўсиги шиллиқ қавати остида тарқалади. Бу нервда нерв тугуни бўлмайди. Периферик нерв ўсимгалари бурун бўшлиғи юқори қис-

мидаги эшителий түкімаси остида жойлашади. Улар йиғилиб, 15-20 та ингичка ипсімон толачалардан иборат марказий толачага айланади. Бу толача галвирсімон сұяқ тешикчаларидан ўтиб, иккінчи ҳіддөв нерви билан бош мия пешона бўлаги остида учрашади.

II. Кўрув нерви (*n. opticus*) сезув нерви бўлиб, кўз соққасининг тур пардасидан бошланади. Кўз соққасининг орқа қутбидаги жойлашган кўрув канали орқали калла бўшлигига ўтади. Турк эгари қисмида иккала нервнинг бир қисми кесишади, кесишган қисмлари ўнгдан чапга, чапдагиси ўнгта ўтади. Кесишганидан сунг улар кўрув тармоғи нервини ҳосил қиласи. Мия оёқчасини айланаб ўтиб, медиал ва латерал тутамларни ҳосил қиласи. Латерал тутами латерал тиззасида якунланса, медиал тутами таламусга ўтади.

III. Кўзни ҳаракатлантирувчи нерви (*n. oculomotorius*) ҳаракатлантирувчи ва парасимпатик нерв толаларини ўз ичига олади. Мия оёқчаларидан бошланади. Кўз косасининг юқориги ёриғи орқали кўз косасига ўтади ва кўзни ҳаракатлантирувчи мускуллардан юқориги, ички, пастки, ичкариги тури ва пастта қия мия мускулларига тарқалиб, уларни иннервация қиласи. Парасимпатик нерв толалари эса, кўз қорачигини торайтирувчи ва киприк мускулларига боради, айрим толалари кўз косаси орқасидаги киприк нерв тугунига туташади.

IV. Фалтак нерви (*n. trochlearis*) ҳаракатлантирувчи нерв толаларига киради, ўрта мия пастки иккита тедалик ёнидан бошланади. Бош нервлар ичиде энг ингичкаси ҳисобланади. Кўз косасининг юқориги ёриғи орқали кўз косасига ўтади ва кўзнинг устки қия мускулларига бориб, уни иннервация қиласи.

V. Уч тармоқли нерв (*n. trigeminus*) аралаш нервлар қаторига киради. Таркибида ҳаракатлантирувчи ва сезувчи толалар бўлиб, айрим толаларга парасимпатик нерв толалари ҳам қўшилган булади. Унинг сезувчи нейронлари калла суюги бўшлиғида ҳаракатлантирувчи толалар билан қўшилиб, айрим ойсімон тугунни (*ganglion semilunare assenu*) ҳосил қиласи. Ярим ойсімон тугундан нервнинг учта тармоғи чиқади. Буларга: 1) кўз нерви; 2) юқориги жағ нерви; 3) пастки жағ нервлари киради.

1. Кўз нерви (*n. ophthalmicus*) калла суюклар бўшлиғидан кўз косасининг устки ёриғига ўтиб, кўз косасига кириб тармоқланади. Унинг тармоқлари, кўз ёш тармоғи алоҳида бўлиб, тўғри кўз ёши безига боради. Бошқа тармоқлари эса кўз соққасига, пешона, тепа, қовоқ териларига ҳам фалвирсімон ва понасимон суюклар бўшлиқларига кириб, шиллик, қаватларини иннервация қиласи.

2. Юқориги жағ нерви (*n. maxillaris*) уч тармоқли нервнинг иккінчи тармоғи бўлиб, асосан сезувчи нерв толаларидан ташкил топган, у қуйидаги қисмларни нерв билан таъминлайди. Буларга миянинг қаттиқ пардаси, пастки қовоқ териси, юқориги лаб шиллик қавати ва териси, бурун бўшлиғи орқа ва пастки шиллик пардаси, понасимон суюқ бўшлиғи деворларидағи қават юқори жағ тишилари киради. Юқориги жағ нерви калла бўшлиғидан понаси-

мон сүяк думалоқ тешиги орқали қанот-танглай чукурчасига ўтиб, ўзидан тұрғта шохча чиқаради. Буларга күз косаси пастки қисмі-га борувчи нерв, қанот танглай, устки катақчалар ва ёноқ, нервла-ри булиб, асосан юқорида келтириб ўтилган юқори жағ қисмла-рини иннервация қиласы.

3. *Пастки жағ нерви* (*p. mandibularis*) араш нервлар қатори-га киради. Таркибида ҳаракатлантирувчи ва сезувчи толалар мав-жуд. Бу нерв ҳам овал тешиқдан чиқиб иккита гурухға бўлинади. Ҳаракатлантирувчи толалари асосан чайнов мускулларига борса, сезув толалари эса оғиз бўшлиғи туб қисмидаги шиллик пардаси-ни, тил шиллик пардани, тил ости ва жағ ости безларини, пастки жағ тишларини, милкларни, даҳан ва чакка атрофдаги териларни иннервация қиласы.

VII. Узоқлаштирувчи нерв (*p. abducens*) ромбсимон чукурчада жойлаштан ядролар нервнинг нейрит ўсимтасидан ташкил топ-ган. Пирамида ва күпприк орасидан мия юзасига чиқиб, кўзниң юқориги ёриғи орқали күз косасига ўтади. Кўз олмосининг ташқи тўгри мускулига бориб тармоқланади ва асосан шу мускулларни иннервация қиласы.

VIII. Юз нерви (*m. facialis*) араш нервлар қаторига киради. Таркибида ҳаракатлантирувчи, сезувчи нерв толалардан ташқари парасимпатик нерв толалари ҳам учрайди. Мия юзасига күпприк-нинг орқа қирғоғидан чиқиб чакка сугининг ички эшигув теши-гига киради, пирамидадаги юз нерви каналидан ўтиб, бегизсимон ва сўргичсимон ўсимталар ўртасидаги тешик орқали ташқарига чиқади ва қулоқ олди сўлак безига кириб тармоқланади ва қулоқ, олди бези чигалини (ёки катта ғоз, панжаси) ҳосил қилиб юз со-ҳасида тармоқланади. Тармоқлари мимика мускулларини, бўйин-нинг тери ости мускулларини ва икки қоринчали мускулларини иннервация қиласы. Сезув ва парасимпатик нерв толалари бурун ва танглай ости безлари тил шиллик пардасини, аччиқ-чучукни, таъм-мазани билиб берувчи сўргичларни, тил ости ва жағ ости сўлакларни иннервация қиласы.

VIII. Даҳлиз чиганоқ нерви (*p. vestibulocochlearis*) асосан сезув нерви булиб, иккита даҳлиз ва эшигув аппаратига (чиганоққа) бо-рувчи нервдан ташкил топган. Бош миядан чиқиши жойи Варолий кўпргининг орқа қирғоғи ҳисобланади.

1. Даҳлиз нерв импульсни вестибуляр аппаратурдан олиб ўтказиб беради, демак одам танаси ва бош қисми мувозанатини сақлашди иштирок этади.

2. Чиганоқ нерв импульсларни эшигув аъзоларидан олиб ўтка-зиб беради (эшигув ва мувозанат аъзоларига қаранг).

IX. Тил-ютқин нерви (*p. glossopharyngeus*) узунчоқ миядаги оли-ванинг ташқи юзасида бир нечта толалар шаклида кузатилади. Бош мия сүяклари бўйлиғидан бўйинтуруқ тешиги орқали чиқа-ди. Таркиби ҳаракатлантирувчи, сезувчи ва парасимпатик нерв толаларидан ташкил топган. Сезув нерв толалари атрофида ўрал-

ган йирик тил сүрғичларини, тилнинг орқадан учдан бир қисми шиллиқ пардасини, ҳалқум ва ўрта қулоқ шиллиқ пардасини иннервация қиласи. Нерв таркибида ҳаракатлантирувчи нерв толалари ҳам бўлиб, ютқин атрофидаги мускулларга боради. Парасимпатик нерв толалари эса қулоқ ости безига бориб тармоқданади ва нерв билан таъминлади.

X. Адашган нерв (*p. vagus*) бош мия нервлари ичди энг узуни қисбланади, аралаш нервлар қаторига киради. Таркибида соматик ҳаракатлантирувчи, сезувчи ва парасимпатик нерв толалари учрайди. Узунчоқ миянинг орқа этагидан чиқиб, бўйинтуруқ тешиги орқали калла суюгидан чиқиб бўйинга тушади. Бўйиндан ўтиб кўкрак бўшлиғига тушади ва бу ерда ўзидан бир неча тармоқларни чиқаради. Асосий тармоғи қизилўнгач бўйлаб қорин бўшлиғига тушади. Адашган нерв бош миядан чиқищдан бошлаб бош, бўйин, кўкрак ва қорин бўшлиғидаги қисмларга бўлинади ва охиригача атрофга тармоқларини бериб боради. Ҳаракатлантирувчи толалари ютқин ва юмшоқ танглай мускулларига бориб, уларни иннервация қиласи. Кўкрак қафаси соҳасидаги толалар юракка (юрак ишини сусайтиради), трахеяга, бронхларга бориб тарқалган толалари жигар, меъда ости бези, буйракларни, талоқ, ингичка ва йўғон ичакларни (ичак ишини тезлаштиради) нерв билан таъминлади.

XI. Қўшимча нерв (*p. accessorius*) асосан ҳаракатлантирувчи бўлиб, ривожланиш жараёнида адашув нервидан ажралиб чиқади. Адашув нерви ва орқа мия нерв толалари сифатида узунчоқ мия ва орқа мия ядроларидан чиқади. Орқа мия қисми энса суюги катта тешигидан бош мия бўшлиғига кириб, у ерда адашув қисми билан туташиб, асосий нерв стволини ташкил этади. Қўшимча нерв калла бўшлиғи ичди ташқи ва ички тармоқларига бўлинади. Ички тармоғи адашув нервга туташиб кетади ва адашув нерв ҳаракатлантирувчи толалари билан биргалиқда йўналади. Ички толанинг сезувчи толалари ҳам адашув нерв сезувчи толаларига қўшилади. Иккинчи ташқи тармоғи эса бўйинтуруқ тешиги орқали чиқиб, трапециясимон мускулда тармоқданади. Қўшимча ва бўйин нервлари бир-бири билан қўшилиб, кўкрак-ўмров-сўргичсимон ўсимта ва трапециясимон мускулни иннервация қиласи.

XII. Тил ости нерви (*p. hypoglossus*) асосан ҳаракатлантирувчи нерв толаларидан ташкил топган. Тил ости нерви таркибида бошқа нерв толалари ҳам учрайди. Сезувчи нерв толалари адашув нерв тугуллари, нерв ҳужайраларидан, умуртқалараро тутуналардан тарқалиши мумкин. Тил ости нерви толалари узунчоқ мияда койлашган ҳаракат ядроларидан бошланади, пирамида ва олива ораларидан чиқади. Энса суюгининг шу номли канали орқали пастга тушади. Толалари тил ва тил ости мускулларини иннервация қиласи. Пастга тушувчи толаси бўйин нервлари билан қўшилиб бўйин мускулларига тармоқданади.

ОРҚА МИЯ НЕРВЛАРИ

Орқа мия нервлари (*pl. spinales*) марказий нерв тизимининг аж-
ралмас бир қисми бўллиб умуртқа пофонасининг ичидаги, орқа мия
канали бўйлаб унинг атрофида кулранг моддада жойлашади. Кул-
ранг модданинг олди томонидан олдинги ҳаракатлантирувчи нерв
шохлари, орқа томонидан эса орқа сезувчи нерв шохлари чиқади.
Бундан ташқари орқа миянинг кўкрак қисмида кулранг модда-
нинг икки ёнидан бўргиб чиқсан шохча бўлиб, уларга ён шохлар
дейилади. Юқорида айтиб ўтилганидек, кулранг модда асосан нерв
хужайраларидан ташкил топган бўлса, оқ модда — нерв толалари-
ни ташкил этади. Сезувчи нерв толаларини ташкил қилувчи орқа
шохлар умуртқалараро тешикдан чиқиб тутун ҳосил қиласади, сўнг
олдинги ҳаракатлантирувчи нерв толалари билан туташиб, аралаш
нерв толасини ҳосил қиласади. Бунга орқа миядан чиқадиган нерв
деб аталади. Орқа мияда шундай нервлардан 31 жуфтни мавжуда.
Буларнинг 8 жуфти — бўйин қисмидан, 12 жуфти — кўкрак, 5
жуфти — бел, 5 жуфти — думғаза ва 1 жуфти — дум қисмларида чиқади.
Орқа миядан чиқадиган бўйин, кўкрак ва 1-2 жуфт бел
нервлари таркибида ҳаракатлантирувчи ва сезувчи нерв толалари-
дан ташқари ёнбош шохлардан чиқсан симпатик нерв толалари,
охирги думғаза нерв толалари таркибида эса эфферент парасим-
патик толалар учрайди. Орқа мия шохлари чигаллар ҳосил қил-
масдан мускуллар ва терига бориб уларни иннервация қиласади.
Олдинги шохлари ички аъзоларга тармоқланишидан олдин бир-
биirlари билан туташиб аралашади ва чигаллар ҳосил қиласади. Бун-
дай чигаллардан тўрттаси учрайди: 1) бўйин чигали, 2) елка чига-
ли, 3) бел чигали 4) думғаза чигал. Кўкрак қисми чигал ҳосил
қилмасдан мустакил равишда қовурғалараро бўшиликка ўтади.

Бўйин чигали

Бўйин чигали (*plexus cervicalis*) юқориги тўртта (I-IV) бўйин
умуртқаларининг олдинги шохларидан шаклланиб, бўйин чуқур
мускуллари орасида жойлашади. Устки томонидан туш-ўмров
сўрғичсимон мускуллар билан чегараланади. Бўйин чигали ара-
лаш, яъни ҳаракатлантирувчи ва сезув нерв толаларидан ташкил
топган. Бўйин чигали ўзидан бир нечта тармоқлар чиқаради.

1. *Диафрагма нерви* (*p. phrenicus*) аралаш нервлар қаторида
бўйин чигалининг йирик нервларидан хисобланади. Чигалдан чи-
қиб олдинги парвонсимон мускулнинг олдинги юзаси бўйлаб паст-
га тушиб, кўкрак қафасининг юқориги тешиги орқали кўкрак қафа-
сига ўтади. Бу ерда плевра ва перекард ўртасидан ўтиб, диафраг-
мага тарқалади. Сезув нервлари, қорин пардаси ва жигар боғлам-
чаларига тарқалади.

2. *Китта қулоқнинг нерви* (*p. auricularis magnus*) сезув нерв
бўлиб, чигалдан чиқиб юқорига кўтарилади, қулоқ нервини, юз ва
чакка соҳасига яқин жойларни иннервация қиласади.

3. **Кичик энсаннинг нерви** (*n. occipitalis minor*) сезувнега булиб, энса соҳаси ташқи қисми терисини, сурғичсимон ўсимтани, қопловчи терини иннервация қилади.

4. **Бўйиннинг кўндаланг нерви** (*n. transversus colli*) сезувчи нерв булиб, унинг тармоқлари бўйин олди, яъни ияк остидан ўмровгача бўлган ён қисм терисини таъминлайди.

5. **Ўмров ости нервлари** (*n. supraclavicularis*) — сезув нервидир. Тармоқлари кўкракнинг ўрта чизигидан бошлаб дельтасимон мускулгача бўлган юқори қисмини иннервация қилади.

6. **Бўйин чигалидан чиқадиган ҳаракат нерв толалари** асосан бўйин атрофидаги мускулларга тарқалади. Буларга бошнинг тўғри ва ён мускуллари, бош ва бўйиннинг узун мускуллари, нарвонсимон мускуллар ва түш-ўмров сурғичсимон мускуллар киради. Айрим толалари тил ости суягининг пастки қисмида жойлашган мускулларга ҳам тарқалади.

Елка чигали

Елка чигали (*plexus brachialis*) бўйиннинг пастки қисмидан V, VI, VII, VIII бўйин нервлари ва қисман биринчи кўкрак нервининг олдинги шохларидан ҳосил бўлади. Олдинги ва ўрта нарвонсимон мускуллар орасида жойлашган, сўнг қўлтиқ ости чукурчага ўтади. Елка чигали нервлари ўмров суяги устки ва пастки қисмларига булинади. Елка чигалидан узун ва қисқа нерв тармоқлари чиқади. Узун нервлар ички, ташқи ва орқа мия пояларини (стволини) ташкил этади. Қисқа толали нервлар елка чигалининг ўмров устки қисмидан бошланади ва ромбсимон, куракни кутарувчи, олдинги тишли, куракнинг остидаги ва устидаги, катта ва кичик курак, ҳамда орқа сербар мускулларни иннервация қилади.

Елка чигалининг узун тармоқлари ўмров суягининг остики қисмida жойлашиб, учта пояни (стволни) ташкил этади. Ҳар бир поя ўзидан бир нечтадан нервларни чиқаради.

1. **Қўлтиқ нерви** (*n. axiplaris*) аралаш нерв булиб, бошқаларга нисбатан калтарокдир. Елка чигали орқа поя тармоғидан чиқади. Елка суягини хирургик бўйин соҳасида айланиб ўтади, дельтасимон мускул, кичик думалоқ мускул ва елка суяги ташқи юзаси терисини иннервация қилади.

2. **Оралиқ нерв** (*n. medialis*) ички ва ташқи нерв пояларидан ҳосил булиб, елкада шу номли артерия билан бирга ёнма-ён ётади, лекин елка қисмидан ҳеч қандай нерв толаси чиқмайди. Тирсак чукурчасидан билакка ўтиб, ундаги юза ва чуқур жойлашган мускулларни иннервация қилади (қўл панжасини букувчи тирсак мускули, бармоқларни букувчи чуқурроқда жойлашган мускулларнинг тирсак қисми бундан мустасно). Оралиқ нерв похлари бош бармоқ төпалик қисмидаги мускулларни, иккита чигалланган мускулини ҳамда I, II, III бармоқ териси ва IV бармоқ ташқи ярмии нерв билан таъминлайди.

3. **Тирсак нерви** (*n. ulnaris*) елка чигалининг ички поясидан чи-

қади, аралаш нерв елка қисмида шу номли артерия билан ёнма-ёнгөтәди. Билак артерия ва веналари билан биргә құл кафтига бориб иккита шохга бўлинади. Тирсак нерви құл панжасини букувчи тирсак мускули билан бармоқларни букувчи мускуллар орасида жойлашиб, уларни иннервация қиласы. Тирсак нерви билан суюгинини пастки қисмида орқа ва кафт бармоқларига бўлинади. Кафт тармоғи құл панжасига ўтиб V бармоқ тепалигида мускуларни, сужалараро мускулларни, ички томонда 2 та чувалчангсимон мускулни бош бармоқни яқинлаштирувчи мускулни, шунингдек кафт томони терисини, IV, V бармоқ терисини нерв билан таъминлайди, орқа сезув тармоқ V, IV ва III бармоқ ички терисини иннервация қиласы.

4. *Мускул тери нерви* (*p. musculocutaneus*) елка чигалининг ташқи поя тармоғидан чиқади. Аралаш нерв чигалидан чиқиб, тумшуксимон ўсимта билан елка ўсимтаси ўртасидаги мускулни тешиб ўтиб, елканинг олдинги гурух мускулларига тумшуксимон ўсимта билан елка ўсимтаси ўртасидаги мускулга, икки бошли ҳамда елка мускуллари ҳаракатлантирувчи толаларни беради. Сезувчи толалар билакнинг ташқи тери нерви билан билакнинг ташқи ва қисман олди терисини нерв билан таъминлайди.

5. *Елканинг ички томон териcига борувчи нерв* (*p. cutaneus brachii medialis*) ички поядан тарқалади. Сезув нерви елканинг ички томонидаги терини иннервация қиласы.

6. *Билакнинг ички томонига борувчи нерв* (*p. cutaneus antibrachii medialis*) ички поядан чиқади. Сезув нерв толаси билак ички томони терисини иннервация қиласы.

Қовурғалараро нервлари (*p. intercostalis*) II дан XI гача булган күкрак нервларининг олдинги тармоқлари бўлиб, аралаш нервлар қаторига киради. Қовурғалараро ташқи ва ички мускуллар орасидан ўтиб, қовурғанинг ички томонидан пастки эгатида жойлашади. Қориннинг тўғри мускулида тугайди. Ҳар бир нерв ташқи ва олдинга борадиган тармоқларига эга. Олдинга борадиган тери тармоқлари (2 тадан 4 тагача), тақи тармоқлари (4 тадан 6 тагача) аёлларда сут бези терисини иннервация қиласы. Булардан ташқари қовурғалараро күкрак ва қорин терисини, плевра ва қорин пардасини, қовурғалар атрофидаги ва тишисимон мускулларни таъминлайди.

Бел чигали

Бел чигали (*plexus lumbalis*) аралаш нерв бўлиб, I ва III бел, қисман XII күкрак ва IV бел орқа мия нервларининг олдинги шохларидан ташкил топган. Ўзидан бир нечта нервларни чиқаради.

1. *Ҳаракатлантирувчи мускул толалари* (*rami musculares*) белнинг катта ва кичик мускулларига, тўрт бурчакли, уруғдан ҳамда ёнбош суюги билан бел ўртасидаги ва соннинг ички томонидаги мускулларга тарқалади.

2. *Сон нерви* (*p. femoralis*) чигалнинг энг катта аралаш нерви бўлиб, уч тармоққа бўлинади:

а) ҳаракатлантирувчи тармоғи түрт бошли, тикувчи ва тароқсиз мускулларға тармоқданади;

б) сезувчи тармоғи соннинг олдинги ва ички томонидаги тери сига тарқалади;

в) "яширин" номи билан аталувчи энг узун сезувчи тармоғи болдир ички томони терисига тармоқланади.

3. *Ёпилувчи нерв* (*p. abditoatorius*) кичик чаноқ бўшлиғидан ёпилувчи канал орқали сонга чиқади ва атрофдаги мускулларга тарқалади.

4. *Сон ташқи нерви* (*p. cutaneus lateralis*) сезувчи нерв бўлиб, соннинг ташқи томони терисига тарқалади.

5. *Ёнбош қорин ости нерви* (*p. iliohypogastricus*) қориннинг ички қия ва кўндаланг мускуллари ўртасидан ўтиб, шу соҳада қоплаб турган терига тарқалади.

6. *Ёнбош чов нерви* (*ilioinguinalis*) чов каналидан ўтиб, эркаклар ёрғоги терисида ва аёллар ташқи жинсий аъзоси терисида тармоқланади.

7. *Таносил-сон нерви* (*p. genitofemoralis*) икки тармоқли бўлиб, унинг биринчиси чов соҳасидаги терига тарқалса, иккинчиси уруғдонни юқорига кўтарувчи мускулига ва уруғдон пардаларига тарқалади.

Думғаза чигали

Думғаза чигали (*plexus sacralis*) чигалда тарқалган нервлар ичидаги энг йириги бўлиб, белнинг V олдинги шохидан I-IV думғаза ва қисман IV орқа мия нервидан, ҳамда дум нервининг олдинги шохларидан шаклланади, кичик чаноқ бўшлиғи ноксимон мускул олдида жойлашади. Чигал ўзидан қўйидаги тармоқдарни чиқаради.

1. *Кўймич нерви* (*p. ischiadicus*) — аралаш нерв бўлиб, чаноқ бўшлиғидан кўймич суюгининг катта тешигидан ўтиб сонга тушади. Соннинг икки бошли мускули ва сонни танага яқинлаштирадиган катта мускулга тарқалади. Тизза ости чуқурчасига етмасдан унинг тёпа бурчагида катта болдир нерви ва кичик болдирнинг умумий нервларига бўлинади. Иккала нерв болдир ва оёқ панжасининг мускуллари ва терилари асосий қисмларини иннервация қилишда иштирок этади.

2. *Ҳаракатлантирувчи мускул толалари* ноксимон ички ёпилувчи ва соннинг квадратсимон мускулларига тарқалади.

3. *Устки ва пастки думба нервлари* (*nn. gluteus superior et inferior*) думбанинг катта, кичик ва ўрта мускулларига, чаноқ сон бўлими халтасига тарқалади.

4. *Сон орқасининг тери нерви* (*p. cutaneus posterior*) сезувчи нерв бўлиб, думбанинг пастки нерви билан бирга чаноқ бўшлиғидан чиқиб, сон орқа соҳасидаги терисига тарқалади.

Дум чигали

Дум чигали (*plexus coccygeus*) V думғаза ва дум нервларининг олдинги шохларидан ҳосил бўлади. Унинг тармоқлари дум соҳасидаги тери ва орқа чиқарув йўли (*anus*) атрофидаги мускулларни ва терисини иннервация қилади.

НЕРВ ТИЗИМИНИНГ ВЕГЕТАТИВ ҚИСМИ

Вегетатив нерв тизими (*vegetativus*) нерв тизимининг бир қисми бўлиб, барча ички аъзолар фаолиятини, тўқималарда содир бўладиган трофик жараёнларни ихтиёrsиз автоматик равишида бошқариб туради. Организм ички қисмида жойлашган аъзолардан юрак ва қон айланиш тизими, овқат ҳазм қилиш тизими, сийдик ажратувчи тизимлар, нафас олиш каби муҳим тизимлар фаолияти вегетатив нерв тизими орқали иннервация қилиниб амалга оширилади. Вегетатив нерв тизими атамаси 1800 йилда француз олимни М. Бишадан томонидан фанга киритилди. М. Бишада таълимотига кўра умумий нерв тизими организмнинг сезги ва ҳаракатларини келтириб чиқарадиган функцияларни бошқарадиган соматик (онимал) нерв тизимига ва ҳаёт учун асосий функцияларни аниқлаш, нафас олиш, кўпайиш, ўсиш ва бошқалар ишини бошқариб турадиган вегетатив нерв тизимига бўлинади. Вегетатив нерв тизими томонидан идора этиладиган функциялар организмнинг ўз ихтиёрига боғлиқ бўлмайди, яъни одамлар улар ишини ўз ихтиёри билан тўхтата олмайди ёки ўзгартира олмайди. Шу хусусиятни назарга олиб, инглиз физиологи Ж. Ленгли вегетатив нерв тизимига автоном (мустакил) нерв тизими деб ном берди. Бу олимнинг таъкидлашича, вегетатив нерв тизимининг бош мия олий бўлимларидан "автономлиги" (мустакиллиги) жуда нисбийdir, чунки бош мия яримшарлари пўстлоғидан вегетатив нерв тизими марказига келадиган импульслар ички аъзолар ишини ҳам ўзгартириши мумкин.

Вегетатив нерв тизими ўзининг анатомик тузилиши, жойлашиши ва вазифасига кўра периферик, яъни соматик нерв тизимидан фарқланади.

1. Периферик нерв тизими толалари марказий нерв тизимидан чиқиб, тўғри ишчи аъзоларга келади. Вегетатив нерв тизими эса тугунли тузилишга эга. Уларнинг нерв толалари қорин бўшлиғида, аъзолар атрофида ёки ичидаги жойлашган тугунларга бориб тугайди, бу тугунлардан эса иккинчи нейрон бошланиб, тўқима ёки аъзолар тўқимасига бориб тугайди. Демак, вегетатив нерв тизимининг толалари иккита, яъни тугун олди ва тугун кети толаларидан ташкил топган.

2. Периферик нерв тизими бош миядаги тўрт тепалиқдан тортиб, орқа миянинг думғаза қисмигача тартибли ҳолда чиқади. Вегетатив нерв тизими эса марказий нерв тизимининг муайян қисмларидан (ўрта, чўзинчоқ миядан, орқа миянинг кўкрак ва бел қисмларидан) чиқади.

3. Периферик нерв тизими организм ихтиёрига боғлиқ ҳолда аъзо ва ҳаракат тизимларини иннервация қилаади. Вегетатив нерв тизими эса автоном равишида, организм ихтиёrsиз фаолият қилаадиган тизимларни марказий бош мия орқали автоматик равишида бошқариб туради.

4. Периферик нерв тизимининг толалари миелин пардаси билан ўралган бўлиб, нисбатан йўғон бўлади. Вегетатив нерв тизими толаларида миелин парда бўлмайди. Периферик нерв тизими толалари тез қўзғалувчанлик хусусиятига эга бўлса, вегетатив нервлари қўзғалувчанилиги анча-секин ва ритмик ҳолда ишлашга мослашган.

Вегетатив нерв тизими морфофункцияси ва организмда жойлашишига қараб симпатик ва парасимпатик қисмларга бўлинади. Уларнинг функционал фаолиятига қаралса, симпатик нерв тизими функцияси парасимпатик нерв тизими функциясига нисбатан қарама-қарши бўлади. Симпатик нерв аъзолар фаолиятини тезлаштираса, парасимпатик – аксинча, секинлаштиради.

Вегетатив нерв тизимининг симпатик қисми марказлари бўйиннинг VIII сегментларидан бошланиб, белнинг III бел сегментлари орасида кулранг модданинг ёнбош шохларидан бошланади. Бу ердан чиқсан нерв толалари орқа мия олдинги илдизи билан умуртқалараро тешикдан чиқиб, симпатик нерв тугунлар занжирига қўшилган. Орқа миянинг бўйин қисмида – 3 жуфт, кўкракда – 12 жуфт, белда – 5 жуфт, думфазада – 4 жуфт ва думда битта симпатик тугунлари бўйин қисмининг юқориги, ўрта ва пастки қисмларида жойлашади. Уларнинг ҳар биридан нерв толалари кўкрак бўшлиғига тушиб, белларга, юрак чигалига борувчи юрак нервларини чиқаради.

Умуртқа пофонаси кўкрак қисмининг пастки V-XI тугунларидан бошланувчи қориннинг катта ва кичик нервлари диафрагма орқали қорин бўшлиғига тушади ва куёш чигалини ҳосил қиласди. Кўкрак тугунидан атрофга, масалан, аорта атрофида чигалга, юрак ва ўпка чигалига ҳам толалар боради. Умуртқанинг бел қисмида жойлашган 5 та тутун ўзаро бир-бири билан қўшилади. Чаноқ атрофида эса, 9 та тутун бўлиб, ундан бир жуфти дум қисмида жойлашади. Булар атрофида жойлашган аъзоларга ўз толаларини беради.

Парасимпатик қисми бош миянинг ўрта ва узунчоқ мия қисмida, ҳамда орқа миянинг думфазада бўлимида жойлашади. Парасимпатик нервларининг переганглионар толалари симпатик нерв толаларининг переганглионар толаларига нисбатан узун бўлади. Улар III, VII, IX ва X жуфт бош мия нервлари, ҳамда II-IV думфазада нервлари билан биргаликда йўналган бўлади. Одатда парасимпатик нейронларнинг аксонлари аъзо ёнидаги тутунларигача боради.

Бош миянинг кўзни ҳаракатлантирувчи нерви таркибидағи парасимпатик толалар кўзининг силлиқ мускулларига бориб, кўз қорачиини торайтиради.

Юз нервийнинг парасимпатик нерви жағ ости ва тил ости безларига тармоқланса, бошқа бир тармоғи кўз ёши безига, овоз ва бурун бўшлиғи шиллиқ безларига тармоқланади. Қулоқ тутунидан чиқувчи нерв постгангионар аксони қулоқ ости безини иннервация қиласди.

Адаиган нерв парасимпатик қисми шу нерв яроси орқа қис-

мидан чикиб, нерв билан бирга аъзо олди ва ичида жойлашган нерв тутунларига боради ва у ерда иккинчи толалари билан синапслар ҳосил қилиб туташади. Иккинчи нейрон эса аъзолар ичига тармоқданади. Постганглионар нерв толалари парасимпатик қисмлари бўйин, кўкрак ва қорин қисмидаги силиқ мускулларни, ҳамда безларни иннервация қилишда иштирок этади.

Вегетатив нерв тизимининг думғаза қисмидаги парасимпатик қисми орқа мия II-IV думғаза сегментида жойлашади. Орқа мия олдинги шохлари билан биргаликда ички ва ташқи жинсий аъзоларга қараб йўналади. Чаноқ тутунлари нервлари билан синапслар ҳосил қилиб туташади ҳамда силиқ мускул ва безларни иннервация қиласди.

Юқорида қисман айтиб ўтилган вегетатив нерв тизими фиалиятини катта яримшарлар пўстлоги, пўстлоқ ости ядролари, гипоталамус, ретикуляр формация ва мияча бошқариб туради. Пўстлоқ ости ядроларида, хусусан тарғил танада, симпатик ва парасимпатик ядроларга таъсири қиласидиган нейронлар жойлашади.

Такрорлаш учун саволлар


1. Нерв тизими хақидаги умумий тушунча.
2. Марказий, периферик нерв тизимлари.
3. Рефлекс ёйининг турлари.
4. Орқа миянинг ташқи ва ички тузилиши, сегментлари.
5. Бош миянинг умумий тавсифи.
6. Узунчақмия ва унда жойлашган нерв ядролари.
7. Мияча, унинг тузилиши, вазифаси.
8. Тўртшинчи мия қоринчаси, жойлашган жойи.
9. Учинчи қоринча миянинг қайси жойида жойлашган?
10. Яримшарлар эгатлари, ёриқ ва пушталари.
11. Мия пўстлогининг тузилиши ва вазифаси.
12. Ён қоринча ўрни, тузилиши.
13. Орқа ва бош мия узунилиги.
14. Бош мия нервлари.
15. Орқа мия нервлари.
16. Орқа миянинг олдинги ва орқа шохлари.
17. Бўйин ва елка чигалининг ҳосил бўлиши.
18. Думғаза чигали, иннервацияси.
19. Вегетатив нерв тизимининг тузилиши.
20. Симпатик ва парасимпатик қисмлар, уларнинг анатомик ва физиологик фарқлари.
21. Симпатик ва парасимпатик нерв марказлари.

ЭШИТИШ ВА МУВОЗАНАТ АЪЗОСИ

Эшитиш ва мувозанат аъзоси (*vestibulo-cochlearis*). Эшитиш аъзоси уч қисмдан ташкил топган бўлиб, буларга ташқи, ўрта ва ички қулоқлар кирса, мувозанат аъзоларига ички қулоқларнинг бир қисми (лабиринт) ва унинг даҳлиз қисми, ҳамда ярим ҳалқасимон каналлари киради.

Ташқи қулоқ

Ташқи қулоқ (*aurea externa*) товушни қабул қилувчи аппарат бўлиб, қулоқ супраси ва ташқи эшитиш йўлидан ташкил топган (73-расм). Дастреб тимсоҳларда пайдо бўлиб, сут эмизувчиларда ва одамларда яхши ривожланган. Қулоқ супраси скелети асосан эластик толалардан ташкил топган эластик тоғайдан иборат. Шунинг учун букилиш ва чўзиљувчаник хусусиятига эга. Одамларда қулоқ мускулатурасиrudiment ҳолга ўтиб қолган бўлса, айрим сут эмизувчиларда яхши ривожланиб сақланиб қолган, мускуллари ёрдамида қулоқ супрасини ҳар томонга бураб товуш тўлқинларини эшитиб олишга мослашган. Қулоқ супраси периферик қисми ички томонга қайрилиб бурма ҳосил қиласди. Шундай бурмалар қулоқ супрасининг пастки қисмларида ҳам ҳосил бўлиб, бу бурмалар орасида эгатлар шакланади. Бу бурмалар ва эгатлар мухим аҳамиятта эга бўлиб, товуш тўлқинларини қабул қилишга ва уларни ташқи эшитиш йўлига йўналтириб беради. Бурмаларнинг пастга қараб йўналган учлари сийрак бириктирувчи ва ёф тўқимасидан ташкил топган бўлиб, унга қулоқ юмшоқ қисми (*tragus*) номи берилган. Аёллар худди шу қисми-



73-расм. Эшитиш аъзоси
(кешилган — схема).

1 - қулоқ супраси; 2 - ташқи эшитиш иўли; 3 - июара парда; 4 - ўрта қулоқ бўшлиғи; 5 - эшитиш нағи; 6 - чиқанок; 7,9 - яримююра каналлари; 8 - чакка суюғи; 10 - узаниғи; 11 - саплон.

ни тешиб ёки тешмасдан унга ҳар хил тақынчоқлар тақиб юради-
лар. Қулоқ ташқи эшитиш йўлидаги кириш қисмида жойлашган
бўртик дўмбоқча деб ном олган.

Ташқи эшитиш йўли найсимон шаклда бўлиб, узунлиги 30–35 мм.,
диаметри 0,8 мм. га teng, лотинча "S" ҳарфига ўхшаш тузилишга
эга. Бошланиши – ташқи қулоқ тешигининг кириш қисми, ички
томондан эса – ногора парда ҳисобланади. Эшитиш йўли ташқи
гомони тоғайдан ташкил топган бўлиб, уни кўл билан тортиб тўғри-
лаб қўйиш мумкин. Ички қисми эса суяк тўқимаси ичида жойла-
шади. Ички юзлари тукли кўп қаватли мутузланувчи эпителий
 билан қопланган бўлиб, деворида олтингутуртга бой ёф моддасига
ўхшаган секрет ишлаб чиқаради.

Ўрта қулоқ

Ўрта қулоқ (*auris media*) ногора бўшлиғи, эшигув суюклари ва
Евстахий найчасидан ташкил топган. Ўрта қулоқнинг ногора
бўшлиғи ташқи қулоқдан ногора парда билан ажралган бўлади.
Ногора бўшлиғи чакка суюгининг пирамида қисмидаги бўшлиқ
бўлиб, ташқи, ички, юқориги, пастки, олдинги ва орқа деворларга
эга. Ногора бўшлиғида жойлашган болғача, сандон ва узанги ном-
ли эшитив суюклари ўрта қулоқнинг энг муҳим қисми ҳисобланади.
Болғача дастаги билан ногора пардага кирган болғачанинг икки
томонидан бўғим ҳосил қилиб, сандонга тулашиб туради. Сандон
узанги билан бирлашган. Узанги овалсимон тешикка тақалиб, уни
беркитиб туради. Ўрта қулоқ Евстахий найи воронкасимон шакл-
да бўлиб, узунлиги 30–40 мм. га teng. Иккинчи учи ҳалқум билан
тулашиб воронкасимон кенгайган қисми орқали ўрта қулоқка
очилган бўлади. Най ички қисмидаги босим ташқи муҳит босими
 билан доимо тенглашиб туради.

Ички қулоқ

Ички қулоқ (*auris interna*), ёки лабиринт, чакка суюгининг пи-
рамида қисмидаги жойлашган бўлиб, ташқи суяк ва ички парда қисм-
ларидан ташкил топган. Асосан ярим ҳалқасимон учта канал, ла-
биринт даҳлизи ва чиганоқ қисмлари тафовут қилинади. Суяк ла-
биринт даҳлиз бўшлиғи тешикчалари орқали ўрта қулоқ билан
қўшилган бўлади. Шу билан бирга тешикчалар ва ҳалқасимон ка-
налчалар ёрдамида уч хил, яъни сагитал, фронтал ва горизонтал
текисликда суяк ярим ҳалқасимон каналлари жойлашади. Улар
биргалашив даҳлизга очилади.

Чиганоқ (*cochlea*) турли ҳайвонларда ўзига хос бўлади ва 2,5
тадан 4 тагача урам ҳосил қиласди. Одамларда эса 2,5 та бурмадан
ташкил топган. Чиганоқ эшитиш аъзосининг асосий қисмини таш-
кил қиласди. Чиганоқ каналининг марказида уч қиррали парда чи-
ганоқ йўли бўлиб, унинг юқорисида ва шастида спирал шаклида
йўналгап каналчалар, нарвонлар ва ногора парда каналчаси жой-
лашади. Булар чиганоқни учидаги учрашидилар. Чиганоқнинг парда

йўлида Корти эшитиш аъзоси рецептор аппаратлари жойлашиб, улар воситасида импульслар эшитиш нерви орқали мияга боради.

Эшитиш жараёнининг ҳосил бўлиши. Кулоқ супраси орқали қабул қилинган товуш тўлқинлари ташки эшитув йўли орқали ноғора пардага боради. Ноғора парда товуш тўлқинларига мос равишда тебранади. Бу тебранишлар болғача ва сандон орқали узангига ўтади. Натижада ноғора парда тебранишлари сүяқчалар орқали ўтиб, овал тешикдаги мембронага бир неча марта ортиқ куч билан таъсир қиласди. Бу тўлқинлар аввал дарча мембронасининг қаршилигини енгиб, чиганоқнинг юқори ва пастки каналлари, яъни дахлиз нарвончаси билан ноғора нарвончасидаги перилимфани ҳам тегбратади. Перилимфа ва эндолимфалар тебранишлари юқори канални пастки каналдан ажратиб турадиган асосий мембронанинг тебраниши билан бирга давом этади. Асосий мембронанинг тебранишини Корти аппаратининг киприкли ҳужайралар рецепторлари сезиб, уни импульсга айлантириб беради ва бу импульс эшитув нерви орқали марказий нерв тизимига етказилади. Нерв импульси пўстлоқда анализ-синтез қилинганидан сўнг эшитиш ҳисси ҳосил бўлади ва одам эшитади. Эшитув аъзоларида адаптация, яъни мосланиш жараёнлари кузатилади. Узлуксиз келаёттан кучли товуш тўлқинларига мосланиши мумкин, лекин адаптация ҳам муайян чегарага эга.

КЎРИШ АЪЗОСИ

Кўз ўзига хос тузилишга ва функционал хусусиятларга эга бўлиб, бир неча қисмлардан ташкил топган мураккаб аъзо ҳисобланади. Кўз калла суюгининг кўз косасида жойлашган кўз соққаси, кўрув нерви ва ёрдамчи ҳимоя аппарати бўлмиш кўзнинг мускуллари, фасцияси, томир ва нервларидан ташкил топган.

Кўз соққаси (*bulbus oculi*) фиброз, томир ва тўр пардаларидан, ҳамда уларнинг ичидаги нур синдирувчи кўз соққасининг ядро-сидан иборат (74-расм).

Фиброз қавати ташки пишиқ қават бўлиб, ўз навбатида икки қаватдан ташкил топган бўлади.

1. Оқ парда (склер) бириктирувчи тўқималардан ташкил топган. Кўз очилганда оқ бўлиб қуринадиган қисми. Орқа томонида кўриш нерви тешигига эга.

2. Шох пардада қон томирлари бўлмай, кўплаб сезувчи нервлар гармоқланган. Шох парда орқали ёргулик нурлари қаршиликсиз кўз соққасига ўтади.

Иккала парданинг бириккан қисмида айлана шаклида вена канали кузатилади.


Томирли (ўрта) парда (*tubica vasculosa bulbis*) томирлар ва пигментта бой парда бўлиб, оқ парда остида жойлашади, уч қисмдан ташкил топган. Буларга томирли парда, кўпикли тана ва рангдор

пардалар киради. Томирли парда (*chrioidea*) кўз ўрта пардасини ташкил этади. Киприкли тана (*cotpus ciliare*) томирли парданинг олдинги шох соҳасида жойлашган қисми бўлиб, орқадан томирли парда, олдидан рангдор парда билан чегараланади. Рангдор парда (*iris*) ўртасида тешик — кўз қорачиғи (*papilla*) жойлашади.

Рангдор парда таркибидағи пигментлар микдорига қараб ҳар хил рангда бўлади. Пигмент кўп бўлса — кўз қора, камроқ бўлса — зангори, бутунлай бўлмаса — қизил бўлади.

Кўз қорачиғи атрофида узунасига ва кўндаланг ҳолда йўналган кўз қорачиғини кенгайтириб ва торайтириб турадиган силлиқ мускул толалари жойлашади. Бу мускуллар вегетатив нерв тизими орқали иннервация қилинади. Кўз қорачиғини торайтирувчи, кўзни ҳаракатлантирувчи — парасимпатик нерв бўлса, кенгайтирувчи мускулни симпатик нерв таъминлайди.

Тўр парда (*retina*) кўз соққасининг охирги ички пардаси бўлиб, унинг ички юзаси кўз соққаси бўшлиғида жойлашган шишасимон танага қараган бўлади, ташки юзаси эса томирли пардага ёпишиб туради. Тўр парданинг ташки қаватида асосан пигментлар жойлашса, ички ҳақиқий тўр қаватида нурларни қабул қилувчи нервлар жойлашади. Тўр парда мураккаб микроскоп тузилишига эга. У ерда нерв ҳужайра-ларининг таёқча ва колбача шаклидаги ўсиқлари жойлашади. Таёқчалар нурларни қоронги пайтда қабул қилса, колбачалар эса ёруғ пайтда таъсирланади. Тўр парданинг сўнгги қаватларида жойлашган нерв аксонлари мажмуаси кўриш нервини ташкил этади. Кўриш нерви ши-



74-расм. Кўз соққаси.

1 - шох парда; 2 - олдинги камера; 3 - рангдор парда; 4 - орқа камера; 5 - кўз гавҳари; 6 - бойламлар орасидаги ёриқ; 7 - киприкли тана; 8 - шишасимон тана; 9 - тўр парда; 10 - томирли парда; 11 - оқ парда; 12 - марказ чукурча; 13 - кўриш нерви чукурчаси.

нерви түр пардасининг орқасига чиқиш тешиги бироз чуқурлашган бўлиб, унга нерв сўргичи номи берилган. Унинг ташқи томонида тасвири аниқ, кўрсатиб бериш нуқтаси – сариқ доф колбачалари ташкил топган бўлса, у ердан узоқлашган сари ўрнини таёқчалар эгаллайди. Кўриш нерви шу номли тешик орқали калла саяги бўшлиғига чиқиб кесишиади.

Кўз соққасининг нур синдирувчи аппаратлари

Бу аппаратлар шишасимон тана, кўз гавҳари ва шох пардадан ташкил топган. Ўчаласи ҳам ёруғликни синдириш хусусиятига эга.

Шишасимон тана (*cortex vitreum*) кўз соққаси ичида жойлашиб, тиниқ юмшоқ моддадан ташкил топган гавҳар билан түр парда ўртасидаги бўшлиқни тўлдириб турадиган аъзодир. Шишасимон танада қон томирлари учрамайди, думалоқ шаклда бўлиб, олдинги қисмида кўз гавҳари учун мўлжалланган ботиқ бўлади.

Кўз гавҳари (*lens crystallina*) икки томонлама қавариқ линзага ўхшайди. Тиниқ моддадан ташкил топган. Гавҳарнинг уст томонидан бириктирувчи бойламчалар келиб ёпишиади. Бойламчаларнинг тортилиши ёки бушатилиши гавҳар яссиланишини ёки ўз ҳолига қайтишини таъминлайди. Бойламчалар икки қават бўлиб, ораларидаги бўшлиқда суюқлик жойлашади. Бойламчалар тортилганда, гавҳар яссиланиб, узоқни курсатади, бушашганда ўз ҳолига қайтиб, яқинни курсатади.

Кўз соққасининг шох пардаси (*cortex*) марказида кўзниң олди кутби, орқа, яъни кўз нервининг чиқиш жойидан четроқда эса орқа қутби жойлашади. Иккала қутблар оралиғи тахминан 24 мм. бўлиб, унга кўз соққасининг ўқи дейилади.

Ёруғлик нурлари нерв учлари жойлашган түр пардага тушишдан олдин шох парда, олдинги камера суюқлиги, гавҳар ва шишасимон танани кетма-кет босиб ўтади.

Кўзниң ёрдамчи аппаратлари

Кўз соққасининг ҳаракатланишида б та кўз мускуллари иштирок этади. Буларга тўртга: юқориги, пастки, ички ва ташки тўғри, ҳамда иккита юқориги ва пастки қийшиқ мускуллар киради.

Тўртта түр мускуллар қисқариб, кўз соққасини тўрт томонга – юқорига, пастга, ичкарига ва ташқарига тортса, қийшиқ мускуллар кўз соққасини ҳар томонга айлантиради. Булардан ташқари юқориги қовоқни кўтарувчи мускуллар ҳам жойлашган.

Кўз қовоқлари

Юқориги ва пастки қовоқлар кўз ёригини чегаралайди ва бутунлай ёпиб туради. Асосан тери бурмаларидан ташкил топган. Ташки томони мугузланувчи кўп қаватли тери эпителийисидан ташкил топган бўлса, ички томони шиллик парда билан қопланган бўлиб, унга конъюктива деб ном берилган. Шиллик қаватда

күплаб оддий безлар жойлашган, уларнинг чиқарув каналчалари ички юзасига очилади, кўз соққасининг устки юзасини намлаб туради. Қовоқларниң четларида киприклар жойлашади. Юқори қовоқнинг тепасида қошлиар жойлашиб, бошдан оқиб тушади – ган тер ва сувлардан ҳамда чанглардан кўзни сақлаб туради.

Кўз ёши аппарати

Кўз ёши аппарати ёш суюқлигини ишилаб берувчи без ва ёш суюқлигини ўтказувчи йўлдан ташкил топган.

Кўз ёши бези (*glandula lacrimalis*) кўз косасининг юқориги, ташқи бурчагида, кўз ёши чуқурчасида жойлашади. Кўз ёши йўлчалари орқали конъюктива халтасига тушади. Ортиқча кўз ёши бурун кўз ёши канали (*canalis nasolacrimalis*) орқали бурун бўшлиғига оқиб тушади. Кўз ёши кўзниң шох пардаси ва шиллик қавати юзаларини намлаш ва чанглардан тозалаш билан бирга бактерицид хусусиятига эга.

СЕЗГИ АЪЗОЛАРИ

Одамларниң кундалик ҳаётида ташқи ва ички муҳитдан тинмай келиб турадиган таъсиротларни идрок этиб, анализ (таҳдил) қиласидиган мураккаб нерв механизмларидан иборат анатомик-физиологик тизимлар – анализаторлар деб ном олган. Анализаторлар катта яримшарлари пустлоғида жойлашиб, барча сезги аъзолари билан марказга интигувчи сезги нерв тизими билан алоқада бўлади. Анализаторларниң периферик учларига рецепторлар дейилади.

Ҳар хил таъсиротларни (тери, қулоқ, кўз, таъм, ҳид билиш) ташқаридан қабул қиласидиган рецепторлар экстрорецепторлар деб аталади.

Ички аъзолардан келувчи таъсиirlар интрорецепторлар томонидан қабул қилиниб, узатиб берилади. Бу аъзолар вегетатив нерв тизими орқали иннервация қилинади.

Скелет мускуллари, пай ва бўғимларниң юзасидаги мускуллар қисқаргандан ёки тарапглашиб бўшашганида сезиб берадиган рецепторларга проприорецепторлар дейилади.

ТЕРИ АНАЛИЗАТОРЛАРИ

Тери (*cutis*) иссиқ ва совуқни, атмосфера босимини, оғриқни, бирор нарса тегилганида сезиб боришни таъминлайди. Терида сезиб берадиган рецепторлар жойлашади. Тери рецепторлари организм юзасининг турли қисмларида ҳар хил миқдорда учрайди. Кўпроқ таъсиirlарга дуч келадиган бош ва оёқларда анча зич жойлашса, камроқ тегадиган жойларда (орқа, чов соҳаларида) сийрак бўлади.

Одам терисининг юзаси ўрта хисобда $1,5\text{--}2,0 \text{ м}^2$. ни ташкил этади. Тери организмда муҳим вазифаларни бажаради. Буларга ҳимоя, ҳароратни таъминлаш (терморегуляция), нафас олиш ва модда алмашинувида иштирок этиш киради. Терини ёғ безлари маҳсулоти юмшатиб турса, тери орқали бир суткада 500 мл. га яқин сув ва

чиқинди азот моддалари чиқарып берилади. Қуёшнинг ультрабинафша нурлари таъсири натижасида терида "Д" витамини синтезланиб берилади. Уларнинг етишмаслиги раВит касаллигига олиб келади. Одам териси мураккаб тузилишга эга тўқима бўлиб, микроскопик тузилиши бўйича иккита йирик: эпидермис ва дерма қаватларини ташкил этади. Ҳар бир қаватнинг ўзи яна бир нечта қаватларга бўлинади. Эпидермис ва дерма қаватларининг ўртасида базал мембрана ётади.

1. Эпидермис тери юза қаватини қоплаб туради. Асосан ҳар хил тузилишга эга ҳужайралардан ташкил топган қаватларни ташкил этади. Тери энг устки қаватини мугузланувчи ҳужайралар қавати ташкил этади. Улар тўқилиб туриш хусусиятига эга. Бунга терида содир бўлиб турадиган физиологик регенерация дейилади.

2. Дерма ёки хусусий тери қавати аниқ чегараларга эга бўлмаган ўзига хос структуравий тузилишига ва өазифасига қараб бир нечта қаватлардан ташкил топган.

Сўргич қавати бевосита эпидермис қавати остида жойлашади. Бу қават бир текисда жойлашмасдан ўсиқлар ҳосил қилиб тузилган. Ўсиқлар эпидермис қаватига ўсиб киради. Сўргич қавати коллаген, эластик ва ретикулин толаларидан, макрофаг, меланофор, плазматик ва семиз ҳужайралардан ташкил топган. Бу қаватда учрайдиган мускул тутамлари соч илдизларига туташган ҳолда жойлашган. Дерманинг сўргич қаватида қон ва нерв охирлари учрайди. Томирлари эпидермис қаватини ҳам озуқа моддалари билан таъминлайди.

Дерманинг тўр қавати зич толали шаклланган бириктирувчи тўқимадан ташкил топган. Таркибида қон томирлари ва айрим ҳужайралардан ташқари соч илдизлари, ёғ безлари, тери ости ёғ қатлами ва тери безлари жойлашади. Терининг тўр қавати ниҳоятда зич ва пишиқ тузилишга эга бўлиб, айрим ҳайвонлар терисидан турли анжомлар ва киёним кечаклар ясалади ва тикилади.

Тери пигменти ҳамма одамларда бўлиб, турли миқдорда учраши мумкин. Терига ранг бериб турувчи меланин моддасини меланоцит ҳужайралари ишлаб беради. Бу ҳужайралар эпидермис ва дерма қаватларида учраши мумкин. Меланин ультрабинафша нурларини кучли равишда ютиш хусусиятига эга бўлиб, организмни бу нурлар таъсиридан сақлаб туради.

Эркин Қодиров

ОДАМ АНАТОМИЯСИ

Мұхаррирлар *C. Мұминов, A. Абдураҳмонов*

Бадий мұхаррир *A. Азизов*

Тех. мұхаррир *D. Кузовлев*

Мусақхана *M. Шокирова*

Сағифаловчи ва дизайнер *A. Авазов*

Toшкент, "Chinor ENK" нашириети

Босишига рұхсат этилди 20.08.2003. Бичими 60 x 84/16. Гарнитура

"BalticaUz", Шартты босма табоқ 19,0. Адади 1000 нұсха.

Бағоси көлишилгән нархда. Буюртма № 12-03/03.

"Chinor ENK" босмахонасида босилди.

